

ҚАМЧИБЕК КЕНЖА

*САЙЛАНМА*

*II китоб*

*Ҳикоялар  
Қисса  
Адабий муроҳазалар  
Дилда түгилган гаплар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАХРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2007


10 33865  
283/2

## Кенжә Қамчибек

Сайланма. 2-китоб: Ҳикоялар, қисса, адаб. мұла-  
хазалар, дилда түгилған гаплар. — Т.: «Шарқ», 2007. —  
368 б.

ББК.84(5У)

ISBN 978-9943-00-047-6



© «Шарқ» науриёт-матбаса акциядорлик компанияси  
Бош таҳриряти, 2007.

# Хикоялар

## БАЛИҚ ОВИ

Мен биринчи синфда ўқирдим, акам еттинчидә ўқирди. Кишлоримиздан нарида поёnsиз түқай бўлиб, ҳали зовуrlар қазилмаган, захоб сувлар куритилмаганди. Катта-кичик булоқларда, айниқса, Димарикда (димланиб оққани учун шундай дейишарди) балиқ мўл эди. Сув кўпайганда хатто түқай ичидаги шолипояларга ҳам балиқ чиқиб қоларди. Түқай гўё қишлоқ ахлига табиатнинг муруввати, инъоми эди. Ҳар шанба ва якшанба кунлари бу ерга ўсмирлару йигитлар тўлиб кетарди. Ким қармок кўтарган, ким тўр судраган...

Отам колхозда хўжалик мудири эди. Уйимизга тез-тез меҳмон келиб туради. Ҳар сафар ҳар хил кишилар: орик, семиз, новча, пакана, мўйловли, мўйловсиз... Уларнинг кўпини танимасам-да, ўзимда йўқ севиниб кетардим. Чунки меҳмон келса, акам иккимиз албатта, тўқайга жўнардик. Мен акамнинг балиқ овлашини кўришга ишқибоз эдим. Бу соҳада у устаси фаранг эди. Тўрдаям, санчикдаям балиқ тутиб, бир зумда пакирни тўлдиради. Ҳеч нарсадан, илондан ҳам қўркмасди. Илон кўрдими, тамом, уни думидан ушлаб, айлантириб-айлантириб отиб юбормагунча кўнгли жойига тушмасди.

Мехмонлар одатда учта-тўртта бўлиб келишарди. Факат бир киши ҳамиша отам билан кираради. Факат шу одамгина менга ёқмасди. Гавдаси бесўнакай, ранги совук, чақчайган кўзларига карашга юрагим дов бермасди. Мўйлови ҳам бошқаларникига ўхшамас, лабининг икки че-тида осилиб туради. У менга дағал овозда: «Ҳа, Қоравой, юрибсанми», деб кўяр, пешонамга тушган калта сочимни кўйнинг жунини чамалаб кўргандай ғижимлаб, эркалаган бўларди. Бошим зирқираб, кўзларимдан ёш чиқиб кетай дерди. Лекин сир бой бермай, гапига ҳам жавоб қайтармай, ерга қараб тураверардим. Кейин у кизларнинг майдада сочидай ингичка ўрилган ва учи чачала қилиб тугилган камчисини «Ma!» деб узатарди. Мен уни айвон устунидаги

михга илиб қўядим. Балиқдан кейин палов хам ейилиб бўлгач, у мени чакирарди: «Коравой, кани, қамчини опкечи». У панжалари орасидан сизиб тушаётган ёғни қамчин дастасига суртиб-суртиб, яна менга кайтариб бергач, кафтини чарм этигининг кўнжига ишқалай бошларди. Сўнг товокка чой қуярди-да, айлантириб-айлантириб, хўрда ичгандай хўриллатиб симириб юборарди. Ҳаммасидан хам унинг балиқ ейишни томоша киладиган эди. У баликни кўп ва жуда тез ошар, бирок кам нишхўрд чикарарди. Нима бало, қилтаногини ҳам ютиб юборармикин, деб ҳайрон бўлардим. Лукмани ютаётганида, кекирганида ҳикилдоғи ўйнаб турагар, учи ингичка ва узун мўйловлари оғзига кириб кетар, лекин у чайнашдан тўхтамаган ҳолда бош бармоғи билан чиқариб қўяди.

Дастурхонга фотиха ўқишигач, отам: «Қани, Комронбек!» дерди. Мехмоннинг оркамдан: «Шу ўғлингиз эпчилиб, чаккон, улокка тушадиган йигит бўлади-да», деганини эшишиб, қадамимни тезлатордим. Дарвозахонамиз устунига боғланган отнинг эгари кошига илиғлик кора, йилтирок корзинкани бир сакрашда олиб, зум ўтмай отамга етказардим. Отам унга пиширилмасдан олиб қўйилган баликларни қофозга ўраб солиб қўяди. Мен эсам қамчини олиб, гизиллаганимча отни кўчага етаклаб чиқиб ушлаб турадим.

Акамнинг-ку, уни кўришга кўзи йўқ эди-я, ҳатто опам ҳам: «Яна кепти баликхўр киши», деб минғирларди. Ўчкбошидан жилмайдиган онам хурсандми ё хафами – билолмасдим, тўғриси, энди эсласам қизикмаган эканман. Фақат бир марта опам тандирга ўт қўяётганида, унинг: «Қовоғингни оч, Саломат, отанг сезиб қолса, дилингни сиёҳ қиласи», дегани қулоғимга чалинган.

«Баликхўр» бизникига охирги сафар келганида эрта баҳор эди. Ўша йили қаттиқ бўлган кишининг ҳали заҳри кетмаганди. «Балиқхўр» биринчи марта кўпчилик билан келди. Шериклари хам ўзига ўхшаган қориндор-кориндору факат мўйловлари йўқ эди.

Отам меҳмонларни катта уйга ўтқазиб, ҳаммамиз тиқилиб ўтирган даҳлизга қайтиб чиқди-да, паст овозда иш тақсимлай кетди:

– Онаси, дарров суюқ ошга урин, кўй ёғидан кўпроқ тўғрамчилаб, жазла. Саломат, баланд сўридаги узум, анордан олиб туш, ковунданам, эски чакмонга ўраб қўйганман. Кейин қўшнилардан қатик топ, кўпроқ. Бўла қол, оёғингни

кўлингга ол. Комил, укангни бошла тўқайга. Жонлирок тутиб келинглар. Судралмай, илдамроқ кимирла.

Акам анграйиб отамга, кейин кўзларини мўлтиратиб онамга каради.

— Шундай совукда-я... — онам акамдан кўз узмай, юрак ютиб, аммо журъатсиэгина шундай деди.

— Хеч нарса қилмайди, тўрда овлашади. Атайлаб баликхўрликка келишган. Қани, нонингни опке, чойни тезлаштир. — Отам онамнинг олдига борди-да, унинг қулоғига бир нарсалар деб шивирлади. Бу гап онамга ёқмади шекилли, пешонасини тириштириди.

Акам ҳамон жойидан кимир этмас, кўзларини ўчоқда гувиллаб ёнаётган оловга қадаганича киприк қоқмай турарди. Ўша пайтда унинг хәёлидан нималар кечгани менга хозиргача қоронғи. Катта уйга кириб кетаётган отам қўлини эшик тутқичига узатганча тўхтаб қолди, кифти оша акамга қаради ва анча силлиқлашган товушда: «Иссиқрок кийинвол, ўғлим...» деди-ю, шахт билан тутқичга ёпишди. Лекин ичкаридан эшикни оҳиста ва зич ёпди.

Чойгумдан чойнакка қайноқ сув куяётган онам: «Сал кун илиганда келишсаям бўларди, тўқайга ўт тушиб, балик кирилиб кетмасиди», деб ғудранди. Кейин у бизга зўрлаб икки пиёладан иссиқ чой ичирди, қалин кийинтириди.

Тўғриси, шу пайтда балиқ овига менинг ҳам хеч-хеч тобим йўқ эди. Акам йўлдаги тош-кесакларни жаҳл билан тепиб кетар, ўзича тўнғиллар, мен кунишганча унинг оркасидан индамай тўр судраб борардим.

Арикларнинг бўйларида, марзаларда кўклам нишонаси — ялпизлар бодрок-бодрок бўлиб уна бошлаган, бақаларнинг «вақ-вақ»и авжиди. Чимзорлардаги кузда ўт кўйиб куйдирилган ажрикларнинг томирларидан чикқан янги, яшил барра гиёҳлар ер бағридаги хаётнинг кайтадан жонланганидан далолат берарди. Сўппайган ковжироқ қамишлар изғиринли баҳор шамолида бир-бирига урилиб ноҳуш овоз таратарди. Икки лаби кўкариб қолган Димарик хали хеч ким ва хеч нима лойқалатиб улгурмагани учун тип-тиник, билинар-билинмас, майнин чайқалиб ётарди. Сув остида онда-сонда майда балиқчалар кўзга ташланиб қоларди.

Акам Димарикнинг торрок жойига тўр солди. Мен ариқнинг қўйирогига бориб, узун калтак билан баликларни тўр томон ҳайдай бошладим. Сув бир зумда коп-кора бўтанага айланди. Акам тўрни кўтарди. Ҳавода бир неча

майда чавақ ялт-юлт этди-ю, сувга тушиб кетди. Қайтадан түр солдик. Бу сафар биронтайм илинмади.

— Хали баликлар камаридан чиқмапти, — деди акам пўнриллаб.

— Энди нима бўлади?

— Нима бўларди, камарга тушаман-да.

— Совуғ-у, ака!

— Нима қиласман! Балиқ топиб бориш керак барибир.

Акам отамнинг гапини икки қилмас, бошлаган ишини албатта охирига етказарди. «Фалон нарса битмай қолди» ё «йўқ экан», деганини билмайман.

Яна бир марта уриниб кўрганимиздан кейин акам тўрни қўрикка отиб юбориб, ечина бошлади. Акамга Димариқдаги, умуман, тўқайнинг ҳамма булок ва арикларидағи балиқ камарлари беш қўлдай маълум эди. У Димарикнинг чукур-рок жойини, балиқнинг камарини мўлжаллаб шўнгиди. Сув тиник бўлгани учун унинг харакатлари аник кўринарди. Тўғри бориб пўсти қолмаган, сув ялаб ўтаётган тол тўнкаси тагига кўл сукди. Амфибия одамдай сув остида ҳар замонда оёкларини силтаб, муаллак холда анча туриб қолди, кейин орқасига тисарилиб, сув бетига отилиб чиқди. Унинг икки қўлида бир ярим-икки кариҷеладиган иккита зогора балиқ типирчиларди. Акам уларни кирғокка ирғитиб яна шўнгиди. Кейин яна... Афтидан, улгуржи балиқ топиб олганидан у ўзида йўқ хурсанд, совукни ҳам унугтган эди. У ҳар гал балиқни менга ташлаётиб: «Нечта бўлди?» деб сўрарди-ю, лекин жавоб кутмай шўнгигиб кетарди. Ўн бештага боргандада акам сувдан чиқди. Бадани корда ишқалангандай қип-қизариб кетган, дағ-дағ калтирас, тишлиари бир-бирига тегиб такилларди.

Ўйга етгунча юргиллаб келдик. Акам дахлизга кирди-ю, ўзини сандалга урди. Онам: «Бечора болам-эй», деб унинг юзларини, кўкракларини, қўлларини ишқалади, иссиқ чой ичирди, устига якандозлардан ташлади, сандалга яна икки хокандоз ўт солди. Акам: «Совқотяпман, жунжикиб кетяпман», деб бир оз ётди-ю, ухлаб қолди.

Балиқни опам иккаламиз айвонда тозалаб бериб турдик, онам қовуришга тушди. Отам тайёр бўлганини пешмапеш ичкарига олиб кириб кетарди. Мехмонлар жуда хурсанд: хохолашар, айниқса, «балиқхўр»нинг кулгиси момогулдиракдай уйнинг деразаларини зириллатиб юборарди.

— Мана, Бўронбекнинг ўғли кишда муз тешиб бўлсаям балиқ тутиб беради, демадимми сизларга!

— Отасининг ўғли-да. Танти, улфати одамнинг фарзанди-да.

— Ҳа, ҳамма гап отасида.

Қизик гап бўлмаса ҳам кийкириқ, кулги кўтарилди.

— Мана энди бундан буёғи балиқ сайли, — яна «балиқхўр»нинг овози эшитилди. — Қачон десанглар келаверамиз. Биродаримизнинг эшиги ҳамиша очик. Биз эски қадрдомиз.

Мехмонлар коронғи тушганда кўзғалишди.

Эшик очилиб, оstonада «балиқхўр» кўринди. У чайқалиб кетишдан эҳтиёт бўлгандай, кулочини кериб, иккни кўли билан эшик кесакиларидан ушлаб олганди. Унинг пашша қўнса сирғалиб кетадиган силлик бошида тер ялтипар, гўштдор, кора юzlари чўғдай қизариб, кўзларининг оки жигарранг тусга кира бошлаганди.

— Келин! Рахмат... Аммо-лекин ошни қийворибсиз. Бу... бизи қаҳрамон кўринмайди?.. Ие, ухлаб қопти-да, ҳах, майли, дамини олсин.

У оҳиста қадам ташлаб сандал ёнига келди. Энгашмоқчи бўлганди, қорни халақит берди. Амаллаб қўлини акамнинг жарига етказиб, эркалаган бўлди:

— Шоввоз йигит, ботир йигит... Ўғилдан берган-да, сизларга... Мана шу Комилбек бор деб келамиз-да, биз... Яшаворсин азамат. Балиқни зўридан тутибди. Маза килдик...

Мехмонлардан бири уни енгидан тортиб ташқарига етаклади.

Бу пайтда онам ўчок олдида бошини ҳам қилганича юзини ярим яшириб ўтирас, отам эса пиширмай олиб қўйилган балиқларни қора корзинкага жойлаш билан овора эди.

Мехмонлар бир-бирларини қўлтиқлашиб кўча томон юришди. Пичан еяётган отларини тимирскиланиб ечишида, сувлигини ҳам солмай эгарга ёпишишиди.

Отларнинг «така-тук»и анчагача эшитилиб турди.

Қайтиб кирганимда уйнинг деразалари ланг очик, онам оғзини дока рўмол билан тўсиб олиб дастурхонни йириштиради.

— Комрон, манави савил қолгур шишаларни йўқот кўзимдан нарирокка...

Хона димиқиб, папирос тутунлари шифтнинг тўсинлари орасида сийрак булутга ўхшаб сузиб юрар, тахир, қўланса таъмлар, балиқ ҳиди, нос иси аралаш-куралаш бўлиб кетганди.

Үйни тозалаб бўлиб, печкани қайтадан ёқдик-да, унинг яқинига жой қилиб, акамни уйғотдик. Онам: «Тур, тур, ўғлим, ичкарига жой солиб кўйдим, иссиккина, кириб ёт», деб эланар, акам бўлса, унинг гапларини эшитмагандай нукул: «А, а? Нима?» – дерди. Хуллас, уни бир амаллаб турғаздик. Лекин у карахт одамдай жойидан жилмас, ковокларини зўрлик билан кериб, энди очай деганида кўзлари янги китобнинг варагидай қайта юмилиб кетарди. Онам унинг тирсагидан тутиб ичкарига бошлиди. Акам ўринга кирди-ю, устига кўрпани тортди. Онамнинг: «Чой ичиб олмайсанми, овқат есанг-чи», деган илтижолари жавобсиз қолди.

Отам меҳмонларни кузатиб қайтганида биз ҳаммамиз акамнинг бошида ўтирадик. Онам уни кўрди-ю, тутакиб кетди:

– Қайси гўрда қолдингиз? Йўқ ердан балиқ топиб сийлаганингиз ҳам етарди-ю, уйларигача обориб кўймасангиз нима?! Бола қийналиб кетди. Духтир топиб келиш керак!..

Қамчини этигига «чарс-чарс» уриб келаётган отамнинг табассуми кўзларининг икки четидаги жиякларида, ажинлари орасида ва киприкларида қотиб қолди. У тўхтаб, онамга ўқрайиб тикилди, лекин бирдан кўзлари нурсизланниб, ранги окариб кетди. Шитоб келиб акамнинг ёнига чўнқайди-да, кафтини унинг манглайига кўйди:

– Комил! Комилжон!

Акам жавоб бермади. У қисқа-қисқа, аммо тез-тез ва каттиқ-каттиқ нафас оларди. Отам онамга юзланди:

– Овқат-повқат едими?

– Туз татигани йўқ болам шўрлик, – жавоб берди онам йигламсираб.

Отам чиқиб кетди. Кўчада от туёкларининг тасир-тусури эшитилди.

Опам акамнинг оёкларини укалаб, пиқиллаб йиғлар, онам эса унинг пешонасига ок дуррачани қайта-қайта ҳўллаб босар, мен нима қилишимни билмай, бир чеккада уларнинг хатти-харакатини, акамнинг ҳолатини кузатиб ўтирадим. Онам ҳар замонда: «Вой, онагинанг ўргилсин-еъ, вой томогингга қилтаноқ тиқилгурлар-еъ, бирор сафар балиқ емай кетишса нима қиласди-я! Бадани ёнапти бунинг, кўлни куйдиради-я», деб уф тортар, акам бўлса алаҳларди: «Топдим! Балиқнинг конини топдим!.. Ол! Ушла, сувга тушиб кетмасин!.. Нечта бўлди? Ҳозир, ҳозир чиқаман...»

Қачон, қандай ухлаб қолганимни билмайман. Эрталаб турсам, акам энди тинчиб, ором олаётган экан. Кечаси доктор келиб укол қилипти, хавфли эмас, сал совук ўтибди холос, деб кетибди. Чиндан ҳам акамнинг иситмаси пасайди. Ҳаммамиз унинг атрофида парвона эдик. Айникса, отам унинг олдидан бир қадам ҳам жилмади десам бўлади. Ўзи мажбурлаб озгина шолғом шўрва, қатик ичирди. Бир-икки марта киприкларида нимадир йилтиллаганини кўриб қолдим. Ҳаммасидан ҳам опам иккимизни «сиз»лагани ғалати туюларди менга. Гайрати ичига сифтмайдиган, чапдаст ва жангари одам бир кеча-кундузда чўкиб, хаста, синик карияга айланиб қолганга ўхшарди.

Онам бўлса, қовоини очмас, ҳар замонда ўзича ғудраниб қўярди:

— Келин бўлиб шу уйни остонасини босибманки, меҳмон устига меҳмон. Яна ҳаммаси емахўр...

Отам энди онамга тарсаки тортиб юборади, деб юрагими ни ховучлаб турардим. Чунки у онамнинг тилига бунақа эрк бериб юборишига кўниккан эмасди. Лекин отам мик этмас, гуноҳкор бола, бечора одамдай илтижоли, илинжли нигоҳини акамдан узмай, мўлтиллаб ўтиради.

Акам кундузи тез-тез безовталаниб ётди-ю, кечга бориб иситмаси яна кўтарилиб кетди. У ўқтин-ўқтин қалтираб-титрар, лаблари пирпираб учиб-учиб қўяр, тилини чапиллатиб тамшанарди. Алаҳсираш кучайди. Узук-юлук гапларидан худди ниманидир қувлаётгандай, кимдандир нажот кутиб, мадад сўраётгандай бўларди. Ярим кечага борганда тинчиб ухлаб колди. Шундан кейин биз ҳам ётдик.

Қаттиқ дод-войдан уйғониб кетдим. Онам билан опам акамнинг устига ётиб олишганича ҳўнграб йиғлашар, отам бир қўлида акамнинг энгагини ушлаб, иккинчи қўли билан ҳадеб унинг қовокларини силар, «хик-хик» килганида елкалари титраб, икки юзидан шовиллаб ёш қуйиларди. Мен аввалига ҳеч нарсага тушунмай, анграйиб қараб қолдим. Менга бирдан кўзи тушган опам кела солиб кучоқлаб олди.

— Йиғла, укажон. Нимага қараб турибсан? Йиғла, акамиздан айрилиб қолдик...

Ўша пайтда ўлим ҳакидаги тасаввурим хали узук-юлук, хира ва туманли эди. Ҳаёлимга биринчи келган нарса шу бўлди: «Энди акам йўқ, у биз билан ўйнамайди, балиқ овлагани бормайди! Болалар энди акаси йўқ деб яккалашади мени!..»

Мен акамнинг тепасига ўзимни ташладим. Мук тушганча, тушунибми, тушунмайми узок йиғладим. Ўзимни тутолмасдим, нимадир мени йиғлашга мажбур қиласарди. Лекин барибир бола эдим-да. Бир оздан сўнг акам эсимдан чикди. Ховлимизга кираётган одамларнинг кўплигини кўриб оғизм очиларди. Ҳатто тўйимда ҳам бунча одам келганмас, деб ўйлардим ўзимча.

Отам гангиб қолгандай, ким гапирса ўшанинг оғзига каарди. У нуқул мени бағрига босар, ёнидан жилдирмас, олдин хеч қилмаган меҳрибончиликларни қиласарди.

Биз отам билан дарвозахонамиизда турардик. Баъзилар отамни кучоқлаб йиғлашар, бирор сўрашиб, бошқаси бош кимирлатганча индамай ҳовлига ўтиб кетарди. Одамларга оқ дурра, совун улашиб юрган Садир амаким ҳар замонда келиб, отам билан пичирлашиб кетарди.

Бир маҳал келаётганлар орасида «баликхўр» кўриниб колди. Мен уни онам қаррагандан кейин жуда ёмон кўриб колган эдим. У менга эътибор ҳам бермади. «Бандачилик...» деди-да, отамнинг олдидা бир зум тўхтаб, ҳовли томон юрди.

Кечга томон ҳовлимизда одам сийраклашди. Лекин онам билан опам ҳамон йиғидан тўхташмасди. Мен эсам зерикардим. Болалар йўқ, катталар ўзлари билан ўзлари, мен билан бироннинг иши бўлмай қолганди. Бирон ўйин топиб ўйнамоқчи бўлардиму, лекин қўлим бормасди, кўнглимга қил сиғмасди. Довдираб баланд сўрига чикиб, тўр ёғочни кўриб колдим. Пастга олиб тушдим-да, аламимни шундан олмокчи бўлгандай болта билан майда-майда қилиб, тандир ёнига улоктириб ташладим. Тандирга ўт қўяётган опам ҳиқиллаб-ҳиқиллаб уни ёкиб юборди.

Ўшандан кейин бир канча вактгача уйимизда кулги эшитилмади. Мен болалар билан кам уришадиган, бирор қаттиқ гапирса бўйнимни қисиб, ерга қараб тураверадиган бўлиб колдим. Чунки энди ёнимни оладиган акам йўқ эди...

Тўқайга ҳам қайтиб бормадим. Ўртоқларим зўрлаб судрашса ҳам қадам босмадим.

Орадан кўп ўтмай отам бизни шаҳарга кўчириб келди. Албатта, ҳаммамиз, айникса, онам, ҳатто отамнинг ўзи учун ҳам қишлоқни тарқ этиш қийин бўлди. Туғилган, униб-ўсган жойни ташлаб, тўйда ҳам, азада ҳам ҳар доим бирга бўлган, баъзизда битта нонни баҳам кўрган қўшнилардан, қариндош, ёру биродарлардан узоклашиб, нотаниш одамлар орасига кетиш кимга ҳам осон дейсиз. Отамнинг

бирон касби ё хунари хам йўқ эди. Шаҳарда эса хунарсиз яшаш амримаҳол. Отам шуни ўйлаб, бир оз иккиланди-ю, кейин нима бўлса бўлди, бошга тушганини кўз кўрар, деб гални кесди.

Қишлоғимизни тез-тез кўргим келиб қолади, бирга ўсган ўртокларимни жудаям соғинаман, лекин оёғим тортмайди, юрагим хам бетламайди.

1976 й.

## СОҲИЛДА

— Чўмилишга?

Йигитнинг киприклари пирпираб кетди. Қиз унинг кўзларига дадил бокиб жилмайди:

— Нима, сузишни билмайсизми? Ўргатиб кўяман.

Йигит баттар эсанкиради. Ахир у сувда катта бўлганку. Отаси уни ҳар куни кечкурун Қорадарё бўйидан тутиб келарди. Ўзоққа сузиш, сув тагида кўп туришда тенгтўшларидан ҳеч ким унинг олдига туша олганмас.

...Анхор ёқалаб боришар экан, қиз тинмай гапирав, йигит эса ўнғайсизланар, бирори уни зўрлаб олиб кетаётгандай, аранг қадам босарди.

— Вой, анулани, юраколсангиз-чи, кинога бошқа куни тушармиз. Ҳаво бугун бирам яхшики, жудаям чўмилгим келяпти. Сувнинг тинқлигини каранг, сукингиз киради.

Ҳаво чиндан хам ажойиб эди. Куёш чараклаб турган бўлишига қарамай, ҳарорат мўътадил, осмон артилган шишадай тиник, шовкин-сурондан холи анхор бўйи табиатининг сокинлигини чинор баргларининг мулоим шитирлашигина бузарди.

— Ҳали сиз менинг чўмилишимни кўрмагансиз-а? Бир мактаниб кўяй: биринчи семестрда институт бўйича иккинчи ўринни олганман. Иккинчи курсда ўқийдиган Фолия деган қиз бор, новча, ориқ, мен ҳам иккинчига ўтиб олай, етиб бўпти! Ёшлигимдан сузишга ўчман. Икки-уч ёшимдаёқ, ваннага тушиб олиб ойимларни роса куйдиарканман. Ўнни битирдиму физкультура институтига караб чопдим.

Йигит индамай борарди. Унинг юз холати тез-тез ўзгарар: дам хижолат бўлаётгандек қизариниб, секинлашар, дам нимагадир ошиқаётгандай беихтиёр илдам одимлар

эди. Унинг кўз олдида киноларда кўрган соҳил, ярим яланғоч семиз, озрин эркаклару аёллар чархпалак бўлиб айланарди. Хаёлида қиз жонланди, ана, у ечиняпти... Йигит юрагининг тез-тез ура бошлаганини сезди.

Улар соҳилга яқинлашишганди.

— Роза одам кўп экану, — деди йигит фикрларини чалғитиш учун.

— Кўп бўлса нима кипти? Уялсангиз четроқда чўмила-миз. Пляжга биринчи келишингизми?

— Ҳм... мен... қизлар билан хеч хопитмовдим.

Киз йигитга қаради.

— Хопитмовдим, дейсизми?

— Бизда... шунақа дейилади.

— Андижонда-я? Қизик сўз экан. Хопитишишингизни кў-рарканмиз-да.

Йигит тортинибгина илжайди.

Киз соҳилдан берироқда тўхтади.

— Шу ерда хопита қолайлик, холирок. Мана, кийимла-римиз учун жой ҳам тайёр экан.

Киз оқ сумкачасидан газета олиб, ердан салгина чиқиб турган ва юзаси кенг тўнкага ёзди-да, ечинишга шайланди. Йигит ундан узоқлашиб, сув бўйига чўнқайди.

— Ҳа, ечинмайсизми?

— Сиз ечиниб оловринг, мен кегин... — йигит карамай жавоб берди.

Киз кулиб юборди.

— Қизик экансиз-ку. Киз боладай уяласиз-а. Барибир... чўмиламиз-ку...

Йигит ўрнидан турди. Саросималанган кўйи кўзларини жовдиратиб қизга тикилди. Киз сидирмали кўйлагини ечиш учун ҳадеб чиранар, лекин елкалари оша оркасига узатилган кўлларининг ҳаракати зое кетарди. Киз чидамади.

— Туришини қаранглар. Ёрдам бервординг, илтимос. Шу ўлгур сидирмали кўйлакни киймайман дейману менга нуқул шунакаси рўпара келади.

Йигит аввалига қулокларига ишонмагандек сергакланди, кейин қизнинг кутиб турганини кўриб, иккилана-иккилана унга яқинлашди. Қўлини қизнинг елкаси томон охиста олиб борар экан, юраги боягидай тез-тез уриб, бармоқлари титрай бошлади, билакларига тегаётган майнин соч толаларидан вужуди жимиirlаб, нима килаётганини ҳам эсдан чикариб кўяёзди.

— Вой, бўлақолсангиз-чи! Роса талкон еб сизни сувга юборадиган экан-ку!

Сидирма бўшади. Бетоқат бўлиб кетган қиз баданига ёпишиб турган шахмат нусха ҳаво ранг кремплин кўйлагини бир тортишда ечиб газета устига ташлади-да, енгил нафас олди.

— Савил қолгур-а!

Кейин у пушти ич кўйлагини ечди. Шунда... қиз сочлари оркали вужудига ўрнашган ажиб бир таърифсиз хароратдан, димогига илк бор урилган нотаниш муаттар исдан ва номсиз туйғулардан хали ҳам лол ва сархуш йигит нигохини қаерга олиб қочишни билмай қолди. Ёноридаги қизиллик энди кўзларига ҳам ўтиб, энтикли. Рўпарасида турган оппоқ бадандаги хонаки лоладай кип-қизил сийнабанд ва шу рангдаги труси чўғдай кўриниб, уни ёндириб юборадигандек туюлди.

— Мен бўлдим...

Йигит ўзига келди. Тескари қараб, титрофи босилмаган кўллари билан секин-аста ечина бошлади. У қизнинг ўзига қараб турганини сезар ва бармокларидағи қалтирок энди бутун танасига сингиб юрак тўлқинлари кучайиб борарди. Шу тариқа у ҳам ечиниб бўлди.

Йигит трусида эди. Қиз лабини тишлади. «Плавкаси йўклигига тортинаётган шекилли-да. Ё умуман... Яхшиям одамларнинг ичига бормаганимиз, ўсал бўлиб ўларканман... Айтсаммикин? Йўр-э, уят-ку, ўзи билиб олар...»

— Қани, тушдикми бўлмаса?

Йигит елка кисиб жилмайди. Унинг корачикларидағи безовталиқ хали ҳам сўнмаган эди.

— Майли...

— Мунча бўшашасиз? Бунака эмасдингиз-ку? Мана, мен бошлаб бераман.

Қиз беш-олти қадам оркасига тисарилди-да, югуриб келиб сувга боши билан шўнғиди.

Буни қишлоқда «русчасига ташлаш» дейишарди. Йигитга бу чўт эмас. У бир зум кузатиб турди. Қиз тушган жойда сув тўлқинланиб, иккига бўлинди-да, ярим доиралар хосил килиб атрофга тарала бошлади. Сув сатҳида пайдо бўлиб, тобора майдалашиб бораётган пуфакчалардан қизнинг қайси томонга кетаётгани ва қаерга етгани билиниб турарди.

Қиз ўн метрча наридан суюқликка ботирилган жисмдай юзага шиддат билан қалқиб чиққанида йигит кирғоқда йўқ

эди. У сувда ҳам кўринмади. Қиз хавотирланиб атрофига олазарак кўз югуртириди. Шу пайт нариги кирғокда нимадир шалоплади... Йигит турган жойида кўллари билан сувни икки томонга ёриб ўйнар, гаровда ютиб чиккан боладай жилмаярди.

— Ўхў, мен сизга ўргатмокчи бўлиб юрибман, шогирд тушишим керак экану. Камтарликларини каранг! Аслида бизнинг институтга кирсангиз ҳам бўларкан... Кўринг, сув қандай яхши-а. Танингизни яйратади.

- Дилингизни яшнатади.
- Хо, шеър бўлди-ю. Минг қилсаям филфакда ўқийсизда.

Йигит сузиб келган жойида шўнғиди-да, ҳаял ўтмай қизнинг олдида ҳозир бўлди.

- Келинг, оқимга караб сузамиз, — таклиф килди қиз.
- Мен оқимга карши сузишни яхши кўраман.
- Унда узоққа боролмаймиз-да, тезда чарчаб қоламиз.
- Майли-да.

Биринчи бўлиб йигит сувдан чиқди. Чунки у анчадан бери чўмилмаган эди. У кирғокка ўтириб қизни томоша қила бошлади. Қиз энди ўзини оқим ихтиёрига топшириб, осмонга қараганича кўлларини икки ёнга ёзиг муллақ ҳолатда сузар, сийнабандлари сув бетида қизил олмадай калқиб бораради. Йигит яна кўзларини олиб кочди...

Киз ҳам соҳилга чиқди. Сал нарига бориб йигитга орқасини қилиб чўнкайди-да, сийнабандини эгнида сиқа бошлади. Йигит бу гал кўз кирини ташлашга журъат этди. Қизнинг баданидаги марварид доналаридаи сув томчилари куёш нурида ялт-юлт қилиб, кўзни қамаштиради.

Кейин қиз ўрнидан турди-да, йўл-йўлакай бошини gox у, gox бу томонга эгиб, ҳаккалаганича қулогига кирган сувни силқитиб, йигитнинг олдига келди.

— Спортчиларнинг қулогига ҳам сув кирадими? — йигит қизнинг кўзларига бокиб кулимсиради.

— Йўқ, энди эҳтиёт шарт-да. Хўш, таклифим маъкул бўлдими? Кинодан минг марта афзал-да шу, тўғрими? Яхши чикса-ю, тузук бўлмаса кетган вактингга ачинасан киши.

— Сув ҳам яхши. Тетик килади, саломатликка фойдаси катта. Лекин, ҳар қалай, кинодан кўп нарса ўрганасан-да, одам.

— Хо, борган сари ақлли гапларни кўпроқ гапирадиган бўлиб кетяпсизми?

- Йўғ-э, нимаси ақлли. Шунчаки гап-да.  
— Шунчаки, дент. Хўп, энди кетдикми?

\* \* \*

Кейинги сафар йигит қизнинг таклифини жон деб кабул қилди...

Киз йигитнинг эгнига кўз югутириб, жилмайиб қўйди. «Диди чакки эмас. Плавкани яхшисидан топибди».

- Бугун астойдил ҳопитаркансиз-да?

— Сўзимизни ўзлаштириб опсиз-да? Бизда бунақа сўз кўл. Бу ерда ановингизни сийнабанд дейишаркан, — йигит қизнинг кўкрагига ишора қилди, — ўзимиз томонда мен бўзғалтирик деб эшитувдим.

— Ҳали шунакалар билан ҳам қизиқиб юрасизми? Ўтган гал мени олдимда ечингани ҳам уялятувдингиз-ку?

— Ҳа, энди, шаҳарда анча-мунча керакли нарсаларни ўрганишга тўғри келаркан-да?

— Ҳо, мурамбир-ей, бунақа уятли нарсаларни ўрганманг-да.

- Такиб чўмилиш уятмас-у, номини айтиш уятми?

— Э, боринг-э, шуям гап бўлди-ю... Бунақа гаплардан фойда йўқ. Келинг, яхшиси, чўмилайлик.

Йигит қизнинг ҳаракатларига, сузишига, қоматига, силлик елкаларига ярим ошкор, ярим ўғринча назар ташлар экан, ҳаяжони ўтган сафарги даражада кучли эмаслигини, юрагининг қинидан чиқиб кетгудек урмаётганини сезар ва ажабланарди. Айни вактда қизга ҳадеб карайвергиси келар ва қизнинг кўзи тушиб қолган лаҳзада ҳам у қадар хижолат бўлмаётганини ҳис қиласди. Бугун киз осмонга қараб оқим билан сузаётганида... кўзини олиб қочмади, у анча нарига бориб сийнабандини сиқаётганида эса пинхона, бироқ бирмунча бемалол кузатиб ўтираверди. Фақат... баданларини куёшга солиб кумда рўпарама-рўпара ётишган пайтда... йигит ўзининг ўтган сафарги ҳолатга тушаётганини пайқади...

Киз йигитнинг нигохи ўзига қадалиб турганини бирдан фахмлаб колди ва унга ёнбош бўлиб ўтириб олди. Ёноклари қип-қизариб кетган эди...

Йигитнинг тикилишини беҳаёларча ё ҳирс тўла... деб бўлмасди, балки мулойим, гўзалликка талпинувчи ва уни ардокловчи, мухаббатли карашлар эди. Буни киз ҳозиргача ўзига номаълум бўлган идрок, қизлик туйғуси билан ҳис этди ва ҳозиргача на синфдошлари, на курсдошлари

ва на бошқаларнинг бундай беозор ва ёқимли, иззат-нафсанни қондирувчи хуэурбахш термилганини эслай олмади. Аниқроғи, шу пайтгача ҳар хил боқишиларга эътибор бермаган ва бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эди.

\* \* \*

Учинчи марта чўмилишга боришни йигит таклиф килди. Киз иккиланиброқ розилик берди.

Бугун улар анча эркин ва узок чўмилишди.

Бу гал йигит яна дадилроқ, карашлари тетик эди. Улар бир-бирига сув сепишар, йигит ёш боладай сув тагидан шўнғиб бориб, кизнинг оёкларини чимчилаб кочар, киз эса қизалокдай қикир-қикир куларди. Охири киз қўл кўтариб, кирғоққа чикди-да, тўнкага ўтириб олди.

— Бўлди-е, одамни чарчатиб юбордингиз.

Йигит ҳам чиқиб кизнинг ёнига ўтирди. Иккиси ҳам тўхтовсиз хансирашар ва ҳамон кулишарди. Энтикиш пасайиб, кулгилар тингач, киз йигитнинг елкаси орқали вужудига ёқимли бир ҳарорат ўтаётганини бирдан пайқаб колиб, йигитга бирров ҳадикли назар ташлади. Йигит бошини пастга эгиб, бармоклари билан ҳали унча ўсмаган коп-кора жингаллак соchlарини тўзритиб, сувини силқитарди. Киз енгил нафас олди. Бироқ йигитнинг қўллари хараткат қилган сари бояги ҳарорат кучайиб борарди. Туриб кетишга чоғланувди, йигит бирдан унга караб колди.

— Баданингиз жуда чиройли экан. Уни ёмон кўзлардан асраш керак.

Киз учун бу кутилмаган хушомад бўлди. Шу пайтгача унга ҳеч ким бундай демаган эди. Бироқ буни хушомадга йўйиш ҳам адолатсизлик бўларди. Кизнинг сиртдан сокинлашгандай туюлса-да, аслида мавжланиб бораётган калби шундай дея тасдиклар ва таъкидларди. Албатта, йигит бу гапни ортиқча хис-ҳаяжон, дабдаба билан эмас, дастлабки пайтлардагидай чайналмасдан, мижғовланмасдан, аммо оҳиста, хатто шивирлаб айтди.

Кизнинг хаёлида ўтган сафарги туманли тушунчалар, тасаввурлар баттар хиралашиб кетди. Таниш-нотаниш «амакилар»нинг яқин-яқингинада ҳам «ҳа, пучук қиз» дея бурнидан чимчилаб ўтишлари кўз олдига келди-ю, бироқ тўсатдан совуқ сув сепиб юборгандай, бадани сесканди. Рўпарасида кийинаётган йигитга беихтиёр тикилиб колган кўзларини олиб қочди... Юзларининг қип-қизариб кетганини хис қилди. «Демак... демак...» деди-ю, лекин фикрлари-

ни жамлай олмади. Факат ўзида нимадир етилиб келаёт-  
ганлиги унга аён бўла бошлаганди, бирок у нима – қизлик  
туйғусими ё умуман аёллик ҳисларими – буни ҳам аник  
 билмасди.

Чўмилиб бўлишгач, қиз «мен, ҳозир», деди-да, кийимла-  
рини кўтариб пляж томонга чопиб кетди. Йигит ҳайрон  
бўлди. Қизнинг одамлар кийиниб чикаётган жойга кириб  
кетганини кўриб, бирдан бугун осмонга қараб оқим билан  
сузмагани, сийнабандини унинг кўз олдида сикмагани эси-  
га тушди. Айтгандай, бугун у сузувлчилар кийимида чўмил-  
ди-ку! Қизик, нега ўзи ҳам ғалатироқ бўлиб қолди? Нима  
деса экан?.. Бепарвороқми... Ҳаяжонланмай кўйди, юраги  
ҳам аввалгидай ҳовликмайди. Қизик-а...

\* \* \*

Улар бора-бора сохилга бирга... ва умуман келмай  
кўйишиди.

1975 й.

## ЯШИЛ БАРГ

Ногаҳоний туртқидан Жаббор ака кўзини очди. Ҳали  
тонг ёришмаган эди. Тепасида хотини бесаранжом гапиради:

– Бугун курт бостиришимиз эсингиздами? Кечаси би-  
лан мижжа қокмай жоним ҳалакда-ю, бемалол ётишингиз-  
ни қаранг. Мундай бир, ахволинг қалай, дейиш ўрнига...

Жаббор ака истар-истамас бошини кўтарди. Юраги ғаш  
эди. Ҳовли этагидаги арикка бориб муздай сувда юз-кўли-  
ни шошилмай ювди, белбоини ечиб, артинди. Кўнгли рав-  
шан тортмади. Аччик ўт, ялпизлар орасидан сизиб оқаёт-  
ган сувга маъносиз тикилиб қолди. «Толикибман шекилли.  
Бу курт деганиям одамни жуда қийнаб юборди-да. Ўзи оз-  
гина вактда бўлсаям, меҳнати жуда кўп-да! Йигирма кун-  
дан бери тиним йўқ. Меҳнати-ку майли-я, қани энди барг  
вактида топилиб турса».

Санаб, ажратиб беришган тут баргининг тугаганига бир  
хафтадан ошди. Ҳар куни аzonда колхоз идораси олдига  
тўпланишади. Кимнинг улушида барг кўпроқ бўлса, пилла  
бригадири ўшаникидан бир-икки боғ олиб беради. Улар:  
«Эртага ўзимиз нима қиласиз? Ҳали бизники бир хафта

барг ейди», деганларича қолаверишади. Бригадир: «Етмаган жойига биз балогардон, топамиз», – деб уларни зўрға тинчтади...

Жаббор ака кеча ҳам бир бор барг топиб келаман, деб етти маҳалла наридан ярим кечада қайтди. Бугун қаердан барг топади каллаи сахарлаб... Одамларнинг кўзига хунук кўриниб, икки ўртада меҳр-оқибат ҳам кўтарилиб... Бунака пайтда қариндош-уруғдан ҳам ўпка-гина килиб бўлмайди. Ҳа-да, ўзлари «етиб қолармикин», деб жонини ҳовучлаб турса-ю, бригадир иккитасини етаклаб бориб, бир боғдан кесиб олинглар, деса! Кимнинг тепа сочи тикка бўлмайди?!

Хотинининг шанғиллашидан сесканиб кетди. Эътибор опа қўлида ўроқ, аргамчи билан ҳаллослаб келар, таги оқ пушти гулли чит кўйлак остидаги кўкраклари семиз думалок корни устида у ёқдан-бу ёққа лапанглар, бағбақалари яна ҳам осилиб кетгандай эди.

– Вой, нима туриш бу, кап-кatta одам? Сувга туш айтадиган пайтми хозир? Нонуштага колмай, ернинг тагидан бўлса ҳам икки бор барг топиб келинг.

Жаббор ака хотинига бўшашиб қараб турарди. Унинг машки пастлигини, рангининг сўлинкираганини кўрган Эътибор опа эти жимиirlаб, каловланиб қолди. Эрига ачиниб, айни вактда хавотирланиб тикилди ва бир қадар му僚имлашди.

– Нима қиласиз энди, аввали, сўзингизга кирмаган мен ўлгурда айб. Бўлар иш бўлган. Сиз ҳам роса қийналдингиз, мен ҳам. Бугун охирги кун, шу бугун ҳам чидаб беринг, бир кунаммас, ярим кун. Кейин дамингизни олаверасиз. Бугунча далага ҳам чикмай қўя қоларсиз. Мен хозир кўймоқ пишираман. Қийналгандаримиз эвазига пилламиз бир кўймоқдай, сап-сарик бўлиб куюлиб қолсин. Кейин учтўртта кампирни чакириб, ис чиқариб юборамиз. Нон ёпиш керак хали, ош дамлаш керак. Ўчакишгандай ёғ тугаб қопти. Вазирангиз гузардан олиб келар. Уям бугун мактабига бормайди. Бора қолинг энди, нонуштани келиб қиласиз. Иссикка колмай бостирволайлик.

Жаббор ака ижирғанди. Хотинининг гаплари ғашини келтирди. Бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, аммо хотинини субхидамда хафа қилгиси келмади. Аргамчини белига боғлаб, ўроқни елкасига ташлаганича, вазмин-вазмин қадам босиб чиқиб кетди.

У кўчада бир дақика қаёқка боришини билмай туриб қолди. Кимнинг олдига бориш керак? Раис, барг билан

шүрүлланмайман, дейди. Партком жанжал, арзлардан кочиб, идорага келмай қўйган. Пилла агрономи барибир пилла бригадирига рўпара киласи. Ундан хеч качон ёруғлик чиқканмас.

Жаббор ака пилла бригадири Раҳматжонлар уйи томон илдам юриб кетди... Эшикни Раҳматжоннинг хотини очди. У Жаббор акани «тинчлик берасизларми, йўқми», деган маънода лаблари учиб, киприклари пирпираб, совук карши олди.

— Бечора яқингинада келиб ётувди, жудаям зарилми?

— Ҳа, энди, кизим, айбга буюрмайсиз, шунақа бўлиб колди...

Жувон эшикни «так» этказиб ёпиб кириб кетди. Унинг «пилласи ҳам, бригадирлиги ҳам курсин», деб тўнғиллаганини Жаббор ака аниқ эшилди, На чора?..

— Кечаги ахволни кўрдингиз-ку, Жаббор ака, яшириб қўйган тутзоримиз бўлмаса... Берадиганинг икки сават пиллаю... ўзингизни қийнаб нима қилардингиз? Энди бир амаллаб бостириб кўя қолинглар.

Фарзанди тенги йигитнинг гаплари Жаббор аканинг ҳамиятига тегди. «Бизга ҳам ҳавас эмас эди...» демокчи бўлди-ю, лекин «элдан колмайлик девдик-да, ўғлим», деб кўя колди. Раҳматжонга ҳам қийин-да. У бир киши, арз-дод килувчилар мингта... Ҳар йили ахвол шу... Барг можароси. Колхоз ҳеч баргга ёлчимади-да. Курт урурини юз турли касам, ваъдалар билан тарқатишади. Қисталанг келиб қолганда, энди албатта тут кўчатини кўпайтирамиз, дейишади-ю, мавсум ўтгач, ҳаммасининг эсидан чикади. Ҳар йилги хисобот йирилишида ҳам, шубҳасиз, барг масаласи ўртага ташланади. Раис, колхоз асосан пахта етиштиради, дейди. Тут кўчати экишга алоҳида майдон йўқ. Пахтанинг ичига экиб бўлмайди, сояда ҳосил битмайди, тежаб ишлатилса, тут баргларимиз етади, дейди. Пилла бригадири агроном тилини тишлаб қолаверади. Пилла бригадири ҳар йили янгиланади. Бояқишлилар талашиб-тортишиб уddyалай олмагач, нима ҳам қилишсин! Ҳаммаси ҳам майлику-я, оз пилла топширганларнинг номларини радиоузел оркали овоза килишгани ортиқча. Алам қиласи экан. Жаббор акалар ҳар йили «энди курт боқмаганимиз бўлсин», деб тавба килишади, аммо бокади. Барг етарли бўлса-ку, пилла курти тутишнинг фойдали томонлари йўқ эмас-а!.. Даромад тузук бўлади, ўтин-чўп ғамлаб олишади. Шу барг масаласи таъбни тиррик қиласи, холос. Курт бериб, барги билан иши

бўлмаслик – ер бериб, сув бермагандай гап. Хохла – сеп, хохла – эк, лекин план бунча!..

Жаббор ака дала чеккасидаги йўлдан қайтар экан, каллак урилган тутларга илинж билан караб ўтарди. Каранг, биронта бегона шохини ҳам колдиришмабди-я!

Уйга яқинлашган сари қадами секинлаша борди. Хотининг олдига барг тополмадим, деб эркак боши билан бўйнини эгиб кириб борадими? Қўшнилар ҳам аллақачон чиқиб олишгандир. Нима деб ўйлашади? У бир қўлида ўрокни маҳкам тутганча, иккинчи қўли билан белидаги арқонни асабий рижимлар эди. Хотини айтган икки борнинг-ку, иложи йўғ-а, хеч бўлмаса бир бор топиб бормаса, уят-да. Эҳтимол, шу билан қутулар. У тўхтаб, ўйлай бошлади. Эсига иккинчи участкага борадиган йўлнинг икки томонига экилган тутлар тушди. Балки шу ердан амалларман, деган хаёл билан оркасига қайти. Чакалаклар орасида қолиб кетган яккам-дуккам сурхларни кўриб, кўнгли бир оз таскин топди, чехраси ҳам сал ёришди. Чопони билан арқонни тутга илди-да, енгини шимариб, ишга киришди. Ортиқча суюниб кетди шекилли, қўлини кесиб олди. Ўрокни зарб билан урган эди, мўлжалланган жойга эмас, бошка шохга тегиб сапчиб, уни бориб чап қўлининг ўртанча бармоғидаги суякка санчилди. Инграб юборди. Ешлигига қўйни гўза ичига киритиб юборгани учун бригадир тутиб олиб, думбасини яланғочлаб хўл гаврон билан савалаганда ҳам жони бунчалик оғримаган эди. У белидаги чит белбоғини ечиб, шарт иккига бўлди-да, ярми билан қўлини маҳкам танғиб боғлади. Сўнг бир қўллаб кесган тут новдаларини тўплаб, йўлга тушди. Ҳовлига хижолат бўлиб кириб келди. Эътибор опа уни сабрсизлик билан кутиб турган эди. Ўрдак юриш билан қархисига пешвоз чикди.

– Вой, озү...

Хотинининг бу лукмаси жон-жонидан ўтиб кетган Жаббор ака жаҳл билан елкасидаги баргни ерга ташлади. Айвондаги чорпояда қўймок еб, чуғурчиқдай чуғурлашиб ўтирган аёллар шовкини бирдан тиниб, шу томонга ўгирилишди. Уларнинг бу килиғи ҳам Жаббор акага: «Ҳа, шунча юриб топиб келган матоҳингиз шуми», – дегандай туюлди. Арқонни бўшатиб, барг остидан шахт билан суғурди, ўроқ билан бирга отиб юборган эди, аргамчи сўртакка устун қилиб қўйилган, курт еб шип-шийдам бўлиб қолган тол ёғочнинг айрисига илиниб, ўроқ гуллар тагидаги ялокдан ювинди ичаётган сариқ итнинг биқинига тегди. У

вангиллаганча гулзордан сакраб ўтиб, ўзини жўхоризорга урди. Хотинларнинг ранги кув ўчди, аммо Жаббор аканинг феълини билишгани учун хафа бўлишмади. Ҳаммалари кулгиларини босиб, аранг туришган эди, бўлмади. Фотима исмли шўх, ҳазилкаш жувоннинг лаблари очилиб кетди. У кулгисини дарҳол томок киришга ва ундан йўталга айлантириб юборди. Кўшнилар бундай пайтда Жаббор акага гапириш – тутаб ётган ўтинга лампа мойи қуиб, гугурт чақиб юбориш билан баробарлигини билишарди. Эътибор опа ҳам пастки лабини тишлаганича турган жойида қотиб қолган эди.

Жаббор аканинг асаби таранглаша бошлади. Тишлари ни рижирлатиб, атрофга алланглади. Кўзига баланд сўри устунининг тагида ётган, барг кесиши учун темирчига тайёрлатиб келган ойболта чалинди. Унинг мияси жуда тез ишлай бошлаган эди. Файритабии эпчиллик билан болтага ёпишди. Унинг бу ҳолати кўчада кимданир калтак еб келгану, тош олиб чиқиб унинг оркасидан отмокчи бўлган ёки энг ноёб нарсасини олиб кочган мушукка разаб билан ташланган боланинг хатти-харакатини эслатарди. У болтани кандай олган бўлса, шундай шиддат билан ҳовли томон юрди. Эътибор опанинг ранг-кути ўчиб, эрининг оркасидан бўзрайиб қараб турарди. Жаббор aka ҳовли этагидаги беҳига қуличкашлаб болта солгандагина у ўзига келди ва «хай-хай»лаб югурди. Етиб бора солиб, эрининг кўлига ёпишди.

– Вой шўрим, нима қилганингиз бу, аклдан оздингизми? Эрта-индин пишай деб турган мевалар-а! Булар нима гуноҳ килди сизга?! Уволи тутади, уволи!..

Жаббор aka хотинининг кўлинни қайриб, силтаб ташлади. Эътибор опа ўтириб қолди.

– Шанғиллама, хе... Хозир ўзингни ҳам чопиб ташлайман! Тут экаман, тут! Менга мева керакмас, тут керак! Барг керак! Качонгача эшикма-эшик сарғайиб юраман, бирорвларнинг оркасидан эргашиб!?

– Бўлди, бўлди, энди курт тутмаймиз. Ўзим ҳам бўладиганим бўлди!

– Йўқ, тутасан! Умр бўйи тутасан! Тутмай ҳам кўр-чи!

Бир лаҳза сукутдан кейин Жаббор aka ҳозиргина ўзи кесган барглари кўм-кўк, шигил ғўрали шохларга қараб, бирдан ўзига келгандай, кўллари икки ёнига шалвираб тушди. Болтани ирғитиб, кўчага чиқиб кетди. Эътибор опа жавраганича қолди.

Жаббор ака дарвозанинг ўнг биқинидаги иккита қозикка ўрнатилган тахта ўриндикқа оғир чўки. Шу кўйи хаёл суреб узок ўтириди. У ўғли бўлмаганига жуда-жуда ўқинди. Ўғли бўлганда елкасини кисиб, маҳаллама-маҳалла барг кидириб юрармиди. Хотинидан, кўшни аёллардан дакки эшитиб ўтирамиди?..

— Дада, чой ичасизакан...

Жаббор ака ўгирилиб, бир кўлини дарвоза кесакисига тираб, унга қандайдир ҳадиксираш билан мўралаб турган кизалоги Вазирага кўзи тушди.

— Кел-чи, қизим, — Жаббор аканинг бу бир оғиз калимасида кексаларга ва оталарга хос меҳрибонлик, самимият зохир эди.

Вазира иккилана-иккилана отасининг ёнига келиб, ўнг қўли билан унинг бўйнидан қучоклади.

Жаббор ака жаҳли тез ва асабий одам, бирок кўнгли нихоятда бўш, меҳри ҳам шу кадар кучли эди. У фарзанди баҳонаси билан яқиндагина бўлиб ўтган дилхираликни бир қадар хаёлидан кувиб чикарди: у ёқдан-бу ёкка ҳансираб чопиб юрган хотинига раҳми келди. «Шўринг курғур жуда кийналиб кетди. Мен-ку барг топиб келиб кутуламан-а. У-чи?.. Кечаси билан барг бутаб чикади, ғана алмаштиради, сўртак тагида энкайганича пишиллаб юриб, тушиб кетган куртларни теради, супуриб тозалайди. Баргга сув сепиб салқинлатиб туради. Бу ёқда овкат пишириш, уйрўзғор ишлари... Рахбарлар эшикдан бундай бош сукиб, бир оғиз ҳол сўрашга ярамайди. Ҳа, ишқилиб омон бўлишин...»

Ишком остига сув сепилиб, шолча ва кўрпача тўшалган, Жаббор ака учун алоҳида нонушта хозирланган эди. Жаббор аканинг иштахаси бўғилганди. Бир парча қўймок билан бир пиёла чой ичган бўлиб, ўрнидан турди. Хотинлар вағир-вугур килишиб сўртакдан ғана олишар, Эътибор опа у уйдан-бу уйга елиб-югуради. Жаббор ака аркон билан ўрокни олиб бостиurmaga ўтди. Бу ерда янтоқ, похол, курдана, ғўзапоя ва яна аллақандай курук хашаклар ғарамланган эди. Янтоқ билан курданани Жаббор ака йигирма чакирим наридаги кирдан ўриб келган. Пилла курти ҳам ғалати жонивор-да. Ўзига яраша табиати, нози бор. Дуч келган хашакка пилла ўрайвермайди. Янтоқни, курданани яхши кўради.

Жаббор аканинг юрагидаги ғашлик ҳамон таркамасди. Бир томондан қўли азоб берарди. У индамай хашакларни

таший бошлади. Айвонга келиб, шундоққина сүртакка олиб босаверадиган килиб, хар ер-хар ерга уйиб күйди. Кейин сўкичаклардан чиққан ғанани бостирмага олиб бориб ғарамлай бошлади. У ҳам, аёллар ҳам ўз ишлари билан овора, гўё аразлашгандай на хотинлар унга, на у хотинларга бир нарса дерди. Иш бошқарувчилик вазифасини ўтаб, сўкичакларга даста килиб барг солаётган Фотима бир маҳал Эътибор опанинг кулогига шивирлади:

— Баргинг етмади, хўжайнингга айтиб кўрмайсанми?

— Ҳай, ўртоқ, бир амаллаб қўя қол, унинг авзойини кўриб турибсан-ку. Ҳозир унга барг ҳақида гапириб бўладими, тутақиб кетиб, ҳаммамизни кувиб солмасин. Кел, кўй энди...

— Мен ҳам етказишга ҳаракат қилдим, лекин бўлмади. Бу ёғи ҳам ўзи жуда сийрак бўлиб кетди. Тўқис бўлса яхши эди-да. Кейин мендан кўриб юрмагин, планинг бажарилмаса гап эшлишингни ҳам ўйлаб қўй... Майли, кўрксанг ўзим айта қоламан, мени биладиу ҳазилкашлигимни. Қўнмаса ҳазилга буриб юбора қўямиз-да.

— Ўзинг бил, ишқилиб ҳалигидай аччиғи чиқиб кетмасин-да. Бурнининг учида туради. Қўя қолсанг бўларди.

— Нима, хўжайнингни аяяпсанми? Аядиган пайтларинг ўтиб кетган-ку. Парво қилма, эринг ҳали бақувват, пишқиришини қар...

Эътибор опа: «Ҳазилинг қурсин, билганингни қил», — деди-да, эри томонга бир кўз ташлаб, ичкарига кириб кетди.

Фотима сўкичак устида туриб, эндингина ғанани ташиб бўлиб, ўрок-арқонни баланд сўри устунига илаётган Жаббор акани баланд овоз билан чақирди:

— Илоё хотинингизнинг бахтига юз йил яшанг. Бизга яна бир тутамгина барг етмай қолди-да. Шундоқ бизнинг ҳовлига ўтсангиз, катта тутнинг учларида озрок бор эди...

Жаббор ака ҳадиксираб, саросималаниб оstonада тўхтаб қолган хотинига локайд ва бепарво бир тарзда тикилди, аммо қатъий овозда деди:

— Иложи йўқми?!

Эътибор опа жавдираган кўзларини Фотимага тикиди.

— Ҳа, энди қирқига чидаган... Агар чарчамаган бўлсангиз...

Аёл кишининг илтижосида ҳам сехрли жозиба, ҳам кудратли куч бўлади. Бундай илтижони ўтакетган бешафқат, хиссиз эркакларгина пайкамаслиги ва уни рад

килиши мумкин. Жаббор ака, ҳар қалай, хиссиятнинг таърифини айтиб бера олмаса-да, амалда табиатнинг бу бебаҳо инъомидан бебаҳра қолмаган ва ўрни келганда уни жойига қўядиганлар тоифасидан эди. Шунинг учун у ҳозир Фотима сўзини тугатмаёк, жаҳали чиккан пайтидаги одатига кўра мулоийимлик билан «хўп, хўп», деди-да, ўрок билан арконни олиб чиқиб кетди.

Фотима: «Қалай, койилмисан», – дегандай Эътибор опага маъноли каради ва ўз ишидан мамнун қиёфада: «Эркакларни йўлга солишни билиш керак», – деб кўйди.

Эътибор опа, гарчи рашк қиласидан ёшдан ўтган бўлсада, бегона жувоннинг бир оғиз гапини қайтармай, дарров хўп деб, лакқа туша қолгани учун эридан андаккина дили оғриди-ю, лекин ҳозир нима бўлса ҳам ишнинг битганидан, пилла куртининг тўла-тўқис бостирилишидан хурсанд эди.

Бирок орадан хеч қанча вакт ўтмаган ҳам эдики, девордармиён Фотималар ховлисида нимадир кисирлади ва гурсиллаб ерга тушди. Хотинлар шовкини тинди. Фотиманинг ранг-кути ўчиб, сўртак устида серрайганича қотиб колди. Эътиборнинг юраги «шув» этиб кетди ва ўзини туйнукка урди. Унинг кетидан хотинлар чопишли. Бир зумда қий-чув бўлиб кетди. Жаббор ака бодринг жўягида чалканча ётар, дўпписи бир неча қадам нарига тескари бўлиб тушган, ёнида кариб, пўстлари кўчиб кетган тутнинг синиб тушган каттакон, аммо новдасиз шохи, оёқ томонида учи ерга санчилган ўрок,чувалашиб ётган аргамчи... У кўлида бир неча тут новдасини маҳкам тутган, бехуш эди.

Эътибор чўкка тушганича эрининг бошини кўксига олиб, уввос солиб йиғлар, Фотима қўркувдан дағ-дағ титрар, бошка хотинлар ҳам эси оғиб қолгандай карахт туришарди. Бу орада қўни-қўшнилар этиб чиқиб, ховли одамга тўлди. Қўшни йигит Ўсар Жаббор аканинг билагини ушлаб кўргач, юраги ураётганини айтиб, унинг хотини ва бошқаларни тинчитди. Кейин Жаббор акани ўз ховлисига олиб чиқишиб, ишком остига ётқизиши.

Бирин-кетин пилла бригадири, агроном, партком, участка милицияси, «Тез ёрдам»да врачлар этиб келишли.

– Ҳамма айб сизда, бир боғ барг топиб беролмадингизми? Ҳаммани, ҳамма зарур ишни йиғишириб қўйиб, курт бостираётгандардан, айникса қариялардан хабар олиш, уларни барг билан таъминлаш керак эди. Бу ҳақда кўп айтганман сизга! – партком Хўжамат ака асабий ҳолатда пил-

ла бригадирига ўшкира бошлади. Унинг хатти-харакатидаги безовталик овозида ҳам билиниб турарди.

— Фалокат-да, фалокат... — Раҳматжон Ҳўжамат акага караб, ютиниб-ютиниб кўйди-ю, айтмокчи бўлган гапини айта олмади.

Пиллачилик агрономи Рафиқ салобатига ва характеристига номуносиб бир ҳолда, асбоб-ускуналарини сумкага жойлаётган врач томон энгашиб, пичирлаб сўради:

— Ахволи оғир эмасми?

— Ҳарҳолда енгил эмас...

— Жуда мулойим, меҳрибон бўлиб қолишибдими?

Агроном овоз эгасини кидириб атрофга аланглади. Назарида ҳамма унга караб тургандай, ҳозирги гапни ҳамма айтгандай туюлди. У врачни четга етаклаётган милиция ходими орқасидан эргашди.

1973 й.

## БИР КЕЧА – МИНГ КЕЧА

Дам олиш куни бўлгани учун туришга ошиқмай, эриниб ётувдим. Бошим гувиллаб, чакка томирларим лўқилларди. Эшик шиддат билан очилиб, Нусрат кириб келди.

— Яшавор-э, халиям ётибсанми? Пешин бўлди-ю!

Каравотга тирагиб бошимни кўтардим.

— Тинчликми?

— Отамлар келишяпти экан. Аэропортга кетяпман. Сен тезрок бориб, бизнинг хонани сал эпакага келтириб тургин. Чойни ўша ерда ичарсан, нон, колбаса бор. Кейин... Нилу билан кинога бормоқчи эдик, мабодо келиб қолса, мени йўқ, деб бир амаллаб қайтариб юборарсан. Отамларни олдида иш чатоқ бўлмасин... Мен кетдим.

Нусрат ярим чақиримча наридаги ётоқхонада яшарди. Хонага кирдиму диморимга қолган овқат ва бошка нарсалар хиди гуп этиб урилиб, кўнглим бехузур бўлиб кетаёди. Ўртадаги стол устини билиб бўлмасди: ағанаб ётган катта-кичин стаканлар, овқат юқи косалар, ушатилган нонлар, колбаса, кўк пиёз, редиска... Клеёнканинг доғ бўлмаган жойи йўқ, столнинг тагида эса қошик, вилка, мижиғланган, депсалган коғозлар... Наҳотки кечаси шу ахволга солиб, индамай тарқалишиб кетаверган бўлсак?!

Деразанинг иккала қанотини ланг очиб юбордим. Худ-

ди шуни пойлаб тургандай, ташқаридан гувиллаб шабада кирди. Енгил ва хузурбахш баҳор шабадаси. Кумга чиқиб қолган балиққа түлкін олиб келган бир лаҳзалик сувдан жон киргандай, энтикиб шамолга қўксимни тутдим. Кўнглим анча ёзилди. Шундан кейин Нусратнинг эски кўйлагини пешбанд килиб, йигиштиришга киришдим.

Столни тартибга келтиришнинг ўзига анча вақт кетди. Ейиладиган нарсаларни, идиш-товорокларни тумбочкага, шишаларни шкафга жойлаштирудим. Чиқиндиларни ахлатхонага тўкиб келдим. Каравот раҳида тартибсиз осилиб ётган сочик, кўйлакларни бир чеккадиги чамадонга тикдим. Клеёнкани хўл латта билан артдим. Навбат полни ювишга келди. Энгашиб олиб каравот остини артаетган эдим, киз боланинг «Са-лом!» деган овози эшитилди. Ўгирилиб қардим. Остонада ял-ял ёниб Нилюфар турарди. Мени кўриб, кўзларидағи табассум сўнди. Мен уялганимдан пол латтани чангллаганча котиб колгандим. Қип-қизариб кетдим шекилли.

— Аслан, сизмисиз? Дўстингиз қани? — Нилюфар биринки қадам босди. Мен ўрнимдан турдим-да, худди ёш боладай қўлларимни орқамга яширдим, кейин бошимни сеқин кўтариб кизга жавдираб тикилдим. Бахона тўкишнинг ҳам иложи қолмаганди. Нилюфарнинг кўзлари чараклади.

— Менга айтмовди-ку.  
— Бирдан, хабар бўлиб қопти.  
— Ҳа-а... Шунга тараффуд денг. Чипта супурги йўқ эканми?  
— Билмадим, йўқ шекилли...

— Келинг, мен қарашиб юборай, сизга ҳечам ярашмай турибди.  
— Йўқ, кўйинг, устингиз...

— Зарари йўқ, пешбандингизни тутиб оламан, сиз сувни янгилаб турасиз. Тогорада, пакир бўлмайди.

Нилюфар от килидан тўқилган жажжигина қора сумкасидан резина ип олди-да, орқаси билан битта бўлиб, белигача тушиб турган, учлари кўнгирик сочини тўплаб боғлади. Тешик-тешик оқ туфлисини ечиб, йўлакка олиб чиқиб кўйгач, ишга тушиб кетди. Тиззалари остига қурук латта ташлаб олиб, чўккалаб полни, каравот тагларини ишқалай бошлади. Унга қарамаслик учун тумбочка устидаги журнallардан бирини кўлимга олдим.

Нилюфар жуда чиройли ва хушахлоқ қиз эди. Ёлғиз фарзанд бўлгани учун ота-онаси ёшлигидан эркин ўсиши-

га, жисмоний ва ақлий тарбиясига алоҳида аҳамият беришган, тантиклик, эркалик хислатлари унга бегона эди. Ўзбеклар ичида яшагани, қолаверса отаси ўзбек бўлгани туфайлими, ўзбекча урф-одатлар, таомилларни яхши билар, миллий таомларга ҳам пазанда эди. Шунинг учун унинг онаси рус аёли эканлигини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди. Рус мактабини битирган, аммо ўзбек тилини пухта билар, факат адабий тилда гапиради. Унинг тор ва ихчам кийинишигина онасига тортганидан далолат берар, айникса енгил кийимда шундай ҳам гўзал комати, келишган оёклари, таранг кўкраклари яна алоҳида жозиба касб этарди. Оппок юзидан ҳамиша нур ёғилиб турар, кайфияти ҳар доим чоғ юрар, кулганида – бошини орқага ташлаб, елкаларида тўлқин урган зулфини силкитиб, кўзларини чиройли юмиб-очганида, киприклари назокат билан пирпирағанида ҳар кандай йигит тугул ҳатто қизлар ҳам энтикиб кўярди. Шундай сохибжамолнинг меҳрига сазовор бўлган дўстимга ҳавасим келарди.

– Киз болага шунаقا қарайдими, Аслан? – Нилуфарнинг овозидан ўзимга келдим. Шундагина мен журнال оша кизга тикилиб турганимни пайқадим. Узр сўраб, ҳаёл суриб қолганимни айтдим, бирор унга маъносиз қараганимни тушунтириш нокулай ва қийин эди.

– Нусратнинг дадалари мени кўрса нима дейишаркин, – сўраб қолди у.

Мавзунинг ўзгарганидан сал енгил тортдим-у, аммо шу захоти Нусратнинг гаплари яшин тезлигида миямда чарх урди. Кейин ўзимга таскин бера бошладим: «Билишса нима, шундай киз келинликка рози бўлса, жон дейишмайдими... Окила, чакқон-эпчил...» Лекин кўнглимнинг бир четидан «ҳар қалай келишлари билан олдиларига дастурхон килмаган маъкул», деган фикр ўтди. Гапни ҳазилга бурдим:

- Қайнота-қайнонангиздан кочмай ўтираверасизми?
- Ҳали билишмайди-ку. Нусрат айтмаса агар...
- Ҳархолда айтмаса керак.

Нилуфарнинг юзидаги ифода бирдан ўзгарди. Қалтиш гапириб қўйганимни сездим. Бирор ғишт қолипдан кўчган эди. Шундай бўлса ҳам тузатишга ҳаракат қилдим:

- Ўзи айтса бўлмас, ўзбекчиликни биласиз-ку...

Нилуфарнинг кўнгли бир оз жойига тушди чоғи, жилмайди.

- Майли, бир гап бўлар.

Кейин у ишда давом этди. Киз бола – қиз бола-да, хаш-

паш дегунча полни чиннидай яраклатиб ташлади. Тумбочка устида уюлиб ётган газета-журнал, китобларни ғаладонга солди, каравотдаги ўринни қайтадан тузатиб, адёл тепасидан чойшаб ёзди, кейин ёстиқни лўлалаб шишириб, бир учини ичига уриб киритди-да, тумор шаклига келтириб жойига кўйди. Нусратнинг деворда қийшайиб турган рангли портретини тўғрилаб, артди. Суратнинг икки ёнига ёпиштириб ташланган футболчи, балериналарнинг расмларини кўчириб олди. Дераза рахини, столнинг оёқларини, иситгич батеряни, унинг трубаларини тозалади. Хона одамнинг баҳри-дили очиладиган киёфага кирди.

— Мана, кечкурунги айбимиэни ювдик, Аслан, — Нибуфар пешбандни ечиб, сочборини олди, бошини орқага ташлаб, сарак-сарак килувди, кўнғир соchlари елкалари узра ёйилди. — Качон келишмоқчи экан?

— Соат тўртда деди, чамамда.

— Ие, бешдан ўтиби-ку, мен хозир келаман.

Нибуфар сумкасини билагига илди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди. Ҳеч нарсага тушунмадим. Нима қилишимни билмай, полни авайлабгина босиб, у ёқдан-бу ёқка юра бошладим. Хона борган сари кўзимга файзли кўринар, бундан бир-икки соат илгариги кўланса, бурунни кичиштирадиган аччиқ ва тахир хидлар ўрнини бокира кизлар вужудидангина тарагиб турадиган, дилни эркаловчи, қалб қаърида чўкиб ётган локайд хис-туйғуларни жунбушга келтирувчи хушбўй хидлар эгаллаганди. Аёл зоти накадар буюк кудрат сохиби-я! Унинг қадами етган жойда, нозик ва сеҳргар бармоклари теккан нарсада гўзаллик ва эзгулик ўз муҳрини колдирмай иложи йўқ ва бу муҳр узок вактгача, уни хис қилган, қадрига ета билганлар учун завол билмай яшайди.

Эшик очилганда мен ана шу фикрларни хаёлимдан ўтказардим. Нусрат хонага олазараклик билан кўз югуртириб остононда туриб қолди. Уларнинг истиқболига юрдим. Шу аснода зинадан хансираб чикиб келишаётган Дўлтавой бува билан Сожида хола кўринди.

— Ия, Аслонбоям шедайкан-у, — Дўлтавой бува кўлидаги сандиқдай келадиган жигарранг сумкани ерга кўйиб, кучогини очди. Кўриша туриб ғалати ахволга тушдим. Кўзимга отам кўриниб кетди. Сожида хола икки кўли билан бошимни эгиб, пешанамдан ўпаётганда эса ўпкам тўлиб, йиглаб юбораёздим. Улар билан гўё отам-онам, ака-сингилларим киёфаси, қишлоғимиз нафаси, ялпизларурайхонлар иси кириб келгандай эди.

Мехмонлар Нусратнинг каравотига, биз курсиларга ўтиридик. Дўлтавой бува кафтларини ёзди:

— Илоҳо омин, ҳар ким ниятига етсин, мартабанглар улуғ бўлсин.

Кейин улар мендан ҳол-аҳвол сўрай кетишли.

— Хўш, Аслонбой, ўқишилар яхшими?

— Тан-жанингиз сағқина юрипсизми, болам?

— Рахмат, рахмат. Бизнидагилар хам эсон-омонми?

— Ҳаммаси тинч, кўпдан-кўп дуо дейишди. Ўтган куни Азмиддинди кўрувдим, бозорга редиска обкетаятканакан. Кейинроқ бориб қоларман, деди.

— Уларам сиззи ташвишингизда юрипти-да, болам. Боргунимиизча, деб мева-чева бервориши.

— Ха, қаярда бўлсангларам бошинглар омон бўсин ишқилиб. Нусратвек, сумкани оч.

Мен чой қўйиш учун сирли тунука чойнакни олиб, ташқари чиқдим. Орқамдан Нусрат чопиб борди.

— Лилия кетдими? Нима деб айтдинг?

— Ҳозир келаман, деб чиқувди. Ростини гапиришга тўғри келди.

— Тоза боплабсану. Келиб колса нима қиласиз? Бўлар иш бўпти. Энди гап бундай: мен уни отамларга сенинг курсдошинг деб танишираман.

— Нилуфарнинг кўнглига келмайдими?

— Унгаям шипшитиб қўясиз.

— Ўзинг биласан.

Майли дейишга дедим-у, кейин ўйланиб қолдим. Ахир Нусратнинг ота-онаси менинг тўғримда ёмон фикрга бориб, бизнидагиларга гуллаб қўйишса-чи? Лекин начора? Кейин тушунтирамиз. Ҳозирча таъблари тиррик бўлиб кетишмасин.

Кайтиб кирсам столнинг усти сутга қорилган тандир noni, яхна гўшт, тухум, шишаларда куйдирилган сарёғ, ёнроқ, куртопларга тўлиб кетибди.

Энди «олинг, олинг» килиб тургандик, эшик оҳиста, кия очилиб, оstonада Нилуфар кўринди. Кўлида бир даста гул бор эди. Ҳаммамиз унга қарадик. Мен беихтиёр ўрнимдан туриб кетибман.

— Кираверинг, Нилуфар. Мана, меҳмонларам келиши.

Нилуфар секин-секин юриб, бизга яқинлашди. Юзлари кизарган, ийманарди.

— Ассалому алайкум.

Нусрат худди сири фош бўлиб қолишдан чўчигандай

шоша-пиша уни оталарига бояги келишувимиз бўйича таништириди. Нилуфар ялт этиб менга қаради. Кейин бўшишибгина гулни менга узатиб, ёнимдаги курсига омонатгини ўрнашиди.

– Яхши этиб келдингларми? Қийналмадингларми?

– Ҳа, йўқ, қизим, Нурсатжон чикиб турганакан. Шахарниям сал-пал айландик. Ўзингиз тинч юрибсизми, ўқишларман чарчамай?..

Дўлтавой бува Сожида холанинг гапларини тасдиқлағандай бошини ликиллатарди. Нилуфар паст товушда жавоб қайтарарди. Бу шаддод кизнинг бирданига шу даражада мулойимлашиб, майнинлашиб қолгани мени таажжубга солар, айни вактда ўзини бундай тутиши назаримда унинг фазилатларини яна ҳам ошираётгандай эди.

У ёк-бу ёқдан гаплашиб чой ичдик. Нусрат Нилуфарга карамасликка тиришар, ҳадеб қишлоқдаги янгиликлар, кариндош-уруглари ҳакида сурештирас, Нилуфар бўлса тиззаларига кафтларини қўйганча сукут саклар, ўзини нокулай сезарди. Сожида холанинг мевалардан олиб ўтиришга кисташи, қайта-қайта хол-аҳвол сўрашларигина унинг жонига оро киради. Секин-аста тетиклашиб, давра рухига мослаша бошлади.

Қишлоқдан девзира олиб келишган экан, Нилуфар иккимиз палов пиширишга киришдик. Нусратдан хафа бўлмаслигини, вақтинча шундай йўл тутишни маъкул кўрганлигимизни айтдим. Ҳар калай, Нусрат кечирим сўраганида, тушундим, деб унинг кўнглини тинчиди.

– Ишқилиб улар сизни менга бичиб кетишмаса бўлгани, тўғри бориб отамларга айтишса.. – Нилуфар билан ҳазиллашмокчи бўлдим. Бирок бу гал ҳам хол кўйишимга сал қолганди. У капгирни хавога кўтарганча, менга тикилди.

– Сиз ҳам кўрқяпсизми?

– Кўрқсам бўйнимга олармидим.

Нилуфарнинг юзидағи нохуш ифода, кўзларидаги истеҳзоли маъно ёрқинроқ, мамнуниятдан дарак берувчи белги билан алмашинди.

Ош устида, кейин ҳам Нилуфар иккимиз курсдошлар ролини ўйнаб ўтирдик. У ўзини Нусрат билан шунчаки, мен орқали танишдек тутишга уринар. Нусрат эса иш ўйлаганидек кетаётганидан хурсанд эди.

Соат ўн яримларда Нилуфар кайтишга чөвланди. Мен меҳмонлардан узр сўрадим-да, хозир келаман, деб Нилу-

фарни кузатиб чикдим. Нилуфар бир оз айланишни таклиф килиб қолди. Бинолар оралаб кетдик. Транспорт харакати камайган бўлса ҳам, у ер-бу ердан қаҳқаҳа, хиргойи эшитилар, онда-сонда жуфт-жуфт бўлиб юрган йигит-қизлар учраб туради. Баҳор осмони чароғон юлдузлар билан тўла, салқин шабада эсар, акас баргларининг бир-бирига урилиб, майин шитирлаши куйдай ёқимли эди. Нилуфарнинг кайфияти мен ўйлагандан созроқ эди. Нусрат ҳақида гап очишини кутардим, лекин у бу ҳакда лом-мим демас, шундай кечада сайд қилишнинг гашти, бу гаштнинг инсон саломатлиги ва рухига ижобий таъсири ҳақида сўзлаб борарди. Бир пайт унинг енгил титраганини сезиб қолдим. Дарҳол костюмимни ечиб, елкасига тутдим. У қаршилик кўрсата бошлади:

– Йўқ, йўқ, ўзингиз-чи?

– Йигит кишига ҳеч нарса килмайди. Қизлар – гўзаллик демак. Гўзаллик нафис ва нозик бўлади. Уни авайлаш бизнинг бурчимиз.

Нилуфарнинг ёруғ юлдуз акси тушиб турган кўзларида бир нур ярқ этиб кетгандай бўлди. У костюм билан махкам ўранди.

Қоровул кампир иккимизнинг ҳам таъбимизни тиррик килди. У эшикни очмади, деразадан гупчакдай билагида пашшадай бўлиб турган соатини кўрсатиб, жаврай кетди:

– Ўн бир бўлгани қачон эди... Қаерда юрган бўлсанг, ўша ерга боравер. Кеча майли дедим. Яна соллани-иб келишингни қара. Сени тузук киз деб юрардим...

Нилуфар йиғлаб юбормаслик учун пастки лабини тишлаб, ерга қараб олганди. Мен илтимос килувдим. Кампир баттар тутоқди:

– Коидани ҳаммангиз биласиз-ку, кош-кўзига термилиб ўтиравермай, вактида олиб келиб кўйиш керак!

Нилуфарнинг билагидан тутдим.

– Юринг, кетдик.

У қаёқка деб сўрамади. Ўзим ҳам қайга етаклаётганимни билмасдим. Лекин ўз хонамдан бошқа олиб борадиган жойим ҳам йўқ эди.

Охиста, сўзсиз юриб ётоқхонага яқинлашганимизда иккимиз ҳам беихтиёр тўхтадик.

– Мени кечиринг...

Нилуфарнинг овози ўқинчли ва аламли эшитилди.

– Зарари йўқ, бир амаллаймиз. Барибир кечаси билан юриб чиқишининг иложи йўқ. Менга ишонсангиз бас.

**Хонага кирдик.**

— Мана, сиз бемалол дам олаверинг. Мен таниш болаларнига чиқиб ётаман.

Нилуфар шоша-пиша қўлимга ёпиши.

— Йўқ, йўқ, бир ўзим қўрқаман! Ахир менга ишонинг дедингиз-ку!

— Майли, бўлмаса мен китоб ўқиб ўтираман.

Чойшабни алмаштириб ўринни ростлаб бергач, дераза рахига қадаб қўйилган стол ёнидаги стулга астойдил ўрнашиб олдим. Тунги чирокни ёқдим-да, Тургеневнинг «Арафа»сини вараклай бошладим. Нилуфар бир оз иккиланиб тургач, ўринга кириб, чойшаб билан ўранди. Мен уйқуни қочириш ва хонанинг хавосини янгилаш учун деразани қиялатиб, каравот томон кўз югуртиридим. Нилуфар мен тарафга караб ётар, кўзларида меҳрга ўхшаш алланима жилваланарди. Фир-ғир эсиб кирган шабада унинг болиш атрофига ёйилган паришон сочларини ҳилпиратиб юзларига ура бошлади. Нилуфар соч толаларини қайриб, қулови орқасига кистирди. Бироқ шамол яхши эрмак топгандай унинг зулфини ўз ҳолига қўймасди.

— Деразани ёпайми?

— Йўқ, менга хуш ёқяпти.

Ўқишига тутундим. Бир оздан кейин каравот ғичирлади. «Девор томонга ўгирилиб олди» — ўйладим. Ўзимни китобдан бош қўттармасликка ундан, ўқишида давом этдим. Ярим соатлар чамаси ўтгач, яна ғичирлаш эшитилди. «Ухлаёлмаяпти шекилли», — хаёлимдан ўтди ва бошимни бурмай кўз киримни ташладим. У ҳамон уйғоқ эди. «Ё хижолат бўляпти, ё чироқ ҳалақит беряпти».

— Ёруғда ухлашга ўрганмаганмисиз дейман, Нилуфар?

— Сиз бунака азоб чекиб ўтирангиз, мен кандай ухлайман.

— Бир кечаминг кеча эмас. Имтиҳон пайтларида тонготар килиб юборамиз-ку.

— Лекин ҳозир имтиҳон пайти эмас-да.

Миямга «бу қандай имтиҳондан кам» деган фикр лоп этиб келди-ю, индамадим. Нилуфар давом этди:

— Хархолда эрталабгacha ўтириб чиқолмайсиз. Менга ҳам татимайди. Яхшиси каравотга кела қолинг. Мен сурилиб оламан.

Кулокларимга ишонмадим! Наҳотки... Ахир... Қандай килиб!.. Нусратнинг олдида нима деган одам бўламан! Ле-

кин... лекин виждоним пок-ку. Йўқ десам, Нилуфар энди изза бўлади...

Нилуфар девор томонга ўгирилиб, жой бўшатиб қўйган эди. Иккилана-иккилана бу томонга караб каравотнинг кирғозига омонатгина ёнбошладим. Юрагим гупиллаб уради. Ўзимни чўғдан эҳтиёт қилгандай анчагача қимир этмай ётдим. Бўлмади. Нусратнинг ота-онаси олдига қайтиб бормаганим, устига-устак хозирги ҳолатимни тарозига солиб ётган эдим, юмшоқ соч толалари бўйнимни қитиқлагандай туюлди. Худди шу пайт шабада қандайдир ёқимли хинд куйини олиб кела бошлади. «Эх, студентлар, ярим кечада-ям тинчишмайди-я...» Дикқат билан қулоқ тутдим. Сокин тун чокини сўкиб янграётган куй «Сангам» фильмидаги «Дўсти-дўст...» кўшигининг ҳазин ва нолакор оҳангига эди.

Кўнглимга «Нилуфарга далда бериш керак» деган фикр келди.

— Нилуфар, менимча Нусратдан хафа бўлишингиз ўринсиз.

Сезиб турибман: у ўгирилмасдан, бошини шифтга бурди.

— Дўстингизга ачиняпсизми?

— Ҳархолда у сизни...

— Шунака дeng, — гапимни бўлди Нилуфар, унинг ово-зи титраб чиқа бошлаганди, — маслаҳатингиз учун раҳмат.

Шундан кейин Нилуфар тинчид қолди. Негадир кўнглим хижил бўлди. Яна нимадир дейиш керак, деб ўйла-дим-у, аммо миямга бирон жўяли гап келмади. Ҳар калай бу ахволда ухлай олмаслигимга кўзим етиб, туриб кетдим. Чирокни ўчирдим-да, стулга ўрнашиб ўтирдим, кўлларими-ни болиш қилиб, столга бош қўйдим.

Жунжикиб уйғондим. Пешонам қўлимга, қўлим столга ёпишиб колгандай аранг ажралди. Билакларимга тарам-та-рам чизиклар муҳрланиб колганди. Бармокларим увишиб, харакатга келмас, баданим эса совукдан қалтиради.

Каравотга қарадим. Ўрин кечаги Нусратнинг каравоти-дай саришта, тумор шаклидаги болиш остига учи қисти-рилган бир варак қоғозни шамол учирив ўйнарди. Шоша-пиша олиб ўқидим. Унда куйидаги сўзлар ёзилганди:

«Кеча оқшом коровул хотин ётоқхонага қўймай, мало-мат тошларини ёғдираётган вактда мен аламимдан йиғла-шим керак эди. Лекин нимагадир бундай бўлмади. Аксин-ча, ёнимда ҳимоячим, дўстим бор-ку, деб, янги, сирли олам ичра кушдай енгил парвоз қилаётган эдим. Назаримда ба-

ланд қоялару тубсиз жарликлар, жазира маю музликлар ҳам писанд эмасдай... Үзимни қанот нималигини эндигина англаб, чинакам, дадил парвозга шай бўлган полапондай хис қила бошлагандим. Нега шундай бўлаётганини ўша лаҳзада ўзим ҳам тушуниб етмовдим. Сиз ухлаб қолдингиз... Мен уйкум келмай, ўйлайвердим, ўйлайвердим. Сиз мулоим ва жуда ёқимли нафас олардингиз. Кўлларингизнинг юзингизга ботиб кетганини ҳам сезмай ухлардингиз. Деразадан кираётган шабада жингалак соchlарингизни беозоргина тўзғитарди. Мен сизга караб ётиб, ҳамон ўйлардим. Бир пайт, бирданига ўша қоп-кора, чиройли соchlарингизни силагим, бармокларим билан тараб ўйнагим келиб кетди-ю, чўчиб тушдим. Үзимдан, тентакларча истагимдан хафа бўлдим. Ахир мен кечагина, йўқ, йўқ, ҳалигина бошқа биронни... Қанака одамман ўзи? Ахир, ахир... сиз ҳам буни истамайсиз-ку... тўғримасми?.. Йўқ, менинг устимдан кулишлариниям, иккинчи марта янгишишниям (илтимос, кўнглингизга олманг) истамайман. Сиздан миннатдорман. Раҳмат. Хайр».

Нилуфар хатга имзо ҳам қўймаган эди.

## КЎНГИЛ КЎЧАЛАРИ

Талабалар пахтага жўнаб кетишли. Ётокхона бир кунда эгаси кўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб қолди. Зафар қассалиги сабабли пахтага бормади. Кечкурун ўртоғи Комилни Фарғона поездига кузатиб қайтди. Трамвайларда одам сийрак эди. Гўё ҳамма пахтага кетгандай. Йигит студентлар шаҳарчасига чалкаш хаёллар билан етиб келди. Бекатда тушди-ю, қалби бўм-бўш бўлиб қолганини сезди. Одатда кий-чув, бакириқ-чақириклар осмонни тўлатган, ётокхоналарнинг деразаларидан турли хил тилда, овозининг борича ҳайкириб турадиган магнитафонларнинг ҳам уни учган, талабалар билан гавжум бўладиган ётокхонага яқинлашар экан, ҳамма хоналарнинг чироқсиз эканлигини кўриб, юраги увишгандай бўлди. Факат биринчи қаватнинг коридоридагина чирок ёник эди. У столга эгилганча, мудраб ўтирган коровулга ҳам эътибор қилмай, зиналардан шошилмай юкорига кўтарила бошлади. Уларнинг деразаси ётокнинг орка томонига қараган эди. Коридорнинг чироғини ёқмоқчи эди, ёнмади. Гугурт чақиб, эшикка калит солди. Чироқни ёқди-ю, ҳатто туфлисини ҳам ечмай каравотга

ўзини ташлади. Орадан унча кўп вақт ўтмаган ҳам эдики, эшик охиста чертилди. Зафар бошини ёстиқдан хиёл кўтариб, бир зум озрок ҳадик, ҳам ғижиниш билан индамай кулок солди. Эшик яна чертилди.

— Ким у? — Зафар ирғиб ўрнидан турди.

— Мен, Зафар ака, — бу Кароматнинг овози эди.

— Кираверинг, — Зафар бўшашиб каравотга қайта ёнбошлиди. «Ё тавба, бу қиз нима қилиб юрибди шу пайтда? Пахтага бормадимикин?»

Зафар Кароматни ёқтирамасди. Қизнинг дуч келган йигит билан чакчаклашиб кетавериши, бўлар-бўлмасга илжаявериши йигитнинг ғашини келтиради. «Табассуми текин қиз», дерди у. Ўзининг фикрича, «қизлик назокатидан, нафосатдан маҳрум бўлган, хаёдан, ғуурурдан сал кечрок туғилган» Кароматнинг дўрдок лабларига аҳён-аҳёнда ачи-ниш билан назар ташлар ва юзини буришириб бош чайқаб кўярди. Шунга қарамай қизнинг улар хонасидан оёғи узилмаслиги йигитнинг ошкора ғазабини кўзгатарди: «Ёмон кўрганинг пешонангга битибди, дегандай, бунча сўй-калмаса?..»

— Мумкинми? — эшикдан Кароматнинг кенг пешонаси ва ясси бурни кўринди. — Шу ердамисиз, Зафар ака? Кўркиб чироқни ҳам ўчириб ётувдим. Сизнинг пахтага кетмаганингизни билувдим. Ҳозир оёқ товушингизни эшитиб қолдим. — Қиз хона ўртасидаги стуллардан бирига омонатгина ўтирди.

— Қаёқдан эшита колувдингиз менинг пахтадан қолганимни? — Зафар ҳамон ёнбошлаганича ажабланиб унга қараб ётарди.

— Қизлар айтишувди.

— Шунақа денг. Ўзингиз нега пахтага бормадингиз?

— Академотпускадаман-ку. Карэларимни топширишим керак.

— Думларимни денг. Ундей бўлса ётодан қанақасига жой беришган сизга? — Зафар бошини ёстиқдан баландрок кўтариб қизга ҳайратомуз тикилди. Шу пайтгача у Кароматнинг шахсий ҳаёти билан қизикмаган эди.

— Комендантни авраганман. Мени биласиз-ку, ҳар кандай одамни ҳам гап билан эритиб юбораман.

— Факат гап биланми ё...

— Гап билан-да, яна қандай йўл билан бўлиши мумкин? — Каромат бир оз қизариниб, бошини қуи эди, кейин ўз жавобидан кўнгли тўлмади шекилли, Зафарнинг

кўзига дадил бокиб қўшимча қилди: – Шуни бир билингки, шаддод кизлар фактат гапдагина шаддод бўлишади. Сиз ўйлаган нарсалар писмиклардан чиқади.

Зафар қалтисрек гапириб қўйганини сезди. Шунинг учун ҳазилга бурмокчи бўлди:

– Ҳа, эритишингиз мумкин, фактат алюмин кимсаларни эритасиз. Бизга ўхшаган пўлат одамларни эритиб бўпсиз!

– Хоҳласам сизниям эритаман.

– Икки дунёдаям! – Зафар ўнг қўлини ёстикка тираб ўрнидан турди ва оёқларини каравотдан пастга осилтириб ўтириб олди.

– Гаров ўйнаймизми?

Кизнинг саволи жавобсиз қолди. Зафар гапни чўзишни ўзига эп кўрмади. Унинг ҳозирги холатида: «Сен билан гаров ўйнашиб ўтирайми?» – деган ифода бор эди. Кейин қариб буйрук оҳангода деди:

– Гаров-паровни қўйинг, яххиси битта аччик кўк чой килинг. Бошим оғриб турибди.

Улар нонсиз, қуруқ чой ичишли. Лекин Зафарнинг кўнгли очилмади, дурустрок гаплашиб ўтиришга ҳам хуши йўқ эди. Каромат уни тапга солишга ҳаракат қилди-ю, бўлмади. Сўнг тирсагини столга қўйиб, чап қўлини юзига тираганича, ёш боладай оёқларини ўйнатиб, журнал вараклаб ўтиреди. Унинг чаккасида тиришлар хосил бўлиб, писта қовоклари, кушникидай юм-юмалок кўзлари яна ҳам кичрайиб, Зафарга баттар хунуклашиб кетгандай кўринди. Ухлаб ором олгиси келди.

– Энди ётсак-а, ойимтилла, – Зафар атайин керишиб ўрнидан турди-да, қўйлагининг тугмаларини еча бошлади.

– Бир ўзим қандай ухлайман? Яна озрок ўтирайлик. – Каромат ростланиб ўтиреди-да, илтижоли кўзларини жавдиратиб Зафарга тикилди.

– Кўрксангиз, шу ерда ёта колинг. – Бепарволик билан жавоб берди йигит. – Ана, бўш каравот бор. Чойшаблари янги, тоза...

– Сиз билан бир хонада ётиб бўладими? – ҳазиллашмокчи бўлди киз.

– Бўлмаса нима қилмокчисиз? – Зафарнинг овози бу гал анчагина дағал чиқди. У дераза ёнига бориб, ётоқ оркасидаги экин майдонида чироқнинг хира етиб бораётган нурларида элас-элас йилтираётган жўхори донларини кузата бошлади.

– Қўшни ётоқка олиб бориб қўйсангиз, девдим. Рабиға

ҳам пахтадан қолган. – Кароматнинг сўзлари тобора қатъ-инятсизланиб, майинлашиб борарди.

Зафар дераза олдидан қайтиб келиб, ўзини каравотга ташлади. Каравот гичирлаб кетди. Йигит кўэларини катта-катта очиб қизга қадади.

– Жуда чарчаганман, бир қадам ҳам босгим йўқ. Тўртингчи қаватдасиз-ку, нимадан кўркасиз, зшикни ичкаридан кулфлаб олиб ётаверасиз-да, деразадан хавотирланмасангиз ҳам бўлади, осмондан хеч ким тушмайди. – Бу сўзлар Зафарнинг энсаси қотаётганини якқол сездириб кўйди.

– Бўлмаса қараб туринг, хонага кириб олай... – Қиз иложисиз қолган эди. У ажабланибми, ҳавас биланми, йигитнинг очик ёқасидан чикиб турган жингалак, коп-кора ёлидан кўз узмай жойидан қўзғалди.

Зафар уни хонасига кузатиб кўйди. Қайтиб кириб ўрнига ётди-ю, донг қотиб ухлаб қолди.

Каромат уйғотмаганда, ким билсин, қачонгача ухларди. Кун ёйилиб кетган эди. У ўрнидан дили ғаш бўлиб турди. Ёмон тушлар кўрибди... Каромат билан хилват жойларда юрган эмиш... Эшикни очиб қизнинг ҳам уйқуга тўймаганини сезди; унинг кўзлари қизарган, қовоқлари ичига ботган эди. Магазинга бориб келишга ҳам улгуребди: кўлида қант, нон, сариёғ бор эди.

Зафар уйқусини қочириш, кўнглини очиш учун майкачан бўлиб узок ювинди. Каромат чой қўйди. Кейин нонушта килишди. Зафарнинг таъби хеч нарса тусамади. Қиз ҳам тузукроқ бир нарса емади.

Каромат дугоналарини кидириб кетди, Зафар поликлиникага жўнади. Лекин иши битмади. У учраши керак бўлган врач Москвага, қандайдир семинарга кетибди. Бошкаси кўрмас эмиш. Баттар таъби тирриқ бўлди. Пахтага боравермаганига афсусланди. Кўчага чиқиб, бирпас ниша қилишини билмай туриб қолди. Борадиган жойи, кила-диган ишининг тайини йўқ эди. Авваллари, одатда, бундай пайтда ичарди. Ҳозир ичомлайди, врач такиқлаган. Қон босимининг ошиши шундан экан.

У «Санъат саройи» томон йўл олди, «Мунофиллар» номли АҚШ фильмни кетаётган экан. Кирди. Кино унга каттиқ таъсир қилди. Кайфиятини баттар тушириб юборди. Беҳудага калтаклашлар, ўлдиришлар, бузуклик, хиёнат, фохишабозлик... Айниқса бош қаҳрамон мистер Браун образи уни жуда эзиб юборди. Ҳаддан ташкари оғир, босик

характер. Ҳамиша ғамгин, иши ҳеч ўнгидан келмайди. Одамлар ичидә ёлғиз, химоясиз. Иккى серия давомида бирор марта ҳам тишининг оқини кўрсатмайди.

Кинодан чикиб Зафар Ҳадрагача бўлган уч бекат йўлни пиёда босди. Ён атрофига қарамас, ҳеч нарса билан иши йўқ эди. Шу пайтда ёнида бирор кўнгил очар дўсти бўлишини ёки бутунлай ёлғиз қолишни истарди.

У тўғри келиб Кароматларнинг хонасини такиллатди. «Ишқилиб уйда бўлсин-да», хаёлидан ўтказди. Айни вактда ўзининг бу истагидан ажабланди. Каромат билан кўришиш, сухбатлашишга бўлган иштиёқ унда биринчи марта уйғонган эди. Каромат Зафарга олдиндан таниш бўлган дугонаси Рабига билан дарс тайёрлашаётган экан. Рабига ҳам Кароматнинг ўзгинаси эди: эрка, шўх ва бола табиат. Лекин, ҳар калай, Зафарнинг у билан муомаласи яхши эди. Узок сухбатлашиб ўтиришди. Зафарнинг дили бир мунча ёришди, кейин хонасига чикиб кетди.

Кунлар шу тариқа кеча бошлади. Улар ҳар куни эрталаб бирга чой ичишар, кейин киз имтихон топшириш учун домла кидириб кетар, Зафар эса ётока колиб китоб ўқир ё шахарга чиқиб айланиб келарди. Бир неча марта бекорчиликдан Каромат билан институтга ҳам борди. Кечкурунлари эса Каромат овқат пиширар, овқатдан сўнг ё Зафарнинг, ё Кароматнинг хонасида алламаҳалгача гаплашиб ўтиришарди.

Бир куни Зафар курсдошларини қўмсаб, Сирдарёга жўнади. У ерда бир кеча ётиб, эртасига анча ёзилиб кайтиди.

У келганда Каромат каравотда ётиб китоб варакларди. Зафар кириши билан қизнинг кўзлари пирпираб кетди-ю, лекин ўрнидан турмади. Унинг хафарок эканини йигит сэзди. Тезгина юриб дераза пардаларини икки томонга кайириб кўйди-да, Каромат ётган каравотнинг бир четига ўтириб, кизга ташвишли назар ташлади. Унинг ранги хийла заъфаронлашиб, ковоклари салқиб қолгандай кўринди.

— Сизга нима бўлди, пучукчам, бирон жойингиз оғрияптими?

— Сиз каерданам тушунардингиз, умуман ҳеч качон тушунмасангиз керак. — Қизнинг сўзларида норозилик, ўпкалаш ва таъна оҳангি бор эди.

— Нега унака дейсиз?

— Чунки сиз буни истамайсиз.

— Нимани?

— Нимани бўларди, тушунишни-да... Билмайман, нимагадир дикқат бўлиб кетяпман.

— Биронтасини яхши кўриб қолгандирсиз? — ҳазилга бурмокчи бўлди Зафар.

— Эҳтимол. Балки сизнидир. Мен буни сизга ҳеч қачон очиқ айтмайман-ку, тўғрими? — Каромат йигитга синчковлик, айни вактда умидсизлик билан тикилди.

— Кўйсангиз-чи, бўлмаган гапни! — яйраб кулди Зафар, лекин ичиди ғуурланиб қўйганини ошкор этгиси келмади. Рост-да, қайси йигит ё киз: «Мен сизни яхши кўраман», деган гапни эшитса тўлқинланмайди, фахрланмайди дейсиз, гарчи ўша одам аслида унга ёқмаса ҳам.

— Нима, бўлиши мумкин эмасми ё мендан ор қиласизми?

— Йўғ-э, нималар деяпсиз? Мен ундей демокчи эмасман, — Зафарнинг овози жаранглаб, кувноқ оҳангда чика бошлади. — Бу нарса менинг хаёлимга ҳам келгани йўқ. Айтмоқчиманки, сиз мени ҳали яхши билмайсиз, бунинг устига менинг характерим ҳам бошқача, сизнинг характерингиз билан мутлақо мос эмас.

Албатта, Зафар «сиз менга ёқмайсиз», дея олмади. Бундан ўн беш-йигирма кун олдин бўлганда балки шундай деб айтиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас эди.

— Айнан сизнинг характерингиз менга ёқса-чи?

Йигит жуда нокулай аҳволга тушиб қолди. Кароматнинг гапларига нима деб жавоб беришни билмасди. Буни сезди шекилли, киз гапни бошқа ёққа бурди:

— Бошим оғрияпти, касал бўлиб қолмасам, деб қўрқяпман, иситмам баланд, кўринг-а.

Зафар қизнинг пешанасига кафтини босди. Чиндан ҳам ҳарорати бор эди. Бир лахза кечди. Кейин Каромат Зафарнинг қўлинини олиб ташламоқчи бўлди-да, суриб юзига туширди. Йигитнинг кафти қизнинг иссиқ ёноғига тегди. Зафар қўлинини тортиб олди, Каромат дархол девор томонга ўгирилиб, бошини адёл билан ўраб олди-да, яна секин «уф» торта бошлади.

— Чой қўяйми, ичасизми? — сўради Зафар.

— Овора бўлманг, кераги йўқ. — Каромат юзини очмай жавоб берди.

Зафар ўз хонасига чиқиб, кийимларини алмаштириб, чойнак олиб кирганида қиз ухлаб қолган эди. Унинг шунча тез уйкуга кетганига ҳайрон бўлди. Аста юриб газга чой қўйиб кирди. Чирокни ўчириб, стол лампасини ёқди, қиз-

нинг усти очилиб колган экан, ўради. Кўлини унинг пеша-насига кўйиб кўрди. Ҳарорати сал пасайибди. Каромат ҳеч нарса сезмай, ювощ мушукдай мулоим пишиллар эди.

Зафар чойни дамлади. Секин-секин чақирган эди, Каромат индамади. Уйғотгиси келмади. Қиз ярим соатлардан кейин кўзини очди.

— Кечирасиз, ухлаб қолибман, — уэр сўради у. Чой со-виб колган эди, бир пиёла ичди, кейин Зафар янгитдан чой кўиди.

— Нечага кирдингиз, Зафар ака? — бирдан савол бериб колди Каромат.

— Чорак асрни яшаб кўйдим.

— Нега уйланмай юрибсиз?

— Нима эди?

— Шунчаки ўзим сўрадим-да. Анча катта кўринасиз-ку, шунинг учун қўшни кизларимиз ҳадеб сизни суриштиришарди. Сен билан яқин-ку, сўраб кўр, деб мени қисташарди, ҳозир эсимга тушиб кетди.

Зафар «анча катта кўринасиз» деган иборадан оғринса ҳам сир бой бермади.

— Қизик, нега энди менинг уйланиш-уйланмаслигим бошқаларни кизиқтириб қолдийкин? Уйланган, кейин хотини билан ажрашган экан, деб кўя колинг уларга.

— Кечирасиз, сиз биронтасини севтанмисиз?

— Ҳа, севганман, бир эмас, икки марта севганман.

Зафар Кароматни калака қилас, қиз эса унга чиппа-чин ишонаётган эди.

— Кейин нима бўлган?

— Иккиси ҳам ҳозир болалик бўлишди.

Каромат Зафарнинг севгилари тарихини эшигиси келмади.

Аслида Зафарнинг сўзлаб беришга арзигулик мухабbat достони ҳам йўқ эди. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтида Зулайҳо исмли синдоши билан хат ёзишиб турарди. Китоб, дафтарлар ичига солиб бериладиган мактублар ва уларнинг жавобларида, албатта, севги ҳакида жиддий гаплар бўлмас, кўпинча мухабbat тўғрисидаги шеърлару, айрим хикоялардан олинган парчалар билан тўлиб-тошарди. Зафар шаҳарга ўқишга кетгандан кейин қизнинг ота-онаси қистови билан турмушга чиқиб кетганини эшилди. Аввалига хуноб бўлди, эзилди. Зулайҳони бевафоликда айблаб юрди. Лекин кўп ўтмай у қизни эсидан чикариб юборди. Эндиликда у қалин жилди романлардаги ишқий саргу-

заштларни ҳам локайдлик билан ўқир ва уларга ишонмай кўйган эди. Мұхаббат киссалари айрим романтик ёшлар ва умуман одамлар учун эрмак сифатида ўйлаб чиқарилган уйдирмалардан бошқа нарса эмас, деган қарорга келиб колган эди. «Лайли ва Мажнун», «Тохир ва Зухра»лар ҳам хаммаси афсонаку, деб ўз фикрини асослашга уринарди. Ҳозир у ана шуларни эслаб ўйга чўмган эди, Кароматнинг навбатдаги «хужуми» хаёлини бўлди.

— Учинчи марта севаман, деб ўйламанг.

— Мен ҳам умид килаётганим ўйк.

— Мени ҳам биронтаси севса эди! — киз ўзининг беихтиёр харакати натижасида титраб кетгандай бўлди, баданига ёпишиб турган пуштиранг жун кўйлаги остидаги кўкраги бир қалкиб тушди. Зафарнинг қараётганини сезган Ка-ромat унинг нигоҳидан яширмоқчи бўлиб, кўлларини кўксига ковуштириди. Кизнинг ҳаракатларини кузатиб ўтирган Зафар уни нокулай вазиятдан халос қилиш ва кўнглини кўтариш учун сухбатни давом эттириди:

— Хушторларингиз бордир...

— Борликка бор, лекин мен уларни севмайман-ку, мен севган одам мени севса деяпман.

— Ў-ў «Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас», дeng. Ҳали ёшсиз, орзуингиз амалга ошиб қолар, — Зафар энди кизнинг саволларига самимий, астойдил жавоб қайтаришга ҳаракат қиласарди.

— Энди амалга ошмаса керак. — Кароматнинг кўзлари бирдан хира тортиб, маъюслашиб колди.

— Нега бундай деб ўйлайсиз?

— Турмушга чиқиниш керак.

— Нима учун?

— Шароитимиз шунаقا. Рабига ҳам шундай дейди. Сиз қандай маслаҳат берасиз?

Унинг шароити қанақалиги, нима мақсадда бундай деяётгани билан Зафар кизикмади. У яна аввалги локайдлигига, масхарабозлигига қайта бошлаган эди. «Бу сухбатлар шунчаки вакт ўтказиш учунгина-ку», деган фикрини ўз онгида қатъийлаштиришга уринарди.

— Мен ҳам қўшиламан, — деб қўя колди.

— Кимга турмушга чиқаман, сизгами? — кизнинг овози дадиллашди.

Зафар эса ўз оҳангидага жавоб берди:

— Нега энди, хоҳлаган кишинингизга.

— Агар сизни хоҳласам-чи?

Зафар яна тутилиб қолди, хуноби ошди. «Нега бу қиз менга ёпишиб олди? Ҳазиллашыптими ё синамоқчими? Бунака ҳазил, бунака бемаъни синовларнинг нима кераги бор экан унга? – ўйлади у. – Барибир ёқтириласлигимни билади-ку! Қиз болада ғуур бўлмаса кийин-да. Ё шунча гапсўзлардан фаҳмламаяптими? Бунчалик овсармас-ку! Ё кўнглимни юмшатиб, менда ўзига нисбатан меҳр-шафкат уйғотмоқчими? Овора бўлади!.. Қизик, одатда қизларга ёкиш учун уни нукул макташинг, дунёда яккаю ягона ма-лика қилиб кўрсатишинг керак, дейишарди. Мен бу қизни бирор марта сийлаб, хушомад қилганимни эслай олмайман. Аксинча кесатикларимни хархолда англаши керак. Тўғрида, нимасини ҳам мактайман? Дўнг пешанасиними ё япалок бурниними?»

– Айтинг-чи, – яна сўроқка тута бошлади қиз, – сизга иккимиздан қайси биримиз кўпроқ ёкамиз: Рабигами, менми?

Бу антика саволдан Зафарнинг ниҳоятда ҳайрати ошиб, энсаси котди. Ҳатто «бу қизнинг эси жойидами ўзи», деган мулоҳазага борди.

– Менга иккингиз ҳам бирдай.

– Ҳеч фарқимиз йўқми?

– Фарқингиз бор, жуда катта! – Зафар қизиша бошлаган эди. – Иккингиз икки оламсиз, факат менга баб-бара-вар ёқасизлар. – У асаби қўзиганидан «Рабига кўпроқ ёқади», деб юборишдан ўзини аранг тийиб қолди.

– Шунақаси ҳам бўлар эканми? – Каромат ҳамон ёш боладай йигитнинг жигига тегарди. Афтидан, у ҳам Зафардан кесатиклари, масхаралари, колаверса, хисларини тушуммагани, кадрламагани учун ўч олмоқчи эди.

– Баъзан бўлар экан, – кескин, бир оз баландрок овозда жавоб берди Зафар.

Орага жимлик чўқди. Кейин қизнинг кўнгли қаттиқ ўксиганини билган Зафар сал мулоҳимлашиб сўради:

– Ўзингиз биронтасини яхши кўрганмисиз?

– Йўқ... Сизнинг характерингизга ўхшаш характерли йигитни учратмагандим... – Қизнинг овози хаста, синик эшитилди. У анча бўшашиб колган эди.

– Қандай характер? – қизиқсинди Зафар.

– Босиқлик, жиддийлик. Бу хислатлар ўзингизга жуда ярашади. Рабиганинг оркасидан бир-иккитаси эргашиб юришади. Эркакка ўхшамайди. Рабиганинг қаршисида шунақа қисиниб-қимтиниб ўтиришадики, шунақа мулоҳим га-

пиришадики, уларнинг олдида артистлар ҳам ип эшолмайди. Кошки ўша гаплар юрагидан чиқса. Башараларига тушириб қолгим келади. Чидаб туролмай чиқиб кетаман. Рабига ҳам кулади. Сиз дилингизда борини айтасиз. Масалан, мени ёқтирганингизни ҳам яширмайсиз. Пок, ҳалол одамсиз. Мана, неча кундан бери иккаламиз ёлғизмиз... Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлганда...

- Бу хушомадми? — Зафар жилмайди.
- Кўнглимдагини, тўғри гапни айтяпман.
- Миннатдорман.
- Ташаккур.

Кулишди. Кейин Зафар стулдан Кароматнинг каравотига ўтиб ўтирди. Киз қаршилик кўрсатмади, аксинча, сочини босиб ётиб колган экан, ёнбошлади-да, чиқариб қўйишни илтимос қилди. Зафар бу илтимосни бажарди, албатта. Лекин шу лахзада кутилмаган ходиса юз берди. Кизнинг бир сиким, майнин кора сочи йигитнинг кафтлари орасида юшшок сирғалар экан, томирларида нимадир ўрмалагандай, эти ёқимли жимирилаб кетди. Димогига хушбўй, эҳтиросни китиқловчи хид урилди. У қўйиб юборгиси келмай, сочни бир зум кафтида эзғилаб, силаб турди. Шунда Зафарнинг ёдига тўсатдан улуғ бир адабнинг: «Хотинлар жисмоний ёки руҳий хислатларимиз учун бизни яхши қўришади, деб ўзимизни алдаб юрамиз, аслида ҳамма нарсани баданнинг биринчи марта баданга тегиши ҳал қиласди», деган сўзлари келди. Кейин «тавба, бу киз қўркмайди-я...» деб қўйди ичада.

Зафар тунги соат бирларда хонасига чиқди. Бирок алламахалгача ухлай олмади. У ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилаар, ҳар замон-ҳар замонда «ух» тортиб қўярди. Тонгга якин кўзи илинди шекилли...

Эрталаб нонуштадан кейин Зафар сокол олишга киришди. Каромат унинг шимига дазмол босди. Улар ўртасида хеч қандай гап бўлмагандай эди. Шахар айлангани чиқишиди. Гагарин хиёбонини, анхор бўйларини кезишиди. Зафар кинога киришни таклиф қилган эди, қиз «айланиб юра колайлик», деб унамади. Суҳбат мавзуи анхор сувининг со-вуклиги, арчаларнинг яшиллиги ва кўп яшашлик хислати, гуллар, умуман табиат, кисман кинолар ва айрим бордикелди гаплардан нарига ўтмади. Кўпроқ Каромат сўзларди. У ниҳоятда хурсанд эди. Юпқагина, ихчам ва бежирим кўйлакда бўлгани учун елкалари, кўкраклари аниқ билиниб турар ва бу ҳол Зафарнинг ҳам эътиборини ўзига то-

бора кўпроқ торта бошлаган эди. У кизга тез-тез зимдан кўз ташлаб, мийигида кулимсирап, «дурустгина экан-ку», деб кўярди ўзича. Ўз навбатида йигитнинг шодон кайфияти Кароматни янада завқлантирап, у очилиб гапирап ва кулар эди. Зафарнинг диккатини айникса қизнинг иккита қилиб ўрилган соchlари жалб этарди. Шунчалик ажойиб сочи борлигига авваллари эътибор бермаганига таажжубла-нарди. Ҳатто ана шу соchlарни кечкурунгидай қўллари билан ушлашни, кафтлари орасига олиб силашни хоҳлаётганини аниқ сезди. «Камчиликсиз инсон бўлмайди, фактат ундан яхши хислатлар қидириш ва топа билиш керак, деганлари рост шекилли», – хаёлидан ўтди унинг.

...Гарчи бу сайрни Зафар аввал юрагидан истамаган ва таклиф этмаган бўлса-да, уни хурмат қилгани, унга овкат пиширгани, уни деб дугонасиникига кетмагани ва нима бўлса ҳам уни зериктиргани, умуман, катта одамгарчилик қилгани учун бу армонли ёш қизнинг ана шу инсонийлигига яраша лоакал одоб юзасидан жавоб кайтариш, унинг кўнглини кўтариш ўзининг йигитлик бурчи эканлигини ҳис эта бошлаган ва бундан ўзи ҳам бир қадар мамнун эди.

Сайрдан кейин Каромат шаҳар чеккасида яшовчи амасиникига кетди. Кечкурун келмоқчи эди, келмади. Зафар негадир уни кутди, кўмсади. Бирон ишга қўли бормади. Эртасига эрталаб ҳам, кечкурун ҳам келмади. Йигит куни билан ҳеч қаёкка чиқмади. У кечга бориб астойдил хавотирлана бошлади, безовта бўлиб қолди. Ҳар хил хаёлларга борди, ўзини койиди. Кимсасиз ётока ўтган биргина куннинг ўзида у чунонам диккат бўлдики, юраги тарс ёрилиб кетаёзди. Кечани бир амаллаб ўтказди-да, кейинги куни эрталаб ўзини овутиш, вакт ўтказиш учун шаҳарга чиқиб кетди. Лекин узок юролмади.

Ётокка кайтиб келиб хайрон бўлиб қолди. Поллар чинидай қилиб артилган, унинг кўйлаклари, сочиклари ювилиб балконга ёйилган, иккита шими дазмолланиб каравотга ташлаб кўйилган, ҳаммаёқ саранжом-саришта эди. Зафар, кўнгли жойига тушиб, енгил энтикли. Столдаги бир варак қоғозда кўйидаги сўзлар ёзилган эди: «Зафар ака, мен Рабигаларникига кетдим. Хохласангиз кечкурун олиб келишга борарсиз. 15-ётоқ, 23-хона. Каромат».

Зафар кечкурунни кутмай, ҳозирнинг ўзидаёқ йўлга тушди. Ташқарида ёмғир томчилай бошлаган эди. У яланг-бош, ёмғирпўшсиз чиққанига афсусланди. Кириб чиқишга

эринди-ю, кетаверди. Ярим йўлга етганда кутилмаганда рўпарасидан Каромат чиқиб колди. Аммо Зафар кутган ходиса рўй бермади. У жуда куюқ кўришсак керак, деб ўйлаганди. Йигит ажабланмади, ҳаяжонланмади, қалбида хам хеч қандай хис қўзғалмади. Совуқкина сўрашиши.

Шиддатли ёмғир остида ётоққа қайтиши. Зафар негадир шошилмасди. Йўлнинг икки томонида ёмридан ивиб, донлари эгилган, шумшайиб колган жўхориларга қараб ачинди. «Эссиз, вактида ўриб олишмабди-да», деб ўйлаб кетди.

Улар Кароматнинг хонасида чой ичиши. Зафар унинг нима учун йўқ бўлиб кетгани ҳакида сўради, Каромат келинойисига ёрдам берганини айтди. Кейин йигитта «тескари қараб туринг», деди-да, ечина бошлади.

— Хонамга чиқиб кета колай, ухласангиз, — Зафар кизга қарамай гапириди.

— Йўқ, йўқ, ухламайман, факат чарчаганман, дам олиб ётмоқчиман, холос. Амакимнинг болалари тинкамни куритиши. — Каромат ечиниб, ўзини адёл ичига олди.

— Бўлди, ўтираверинг.

— Қаерга ўтирай? — Зафар нимага бундай савол берганини ўзи хам тушунмади.

— Истасангиз жойингизга — стулга, хоҳласангиз ёнимга...

Улар тунги соат биргача ўтириши. Зафар бир неча кундан бери анчагина зериккан, бунинг устига хозир уйқуси хам кочган эди. Каромат хам ухлаш тўғрисида индамасди. Аксинча, жиянларининг шўхлиги, киликлари, кизик-кизик сўзларини, одатларини ҳикоя қилиб, кулдириб ётди. Энди улар унча ётсирашмай колганди. Эҳтимол, бунга бир-бири билан кўришмаган кейинги икки-уч кун хам сабаб бўлгандир. Қизни эркаламокчи бўларди-ю, лекин нимадир тўскинлик киласди. Балки аслида бунга хожат хам йўқдир.

Зафар адёлни тузатиб қўйиш баҳонаси билан қўлини Кароматнинг бўйнига олиб борди. Афтидан, унда яна қизнинг соchlарини ушлаш истаги туғилган эди. Бу ҳолнинг тўсатдан бўлгани учунми, қиз чўчиб қўлларини кўтариб юборган эди, адёл сурилиб тушиб, усти очилиб, яланюоч кифтлари, томоги остлари кўриниб қолди. Гарчи Кароматнинг юзлари буғдоранг бўлса хам, бадани офтоб кўрмагандай оппок, рангиз, лекин жозибали эди. У «уютсиз», деди-да, дархол адёлни томонигача тортиб, тескари қараб

ётиб олди. Бу пайтда Зафарда ҳам аллақандай пинхоний майллар жунбушга келиб, юраги тез-тез ура бошлаган эди. Бу юрак уни нимагадир ундарди. У ўйлабми, ўйламайми, қўлини адёл остидан кизнинг бели томон узатди.

— Жиминг, бўлмаса хонангизга чиқариб юбораман. — Кароматнинг сўзларида кескин оҳанг йўқ эди. Бундан дадиллашган Зафар тез-тез, киска-киска нафас олиб кизнинг устига энгашди. Лаблари унинг юзига тегай-тегай деб колди... Каромат Зафарнинг қўлини нари суриб, унга ўгирилди:

— Нима қилмоқчисиз? Барибир сизда ҳеч қандай хис йўқ-ку, Зафар ака? Энди ҳалоллигинги зиҳни ҳам йўқотмоқчимисиз?.. — Кизнинг овозида таҳқирланишдан нолиш бўлсада, лекин катъий эди. У яна тескари караб олди ва адёл билан бошини ҳам ўради. Кейин адёл остидан эшитилар эшитилмас «энди ухлайлик», деди.

Зафар каддини ростлаб ўрнидан турди, бир лахза ўй суриб колди, сўнг кизга хайр ҳам демай тез-тез юриб чиқиб кетди. Хонанинг чироғини ҳам ёқмай, деразаларни ланг очиб юборди. Ташқаридан баданни жунжиктирувчи намхуш шамол ёпирилиб кирди-да, жон ҳолатда деворларга урилиб, яна орқага қайтди. Зафар мезоннинг салқин шабадасидан енгил энтикиб, титради, бирок у бу ҳолдан нечукдир роҳатлангандай, қалби ёқимли хислардан тўлкинлангандай бўлди. У наздида тобора тиниклашиб бораётган юлдузли осмонга одатдагидан ўзгача бир иштиёқ ва ҳавас билан тикилар экан, ўзини қанча хотиржам ва осойишта тутишга уринмасин, юраги бесаранжом типирчилар, ҳаяжони тобора ортар, кўнгил қаъридан аллақандай туйруларга йўғрилган наволар отилиб чикмокқа талпинарди. Йигит ўзини майдондан бўйин эгиб чиккан курашчидай сезар, лекин мағлубликни тан олгиси келмас, шундай бўлса ҳам «хариф»ининг галибона, бирок илтижоли, чақноқ, аммо маъюс нигоҳи кўз олдидан кетмас, «энди ухлайлик» деган сўзлари кулоклари тагида тоҳфамгин, тоҳф тантанавор жарангларди.

## ЭГАСИННИ ТОПМАГАН НАСИБА

Бахорнинг ўрталари эди. Ҳаво ҳали унча исиб кетмаган, бунинг устига майдонлаб ёмғир ёғаётган эди. Рихси бунака маҳалда, кўпинча мижоз олмай, тезликни пасайтириб,

икки томондаги ойнани ҳам тушириб қўйиб камқатноврок жойларда айланиб юришни яхши кўрарди. Ўша куни ҳам шундай айланиб юрганди. Соат кеч саккизлар чамаси эди. Ипакчилик институтининг рўпарасида, бекат ҳам эмас, шундокқина яйдок йўлда бирор самолётга кечикаётгандай, иккала қўлини силкита бошлади. Рихси тўхтамоқчи эмас эдии, раҳми келди: «Бечора ёмрирда ивиб кетибди». Иккичидан, бирдан мўмайроқ пул ишлаб, планни бажариб қўйиш мумкин, деган фикр миясига яшин тезлигида келди. Йўловчи кўриниши, кийинишидан хўжалик раҳбарларига ўхшарди: оёрида қора хром этик, дўпписини сув қофоз билан бостириб, кўкрагининг икки томонида ҳам чўнтағи бор кулранг кителининг ёқасини кўтариб олганди. Ёнида сандикдай келадиган жигарранг чамадон ҳам бор эди. У сўраб ҳам ўтирамай, шоша-пиша орка эшикни очиб, чамадонини ўриндикка ташлади, кейин ўзи Рихсининг ёнига ўтирида, эшикни қарсллатиб ёпди. Рихсининг пешонаси тиришди. «Хе, маданиятсиз, кайфиятни ҳам расво қилдинг», – деди у ичидা.

– Яхшимисиз! – мижоз Рихсиникига икки баравар келадиган кафтини узатди. Сўраша туриб, камида бир ҳафтадан бери устара тегмаган яккам-дуккам соколига кўзи тушиб, Рихси яна бир ижирғаниб қўйди.

– Ҳўш?..

– Кўштутга, – мижоз ростланиб ўтириб олди.

Рихси газни босди. Машина ҳўл асфальтда шувиллаб елиб кетди. Ойнага чирсиллаб урилаётган ёмрир томчилари яна Рихсини ром этди. У мижозига эътибор бермай, тезликни ошириди. Бироқ энди «Ушшок»ни минирлаб хиргойи кила бошлаган эди, «мехмон» хурр... деб юборди. У бошини осилтирганича, пинакка кетган эди. Рихсининг кўнгли яна хижил бўлдию, индамади. Мижоз дўппи билан сув қофоз орасидан йўғон бўйнига сизиб тушаётган томчиларни ҳам сезмасди. «Бояқиши чамадон чарчатиби шекили, – кўнглидан кечирди Рихси орка ўриндикка кўз қирини ташлар экан, – роса ғалати мижозга учраганга ўхшайман...»

– Келдикми? – Машина тўхтаб улгурмасдан мижоз кўзини очиб у ёқ-бу ёкка аланглай бошлади. Рихси унинг сезгирилиги, хушёrlигига койил қолди. – Ҳозир чиқаман, – у эпчиллик билан машинадан тушиб, эшикни ҳам очик колдирганича рўпарадаги буралма кўчага шитоб кириб кетди. Рихси рулга ўмганини босиб орқасидан кузатиб турди.

Ү катта-катта қадам ташлаб борарди. Ёш бўлишига қарамай, суюги бузуклиги – гавдасининг бир оз бесўнакайлиги сабабли кексалардай лўкиллаб юарди.

Рихси сигарет тутатиб, орқага суюнди.

«Бирон институтда ўқийдиган ука-пукасини кўргани келган бўлса керак. Шу бугунни танлаганини... гап сўрай десанг, ўтирибок уйкуга тушди. Безовта кўринадио, хуррак баравж...»

Мижоз орадан кўп ўтмай, муюлишда пайдо бўлди.

– Иш пачава! – деди у ўринидикка ўзини бор оғирлиги билан ташлар экан. – Кўнглимга келувди-я. Техникиям кизик. Бир ёқда одамлар ойга чиқаяптию, кап-катта самолёт ҳавода бир парча туман кўринса учолмай ўтиради.

Рихсининг сабри чидамади.

– Тинчликми ўзи, биродар? Мундай тушунтириброк гапирсангизчи?

– Ҳозир, ҳозир... Юнусободга хайданг.

– Бўёғиниям бир келишиб олсак бўларди, меҳмон. Арзон даврлар ўтиб кетган...

Мижоз шофёрга қарамай кўл силтади.

– Хотиржам бўлинг, хурсанд қиласман.

Рихсининг кўнгли бир оз жойига тушиб, газни босди.

– Биз курсдошлар билан ҳар йили апрелнинг иккинчи шанбасида Тошкентда тўпланишга қарор килганимиз. Мана беш йилдирки, анъанамиз давом этиб келяпти. Бу йил Ризоларникига йиғилишимиз керак эди. Бир соатча кечикибман. Коровул Ризонинг ишхонасидан уч-тўрттаси билан бирга чиқиб кетганини кўрибди. Адрес ташлаб кетишмабди номардлар. Ризо яқинда домга кўчибди. Бирга ишлайдиганлардан бирини кўрдим. Уйни ювишга боришган экан. Сўрасам, Фарход бозорининг орқасида, лекин кўпчилик билан машинада бориб, машинада қайтдик, уй номерларига караш кимнинг эсига кепти, дейсиз, – дейди. Ҳозир кирган жойимда у ижарада яшарди. Улар ҳам аниқ билишмайди. Ризо билан қалин бир курсдошим бор. Борайлик-чи, унинг хотини билиши мумкин.

– Зора. Узокдан келганга ўхшайсиз?

– Кўзингизга қаранг! Ёш бола!.. Избоскандан...

Рихси Избосканни эшитгандай бўлувди. Эслашга уриниб кўрдию, тополмади. «Ха-а...», деб кўяколди. «Тавба, дунёда ғалати одамлар ҳам кўп-да, – ўйлаб кетди ўзича. – Шундан-шунга от-арава килиб, катта чамадонни кўтариб,

канча пул сарфлаб курсдошларини кўргани келиди. Ҳа, ўзинг томонда уч-тўртта улфатинг йўқми!

Курсдошлар эмиш. Ҳаммаси ҳар жойдан келган, тутуми, одати ҳар хил одамлар эл бўлармиди бир-бирига. Ўн йил бир синфда ўқиган ҳаммаҳаллаларинг бегона бўлиб кетишиадиу. Амал курсисига ўтирганини ю кўявер, сени кўрса танимай, мабодо таниса, зўр келса бош қимирлатиб ўтиб кетади. Курсдошларам йўловчилардай гап-да. Уч-тўрт йил бирга ўқишиадиу, кейин ҳар қаёқка таркаб кетишиади. Бир кечага бирга ўтирдинг нима бўлдию, ўтирмадинг нима бўлди. Ҳа, энди, келишга кепсан, оғайнингни тополмадинг, кўчама-кўча санғиб юрасанми! Белбоги ечишмаганлардан серобга ўхшайди. «Ўзбекистон»дан люкс жойни олиб, кўл оёрингни узатиб ёт, дамингни ол, эртага ё раззок, топарсан ўша ҳамтовоқларингни... Ҳимматинг зўр бўлса, эртага ҳам сийлайверасанда...»

Меҳмон бу оғайнисиникидан ҳам шалвираб қайтиб чикди.

— Йигитлар хотинини, қизлар эрини эргаштириб келиш йўқ, деб келишилуви, — у шахтидан тушиб, овози ҳам анча пасайиб колганди.

— Хўш, қайси меҳмонхонага олиб бориб кўяй? — сўради Рихси унга ҳамдардлик билдирган киши бўлиб, мулоҳимлик билан.

— Қанака меҳмонхона?! Ахир мен уларни топиш им керак.

— Соат ўндан ошяпти. Қаердан қидирасиз энди? Тайинли адресингиз йўқ. Тошкентдай катта шахарда адрессиз одамни топиш осонми? Кундузи бўлсаям бошқа гап эди. Адреслар бюросидан сўраш мумкин эди. Боринг, бир мўъжиза юз бериб, топдингиз ҳам дейлик, ахир унгача Избоскандан оғайнимиз келиши керак деб сизни кутиб ўтиришмас. Нари борса яна бир-икки соатда тарқалишади-да. Ўтиргандай бўласизми.., эртагаем худонинг куни бор-ку.

— Ҳамма гап шунда-да, дўстим. Эрталаб биринчи рейса да қайтиб кетишим керак. Колаверса, эртага уларнинг ҳаммасини топиш кийин. Топгандандаям бугунгидаи бўлмайди. Гап шунчаки ўтиришдамас, шунга ваъдалашганимиз. Ҳамма вилоятдан, хатто Қорақалпоғистондан, Туркманистандан ҳам келишиади. Шу яқинда туриб келмасам, уларни менсимаган, юзларига оёқ кўйган бўламан. Коида бузишни бошлаб берган бўламан. Чунки бир гал узрсиз бир киши келмаса, кейинги сафар икки киши қатнашмайди, кейин уч

ё түрт киши... бора-бора бу одат тусига киради. Қадрдон-лар бир-биридан совий бошлайды, тарқаб кетишга түри келади. Күргина анъаналар шунака бўлиб йўқолиб кетади да.

«Оббо, бу колхозчими десам, файласуф чиқиб қолдикку...»

— Хўп, биродар, нима қилиш керак энди? Шуни билиб кўйингки, сизни эрталабгача айлантириб юришга вақтим ҳам, токатим ҳам йўқ. Ҳозир айттан жойингизга олиб бориб қўяман-да, қайтаман. Мениям ўзимга яраша тирикчилигим бор. Икки соатдан бери машинани банд қилиб юрибсиз, ҳар қанча хотамтой бўлганингиздаям бари бир бир кишининг пулини берасиз. Якка пассажирдан ҳеч қачон фойда чикмайди.

— Менга каранг, дўстим, — мижоз ўринидекда озрок олдинга силжиб шимининг чўнтағини кавлай бошлади. — Сиз биладиган қонун-қоидани мен ҳам ўқиганман. Ҳозир менинг ихтиёримдасиз. Сезиб турибман, оз беради, деб ҳадиксираяпсиз. Планингиз борлигини ҳам, корнингиз борлигини ҳам яхши биламан, тушунаман. — У чўнтағидан бир даста тартибсиз тахланган пулни сиқимлаб чиқарди. Тўғриси, Рихсининг кўзи ўйнаб кетди. Нукул кўк, қизил қофоз... мижоз даста ичидан битта элликталикни ажратиб, узатди. — Ҳозирча мана буни олиб туринг. Агар уларни топсан, суюнчисига яна бераман.

— Хўп, гапиринг, бойвачча йигит.

— Бойваччалик эмас, кўнглингиз тинчисин деб қилдим холос.

— Ҳа, яхши. Лекин нима бўлсаям, соат бирда паркка кайтишим керак.

Ёмғир кучайди. Томчилар ойналарга чирсиллаб урилганда чиқадиган оҳанг ўзгарди. Деразалардан совук шамол кира бошлади. Яқингинада бош ювган қизлардай дийдираб турган дараҳтлар лип-лип ўтади. Мижоз қунишиб олди.

Рихси рулни каттиқ қисиб ушлаганини анча юришганидан сўнг, ҳамроҳи гап бошлагандан кейингина сезди.

— Кечирасиз, сизни хафа килиб қўйдим. Баъзан қишлоқилигимизга борамиз-да. Кўрмайсизми иш ўнгидан келмаганини. У ёқдаги ишлар яна расво.

— Қанака иш? — сўради Рихси йўлдан кўзини узмай.

— Бригадирчилик. Ўн гектарча еримиздаги ғўзани сел олиб кетди. Эртага соат ўн иккига бюрога чакиришган.

Хозир мана бу ёмғир менинг ичимга ёғаёттандан хам баттар бўляпти.

— Сел олган бўлса, сизда нима айб? — Рихси мижозга бирров кўз ташлаб олди.

— Олдини олмагансан, дейишади-да.

— Селни олди қандай олинади?

— Селни ўзигинамас-да... сув кўпайиб, дарёдаги тўғонни уриб кетган. Ҳе, олса бригадирлигини олишади-да, жонгаям тегиб кетди ўзи.

— Индамай бўшатишаверадими?

— Афсуски бўшатишмайди-да. Лекин боплаб сасишади.

— Қизик...

— Ҳа, дунёнинг кизик ишлари кўп экан, дўстим... ўқиши битириб, колхозга агроном бўлиб борувдим. Икки йил ишладим. Қолок бир бригадани ўнглаб берасиз, дейишди... хўп демай, илож қанча! Мана, уч йилдирки, ўша қолок бригадани оёқка турғазамиз деб ўзимиз типирчилаб ётибмиз. Шу уч йил ичида бетимиз хам, этимиз хам анча қалинлашди. Кун ора идорада мактаб ўкувчисидай тикка турамиз. Бунисиям майлию. Баъзан болаларни шундоқ тиззага олиб эркалатишга хафталаб кўл тегмайди. Бир кун кайфичнолик қилиб мириқсак бир йилга татийди. Бугун хам бир ўшанака заряд оламиз, деб келувдик-да, дўстим. Ўзимиздаям хар замонда улфатчилик бўлиб турадио, сухбат мавзуси культивация, чопиқдан нарига ўтмайди. Бир хил пластинка...

«Тавба, бошида шунча ташвиш турибди экан. Эртага дақки ейишиниям билади. Курсдошларини кўриб кетиш, бир кўнглини ёзиб олиш учун ҳаммасига қўл силкиб кепти. Шунча оворагарчиликдан кейин топса яхши эди...» — дилидан ўтказди Рихси.

Момакалдирок гумбурлаб, чақмок чақди. Япроқларга кўниб олган, булбулнинг кўз ёшидай томчилар ялтираб кетди. Момакалдирок овози узоклаша-узоклаша тинди. Ёмғир хам тўхтади. Худди лолазорни эслатувчи шахар чироқлари яна чараклаб кўрина бошлиди.

Машина Кўкчадаги пастқам кўчалардан бирига кириб борди. Лекин бу сафар хам мижознинг омади юришмади. У ўриндикка оғир чўкаркан, тирсакларини тиззасига кўйиб панжалари йўғон-йўғон ва узун-узун кафтлари билан бошини чангллади. Шу алфозда бир неча дақика турди. Рихси уни йиғлаяптими деб хам ўйлади. Шу топда унга қандай далда беришни билмасди. Бир оздан сўнг мижоз бошини

күтариб, Рихсига каради. Унинг кўзларида илинж қолмаган, ночор ва аламли кўзларга ўхшарди.

— Таваккал қилиб ўша ёққаям бир борамизми? Униси-бунисидан сўраб-суриштириб кўрамиз. Зора ишимиз ўнгидан келса. — Рихси «Фарход» бозорининг оркаси деган жойнинг нихоятда катталиги, бу уринишдан натижа чикиши эҳтимолдан мутлако узоқлигини билса хам, мижозига ачиниб кетганидан сўнгги чора сифатида таклиф қилиб кўрди. Қолаверса, «Нима бўлса бўлди энди» деган карорга келган эди.

Мижознинг нажот кутиб қотиб колган нигохига сал жон киргандай бўлди.

— Асли бошида шундай қилсак бўларкан. Майли, юринг-чи... сизни анча овора қиласидаган бўлдим-да.

— Зарари йўқ. Топсак, қиттак-қиттак оламиз, бари эсдан чишиб кетади.

— Рахмат, дўстим, — мижоз якин кишилар каби рапидайдай кафтини Рихсининг елкасига қўйиб миннатдорчилигини ифодалади.

Рихси «Фарход» бозорининг оркасига ўтиб, машинани бир четга тўхтатди. Учбурчак, квадрат шаклларда тушган кўп қаватли биноларни кўриб, ақлини пешлаш учун у ёк-бу ёкка аланглаб, бир-икки дакиқа туришди. Кейин маслаҳат билан иккиси икки томонга юрди. Уй номерлари ҳаддан ташқари тартибсиз: 12-йнинг ёнида 27-уй, лекин улар учун уйларнинг номерлари аҳамиятсиз, факат «якинда кўчиб келган оила, эри институтда ишлайди, исми фалончи» деган маълумотлар бор эди холос. Йўлакларнинг рўпараларидаши шийпон-сухбатгоҳларда икки, учтадан бўлиб сухбатлашиб ўтирган кампирлар ва чоллар, деразадан тушаётган ёруғда «Прима»ни буркситиб, тарсиллатиб дамино ўйнаётганларнинг айримлари елка кисиши билан жавоб беришар, бошқалари эса «ху нариги домга яқинда бир оила кўчиб келувди шекилли», деб умид учкунларини яллиғлантиришар, аммо «бунинг эси жойидами ўзи», деган маънода қараб кўювчилар хам йўқ эмасди.

Рихси хафсаласи пир бўлиб, қайтиб келганида мижоз машина ёнида чўнқайиб ўтирганича сигарет чекарди. Рихсини кўриб ўрнидан кўзғалди.

— Бўлмади дўстим, уйдан чап ёнбош билан туриб чикканга ўхшайман. Энди охирги илтимосим: мени аэропортга олиб бориб қўйсангиз. Биринчи рейсга билетни амаллаб, учмасам бўлмайди.

...Кутиш залининг холирок бурчагини танлашди.

— Озгина мизгиб олсам етади. Ахир эртага тикка туриш учун ҳам мадор керак-да, — ҳазил кильмокчи бўлди мижоз. Лекин бу ҳазилга унинг ўзи ҳам, Рихси ҳам кулмади... — Ҳа, айтгандай, яна бир илтимосим бор экан: шу чамадонда озроқ мева-чева бор эди, болаларга олиб кетсангиз.

— Кўйсангизчи...

— Йўқ деманг, — ўрнидан туриб чамадонни Рихси томон сурди. — Бари бир қайтариб олиб кетмайман.

— Чамадон-чи?.. — сўради Рихси хижолат бўлиб.

— Қизиқмисиз, арзимаган нарса...

Рихси қайтди. Гаражга келиб чамадонни очди. Қават-кават қилиб тикилган иккита катта сув ҳалтанинг ичига сув солиниб, ҳали бозорга ҳам чиқиб улгурмаган, янги, диркиллаб турган бодринг, помидор билан тўлдирилган, яхна ғули гўшти ҳам бор эди.

Рихси эгасини топмаган насибаларга анча тикилиб турди. Шу пайт чўнтағида пул чангллаган бармокларининг титраётганини сезди...

## СОФИНЧ

Эгамберди қишлоққа ҳар замон-ҳар замонда борар, ҳар гал уни отаси қувонч билан кутиб олар, умид билан кузатиб қолар эди.

Бу гал қишлоққа бориши чўзилиб кетди.

Бу гал...ҳар сафаргидек бўлмади...

У қишлоғини, униб-ўсган ҳовлисини соринганди.

У отасини соринганди. Поездда, автобусда меҳрибон падарининг нурли чехрасини кўз олдига аникрок келтиришга ҳаракат қилас, лекин ҳаёллари чувалашиб, тасаввuri жонажон қиёфани аник илғаб ололмасди. Фикрини жамлаб астойдил хотирламоқчи бўлар, аммо йўловчиларнинг шивир-шивири, чақалок йигисию, онанинг боласи елкасига аста-аста тапиллатиб уриши, деразадан лип-лип ўтаётган, чинни осмонга елка тираб турган мирзатераклар, йўл-йўл улкан дастурхонни эслатувчи пахтазорлар, парашют нусха толлар ҳадеб уни чалритарди. Ўйлари никоясида эса, ижара уйидан чиқиб келаётганида онасининг орқасида туриб имо-ишора билан хайрлашиб колган Саида гавдаланар, эркаланиб: «Фақат икки кунга, хўп?..» — дея пичирлаётгандай бўларди.

Эгамбердиларнинг уйи кишлокқа кираверишда, Катта Фарғона каналининг ёқасида эди. У шу жойгача ошикиб, интикиб келганди. Тиниб, ўзанига тўлиб, бироқ сокин оқаётган сувга бир зум тикилиб турди-ю, тўсатдан ғалати холга тушди: назарида ҳеч нарса ўзгармагандай, ҳаммаси аслича, эскичадай, бу ерлардаги ҳаёт худди ана шу сув каби тўлкинсиз, шовқинсиз, бир меъёрда кечаётгандай кўринди.

Тепаси кўча томонга хиёл ориб колган қадрдон дарвозага кўзи тушганда қалбидаги соғинч туйғулари туйкус шамолдан енгил чайқалган денгиз тўлкинидай бир қалқиди-ю, ичкари кириши билан яна пасайди.

Эгамбердининг тахминича анча ўзгаришлар бўлиши керак эди.

Ҳаммаси ўша-ўша. Ҳовлини тўрт томондан қисиб турган пахса, гувала деворлар, кунчиқишидаги устига кора-қофоз ёпилган, пешонаси қора тандир ҳам, унинг ёнидаги тол ходалардан омонат ясалган товук катаги ҳам, айвони ўртадан бўлинган катор уйлар ҳам, энг четдаги хонанинг ёнбошига тираб кўйилган калта шоти ҳам, тунукалари занглаб, тахталари кийшайиб кетган баланд сўри ҳам ўша-ўша... Факат баргларнинг ранги ўзгарган. Эгамберди ўтган сафар келганида олма, ўрик, анор япроқлари ям-яшил эди, энди улар сарғайиб, ҳатто тўкилиб бўлаёзибди. Дараҳтларнинг остидаги ҳазонлар енгилгина шитирлади.

Эгамберди йўлакда тўхтаб, тўлиқкан кўнгли бўшашиб кетгандай, енгил тин олди.

Отаси анорларнинг тагини очаётган экан.

– Ота!

Абдухолик ака энгашиб, кўзларининг бор куввати билан тикилганча бир лаҳза турди, кейин кафтларини, тердан сарғайган, чангдан корайган нимдошигина оқ сурп яктаги этакларини қоқиб, кела бошлади. Енглари тирсагигача шимарилган, этсиз қўлларининг сиртида, билакларида кон томирлари хаританинг махсус белги-чизиқларидај яккол бўртиб тураг эди. Чувак юзидаги мошгуруч соколига, ёпла кошлари, киприкларига юпка кировдай чанг ўтирган, кекирдаги, кекирдагининг икки ёнидаги чукурчалар қошик-кошик бўлиб кўринарди.

– Эгамберди?! –

Эгамберди бир неча кадам босдию, болдиirlарини, қўйничини сириб турган майда йўлли баҳмал шимига монанд

жигарранг, локланган туфлиси тупроққа ботиб, тұхтаб қолди.

— Ҳорманг.

— Келдингми?

Улар күчоклашиб күришишди. Эгамберди отасини каттық ё секинрок күчоклашни ҳам билмасди. Қизық, ахир у отасини соғинган-ку! Нега энди у билан қандай күришишни билмайди? Нега лаллаяди?!

— Тинч юрибсанми? — Абдухолик ака ўғлиниң дам түлқин-түлқин сочларига, дам яқындан бери астойдил кирила бошланган иягига ташналиқ, оталик ифтихори билан тикилар эди.

— Ҳмм, ўзингиз бардаммисиз?

— Шукур.

Абдухолик ака индамай ичкарига юрди. Эгамберди отасининг мисранг гарданини коплаган тарам-тарам, катақ-катақ ажинлардан күз узмай сўзсиз эргашди.

«Сочи роса оқарибдими. Гавдасиям чўкканга ўхшайди. Қарид қолибди...»

Абдухолик ака ишком остидаги эни бир, бўйи бир ярим қулоч келадиган ҳаворанг чорпоя четига чўккалади, Эгамберди бериги чеккага, оёкларини ердан узмаган ҳолда, бир кўли билан тирагиб, омонатгина ўтириди. Чорпояга солинган қизил, кўқ, сарик йўлли, икки қирғори попукли шолчани офтоб ўнгдириб юборган эди: чорпоя ёз бўйи шу ердан жилдирилмаганга ўхшайди.

Ота кафтларини очиб нималардир деб пичирлади. Эгамберди эшиитмади, кўлларини юзига тортди.

— Ҳмм... тинчликми? Үқишлиаринг қалай?

— Яхши, кетяпти.

— Ўртоқларинг ҳам ўқишиятими? Пойизда келдингми?

— Ҳмм...

Эгамберди у ёқ-бу ёкка аланглади.

— Бувим кўринмайдими? — у ўгай онасини шундай атар эди.

— Эгачисиникига кетувди. Кеб колар. Газга чой қўй бўлмаса.

Ота ховли этагига ўтиб кетди. Эгамберди чой қўйди. Айвон меҳробидаги жавон устидан кўрпача олиб чорпоянинг икки томонига тўшади, ишком устунининг кашагига илиғлиқ дастурхонни олиб ўртага ёэди. Қора, ғадир-будир дипломатидан қоғозга ўроғлиқ новвот, бир боғлам тешиккулча ва уч-тўртта майизли булочка олиб қўйди. Абдухо-

лик ака пуштиранг белбогиға артнеб, шошилмай юриб келди. Чойга ўтиришди.

- Оёғингиз оғримаяптыми, ота?
- Тузук. Э, түшүнмайсан одам нимайканлигини. Дүхтирларым бир тайинли гап айтишмайды. Амакингдан пул жүннаттируадим, олдингми? Кийналиб қолмадингми?
- Йўқ, яхши. Чойга новвотдан солайми?
- Майли.
- Озодалар яхши ўтиришибдими? Болалари катта бўлиб қолишгандир?
- Ха, тинч. Тошкентда ҳаво қанақа? Совуқ тушмадими хали? Палтойинг эскириб кетгандир?
- Бу йилчаям кийса бўлади. Тошкентдаям хозир обхаво шунақа...

«Энди нимани сўрасамикин!..»

Эгамберди олди очик, полсиз чўзиқ айвонни, уйларнинг эски, жайдари усулдаги, ранги ўнгиб кетган эшик-деразаларини назардан ўтказди:

- Деворларни бир оқлавориш керак экан, а, ота?
- Э, бу йил қолди энди. Баҳорга чиқайлик-чи.
- Фоғир ака бандачилик қипти-да.
- Ха. Кириб кўйгин. Тўй-маъракаларга қатнашиб туриш керак. Ҳаммани бошида бор...

Ота пиёласини дастурхонга тўнтарди.

- Анорни тагини очиятудингизми? Ҳали кун иссиғ-у?
- Барги тўкилмай кўмиб қолиш керак. Қаердан хашак истаб юраман.
- Тугатиб кўя қолайлик бўлмаса.
- Эскирок кийиминг борми? Бўлмаса, даҳлизда мени китилим турипти, михда. Нонди устини ёпиб кўй.

Ишга тушишди.

- Анор тузук хосил бердими, ота?
- Унчамас. Бултургига етмайди. Ҳазир бўл, кулок томирини кирқиб кўйма.

...Эгамберди ўнғайсизланарди. Сўрайдиган нарса ҳам колмади. Ўзи ҳакида гапирсами? Ниманиям гапиради.

- Ҳўжалик пахта планини бажарай деб коптими?
- Невлай. Мактаб болалар хали қайтмаяпти-ю...
- Озода келиб турадими?
- Бир мартами келди.
- Узокка бердик-да ўзи...

– Ҳа, энди пешанасига ёзилгани-да.

Эгамберди ҳадеганда ишга киришиб кетолмади. Анорларнинг тагини очишда бир амаллаб турдию анор дарахтини ётқизиб, тупрок бостиришга келганда жуда қийналди. Хандакнинг ўртасини чамалаб аркон ташлашарди-да, анорни ётқизишарди; дайди шохларни тўплаб ихчамлаштиргач, ота-бала икки томонга ўтириб, худди похол боғлаётгандай, арқоннинг учларини алмаштириб олишиб, кураклари ерга тегай-тегай деб колгунча тортишар, сўнг арқоннинг бўшаган қисмини билакларига ўрашарди-да, ҳамон бўйин бермаётган йўғон шохларни тепкилашиб, яна боягидай чираниб кучаниб тортишда давом этишарди. Ҳар силтаб тортишаётганда отаси «Ҳа! Ҳм!», деб турарди. Шу тариқа тарвакайлаб ётган анор дарахти каттароқ бир боғ шох ўтин шаклига келар, кейин арқонни анорнинг йўғонрок новдасига бир тортганда ечиладиган килиб илаштириб, тупрок остида колиб кетмаслиги учун учини четга чикариб қўйишарди. Сўнгра ота ҳашак ёпиб, анор устига чикарди-да, бутун оғирлигини солиб тепкилаб турар, Эгамберди тупрок ташлар эди. Кўмиб бўлишгач арқонни суғуриб олишар ва навбатдаги анорга ўтишарди.

Эгамберди ҳеч ковушолмас, анорнинг тиконларидан ўзини олиб кочар, тиконлар эса ўчакишгандай ҳали у ери, ҳали бу ерини тилиб кетар, отасига ўз ахволини сездирмасликка уринар, бирок тилинган жойлари жазиллаб ачишганда тиришаётган пешонаси «иситма»ни ошкора килиб қўяётганидан бехабар эди. Анор кўмиб-очиш Эгамберди ўкишга кетмасидан олдин ҳам бор эди. Лекин у пайтларда Эгамберди ҳашарчиларга чой бериб, бостирма-даги ғарам ҳашакни анорзорга ташишга ёрдамлашиб турарди холос. Анор кўмишнинг бу қадар машакқатли эканини тасаввур қиласганди. У «энди катта йигит бўлиб колдимку, бунака ишларни қотириб ташласам керак», деб ўйлаганди. Эҳтимол, отаси ҳам шундай фикр килгандир. Лекин отаси ишга ўрганиб кетибди. Илгарилари – ҳосилотлигига, бригадирлигига уям ҳовлида иш килмас, анор кўмиб-очиш, бошқа оғир юмушларга аъзоларидан уч-тўрттасини жўнатар, ўзи баъзида ҳатто «хорма, бор бўл»га ҳам гоҳо келмас эди. Энди эса, гурсиллатиб кетмонни урятти. Асли, зоти меҳнаткаш-да. Эгамбердининг бобоси карол ўтган экан. Отасида ўша бобосининг қони бор. Үндай деса, Эгамбердида бобосининг, отасининг қони йўқми? Ким билсин, у замонлар бошқачамиди: камбағалнинг қора меҳнатсиз куни

ўтмас эди. Энди техника бор, ўқиш деган нарса бор, яшашинг, пул топишнинг енгил йўллари кўп... Эҳтимол, қон ҳам бирдай туравермас, авлоддан-авлодга бир хилда, бир зайлда ўтавермас... Ахир замон ўзгаргандан кейин қон ҳам ўзгарса керак-да...

Эгамберди ишга жон-жаҳди билан ёпишиб, тиконли шоҳларни сесканмасдан кучоқлари орасига олиб, ерга бо-саётган отасига ҳаваси келди, айни вактда унга ачиниб кетди. Ёши етмишга қараб боряпти... Энди аъзо-ҳашарчилар йўқ. Демак, анор, анжир, узумларни баҳорда очиб тикилаш, кузда кўмиш, ёзи билан шудгордаги ўтларни юлиб, сув кўйиш, кейин чопиб ерни қайтадан юмшатиш, рўзгор ташвиши – ҳаммаси отасининг ўзига қолган. Ҳовлидаги олма, бехиларнинг мевасини ҳам йигирма чақирим наридағи бозорга ўзи олиб бориб, сотиб келаётгандир... бу оворагарчиликлар ким учун? Ўзи учунми? Йўқ, мундок ўйлаб, ҳисоб-китоб қилиб кўринг, мулла Эгамбердивой. Ҳар ойда почтадан кўзингизга суртиб оладиган қизил, кўк сўлкавойлар каердан келяпти? Мана шу, ҳозир тиконлари кўзингизга бало-қазодек кўринаётган анорларга сарф бўлган заҳматнинг қаримтаси эмасми? Бўлмасам-чи! Кўрадаги кўйлар-чи? Ҳар куни сизга ўхшаганлар белингизга сочиқни боғлаб, «поморин» билан имиллаб тиш юваётган пайтингизда, отангиз қирнинг ортидан бўлса ҳам ўт ўриб, орқалаб келади, икки тутамини кўйларнинг охурига ташлагандан кейингина нонуштага ўтиради. Гапини эшитдингизми: «Синглинг ўғлига тўй қилмоқчи, таомил – мен сўқимини кўтаришим керак, иккита кўйни сал семиртириб сотиб, пулига кўшиб новвос оламан, ҳарна енгиллик...»

...Эгамберди шу хаёллар билан алламаҳалгача ухлай олмади. Бугун ишга киришиб кетолмаганлигининг сабабини анчадан бери жисмоний меҳнат килмаганидан кўрди (ундай деса, пахта терди-ю... Э, пахтаниям ёлчитмади-да) ва эртага албатта астойдил уриниб, хижолатпазликдан чиқиши кўнглига туғиб кўйди.

Аммо... отаси уйғотганида, кун аллақачон ёйилиб кетган эди. Шартта ўридан туриб кетмоқчи бўлди, бироқ оёқ-кўллари унга бўйсунмади: аъзои бадани бирор уриб эзиб юборгандай қақшар, керишгиси келар, кўзларига кум тикилиб қолгандек очилавермасди. Судралгандай ташқарига чиқди. Отаси анорзорда куймаланарди. Эгамберди изза тортганидан нонуштага ҳам қарамай, ўзини чакконликка солиб шудгорга кирди. Лекин отаси «Чойингни ичиб ке»,

деб қайтариб юборди. Абдухолик ака чойнакни дастурхонга ўраб қўйган эди. Эгамберди наридан-бери нон чайнаб, лаби куйиб-куйиб икки-уч пиёла чой ичган бўлди-ю, отасининг ёнига чопди. Абдухолик ака қандайдир ашулани хиргойи қилганича кетмонни қарсиллатиб урар, ердан бир текисда «хишт, хишт» деган сас чикиб, енгил чанг кўтарилади. Эгамбердининг назарида отаси кетмонни омонатги на ушлаб, факат унинг йўналишини бошқариб тургандай, қўллари даста узра осонгина бориб келаётгандай туюлди. У ҳам кетмон олди. Бироқ ёғоч соп кафтига қиррали темирдай тегди. Қули безиллаб, каттиқ уролмади, бармоклари яхши сирғалмади, ерга кетмоннинг ярми ҳам кирмади. Шундагина у кечаги бир пастлик ишига кафтларининг қавариб кетганини кўрди. Иккинчи кетмон уриш биринчидан ҳам азоб бўлди. Кетмон жуда секин кимираётгандай, гўё кўтарганда ҳавода уни нимадир тутиб қолаётгандай эди.

Ўғлиниң харакатларини зимдан кузатиб турган ота чопишдан тўхтади.

— Кетмон ўтмасаканми? — дея мийигида кулимсираб ўз кетмонини Эгамбердига узатди. — Муни кўр-чи.

Эгамберди кизариб, ийманиб кетмонга қўл чўзди. Кафтига туфлаб, куличкашлаб уришга чоғланди. Бироқ бу кетмон ҳам мўлжалга тушмади. У гап кетмонда эмаслигини англарди. Факат, аслида ўзига иш килиш унча ёқмаётганини тан олгиси келмас, тан олса ҳам, отасига сездирмокчи эмас эди (бир-икки кун чидаб турса, кейин шаҳарга кетвонди. У ёқда бунақа ишларни тушида ҳам кўрмайди). Лекин у кексаларнинг сезгир бўлишини унутганди. Отаси кетмонни «дўқ» этказиб ерга қўйди.

— Ручкага ўхшамаяптими? Косиб бўпсан-копсан-да. Ке, юр, осонроқ иш кип турайлик. Гувала ташиймиз. Бостирамани ўнглаш керак. — Абдухолик ака уст-бошидаги чанг-чунгни силкитиб, охори кетиб, четларига ёғ тепчиган дўпписини кафтига уриб қоқди-да, кўча томон юрди.

Отанинг гапларида таъна оҳангি сезилмасди. Эгамберди ботинан севинса-да, бўйинни эгиб, падари оркасидан жимгина эргашди.

Замбилда кўча девори тагига уюб қўйилган гувалаларни ўттиз кадамча беридаги харобалашиб қолган бостирма ёнига таший бошлидилар. Иш анча осон эди. «Бу бошқа гап!» — деб қўйди ичиди Эгамберди. Факат бир оғиз гаплашмай бориб-келишаётгани кўнглини хижил қиласиди.

Отанг билан беш-олти ойда бир кўришсангу ҳол-аҳволдан, ўйлаб-ўйлаб топилган сўроқ-жавобдан, айрим бордикелди гаплардан нарига ўта олмасанг! Балки отангнинг ўзи ҳам сал-пал сабабчидир. Чунки сенинг болалигинг отангнинг колхозда амалдорлик пайтига тўрри келди. Сен уникки-уч кунда бир кўрардинг, унинг сен билан гаплашишга, суйиб-эркалатишга вакти бормиди. Кейин.. кейин.. онанг оламдан ўтиб, ўгай онага қолдинг. Тўрри, у сенга ёмонлик қиласди, аммо нима юмуш билан машғуллигинг, қаерда юрганинг билан ҳам иши бўлмасди. Рост, у билан гаплашиб ўтиришга ўзингнинг ҳам хушинг йўқ эди. Уйга индамай кириб, индамай чиқадиган одатни ўргандинг. Отанг билан шу пайтгача бирор марта сирлашмагансан.

«Ахир ота-бала ниманиям гаплашиши мумкин,— яна ўзига ўзи тасалли берарди у, — отанинг дард-хасрати бошқа, ўғилники бошқа бўлса...»

— Кўзингга қара!

Бирок Эгамберди «кўзига қараш»га улгурмади. Деворга қапишиб ўсган олманинг йўлак томонга эгилган йўғон шохига (ҳар гал шу ердан энгашиб ўтишайтган эди) пешонаси «дўйк» этиб тегди. Кўзидан ўт сачраб кетгандай бўлди.

— Кўй, кўй, замбилини ерга кўй!

Абдухолик ака бир ҳатлаб ўслининг олдига ўтди. Эгамберди пешонасини ишкарди, ота унинг кўлини четга суребўзи шохга теккан жойни силаб кўрди, жиддий шикаст етмаганига ишонч ҳосил килди.

— Кўзинг қаердайди? Ёмон тегдими?

— А, йўк...— Эгамберди замбилини кўтариш учун энгашди.

Эгамберди энди кўлларининг замбил кўтаришга беziллаётганини пайқади. Бармоклари котиб, яхши эгилмас, на зарида замбилининг дастаси кўлидан сирғалиб тушиб кетаётгандай бўлаверди. Кўлларига дам бергиси келар, икки марта «ковун» тушириб, тагин «Дам олайлик, ота», дейишга бети чидамасди. «Яна уч марта... яна икки замбил ташийлик...», деб ўзига далда берар, аммо кўллари оғирликни ҳис қилмайдиган бўлиб борарди; соп сирғалиб чиқиб кетай-чиқиб кетай дер, отасидан ҳам яшиrolмай замбилини йўл-йўлакай силтаб-силтаб, ё тўхтаб, оёкларини навбатманавбат букиб сал кўтарарди-да, замбил дасталарини тиззасига кўйиб маҳкамроқ ушлаб оларди.

Ўчкишгандай, Абдухолик ака ҳам «ўғлим изза бўлмасин», дебми, бу ҳолни сезмаётгандай, «бас қилайлик», де-

масди. Эхтимол у ҳам хаёл гирдобига тушиб кетгандир: «Биттаю битта ўғлим ҳам шунака нозик бўлиб қоладими, бу ахволда ўзини-ўзи қандай килиб эплаб кетади? Бунакада мен оламдан ўтсам бари мевалар, бутун ҳовли хонавайрон бўлади-ю! Ер хароб бўлади-ю!», деб ташвиш чекаётгандир, ичидан эзилётгандир балки...

Эгамбердининг кўллари увишиб, каракт бўлиб борарди. Босим кучайиши оқибатида кон тўпланиб билаги тирсагигача тошдай қотиб кетди. Энди у борган сари ўзини ўнглаш, кайтадан дастани маҳкамроқ тутиб олиш учун тез-тез тўхтай бошлади.

«Яна бир замбил...»

Эгамбердининг дилини ҳаммасидан ҳам отам «атай қиляпти» демаяптимикин, деган хавотир кемираради. Отаси эса ҳамон истихола қилар, бир нарса дейишдан тилини тијяди. Эгамберди кафтининг қаварган ерлари, гурра бўлган пешонасининг жазиллаб ачишаётганини ҳам унутиб, тишини тишига кўйиб борар, терлаб кетаётганини сезар, аммо чурк этмас эди. Факат қайтишда бир оз нафас ростлар, битта гувалани иккала қўли билан кўтариб замбилга солар экан, назарида гувала ҳам чўяндай оғирлашиб борарди.

«Шу охиргиси... энди нима деб ўйласа ҳам, дам олайлик, дейман...»

Эгамберди замбилни ердан аранг кўтарди. Энди оёклари ҳам унга бўйсунмай чалишиб кета бошлади. Шундагина Абдухолик ака чидаб туролмади:

– Тўхта, мен ўнглаброк ушлаб олай, ерга кўй.

Эгамберди кўллари қалтираб замбилни ерга кўйди.

– Ке, дам овлолайлик...

Эгамбердининг мияси чарчокдан, айни вактда ғазабдан лўқилларди. Отасининг гапи масхарадай туюлди.

«Шу пайтгача индамай...»

– Шуни обориб тўкайлик... – Эгамберди ўзини аранг босиб, энгашиб замбил дасталарига кўл чўзди.

– Кўй, деяпман, чарчадим.

Эгамберди отасининг «чарчадинг» деёлмаётганини, демаганини англади. Индамай, эгилганича тураверди. Охири Абдулҳолик ака ҳам энкайди. Шу пайт Эгамберди билолмай қолди: замбилни отаси аввал кўтариб юбордими ё ўзининг кўлидан чикиб кетдими, қарсиллаган товушни эшилди. Иликларининг оркасига гувала тегди, туёғи тешикка

тушиб чўккалаган отдай, тиззаси букилиб, замбилга ўтириб колди.

— Кўй, дедим-а, сенга. Қайсарлик килдинг! — Ота яна боягидай бир хатлаб ўғлининг ёнига ўтди. Кўлидан тортиб туришга ёрдамлашди.

Эгамбердининг ранги окариб пешонасидан совук терчиқиб кетганди. Ёнги билан юз-қўлларини артиб, жилмайди. Бирок унинг бу жилмайиши аянчли ва аламли эди.

— Кани, юр, — отаси уни айвонга бошлади.

— Ўтириб тур, — чорпояга ишора килди айвонга боришгач. Ўзи чойгумнинг тагига ўт ёқди.

Эгамберди «мен...» демоқчи бўлди-ю, лаблари бир-бирига ёпишиб қолгандай очилмади.

Икки-уч пиёла иссик чойдан кейин Эгамберди ўзига келди. Бирок билаклари хали ҳам тараанг эди. Атай қилмаганини исботлаш учун отасига кўрсатди.

Абдухолик ака таъна ва ачиниш билан ўғлига тикилди. Эгамбердининг йўғонлашиб, мушаклари билинмай кетган билагини кўк томирлари иргиб чиккан, тикан тилган баромклари билан эзиз-эзиз кўрди.

— Харакат килдирвор, чойдан ич, бирпасда тарқаб кетади, кон тўпланиб копти. Айтмаганингни қара-я, тилингни кесволадигандай...

Пешонасининг оғриғи ҳадемай босилди, иккинчи куни билакларининг шиши қайтди, кафтларидағи оқ пўрсилдоқ бўлиб колган бир кават тери кўчиб, қадоқлари ачишмай кўйди. Лекин энди юраги безиллар, жўнашга ошикарди.

Дарвозахонадан чикишгач, Абдухолик ака дуога кўл очди:

— Эсон-омон етиб ол. Оллога омонат...

— Бўпти, яхши қолинг, — Эгамберди отасига кўл чўзди. Абдухолик ака қўлини тезда тортиб олиб, бошини четга бурди: унинг мижжаларига ёш қалқа бошлаган эди...

Эгамберди туятиш анорнинг хил-хили битта-битта терилиб тўлдирилган жомадонни йиқилиб кетмасин деб болдирлари орасига олиб турар, чап қўлида ўзининг йўлдош портфелини тутқичидан оҳиста айлантириб ўйнар, аланглар, бу хатти-харакатлари ғайриихтиёрий тарзда юз берагётганидан хабарсиз эди.

Иттифоко, отасининг томонига, хиёл кўтарилиб, тагин жойига кайтаётган бойёнроқдай кекирдагига, кекирдагининг остидаги чукурчага кўзи тушиб колди.

Кўнгли бузилди... начора, айб фактат унинг ўзидами?..

Унга ўхшаганлар камми?.. Ахир уни отасининг ўзи папалаб ўстирмаганмиди, болалигимиз қиров босган шудгорда ялангоёқ, бўз иштонда, омочнинг кетида ўтди, у кунлар энди сизларнинг бошингизга тушмайди, энди билакнинг кучи билинмас, бармокнинг учи билан иш юргизиб яшайдиган замон келди, демаганмиди? Ўқишига ўзи оқ фотиха бермаганмиди, пешонасидан ўпиб, йўлинг ойдин бўлсин, деб жўнатмаганмиди?..

У йўлга тушди. Қайрилишга якин қолганда секинлаб, ортига ярим ўгирилди. Отаси кўринмади. Гувала деворлар, қийшик дарвоза уни таъкиб килиб келаётгандай эди.

## АЛАМ

Равшани санаторийга олиб бориш хаёлимдаям йўқ эди. Касаба уюшмамиз раиси: «Путёвка икки кишилик, болалардан олиб кетарсиз. Хоҳламасангиз, куясиз», деб қолди.

— Айни муддао-ку, — дедим хурсандлигимни яширмай. — Битта ўғлимиз нимжонрок...

— Ана, кўрдингизми, математика эзиб кўйган бўлса керак-да бола бояқиши... бунака профкомни қаёқдан топасиз. Битта ош сиздан — Андижонни девзирасидан!

Мактаб директоридан ижозат, синф раҳбаридан тавсифнома ундириб, иккаламизга поликлиникадан санаторий-курорт варақаси тўлдириш учун икки кун югурдим: бирини топсанг, бири йўқ...

Равшан эса, опа-укаларига мақтаниб, такадай иргишлигани-ирғишилаган.

Самолётнинг кўпираётган денгизсимон булутларни кемадай ёриб ўтиши, иллюминатордан гоҳ чайнвордга, гоҳ макетга ўхшаб кўринган ер рангининг дам сайин ўзгариб туришидан хайратга тушган Равшанинг кўзлари чараклаб, ҳадеганда елкамга суркалади — миннатдорчилигини изхор этади.

Икки кишилик хонага киргач, «Қалай? — деб сўрадим бош томонидаги тахта тўсигига яп-янги, гулдор сочиқчалар ташланган юмшок, ороста каравотларга ишора қилиб.

— Вў! — деди Равшан бош бармоғини никтаб ва худди уйдагидек бўйнимдан қучоклаб, юзларимдан чўпиллатиб ўпди.

— Қани, танласинлар жойни, — дедим ўғлимнинг сочи-  
ни тўзғитиб.

Равшан дераза ёнидаги каравотга сувга калла ташла-  
гандай ўзини отди, бироқ шу заҳоти пружинадай сапчиб  
турди-да, хонани кўрикдан ўтказа бошлади.

— Ў-ў жа зўр-у, дада! — деб кўярди у яраклаган жигар-  
ранг шкаф, тумбаларга, душли ваннахоналарга оғзи очи-  
либ.

— Во-о, дада! Бияққа қаранг-а! — деди у ҳаяжонланиб,  
олди пастак панжарали айвончадан теваракни томоша  
қиларкан.

Манзара чиндан ҳам ажойиб эди. Санаторий иморатла-  
ри чуқурликда жойлашган бўлиб, жануб ёқда қатлам-кат-  
лам олам кўзга ташланарди: биз турган бино олди кўчат  
чинорзор, ундан сал баландрокда — санаторий ҳовлиси би-  
лан маҳаллани ажратиб турувчи асфальт кўчанинг у юзи-  
да катта-кичик дўконлар, бозорча, улардан тепарокда кун-  
чикишдан кунботишга қараб ястанган, жайдари тол, мир-  
затераклардан иборат ям-яшил дарахтзор, бир поғона  
юкорида, дарахтзор билан туташ, бесанок буғдой ўюмлари-  
симон баланд-паст новвотранг адирлар... ундан нарида —  
олисда туялар карвонини эслатувчи ҳалка-ҳалка тоғлар су-  
кут саклаб турад, энг юксакда эса кўкиш ҳарир либосдаги  
ямоқ каби лаҳтак-лаҳтак булутлар ғарбга томон аста-аста  
сузиб борарди.

Санаторийнинг гавжум хаётига шарпасиз шўнғиб кет-  
дик. Икки оқшом кинога кирдик. Қарасам, ошиқ-маъ-  
шуклар ойдин кечаларда, хилват кўчаларда қўлтиқлашиб  
юрадиган фильмлар...

— Равшанбек, бунақа кинолар сизга тўғри келмайди,  
ўғлим. Яххиси ухлаб дам олиш керак...

— Болалар учун бўлса, кўрамиз-а?

Ваъда бердим.

Энди кечкурунлари фойедаги доналари кичикроқ мушт-  
дай келадиган шашка асосий эрмагимизга айланди.

— Вой, мунча ёқимтой, аклли бола бу, кичкинагина  
бўлиб, буваси тенги одамни бурчакка қисиб кўйибдию, —  
дэя Равшаннинг бошини силаб, ё соchlарини тўзғитиб ўти-  
шарди қўшни хоналарда турадиган аёллар.

— Ўзингиз жуда ширин-а, — дейишарди зерикишгани-  
да Равшан билан кувлашмачоқ ўйнайдиган, уни гапга ту-  
тиб ўтирадиган ҳамшира кизлар.

Равшаннинг шундай бўлишига якка-ёлриз ўзим сабаб-

чидай мағрур жилмаяман; гүё одамларнинг, хусусан аёлларнинг ўғлим баҳонасида менга, Равшаннинг онасиға хаваслари келаётгандай...

Аслида, ўзим ҳам Равшани яхши кўраман: ройиш, кўнгилчан... Опа-укалари сўрашса, лоқал сукланиб туришганини сезиб қолса, қўлидаги ширинлигини «ма», деб бериб қўяди, жуда кўзи қиймаса, ўзига ярмини олиб қолади. Танг ахволни тушунадиган, озга кўнадиган, кискаси, гап уқадиган бола.

— Болани эс эзиз қўйяпти, — дейди баъзан аяси.

Равшаннинг ҳам менга меҳри кучли. Ишдан келганимда эшик қўнғироғига биринчи бўлиб югуриб чикади ваostonадан ўтмасимданоқ бўйнимга осилади. Роса берилиб ўқиб, ё ёзиб ўтирган пайтимдаям «дада, бир ачом қилволай», деб киради. Ётиш олдидан «яхши ухлаб туринг, дада», деб икки юзимдан ўпиб чиқиб кетади ўз хонасиға.

— Хизмат сафарига кетганингизда ичикиб, касал бўлиб қолмаса, деб юрагимни ховучлаб ўтираман, — дейди аяси. — Болишингизни қайта-қайта кучоклаб, «оҳ-оҳ-оҳ, дадамни ширин ҳиди келяпти», деб ичагимизни узади. «Қўйсангчи, қаёқда ширин...» — деб жигига тегсам, «э-э, сиз дадамни соғинмайсиз, соғинганингизда билардингиз ҳиди қанака ширинлигини», дейди йиғлагудай бўлиб...

Мана энди иккимиз тенг ҳуқуқли (шундай бўлиши ҳам табиий: ахир, путёвка нархи катта-кичикка баравар-ку) дам олувчи, даволанувчилармиз. Равшан мен учун оқ-коранинг фарқига етадиган росмана ҳамроҳ, сирдош ҳамхона... У билан маслаҳатлашишлар («хўш, энди нима қилдик, Равшанжон?»), шашка ўйнаш («марҳамат, шаҳзодам, юриш ўзларидан»), эрталабки муомала («кани, турмайдиларми, ош вақти бўп кетдию...») ғоят завқли, ғоят марокли...

Тунда ой шундоққина айвончамиз рўпарасидан димланган сув юзидаги коптоқдай имиллаб ўта бошлайди. У деразамиз ромига урилиб, кок иккига бўлинган маҳал Равшан оппоқ чойшабга ўранганча, бир жаҳон бўлиб уйқуга кетади. Мен унга ифтихор билан қараб-қараб, қачон кўзим илинганини сезмай қоламан.

Ҳаммаси жойидаю, фактат...

Болалар бўлимида ўрин йўқлигидан катталар корпусига жойлашган эдик. Равшан овқатдан кейин ошхона атрофида уймалашиб юрган болалар ичига ўзини уради. Бўйнига арқон солгандай, аранг олиб кетаман. Бошим қотиб юрувди, столимиздан иккита жой бўшаб, баҳтимиға ўзи-

миз сингари ота-бала ўтиришди. Аввалига, улар бир-бирига у қадар ўхшамаганлиги учун ота-бала деб ўйламадим. Отаси ўртадан тикрок, қадди-басты келишган, юзи чўзиқроқ, қоп-қора қошлари ўртада бурчак ясаб туташиб кетган, киприклари қалин ва узун эди. Кўзлари эса каттакатта, теварагига нам тепчиётгандай кўринадиган корачиқлари оҳиста ҳаракатланиб, ўйнаб турғандай авровчи, аёллар таъбири билан айтганда «ғар кўз», қисқаси хотин-кизлар ўзини бағишлиш пайдан бўлишадиган эркакона киёфали одам эди. Бола эса, аксинча, маккажўхори сўтасидай бўйчан ва хилва кўзлари чумчукникидай кичкина, киртайган эди. Отасининг қора соchlари қалин, табиий тўлқинли, боланинг соchlари рангсиз, сийрак; бир тутам пати пешанасининг бир томонига елимлаб кўйилгандай, килт этмас эди. Кулганида кўзлари юмилиб, юзи баттар кичрашиб кетарди.

Лекин, дунёда бир-бирига ўхшамайдиган ота-болалар камми? Бу ҳам табиатнинг антиқа ўйинларидан бири-да.

Янги шеригимизнинг ўғли Равшандан тахминан бир-икки ёш каттароқ бўлса-да, ҳаммамиз баравар суюндиқ. Чунки улар ҳам бизнинг бўлимга жойлашган экан.

Кичкиналар бир-биридан ажралмай кўйишиди. Биз ҳам, кўнглимиж жойига тушиб, ўз муолажа ва бошқа ишларимиз билан андармон бўлдик.

Солижон ака одамшинаванда чикиб қолди. Аввало у жуда сўзамол эди, бу айни муддао. Чунки, у ҳам менга ўхшаб, хотинимнинг избораси билан айтганда «димланган киши» бўлганида, бир-биримизга термилганча, «ух» тортиб ўтираверардик. Мен кам гаплигимдан кўп хижолат бўламан: жуда зерикарлик одамман, ҳайронман, шунга қарамай, ёр-биродарларим мендан қўл ювиб, кўлтиқка артишмайди. Ёки, улфат-жўраларнинг ҳар хил олди-қочди гапларини кулок қоқмай, аксинча, маъқуллаб тинглаб ўтирадиган одам ҳам керакмикин? Яхшики, Солижон ҳам «сиз ҳам гапирсангиз-чи», деб кистайверадиган хилидан эмас экан. Айниқса, шу одати менга маъқул тушди. У ҳар бир одам, ҳар бир воқеа, ё оддий гап муносабати билан латифа тўкиб ташлайди. Бир зумда атрофимиз гавжум бўлиб колади. Одамни тонг колдирадиган хурмача қиликлари ҳам бор. Рўпарадан чиройли (баъзан фарқи йўқ) киз келаётган бўлса, Солижон унга зимдан бир кўз ташлаб кўяди-ю, қайтиб қарамайди, ёndoш ўтиб кетаётганимизда ҳам қизнинг юзига бокмай, нихоятда бепарво, беписанд оҳангда «яхши-

мисиз», дейди-да, менга гапириб кетаверади. Қиз аввалига беихтиёр саломга алик олади, кейин хиёл секинлаб, Солижонга назар ташлайди, кулимсирайди ёки юзида таажжуб акс этади, эсламокчи бўлгандай кошларини чимиради ва иккиланибгина йўлида давом этади. Солижон мутлако бе-эътибор, мен елка оша сезидирмай кузатаман: қиз бизга, тўғрироғи Солижонга қараб-қараб кетади.

— Нимага бундай қиласиз, ахир таниш бўлмаса, бечорани ичига ғулғула солиб кўйдингиз, — дейман.

— Қайтага кўнгли кўтарилади, буям савобнинг бир тури, — дейди Солижон кўз қисиб.

— Эҳтимол қармоқ ташлашнинг бир туридир.

Солижон кулиб юборди.

— Оббо сиз-ей, жуда кизикувчан экансиз... мана, кўрасиз, янаги тўқнашганимизда мендан олдин салом беради...

Мен пастга камрок тушарман, камрок чалғирман, деб бешинчи каватта бажонидил рози бўлувдим.

Шерикларимиз иккинчи каватда.

Ваннага тушгандан кейин келиб, ўрнашиб ётганимда Равшан ўпкаси оғзига тикилгудай бўлиб чиқди.

— Дилшоднинг дадаси чакиряпти.

— Ўзи чиқа колмабди-да.

— Айтайми?

— Майли энди, катталик қиляпти, демасин.

Тушсам, ота-бала янги очилган мўъжазгина ялтиллаган картада «дурак» ўйнашяпти.

— Шу нарсага унча хушим ҳам, укувим ҳам йўқ, менга шахмат бўлса, тузук, — дедим.

— Э, шахматингиз одамни юрагини эзиб, сил килворади, — кўл силтади Солижон, — биздақа гипертонларга сал енгил-елпи ўйинлар тузук, эрмакка. Паловга қалайсиз?

— Ейишгами?

— Пиширишга.

— Сал-пал биламан, — дедим иккиланиброк.

— Ўзимизни фарғоначами ё тошкентчами?

— Андижонча.

— Э, яхши бўлди. Тушдан кейин ош қиласиз ошхонада. Улфатлар бор. Уч кун карам шўрва ичиб, бугун эрталаб турсам, болишим нам бўп қопти.

Кейинги кунларимиз ҳам машқ учун отилган ўқдай деярли бир хил, аммо гаштли ўта бошлади. Дам бизнинг, дам Солижонларнинг хонасида (кўпроқ уларникида, чунки бу

хонада доим чой кайнаган, писта-бодом аримайды. Санитаркалар кириб чойнак-пиёлаларни қайнок сувда чайиб, чой дамлаб бериб туришади, катик, күк топиб келишади) чойхүрлик қилиб, гап сотиб ўтирамиз. Картада ўйнаймиз. Сұхбат охири касалимизга бориб тақалади.

— Шу кон босимиям жа бемаза, бетайин нарса экан. Қачон, қандай күтариғанни билмай қоласан одам. Бу ёқда соппа-соғдай юраверасану дүхтириң күлиға түшдинг тамом, қани, бир давленияңғизни ўлчаб қүяйлик, дейдию, ўх-ху шунча давленияминан қандай тикка юрибсиз дейди. Ташқарига чикишингиз билан миянгиз лўқиллаб, кўзингиз тина бошлади.

— Ҳар куни кўфирма палов, қўй гўштига димлама есангиз, сизни кон босимингиз ошмай, карам шўрва ичганларники ошсинми?

— Э, гап овқатдамас, азизим, ёш дўхтирларингиз айтишаверади. Мен бир тажрибали дўхтирга учраганман. Ана у ҳақиқий врач, чунки ўзи устида ишлар экан. Ҳамма соҳадаям ўзидан олдингиларни илми билан ўзиникини солиштираса, бойитмаса, икки пул. Чунки хеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни илдизи, замини бўлади. Айримлар илдизидан киркиб олишади-да, кейин куритиб қўйиб, караб ўтиришади. Ҳалиги одам ўзи республикада хизмат кўрсатган врач экан. Ўйига кирсангиз, оғзингиз очилиб колади. Қатор кетган уч хонали уйининг деворларига варакалар ёпишириб ташлабди: асал йигирма неччиям дардга шифо, кимиз фалонча касалга даво. Ўшаларни ўқиб чиқсангиз, ўзингизам, анча-мунча нарсага ақлингиз етадиган бўлиб қолади. Ўйга бора солиб, шуларга амал қилсан тузалиб кетаман экан, деган тушунча туғилади.

Ўзиям, жуда истаралигу, тез одам экан, киришим билан, хўш, гапиринг, деди. Кон босимим бор, дедим. Томиримни ушлади, кўзларимга тикилди, тилимни кўрди, ҳозир кон босимингиз жойида, деди. Кўтарилиб туради, дедим. Қанчага чиқади, деб сўради. Ҳа, шунчага, дедим. Отангизда ё онангизда бормиди кон босими, деди. Билмадим, дедим. Ҳеч шикоят килишганини эшитмаганман, дедим. Беғам бўлинг, бошни камрок, кўл-оёкни кўпроқ ишлатинг, деди. Овқат-чи, деб сўрадим. Кўнглингиз тортган овқатни енг, деди. Врачларингиз карам шўрва, ёвғон ич, деб хуноб килишадиу, дедим. Бекор айтишибди, мана, менам врачман. Ота-буваларимиз қиши билан қўй ёри-қўй гўштига па-

лов еб чикишган. Қозок дўстларимизнинг тўрттаси битта бўрдоки кўйининг гўштини кўрдим дейишмаган.

— У сиз айтган кўйлар дори сепилмаган ўт еган, демадингизми.

— У пайтда дўхтири нима деркин, деб юрагингиз пўкиллаб туради-ю, бунақа гап хаёлга келади, дейсизми. Телевизорни камроқ кўринг, деди. Бола-чака бордир, деб сўради, бор, дедим. Ишдан келиб кўчада етаклаб айланинг, қувлашиб ўйнанг, уйда от бўлиб беринг, деди.

— Ие, кўчада югуриб юрсангиз, одамлар боласини уриш учун қувляпти, дейишар, дедим.

— Парво қилманг, — деди.

Кейин ўша дўхтири эллик йилдан кейин бир келасиз олдимга, деди. Хурсанд бўб кетганимдан, бир даста пул чиқарибман. Дарров ранги ўзгарди, денг. Бир юзимга, бир пулга қарайди. Охири эпчилик билан даста ичидан битта уринган беш сўмликни сууриб олди. Колганини эгаларига сарфланг, деди. Тушунмай чиқиб кетавердим. Ўша айтгандай, пархез деган гапни эшитсам, энсам қотади. Ҳали-ҳали эслаб юраман. Бир борай, дейману, ана-мана, деб хеч кўл тегмайди.

— Кон босимингиз тузалмабди-ю барибир.

— Э, кон босимидан-ку ўзимни шикоятим йўк, хеч безовта қилмайди. Участка врачимиз доим даволатиб турмаснгиз, миянгизга кон куюлиши мумкин. Ичингиздагини бўшатиб юринг, кўпроқ камгап одамлар шу дардга чалинади, дейди. Шундан кейин, ўзимам жа ичимдан топмасману, кўпроқ гапирсам асакам кетадими, деб келганини кайтармайман.

— Хуллас, бу ерда қаерингизни даволатяпсиз, энди?

— Шу, ўнг болдиримда Дилшодни шапалогидай жой зинқиб оғрийди. Қишидаям, ёздаям, кордаям, ёмғирдаям, саратон-чилладаям бирдай симиллаб тураверади. Баъзи баъзида кечаси, сахарга яқин кучайиб қолади. Диагноз йигирма-ўттиз хил бор. Ҳаммасиям бир четини олиб келиб ревматизмга тақашади. Ревматизмда бўғимлар оғрийди, ҳаво ўзгарса кўзийди дейсизлару, менда унақамасу, десам, шунака формасиям бўлиши мумкин, дейишади. Жуда бир бетаъсир, хеч нарса кор қилмайдиган оғриқ эди, назаримда шу ванна фойда киляпти... бу, сизга гап ҳам бермадим. Боя айтганимдай, гап халтам жуда чукур, тилниям хеч тушовламайман. Ўзингизда қанака касаллардан бор?

— Менда радикулит. Бултур тўккиз ой ётиб қолдим.

- Яна түккиз кун колган экану... узр, ҳазил.
- Кимга айтсан ишонмайди, радикулит биздаям бор, бунақамас, деб.
- Ўша, диагноз тўғримас-да. Радикулитга қарши укол, дориларни шигаб бераверишган, улар бошқа тўқималарингизни ишдан чиқараверган. Касалликни жиги топилса, бир хўплам совук сув эм бўлади, деган гап бор. Мана, игна санчадиганлар айтади: ўнтадан биттаси жойига тушиб қолса, марра бизники, деб...

Карта билан, гап билан бўлиб, қўпинча куннинг қандай ўтганини сезмай қоламан. Факат баъзан-баъзан қанчадан-канча бебаҳо дамлар қатига чийланиб кетадиган эллик иккита қороз-эллик иккита вакт ўғриси, эллик иккита душмандай туюлади менга, лекин одамнинг юзи иссик.

— Газета-пазета ўқисакми, ёввойилашиб кетмайлик, — дедим бир куни.

— Э, кўйсангиз-чи, — кўл силтади Солижон, — санаторийга кўнгил ёзиш учун келинади. Ўкиш уйдаям бўлаверади. Минг ўқиганингиз билан бари бир ёри чикмайди... Ке-чирасизу... бари ваҳимани уяси, бомба-сомбаларни ана шу ўқийдиганлар ўйлаб топишяпти...

Тушликдан кейин:

— «Тихий час»да бир оз мизғисакми, — дедим олдини олиб.

— Э, ёш боламисиз, — энсаси котади шеригимнинг. — Бугун бир димлама қиласлик.

Чойхонадаям карта ўйнаб кеч киритамиз-да, тўғри ошхонага жўнаймиз. Чой ташиб хўп дастёрлик килган болалар олдирокда чопқиллақ кетишади.

— Буларни бир-бирига худо етказди, — дейди Солижон ака.

— Нимасини айтасиз, — маъқуллайман чин юракдан. Шеригим овкат маҳалида ҳам болаларнинг киликларидан ошкора завкланиб ўтиради.

Дилшод чучук томокрок экан. Отаси: «Уни ейсанми, буни ейсанми», деб оғзига тиққудай бўлади, ўғли танлаб еб-ичиб, бас қилгандан кейингина ундан ортганини ўзи ейди.

Равшан янги ўртоғига таклид қила бошлади: Дилшод нима овкатдан қанча еса, у ҳам ўша овкатдан ўшанча еб, тўхтайди. Қисташга, бикинига киши билмас нукишга тўғри келади. Кейин-кейин никтовлар ҳам иш бермай қўйди... Дилшоднинг соати бор экан, Равшан «менгаям соат олиб

беринг», деб икки-уч кун хархаша қилди, ялинди... Санаторийга кираверишдаги автобуслар қайтадиган бекатда хар куни эрталаб икки-уч соат бозор қизииди. Күчма магазинлар келиб, молларини чорси майдоннинг уч тарафига келин сепларидаи ёйиб ташлашади. Бу ерда анча-мунча камёб матоларни топиш мумкин эди. Биз ҳам, Равшан иккимизга Тошкентдай шахри азимда анқонинг уруғи – пахтадан тўқилган майка ва ип пайпок сотиб олдик. Шу куни синтетика исканжасидан холос бўлган бадан ва оёқ панжаларимиз яйраб нафас олди.

Бир тонг бозорчага шериклар билан чиқдик. Тумонат одам. Нарса кўришга интилиб, эгилиб турганлар худди бир-бирига суюб қўйилганга ўхшайди. Муддати охирлаб қолганлар у бурчакдан бу бурчакка чопишиб, ўзларини у тўдадан бунисига уришади: ҳаммаси совфа-салом харид килиш пайида. Ким бир матоҳни четидан тутса, ҳамма «гувв» этиб, ўшанга ёпишади.

Биз ҳам елкалар оша мўралаб, айланиб, тўғрироғи одамзотнинг молу дунёга мечкай қўй-мол каби ташланишидан ҳайратланиб юрган эдик, бир жойда Дилшод енглари генералларникидек ок-қизил ҳошияли спорт кийимини кўриб қолиб, дадасини имлади. Равшан ҳам интилиб қарай бошлади. Ўмганимиз билан тўдани ёриб, ичкарирокка ўтдик. Лекин, уввалло бўйнимни чўзиб, санаторийнинг темир панжарасига илиб қўйилган форманинг қоғозига тикиламан, кўзим илғамайди. Бир ёқда бакириқ-чакириқ... «Анави нарсангизни кўрсатинг», «Манавини нархини айтоворинг...» Тилла тишга тўла оғзида сақич тинмай чарсиллаётган қошлари барок, дўмбоқкина сотувчи қизнинг қўли-қўлига тегмайди.

Дилшод нуқул дадасини нукийди.

Равшан менга мўлтирайди.

– Импорт, Японияники, жуда кам бўлади, – бизга тушунтира кетди Солижон, – ўзиям тоза ипак пахтадан, чўзилувчан, уч-тўрт йил бемалал кийса бўлади. Нархиям арzon – кирқ олти сўм. Равшангаям оберасизми?

– Равшанники бор, уйда, – дедим ўғлимга секин кўз кисиб.

Равшан менга караб бир зум анграйиб турдию, тўдадан сугурилиб чиқиб, бошини бир томонга қийшайтирганича жўнаб юборди. Мен Солижоннинг гап-сўзи, хатти-харакатига кизикиб, жилолмай қолдим.

— Дўндиқ киз, бир киё бокишиңгиз қийин бўлди-ю, одамни жа интизор килвордингиз, тиззаларимиз қалтираб кетяпти туравериб, — деди Солижон киприкларини пирпратиб.

Сотувчиям Фарғонанинг кизи-да, аскияда, гапда бирордан карздор бўлиб қолиши ёқтирумайди.

— Бизни олдимизга иликни тўқлаб келиш керак, меҳмон, кўряпсиз — харидоримиз кўп. — Харидорлар «гурр» этиб кулиб юборишиди, лекин сотувчи киз парво қилмай, ўз охангига давом этди. — Толиқиб қопсиз-да, эсиз... нима берай, акам-жоним?

Тепки еган дакандай гарангсиган Солижон қўли билан матони кўрсатди, у оғзини очиб улгурмай, сотувчи шалвар-кўйлакни ихчамгина думалоқлаб Солижоннинг кўлтиғига кистирди. Сезмай қолдим: Солижон кўлтиғини очиб турдими ё сотувчи ўзи унинг кўлини кўтариб, остига тикиб кўйдими...

— Қоғозингиз йўқми, оппок киз? — деди Солижон ҳам сир бой бергиси келмай. Энди у сал нафасини ростлаб, ўзини ўнглаб олган эди. — Пахта кўйишга жа уста экансиз.

— Пахта бўлсаю, сизга кўйишга ортмас эди-я, акамжоним, тезроқ бўла колинг сизга ўхшаган қора кўзлар кутиб қолишиди.

Яна кулги янгради, Солижон Дилшодни қўлидан торткилаганча бир ҳамла билан тўда ичидан отилиб чиқди. Сотувчи кизнинг «қайтимингизни олинг, хотамтой тоға, хали уйда кенннайимларга хисобини берасиз», деган сўзлари қаҳқаҳалар қатига сингиб кетди.

Солижон ўғли билан ётокка, мен ошхона томонга юрдим.

Ичкарига хали одам кўйилмаган эди.

Равшан кўринмасди. Пиллапоянинг энг юкорисида ола-зарак бўлиб турувдим, ошхона эшиги очилдию, олдингилар орасида ўтиб кетаётган Равшанни кўриб қолдим. Шошилмай кириб бордим, Равшан ликопчадаги сарик голосдан бир сиким олволиб, битталаб еяпти. Индамай ёнига ўтиредим. У, менинг келганимни гўё сезмагандай, эътибор бермади.

Нонуштани тугатай деганимизда шерикларимиз кириб келишиди. Бояги форма Дилшодга жуда башанг, салобатли тус бериб юборган эди. Равшан ялт этиб бир кўз ташладиу, қайтиб диккат билан қарамади. Дилшод нукул илжа-ярди.

Биринчи бўлиб Равшан туриб кетди, орқасидан мен хам чиқдим. Равшан ошхонадан анча наридаги майдончада, кўлларини катталардай белига тираб, бир тўда боланинг сокқа ўйинига томоша килиб турарди.

Шериларимиз нонуштага хар куни биздан кейин киришадиган бўлиб қолди.

— Биз бозорга чиқдик, — дейди Дилшод бошини бир ёнга қийшайтириб, лабларини чипиллатиб.

Равшан бир Дилшоднинг оёғидаги чипор красовкага ё бошидаги ёзлик шляпасимон шапкачага, бир менга караб кўяди. Бу қарашнинг маъносини факат иккимиз тушумиз.

— Дилшодбек эркатой экан-да, — дейман кулимсирашга уриниб.

— Ўзи биттагина, шуниям эркалатмасак, кимни эркалатамиз. Ҳаммамиз хам шу, бола-чақа деб юрибмиз-да.

— Папалаб ўстирилган бола мўрт, журъатсиз одам бўлиб етишади, — дедим ўзимни босолмай.

— Келинг, бахслашмайлик, — деди шеригим кўл силтаб. — Ахир бу ерга дам олиш учун, ана шу бош оғриги гаплардан озгина чалғиш учун келганмиз-ку, нима дедингиз?

Биз санаторий ҳовлисининг этагига бориб қолгандик. Бетон ариқнинг нариги томонидаги қиялама адирнинг ёнбағрида, тахминан ярим гектар майдонда одам бўйи ўсган ола-чалпок маккажўхорининг сўлинқираган нимжон барглари сарғайиб, осилиб ётарди.

— Анови макказорни қаранг, — дедим Солижонга зимдан кўз ташлаб — факат ёмғирга ишониб шунча меҳнат килишган. Бу йил синамоққа жўхори экишган, янаги йилга бошқа нарса, эҳтимол, пахта экишар...

— Тавба, одамзот қизик-да, — деди Солижон мийигида кулиб.

Хонага чикиб, кийим алмаштириб улгурмасимдан, орқамдан Равшан ҳаллослаб кириб, кафтини очади:

— Қани, пулдан чўзинг-чи, «Морской бой»га.

Мен иккита ўн беш тийинлик узатаман.

— Кўпроқ бери-инг?.. — илтижо килади Равшан. — Дилшоднинг дадаси хар куни бешта ўн беш тийинлик беради...

«Болани пулга ўргатмаслик керак...» Бу менга ўҳшаганларнинг фалсафасими ё чиндан хам шундай бўлиши керакми — баъзан ўйлаб кетаман, аммо хаёлимда ўғри тарозининг милидай бир нарса ликиллайверади-ю, тутқич бермайди, кўзни ўйнатиб, толдиради холос...

— Ҳадеб сарфлайверсак, пулимиз тугаб колади, ўғлим, кейин кетишда нима қиласын? Бу ерда қарз оладиган одаммиз йўқ, — дейман. Равшан гишавасини тұхтатади. У гапларимга чиппа-чин ишонарди. Лекин, бола-да, эртасига тағин пинжимга тиқилиб, эрка мушукдай сүйкалади.

— Дилшодлар «Чимён санаторийсидан эсдалик», деб ёзилган ручкадан ўнта олишибиди...

Боланинг ҳамма илтимосини рад этиб, кўнглини чўкти-равериш ҳам инсофданмас, дейман-да, битта ручкага пул бераман, пулимиз ошса, кетишда яна олармиз, деб тинчитаман.

Кечқурунлари одатдагидай Солижон кинога таклиф қиласы. Мен дам олмоқчиман, деб уэр айтаман.

— Равшан борсин бўлмасам, Дилшодбек билан қўриб келади.

Равшан, кўэлари чараклаб, менга жону жаҳонини тиккудай жавдирайди.

— Йўқ, ухлайди, сал семиармикин, деган ниятда атай олиб келганман, врачларам кўпроқ дам олсин, дейишяпти, — дейман нокулай бўлса ҳам.

Равшан яна мўлтирайди:

- Бо-ров-рай, дада...
- Йўқ, сенга мумкинмас, ўғлим.

Равшан бир оз аразлаб юрадиу, кейин хайтовур ёзилиб кетади.

Эрталаб нонуштада Солижон Равшаннинг елкасига кўл ташлайди:

— Э, Равшанбой-ей, кечқурун дадангни кўндиrolмадинг-да, Дилшодбек маза қилиб кўрди, зўр, уруш кино экан...

Равшан бутун ўпка-гинасини кўзларига тўплаб, «мана, эшитяпсизми», дегандай қараб қўяди менга. Овкат ейишдан тўхтаб, қошикни ўйнай бошлайди... «Агар жўнрок кино бўлса, бугун ўзим олиб кирай», деб кўнглимга тугиб қўяман.

Ташқарига чикқач, болалар ўйнаб кетишади.

Биз «ҳазми таом» учун бетон ариқ бўйлаб юрамиз.

— Шу... Солижон, айрим кинолар болаларни бузади, деб кўрқаман-да, — ўсмоқчилайман.

— Иложимиз канча, — елка кисади Солижон, — тараккиёт... Энди уdda қилиб бўлмайди барибир. Бу, сиз билан биззи хоҳиш-ихтиёrimизгаям боғлиқмас.

— Харқалай, болаларни сал эҳтиёт қилиш керакми, дей-

ман-да, ўз ҳолига қўйиб қўйсак... — зимдан назар ташлайман шеригимга.

— Бошда менам сизга ўхшаб, эхтиёт қил кўрдим: биринчи куни Дилшодни кинога олбормадим. Келиб, «кирмаганинг яхши бўпти, мазаси йўқ экан», десам. Дабдурустдан: «Иккита солдат буғдойзорда бир қизни тутволишадийканми?» — дейди. Телевизорда аллақачон кўрган экан. Шундан кейин, э, сендан яшириш бефойда экан, деб қўйдим... Ростиам, уларни қачонгача кўриклаймиз, боримизда-йўғимизда бари бир кўришади-да. Инсофни ўзига берсин...

Болага инсоф берадими? Ким, қачон беради уни? Бола нима қиласди инсофни? «Ўзига инсоф берсин», деб кўпроқ хотинларга нисбатан айтиларди, энди болалардан ҳам қўлни ювиб, кўлтикка артамизми?..

Болалигим эсимга тушиб кетди: колхоз идорасининг дастурхондай жойи окланган ён деворида кўчма кино кўрсатилар, асосан эркаклардан иборат томошабинлар ажрикка ёнбошлаб ё чордана қуриб ўтириб олишар эди. Ўшанда, тасвирда эркак билан аёл бир-бирига яқинлашган заҳоти (бундай ҳолат нимагадир ўша пайтдаги киноларда кам бўлғувчи эди) киномеханик аппарат туйнугини кафти билан бир канча муддат тўсиб турар, кий-чув кўтарилиб кетарди. Биз ҳам катталар катори ғазбланиб, киночига эшииттириб-эшииттирмай сўкинардик...

— Ўзимизам зерикамиз-да, — давом этади Солижон мен индайвермагач. — Ёз куни узок... айникса, кечкурунлари ўзингни қаёкка уришни билмай коласан одам. Кино жонга ора киряпти. Дилшодни бир ўзини хонада колдириб кетолмасам... буни устига, аясиям «дадангдан бир қадам ажрамайсан», деб қулогига куйиб жўнатган, — гапининг якунини ҳазилга айлантиради шеригим.

Кечлик овкат маҳалида болалар биздан олдинрок туриб кетишгач, Солижон қўшни столлардан бирига имо қилиб, шивирлайди:

— Анави, кўзлари пиёладай аёлга разм солдингизми, буғунни ўзида учинчи хил кийиниб чикиши. Ҳали кинога яна бошқача ясаниб боради. Анчадан бери кузатаман. Бир кийганини устида кайтиб кўрмайсиз. Кеча эри келувди, яна янгиларини ташлаб кетибди шекилли... Кўйнагини қаранг, кўйнагини, майкани ўзи, докаданам юпқа... ўспирин тугул, хассасига таяниб қолганларниям кўзини ўйнатворади... Ҳў,

нариги столдаги тиқмачоқдай оқойимнинг ўтиришини қаранг... Булар қайси кинодан кам...

— Ў-хў, Солижон, Дилшодбекнинг қулогини аяси бекорга бураб жўнатмаганга ўхшайди, — дейман у кўрсатган столларга зимдан назар ташлаб. — Дидингиз чаккимас...

Солижон яйраб кулади.

Санаторийга хар хил одам келади: хар хил касаллик билан, хар хил мақсад билан... Кеча Равшан билан «Морской бой»га борсак, бели букланиб, инқиллаб юраётган кампирлар ҳам раксхонага кириб кетишяпти...

Ташқарига чиққанимизда яна кино масаласи кўндаланг бўлди. Мен таваккал қылмокчи эдим, кинонинг номини эшитиб тўхтаб қолдим: «Узун тун». Эрон киноси. Узун тунда, яна, Эрон киносида нималар бўлиши мумкин?...

Боши берк кўчага кириб қолгандай гарангсиб, Равшанга нима десамикин, деб турувдим, яна Солижон гап қистирди.

— Э, кўрса, кўравермайдими. Қизик одам экансиз, ахборотларни эшитяпсизми, эртага нима олам, нима сўз... мени тепамда Алининг қиличига ўхшаб, доим битта бомба осилиб тургандай... кечкурун, қайтиб тураманмикин, деб ётаман. Ярим тунлари уйғониб кетаман... эрталаб кўзимни йириб-йиртиб очаману тириклигимни билиб, «хайрият», дейман.

Бир ҳодиса эсимга тушиб кетди. Тошкентда ўша машхур ва машъум зилзила<sup>1</sup> рўй берган тонгда ётоқда биринчи бўлиб, энг қаттиқ кичкириб юборган одам ёши ҳаммамиздан катта, иккала кўзи ожиз курсдошимиз эди.

— Ҳали шу хаёллар билан яшаб юрибсизми, Солижон? Унда даволанишга келишниям хожати йўғиди, пул сарфлаб...

Мен ўзимни шунча тутишга ҳаракат қилсан ҳам, овозим титраб чиқди шекилли, Солижоннинг юзи тундлаши.

Мен узр айтдим. Равшанга кинога кирмаймиз дедим-да, чиқиб кетдим, у Дилшод билан пастда қолди. Девор томонга ўгирилиб, газета вараклаганча мизғиб копман. Равшан билан Дилшоднинг сухбати қулогимга кира бошлади. Дунёда бирорни гапига хуфёна қулок солишдан ёмон одат йўқ. Туриб кетмокчи бўлдим лекин, уларнинг кайфиятига, ўйинига ҳалал бергим келмади, иккинчидан болакайларнинг нималар ҳакида сўзлаши мени кизиктирди албатта,

<sup>1</sup> Гап 1966 йили 26 апрел кунги зилзина ҳакида.

колаверса, биромас, ўғлим-ку, деб ўзимга тасалли бериб, индамай ётавердим.

- Сизлар нечтасизлар? – сўради Дилшод.
- Олтита, – жавоб берди Равшан.
- Мазза-а, зерикмайсан. Мен бир ўзим бир хил вактда уйда сикилиб ўлай дейман.
- Э, кўпчилик яхшимас.
- Нимага? Қани, юр.
- Кўпчиликка пул етказиш қийин, дейди дадам.
- Даданг нима иш қилади?
- Журналист... ушлаганингизни юринг-да...
- Дадам журналистларга узатиб туришади, дейди-ю.
- Нимани узатиб туришаркан?
- Куруғидан-да, шуниям билмайсанми, калла.
- Гонорар олиб турадилар.
- Генерал дейсанми?
- Гонорар.
- Нима ў?
- Газетага ёзганига пул олади.
- Кўпми?
- Билмайман. Сизлар боймисизлар?
- Бўлмасам-чи? Манави чиппакка.
- Сизи дадангиз нима иш қилади?
- Бизнесмен.
- Ух, тушдингиз: бир, икки, уч – дамка! Нима иш қилади?
- Ҳеч нарсани билмайсанакан-да. Савдогар, узок шахарга бориб мол гаплашиб келади.
- Қанака мол?
- Ол-а... мол дегани – товар дегани, газлама, кийим...
- Мол гаплашиб келса бой бўладими?
- Олиб келиб магазинчиларга таркатади. Чунки улар яхши мол топиб келишолмайди, яхши мол бўлмас...
- Тушундим... сатр бўлдингиз...
- Картани опчиқайми?
- Мен карта ўйнамайман-да.
- Даданг сўқадими?
- Яхши болалар карта ўйнамайди, дейди.
- Биз пулдан ўйнамаймиз-у.
- Бари бирам-да. Яна ўйнаймизми?
- Майли. Даданг жуда зиқна одамми? – сўради Дилшод овозини пасайтириб.
- Ким айтди?

– Дадам. Ўкийдиганлар кийналиб пул топишади, дейди. Кийналиб пул топадиганларни сочиям тез оқаради, дейди. Сенам аълочимисан?

– Хмм. Сиз-чи?

– Э-э... ўкишни ёмон кўраман. Дадам бошингни котирма, тўрт амални билволсанг бўлди, хамма китобни ёдлаворганингдаям бари бир институтга ўзингча киролмайсан, дейди. Ростиям бари аълочилар йиқилиб келишади.

– Менинг дадам хар йили мақтов қофози олсанг, институтта осон кириб кетасан, дейди. Ҳар куни кундалитимизни, дафтарларимизни текширади. Нима керак бўлса, дарров олиб беради, жудаям меҳрибон.

– Куруқ меҳрибон, дафтар-қаламга меҳрибон, дегин. Тузукрок кийиминг йўғу. Бозоргаям чиқмайсизлар.

– Уйда устивошим кўп, юк бўлади, деб опкемаганимиз.

– Уйда меникиям тиқилиб ётиби.

– Дадангизни пули жудаям кўпми-а?

– Қанчалигини билмайман, кўп бўлса керак. Аям ўзингизга эхтиёт бўлинг, беришганини олаверманг, одам ўлтур ёмон, бири бўлмаса бири кавлайди деса, дадам, йўқ, сен билмайсан, олмасам кавлашади, дейди.

– Мени дадам кўп пулни хосияти йўқ, касри бор, дейди.

– Э, пули кам одамни гапи бу. Мени дадам хечам унака демайди.

– Дадам пули кўп одамлар яхши ухлашолмайди, дейди аямга.

– Яхши ухломаганиминан аямга, менга яхши-яхши кийимлар оберади. Кеча бозордан дадам зўр материал олди, костюм-шим тикириб берадийкан. Ҳозир ўшанака материал мода экан.

– Менгаям костюм-шим обераман девди, ўзим унамадим. Пулимиз тугаб қолади, дедим.

– Опкочма.

– Рост. Кўйнагим кир бўп кетувди, дадам янги оламиз, деди. Мен ювволақоламиз, деб кўнмадим.

– Ким ювди кўйнагингни?

– Ўзим.

– Хе, қиз бола-ей...

– Нима қипти, одам деган хар қанақа ишни қип кетавериши керак, дейди дадам.

– Мени дадам кийимларимизни санитаркага ювдиради. Муллажирингдан чўзсанглар, ювиб дазмоллаб беришади.

- Дадам, одам деган кучи етадиган ишни ўзи қилиши керак, бирорларга ялинмай, дейди.
- Э, биз ялинамизаканми, пул берамиз.
- Дадам ўқимаганлар шунаقا бўлади, дейди.
- Ким ўқимаган экан? Мени дадам иккита ўкишни туттган. Битта қизил, битта кўк дипломи бор, биттаси пўлат сандигимида туради.
- Мени дадамни бир уй китоби бор.
- Мени дадам дунёни ҳисоб-китоб юргизади, бошқаси икки пул, ҳар доим шундай бўлган, дейди. Тошинг тугади.
- Яна ўйнаймиз?
- Бўлди. Юр энди, бизникига тушамиз.
- Нима қиласиз сизларникида?
- Магнитафон эшитамиз. Кўргансану, японский, зўрда. Дадам ўша ёкка борганида менга опкелиб берган. Сени даданг яхши ухлайдикан – хуррак отмай. Мени дадам роса қаттиқ хуррак тортади. Ўзини хуррагидан ўзи чўчиб уйғониб кетади. Кани, тушдикми?
- Тушдик.

Шашка доналари шикирлади. Кейин эшик очилиб, ёпилди.

Уйкум ўчиб кетди. Шу пайтда ўрнимда ким бўлса ҳам менинг ҳолатимга тушиши, менинг хаёлимдан кечган фикрларни ўйлаши турган гап эди. Мен, албатта, ўзим ва ўрлим, Солижон ва унинг ўғли, хаёт, умр ҳақида мушоҳада юритдим, Равшан билан Дишоднинг гапларини тарозига солиб кўрдим. Уларнинг сухбати нукта-вергулигача хотирамга ўрнашиб колган эди. Болакайларнинг ҳар бир сўзи жонли киёфага кириб, ТИРнинг турли жониворлар шаклидан иборат нишонларидаи кўз олдимдан қайта-қайта ўтар эди.

Қанча ётганимни билмайман, бир пайт Равшан пастдан чакириб колди. Айвондан қарасам, шерикларимиз кинога отланишибди. Равшанни яна «гиж-гиж»лашганми ё ўзи эргашгиси келганми, беш-олти қадам оркада, улардан кўнгил узолмаётгандек, бутун вужуди ўшалар томонга оғиб турибди.

- Нима дейсан? – сўрадим совуккина.
- Бо-ров-рай...

Майли, десаммикин, – ўйладим. Лекин дарров эълондаги кино номи кўз олдимга келди... сўздан ҳам қайтмаслик керак, бола сирингизни, ҳавонгизни олади.

Равшан рад жавобимни эшитиб, ҳеч нарса демади, шартта бурилди-да, тез-тез юриб, чинорзор ўртасидаги чор-

си майдончага ўтиб кетди. Кейин ўйласам, ўша пайтда йиғлагиси келгану ўзини одамлардан четга олмоқчи, бошка нарсаларга алаҳисиб, аламини унутмоқчи бўлган экан.

Энди хатони тузатиш кийин.

Равшанда, чоғи, мен унча эътибор қилмаган аллақандай феълу атвор – қайсарликми, ориятчанликми, ўзлигини намоён эта бошлагандай...

Кўнглим тинчимай, бир оздан сўнг пастга мўраладим, Равшан кўринмади. Чиқаётгандир деб, кутдим. Дараги бўлавермагач, яна қарадим – йўқ. Ҳаёлимга минг хил ўй келиб, физиллаб ҳовлига тушдим. Боя беркиниб олганмиди, ё айланиб, қайтиб келганми, Равшан майдончада пайдо бўп копти. Бир ўзи болалар сирпанчирининг трубаси ичига тош отиб ўйнаяпти.

Тоғ-адирлардан пастлаб, қуюк дарахтзорлар орасидан сирғалиб ўтаётган окшом пардаси бу атрофга ҳам соя ташлаб улгурган эди. Равшанни бошлаб чиқиб кета қолай, деб, чақирдим. Эшифтади шекилли, яна чақирдим. У тезгина бир қараб кўйди-ю, пинак бузмай, ўз машқини давом этти-раверди. Якинрок бориб учинчи марта чақирдим.

– Нима дейсиз?!

Равшаннинг биринчи марта менга шундай кескин, каттиқ гапириши эди. Уйда бўлганда-ку, эшифтгулигини эшитиб, тегишини оларди-я, сафарда, бегоналар орасида, устига-устак, ўзинг ранжитганингдан кейин, тилинг айланмас экан.

– Кеч кирди, ўғлим...

Мен гапимни тугатмасимдан у боягидаи, мен томонга карамай, кўл силтади:

– Э-э!..

Обрўнинг борида, «шу жойдан» қайтишга тўғри келди. Хонага чиқиб, ўзимни ўринга ташладим. Каравот ноxуш гичирлади. Равшаннинг кимсасиз боладай якка-ёлғиз ўйнаши, унда пайдо бўлган янгича феъл аломатлари, ўз нуктai назарим, Солижоннинг фалсафаси – ҳаммасини ғалвирда злаб, анча ётдим. Фикр ва тушунчалар миямда тўлқин ичра қолган қайиклардай тартибсиз чайқалар, тўлқиннинг пасайишидан, бинобарин, қайикларнинг ўз йўналишига тушиб олишидан дарак йўқ: чор атроф туманли, булутли эди.

Хаёл уммонининг чуқур гирдобига шўнғиб кетган эканман, эшикнинг каттиқ шамол очгандай тарақлашидан чўчиб, хушимга келдим. Равшан тўғри каравотига ўтиб ўтирди-да, чала-чулпа ечиниб, адёл орасига кириб кетди.

Муроса кўпригини курмокчи, орадаги ғадир-будирликни силлиқламоқчи бўлдим:

— Ҳа, ўғлим, чарчадингизми?

— Ҳамма болалар кетишди! – деди жавоб ўрнига терслик билан Равшан.

— Ҳамма билан ишинг нима?!

— Нима, ўзингиз, ҳар куни кино кўрсатади, дегансизу келятиб... – Минғирлади Равшан.

— Болалар бопи бўлмаяпти-да.

— Уйдаям шунака деб, телевизордаги кинони кўрсатмайсизлар... Бошқа болалар кўришадио...

— Нима, бошқалар билан киндигинг бирми? Бошқалар томдан ташласа, сенам ташлайсанми?

— Мени ўртогим олдида уялтирдингиз...

Мен лаб тишлидим. Лекин менинг ҳам сўзимдан қайтгим, ўғлим олдида ўсал бўлгим келмас эди.

— Шашка ўйнайликми? – сўрадим бир оз жимлиқдан сўнг.

— Йўқ! – деди Равшан зарда билан ва девор томонга ўгирилиб адёлга бурканди.

Сездимки, тор ниҳоятда таранг, сал бўшатмасам, иш чатоқ.

— Бўпти, ўғлим, бугун яхшилаб дам ол, эртага кинога ўзим олиб бораман.

Равшан адёлни қайириб, ярим ўгирилди.

— Керакмас!

— Кўрмайсанми кино?

— Йўқ!

Мен, хазилнинг энди мавриди келди, деб ўйладим-да, жилмайиб ўрнимдан турдим. Равшанинг каравотига хиёл энгashiб, кафтимни очдим:

— Кўлни ташла!

Равшан юзимга қарамай кўл бериб, тезгина тортиб олса-да, мен вазиятдан чиқиб кетдим, деб юз фоиз ишонгандим. Ҳамма нарсада, ҳар кандай муомалада ё ошкора, ё пинхона чегара-чизик бўлади. Одамзод кўпинча ана шу чизикни билмасдан ё бехосдан босиб кўяди-да, унинг кўп ўйрежалари чархпалак бўлиб кетади.

— Индинигаям бормайсанми? – сўрадим яна Равшанинг узил-кесил ваъдасини олиб, унинг хархашаларидан бир йўла кутулишни ўйлаб.

— Йўқ! – жавоб берди Равшан назаримда хийла хотиржамлик билан.

— Күлни ташла! — Мен яна кафтимни чўздим.

— Э-э!.. — Равшан адёл билан бошини бутунлай буркаб олди.

Сал ошириброк юборибман, деб ўйладим, аслида анчаёк ошиб кетган экан. Жойимга ёнбошладим-да, китоб вараклашда давом этдим, лекин икки кўзим нариги каравотда. Равшан миқ этмас, хатто нафас олишиям сезилмасди. Мен хотиржам тортиб, ўз машгулотимга берилиб кетдим. Беш дақиқалар кечган эди чамаси, қандайдир ноаник сас қулоримга чалинди. Аввалига у овознинг Равшаннини эканлиги хаёлимгаям келмади, чунки овоз жуда узоқдан келаётгандай туюлди. Бошимни кўтариб, балкон томонга диккат билан қулоқ тутаётган эдим, беихтиёр Равшаннинг каравотига кўзим тушиб колди. Адёл сезилар-сезилмас силкинаётган эди...

— Равшан!.. — Аста чакириб кўрдим.

Мина ташки таъсирдан портлагандай, Равшан ана шу бир оғиз сўздан жунбишга келди. У хиқиллаб йиғлаётган экан, дами ҳам кайтиб кетган бўлса керак, шахт билан устини очиб юборган эди, овози кўтарилиб кетди. Боланинг йиғидан юз-кўзлари қизариб, шишиб кетган, энтикиб-энтикиб, аранг нафас оларди.

Мен эсанкираб қолдим. Равшаннинг бу қадар таъсирчанлигини пайкамаган эканман. У тўликиб йиғларди, юрак бағрим эзилиб кетди. Лекин, хозир, шу холатда ҳар хил ваъдалар билан уни юпатишга уриниш — оловга ёғ сепиш билан баравар эди. Бироқ унинг кўз ёшларига узоқ чидаш ҳам қийин эди. Сўнгги чорани кўллашга мажбур бўлдим.

— Бас қил, ярамас! Энди калтак ейсан!..

Равшан пасайди, ҳакиллаши сусая-сусая охири тинди, кейин ухлаб қолди. Аммо ўзим бошимни ёстиқлар орасига қанча ўраб-буркамайин, кўзим илинай демасди.

Равшанни хафа килганим учун ўзимни қаттиқ койир, яна «бола-ку, бир ухлаб турса, гина-кудрати эсидан чиқиб кетади», деб ўзимга тасалли берардим.

Эрталаб кўзимни очдиму нариги каравотга қарадим. Равшан, қачон уйғонган, билмадим, шифтга тикилиб индамай ётар, қаншари ёnlарида ёш излари қотиб қолган эди.

— Ҳа, Равшанбек, уйку қалай бўлди? — сўрадим хеч нарса юз бермагандай.

— Яхши, — деди Равшан қисқа ва оҳангидан муносабатини, кайфиятини илғаб бўлмайдиган тарзда. Ҳаркалай, арази ёзилмаганга ўхшарди.

Унинг юзлари қизариб кетган, кўкраги тез-тез кўтарилиб тушарди. Хавотирланиб ўрнимдан турдим-да, қўлимни Равшаннинг пешонасига қўйдим: ёнапти...

Тунларим ўғлимнинг бошида киприк қоқмай кеча бошлади.

Равшан зорланмас, хеч нарса сўрамас, саволга факат «ха» ё «йўк», деб жавоб берар, шифтдан кўз узмай ётаверарди.

Шу ҳиссиз, совук шифтга намунча тикилади? Нега эрмак топиб олгандай, локайд нигохини бир нуктадан узмайди? Балки у аксарият кўп қаватли уйларга хос нақшсиз, ўнгсиз кўкиш шифтга хаёлан нималарнидир ёзиб-ўкир?.. Гоҳида пичирлаётгандай ҳам бўлади... Ё аясини, опа-укала рини соғиндимикин?!

Равшаннинг кўзи илинган пайтларда болани ўзига оғдирган мўъжизани, рўёни кидириб, шифтни қаричма-қарич, қайта-қайта назардан ўтказаман. Аммо, кўлдан ўтар килиб чаплаб кетилган ради-будир сувокда чинни дарзидек илон изи чизиклардан бўлак дикқатга арзигулик хеч нарсани, хеч бир маънини илғамайман...

Мен тилсиз, қулоқсиз бир парча этдан тўрт мучаси бут онгли зот яратиш жараёнини жуда узун, ниҳоятда таҳликали масофалиги ҳакида бош котириб кетаман. Коронгида бокириалик билан унинг азалий ва абадий рақиблари бўлган жиҳатлар орасидаги чегарани фикран пайпаслаб кидираман, тополмай, хунобим ошади. Назаримда, умуман тополмайдиганга ўхшайману титрок босади...

Солижон билан Дилшод чикишади. Равшан бошини яrim буриб кўл учини бериб сўрашади-да, яна тепага термилади.

– Э, жуда ялков бола чиқдинг-у, тур-да, энди, – дейди Солижон менга кўз кисиб.

Равшан унга бир лахза тикилади, кейин бошини девор томонга ўтириб олади.

– Айтмовдимми сизга, мана, окибат..., – дейди Солижон менга юзланиб, бошини сарак-сарак қиласкан. Унинг писандасими бу, раҳмдиллигими – юзидан укиш қийин эди.

Мен ўзимни бир оз тутиб ўтирдим. Лекин ичим ғимирлайверди. «Доно файласуф» энди чегарадан чиқиб кетган эди. У билан ортиқ ҳамсухбат, ҳамроз бўлолмаслигимга кўзим етиб қолди.

– Менга қаранг, орайни, – дедим унга тик бокиб, кечи-

расизу, фактат қиликларингиз ёқимсиз десам, гапларингиз хам совук экан.

Мендан бунака шартакиликни кутмаган Солижоннинг кўз соккалари имкони борича кенгайиб, олайди, у стулдан даст турди.

— Ие, мен сизни туппа-тузук одам десам, ўрлингиздан баттар тегма нозик, сиркаси сув кўтармаслардан экансизку. Асли куруклардан курук гап чикади ўзи.

— Даф бўлинг! — деб бакирганимни биламан...

Кўзимни очсан, тепамда пиёлада сув кўтарган санитар киз, унинг ёнида Равшан дағ-дағ қалтираб турарди.

— Уйга кетайлик, дада, — деди Равшан шоша-пиша. Аразлашиб қолганимиздан бери «дада» сўзини ўғлимнинг тилидан биринчи эшитишим эди. Мен бош кимирлатдим. Равшаннинг чехраси очилиб кетди.

Муддатимиз тугашига эса ҳали яна бир ҳафта бор эди.

## ЭХ, ДИЛБАР, ДИЛБАР...

Сиртки бўлимларга кириш имтиҳонлари бўлаётган пайт. Мени навбатчиликка тайнинлашган. Аввалига роса жигибийроним чиқди. Ҳамма курсдошларим таътилда, ўз она юртларининг соя-салқин боғларида дам олиб, дарёларда чўмилиб, балиқ овлашиб юришса-ю...

На чора навбатчиликка киришдим. Чорсудаги ҳуқуқшунослик факультети биносида абитуриентлар иншо ёзишарди. Мен билагимда кизил боғич, пойлокчилик қилгандай серрайиб турибман. Гоҳо у ёқдан-бу ёкка юриб кўяман. Вазифам имтиҳонга алоқаси йўқларни, абитуриентларнинг қариндош-уруг, ёр-биродарлари, ҳайбаракаллачиларни ичкарига киритмаслик. Эшикни махкам тамбалаб кўйганман. Остонада бетокат турганлар эшик ойнасидан ичкарига мўралашиб чукурлашади, нималарнидир илтимос килишади. Ҳатто, баъзилари «бир минутга» деган ишора билан мени имлашади. Мен кўрсаткич бармоғимни лабимга тикка кўйиб, «тинч бўлинг» деган ишора билан жавоб қайтараман. Чунки, уларнинг нима демокчи эканлиги маълум: «Қанака тема тушди?», «Мени киритворинг...». Аслида уларнинг кўзига балодай кўринаётганим, аммо ноиложликдан илтимос килишаётгани, мулоимлик, хушфеъллик билан мурожаат этишаётганини сезиб тураман. Қийналаман.

Бунинг устига домлалар кириб-чикиб турышади, эшикни очиб беришим, орқаларидан беркитишим керак.

Аранг икки соатни ўтказдим. Фала-ғовурда миям ғовлаб, кўзларим тиниб кетаёзди. Бунинг устига кун иссиқ, мен турган коридор эса дим. Артинавериб, рўмолчам сувга пишиб олгандек бўлиб қолди. Кўйлагим баданга ёпишиб кетди. Жуда хунобим ошиб турган эдим, иккинчи қаватдан зина панжарасини ушлаганича секин-секин тушиб келаётган бир кизни кўриб қолдим. Юрагим аввалига самолёт бирдан пастлаган пайтдагидай «шувв» этиб кетди, кейин гупиллаб ура бошлади. Бу – ўша, мен хаёлан чехрасини, қадди-бастини тасаввур килиб, қўмсаб, излаб юрган қиз эди. Бахмалдай коп-кора қош-кўзлари, «кўксига соя солган» киприклари, иккита қилиб ўрилган узун, калин сочлари, бўёқсиз, тиник яноклари мени бутунлай шошириб кўйди. Мен ҳамон унга термилиб турардим. У эса лоқайд бир тарзда, менга парво ҳам қилмай эшик томонга ўтиб борарди. Назаримда маъюсрек, хафарок кўринди. У имтихондан биринчи бўлиб чиккан эди. Яхши ёзолмабди шекилли, билмайдиган темаси тушганга ўхшайди, деб хаёлимдан ўтказдим. Лекин, нима бўлса ҳам ҳозир унга бир нарса дейишими, лоақал танишишга замин ҳозирлашим керак эди. Бироқ нима дейишни билмасдим. Жаҳли чикиб турган бўлса, «тошингизни теринг», деб шарманда қилса-чи?... Ўйлашга вакт йўқ. Эшикни очиб бериш учун йўналар эканман, таваккал қилмоқчи бўлдим:

– Хорманг, яхши ёзиб чиқдингизми? – бор журъатимни йиғиб шу сўзларни айтдим, юрагим янада қаттикрок уриб кетди. Ҳадик билан унинг жавобини кута бошладим. У гўё шундагина ёнида одам борлигини пайқагандек, менга ялт этиб каради, охистагина, хали мен умримда эшиштмаган майин ва жозибадор овоз билан «рахмат», деди. Кўзларига, моҳир рассом чизган суратдагидай лабларига бир лаҳза енгил табассум қалқандай бўлди. Эшикни кандай очганим, кизнинг кандай чикиб кетгани эсимда йўқ. Факат ташқаридагиларнинг уни ўраб олишганини кўрдим, «ниматушди?», «нимани ёздингиз?» деб сўрокка тутишгани кулоғимга чалинди.

Шу кундан эътиборан ҳаловатимни йўқотдим. Навбатдаги имтихон бир хафтадан кейин бўлиши керак эди. Кунларни илк бора учрашувга ваъда олган ошибқдай бенихоя бетокатлик, сабрсизлик билан ўтказдим. Унинг сурати-ю, билинар-билинмас табассуми кўз олдимдан кетмасди.

Нихоят, ўн биринчи август ҳам келди. Шу куни жуда эрта турдим. Соқолни қайта-қайта қиришиладим. Кечкурун ювиб, дазмоллаб кўйган шим-кўйлакни кийдим. Имтихон бўладиган жойга хаяжон билан етиб бордим, лекин ҳали хеч ким йўқ эди. Вақт ўтказиш учун қаватдан-қаватга, коридорнинг у бошидан-бу бошига юриб турдим. Абитуриентлар бирин-кетин кела бошлашди. Бироқ, мен кутган одамдан дарак йўқ. Имтихон ҳам бошланди. У ҳамон кўринмасди. Шундан кейин ҳар хил хаёлларга бордим. «Иншодан «икки» олган бўлса кетиб колдимикин-а? Ўша куни бекорга маъюс кўринмаган экан шекилли-да». Бундок сўраб-сўриширишнинг ҳам иложи йўқ. Ахир унинг исм-фамилиясини билмасам... Иншодан ўтмаганларнинг деворга осиб кўйилган рўйхатига кўз югуртираман. Айрим фамилияларни ўзимча тахмин килиб кўраман. Икки кўзим эшикда. Тез-тез ташкарига чикиб, тўпланиб турганларни бирма-бир кўздан кечираман. У эса йўқ. Домлалар тушликка ҳам чиқишиди. Энди унинг иншодан йиқилиб кетиб қолганига ишонч хосил қила бошладим. Лекин юрагимнинг бир чеккасида кечрок бораман деб, кайси бир паркда ўкиб ўтиргандир, тушдан кейин келиб қолар, лекин умид ҳам йўқ эмасди. Бир-иккита абитуриентлар мени тушликка таклиф килишиб, унамаганимга кўймай судраб кетишиди. Факультетнинг шундокқина оркасида жойлашган «Роҳат» ошхонасига бордик. Абитуриентлар менга хушомад килиб, анча сийлашди.

Қайтишда кизик бўлди. Факультет яқинидаги дўконча олдида иккита қиз газ сув ичиб туришган экан. Менга таниш бўлган икки ўрим сочни кўрдим-у, юратим ҳаприқиб кетди. (Одатда сочи узун кизларнинг хусн жихатидан бундайроқ бўлишини кўп кузатганман. Назаримда у табиатнинг бу қонуниятидан мутлако мустасно эди.) Биз уч-тўрт киши кулишиб бораётган эдик, бирдан кизлар биз томонга ўгирилиб қолди. Чиндан ҳам менинг кўзларим янглишмаган экан. Уларнинг бири ўша эди. Унинг ёнидаги ихчамгина жуссали, оқ-сариқдан келган, нозиккина қиз тилла тишлигини кўрсатиб жилмайганича биз томонга юрди ва «кечирасиз, бир минутга мумкини?», деб менга ишора қилди. Узим нима килишимни билмай келаётган эдим, унинг таклифи айни муддао бўлди. Худди табиб ўз оёғи билан келгандай. «Марҳамат», дея уларга яқинлашдим. «У» билан саломлашар эканман, кўлларим титраётганини хис килдим.

– Узр, исмингизни билмаганимиз учун нима деб муро-

жаат килишни билмадик, — ўзини оқлай бошлади мени чакирган киз.

Мен иссимини айтдим.

— Менини Наима, — киз яна жилмайган эди, тилла тишлари қуёш нурида ялтираб кетди. Лекин мени шериги-нинг исми кўпроқ кизиқтираш эди. «У» бошини бир томонга хиёл эгганча, кўзлари билан ер чизиб турарди.

— Дугонангизники-чи? — сўрадим Наимадан.

— Биз хали танишганмиз йўқ, ҳозир учрашиб қолдик. Ўзи айта қолсин.

У яна ўша кунги одати бўйича менга ялт этиб каради ва шивирлагандай исмини айтди, бирок бу шивирлаш назаримда жон олгувчи кудратга эга эди.

— Дилбар...

Унинг кўзлари ҳамон ғамгин бокарди. Кўзлари кулса ҳам, вужуди кулмаётганини сезиш мумкин эди. Эҳтимол характери шунакадир ё бирон сири бордир...

Улар имтиҳонга тезроқ киритиб юборишимни илтимос қилишмоқчи экан. Бажонидил розилик билдиридим.

Имтиҳон бошланди. Наимани имтиҳонга киритиб юбордим-да, Дилбарни сиз кейинроқ киравсиз, деб олиб қолдим. Ўрнимга бир болани тайинлаб қўйиб, иккимиз бўш аудиториялардан бирига кирдик. У ёш боладай итоаткорлик билан эргашиб бораради. Мен унга озроқ консультация бермоқчи эдим. Лекин у мендан кўпроқ нарса биладигандай туюлди, назаримда. Нимани сўрасам тўхтамасдан, аммо шошмай, дона-дона қилиб жавоб берар, грамматик таҳлилни ҳам бехато бажаарди.

— Консультацияга ҳожат йўқ шекилли, — ҳазиллашдим.

— Ҳадеб имтиҳон топширавергандан кейин уста бўлиб кетаркансиз-да, — кулди у.

Маълум бўлишича, бу йил учинчи марта университетга кириш имтиҳони топшириши экан. Икки йил кундузги га ҳаракат қилибди. Бўлмабди. Ҳар гал конкурсдан ўтмай қайтиб кетар экан. Бундан икки ой бурун отаси вафот қилибди. Шунинг учун бу сафар сирткига топширибди. Ўзлари Фарғонанинг чекка бир қишлоғида туришаркан. Мен бу йил албатта ўтасиз, деб унга таскин бердим.

— Сиз ёрдам берсангиз...

— Албатта, қўлимдан келганича ...

О, унинг шаҳло кўзлари... Ўзи кулмаса ҳам кўзлари табассум билан порлар эди. Ҳозир ҳам узун-узун киприкли-ри орасидан ёш сизиб, мижжаларини намлаб турибди-ю,

аммо күзлари кулимсираяпти. Мен бу кадар жозибали күзларни ҳеч қачон учратмагандим. Мен унга иродали бўлиш керак деб насиҳат қилган бўлдим. Тарихдан, шоирлардан мисоллар келтирдим. Чехраси ёриши. Шу билан орамизда қандайдир яқинлик юзага келгандай бўлди.

— Мана, роса тайёрландик, — дедим мен кулиб, эшикка йўналар эканмиз, — энди бемалол, баланд рух билан кира-версангиз бўлади. Ҳа айтгандай, тўрт қониқтирадими?

— Агар тўрт бўлиб қолса... у ёрини кейин айтаман... — у ҳам кулди.

— Бўпти, келишдик.

— Мен чиққунча кетиб колманг яна, ҳар замон-ҳар замонда кўриниш бериб туринг, далда бўласиз.

Дилбар кириб кетгач, эшик ойнасидан кузатиб турдим. У стол устига тескари килиб кўйилган билетлардан бирини олиб ўтириди. Чехраси очиқлигини кўриб, кўнглим равшан тортди. Шундай бўлса ҳам, «бардам бўлинг» дегандай имо қилдим. У шаҳло кўзларини чиройли юмиб очди-да, бошини аста кимирлатиб, «хотиржам бўлаверинг» деган ишора билан жавоб қайтарди. Унинг кўз юмиб-очиши шунака чиройли, шунака жозибали эдики, бутун вужудим ёқимли хисларга тўлиб, беихтиёр энтикиб юбордим. Ҳа, ўша дамлар жон ўртовчи лаҳзалар эди. Унинг киприклари учida ўйнаган табассум жилвалари ҳали ҳамон эсласам қалбими ни ларзага солади. Ўшанда унинг ичкаридан қандай отилиб чиққани, қанчалик хурсанд ва баҳтиёрглигини кўрганингиздами... Табриклиш учун узатган қўлимни шундай каттиқ қисдики, бармокларим қисирлаб, зиркираб кетди. Оппок, юмшоқ бармокларда шу кадар куч мужассам бўлажагига ҳанузгача аклим бовар қилмайди. Тўғриси, кучоклаб олишига ҳам сал колганди ўшанда, одамлардан истихола қилди. Кейин «хай-хай»лашимга қарамай қўлимдан тортиб пастга судраб кетди. У беш олган, худди «ўқишига қабул килиндингиз» деган буйрукни эшифтандай ўзида йўқ шод, тўлқинланиб, тўлиб-тошиб сўзларди. Унинг чиройи очилиб, янада гўзаллашиб кетганди. Кулганда садафдек текис, чиннидай оппоқ тишлари кўз қамаштиргудай яркираб кетарди.

Чорсу бозори орқали истироҳат боғига жўнадик. Йўл-йўлакай сухбат жиловини у бошқариб борди. Факат оиласи ҳақида гап очилганда яна бир оз маъюс тортиб қолди. Ёлғиз онаси унинг йўлларига кўзи тўрт бўлиб ўтирганини айтиб хўрсинди. Мен ҳазил-хузул билан мавзууни ўзгартиришга уриндим.

- Неччига кирдингиз?
- Неччига кирганга ўхшайман?
- Дастрлаб кўрганимда ўн олти-ўн еттиларда бўлсангиз керак деб ўйловдим, лекин уч йилдан бери имтиҳон топшираман деб хайрон килиб қўйдингиз.

Дилбар яшнаб, марокланиб, ифтихор билан кулди.

- Шунака ёшга ўхшайманми? – у бошини бир томонга хиёл эгиб, самимий айёrona ҳам ошкора мамнунлик билан менга тикилди.

– Ёш ҳам гапми, энди очилай-очилай деб турган қизил гул ғунчасининг ўзгинаси.

– Вой-бўй, жуда ошириб юбордингиз-ку. Шоирмасмисиз ишқилиб?

– Анча-мунча ёзиб тураман.

– Ҳа, шунака денг. Унда муболағага ортиқча эрк бериб юборманг-у, тўғрисини айтиб кўя қолай: йигирма икки ёшдаман.

– Йўғ-э... Мактабни ўн еттида битирган бўлсангиз...

– Икки йил ишлаганман.

– Э... Бари бир ўз фикримда қоламан. Мен учун ўн етти ёшдасиз.

Биз боғнинг бир чеккасидаги ўриндикда ўтирадик. Дилбар сочининг бир ўримини олдига ташлаб ўйнар, сочининг жингалак учлари ерга тегай-тегай деб турарди. Мен унинг аскардай саф тортиб турган киприкларига, оппок бўйни, билакларига, бежирим бурни, силлик, нимранг лабларига тез-тез ўгринча қараб қўярдим. Қизнинг мунис ва меҳрибон бокиши, болаларча соддалик билан қўзларини жавдиратиб туриши, бўларок, келишган қомати, суратдай чехраси мени тамомила лол килиб қўйган эди.

Боғнинг пастки томонида оқаётган ариқ бўйига тушдик. Сув сепишдик, кувалашдик. Бир маҳал у қўлини мушт килиб олди-да, «агар очиб олсангиз, кафтимда сизга аталган бир нарса бор», деб колди. Бироқ мен ҳар қанча уринмайин, бармоқларини ёза олмадим. Тўғриси, нозик ва латиф бармоқларга озор етказиб қўйишдан чўчиб, ортиқча куч ишлаттим келмади. Охири ўзи очди.

– Ҳеч нарса йўқ-ку?

– Агар ўзингиз очиб олганингизда кўрардингиз, – у кувлик билан жилмайди.– Энди кетдик.

Дилбар Ўзбекистон кўчасида, узок бир кариндошларинида яшаётган экан. Кузатиб кайтдим.

Ҳар куни йилдай туюлган яна бир хафта ҳам ўтди.

Ўшанда вақтнинг кечиши қанчалик қийин бўлганини ёлғиз ўзимгина биламан. Мен ўзимга ўхшаган бекорчиларни топиб олиб, кун бўйи шахмат ўйнар, кунлар орасидаги масофани кисқартириш учун кечкурун барвакт ётиб, эрталаб кеч турмокчи бўлардим. Аммо аксига олиб, алламаҳалгача уйкум келмас, аzonлаб уйғониб кетардим.

Бу гал у мендан олдин келибди. Унинг факультет эшиги ёнида бир ўзи, бир кўлида китоб-дафтар, иккинчи кўлида банди узун кизил гулни айлантириб ўйнаганича, йўл қараб турганини кўриб юрагим орзиқиб кетди. Менга нигоҳи тушиши билан унинг ҳам куралай кўзлари чакнагандай бўлди. Қадрдонлардай қўл бериб кўришдик. Назаримда у бугун тамоман очилиб кетгандай эди. Гулли оқ крепдишин кўйлагида ўйнаётган қуёш нурининг акси юзларига жило бераётган, яноклари яна ҳам оқариб, тиниклашгандай, оқ ранглар ичидаги кош-кўзларининг қоралиги янада бўртиб тургандай эди. У мени бениҳоя мулоҳим ва майнин, фароватбахш табассум билан кутиб олди. Бу табассум жуда самимий эди. Оддий кийиниши, ўзининг соддалиги, бўёқсиз лаблар ва кўзларнинг латофати, жозибаси безовта қалбим қаърида типирчилаётган туйгуларимни жўштириб юборди. Шундагина Дилбарнинг мени мафтун қилган фазилатлари – ундаги соддалик ва табиийлик эканлигини сезиб қолдим. Йигирма икки ёшгача гул юзларига ғубор инмаганлиги унинг ёшлиқ, гўзаллик бир умр тарк этмайдиган киз-аёллар тоифасидан эканлигидан далолат берарди.

Мен ана шундай матьсума қизнинг меҳрига ва ҳурматига сазовор бўламан деб сира ўйламаган эдим. Ҳозир унинг менга майли борлигини кўп йиллардан бери ана шундай соҳибжамолга орзиқиб юрган ошуфта йигитлик юрагим баралла сезиб турарди. Мен ана шу лаҳзанинг ўзидаёқ унга дилроз этишга тайёр эдим. Лекин ҳали эрта, деган мулоҳазага бориб ўзимни тийдим.

Дилбар тарихдан «тўрт»га топшириб чиқди. У ҳаяжонланар, бахтиёрлигидан ўзини қўярга жой тополмаётгани аён эди. Томирлари гул-гуп уриб турган ва қизиб кетган кафтларини авайлабгина қисдим. Бир сония нигоҳларимиз тўқнашди. Унинг жонона кўзлари кўп, жуда кўп нарсаларни ваъда килаётгандай, ўзининг бутун ҳароратини бағишлашга ҳозирдай эди. Мен бу нигоҳлардан назокат ва нафосат, ҳаёт ва мухаббат китобини ўқигандай бўлдим.

Биз сўзсиз юриб кетдик.

Шу куни узок айландик. Даставвал Инқилоб хиёбони-

га ўтдик. У ерда учта гул – иккита очилган ва битта ғунча сотиб олдик. Дилбар «нега учта олдингиз,» деб сўраган эди, мен «ўзингиз ўйлаб топинг», деб жавоб бердим. У қизаринди... Гулларни тўйиб-тўйиб, симириб-симириб ҳидлади, сўнг менга тутди. Кейин пиёда машхур ошиклар сайроҳи Анхор бўйига келдик. Дилбар аrikка куюлаётган булоқни кўриб, сув ичгиси келиб қолди. Кирғок тик бўлиб, пастга тушиш мушкул эди. Бир амаллаб тушдим-да, ховучимда сув олиб Дилбарга тутдим. У бир кўли билан кўйлаги барини оркага тортиб энгашган эди, бир ўрим сочи елкаси узра ошиб тушиб билагимга, пешанасидаги яккам-дуккам зулфи юзларимга тега бошлади. Баданим жимиirlаб кетди, кўлларим қалтираб, сувни тўкиб юбордим. Лекин, у менинг ҳолатимни сезмади, атай қилди деб ўйлади.

– Алдоқчи! Боринг, ичмайман сувингизни.

Мен атай қилмаганимта аранг ишонтиридим. Бир неча марта ховучимни тўлдириб сув олдим. У мирикиб иchar, мен эса унинг гавдасини бир оз олдинга ташлаб, қанотларини ёзиб парвозга шайланган күшдай туришини, каптар бўйин томогининг килкиллашини завқ билан томоша килардим. Охирги сафар ховучимдаги сувнинг ярмини ичиб, кўлимни силтаб юборган эди, сув кўйлагимга тўкилди. У қикирлаб қочди. Мен кўлимдан тортиб кўйишни илтимос қилдим. Дилбар кўлимдан торти-ю, аммо кирғокка чиқишим билан кўйиб юбориб яна қочди. Мен жаҳлим чиққандай жойимдан жилмай туравердим. Дилбар йигирма кадамча нарида тўхтади.

– Кани, етиб олинг-чи.

Индамай, жўрттага қовоғимни солиб олдим.

– Кичкинасини сувга ташлаб юбораман. – Дилбар ғунчага ишора қилиб, кирғокка яқинлашди. Чопиб бориб кўлидан ушлаб қолдим.

– Нега каттасини эмас, кичкинасини ташлаб юбораман дедингиз?

– Шундай демаганимда чопиб келмасдингиз-да.

– Ташласангиз, иккитасини ташланг, эди...

– Йўқ, ташласам учовини ташлайман. – Дилбар сўзларининг қанчалик таъсир этганини билиш максадида кўзларимга тикилди. Бундай пайтда нима ҳам дейиш мумкин? «Кандай яхсисиз, қандай акллисиз-а», дейишдан бошка муносиб сўз тополмадим.

Кейинги учрашувларимиз ҳам ана шундай фароғат тўла дамларга бой, нашидали ўтди. Иккимизнинг айтарли

жиддий ташвишимиз йўқ эди. Факат Дилбар ахён-ахён муштипар онасини кўмсар, унинг ёлғизигина фарзанди, кўзининг оқу кораси эканлигини айтиб соғинар, хавотирланар, мандат комиссиясининг чўзилиб кетганидан ранжиб кўярди. Албатта, юрагининг бир чеккасида «яна олдинги йиллардагидай бўлмасмикин», деган хадик ҳам йўқ эмасди. Мен эса унинг ўкишга киришига юз фоиз ишонар ва ўзини ҳам ишонтирадим. Ахир учта фандан ўн уч балл олиш ҳазил гап эмас. Бундай натижа билан ҳатто кундузги бўлимга ўтиш мумкин! Шунинг учун мен хотиржам ва мандатнинг чўзилганидан бир қадар мамнун ҳам эдим.

...Мана, бугун йигирма бешинчи август. Мандат комиссияси бўлиши керак. Эрталаб Дилбар билан факультет биноси олдидা учрашдик. Қабулхонада делоларни тартиблаштиришга озрок ёрдам берган бўлдик. Мандатнинг соат ўн бирдан ўн тўртга қолдирилганини маълум қилишгач, кўчага чиқдик. Дилбар яна безовталана бошлади, оҳиста, ҳаёлчан қадам ташлар, кўзлари ҳам хира тортган, шўхлиги, жўшкинлиги йўқолган эди. Дам-бадам дили ғашлигини айтиб зорланарди. Мен унга таскин бериш, кулдириш учун анча харакат қилдиму, лекин дуруст натижа чиқаролмадим. Дилбар қатъиятли қиз эди – сал нарсага жаҳли чиқиб, салга очилиб кетавермасди. Соат иккida қайтиб келдик. Бироқ мандат яна сурилган – соат бешга кўчирилган эди. Ўтириб кута бошладик. Дилбарнинг энди ҳеч қаёкка жилишга раъйи йўқ эди. Бино ичи тўс-тўпалон. Ғала-ғовур. Абитуриентлар бири у ёқка, бири бу ёқка юргурган, нималарни дир ўзларича муҳокама қилишган, ўтамизмикин-а, дея бир-бirlарига савол беришган, мандатнинг бўлавермаганидан жирибийрони чиккан, айримлари ҳатто сўкинган... Ҳаммасининг юраги така-пука, кўзлари бесаранжом, овозларида саросима. Баъзан бир нечаси тартибсиз тапир-тупур қилиб коридорнинг у бошидан бу бошига ўтишади, қабулхонадагилардан: «Бўладими ўзи?», деб сўрашади. Қабулхонадагиларнинг баъзилари ётири билан тушунтирмокчи бўллади, айримлари эса бакириб, оstonадан нари кетишларини талаб қилишади, эшикни тараққатиб ёпиб кўйишади. Яна очишида, яна сўрашади, яна ҳайдашади...

Мандат соат бешда ҳам бошланмади. Яна икки соат кейинга қолдирилди. Лекин еттида ҳам бўлмади. Кўпларнинг очликдан силласи қуриди. Кўнгил бир ёқли бўлмагунча овқат ўтадими? Айниқса шахарлик ёш-ёш жувонлар безвота бўла бошлади.

- Эмизикли боламни ташлаб келувдим.
- Овкат пиширишим керак эди.
- Хўжайин бугун улфатларини чакирмокчиди.

Афсуски, «ҳолинг нима» дейдиган кимса йўқ эди. Биз хам уларга ҳар замон-ҳар замонда ачиниш билан назар ташлаб қўярдигу, ҳамдард бўлолмасдик. Дилбар ҳам ух торта бошлади. Суҳбатимиз учча ковушмай колган эди. Бунинг устига айрим абитуриентлар мендан ҳам мандатнинг нега бўлмаётганини сўрашар, сиз айтсангизчи, деб илтимос қилишарди. Уларга мен ҳам, қабулхонадагилар ҳам оддий, кичик одамлар, уларнинг раҳбарлари, катталари келиши керак, шуларнинг дараги йўқ деб, изоҳ беравериб безор бўлдим. Лекин секин-аста гўё бу ишда менинг ҳам айбим бордек, хижолат бўла бошладим. Дилбарнинг сўзсиз илтижоли нигоҳларидан кўзимни олиб қочишга уринардим. Бу нигоҳлар сизнинг қўлингиздан хеч нарса келмаслигини, оддий студент эканлигингизни тушунаман, хижолат бўлманг, деяётгандай туюларди менга.

— Сиртқиларга шунақа паст назар билан карашадими? — бирдан сўраб колди у.

— Ҳар доим бунақа бўлмайди. Факат шу сафар...

— Мен уч йилдан бери кўряпман-ку...

Мен жавоб ўрнига аламли кулимсираб, елкамни қисдим. Дилбар гапида давом этди:

— Кабул қилиши шунақа бўлса, ўкиши қандай бўларкин?

— Ўёғи ҳар кимнинг ўзига боғлик, — мен жавобнинг ўрни келиб қолганидан анча дадиллашдим. Аммо у обдан ўйлаб, пишитиб гапирмоқда эди:

— Барибир ўқитувчилар дарс бериши, ниманидир ўргатиши керак-ку? Ҳар ким ўзи ўкиб, ўрганиб олаверадиган бўлса шунча қийинчилик, азобу изтиробларнинг нима кераги бор? Факат диплом олиш учунми?

Мен «эҳ, бунчалар соддасиз, Дилбар...» демокчи бўлдим-у, аммо бусиз ҳам хилвираб турган рухини тушириб, кузги баргдай титраётган калбига зарба бергим келмади. «Ха, диплом учун...» деб кўя қолдим. Дилбарнинг жавобимдан қониқмаганини сезиб турибман. У индамай колди. Деразадан кетаётган-келаётган одамлар оқимини томоша килмокқа тутинди. Бирок, аслида унинг кўзлари маъносиз бокарди. Энди унинг ҳолати менга ўтди. Юрагим қисила бошлади. Мен «хозир келаман» деб ўрнимдан турдимда, биринчи каватга тушдим. Бир йигитдан сигарет сўраб

олиб, энди туташтирган эдим, зинада Дилбар кўринди. Мен унга чекмайман деган эдим, яширишнинг иложи бўлмай қолди.

— Мени алдагани уялмадингизми? — эркаланиб гапирмокчи эди-ю, овози ўзи истамаган ҳолда бошқачароқ чикди, табассуми ҳам ярим очилган лабларининг икки четида поёнига етмай котиб қолди. — Иродангиз менинидан ҳам бўшми дейман, — у яна ҳазилни давом эттирмокчи бўлди, аммо сохтагарчиликни эплай олмаслиги сезилиб қолди.

— Жуда бошим оғриб кетди, — баҳона қилдим мен. Кеийин қўшиб кўйдим: — Ҳозир чиқаман. — Бу — мени бир оз холи қолдиринг, деганим эди. У тушунди.

Бир неча кундан бери чекмаганим учун сигарет жуда ширин татиб кетди. Симириб-симириб, лекин бамайлихотир чекиб, анча туриб қолдим. Дилбар яна тушди.

— Бўлди, ташланг энди. У менинг ташлашимни ҳам кутмай, тугаб қолаёзган сигаретни қўлимидан олиб, папирос колдиклари уюлиб ётган бурчакка ташлади-да, сутранг туфлисининг уни билан эзғилади.

— Кани, юринг энди.

Мен итоаткорлик билан унга эргашдим.

— Мени хафа бўлади деб ўйламанг, бунака кутишларга, бунака изтиробларга кўнишиб қолганман. Факат сизни қийнаб қўйганимдан хижолатман. Бошингиз ҳалиям оғрияптими? Корнингиз ҳам роса очгандир? Кетаверсангиз ҳам бўларкан.

Дилбар осойишта ва хотиржам сўзларди. Аммо негадир, унинг сўзлаш оҳанги менга эриш туюлди. Чунки менинг тасаввуримдаги ўн етти ёшли қиз бундай гапларни шу тарзда айтмаслиги лозим эди. Мен бир нарсалар деб ғўлдираган бўлдим.

Нихоят мандат бошланди. Деканнинг сиртки бўлимлар бўйича ўринбосари (исм-фамилияси ёдимда йўқ) мандат комиссиясининг қарорини, сўнг конкурсдан ўтганларнинг рўйхатини ўқиб эшиттира бошлади. Ҳамма юрагини ховчлаганча, вужуди кулокка айланиб, бениҳоя интизорлик билан ўз номларини кутар, умидвор кўзларининг бор куч-кувати, нури билан декан ўринбосарининг оғзига тикилиб туришарди. Секин-аста енгил энтишилар, фурурли томок қиришлар, сассиз чапаклар қулокка чалина бошлади. Ҳадемай қанча фамилиялар ўқилиб кетди. Аммо Дилбарнинг исми-шарифи чиқмасди. Рўйхат ҳам тугади. Дилбарнинг

юзлари аввал қизарди, кейин бирдан оқариб, турган жойида титраб кетди-ю, бирок дархол ўзини тутиб олди. Қийчув, тўс-тўполон бўлиб кетди. Номи чиқмаганлар гувиллашиб, қабулхона эшигига ёпирилиши. Дилбар ҳамон қарахт бўлган одамдай жойидан қимирламасди. Коридорнинг ўртасида иккимизгина қаккайиб туриб қолдик. Мен унинг кўзларига қарашга ботинолмас, ҳозир йиглаб юборади-ю, чопганича ўзини қабулхонага уради, деб ўйлардим. Йўқ, у йигламади, ҳеч қаёққа югурмади ҳам.

— Юринг, кетдик, — мажолсизгина, қарийб пичирлаб, енгимдан тортди. Шундагина мен ўзимга келдим.

— Шошманг, мен ҳозир суришириб чиқаман. Бундай бўлиши мумкин эмас! Ахир ўн уч балл билан-а?!

— Менга ҳам шуниси алам қиляпти. Ўн, ўн бир балл олган қизлар ҳам ўтишди. Лекин ҳозир фойдасиз. Ҳалиги одам бу мандат ҳали узил-кесил эмас, яна бўлади, деди-ю, ажабмас...

Менинг ҳам бирон нарсага эришишимга кўзим етмасди. Дилбарнинг фикрига кўшила қолдим. Секин-секин қадам босиб, паства тушиб кетдик. Йўлда ҳам деярли сўзлашмадик. Мен унинг иродасига, сабр ва матонатига қойил қолиб борарадим. Агар унинг ўрнида бошқа қиз бўлганда борми, аюҳаннос солиб, ҳаммаёқни бошига кўтарарди. У эса шундай бўлиши табиийдек, хотиржам, бир маромда одим ташлаб кетяпти. У яна менинг овкат емаганим ҳақида гап очди. Мен бу гал унинг меҳрибонлиги, олижаноблигини айтишдан ўзимни тия олмадим.

— Умидсизликка тушманг, Дилбар, эртага албатта суриширамиз, сиз албатта ўқийсиз. Бу ерда қандайдир англашилмовчилик юз берган бўлиши керак.

— Эҳтимол... яна ким билади дейсиз... Айтинг-чи, Камол ака, ҳозирги пайтда одам ўқишга ўз кучи билан кириши мумкинми? Қишлоқда менга айтишарди...

— Нега мумкин эмас? Мана, мен...

Бу сўзларнинг оғзимдан қандай чиқиб кетганини билмайман. Эсласам, ҳозир ҳам баданларим увишиб, совук терчиқиб кетади.

Дилбар аввал мандат бўлган кундагидай титради, кейин ранги оқариб, шалвираган қўллари билан дераза рахини ушлаб қолди.

— Сиз бошқа гап...

Дилбар ортиқ сўз демади. Мен ҳам, факат хайрлашиш

олдидан қизара-бўзара, тутила-тутила эртага қабулхонага боражагимни айтдим.

Шу оқшом кечаси билан ўзимни койиб, азобланиб чиқдим. Дилбарнинг дилига озор етказганимга, унинг мендан қаттиқ хафа бўлганига ишончим комил эди. Бирок у эртасига қабулхонага келди. Келганда ҳам, ҳеч нарса бўлмагандек, очик юз билан, хушчакчақ ҳолатда кириб келди. Афтидан кечқурун айтган сўзларимнинг беихтиёр чиқиб кетганини анлаган ё хафа бўлса ҳам, кечирган, унуган эди. Мен баттар ўсал бўлдим. Гўё унинг тантана-вор кайфияти менинг ожиз ҳисларим устидан кулаётгандек эди. Аслида гумонларимнинг бехуда эканлигини унинг кейинги муомалалари равшан қилиб қўйди.

Қабулхонада йигирма саккизинчи куни қайта мандат бўлишини айтишди. Шундан кейингина биздаги умид шамол кулини учириб кетган чўғдай яна яллиғдан бошлади. Орадаги дилхиралик ҳам бир қадар барҳам топди.

Белгиланган куни яна қабулхона-ю, коридорлар абитуриентларга тўлди. Бу гал ҳам ўтган сафаргидек мандат соат ўн иккidan тўртга, кейин кечрокқа, ундан сўнг эртасига қолдирилди. Бирок, эртасига ҳам, индинига ҳам мандат бўлмади. Биринчи сентябр куни яна бир-икки кундан кейин мандат бўлиши эҳтимоли бор, дейишди. «Бир-икки кун» олти кунга чўзилди. Ва ниҳоят, олтинчи сентябр куни мандат комиссиясининг карори ўзгармаганлиги, мандатнинг бўлмаслигини билдиришди. Шундагина Дилбарнинг киприкларида ёш йилтиллагандай кўринди. Аммо у ўкишга киролмагани учун эмас, онасини сориниб, унга ачиниб, кўнгли бўшашиб кетган эди. У яна худди ўкишга киролмаган мендек, менга далда бера бошлади.

– Майли, хафа бўлманг, ўкиши курсин, кирмасам кирмабман-да...

Шундан кейин ётиб қолгунча отиб қол, қабилида иш тутиб, унамаганига кўймай, уни деканнинг олдига бошлаб кирдим. Декан аввалига индамай, гапимни бўлмай кулок солди, гавдасини кресло суюнчиғига ташлаб, гунохкор одамдай оstonада бошини куйи эгиб турган Дилбарга бошдан-оёқ, бамайлихотир разм солиб чиқди, сўнг юзини менга ўгириб, ниҳоятда совукқонлик ва бепарволик билан деди:

- Бу қиз кимингиз бўлади?
- Ҳеч кимим, факат шунчаки таниш, домла...
- Шунчаки таниш дент? Муддаоингиз?

— Муддаоим... Шу кизнинг жойлашиб қолишига ёрдам берсангиз девдим, домла, агар иложи бўлса... Уч йилдан бери келар экан...

— Уч йилдан бери денг, хе, беш йил, олти йилдан бери келаётганлар бор, укам. Чидаганга чикарган.

— У имтихонлардан яхши ўтди. Менимча бу ерда кандайдир англашилмовчилик бўлган.

— Англашилмовчилик? Қанака англашилмовчилик? — Декан ўрнидан қўзалиб, креслони олдига сурди ва тирсакларини стол рахига кўйиб, менга астойдил ва жиддий тикилди, барок қошлари чимирилиб, лаблари пирпиради, бурун катаклари кенгайиб кетгандек бўлди.

Мен бир лахза саросималаниб қолдим. Бироқ модомики, кўкрак кериб келдимми, энди чекинмаслигим керак. Таваккал килдим.

— Ахир, домла, ўн бир, ҳатто ўн балл билан ҳам ўтишидию...

— Ўн балл билан? Ким ўтиби? — деканнинг қошлари чимирилди.

Мен ишни хом қилганимни тушундим. Буёғини яхширок суриштириб олмаган эканман. Каловланиб Дилбарга карадим.

— Хўш, гапиринг йигитча? — Декан тантана килаётгандай истехзоли кулимсиради. Жонимга Дилбар ора кирди:

— Мен билан топширган бир-иккита қизлар...

— Ҳм... — декан бир оз сукут сақлаб туриб қолди. Мен кўкрагимга шабада теккандай сал дадилландим. «Энди илиндиёв...» деб ўйладим. Декан яна Дилбарга юзланди:

— Каердан келишган экан?

— Сирдарёдан, Хоразмдан...

— Ўзингиз каерликсиз?

— Фарғоналиман.

— Ҳм, мана гап каёкда! — Декан калаванинг учи топилди, дегандай қўлидаги қаламнинг оркасини столга секин уриб қўйди-да, креслога чўқди. — Бу — сир эмас, айтишим мумкин. Сиз, дипломант укам, шу чоққача бехабар бўлсангиз, билиб қўйинг. Ҳар кандай хўжалик, муассаса ёки корхонадагидай бизда ҳам план бор. Ҳар бир областдан белгиланган миқдорда студент кабул қилинади. Ўзимиз билганча биридан ўнта, бошқасидан йигирмата олишга ҳақимиз йўқ. Бу кизингиз ўтолмаптими, демак, Фарғона областининг нормаси бажарилган экан. Энди тушунарлидир?

Яна чидаб туролмадим. Бешинчи курсдаман-ку, энди

нима қила оларди, деган мuloҳаза билан фикримни айтишга жазм қилдим.

— Кечирасизу домла, ахир бир одам имтиҳонларни яхши топширса, укуви, қобилияти бўлса-ю, пландан ортиқча деб колиб кетса, кимdir планни тўлдириш учун аранг илашиб ўтса...

Аммо мен яна хатога йўл қўйгандим. Сўзимни тугатмасданок декан ўринидан сапчиб туриб кетди:

— Хой бола, ўзингнинг қандай ўқишига кирганинг эсингдан чиқдими? Ўша илашиб ўтганлардан бири ўзинг-ку! Энди тилинг бийрон бўлиб қолдими?! Агар биз сени ўқишига олиб хато килган бўлсан, ҳали ҳам тузатишимиш мумкин. Ўқишини ҳам койил қилиб қўйганинг йўк! Аллақандай қизлар, хотинларнинг орқасидан элчиб юргунча диплом ёзишини ўйлаш керак! Ҳали олдингда госәззамен турибди!

Миям лўқиллаб, калтирай бошладим. Дилбар хўнграгагича ташкарига отилди. Унинг орқасидан мен ҳам ўзимни эшикка урдим. Аммо кўчага чиққач, Дилбарнинг яшиндан қочгандек чопиб кетаётганини кўриб, тўхтаб қолдим. Ҳозир унга қайси юз билан қарайману, нима дейман? Тўғри ошхонага бордиму, икки стакан винони бегазак ичиб юбордим. Ҳаммаёғим қизиб, вужудим ловиллаб ёнаётгандек эди.

Шу куни кечгача кўчаларда тентираб юрдим. Дилбарни декан олдига бошлаб кирганимга минг бор пушаймон едим. Хиёбонларда бошимни чанглаб, у ўринидикдан бунисига ўтиб ўтиредим, юрдим. Аммо бу афсус-надоматлар энди бехуда — бўлар иш бўлган эди. Шу куни ётоқка қачон келганим ва қандай ухлаганим ёдимда йўқ.

Эртасига уни излаб бормоқчи бўлдиму, яна юзим чидамади. Мен туфайли бегуноҳ, бокира бу қизнинг ҳакоратланиши, «аллақандай... хотинлар...» категорига кўшилиши унинг маъсума қалбини вайрон қилган бўлиши турган гап эди. Кейинрок, сал совигач қишлоғига хат ёзаман, деган тасалли билан ўзимни овутдим. Сабрим чидамади, уч-тўрт кундан кейин унга узундан-узок узр айтиб, ахвол сўраб, ором тилаб хат ёздим. Жавоб келмади. Уч-тўрт ҳафта ўтиб кетди. Бу орада қабул комиссиясига дахлдор таниш аспирантдан ғалати гап эшилдим: мандат куни имтиҳондан ўтганлар рўйхати ёзилган ведомост-варакалардан бир вараги йўқолган, аникроғи, одамлар сонини камайтириш учун атайин йўқотилган эмиш. Аввало бу миш-мишга ишонмадим, колаверса, уни исботлаш кийин эди.

Нихоят, Дилбардан кисқагина, хиссизгина ёзилган жавоб олдим. Дилбар бундан бир неча күн аввал бир йигитга унаштириб күйилганини айтиб, бўлажак турмуш ўртоғининг ҳам ўзига ўхшаб ўқимаган, оддий йигит эканлигини алоҳида таъкидлаган (шу жойда ручкани босиб ёзганлиги сезилиб турарди) ва энди менинг ортиқча безовта килмаслигимни сўраган, акс ҳолда ораларига раҳна солиб қўйишим мумкинлигини эслатган эди. Ичимда нимадир узилгандек, юрагим санчигандек бўлди. Бошим айланиб, қўзим тинди, беихтиёр эгилиб колдим. Шу пайт тўйкусдан кўтарилигандан шамол қўлимдан тушиб кетган хатни хас-хазонларга қўшиб, чирпирак килиб учирив кетди. Унинг оркасидан кувшишга мажолим етмай, ўтириб колдим...

Кузнинг вазмин ва бўрик шамоли таҳдидкорона увиллар, тепамдаги ҳали қаддини тўла тутиб улгурмаган чинор шоҳлари зорланиб кисирларди.

## ЗОР-ИНТИЗОР

*Келдим бу сори ўз ихтиёrim бирла,  
Лекин боруримда ихтиёrim йўқдир.*

**Бобур.**

*Ёқуббек Яқвалхўжаевга бағишлиланган.*

Ишдан қайтаётганимизда кучсиз шамол эсиб, ёмғир шивалар, атрофни куюнди, хазон босган бетон ариқчалардан кўтарилаётган ачимтирилар, йўл четлари ва гулпушталарда сўнгги кунларини яшаётган майса-гиёҳлар, анвойи гулларнинг сўнгги, кишини орзиктирувчи хидлари тутиб кетган эди.

Бундай маҳал одамда беихтиёр бирон кўнгил якини билан гоҳ у, гоҳ бу томонга киялаб ураётган ёмғирни дераза ортидан томоша қилганча, ўтган-кетгандан сухбатлашиб ўтиришга майл уйғонади.

«Зарафшон» ресторанининг миллий таомлар бўлими шу жиҳатдан айни муддао жой.

Ёмғир манзараси ўзимиз кутгандай эди: ҳар ер-ҳар ери тўрт хил рангли ромб нақшлар билан сирланган ойналарга «чирс-чирс» урилаётган томчилар эгри-буғри жилғачалар ясад, тинимсиз равишда бири иккинчисини қувалаб тушар,

ром гирдига етгач, бири ўнгга, бошқаси чапга симобдай йўрғалаб кетарди.

— «Кун қизариб чикса томингни тузат...» Халқимиз накадар доно-я, — деди Даврон ака калта чарм тўни чўнтағидан янги «Коинот» сигаретасини олиб очаркан. — Эрталабки ҳавони қаранг-у...

Шеригим гапини тугатиб-тугатмай гавдасини орқага ярим буриб, нарироқдаги столда ўтирганларга тикилиб қолди.

Мен ҳам ўша тарафга қарадим, лекин ҳеч қанақа ғайритабий ҳолни пайқамадим. Факат кулогимга стуллардан бирига ётқизиб кўйилган «Океан» транзисторидан элас-элас таралаётган кўшик оханги чалинди:

*...Биздек ғарибни йўқлаб, дилдор хуш келибсиз.  
Ноумид айламасдан мунглие фақирингизни,  
Кўнглини бир олай деб, бисёр хуш келибсиз...*

— Ҳалима опа куйлаяпти, — деди Даврон ака менга юзланиб. Овозидан анчагина таъсирангани сезилиб турарди.

Ҳайронман, табиатан хушчакчақ Даврон ака анча-мунча нарсага дарров мутаассир бўлаверадиганлар тоифасидан эмас эди.

— Бирон воқеа эсингизга тушиб кетдими? — сўрадим кизикиб.

Даврон ака узун сўлиш олди. Кейин сигаретни устмавуст торта бошлади.

— Ҳа, — деди у ниҳоят, чиганоғини столга, муштини яноғига тираб, ташкарига ўйчан тикиларкан. — Ўшандаям шунака куз маҳали, худди бугунгидай кун қизариб чиқувди, — дея хикоя қила бошлади ёмғирдан кўз узмай. — У пайтда биз ҳали Фулжадайдик. Аниқ эсимда йўқ: ё тўртинчида, ё бешинчида ўқирдим. Тўнгич акамнинг уй-рўзгори бошқа. Ҳовлида онам, кичик акам ва янги тушган келино-йим билан турардик.

Онамнинг анчадан бери тоби йўқ. Кечаси уйда, кундузи кунчиқишига қараган айвонимиздаги гулдор панжарали тахта чорпояда ётади, ё кат-кат болишларга суюниб китоб ўқийди.

Гоҳи-гоҳи онам узокда тия карвонларидай чўзилиб ётган тоғларга тикилиб қоларди. «Ў-ў, кани энди қанотим бўлса-ю, пирр учиб, ана шу тоғлар ортига ўтиб кетсан», дерди бошини чайқаб. Кичик акам аллакандай заводда иш-

ларди. Якшанба кунлари ҳосил йиғишириш учун далада-  
ги бөгимизга саҳар кетиб кеч қайтарди. Келинойим уйда  
кир ювиб, овкат пиширади. Мен мактабдан келгач, кўча-  
да ўртоқларим билан ўйнардим, ё келинойимга ўтиң ёриб  
берардим.

Онамнинг қандай касаллик билан оғригани ёдимда йўқ.  
Уйимизга бирор марта доктор ё табиб келганини, онамнинг  
дори ичаётганини кўрмаганман. Лекин, кип-қизил, дўмбок  
юзлари кичрайиброқ қолганини, тўмтоқ ияги остидаги те-  
риси салқиланиброқ бораётганини сезгандай бўлардим.

Тўнғич акам хабар олгани келганида онам нукул Анди-  
жон тўғрисида гапиради. Ўша воеа юз бермасдан уч-тўрт  
кун бурун онам акамни қистовга олиб қолди, денг. Унинг  
акамга илтижо қилгандай мўлтираб: «Ўзи кетиш ниятла-  
ринг борми, болам, одамни жуда интизор қилдинг-ку», –  
деб зорланганлари хам ҳали-ҳали қулоримда.

– Анжанга қайси юз билан қайтиб борамиз ўзи, бу-  
ви? – сўради хонтахта ёнида чўк тушиб ўтирган акам  
онамга ҳадик билан қараб. – Махалла-кўй, эл-юрт олдида  
бош кўтариб юришни айтинг.

– Шундай деб, орқага сура-сура, даданг оламдан ўтиб  
кетди, бизни мусофирир жойда, аросатда қолдириб, – деди  
онам кўзларига ёш олиб.

– Мусофирилигимизни ҳеч ким юзимизга солмайди-ку, –  
деди акам ўжарлик билан.

– Солишган, болам, у вактлар ҳали сен рўр эдинг.

– Дадамнинг қабри-чи? – деб сўради яна акам қово-  
гини уйиб.

– Бўлмаса, бир йўла мениям шу ерга кўмиб, кейин  
жўнамоқчимисизлар? – деди бўғилиб кетган онам.

Акам индамади.

Онам хикиллаб-хикиллаб яна давом этди:

– Дадангни тупроғини яратган эгам бу ердан олган  
эканки, шу ерни сунибди, қандок қиласиз, болам... Бизни  
у ҳукумат олдиаям, бу ҳукумат олдиаям тарикча гу-  
ноҳимиз йўқ, билсанг. Отанг бир адашди холос. Катталар-  
ни кўнглини топиб гаплашсанг бўлади. Кетганлар кетишлип-  
ти. Мана, Аскар ҳожилар кузги хирмонни олиб, жўнашар-  
миш. Аъзам қори раҳматлини ўғиллари хам ҳаракат қилиб  
юришганмиш... Уринган, интилган одам дорда қолмайди,  
ўғлим... Дадангни қабри жудаям бегона бўлмас, замон  
тинч, омонлик бўлса, ўзларинг хам келиб зиёрат қилиб ту-

ришарсан... Одамни гўри қаерда қолсаям руҳи кўнгил якинлари билан бирга юради, болам.

— Шундай бор-роғларимизни ташлаб кетиш одамга жа алам қиласди-да. Ҳовли-жойларни... Ҳазилакам пул, ҳазила-кам меҳнат сарф бўлдими... — деди акам бошини кўтармай, минғирлагандай.

Онамнинг ранги оқариб акамга ўқрайди.

— Сен, ҳали, шунга чўзиб юрибсанми?

— Кечиринг буви, ўёқда кийналиб қолмасмикинмиз, дейман-да. Еримиз бўлмаса... Уй-жой сотиб олиш керак. Ер беришган тақдирдаям хосилни бир йил кутишга тўғри келади. Бой-бадавлат меҳрибонларимиз йўқ у ёқда. Ҳали канака ишга кирамиз... Дарров иш бераколишадими денг...

— Ҳаммаёк мўл-кўлчилик, арzonчилик эмиш-ку, — деди онам сал тутилиб.

— Бошқа мишмишларга караганда жудаям унчалик эмасга ўхшайди, — деди акам дадилланиб. — Юрт катта урушдан чиқкан. Сал кам беш йил — айтишга осон. Ҳаммага ош авлиё, нон пайғамбардир. Буни айтишармиди. Ўзингиз ўйланг, дехкон кетмонини, ишчи заводини ташлаб беш йил уруш килса, сичқонлар ҳам қирилиб битса керак. Ўзидан ошинадиган одам топилиши даргумон-ов... Бир кун жанжал чиқкан уйда кирк кун барака бўлмайди, бир йил уруш кўрган халқ ўн йилдаям ўзини тиклолмайди дейиша-ди. Бир йигит ўн саккиз-йигирма ёшда қаторга киради...

Онам қаддини болишдан кўтариб, астойдил ўтириб олувди, акам гапдан тўхтади.

— Менга кара, — онамнинг жаҳли чиқди шекилли, ияқлари қимирлаб кетди. — Андижонга оёғим етиб қолса, бас, гадойлик қилиб бўлсаям сенларни боқаман. Бу ерда буғодай нон егуンча, Толзорда кунжарага тикилиб ўлсам ҳам розиман...

Якшанба эди. Кўчада ўйнаб-ўйнаб, ҳарсиллаб уйга кирсам, онам ғазабланиб қолди:

— Бормисан, Даврон, йўлингга қарайвериб кўзим теши-лай деди-ю.

— Ҳа, нима ишингиз бориди, буви? — дедим чорпояга якин бориб. Онам менга камдан-кам қаттиқ гапиради.

— Расидан<sup>1</sup> артистлар келишибди. Ҳалима ҳам бормиши.

<sup>1</sup> Шаркий Туркистанда СССРни Россия (Россия) дейишар, бошқа республикалар, жумладан Ўзбекистонни ҳам Россия таркибида, демак, унга қарашли деб билишарди.

Қаерга, кимникига тушдийкин, билиб келгин, — деди онам нимагадир овозини пасайтириб.

— Қанақа Ҳалима? — сўрадим гап ким ҳакидагилигини таҳминан билиб турсам ҳам.

— Вой, нимага ўзингни овсарликка соласан, ўзимизнинг Ҳалима-да. Ҳалима Носирова! Неча марта гапирганман сенларга, — деди онам менга ғалати қараб.

— Ҳа-а, эсимга тушди. Нима киласиз? — сўрадим ҳамон хайрон бўлиб.

— Сен буюрган ишни бажаравергин, — деди онам. Ўша тобда мен билан ади-бади айтишишга ҳуши-тоқати йўқ эди.

— Қаердан биламан?

— Маъсуд афандингдан сўраб кўр-чи.

Йўл-йўлакай Ҳалима Носирова ҳакида ўйлаб кетдим. Нимага билиб кел, деди? Мехмонга чақиравмикин?.. Ўзи ким экан у? Қанака аёл у? Нимага онам у тўғрида кўп гапиради?

Ҳалима опа ҳакида онамнинг тўрт қатор шеъри ҳам бор эди. Уни кўпинча ашулага ўхшатиб, хиргойи қилиб юрарди. Менгаям ёд бўлиб кетган.

Ҳалимажон, Ҳалима,  
Ким ийгелайди, ҳолима?  
Юзингга юз қўймадим,  
Дийдорингга тўймадим...

Маъсуд афанди жуда билимли, ҳамма янгиликлардан хабардор адабиёт муаллими эди.

— Расиданмас, Ўзбекистондан дегин, ҳумкалла. «Қизил юлдуз»га тушишган, аммо қайси бири кимникига жойлашди — бунисини билолмадим. Ўша маҳаллага бориб сўрасанг, айтиб беришади, — деди Маъсуд афанди мени биринчи марта кўраётгандай синчковлик билан тикилиб. Тараддудланиб қолганимгами, муаллим кўшимча қилди: — Агар Ҳалима Носировани билмокчи бўлсанг, у Абдузухур бойникида.

Ўйга ғизилладим. Топшириқни қойиллатганимдан суюниб, онамга баланд овоз билан ахборот бердим.

— Абдузухур бойникини биласанми? — сўради болишларга суюниб ўтирган онам, учлари икки ёнига осилиб турган оқ шойи рўмолини хиёл титраётган бармоқлари билан тузатаркан.

— Йўқ, — дедим бўшашиб.

— Билмасанг, бориб билиб ке. Дарвозасини кўриб қўйсанг, бўлди. Паттихон аянгдан сўрасанг, кўрсатиб қўяр, лекин мени айтди демагин.

Ичимда ҳайрон бўлдиму яна йўлга тушдим. Паттихон ая андижонлик Юнусбек бойнинг хотини. Ўша, «Кизил юлдуз» маҳалласида туришарди. Улар билан анча-мунча борди-келдимиз бор эди.

Юнусбекни Фулжадаги катта бойлардан дейишарди. Ўзининг ун заводи, Жирғалонгда<sup>1</sup> эшигиям, тешигиям йўқ поёнсиз борги бор, боғда оламдаги жамики мева, узум хилларидан топилади, деб таърифлашарди. Лекин, шуниси қизикки, у одамнинг ўз уйи йўқ экан, энг зўр бойларнинг данғиллама ховлиларини ижарага олиб ўтиришаркан. Сабабини сўрашса, «мен бирорнинг юртига том солмайман», деб жавоб бераркан. Юнусбекнинг бу тутумини бирор олифта бойваччалик, бирор зикналий, яна бошқа бирор хафсаласизлик, деб баҳолашарди.

«Кизил юлдуз» биздан унча узок эмас эди, лекин аксиға олиб, Паттихон ая банд экан.

— Артист кўрмокчимисан? Бизникигаям тушган, унчамунчасимас, Тамараҳоним! — деди у ўзида йўқ жилмайиб. Ўшанда аянинг килири менга хотинларга хос мақтанчоклик, гупуришдай туюлди-ю, аммо бари бир Тамараҳоним деганини кўришга қизиқиб қолдим.

— Дам оляптилар, бирпас кутиб турсанг, уйғониб қолади, — деди ая ниятимни фаҳмлагандай.

Мен айвон четидаги чор кирра устунга суянганча ўтириб, анча кутдим.

— Узок йўл уринтирган-да, — деди ўчоқ бошида куйманаётган ая бетокатланаётганимни сезиб. Назаримда уларнига қанака улур меҳмон келганини кўриб кетишими, бориб онамга айтишимни истарди.

Ая тут новдаларини, овозини чиқармаслик учун тиззалири билан омонат букиб, чала синдириб ўчоқка тикар экан, ўзиям айвон тўғрисидаги уйнинг эшигига караб-караб қўярди. Унинг юzlари гувиллаб ёнаётган олов тафтида тандирдан янги узилиб сув урилган гижда нондай бўғрикиб кетган, бир чимдимгина бурнининг учидаги сумалакдай осилиб турган тер томчисини сидириб ташлаш ҳам эсига келмасди.

Айвон тўғрисидаги эшикка, юпка, калта дарпарда ту-

<sup>1</sup> Шахар ташкарнисидаги ерлар.

тилган деразаларга тикилавериб кўзим толди. Иннайкейин, хар қанча пойлашга ҳам рози эдим-у, ўёқда онамнинг йўлимга термилиб ётганини ўйлаб, ноилож ўрнимдан турдим.

Паттихон ая бош чайқай-чайқай, Тамарахонимдай катта артистни кўролмай кетаётганимга ачинди. «Отинойини сўраб кўй, мендан хафа бўлмасинлар, жоним билан кўрсатиб кўярдим-у, кўриб турибсан, ҳозир бир қадам ҳам жиломайман, болам», деб кўчагача чиқди.

Паттихон ая айтган бурилишлардан ўтгач, икки-уч одамдан сўраб, Абдузухурбойнинг болаҳонали, салобатли уйлардан иборат ҳовлисини, кўш табақали нақшдор дарвазасини кўз остимга олдим-у, уйга чопдим.

Онам энди аллақандай китобни тиззасига кўйиб, бош кимирлатиб ўқиб ўтиради. Бу гал унинг чиндан ҳам китоб ўкиётганига ишондим. Чунки сўзларини чала-ярим тушундим. Ўша пайтларда онам Хўжа Ҳофиз, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр номларини кўп тилга оларди. Ўшалардан бири бўлса керак. Лекин акаларим хатга кўп қараманг, деб тайинлашгани учун анчадан бери китоб ўқимай кўювди.

Мени кўриши билан тилларанг гардишли кўзойнагини кўзидан олди.

— Мунча қоранг ўчиб кетди, болам? — деди у китобни ёпиб, ёнидаги сариқ гулли мато ёпилган хонтахта устига кўяркан.

— Паттихон аянникига Тамарахоним тушибди! — дедим худди у артистни аввалдан биладигандай.

— Кўрдингми? — сўради онам ковоғини сал очиб.

— Йўк.

— Абдузухур бойникини топдингми?

— Топдим.

— Яхши. Энди келинойингга ўтин ёриб бер.

Онамнинг авзои бузукроқ бўлгани учун ортиқча гап кўшмай «хўп» деб кўя қолдим.

Ўрик ўтин саржинлари таҳлаб ташланган бостиurmaga етмасимдан онам келинойимни чакирди:

— Зийнатхон, мен бир пастга тушай, она қизим.

Келинойим йўл-йўлакай майда ўрилган узун соchlарини турмаклаб шоша-пиша борди-да, онамнинг чорпоя остидаги калишини тўғрилади, кўлтиғидан суяб, ерга туширди.

Мен ҳам чопиб бориб, онамнинг иккинчи қўлтиғига кирдим.

Ховли этаги тарафга бошлаётган эдик, онам: «Йўк, у

ёққа бормайман, манави, сўртак тагида бирпас юрай», деб қолди.

Келинойим ҳам, мен ҳам ялт этиб онамнинг юзига қарадик.

— Ётавериб белларим котиб кетди, — деди онам ховли томон қадам тапларкан, бир келинойимга, бир менга ўгирлиб. — Бугун сал тузукка ўхшайман.

— Ўғлингиз келадиган вақт бўлиб қолди бувижон, мени уришади, — деди келинойим қоп-кора, чиройли кўзларини жавдиратиб.

— Ўзим айтиб қўяман, қизим, уришмайди. Сиз бугун чалароқ қовуриб бир ўзимизни анжанча ош қилинг, сарёққа. Ошни кўнглим тусаб қолди, ҳам сал мадор бўлади. Ҳом овқатлар азои баданимни бўшаштирворди. Сиз қозонга уннайверинг, биз мана, укангиз билан секин айланиб турмиз.

Бир оз юрганимиздан кейин онам елкамдан қўлини олиб, қулогимга шивирлади:

— Сен ҳам ўтинингни ёриб, келинойингга қараш. Сувпув келтириб бер.

— Сиз-чи?

— Мен ўзим юравераман, манави сўртак устунларини ушлаб-ушлаб... Боракол, ўрлим.

Мен елкамни қисиб, бостиргмага ўтдим. Кўзим онамда. Онам икки қўлини белига тираб беш-олти қадам юради-да, устунни ушлаб нафас ростлайди. Унинг олтиндай товланиб турган хусайнини доналаридан узиб олиб пуфлаб-пуфлаб еяётганини кўрганимдан кейин, соғая бошлаганига ишонч ҳосил килдим.

Акамнинг келишига келинойим онамнинг ўзи юра бошлаганини айтиб, суюнчилади.

— Ха, хайрият, хайрият, кушойишини бергани рост бўлсин, — деди акам онамнинг юз-кўзига астойдил тикилиб. — Лекин кўп юрманг, буви, бирданига кўп харакат килиб бўлмайди, уриниб қоласиз. Кунда-кунда, оз-оздан...

Онам мен қириб берган турп билан анчагина ош еди.

Дастурхон йигилгач онам билан акам яна Андижон ҳакида, у ердаги Толзор маҳалласи ҳакида, аллакачон оламдан ўтиб кетган боболарим, Ҳалима Носирова ҳакида сухбатлашиб, анчагача ўтиришди.

— Андижонни, Толзорни кўришга кўзим етмай қолди, шу, Ҳалимани бир кўрсам ҳам армоним йўқ эди, — деди онам рўмолининг учини дам бу, дам у кўзига босиб.

— Ҳалима опа «жон деб борардиму, раҳбарларимизни олдидан бир ўтиш керак», деди. Раҳбарларига учрашишга юрагим дов бермади, ким билсин, нима хаёлга боришади,— деди акам бўйини эгганча пиёладаги чойни айлантириб совутаркан. — Кўкламгача сабр қилайлик-чи, ажабмас, йўлимиз очилиб кетса... Акам ҳаракат килиб юрибди-ю. Жа, бўлавермаса, ўзим астойдил киришаман.

— Айтганинг келсин илойим, ниятингга етгин, ўғлим, — деди онам жонланиб. — Акангдан бир хабар олиб қўйсанг бўларди, дараги йўқ, кечадан бери чап ковоғим учади...

— Қизиксиз-а, буви у сиздан хабар олмай...

— Ёшсан-да, ҳали, ўғлим, бола-чақанг кўпайганда билсан...

Онам чиндан ҳам тузалиб колгандай эди. У ўша оқшом ҳар кунгидан тийракрок, гаплашиб ўтиргиси борлиги сезилиб турарди. Куни бўйи боғда ишлаб ҷарчаган акам кўзлари юмилиб-юмилиб кетса ҳам, анчагача ўзини тетикликка солиб ўтирди. Кейин, энди ётинг буви, бугун анча уринибизиз, деб ўрнидан турди.

Онам—иккаламизнинг жойимизни солиб бергач, келингийим ҳам чиқиб кетди.

— Энди сен ҳам ухла,— деди онам ўринга ёнбошларкан.

— Сиз-чи? — сўрадим.

— Нимагадир уйкум қочиб турибди. Хурсандчиликданми... Сен ухлайвер, бир маҳал бўп қолди. Бугун анча ҷарчадинг.

Онам анча юпқалашиб колган оппоқ кафти билан пешонамни силай бошлади.

Лекин мениям кўзим илинай демасди.

Ичимда нимадир сиртга чиқмоқчи бўлиб гупураётганига ўхшарди. Суюнгманми, хафа бўляпманми, ўзим ҳам билмасдим. Мени акамнинг «кўкламгача сабр қилайлик-чи», деган гапи ўйлантиради. Андижонга кўчиб кетсак, бувимнинг орзуси ушаларди... Мен бувимнинг у ёқдаги қариндошлари билан қучоқлашиб кўришаётганлари — кувончдан лов-лов ёнаётган юзларини кўз олдимга келтираман. Ўзиям, бувимни ҳамма дугоналари ўраб олишса керак, байрам бўп кетса керак... Бизни роса меҳмон қилишади... Бирдан бошқа нарса эсимга тушиб қолди. Менчи? Мен нима қиласман? — деб ўзимга ўзим савол бераман. Ахир синфдошларим, ҳамма ўртоқларим бу ерда колишадику! У ёқдагилар менга бегона-ку. Жўравой, Нураҳмад, Мухаммад сингари яхши ўртоқлар топилармикин?.. Онам-

нинг тилидан намунча ўша, тоғ ортидаги юрт тушмайди-а? У ёқ бу ердан ҳам яхшимикин? Бу ердан чиройлимикин? Онам билан акаларимнинг гапларига караганда у ёқда тол кўп шекилли. Тол ҳам яхши, таги салқин бўлади. Бу ерда эса терак кўп. Ҳаммаси баланд-баланд ок терак. Ҳамма кўчаларнинг икки чети қатор кетган терак. Оппоқ кийинган пахлавонлар саф тортиб туришгандай... Ўртага тушган йўл-йўл кўланкаси бирам чиройлики... Ҳудди бир текис чизиклар чизиб кўйилгандай... Дунёда бунақа тераклар, бунақа теракзор кўчалар бошқа бўлмаса керак...

Лекин онамга тоғлар ортидаги юртга қайтиш, ҳатто кўкламгача яшаш ҳам насиб этмаган экан.

\* \* \*

— Онам мени уйротганида тонг энди ёришиб келаётган эди. — дея давом этди Даврон ака совиган чойдан хўплаб. — Зериктириб кўймадимми ишқилиб? — сўради у мендан. Даврон аканинг феълини яхши билганим учун гапини бўлмай тинглаятувдим, шундан шубҳаланди чоги.

— Мутлако! Бир чақалик фойдаси йўқ, қайтага асабни бузадиган баҳс-мухокамалардан минг марта афзал-ку ҳикоянгиз, — дедим кулиб.

— Унда ўзингиздан кўринг, — деди Даврон ака кулгимга синик жилмайиш билан жавоб қайтариб. — Ҳуллас, онам сахар уйротди.

— Ҳм-м... — дедим ижираниб.

— Тур, ўғлим, мени кечаги жойга бошлаб борасан, — деди онам.

Бирдан уйкум кочиб, кўзларим мошдай очилиб кетди. Ахир шунча кундан бери ётиб, кеча аранг ўн беш-йигирма қадам юрган одам каерга бориши мумкин?

— Кайси жойга? — сўрадим шоша-пиша.

— «Қизил юлдуз»га-да, — деди онам хотиржам.

— Кандай етиб борасиз, буви?

— Етиб бораман, ўғлим, бугун жудаям яхшиман, соппасоғман. Бўлакол, тезроқ ювиниб, тузукроқ кийинвол, — деди онам янада мулоҳимлик билан. Шундагина онамнинг тўйга кетаётгандек ок сийдам кримжажит кўйлак, қора баҳмал камзул, амиркон маҳси-кавуш кийиб, ясаниб олганини кўрдим.

Акам, албатта, аzonда чиқиб кетган, лекин келинойим ҳам кўринмасди. Онамдан сўрадим.

— Бувисиникага кетди. Бир хабар олиб келсин, мен би-

лан овора бўлиб, қачондан бери боргани йўқ, бечора, — жавоб берди онам келинойимни яна кечагидай узундан-узок дуо қилиб.

— Ўзи нимага боряпмиз, буви? — сўрадим кўчага чикканимизда.

— Ҳалимани бир кўрай, ўғлим, — деди онам, — факат се-кинроқ юргин болам, ҳасса тутмаган одам, манави таёқка ўрганиш кийин бўляпти.

— Бошка, зўр ҳасса кибберайми?

— Йўқ энди, болам, вакт кетади. Юравер, гаплашиб бориб келамиз.

— Сиз ўзи Ҳалима Носировани танийсизми? — сўрадим яна.

— Нимага танимас эканман, танийман. Ҳалимани танимаган борми... У кўчага чиққанида орқасидан бир маҳалла киз-жувон эргашиб юрарди... Ҳалима бутун Анжанга бўлакча файз киритвorgан. Қанча гумроҳлар ортидан болта кўтариб ҳам юришган. Ҳалима ҳаммасини доғда қолдирди. Ажаб қилди. Мана энди, бутун оламни ўзига қаратиб, сайру саёҳат килиб юрибди. Толеи баланд экан. Эри катта шоир<sup>1</sup>... Ўзи юртнинг маликаси... Эҳ, Анжан, Анжан...— Онам гапини тугатолмай хўрсиниб кўйди.

Мен акаларим ва онамнинг меъдасига тегиб кетган саволимни яна бир марта такрорладим:

— Буёқка нимага кеп колганмиз ўзи, буви?

Бу саволга ҳар гал ҳар хил жавоб эшитардим. Кичик акам елка қисади, тўнғич акам катта бўлганингда биласан, деб қўярди. Онам эса: «Э, болам-а, фалакни гардиши-да, ризкимиз шу ерларга сочилган экан, териб еб юрибмиз-да» — дерди чукур энтикиб.

Ўша сафар онам бошқачароқ жавоб берди:

— Э-э, буни мен ҳам билмайман, ўғлим. Бир алғов-далғов замон бўлди-ю, ҳамма уяси бузилган аридай тумтракай тўзиб кетди.

— Анжан яхшими?

Бу саволниям неча марта берганман. Бу саволгаям онам ҳар сафар турлича жавоб қайтарарди. Бу гал:

— Э, қақилдоғ-а, хўп одамни юрагини эзадиган гапларни сўрайсан-да, — деди.

— Буви, Андижондан кеп қолишган бошқалар ҳам кўп-у, улар юришибди-ю...

<sup>1</sup> Ҳ. Носированинг эри таникли ўзбек адаби Комил Яшин эди.

— Ҳа, нимасини айтасан, болам. Унақалар күп дунёда. Уларга куни қаерда яхши ўтса бас... Сендан гинам йўқ, акаларинг тушунмаяпти-ю мени, сенга йўл бўлсин, хали гўдаксан... Ҳой, тош тепмай юр, деяпман...

Ўшанда чиндан ҳам онамни зигирча тушуммаганман. Факат кўнглимдан шундай гаплар ўтувди холос: онам Ҳалима Носирова билан бир вактлар бир маҳаллада яшашган, уни согинган... ўша опани кўргани кетяпмиз...

Онамни толиктириб кўймай деб бошқа гапирмадим.

«Ахир, ўзимизнинг Фулжа ҳам яхши-ку, — деб ўйлайман ичимда.— Чиройли. Дараҳт кўп, кўм-кўк шахар. Маҳалламизнинг номиям зўр: Ҳарамбое. Жирғалонгда катта боғимиз бўлса.. Уйларимиз данғиллама, болохонали... Ҳамма қўшниларимиз ўзбек. Икки қаватли ўзбек мактабимиз бор...»

Мактабимизнинг таҳта поли шунақа ялтиллаб турардики, худди ойнанинг ўзи эди. Афандиларимиз бизга доим: «Пойабзалларингга нағал қоктирумларинг, полни расво киласанлар», дерди.

Ҳозир ўйлаб кўрсам, маҳалламиз ахли билан, умуман, Фулжадаги ҳамма ўзбеклар билан ниҳоятда оқибатли қариндошлардай иноқ яшаган эканмиз. Балки мен ўшанда ҳамма одамлар ҳамма жойда шундай яшайди, деган тасаввурда бўлсан керак. Эҳтимол бу ҳакда ўйлаш хаёлимгаям келмагандир. Аслида бунақа бўлиши мумкин эмаслигини, ундай ахилликнинг маълум сабаблари борлигини кейинчалик англадим.

Анча юрганимиздан кейин бари бир ўзимни тутолмай, яна: «Уям сизни танийдими, буви?» — деб сўрадим. Нимагадир онамнинг Ҳалима Носировани танишига унча ишонгим келмасди. Маҳалладаги шов-шувларга, Паттихон аянинг ўзини йўқотиб, босар-тусарини билмай қолганига караганда, Ҳалима Носирова билан Тамарахоним деганлари довруқ қозонган, жуда катта артистларга ўхшайди. Онам ўзи «ёшлигимда маҳалла ҳатлаб нарига ўтмаганман», дерди. Аммо, хеч қачон ёлрон гапирмасди. Паттихон аянингига юбораётib бир марта ёлғонлади. «Мени айтди демагин», деди. Нимага? Бувим айтди, десам нима бўларди?

— Танийди. Мени танимаса, опокдадангни танийди, — деди онам, кейин астойдил қулок тутиб турганимни кўриб, шоша-пиша қўшимча қилди: — Мениям сал-пал танирди, ҳозир билмадим, эҳтимол, ёдидан кўтарилгандирман. Орадан қанча замонлар ўтиб кетди.

Кейин билсам онам, ўшанда менга яна бир марта ёлғон гапирган экан. Айтишларича иккала бобом ҳам Андижонда анча таникли, нуфузли одамлардан экан. Ҳалима Носирова чиндан ҳам уларни таниши, ақалли улар түғрисида эшигтан бўлиши мумкин, лекин, доим паранжи-чачвонга ўраниб юрадиган онам, боя айтганимдай, Андижонда ҳам Толзордан бўлак жойни кўрмаган бўлса...

Икки гапининг бирида: имонимдан айрилмай, десанг, минбаъд ёлғон сўзлашни ўрганма, деб тайнинлайдиган одам, ўшанда мени нима учун алдаганига аклим етмай, бир неча йилгача ўйланиб юрдим.

«Танимаса, нима қиласиз бориб?» – деб колишимдан хавотирланувдимикин?.. Ё, ростдан ҳам бир вақтлар бир-бирини танишармидийкин, дейман...

Йўқ, менимча йўқ...

Кейинчалик, онамнинг ўша икки кун ичида менга бир эмас, бир неча бор ёлғон сўзлаганини англадим...

Аммо бу нарса ўшанда мени хаёлимгаям келмаганди. Мени бошқа бир жумбок таажжубга соларди: онам қандай килиб бир кунда оёкка туриб кетди? Қандай куч унинг кувватсиз оёғига мадор, тахта бўлиб кетган белига жон баришлиди? Қандай оҳанрабо, қандай сехр уни имлаб йўлга чорлади? Ҳалима Носирова ростдан якин танишмикин? Бунчалик қадрдон бўлишса, нега у бизниги келмайди? Нимага ўз ҳамюртиникига меҳмонга бориш учун бошлиқдан ижозат бўлиши керак? Нима учун акам катталарга учрашга ботинмадийкин?..

Бу саволларимга орадан анча йиллар ўтгандан кейингина жавоб топдим. У гапларни акам хаста онамнинг кўнглини тинчтиши учун айтган экан, чоримда.

Кейинчалик мен яна бошқа кўп нарсаларга тушундим: онамнинг мевазор боғли кенг ҳовлимиизда кафасдаги күшдай мудом безовта, тоғлар ортига талпиниб яшиши боисини ҳам, мени алдашга ундан сабабни ҳам англаш етдим. Лекин афсуски, кеч, жуда кеч англадим. Гоҳи-гоҳи ўша пайтда англатанимда ҳам қўлимдан бир иш келмаслигини, унда ҳали жуда ёш эканлигимни ўйлаб, ачинаман, ҳам ўзимга-ўзим тасалли бераман.

Булар, менимча, ўша куни ва кейинчалик хаёлимдан кечган гапларнинг юздан, балки мингдан бири бўлса керак.

Хуллас, ўша куни икки чақиримча масофани чамаси бир соатларда босиб ўтдик.

Онам хассага гоҳ таяниб, гоҳ уни менга бериб, қўлла-



рини икки ёнбошига тираганча секин-секин кадам ташларди-ю, лекин инкилламасди, нолимасдиям. Йўлнинг ярмидан ўтганда у яна камгап бўлиб қолди. Факат икки-уч марта: «Етай дедикми, болам!» – деб сўради. Ҳар замонда унга хавотирланиб қараб: «Ишқилиб, яна оғриб қолманг-да», десам, «йўқ, бугун оғримайман, баракалла, ўрлим», – деб елкамга қоқиб кўярди. Беш мартами, олти мартами йўл четига чиқиб анча-мунча дам олди. Ичимда: «Шундай кийналиб нима зариликин», -деб ўйлайману, тилимда: «Қайта қолайлик, буви», деб кўраман. Онам ҳар гал: «Йўқ, ўрлим, мени шаштимни кесма, юрагим орзиқиб кетяпти», – дейди-ю, гапини исботламокчи бўлгандай ўрнидан туриб, яна йўлга тушади.

Мен дам бетоқатланиб онамдан ўтиб кетаман, дам чумчукларга алаҳсиб орқада қоламан. Онам жуда басавлат аёл эди. У юрганида кўча тўлиб бораётгандай бўларди. Анча чўкиб қолганини шу куни яхширок пайқадим: мажолисиз оёклари увокқина гавдани аранг кўтариб кетаётгандай туялди ўша тобда менга.

Мен учун вакт имиллаб, хеч ўтмаётгандай эди. Кенг кўчанинг икки юзидағи бўйлари баланд ок тераклар шохиди чириллаётган чумчуқлар ичимни кизитар, лекин онам уларга тош отгани кўймасди. «Жониворларга озор берма, болам, уяси бузилса, ватансиз қолишади, кейин бошқа жойга учиб кетишади... Паррандаларни ҳамияти кучли бўлади», дерди онам астойдил куюниб. Бу сўзларга кулгим қистарди.

Кулгим қистади-ю, индамадим.

– Чумчуқларинг безовта-да, Давронбек, – деди яна онам, – кечга бориб ҳаво айнийди назаримда.

Онамнинг гаплари дадил, дона-дона эди.

– Мен шунча кундан бери ётган одам бирдан мунча жойга етиб боролмаса керак, деб ўйловдим.

Назаримда, манзилга яқинлашган сари онамнинг қадди тикланиб, кадамлари шахдамлашаётгандай эди.

Хуллас, манзилга етиб борди, қаранг!

– Келдик, мана шу, – дедим яшил эшикка имо қилиб.

Онам безовталангандай, паранжи-чимматининг бир четини қайриб, дарвоза оша кўз ташлади-ю, кейин тез-тез юриб кўчанинг ховлига қарама-карши юзига ўтди.

Ҳайрон бўлиб орқасидан эргашдим.

– Кирамизми ўзи? – сўрадим минирлаб.

– Шошма, ўрлим, шошма, нафасимни ростлаб олай, би-

рам тез юрдингки, одамни ҳаллослатиб... – деди онам менга қарамай ва паранжисини бошидан олиб, буклаб-бувлаб жуфт терак тагидаги сарғая бошлаган, қийикдайгина ажриққа түшади-да, секин, ўрнашиб ўтириб олди.

Хайратим баттар ошди: «Тез юрганим йўғиди-ю, нима бўляпти ўзи бувимга, устига-устак манави ярашмаган қилигини», дейман ичимда жигибийроним чикиб, Ҳарамбorda, ҳатто бутун Гулжада, ӯзбеклардан ташқари, уйғур, козок, қирғизлар ҳам: «Отинои, отинои...» деб, соясига кўрпача ташлайдиган аёлнинг катта кўчада, аразлаган боладай ўтирганини бирор кўрса нима деб ўйлайди?

Онамнинг ўзини бу қадар ҳокисор тутганини хеч кўрмовдим. Уйда ҳатто топ-тоза курсиниям келинойимга яна артқизиб ўтирадиган, кийимиға гард юқтирумайдиган, бошқалардан ҳам озода, саришталикни талаб қиласидиган одам-а?!

– Чакириб чиқайми! – дедим ошкора норози оҳангда.

Онам бош чайкади.

– Сен бир айланиб ке, ўғлим, мен бирпас дам овлолай, ўзим... Сен бемалол ўйнаб келавер, – деди кейин мулоимлик билан.

– Мен-чи, мен кўрмайманми? – сўрадим шоша-лишай.

– Сен қўяқол ўғлим, узокдан келган. Эҳтимол, нотаниш шериклариям бордир...

Ҳафсалам пир бўлди. Лекин онам бир сўзли аёл эди, бари бир айтганини қилдиарди. Айниқса, ўша пайтда бемор онамнинг райига бўйсунишдан бошка чорам йўқ эди.

– Бўпти, аммо тезроқ чикинг, – дедим ўзимни масаланинг мохиятини тушунган одамдай сипо тутиб. Сўнг, рўпарадаги, нечундир бирдан ўта маҳобатли, сирли туюла бошлаган ҳовли дарвозасига бир зум тикилиб турдим-да, кўча бўйлаб зипиллаб қолдим. Кўп юрмай, секинладим. Бу маҳаллага кам келгандим. Биронкини қидираётгандай, йўлнинг икки бетидаги девору дарвозалари, роми икки қаватли деразалари, оппоқ ўйлари қолипдан чикқандай бир хил ҳовлиларга алланглаб, анча ергача бордим.

Ҳали кўчада одам сийрак эди. Онда-сонда дарвозасини ғийқиллатиб чиқаётган эркак ё аёл менга ажаблангандай караб ўтишарди. Бу болакай сахармардонда нимага довдирраб юрибдийкин, дейишиятимикин деб ўйлайман. Онам ҳам кизиқ, касал одам, мени уйқуга тўйдирмай, ўзиям ухламай, аzonлаб келди. Энди бўлса, умрида килмаган килиқ – тап этиб ажриққа ўтириб олди, дейман, хунобим ошиб.

Салкин шабада жунжиктиради. Хаёлимда анча вакт ўтгандай туюлди-ю, онам маҳтал бўлиб колмасин, деб кайтдим.

Онам ўша-ўша ҳолатда: теракка суюнганича кўчага ёнбуш бўлиб ўтиради, лекин икки кўзи яшил дарвозанинг дарча-эшигида, эшик ҳалқасида эди. Назаримда онам шу ҳалқанинг силкинишини, эшикнинг очилишини кўрмай колишдан чўчигандай жудаям сергак ўтиради.

— Кирмадингизми? — сўрадим бетоқатлик билан.

— Ўзи чиқиб қолар, шошиб қаерга борарди, ўғлим, бугун мактабинг йўғ-у, — жавоб берди онам сабр қилишимни ўтингандай. Овози бояидан ҳам юмшокрок, ҳам хомушрок эди.

— Танийман дедингиз-ку, кира қолайлик ё чақирайлик, — дедим.

Онам индамади. У бутун борлири билан рўпарадаги дарвозага талпиниб туриади, фикри-зикрида ана шу ҳовлидан бошқа нарса йўқдай эди.

— Ўйна, ўйнайвер, — деди онам ниҳоят титрок овозда ва нимчасининг чўнтагини кавлаб бир сўм чиқарди.

— Ма, писта-миста олиб чак.

Хурсанд бўлиб, яна бошқа томонга қараб югурдим.  
Кўчада ҳалиям одам кам. Жимжитлик.

Чумчуқлар ҳамон чирқиллашар, тераклар иккита-иккита бўлиб шивирлашаётгандай туюлади. Ялтироқ баргларининг тебраниб туриши подадаги улоқчаларнинг тинимсиз кулок кокишига ўхшайди.

Кўзим олма-кесак териб, биз кирган кўчани кесиб ўтадиган катта йўлга чиқдим. Томоша қиладиган тузукрок нарсаям, писта сотадиганлар ҳам кўринмасди.

Энди қаёкка борсамикин, деб у ёқ-бу ёқни мўлжаллайман.

Яна бир оз юрувдим, йўлдан сал ичкарироқдаги «Қизил юлдуз» киноклубининг баланд, оппоқ деворига кўзим тушди-ю, суюниб кетдим.

Бинонинг чап ёнидаги ичи коп-коронки туйнукка ўхшаган кассанинг олди ёғоч панжара билан тўсилган, тепарокда бир кун аввалги, «Котовский» номли уруш кино бўлади, деган эълон осиёлиқ туриади. Кўз олдимга кора чарм шапкасида кип-қизил беш юлдузи бор, қайтарма ёқали пўстин кийиб, энли камар бойлаб олган, боши такир, катта-катта кўзлари чакнаб турган одам келди. Бу кино менга бошдан охиригача ёд бўлиб кетган, десам ҳам

бўлаверади. Ўзимизнинг ўзбек клубида икки марта кўрганман, УКОКда<sup>1</sup>, кейин ўрис клубида... Нима хаёлда қилдим, маҳалладати ўртоқларимга кўрсатиб мактамокчи бўлдими, билмайман – атрофга кўз югуртиридим-да, панжара га тирмашдим. Эълон анча баландда, панжара билан девор ораси ҳам узокрок эди. Эълонни кўчириб олгунимча тиззалирим, чиганокларим ёкланган деворга роса ишкаланиби. Икки кўзим атрофда, эълонни «карнай» килиб кўлтиққа урдим-у, йўл-йўлакай кўйлак-шимларимни қока-қоқа изимга ризилладим.

Онам ҳамон ўша-ӯша ўтиришда, кимир этмасди.

Бошим қўтади: ўзи касалдан янги турган бўлса, нонуштаям қилмаганимиз. Қорни очмадимикин?

Ёнлари теракка ботиб кетмадимикин, дейман.

Киприк қокмай тикилавериб кўзлари, ковоклари толиб кетмадимикин?..

«Бу нима?» деб колармикин, деган хадикда коғозни орқамга яшириб, онамга аста яқинлашдим. Онам бунақа ножӯя ишлар учун қаттиқ таъзир берарди. Ўшанда бўлса, ўзимгаям, кўлимгаям карамади, қорозларни кўрмади ё кўрсаям парво қилмади.

– Кета қолайлик, буви, чарчагандирсиз, – дедим олдини олиб.

Онам лом-мим демади.

«Карнай»ни теракнинг новдаси орасига қистирдим-да, бир-бир босиб онамдан узоклашдим. Ичимда «чакириб колармикин», деб умид қиласман, йўқ, чакирмади.

Энди ховлиларнинг эшиклари очилган, болалар чўнтакларини ёнғоқ, ошиқларга тўлдириб кўчага чика бошлашган эди.

Айланиб-айланиб, болохонали уйлар ўртасидаги кенг, чорси майдонда «доира»<sup>2</sup> ўйнашаётганлар олдидан чиқиб қолдим. «Эх, аттанг, билганимда сокка билан ошиқларимдан беш-ўнтасини овлоларканман», дедим ичимда. Бир кўнглим: ҳали онам берган бир сўмга ошиқ сотиб олмокчи ҳам бўлдим-у, яна, бари бир бегона маҳалладан келган болага ютқазишардими. Фирромлик килиб бўлсаям, ютиб олишади, деб айнидим.

Томошага берилиб кетганимдан қаерда, нима қилиб юрганимният унутиб юборибман. Бир пайт ўзимга келдиму

<sup>1</sup> УКОК – уйғур, қазоқ, кирғиз клуби.

<sup>2</sup> Ошиқ ўйин.

«ух!» деб бошимни чангллаганча оёғимни кўлимга олиб, Абдузухур бойнинг ховлиси томонга чопдим.

Орадан қанча фурсат ўтгани номаълум эди. Лекин мен айни пайтда етиб келган эканман.

Узокдан онамнинг ўз ўрнида қийшайиб ўтирганини кўрдим-у, хафсалам пир бўлсаям, кечикмаганимга суюниб, қадамимни секинлатдим.

Ана шунда мен кутган ходиса юз берди... Лекин, бутунлай бошқача тарэда...

Шу ерга келганда Даврон акацинг мижжаларида ёш йилтиллай бошлади. Чукур хўрсинди.

— Онам билан ўртамиздаги масофа ўн беш-йигирма қадамча колган эди, — дея давом этди Даврон ака сигарет тутунини оғзи-бурнидан шиддат билан пуфлаб чикарап экан. — Шу пайт кўштабақали нақшиндор дарвозанинг дарча эшиги «ғийт» этиб очилди ва енглари кенг, этаги тўпигигача тушган хаворанг йилтироқ кўйлакли, ўрта бўй, думалок юзлари ширмондай кип-кизил чиройли аёл остона хатлаб ўта бошлади.

Мен ялт этиб онамга қарадим ва унинг соппа-соғ одамдай ўрнидан сапчиб туриб кетганини кўрдим.

Ўша дақиқада мениям бутун вужудим кўэга, кулокка айланган эди.

Ўша пайтда хаёлимдан тахминан шундай фикрлар кечган эди: мана, хозир онам «Ҳалимахон!» деб чакиради, Ҳалима Носирова бегона юртда, бегона овозда ўз исмини эшишиб кошларини чимиради, эслай олмай онамга тикилиб колади, кейин, «вой ўлмасам, тушимми ё ўнгимми», дейди-ю, кулимсираганча кучок очиб кела бошлайди, онам ҳам тез-тез пешвоз юриб боради ва... улар узок айриликдан сўнг дийдор кўришган опа-сингиллардай бир-бирларининг бағирларига сингиб кетадилар, анчадан кейин бош кўтариб, бири ҳайрат, бири ҳасрат билан кўзларига тикилишадилар, кейин яна кучоклашадилар, кейин омон-эсонлик сўрашиб кетишади...

«Кайси шамоллар учирди, ўргилай?» — сўрайди онам.

«Сизларни шамолингиз-да, опажон, юринг энди, опкетайлик», дейди Ҳалима Носирова.

«Канийди опкетсангиз...» — дейди онам яна йиғламсираб.

«Агар хоҳласангиз...» — деб тўхталиб колади Ҳалима опа.

«Вой, хоҳлаш ҳам гапми, Ҳалимахон...» – дейди онам бармоқлари учини олдин Ҳалима опанинг, кейин ўзининг кўзларига суртиб...

Кейин, Ҳалима опа онамни хозиргина ўзи чиқиб келган яшил дарвозага бошлайди. Онам атрофга жаланглаб мени қидириб колади...

Бирок бундай бўлмади.

Ҳали-хануз кўз ўнгимдан кетмайди.

«Ана, Ҳалима!» – деди онам фафлатда қолиб, учирив юборган куши ортидан талпингандай икки қўлини олдинга чўзди. Лекин овози титраб, синик чиққани учунми, Ҳалима Носирова эшитмади, азондан бери эшикнинг «тиқ» этишига интиқ бўлиб ўтирган аёлни пайқамади ҳам: у йўл че-тидан менга (онамга ҳам) қарама-қарши томонга илдам юриб кетди.

«Ана, Ҳалима!» – деган илтижо муножотдай, нидодай янгради ўзиям.

Ҳаёлимда тезлаб бориб, Ҳалима Носировани яқин-роқдан кўрмоқчи бўлиб турувдим, аммо онамга тикилиб қопман.

Онам бошидаги чимматини юлкиб олди-ю, Ҳалима Носировани орқасидан бир неча қадам ташлади. Оқ рўмоли кийшайиб кетган, ғижимлаб ушлаган чимматининг учлари ерда судралиб бораради.

Мен «нима киляпсиз, буви?!» – деб кийқириб юборай дедим-у, тилим танглайимга ёпишиб қолгандай, гапиролмадим.

Ҳаворанг кўйлагининг этаклари тўпикларига урилиб, билинар-билинмас хилпираб бораётган Ҳалима Носирова озгина юргач, кўча юзидаги бир ҳовлига кириб кетди.

Эшик ёпилди.

Онам эшик ҳалқасининг тебранишдан тўхташини кутгандай, ўша томондан кўз узмасди.

Мен ҳам жойимда қотиб туардим.

Охири, онам ўзига келиб, рўмолини тузатмоқчи, чимматини ёпинмокчи бўлди, лекин билмадим, ҳафсаласи келмадими ё бошқа сабабми, кўли бошига етиб бормай, ёнига шалвираб тушди, кейин жуда секинлик билан орқасига бурилди, роса ҳоли қуриган одамдай яримта-яримта босиб бояги жойига ўтирди. Паранжисини олмокчи бўлдими ё ўтирмокчи бўлдими, терак остига энгашди-ю, чўккалаганча, елкаси билан теракка суялиб, жаги кўкрагига тегиб колди.

Нимагадир юрагим «шув» этиб кетди. Югуриб бориб, онамни турта бошладим.

— Буви, буви, туринг, — дедим.

Онам жавоб бермади. Кўркиб кетдим. Кўлтиғидан суяб турғазмокчи бўлувдим, бошини сал кўтарди: кўзлари ярим очик эди. Баттар ўтакам ёрилаёзи.

— Сув бер, болам, сув, — деди онам сўзларни хижжалаб.

Икки ҳатлаб терак каторнинг нариги бикинидан шариллаб оқаётган ариқ бўйига ўтдим. Шошилишда баъзан мия хам яхши ишлаб кетар экан. Шартта бошимдан дўппимни олдим-у, сувга ботирдим.

Онам дўппимга орзини теккизаб, лабларини намлади, томоғидан бир-икки томчи ўтдиям шекилли, кейин кафтини ёзиб, «бўлди», дегандай имо килди.

— Юзимга сепвор, — деди бир оз жонланиб.

Сал ўзимга келдим.

Онам яна уч-тўрт дакиқа эшитилар-эшитилмас ҳансираб ўтириди. Рангиям окариб кетувди. Аста-секин сергакланаб, юзига кон югурди, қаддини тиклади. Туришга чоғланяпти-ю, яна икки кўзи боя Ҳалима опа кириб кетган ховли томонда.

Мен хам ичимда ҳаворанг кўйлак яна бир марта кўриниб қолармикин, деб кутдим, кўринмади.

Паранжи-чимматларни наридан-бери юмалоқлаятувдим, онам: «Хеч бўлмаса чимматимни бер болам, чимматимни, шундай катта кўчада очик кетаманми, кўрганлар нима дейди», деб туриб олди.

Ҳассани онамнинг кўлига тутқаздим-да, ўзим бир кўлтиғига кирдим.

Онам Ҳалима опа кириб кетган ховлига зимдан яна бир караб олди, шундан кейин йўлга тушдик.

Бу орада онамнинг башорати тўғри чикиб, ёмғир томчилай бошлади.

Кичкина бўлсам хам, ўша пайтда гап сиғаслигини тушунардим. Факат, аҳён-аҳёнда онамга секин кўз ташлаб кўярдим. Шу пайтда унинг киёфасини жудаям кўргим келар, лекин чиммат деган кора парда нафасимни бўғарди.

Ярим йўлга борганимизда ёмғир тезлади.

Онам инқиллай бошлади. Аммо йўловчи кўринди дегунча ўзини бардамликка солиб оларди.

Назаримда онам борган сари оғирлашиб, мени эзиб

кўяётгандай, юришимиз кийинлашарди. Ҳаво салқин бўлишига қарамай жикка терга ботдим.

— Юпун кийинган экансан-ей, болагинам, ишқилиб шамоллаб колмасанг гўрга эди, сенгаям жавр қиладиган бўлдим, — деди ахволимни сезиб бораётган онам пичирлаб. Ўзининг юзидан ҳам сув куюлар, бирок у терми, ёмғирми — билиш қийин эди.

Уйга етиб келди-гу... онам бир соатча ётиб, узилди.

Даврон ака жимиб қолди. Бурнининг икки ёнидан арикчалар хосил килиб, бири иккинчисини қувалаб тушаётган томчилар дераза ортидаги ниначининг қанотларини эслатувчи неон лампалар нурида элас-элас ялтиради.

Ташқарида эса, ёмғир энди симиллаб ёғарди.

Шаҳарнинг ғужғон-ғужғон чироқлари бирин-кетин «лип-лип» ёнаётган бўлишига қарамай, тун ёмғирнинг харир пардасига ўралиб шитоб бостириб келарди.

Даврон ака атрофга караб қўйди. Кафеда биздан ташқари яна бир столда тўрт улфат қолишган, ошхона ходимлари чироқларни бирин-кетин ўчириб, «туринглар энди», деган ишора беришмоқда эди.

— Онамнинг жойидан салчиб тураётгани, «Ана, Ҳалима!» — деб бошидан чимматини шартта юлиб олгани-ю, Ҳалима опанинг ҳилпираб бораётган ҳаворанг кўйлаги кўз олдимда шундок суратга ўхшаб туради, — дея давом этди Даврон ака тез-тез гапириб. — Умуман ўша кун юрагимга ўчмас бўлиб муҳрланиб қолган. Яна бир нарса: онамнинг ўша тўрт сатрдан иборат хиргойиси қулогимдан кетмайди:

Ҳалимажон, Ҳалима,  
Ким йиглайди ҳолима?..  
Юзингга юз қўймадим,  
Дийдорингга тўймадим...

— Кечирасиз, сизниям кўнглингизни бузвордимми? — Даврон ака ёнидаги стулдан энсиз гардишли чарм шляпасини олиб, бостириб кийди. Столнинг бир четидаги қопқори узиб ташланган «Коинот» ичидан охирги сигаретни олиб ёндириди-да, кутисини ғижимлаб, киррадор, новвотранг шимпа кулдонга ташлади. — Ўшанда ўзим ҳам роса эллик кун деганда зўрға оёкка турганман, — деди у ва ўрнидан қўзғалди.

## АЁЛ

У купенинг ярим очиқ эшигидан секингина мұралаб, ичкарида рүмөлча билан елпиниб ўтирган ёш йигитни күрди. Улар бир лахза бир-бирига қараб колишли. Жувон ғалати бир холатта тушди, нима килишини билмай, йигит-га мурожаат этди:

— Кечирасиз, саккизинчи жой шу ердами?

— Ҳа, шу ерда, кираверинг. — Йигит ўрнидан ирғиб туриб йўл-йўлакай рүмөлчани тўрт буклаб, шимининг орка чўнтағига солди, кўйлагининг ёқаларини тузатиб, эшикни очди-да, аёлга йўл бўшатиб, оркага тисланди. — Марҳамат...

Жувон остоңага қадам қўйиб улгурмай, йигит чаққонлик билан иккинчи томондаги қўтариб қўйилган ўриндиқни илгакдан чиқариб пастлатди.

— Ўтиргинг.

Аёл дераза ёнига омонатгина ўтириб, қўлидаги чоғроқцина тугунни бурчакка қўйди. Йигит унинг қаршисиغا, аввалги жойига ўрнашди. Иккаласи ҳам ойнадан перронда туришган ва у ёқ-бу ёкка юришаётган, чопишаётган йўловчиларни сўзсиз кузата бошлашди. Бир оздан сўнг аёл бoshини йигит томон бурди, йигит ҳам унга юзланди.

— Бир ўзингизмисиз?

— Бир ўзим эдим, энди икки киши бўлдик.

Жувон «ғалати йигит экану», деб қўнглидан кечириди. Яна бирон нарса демокчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, фикридан қайтди.

Иккиси ҳам бир хил машғулотларини давом эттиришга тутинишли. Жувон ҳар замонда йигитга ва эшикка қараб-қараб кўярди. Айни вактда йигит ўзининг бундай хатти-харакатларини сездирмай кузатаётгани ва билинар-билиннис жилмайиб турганини идрок килар, бундан ҳам хижолат бўлар, ҳам жаҳли чиқарди.

Поезд силкинди. Кейин вагонларнинг уланган жойлари шараклаб бир-бирига урилди. Поезд кўзғалди.

— Хайрият-эй, сал шабада келди-я.

Йигит орадаги жимликни бузишга журъат этди ва гаплашиб кетамизми, дегандай жувонга мулоийимгина жилмайиб қаради.

— Ҳа-я.

Жувон ҳам исиб кетганини энди сезгандай, боядан бери кафтлари орасида ғижимлаб ўтирган рүмөлчаси билан

кенг ва силлик пешонасидаги, кора соч толалари ивиб ёпишиб қолган бўйнидаги терларни арта бошлади.

— Бунаقا иссикда самолётда учган яхши-ю, лекин уям ердан кўтарилиб олгунча уст-бошни шалаббо килиб юборади. — Йигит узилиб қолган сухбатни уламокчи бўлди. — Нима дедингиз?

— Қайдам, мен самолётга чиқмаганман.

— Биринчи мартасида сал хавфлирок туюлади: кўтарилаётгандан, пастлаётгандан юрагингиз шувиллаб кетади. Кеинин ўрганиб қоласиз. Сўраганнинг айби йўқ, андижонлик бўлсангиз керак?

— Ҳа.

— Мен ҳам. Асакаданман.

Жувон кўхликини эди. Самимият, соддалик барк уриб турган кора кўзлари, уларни химоя қилувчи узун-узун киприклари, бежирим лаблари ва ана шу юз тузилишига батамом мутаносиб бўлиқ ва жозибали қадди-комати анча-мунча иродани шошириб кўйиши мумкин эди.

— Тошкентга ўйнаб келувдингизми? — Йигит хануз сухбат жиловини бўшатмасликка ҳаракат қиласарди.

— Йўқ, синглим ўкишга кирятувди, — қисқа жавоб берди жувон.

Шу пайт купега икки сидра чойшаб кўтариб проводник кириб келди.

— Пулинни тўлаворасизларми?

Жувон тугунини титкилай бошлади, йигит киссасидан пул чиқариб проводникка узатди:

— Икки кишига.

— Вой, тўхтанг, ўзим бераман, — жувон шоша-пиша ҳамёнини кавлай бошлади.

— У ёғини ўзларинг келишиб оласизлар, — проводник йигитга қайтимини берди-да, унга хиёл табассум қилиб чикиб кетди.

Жувон ўн сўмликни йигитнинг олдига кўйди.

— Пулингизни олинг.

— Унга майдам йўқ, қўяверинг.

— Вой, у нима деганингиз? Бегона одамдан қарз бўлиб колайми?

— Биринчидан, бир уруғда одамнинг бегонаси бўлмайди, ҳамма бир ота-бобонинг болалари, жумладан, биз ҳам, фақат шу пайтгача кўришмаганмиз ва исмларимизни билмаймиз, холос. Иккинчидан, инсон ҳеч қачон бир-биридан қарз бўлиб колмайди, чунки инсон инсоннинг ҳисобига

эмас, балки табиат ҳисобига яшайди. Табиат эса жамиятники. Колаверса, шу бир неча сўмни суришиб кетармиз.

— Кизик экансизу, кўришмасак қаёқдан суришиб кетамиз.

Йигит ўз фалсафасининг аёл онгига у қадар етиб бормаганини тушунди.

— Кўришмасак, мен рози. Кўйинг, яххиси, мен ичишга чойми, сувми топиб келай. Шошилинчда ичимлик олиш ёдимдан кўтарилиби. Сиз ҳам чанқагандирсиз? — Йигит ўрнидан турди.

Жувон чиндан ҳам чанқаган эди. Поездда кам юрганидан сув олиш хаёлига ҳам келмаган, бу ерда ичадиган сув бўлармикин, деб ўйлаб ўтирганди. Йигитнинг саволига нима десам экан, деб тарааддулланиб колди. Бироқ йигит аёлнинг жавобини кутмаёк купедан чиқиб кетган эди.

«Яхши йигитга ўхшайди» — хаёлидан ўтказди жувон, кейин ўрнидан туриб, шошилмасдан иккинчи қаватга ўрин ростлашга кириши.

Орадан кўп ўтмай йигит кўлида бир неча шиша ва корозга ўроғлик нарса билан кириб келди. Уларни купе столи устига кўйди-да, «мен хозир», деб яна чиқиб, иккита пиёла кўтариб кирди. Қофоздан булочка, колбасаларни олиб тўғради, кейин пиёлаларни тўлатиб минерал сув кўди, биринчи жувонга узатди.

— Ичинг.

Муздай сув аёлнинг баданини роҳатлантириди. У йигитга миннатдорлик билдириди:

— Раҳмат. Сувдай сероб бўлинг. Сизни анча овора қилиб кўйдим.

— Ҳечқиси йўқ. Сиздай чиройли аёлга хизмат қилсан қилибман-да. Қани, манавилардан олинг. Эрталабгача корнимиз очиб қолади.

«Тавба, тушуниб бўлмайди. Тузук одам деб ўйласам, мақташга тушди. Мақтаган одамдан кўрк, дейишади. Лекин...»

Айни вактда жувон йигитдан унча норози ҳам бўлмади, чунки у ҳам барча қиз-жувонлар каби аёл зотидан эдида. Бироқ ҳар калай, сир бой бергиси келмади.

— Хафа бўлмангу, мен мактаганни унча ёқтирумайман.

— Мен ҳам ўзимни бирор мактаса ғашим келади, аммо менга ёкиб қолган одамни, умуман яхши кишиларни мақташни яхши кўраман. Айникса, ҳам ақлли, ҳам чиройли қизларни жудаям хурмат қиласман. Чунки ақл билан чи-

рой хар доим хам мос келавермайди. Бу иккиси омухта бўлган жойда эса чинакам гўзаллик вужудга келади, деб ўйлайман. Албатта, сиз хозир ичингиизда «бир кўришдаёк менинг ақлли, ақлли эмаслигимни каёқдан била қолдингиз», деб ўйлаётгандирсиз. Тўғри, бир кўришда одамнинг канака эканлигини билиш қийин. Мен психолог эмасману, мутахассисларнинг айтишича, одамнинг характери ташки кўринишида акс этиб турамиш. Хатти-харакатида, ўзини тутишида, сўзларида... Мен хам ана шу коидага асосланиб, сиз тўғрингизда хулоса чиқарялман. Ўзим ҳақимда эса, бошқаларда ёмон таассурот колдирмасман, дейман...

Йигитнинг фалсафалари анчагина давом этди. Аёл гарчи унинг мақсадларини тўла тушуниб етмаса-да, бу сухбатдан зерикмади, аксинча уни берилиб тинглаб ўтирди. Вакт ўтганини хам билмай қолди.

Бу орада поезд Сирдарёдан ўтган, тун хам оғиб қолган эди.

Йигит ўрнидан кўзғалди.

– Энди дам олсак-а, гапиравериб чарчатиб қўймадимми ишқилиб? Айтгандай, шунча сухбатлашиб танишмадик хам...

– Бунинг аҳамияти йўғу.

– Умуман олганда тўғри. Майли, сиз ётиб олинг, мен чиқиб тураман. Кўрдингизми, ҳатто чекиш хам эсимдан чиқиб кетибди. Сиздан бошка, ёқмайдиганроқ ҳамроҳ бўлганда шу пайтгача ё бир неча марта чекиб ўзимни заҳарлаган бўлардим, ё бир уйқуни олардим. Мабодо сизга хиди ёқмайдиган бўлса, хозир хам чекмай кўя колишим мумкин.

– Кечирасиз, уйланганмисиз?

– Ҳа, ширингина ўғлим хам бор.

– Хотинингиз хидига чидайдими?

– Ҳа, аввал анчагача ўрганолмай қийналди, мен хам ундан узокроқда чекиб юрдим. Кейинчалик кўнишиб кетди.

– Ундей бўлса, ўзингиз биласиз.

– Майли. Унча чекким келаётгани хам йўқ. Бир айланиб келаман. Фақат, жойни алмаштирамиз, сиз пастда ётсангиз.

Йигит кайтиб кирганда жувон ўринга кириб, чойшабни бўйнингача тортиб олган эди.

– Чирокни ўчирайми? – сўради йигит.

– Майли.

– Эшикни-чи?

- Ёпіб құя қолинг.
- Хүп. Яхши тушлар күринг.
- Раҳмат, ўзингиз ҳам.

Аёл чойшабға бурканиб олди, аммо уйқуси ўчган эди. Йигит хакида ўйлай бошлади: «Хушчақчак йигит экан. Хотинини ҳам зериктирмаса керак. Ё уйда бошқача, күчада бошқачамикин? Йўғ-э, унакага ўхшамайди. Хўш, унинг эри-чи, ўзларининг ҳаёти-чи?.. Тўйдан олдин унчалик сўзамол бўлмаса ҳам қанака чиройли, эритадиган сўзларни топиб гапиради. Тўйдан кейин кўп ўтмаёк камгап бўлиб колди. Бир-биридан ширин иккита ўғилчалик бўлишди. Эри борган сари кам гапирадиган бўлиб боряпти. Эрталаб апил-тапил нонушта қиласида, ишга кетади. Кечкурунostonадан «овқатинг тайёрми», деб киради. Овқатдан сўнг бир оз газета-журнал вараклаган бўлади, ўғилларини ўйнатади, эркалатади. Кейин жуда чарчадим, деб ухлаш тараддудига тушади. Дам олиш кунлари бўлса улфатчиликдан бўшамайди. Ростданам иши оғир.

Эркак бўлгандан кейин улфатчилик қиласи. Лекин, ҳар куни йўлига кўз тикиб ўтирадиган хотини-чи? Ахир у аёлку! Унинг ҳам илиқ сўзлар эшитгиси, эркалангиси келади. Авваллари анча-мунча эркалатиб турарди... Энди-чи... Мана, юзларининг лаб ҳароратини сезмаганига неча ҳафта бўлдийкин? Эсида, бир куни кечкурун жудаям эркалангиси келиб унга осилди. Эри бўлса ўшандада қўлларини елкасидан олиб ташлаб: «Қўйсанг-чи, хотин, биз энди ёш бола эмасмиз-ку», деган эди-я. Ўшандада у ҳам эрига: «Аёл киши бамисоли мушук, ҳамиша эркалангиси келиб туради, аёл киши бир умр болалигича қолади», – демоқчи бўлиб, яна шахтидан қайтганди. Энди бундан бу ёғига ҳам умр шундай ўтаверармикин-а?..

Аёл ухладими-йўқми – билолмади. Лекин, ҳар қалай, кўзини очганда тонг ёришиб қолган, купе субҳидамнинг мусаффо ҳавоси билан тўла, салқин шабада фир-тир эсади. Шунга қарамай, у ўзини хорғин ҳис қилди. Эҳтиёткорлик билан ўрнидан турди (у деярли ечинмай ётган эди). Йигитнинг елкасидан аста туртди.

- Туринг, Асакадан ўтиб кетдингиз.
- Йигит шоша-пиша кўзини очиб, деразадан ташқарига қаради.

- Кечирасиз, ухлаб қолибман. Қалай, яхши дам олдингиизми?

- Раҳмат.

Йигит тезгина ювениб, бир чойнак қайноқ күк чой дамлаб келди. Аёл ҳам ювениб-тараниб келиб жойига ўтирди. Йигит икки пиёлага чой куйиб бирини аёлга тутди. Ўзиникидан бир хўплади-да, столга кўйинб йиғиштирина бошлади. Шу пайт поезд секинлаб, узун гудок берди. Йигит пиёладаги чойни апил-тапил ичди.

— Мана, биз келдик. Яхши-ёмон гапларим учун узр. Хайр. Яхши етиб олинг. — Йигит тез-тез қадам ташлаб вагондан тушиб кетди.

Аёл йигитнинг туша солиб кимсасиз перронда сўлимгина, ёш бир жувоннинг елкасига кўл ташлаганини, жувоннинг ҳам йигит пинжига бош кўйганини кўриб турди. Кейин йигит вагон томонга бурилиб, хотинига аёлни кўрсатди. Иккиси ҳам унга баҳтиёр табассум билан кўл силкишди. Аёл қўлини юқ босиб қолгандай аранг кўтариб, чала очилган кафтини бир-икки у ёк-бу ёк қилгандай бўлди. Кейин оғир хўрсинди.

Поезд юриб кетди...

## ҚИЗИЛ ГУЛЛАР

*Шифои васл қадрин ҳажр ила  
бемор ўландан сўр.*

**Фузулий.**

У биринчи ва охирги марта мени кўргани келганида ўзимни бутунлай йўқотиб қўйдим. Сим тўри устидан маҳсус тахта қўйилган «шохона» каравотда ётардим. Шошганда «лаббай» эсга тушавермаганидай, дўппимни қидириб, ҳадеганда тополмайман. Ўша куни қишлоқ сартароши палаталар бўйлаб «салб юриши» уюштирган бўлиб, мен бир неча ойдан бери тўзиб ётган сочимни устарада таг-туғи билан кирдирган ва соколга навбат етганида оғрикка чидамай, бунисини бошқа кунга қолдирган эдим. Ялтиллаган бош билан чакир тиканакдай соколли ияк ва юз бир-бири устидан кулиб, мени не ахволга солиб қўйганини, ҳарқалай, тасаввур қилиш кийин эмас. Дард билан овора бўлганим учун «бу ерда бўлажак қайнонам бормиди?», деб ўзимни овутибману, бирон уятли одам келиб қолар (Маъсуманинг қадам ранжида қилиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган!), деб сира ўйламабман.

Соколни яширишнинг-ку иложи йўқ, лоақал такир бо-

шимни беркитай, деб, тилим: «келинг-келинг» билан банду кўлим болишлар остини титкилади, кўзларим тўрт тарафга аланглайди – мен излаган мато – дўппи ердаем, осмондаям йўқ.

Мехмоннинг саволлари дона-дона эди. Жавобларимни англадими, йўкми-бilmайман. Мен унинг ташрифидан юрагим пакка ёрилгудай кувонган бўлсам-да, тезроқ чиқиб кетишини хоҳлардим. Дилемдан ўтган гапни сезгандай, тезгина хайрлашди.

Маъсума манти қилиб келган эди. Хонадагиларнинг ҳаммасига (тўккиз киши) биттадан ё етди, ё етмади. Мантининг мактови ким оширди бўлиб кетди. Шериклардан бирни бефаросатларча «кимингиз бўлади?» деб сўраб қолса бўладими?! Мужмалгина жавоб бердим. Шундан кейин у одам:

– Мен умримда кўп пазанда аёлларнинг овқатини татиганман. Лекин бунақа лаззатли таомни емаганман, – деди.

Бошқалар ҳам уни кувватлашди.

Мантининг мазасидан ташқари тайёрлаш усули, яъни шакли ҳам тамоман янгича: думалоқ ва кат-кат, юзасига, катларига ош кўкларидан гўё доналаб терилгандай, хол-хол қилиб, меъерида сепилган эди.

У кетди-ю, хона эшигидан охудай жавдираб кириб келиши кўз ўнгимда лавҳи сурат бўлиб қолди. Кўзимни очсан ҳам, юмсан ҳам, остонаяда ҳаво ранг, енги қисқа ва кенг, ёқасиз, ҳарир либосли малак пориллаб турар эди.

Бир хафтача электр устарада инқиллаб-синқиллаб соқол олиб юрдим, бирок кейин оғриқ зўридан секин-аста яна аслимга тушиб колдим. Ўзим бир томонга камалак бўлиб, ўттиз қадамлик хожатхонага бориб-қайтгунча эна сутим оғзимга келса... Менга олифтагарчиликни ким кўйибди!..

Мен бирдан ётиб колгандим. Арзимаган нарса сабаб бўлди. Анча йиллардан бери ўнг болдирим, тўғрироги, ошиқдан сал юкори қисми оғриб юради. Духтирма-духтири, касалхонама-касалхона юравериб, ётавериб зада бўлдим. Ҳеч тузалай демайди. Оғриқ унчалик кучли эмас-ку, доим зинқиб, юракни эзиб, кўнгилни ғаш қилиб туради. Соғ бўлиб соғмассан, касал бўлиб – касал. Лекин булар холва экан. Бошидан ўтганми, ўтмаганми, бир танишим: «Совук бод бўлиб кетган, сандалга ўрик ўтинни чўғидан солиб, оёкни тоблаб ётиш керак», – деб маслаҳат бериб қолди. Жонинг оғриб, дардинг аришидан дарак бўлавермагач, ким

нимадеса ишонаверадиган, дарров ўша муолажани синаб кўрадиган бўлиб қоларкансан. Бир хафта уриниб, эски яшик тахталаридан қўлбола сандал ясадим. Мехмонхонанинг ўртасидан, тахта полни арралаб, фишт, гувала териб, кулдон тайёrlадим.

Февралнинг бошлари, хали ердан қор кетмаганди. Ҳовли этагидаги шохлари учидан курий бошлаган қари ўрикни акам билан арраладик. Дарахтнинг айри жойига қиси-либ қолган йўғон шох ҳадеганда чиқавермади. Икки кўллаб, жаҳд билан силтаб бир тортган эдим, белим «кирс» этгандай бўлди, шу пайтнинг ўзидаёқ эгилиш қийинлашиб колди.

Хуллас, касалхонага тушдим.

Дарднинг чўзилиб кетгани (Маъсума келганида икки ойдан ошган эди), оғриқнинг сира енгиллашмаётганидан ҳафсалам пир бўлиб, ўзимга ҳам қарамай кўйган эдим. Албатта, тузалишдан умидни батамом узганим йўқ, аксинча, нимагадир кўнглим тўққа ўхшарди (оғрийдиган касаллик тузалади, деган гап таскин берарди менга чамамда). Лекин ойлаб ўзгаришсиз ётиб қолганимдан кейин...

Бу ерга келганимда касалим ҳакидаги хулосалар хилмажил эди: ревматизмнинг кучайган босқичи, ишиорадикулит, остеохондроз, бел-думғаза радикулити...

Бўлим мудири – даволовчи невропатолог ўттиз ёшлардаги, бўйчан, котмагина, серхаракат йигит Козимжон шаҳар клиникасидаги касаллик тарихимдан олинган кўчирмага бир кўз югуртириди-да, ўзимга қайтариб берди. Мўъжазгина болғача, бигиздай тўғноғичларни ишга солди, оёқларимни қайириб, бадантарбия машқларини бажартириб кўрди.

– Утиргич нервларингиз шамоллаган, – деди у дорига тавсия ёзишга киришиб. – Таниш-билишлардан борми? Бир-иккита ноёб дорилар керак.

– Ҳаракат қиласиз, – дейиши мени бу ерга олиб келишган икки оғайним.

– Яхши, – Козимжон тез-тез ва шарт-шурт гапиради, – мана, гидрокортизион, гумизоль, биохинол, кейин, плазма, агар топилса, плазмол... Тезлаштириш керак. Қон қўйиш станцияларида, айримлари асаб касалликлари шифохонасида бўлади. – Доктор менга юзланди. – Ётасиз. Сизни, албатта, тузатиб юборамиз, ҳадемай кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Кўнглимга ёруғлик тушгандай, дардим енгиллашгандай бўлди. Раҳмат айтдим. Муолажа бошланиб кетди.

Козимжоннинг тиришқоқ, мустакил фикрли, изланувчанлиги сезилиб турарди. Уколниям, халдориларни, физиотерапик муолажаларни тўрт-беш кун синаб кўрар, нафи сезилмаса, дархол бошқаларига алмаштираси эди. Ўзиям, хар куни кам деганда икки марта кириб, ҳол-аҳвол сўрар, «бу-гун сизга битта укол килишади, жуда зўр, вилоятдаги танишлардан топтириб келдим», деб чиқиб кетар, орқасидан ҳамшира кириб укол қиласар, чиндан ҳам жоним бир-икки соат ором олар эди.

Оғайнилар ҳам камёб дори-дармонларни битта-иккита-дан, кўшни вилоят, ҳатто кўшни республикалардан топиб кела бошлашди. Лекин ҳамон дарднинг кўчишидан дарак йўқ эди. Аслида дарднинг томир-томиримга, бадан-баданимга ўрнаб кетишига ўзим сабабчи эдим. Ўша, белим «кирс» этиб, эгилиш қийин бўлиб қолган куни «билармонлар» маслахатига кўра ҳаммомга тушдим-да, бир чорси туз солиб ванна килдим. Уйга келиб, ўрик ўтин чўғидан солинган сандалга кириб ётдиму, туролмай колдим...

Айтгандай, икки марта қон ҳам олдирдим. Биринчиси, айникса, жуда аянчли ва азобли бўлди. Учкўприкдан икки юзи кассобларникидай тирсилла, ялтираб кетган, басавлат табибни топиб келишди. У мени тик турғизди-да (икки қўлтиғимдан суюб, маҳкам ушлаб туришди), ўнг оёғимнинг ошиғи пастроғидан, кафтни ёнлаб бошмолдокка караб кетган йўғон томирни миқти бармоклари, дағал кафти билан хўп ээғилаб укалади, силади, у ёқдан-бу ёққа сидирди – томирим манаман, деб бўртиб чиқиб колди. Шундан кейин бир учи синдирилиб қиррадор килинган шапалоқдай, узунчоқ қайроқ тош билан томиримга тикка, шундай зарб билан, шафқатсизларча урдики, дод деб юбордим, назаримда, қўзларимдан ёш фавворадай тизилла отилиб чиқиб кетди. Бу ҳам анча маҳорат талаб қиласиган ҳунар бўлиб, вена қон томиридан тешик очилиши лозим экан.

Мен зарбнинг ва оғрикнинг кучлилигидан томирим бутунлай узилиб кетди-ёв, деб ўйладим. Томиримдан бир неча томчи қон сизиб, палосга окиб тушди. Табиб ёнимдаги ларга «маҳкам ушланглар», деб тайинлади-да, тош билан яна икки жойга ҳалигидай зарб билан урди. Кўзларимни чирт юмиб, тишимни тишимга босиб турувдим, кисирлаб кетди. Ҳар галги зарбда бакирмасликнинг иложини қилолмасдим. Мен ўша пайтда ҳамма нарсага рози бўлиб кет-

дим. Табиб эса ўз ишидан, тўғрироғи, менинг қонимдан  
каноат ҳосил килмади.

— Кони куюқ экан, шовуллаб оқиб кетиши керак эди, —  
деди у ёнидагиларга қараб. — Энди уч-тўрт кун кутасизлар,  
фойдаси сезилса, иккинчи оёғидан ҳам қон оқизамиз, се-  
зилмаса... йўқ.

Фойдаси сезилмади. Лекин шу орада қон оладиган яна  
бошка табиб ҳақида миш-миш чикиб колди.

— Жуда уста экан. Ҳўқизни шохи билан сўраркан, чи-  
вин чаққанчалик ҳам оғритмайдийкан, — дейишди.

Менга жони ачиб юрган оғайниларимдан бири унамага-  
нимга қўймай, «мен ҳам қон олдираман», деб «жигули»си-  
да мени Яккатол қишлоғига — ўша табибникига олиб бор-  
ди. Гоҳ ўтириб, гоҳ ёнбошлаб, инкиллаб-синқиллаб аранг  
етиб бордим.

Бу қон оловчи аввалгисининг тамоман акси: котма,  
жиккаккина, бўйи ҳам пастаккина эди. Баланд остоңадан  
хатлаб кириб борганимизда хандакка ўҳшаган чукур, тах-  
таполсиз хонанинг ўртасида бурама мўйлови икки ёнга  
тарвақайлаган, кўлидаги эгри мугузни худди бурғу чалиш-  
га ҳозирланаётгандай тараффуд билан тутиб турган одамга  
кўзим тушдию, уни негадир илон ўйнатувчига ўҳшатиб  
юбордим.

Бу табибнинг қон олиш усули ростдан ҳам бутунлай  
бўлакча экан: йўрон сопли, учи найзасимон пичоқ билан  
тиззаларимнинг ички тарафидан чизик тортгандай ёнма-ён  
тилди-да, сизиб чикқан қип-қизил, топ-тоза қонимни мугуз-  
да шиддат билан сўра бошлади. Шу даражада астойдил,  
хафсала билан тортики, икки лунжи ич-ичига ботиб ки-  
риб кетди.

Айтганларидай, оғриқ унча кучли бўлмади.

Оғайним юрагидан шикоят килган эди, унинг иккала  
кураги ўртасидан қон олди.

Шундан кейин аҳволим яна баттарлашди.

Кўчкор ота адирлари орасидан ўтган қувурнинг улан-  
ган жойидан сизиб чиқаётган илиқ, шўр сувга, Тожикис-  
тоннинг Ашт деган жойидаги тузли балчикка кандай бор-  
гандариму у ёқлардан кай алпозда қайтганларим ҳам бир  
дардли достон...

Бу гапларни дўхтирларга айтиб бўладими. Ўзим пишир-  
ган ошни ўзим еб ётибман.

Алам киладиган жойи — лоакал ўтиrolмаганим эди.  
Факат ётар, ётгандаям фактат бир ён — ўнг ёнбош билан

ётар, бирпас-бирпас чалқанча тушардиму, яна ёнбошлардим.

Одамлар қандай килиб узок-узок тикка туриша оларкин, оёклари, бели толиб кетмасмикин, деб ўйлардим. Кеин: авваллари мен ҳам шунака тик тураверармидим, дея ўзимга ўзим савол берардим.

Кечалари тишимни тишимга босиб, мумкин кадар инграмасликка, ўзгаларнинг уйкусига халал бермасликка харакат қилардим.

Баҳор изғиринидан чўчиб, дарчаси йўқ деразаларни маҳкам ёпиб қўйишарди. Тўққиз кишидан тўккиз хил хуррак, тўққиз хил босинкираш, тўққиз хил хид чиқиб, хона темирийўл вокзалининг тунги кутиш залларидай димиқиб, бурқсиб кетар, шунда бош томонимдаги деразанинг бир табақасини минг азобда очиб, хона ҳавосини янгилардим-да, соат уч-тўртларда, ҳар қандай сергак коровуллару зийрак итлар ҳам пинакка кетадиган маҳалда (ўғрилар ҳам худди ана шу пайтда «иш»га киришадилар) кўзим илинар, узори билан икки соатлардан кейин яна уйғониб кетардим.

\* \* \*

Маъсума келиб кетгач, унинг хаёли билан ўзимни чалғитишга урина бошладим. Бир карашда Маъсуманинг хусни-жамоли ўн етти-ўн саккиз ёшли йигитчаларни маҳлиё килиб қўядиган даражада дейиш қийин – қомати самбитлигини ҳисобга олмаганда, эл қатори ўрта бўйли, оқ-сариқдан келган қиз. Бироқ гўзаллик борасида ҳар кимнинг ўз караши, ўз мезони бўлади. Маъсуманинг чехрасида, хусусан кўзларида шундай бир қудратли сехр бор эди-ки, бу сехрни мен «жозиба» деб атайман. Халқда эса бундайлар «истарали», «юлдузи иссик» деган иборалар билан таърифланади. Мен учун суратдагидай жонсиз гўзалликдан кўра жозиба минг бор аълодир. Чунки, гўзалликка сунъий йўл билан эришиш ҳам мумкин, жозибадорликка эса асло! Жозибалилик туғма ва умрбокийдир. У бор жойда эхтирос ҳам ҳеч қачон сўнмайди...

Назаримда, Маъсуманинг табассуми лаб бурчларида, кўз мижжаларида ҳосил қиласидиган ҳар бир латофатли чизикча менга ёд бўлиб кетган, лаб устидаги мўйларининг энди кўтарилиб келаётган ховурсимон нафис харакатга тушишини шундоккина кўриб тургандайман. Кулгуси қулокларим остида жаранглаб кетганида унинг бир колилдан чиққандай текис, ҳар бирига алоҳида ишлов берилган

дурдай оппоқ тишлари орасидан тараладиган илик нурлар хамсухбатининг, каровчининг дили тубигача ёритиб, хароратга тўлдириб юборадигандай туюларди.

Оғрик ана шундай жозиба, сеҳр муолажасига яна кулоқ осмай кўя бошлаган кунларнинг бирида ўн беш-ён олти ёшлардаги ўспирин хонага кириб, мени сўрагандай бўлди. Қариндошларим ичидаги бунакаси йўғиди, янглиш эшитдимми, деб хайрон бўлиб турган эдим, шерикларим bemorларга жаланглаётган йигитчага менинг каравотимни кўрсатишиди.

Йигитча содда, ҳатто сал тўпорироқдай кўринарди. У салом хам бермай, хонадагилар билан сўрашишни хаёлига хам келтирмай, тез-тез кадам ташлаб, тўрри каравотим ёнига келди ва қўлидаги газетага ўроғлик нарсани узатди:

– Китоб деган экансиз, олиб келувдим...

Мен «бу болакай мени адаштиряпти-ёв...», деб хаёлимдан ўтказдиму яна иккиланибина қўлимни чўздим. Газетани очиб қарадим. «Яшашни истайман» деган китоб экан.

– Буни ким бериб юборди? – сўрадим барибир ҳеч нарса англамаганимни яширмай.

– Масъума опам-да, – деб жавоб қайтарди ҳамон тепамда какқайиб турган ўсмир бир оз ажаблангандай.

– Э, шундайми, – дедим «энди эсимга тушди», деган маънода бош иргаб.

– Хўп бўлмаса... – йигитча қандай кириб келган бўлса, шундай чиқиб кетди.

Бошка юмуш йўклигидан китоб ўқиши асосий машгулотим бўлиб колган эди. Ҳар қандай қонуннинг қидирса топиладиган, гоҳо эслатмада хам кайд этилмайдиган истисноси бўлгани каби, ҳар қандай кучли оғрикли, сурункали қасалликнинг хам вакти-вакти билан вужуд дам олиб турадиган мавриди, ором пайти бўлади. Мен кундузлари ўнг ёнбош билан ётганимда (дард тунда кучаяр, деганларидаи, кечаси қаёқка ағдарилсан хам барибир эди) ўн беш-йигирма дакиқа, гоҳо ярим соатгача оғрикли чидайман, шу фурсатда ўқийман, овкатни хам ёнбошлаган холда, чап қўл билан ейман. Уззукун ётаман. Ҳаво исиб, касали енгил беморлар ховлига чиқиб кетишади. Бирни кўриб зикр кил, бирни кўриб шукр кил, деган жой экан шифохона. Неврозга чалинган иккитаси бор: дардлари бир тутса, хонамизга врачлар, хамширалар танда қўйиб қолишади. Бошка маҳал улар хам кундузи билан корасини кўрсатмай кетишади. Хонада бир ўзим, инқиллаб-синкиллаб, у ёнбошдан бу ён-

бошга ағдарилиб, чалқанча тушиб ўқийвераман. Дард қанчалик батарин, оғрик қанчалик зўр бўлмасин, вактнинг ўтиши қанчалик қийин туюлмасин, барибир умр ўтаверар экан, ўтганда ҳам елдай ўтар, кун билан тун кувлашмачок ўйнагандай алмашаверар экан. Жон қанчалик оғриб азоб берса, хаётнинг кадри, тоти тобора ошиб бораверар экан... Мен қачондир, кимдандир эшиганим ва аллакачон хотирамдан кўтарилиб кетган бир наклни шу ерда тез-тез ёдга оладиган бўлиб қолдим: «кўзларимда эшикнинг туруми айланиб турса ҳам, ўлмасам, яшасам бас...» дер экан одамзод. «Вакт – энг зўр табиб», деган ибора мен учун оддий сўзлардан иборат жумла эди.

Маъсума бериб юборган китоб унча қалин бўлмагани учун шу куниёқ ўқиб ташладим: қисса мендек, мендан ҳам узок дард чеккан, жарроҳлик столидан бир неча марта омон чиккан йигит, унинг орезу-ўйлари, мустахкам иродаси, сабр-матонати тўғрисида эди. Асар менда зўр таассурот қолдирмади, чунки унда бош қаҳрамоннинг хаёти, шифохонада кўрган-кечиргандари бир четдан (анча зерикарли тарзда) ҳикоя қилинган бўлиб, на хужжатли ва на бадиий асарга ўҳшарди. Бемор саргузаштларининг баёни оғир дард азобини тортаётган одамни ларзага солиши қийин шекилли. Менда ачиниш, ҳамдардлик туйбулари уйгонди, холос. Тўғри, асарнинг ғояси менинг мудроқ томирларимни ҳарқалай тебратиб ўтди. Лекин асосий гап бунда эмас, китобни бериб юборган одамда, унинг нияти, ғоясида...

Мен у келган пайдаги ахволимни, ташки кўрининишими кўз олдимга келтириб, ўзимдан жиркангандай қунишиб оламан, аламли ғижинаман, ўша ҳолатни ўзимнинг ҳам, Маъсуманинг ҳам хотиротидан чиқариб ташлашнинг иложи йўклигини ўйлаб, ич-этимни ейман. Кани энди унинг ўша ташрифи туш бўлса!..

Энди ҳар куни эрталаб кўлтиқтаёк ёрдамида инкиллаб айвонга чиқаман-да (хонамизда разетка йўқ), электр сокол олгични ғирилллатаман. Сокол олиб бўлгунча ҳалаки жонга тушиб кетаман, чунки ўтириш бир азоб, кўзгуга эгилиш, бир қўлда иякни тортиб, терини таранглаштириб туриш минг азоб. Лекин, булар ҳам ҳолvasи экан...

Врач хар куни эрталаб, баъзан халат ҳам кийиб улгурмай кириб келади.

— Ўзгариш борми? — деб сўради у кўзларимга илинж билан тикилиб.

— Анча дурустман, бугун кечаси камрок оғриди, — дейман ўзимни дадилликка солиб.

— Тўғрисини айтаверинг, ўзингизниям, бизниям алдашингиз бефойда, — дейди у эртасига.

— Шунча ноёб дори-дармонлар ҳам таъсир қилмаса-я... — дейди индинига паришон соchlарини фижимлаб.

Бир куни у коровул билан бирга кириб келди. Коровул ўттиз икки килоли спорт тошини кўтариб олганди.

— Оёғингизга тош осамиз, — деди врач. — Зора, умурткангиз тортилиб, кисилган жойлари очилиб кетса...

Бир неча чойшабни эшиб, қўлтиғимдан ўтказишида, каравотнинг бош томонидаги тўсикка маҳкамлашди. Оёқларимни жуфтлаб, эшилган чойшабнинг бир учи билан қўй ёки молни сиртмоққа ҳозирлагандай чандишли, иккичи учини каравот тўсиклари орасидан чиқаришиб, тошнинг тутқичига боғлашида-да, осилтириб кўйишди. Машғулот бир хафта давомида хар кун икки маҳал ўтказиб турилди (хозир ўйласам, ўша манзара жуда кулгили туюлади).

— Қизик, ўзгаришсиз тек туриб оладиган бунақа дардни ҳеч учратмовдим, — дейди Козимжон қулоғининг орқасини қашиб. Энди у мени кўрганда, камрок гапирав, хонамиздан тезроқ чиқиб кетишга харакат қиласади. Мен яна ўзимни нокулай хис қила бошладим.

— Вилоят шифохонасиининг бўлим мудирини илтимос қилдим, — деди у бир куни. — Мени устозим, зўр мутахасис, келиб кўрсингчи...

Барваста, юзи нотекисрок тўртбурчакни эслатувчи, кўзлари катта-катта, қошлари қуюқ, боши тақир доктор Козимжоннинг хонасида мени ечинтириб, обдон текширди: бошқа врачлар каби болғачаси билан тиззаларимнинг кўзига, товонларимга, орқаларимга уриб, тўғногичини оёқларим ости, қорнимда чизгандай юргизиб кўрди. Ота-онам, кариндош-уруғим, таржимаи ҳолим, қандай касалликлар билан оғриганиму қайсилари билан оғримаганимни сўрабсuriштириди.

Касалларни рўйхатга олиш ва сўрок қилиш Чехов замонида, ундан аввал (Фарб томонларда) айнан ҳозиргидай

бўлмагандир. Эҳтимол, у вактларда бир беморни кўрмоқчи бўлган бошка врач унинг касаллик варакасидаги айrim одатий саволларни такрорлаб ўтирганда. Лекин хозир гилар хамма саволларни ўз услуби асосида кайтадан бошлайдилар. (Эҳтимол, бемор биронта жавобда адашгандир деб ўйлашар.) Энг мухими, энг кизиги: «Илгари фалон касаллик билан оғриганмисиз?» дега таъкидлаб сўрашади. Йўқ, дессангиз сизга хайрат ва ошкора ишончсизлик билан тикилишади: худди ўша касаллик билан оғриган бўлишингиз хеч истисносиз шартдай.

- Ангина безовта килиб турадими? — сўради доктор.
- Йўқ.
- Ростданми?.. Ёшлигинизда йикилиб-нетмаганмисиз?

Яхшироқ эслаб кўринг...

Мен буш чайқадим.

- Наҳотки? Ҳовлинглар захми?
- Йўқ.
- Йўқ? Қизик... Майли, докторингиз сизга жуда балет киляпти, бизга боринг. Ҳаркалай облбольница... Текширамиз... Балки тузалиб кетарсиз...

Козимжон устозини кузатиб, тўғри хонамизга кирди, ёнимга ўтириб, бош эгганича сукутга чўмди. Бир оздан кейин кўзларимга тикилди.

- Борасизми?
- Йўқ.

Мен ҳам шу фикрдаман, — бош ирғади Козимжон кафтигана кашни кўйиб. — Ўзимиз тузатамиз!

\* \* \*

Мен машинкани сириллатишда кун орага ўтдим. Назаримда, бу укубатларим беҳудадай туюлар, гоҳида ўзимни ўзим кийнаганим алам қиласди. Шериларим ҳам баъзан: париваш бир келдию ўзингизга зеб бериб, сокол олишга ярайдиган бўлиб колдингиз. Ўша пари яна бир бор қадам ранжида килгудай бўлса, тойчокдай диконглаб кетардингиз-ов, — деб аския қилишарди.

- Дард меҳмон, — ўзича далда берарди Тожиддин ака деган ёши улуфрок, камгап бемор.
- Ҳа, лекин бизнинг меҳмон жа сур чиқиб колди, — дейман жилмайишга уриниб.

Мен ростдан ҳам Маъсумани кўп ўйлайдиган бўлиб қолгандим. Лекин у дом-дараксиз, на ўзи, на саломи бор... Дунёда кутишдан ёмони йўқ, дейишади, менимча энг ёмо-

ни касалхонада йўл қараш. Ким, қачон келишини билмайсан, умидворлик нокулай, аммо иззат-икроминг ана шу «келди-кетди»лар билан ўлчанишини ўйлаб, барибир кутасан. Айниқса, сен юрагинг тўрида эъзозлаб юрадиган, бироқ кўнглини аниқ билолмаган кимсангнинг йўлига кўз тикиш, ёш боладай ўзингни минг бора қатъиятсизликда айблаб, яна беихтиёр эшикка термилиш... Бу азоб дард оғриғидан кўра оғиррок, чунки унда изтироб коришиқ. Бироқ, менинг оҳим худога етди! Тасодифми, бошқами, бoshимга хумо қушининг қўнишими, билмайман, бир куни хонамиз остонасида яна Маъсума пайдо бўлди! Бу гал ҳайратим аввалги сафаргидан ўн, балки юз чандон ортди: Маъсума шифохона ҳалатида эди!

Одатдагидай хонада бир ўзим ўнг ёнимга ёнбошлаганча китоб мутолаа килмоқда эдим. Маъсумани кўрганим ҳам йўқ эди, кандайдир ички сезги мени эшик томонга қарашга ундали. Бошимни хиёл кўтариб, бўйнимни чўзганча анграйиб анча турдим чоғи. Киз менга таниш, нафакат таниш, орзу бўлган табассум билан мен томонга юргандагина унинг туш ё хаёл меваси эмас, жонли вужуд эканлигига гумон қолмади ва гумоним энди ҳавотирга айланди.

— Нима бўлди? — сўрадим ҳамма нарсани унугиби.

— Дардсиз одам одамми шу замонда, — Маъсуманинг лаблари, мижжаларидаги табассум мавжлари унинг бутун юзига ёйилди. — Юрагим ҳар замонда безовта қилиб туради, — шундай дегач, у мендан ҳол-ахвол сўрай бошлади. Менинг бутун акл-идроқ оламим ағдар-тўнтар бўлиб, керакли жавоб сўзларини паришонлик билан, аранг топар эдим. Наҳотки, шу қадар ҳамиша баҳор, шу қадар қувноқ қиз... Демак, «Яшашни истайман» деган китоб саҳифалари-нинг четлари бекорга титилиб кетмаган экан-да... Одатда сурункали оғир касалликни бошидан кечирган ё бирон фалокатдан омон қолганлар ҳаётларини ўлжа ҳисоблайдилар, хушчақчақ юришга, хаёт, тириклик қадрига етишга характер қиласдилар... Наҳотки Маъсуманинг хушчақчақлиги босиси ҳам?..

Саволлар, гумонлар, турфа туйғулар юрагимдан чашмадек қайнаб чикиб, шууримга қуюлмоқда эди.

Кизнинг хатти-харакатлари, муносабатлари менга ачи-нишми, одамгарчиликми ё бошқа нарсами — билолмай доғда эдим, чунки у шу пайтгача илтижоли боқишиларимга, маъноли сўзларимга бирор марта лутфу карам ҳам, жавоб ҳам килмаган...

Менинг ҳам қувончли, ҳам азобли кунларим бошланди.

Маъсума йўлакдан ўта туриб, хонамизга киши билмас мўралайди, ёлғиз бўлсам, киради, йўқса, секин имо килади. Сузишишга шайланган новвосдай бутун гавдам билан бошимни бир томонга эгиб майда қадамлаб чиқиб бораман. Маъсума эшик ёнида тик турганича хол-ахвол сўрай бошлади. Мен учун нихоятда кимматга тушадиган бундай меҳрибончиликни дўстликка ҳам, душманликка ҳам йўя олмай, хунобим ошади. Уни бефаросатликда айблашга зинхор-зинхор тилим ҳам, дилим ҳам бормайди. Ахир, яхши юролмаслигимни, бир жойда бир неча дақиқадан зиёд туролмаслигимни, қадимни роз тутолмаслигимни биладику! Биладиу, аммо ҳар куни, ҳар сафар мени девор ёнига тикка қилиб кўйиб, одатдаги бир хил саволларга жавоб беришга, имкониятимдан ортикроқ типпа-тиқ туришга мажбур этади. Оёкларим зиркираб, дармонсизликдан калтирай бошлайман, номус кучли, кийналаётганимни сездирмасликка тиришаман. Кўлларимни орқамга қилиб, кафтларим билан деворга маҳкам тиралиб оламан-да, оғирлигимни дам у, дам бу оёғимга солиб тишимни тишимга босаман.

Бора-бора девор ёнида имкониятимдан кўпроқ фурсат туришга чидай бошладим. Лекин юкорида бир томонга қийшайиб юрадиган бўлиб қолганимни эслатганман. Ҳатто рентген суратида ҳам умурткамнинг камон ёйидек эгилган шакли аниқ чиққан. Сирасини айтганда, шахар клиникасини тарқ этишимнинг сабабларидан бири ҳам шундай қийшайиб юришим билан боялиқ эди. Даволовчи врачим – хушрўй ва мулоим жувон: «оғрикка чидағ, эгилмасдан тўғри юришга ҳаракат қилинг, кейин ростланишингиз қийин бўлади», деб кайта-қайта танбех берар, мен эса жоним қай йўсин ором олса, шу тарзда юришдан воз кечмасдим. Врачим, коридорда хассага суюниб, қийшайиб кетаётганимни кўрса, атай рўпарамга ўтиб, юришимга таклид қилиб, ҳамиятимга тегаверди... Иккинчи сабаб... Асли, клиникага ётиш хаёлимдаям йўғиди. Ички касалликлар бўлими мудири бир оғайнимнинг якин таниши экан, ўша орқали жойлашиб қолгандим. Шунинг учун бу бўлимда ижарачидай гап эдим. Негаки, менга асосан неврология бўлимидан чақирилган врач қарап эди. У назаримда хийла тажрибали эди, дастлабки куниёқ рухимни анча кўтариб юборди.

– Ташвиш чекманг, тезда тузатиб юборамиз, бир канча дорилар ёзиб кўйдим, бўлимдан талаб қилиб олинг, – деди у.

Лекин дорилар камёб экан. Топилгунча, деб ҳарфлар ва

ракамлар билан аталувчи бир неча витаминлар тайинланди. (Муолажа витаминалардан бошландими, демак, касалинг хали аниқ эмас.) Ухлатиши учун демидрол, амидопиринга новокайн күшиб укол килишарди. Оғрик кучайганда баралыгин билан жон сақлаб турувдим, беш кундан кейин тугаб қолди. Невропатолог айтган ганглерон, румолон, вальтэрнлардан дарак йўқ эди. Бир куни невропатолог билан бўлим мудири бир вақтда текширувга кириб, айтишиб қолишиди.

— Бунакада касал қандай тузалади? — деди врач бўрилиб.

— Сизга ким ҳукуқ берди ўзи клиника дорихонасида йўқ дориларни тайинлашга, — баланд келди бўлим мудири.

— Шахар дорихоналар бошқармасидан суриштириш кепрак.

— Фондимиз тугабди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиб туришга мажбурмиз.

Икки ўртада менга нокулай бўлди. Ўзи, муддатим ҳам аллақачон тугаган, факат бет келиб айтишолмаётган (касалхоналарда бир бор даволаниш муддати 22—24 кун эди).

Уйда йигирма кунча ётдим. Кишлоқ аҳлининг эътиборини қозонган, ҳалқ табобатидан озрок хабари бор фельдшеримиз ҳам тузатиб юбораман, деб астойдил уриндию, ахвол ўзгаравермади

«Олдингдан оқкан сувнинг кадри йўқ, деб шахарга кетдинг, район шифохонасининг неврология бўлимида опичлаб олиб бориб ташланганлар ҳам бир хафта-ўн кунга колмай оёкка туриб кетишяптийкан», деган гаплар, таъналар такрорланавергач, шу ерга келган эдим... Ҳамма шифокорларнинг тили бирми, ҳайронман, бу ерда ҳам врачлару ҳамширалар гоҳ чин, гоҳ ҳазил билан қийшиклигимни писанда килишиб, менга таъсир ўтказмоқчи бўлишарди. Мен эсам: эплолмасам, оғриса нима киласай? Менга ҳавас деб ўйлай-сизларми? Ўрнимда бўлганингизда билардингиз, — дердим ёш боладай бўғилиб. Баъзан оғрикка чидамай, врачами, ҳамширами, — жеркиб ташлардим. Ахир жон вужуднинг нисбатан соғ жойидан ўзига паноҳ, ором изласа, гавда ўзига кулагайлик яратишга харакат килса, илож қанча!

Лекин Маъсумани жеркиб ташлай олмас эдим. Аксинча, унинг фармойишдай жаранглайдиган маслаҳатларини жоним қинидан чиқиб кетгудай бўлса ҳам, итоатгўйлик билан адо этишга тиришардим. У эса ўз имтиёзи ва мавқеидан борган сари керагидан зиёд фойдаланаар эди.

— Қани, қаддингизни тикланг-чи, мункиллаган чолларга ўхшамай, — дейди у мени ховлига бошлаб чиққач. Бир неча қадам олдинга ўтади-да, чақалоғини юришга ўргатаётган она каби бир жаҳон табассум билан юришимни кузатиб туради. Унинг бу амрида қизларга хос навозишли енгил таҳдид, йигитлик қонини жўштирувчи жозиба, иззатнафсни кондирувчи меҳрибонлик, генералнинг буйруғидай муқаррар мажбурийлик оҳанглари тантанавор жаранглаб турар эди. Ана энди, кафтларини тиззаларига тираб, инқиллаб-синқиллаб, узоги билан қирқ-эллик қадамга бориб келгунча қора терга тушиб кетадиган, шунда ҳам бир неча марта тўхтаб, нафас ростлайдиган, ўнг бикини камалак бўлиб, бўйни ҳам табиий ҳолатидан чиккан, ўнг кулори кифтига тегай-тегай деб юрадиган беморнинг қаддини тутишга уринишини бир тасаввур килиб кўринг.

Бирдан-бир мақсадим тезорок бу кулгили ва аянчли ҳолатдан чиқиб кетиш бўлиб қолди. Оғриқ, азобларга бардош бериш учун жон-жаҳдим билан ҳаракат қила бошладим. Маъсуманинг ҳар бир буйруғи йигитлик шаъни, орят истеҳкомига роят мерғанлик билан отилган камон ўки эди.

— Қани, жой юмшоқ экан, деб ётавермай, юринг ташқарига. Хонада захлаб кетманг яна, — дейди Маъсума бир қўлини эшик кесакисига, иккинчисини белига тираганича, лабларининг бурчидаги мижжаларида одатдаги мадорбахш, ҳаётбахш табассум билан. Унинг дадиллиги, дангаллиги мени довдиратиб кўяр эди.

Маъсуманинг келганига икки ҳафта бўлди. Мен аввалига бир қўлимни тиззамга тираб, кейин-кейин, қўл тирамай оз-оздан юра бошладим.

Ёз бошланиб, кунлар қизиб кетди. Ҳамхоналар врачнинг эрталабки кўригидан кейин озларини ховлидаги соясалқинга, зах ерларга уриб кетишади. Ёлриз ўзим хира пашшалар билан олишиб ётаман. Хона ошхона рўпарасида бўлгани учун деразани очишга задамиз. Хона димиқиб кетади. Хира пашшалар эса барибир тиркишлардан кириб олишади-да, худди иссикдан зорлангандай бетоқатлик билан у ёқдан-бу ёкка тинмай визиллашади. Яна, гўё бошқа жой ўрин ўтмайдигандай, гўё сени калака килаётгандай фақат қулогинг тагида ғинғиллаб айланишади. Силтайвериб, қўлларинг толиб кетади. Бахтимга жуссаси мўъжазгина, букри одамга ўхшаб бошини бир оз олдинга чиқариб юрадиган бадқовок палатадошимиз жонимга оро кириб ту-

ради. Ташқаридан келадио, иккала қўлига эски чармдан ясалган қўлбола пашша ўлдиргични олиб «ишга киришади». Каравотлар оралаб, гавдасини янада олдинга энгаштириб, бир-бир кадам босиб тил укмас жониворни дунёга келганига пушаймон едира бошлийди. «Шу маҳлукни жуда ёмон қўраман, – дейди у ўзига ўзи гапиргандай минғирлаб (худди пашшани яхши қўрадиганлар ҳам бордай). – Даюс пашшалар илгари анча тўл бўлишарди, хозир калтакка чап бериб, одамни ўйнатади». Биттаям тирик пашша қолмаганига ишонч хосил қилгач, ғалаба қозонган командирдай букри қаддини ғоз тутиб чиқиб кетади. Бошка шериклар мендан хабар олиб туришади, ташқарига юринг, деб қисташади. Унамайман: барибир узок ўтиромагандан кейин, нима қиласман жонимни қийнаб, дейман. Лекин аслида, Масъуманинг ташрифини, унинг таклифини, тўғрироғи, фармойшини кутаман, у остоңада фариштадек пайдо бўлиши билан аъзои баданимдаги оғриклар жоду қилингандай тарқай бошлийди, ё унutilади, таранг мушакларим гўё унинг кўз нурлари таъсирида бўшашиб, пешонамдаги тиришларнинг ўз-ўзидан ёзилаётганини, қўзларимнинг икки четидан табассум зарралари тараляётганини хис этиб тураман.

Маъсума очик эшикдан мўралаб, каравотларга тезгина кўз югуртиб олади ва ширин жилмайганича ташқарига ишора килиб бош иргайди.

Мен ҳовлига чикқанда у улкан, сершоҳ чинорлар остидаги холи, овқатланишга мўлжалланган жойдати курсилардан бирида ўтирган бўлади ва шубҳасиз, мени кузатиб турди. Мен қаддимни мумкин кадар тўғрирок тутиб юришга тиришаман. Сўзсиз, оғрик баттар хуруж қилади, гавдам мувозанатини йўқотаётгандай, бошим оғирлашиб кетаётгандай туюлаверади, ўнг томонга оғишга мойиллик чидаб бўлмас даражада кучаяди, қўлларим беихтиёр тиззамга узанади.

Бир сафар мен яқинлашгач, Маъсума карта чилай бошлиди. Икки қўли билан курсига таяниб, бир неча минут, шунда ҳам оқ айикдай икки томонга тебраниб аранг ўтирадиган одам қандай карта ўйнаши мумкин? Лекин... менинг ўрнимда кимнинг, қайси йигит, қайси ошик (илинждан ўзга далил-исбот бўлмаган ошик!)нинг тили «Узр, ўтиромайман, ўйнай олмайман...» дейишга айланади?

Тўғриси, хайрат учкуни вужудимни бир лаҳза жимирлатиб ўтди: киз боланинг, яна қишлоқ қизининг жамоат орасида бемалол карта ўйнаши қандоқ бўлди? Лекин ши-

фохонада узок ётган одам, бу эрмак билан шуғулланган ёшу кексани, шу жумладан киз болани ҳам кечиради.

— Нимадан ўйнаймиз? — сўрадим сир бой бермай, бир жуфт чала рандаланган узун тахта-столга ўмганимни суюб ўтиракманман.

Мен ўз жасоратимга қойил қолдим. Лекин бунга мендан кўра Мъсума кўпроқ ҳайратланди чори, «ялт» этиб кўзларимга каради, корачиглари гўзал, ўзига ишончи зўр қизларга хос кувлик билан чакнади.

— Кўнгиллари нимани хоҳлайди? — сўради у сўзларни чўзиб талафуз этиб.

Мен ўз зарби гашти билан андармон бўлиб, қарши хужумга чап беролмай қолган боксчидай гарангсиб қолдим. Нихоят:

— Сиз нима дессангиз, шу-да, — дедим ўтиргичда кулагирок жойлашиб, — одатда шартни қизлар қўйишадио...

— Бўлмасам, — деди у уста картабозлардай «шип-шип» қороз бўларкан, — ҳар кимнинг химмати... Пирра!

Ўйнаяпману, хаёлимда: «ютқизсан нима бўладио, ютсан нима қиласман?...» Шарт жуда мужмал: ютган тақдиримда ҳам ютқизиқ божини талаб қилишга ҳаққим йўқ. Барибир, деб ўйлайман яна, талаб қилиш мумкин бўлган чоғда ҳам, кўнглим истаган нарсани, лоақал ҳазил тариқасида айтишга ҳам тилим бормаслиги турган гап. Чунки қизларнинг мен орзу қилган нозик шартга кўнмасликлари, кўнгандан ҳам ижросига чидамасликларини биламан. Талабалик пайтимда, сабаби ёдимда йўқ, бир киз билан тортишиб қолдик ва «ютқизгандан бир бўса», деб келишдик. У ютқизди. Мен ғоят катта ишонч ва фурур билан шартни ижро этишга чорланаётувдим, киз хукукимни унга инъом қилишимни сўраб, ўтиниб қолди. «Айни муддао-ку», — севиндим ичимда, — ахир бунакаси тушга ҳам кириши кийин... Лекин нихоятда содда, гўл эканман. Мен юзимни зўриштиёк билан, ўнғайроқ тутиб турдим, киз бўлса, лабининг бир четини тегар-тегмас суркаб қўйди, холос. Ҳисобмас, деб тарҳашлик қилиб кўрдим, лекин киз ҳам анойи эмас эди: «шарт бажарилдими, бажарилди, секин-қаттиклигини келишганимиз йўқ-ку, бунинг устига соқолингиз ўсиб кетибди», — деди у хандон отиб куларкан. Роза алам қилган. Ҳозир ўшанака шарт бўлиб қолсаю, ўзим билардим-а, бундай шарт қўйишга журъят каёқда! «Олдин сал ростланиб юрадиган бўлинг», дейишдан ҳам тоймаса керак бу шайтон киз!

Анча тетиклашиб колгандай эдим. Ҳазиллар, ҳаловат-бахш машғулот, тотли хотиралар кайфимни анча чоғ қилған эди, лекин бундай ҳавойи холат узокқа чўзилмади. Оғриқ бирданига ҳар томондан хуруж килиб қолди. Лекин бошда катта кетиб қўйганман, энди «чий» дейиш эркакнинг иши эмас! Оёқ зиркирашига дош бериш мумкину, думғазанинг ботиши, белнинг толишига токат килиш мушкул эди. Ўтиргич тахта эмас, ғадир-будир, киррали тошдай, нақ сувякка, суюкдаги ярага тегаётгандай... Гоҳ у, гоҳ бу кафтими ни тагимга қўйиб, ё у, ё бу ёкка оғиб оламан. Аъзои баданимдан тер тепчий бошлаганини сезиб туардим. Аммо, ўйиндан чиқишининг иложи йўқ. Жисм-жонимдаги бутун куч-мадоримни ишга солдим, мушакларим зўрикканидан чакка томирларим лўқиллар, тер пешонамдан ҳам чика бошлади... Шунда Маъсума қорозларни йиғишитирди.

— Еттию саккиз. Эртага давом эттирамиз, — деди у менинг оғриқдан буришиб-тиришаётган юзимга қарамасликка харакат килиб.

Мен хонага бир амаллаб келдим-да, каравотга зўрга ётиб олдим. Энди тинмасдан у ёндан бу ёнбошга ағдари-лар, оёкларимнинг бирини қўйиб, бирини йигиб-узатар, авжга мингана оғриқ босилай демасди. Оғрикни такқа тўхтатиб қўядиган дорининг йўқлигидан, ўзимнинг чидам-сизлигим, иродасизлигимдан жиги-бийроним чиқар, орияту ошиқликни ким қўювди шу алфозда, деб ғижинардим. Уни қаёқданам кўрдим ўзи? Нимага энди у келиб-келиб мен ётган касалхонага тушди? Бошқа жой қуриб кетганмиди?.. Наҳотки шу аҳвол давом этаверса? Наҳотки бу бедаво дарднинг поёни кўринмаса?!

Оғриқ билан олиша-олиша пинакка кетибман ва азбаройи толикканимданми, шу кеча одатдагидан кўпроқ ухлабман. Шериклар ташкарига чиқиб кетишиди. Мен эшикни ёпиб қўйиб, ҳайхотдай хонанинг ўртасидаги бир чорпоя сиккудай жойида каравотларнинг рахини ушлаб юришни, каравотимда ўтиришни машқ қилишга киришдим. Бутун вужудим титраб-қакшар, жон меники эмас эди. Аъзои баданимдан тер шов-шув куйилиб, кўзларимдан ёш тирқираб чиқиб кетди.

Холдан тойгач, ўраниб ётиб олдим. Оғриқ яна зўрайди. Мен шу пайтда Маъсуманинг оstonада пайдо бўлишини, ташкарига имо қилишини сира-сира истамасдим. Ҳатто унинг дил ўртовчи табассумини ҳам кўргим йўқ эди. Чалқанча тушганча, каравотнинг иккала ён темиридан

маҳкам ушлаб олдим-да, оёкларимни хадеб йиғиб-узатавер-маслик, у ёқдан бу ёкка ағанавермаслик учун ўзим билан ўзим курашдим, назаримда хар доимгидан ортикроқ вакт чидадим.

Менинг бу харакатларим жисмоний машқлар ёрдамида касалликни даволаш эмас, балки оғриққа чидаш учун ма-лака хосил қилиш ниятидаги уриниш эди.

Ётавериб болдиrlарим остидаги гүшт, мушакларим шалвираб, сұзма халтадай осилиб кетган эди. Илигим хам қуриб қолаёзган чоғи, босганимда тиззаларим қалт-қалт килиб, миямга зиркироқ югурап, бутун танам титрай бош-лар, тезрок, иложи борича тезрок ётиб олишни күзлар, жойимга етиб келгунча оғриққа қарамай, мункигандай ши-тоб интилардим.

Ниятим амалга ошадими, йўқми – билмайман, факт, ошганда хам жуда қимматга тушажагига имоним комил эди. Майли, хар қанча қимматга тушса ҳам, хар қанча азоб тортсам ҳам, Масъуманинг ёнида лоакал ўн-ўн беш дакика тебранмасдан каддимни роз тутиб ўтирадиган бўлсан, бас!

Тушга яқин оғриқ пасайиб, овқатни озгина иштаҳага кўшимча зўрлик билан хар кунгидан кўпроқ, энг муҳими, хар кунгидан осонрок едим. Назаримда, оғриқ каттиқ ха-рекатлар, зўриқишилар оқибатида сал караҳт бўлиб қолгандай эди.

Овқатдан кейин шериклардан бири билан ёнбошлаган-ча бир неча қўл пирра ўйнадим.

Яна икки кўзим очиқ эшикда бўлиб қолди. Маъсума ташқарига хар кунгидан оз чиқдими, йўлакда кам кўринди. Ўтганда ҳам, хар кунгидай хуморбахш табассум билан саломлашиб эмас, кўз кири билан бир хуррак нигоҳ ташлаб ё умуман қарамай, бошини кўтармай ўтиб кетар эди. Ё ме-ни синаяпти, ё кечаги аҳволимдан ҳафсаласи пир бўлган ё хижолатда, деб минг хил хаёлга борар эдим. Ўтаётганида чақирай-чақирай деб, яна оғзимни қимтиб олардим.

Дам олиш вактида, ҳайратомуз хол – мизғиб қопман. Уйғонсам, палатада яна бир ўзим. Чунки кун иссик, паш-ша кўп, ҳеч ким соат учдан бешгача чидағеси ётолмас, тўрт-тўрт яримдан бошлаб битта-битта чикиб кетишар эди.

Каравотимнинг оёқ томонида жилмайиб турган Маъсу-мага кўзим тушгандан кейингина ўз ихтиёrim билан уйғон-маганимни англадим.

– Бугунча карта ўйнамаймиз, – деди у нихоятда майин-лик билан, дилга малол етказмайдиган ва эътиrozга ўрин

қолдирмайдиган охангда. — Яхшилаб дам олинг. Лекин шафқат килиш йўқ. Ҳисоб эсингиздан чикмасин. Саккизман, деб суюнмай кўя қолинг. Саккиз — жуҳуднинг кўррони-я, ундан чиқиш гумон...

Эртасига мен ўз машқларимни давом эттирдим. Билмадим, чиндан ҳам ўзим кутган малака ҳосил бўлдими ё дард чекина бошладими, ҳар нечук енгиллик туймокда эдим.

Маъсума ҳар гал йўлакдан тахминимча хижолат бўлмасин деб, мени кўрмаганга олиб ўтаётган эди, шекилли. Бир сафар «ҳадидан ошиб кетди» деб ўйлади чоғи, эшикдан яrim мўралаб: «буғун беллашамиз-а, кучингизни эҳтиёт килинг», деди-ю, жавобимни кутмай, кўздан ғойиб бўлди.

Менда хасталикни енгишдан кўра Маъсума билан юрганда, у билан ёнма-ён ё рўпарама-рўпара ўтирганда, карта ўйнаётганда орриққа чидаш хоҳиши, қиз бола олдида йигитлик шаънимни химоя қилиш иштиёки кучлироқ туюларди. «Севги қизамиққа ўхшайди: қанча кеч келса, шунча хавфли», деган экан кимдир. Наздимда шунча азоб-укубат етмаганидай ана шу хавф ҳам кор кўчкини каби ёприлиб келаётганга ўхшарди...

«Дам олиш вакти» тугар-тугамас эшик ёнида Маъсума кўринди ва ўзимиз англайдиган маънода бош иргади.

Мен баланд рух, ўзимга ишонч билан юриб чиқдим. Ўйиннинг қандай натижа билан тугаши, «ҳиммат» замиридаги шартнинг нимадан иборат бўлишини билиш истаги менга тинчлик бермас, бу туйру, бу истак аклу хаёлимни, қалбу вужудимни шунчалик банд қилиб олган эдики, ёруғ оламдаги бўлак жамики ташвишларни унутгандай эдим.

Дарҳакиқат, ўйинга жуда ҳам берилиб кетдим. Асосан эркакларнинг кўнгилочар машғулоти бўлган қартада ғала-ба нашидасини суриш аҳди, ютқазиб кўйсам-а, деган хавотир, ниҳоят, қизнинг ютқизса қандай ҳолга тушишини кўриш илинжи фикрлашимга туртки бериб турди. Мен анчадан бери дуруст фойдаланмаётган (бунга эҳтиёж ҳам бўлгани йўқ эди) идрокимни яхшироқ ишга солиш учун бутун дикқат-эътиборимни бир ерга жамлаб, кўзларимнинг нурини икки баравар сарфлаб бўлса ҳам, ўйналаётган ҳар бир қоғозни хотирамга мустахкам жойлаштириб олишга тиришар эдим. Пирра ўйиннинг бирдан-бир сири шунда: қайси қарта чиқди, қайсиниси йўқ — эслаб, ҳисоблаб борсангиз, ракибингизга тушиб бермайсиз, бу — марра қўлга кирди, деган гап!

Маъсума ўйин давомида рақибам, агар енгсам, унинг

калбини ҳам заб этаман, деган умид менга завкли илхом, эхтирос багишлар эди. Назаримда «ракибам» ҳам астойдил ўйнамоқда эди, факат, кизларга хос қувлик ишлатаман, деб баъзида соддалик килиб қўяр, мен эса унинг зигирдай хатосини ҳам назардан қочирмаслик пайидан бўлар эдим. Бахтимга у чиккан карталарни санашда оқсар эди. Нихоят, у ўйинда бой берганига икрор бўлиб, қўлини узатди. Бу оп-пок ва нафис бармоқларга биринчи бор қўлим тегди. Бу кафт ҳароратли, хузурли эди. Бу ҳарорат ва ҳузурнинг кон томирларим бўйлаб бутун вужудимга тараалаётганини сезиб турдим, бу ҳарорат бир неча ойлардан бери иссик ўтмай музлаб ётган дардчил иликларимни қиздириб, қувват бўлиб куюла бошлади.

— Шарти качон бажарилади? — сўрадим қизнинг безовта кўзларига тикилиб, шарт ифодасини унинг корачиғларидан қидириб.

— Шарти — эртага, — деди у кулиб, — лекин талтайиш йўқ, — қўшиб қўйди қўлини тортиб олиб ўрнидан кўзғоларкан.

Мен ҳам даст турмокчи бўлибман, бир нарса пастга тортгандай ўмганимни кўтаролмадим. Белим қотиб, оёқларим уюшиб, кесак бўлиб колган эди. Кўзғолиш натижасида каттиқ оғриқ турди, лекин бу оғриқ энди мен учун у кадар даҳшатли эмас эди.

Мен ғалаба суруридан маст эдим. Ютқизик шартининг ижросини, ғунча очилишига интиқ булбулдай, сабрсизлик билан кутиш колган эди, холос. Нима бўлиши мумкин? Мен кўп нарсаларни таҳмин килар, аммо бу таҳминларимга ишонмай, дарров мулоҳазамдан қайтардим. Назаримда бу шарт олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган нарса эди! Шундай бўлиб чиқди ҳам! Менинг хаёлимда, асосан, яна бир «доно» китоб бўлса керак, деган фикр маҳкам ўрнашиб олганди. Чунки у бериб юборган китобдаги воқеалар, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини кейинча ўзи билан мухокама қилган чоғимизда, албатта, кўнгли учун «асар менда катта таассурот қолдириди» деб айтган ва унга миннатдорчилик билдирган эдим. Бу гал Островский ё Мересьев жасорати ҳакидаги, умуман шунга яқин мавзудаги китобни кутган эдим. «Эртага» деган жавобдан фаразим қатъйлашган, биронтасидан айтиб юборган бўлса керак, деб ўйловдим.

Эрталаб турганимда ҳеч нарсадан дарак йўқ эди. Ўзим анча дуруст, тетикман. Сокол олиб, ювениб, қайтиб кир-

сам, тумбочкам устида оқ чинни гулдон ва унда дид билан раста килиб узилган, очилай-очилай деётган кип-кизил ва түк пушти атир гул ғунчалари пайдо бўлиб колиби. Бу гулғунчалар ҳар кандай бадбин кайфиятдаги bemornning хам чехрасини очиб, руҳини нурафшон қилиб юборадиган даражада чиройли, латофатли эди.

Мен нонуштани иштаҳа билан туширдим. Энди шерикларимнинг ташқарига чиқиб кетишларини, Маъсуманинг кириб, «калай, тўлов ёқдими?» деб сўрашини кута бошладим. Лекин ҳаво айниб, салқин бўлиб тургани учун эски боди борлардан иккитаси кўрпага бурканиб бамайлихотир журнал вараклашмокда эди. Чошгоҳча китоб ўқиб ётдим. Маъсума хам йўлакда кўриниш бермас эди. Иттифоко, у эшик олдида ўша, дастлаб мени кўргани келган кундаги ҳаворанг, капалак нусха кўйлагида пайдо бўлиб, ташқарига имлади. Мен оғрикни писанд қилмай, тикка ва шитоб юриб чиқдим. Маъсума кўча дарвозага олиб борадиган йўлакдаги ям-яшил арча ёнида кутиб турарди. Шошилганимдан «раҳмат»ниям унутиб, «ҳа, йўл бўлсин?», дебман.

— Жавоб беришди, — деди у жилмайтанича. Елкаларини хиёл кўтариб, кўлларини икки ёнга ёзган эди, хушбўй атир иси уфурди.

Мен яна каттароқ қовун тушириб, «нимага?» деб сўрабман. «Э, хомкалла», — койийман кейин ўзимни ўзим қайтакайта.

— Ётаверсангиз ёмон ўрганиб коласиз, — деди у беозор танбех бериб.

— Қизик бўптию, аслида... — гулга шаъма қилдим.

— Ўзингиз мени ютқазишмни хоҳладингиз-да, — деди Маъсума гапимни бўлиб, — қиз бола, деб йўл хам кўймадингиз. — Унинг овозидаги нозик ўпкалаш оҳанги тошга жаҳл килган шаршара садоларидай ёқимли, таскинбахш эди. — Жон-жаҳдингиз билан ўйнадингизда ўзиям. Қани энди, тузалишга хам шундай уринганингизда эди... Лекин билиб қўйинг, чиққанингизда барибир ўчимни оламан. Унда аяб ўтирумайман.

— Менинг шартим бошқачароқ эди, — Маъсуманинг билакларидан тутмокчи бўлдим.

— Ҳай-ҳай бунақа келишмаганмиз...

Уни кузатиб кайтиб кирганимда журнал вараклаётгандардан бири маъноли томоқ кириб қўйди.

## ЮРАК

Тунлари нимёруғ-нимқоронғи ёз оқшомларидан бирида кирк ёшлардаги сүлқиллама, басавлат жувон ўғлининг дарсхонасига иккилана-иккилана кириб борди. Ўғил гулдор барқут ёпилган диванда ёнбошлаганча аллақандай суратли журнални ҳафсаласизлик билан варакларди.

Она остона ҳатлаб ўтдию бир дақика тараддуллангандай туриб колди. Ўғил онасига бирров назар ташлади-да, унинг нима мақсадда кирганини англағандай, ковоини уйиб, индамай ўз машғулотини давом эттираверди. Она тез-тез қадам ташлаб, диван билан қарама-қарши томондаги девор ёнига қўйилган, орқасига шерозий гилам осилган ёроҷ каравот ёнига борди-да, устига ипак тўр ташланган барқут болишлиарни гўё ростламокка тутунди.

— Ўғлим, биз даданг билан гаплашдик, — дея гап бошлади ва у тўхталиб, ўғлига зимдан синчков назар ташлади.

— Нима ҳақда? — гўё одоб юзасидан сўради ўғил.

— Энди катта йигит бўлиб колдинг... — Она шундай деб, яна сукут саклади. У ростлоғлик ўринни қайта-қайта ростлаб, худди ножӯя иш қилаётгандай ўғлининг кўзларига қарамаслик чорасини изларди. — Бугундан бошлаб шу ўрин сеники... — давом этди у ўғлидан садо чиқмагач. — Ўғил бола деган кўркмайди.

Она сўзини тугатибоқ, ўғли гапини рад этиб қоладигандай, узун халатининг этаклари ва икки ёнида осилиб ётган белбогини ҳилпиллатиб, шоша-пиша орқасига қайтди. Яна остонада тўхтаб анграйиб қолган ўғлига ўғирилди.

— Эшикларни очиб қўямиз. Даданг билан кечаси сендан хабар олиб турамиз. Чироқни ўчирмасанг ҳам майли...

\* \* \*

Рўпарама-рўпара хоналарни ўртacha катталиктаги даҳлиз ажратиб турарди.

\* \* \*

— Йўқ, бунақада бўлмайди, дадаси. Биттаю-битта ўғли-миз-а! Бир чорасини топмасангиз, эрта-кеч уйлантиргани-миздаям хотинини уйғотиб, «ташқарига чиқмоқчийдим, караб туринг», деб юрмасин тарин...

— Мени жон койитмайди, деб ўйлайсизми, мен ҳам отаман ахир. Жоним ачииди. Ҳамиятим оғрийди. Врачлар би-

лан гаплашяпман, маслаҳат сўраяпман. Кўркоқлик – ка-  
салликмас, дейишяпти. Кейин-кейин ўзи ўтиб кетармиш,  
улғайгандан кўркмайдиган бўлиб қолармиш. Шунака деб  
таскин беришяпти... Факат...

- Нима факат?.. Гапиринг тезрок!
- Факат, сочига эртароқ оқ тушиши мумкин эмиш.
- Ана шу-да. Ана шуниси ёмон-да. Биласиз-ку, сочи эр-  
та оқарганни ёқтирумайман.
- Хўш, нима қилиш керак бўлмаса, сизнингча? Гапи-  
ринг.
- Каратиб-кўрсатаверайлар, зора бирда бўлмаса бирда  
нафи тегиб колса.
- Кўрсатмаган профессору табиб қолмади-ку. Кўряп-  
сиз-ку, ҳали уни, ҳали буни гапига қараб, ҳар хил дори  
ичиравериб, дори ичиравериб, соппа-сор юзини захил кип  
ташладик-ку. Энди, кўққис мия-пиясини ҳам захарлаб  
олиб, бу кунимиз ҳам холва бўлиб турмасин.
- Вой, нафасингизни иссиқрок қилинг, дадаси, нафа-  
сингизни иссиқрок қилинг. Тузукрок бир ниятингиз ҳам  
борми ахир? Қачонгача кап-катта болани қўйнимизда олиб  
ётамиш?
- Бу ҳакда аввалроқ ўйлаш керак эди. Бошда ўзингиз-  
дан нарирок қилсангиз бўларди... Пинжингизга тиқавер-  
дингиз, пинжингизга тиқавердингиз...
- Гапириш осон... Менгаям ҳавасмиди?! Шўримга  
шўрва тўкилиб колишини каёқдан билибман...
- Бир врач ғалати маслаҳат бериб қолди...
- Айта қолинг тезрок, жўяли гапми? Нафи тегса бўлди-  
да.
- Жуда мушкул савдо. Ақлга сифадиганмас...
- Болани юрагини алмаштириш керак, деялти.
- Алмаштириш керак? Кимнинг юрагига? Қанақа юрак-  
ка?
- Шернинг юрагига.
- Вой-вой-вой, эси жойидами ўзи у врачни?
- Мен ҳам шуни ўйлаб қолдим.
- Сизни калака қилмаяптимикан?
- Мени-я? Мени калака қиладиган одам ҳали турилга-  
ни йўқ. Турилмайдиям.
- Ҳа, хўп, ўзингизни босинг, дадаси. Мунча. Дағдаған-  
гиз зўр-ку. Шер қанча умр кўради?
- Илмий тадқикотларда келтирилган маълумотларга  
караганда, туткунликда, яъни ҳайвонот боғларида, заповед-

никларда етмиш йил яшаган шерлар учрайди. Эркинликда бундан ҳам кўпроқ яшаса керак, албатта.

– Шернинг юраги ўтказилган одам-чи? У туткун хисобланадими ё эркинми?

– Тўғриси, билмайман.

– Бошқа ҳеч қанака чораси йўқ эканми куриб кетгурни?

– Йўқ, деяпти-да.

– Шундай килса, ўғлимиз қўрқмайдиган бўлармикан?

– Шундай деяпти.

– Хавфли масмикин? Кафиллик беряптими?

– Ҳар ҳолда оддий операциямас-да. Ё, тилхат ёздириб олсакмикин?

– Ана шунақасиз-да, бирпасда майнавозчиликка ўтиб кетасиз... Вой болагинам шўрлиги-ей, шунақаям балога гирифттор бўладими-я...

– Кўявверсакмикин. Кейин ўзи ўтиб кетармикин...

– Қайдам, ҳали-вери ўтиб кетадиганга ўҳшамайди. Қўрятпиз-ку бу болани, бир кеча ташлаб бир ёкка кетиб бўлмайди. Ҳали ҳарбийга борса, ҳаммага кулги бўлиб...

– Ҳўп, операциянинг муваффакиятли чиқишига ишондик, дейлик, шернинг ўзини қаердан топамиз? Яна, шервачча, бунинг устига эркаги...

– Керак бўлгандан кейин топасиз-да. Кўзимизнинг окукораси... Оғзингизнинг ели...

– Ҳамма нарса оғизни ели экан-да сизга. Ҳозир шердан кўра анқонинг уруғини топиш ўнграйрок. Колаверса, «оғизни ели» деган гаплар колиб кетди энди.

– Хонумонимизни сарфласак ҳам майли, бошингиз омон бўлса, омадингизга кўз тегмай турса, оқин сувлар тўхтаб қолмаса, ҳеч гапмас.

– Ўзингиз ҳам сал лакмароксиз-да, хотинжон.

– Сизни асли бўлганингиз шу. Доим устимдан култанингиз-кулган. Мени зифирчаям хурмат қилмайсиз, шундай ўйилни туғиб берсам ҳам. Шукур қилинг, тирнокка зорлар бор...

– Ҳа, бўлди, ҳазиллашдим. Ўзингиз ҳам пичоқ дамида турасиз-да.

– Кўнглингизга ҳазил сикқанига ўлайми...

\* \* \*

Ўсмирнинг кулоклари диккайди, қовоклари керилиб, корачиклари кенгайди. Наҳотки унга чиндан ҳам шер юра-

гини ўтқазишса? Наҳотки, эртаклардаги баходирлардай довюрак, шер каби шиддаткор ва мағрур, хеч нарсадан күркмайдыган одамга айланса? Наҳотки, ярим тунда, зимиңстон кечаларда бемалол күча айланиб юра олса? Наҳотки ёлғиз қолганида дахшатта тушиш каби ниҳоятда ёқимсиз ҳислардан, жамики таҳликалардан кутилиб кетса? Агар чиндан шунака бўлса, муваффакиятли чиқишига ишонса, ишонтиришса, ҳар қандай оғир операцияга тайёр эди! Ҳар қанча азоб-уқубат тортса майли эди!

\* \* \*

У уаун темир столда кўл-оёклари ҳалқали қайишлар билан боғланган ҳолда ярим яланюоч ётибди. Атрофдаги одамларнинг кийимлари, деворлар, шифт оппоқ. Боши уэра муаллақ осилиб турган оппоқ қозондан тушаётган кизриш нурлар кўкрагини киздирмоқда. Бошдан-оёқ ок кийинганларнинг қай бири эркагу қай бири аёллигини ҳам дабдурустдан ажратиш кийин, чунки қошгача бостириб туширилган ок сурп қалпок билан оғиз-даҳанидан қашари-гача тортилган дока никоб ўртасида бир-бирига ўҳшамаган, барчаси бирдай каттиқ жуфт кўзларгина кўринади, бу кўзлар вазмин, эҳтиросиз ташвиш билан бир нуктага – бемор кўкрагига қадалган. Кўлларида аллакандай темир-терсаклар шамширдай ялт-юлт килади.

Ўсмир кўзларини чиппа юмади, кунишиб, ружанак бўлиб олишга уринади, бўлмайди, ҳатто қилт этолмайди. Ахир иккала оёғиу иккала қўли чандиб боғлаб ташланганку.

Бунинг устига, ўсмир ок қалпоклари атрофидан чикиб, кулоклари узра тиккайиб турган коп-кора ва мулоим соч толаларидан, ўша кулокларнинг (уларда негадир исирға йўқ эди) оппоқ нафис ва мўъжазлигидан, янокларидаги билинар-билинмас майнин, тилларанг туклардан ва бошқа айрим жузъий белгилардан ҳамшира, яъни қиз бола бўлса кепрак, деб тахмин қилгани – ок ҳалатлилар унинг тиззаларидан, елкаларидан маҳкам босиб туришарди. Кўзларини очади – ўзини, ўз кўзларини уни икки ёнидан ўраб, дон ейишаётган товуклардай бошлари бир жойга ғуж бўлиб қолган кишиларнинг қораҷикларида кўради. У бакирмокчи бўлади, овози чикмайди. Бирдан кизлар олдида бакириш кўркоклик-ку, уят, номус-ку, деган фикр кечади миясидан. Лабини каттиқ тишлиайди. Кўзларини яна юмиб олади. Ҳамма жим. Фақат, темир-терсакларнинг чакир-чукур то-

вушки эшитилади. Кейин кўкрагида чумоли карвони дам-бадам чимиллатиб чақиб, у ёқдан-бу ёкка юраётгандай туюлади, нималарни дир «фирт-фирт» қияётган қайчи овози кулокларига элас-элас чалинади. Бу овоз дам узокдан келаетганга, дам ўсмирнинг ўзи бу овоздан олислашиб бораётганга ўхшайди. У яна кўзларини эрингандай очади. Тўғрироғи, оғирлашиб, мижжаларини эзиз турган қовокларини куч билан кўтаради. Шундок ёнгинасида турган боши пакирдай доктор кассоб сингари халатининг енгларини тирсагигача шимаради. Панжалар – дев чангалидай узунузун, йўғон-йўғон панжалар одамларни, шифтни, бутун дунёни четандай тўсиб кўиди. Кейин у панжалар ўсмир кўксидаги чукурликка тушиб кетди. Лойка сувга чўккан нарсанни тусмоллаб қидираётгандай анчагина тимирскилади. Сўнг юрагини чангаллаб торта бошлади, илдиз-пилдизи билан кўпориб олинган пиёздай шарт суғуриб тепага кўтарди – устки кисми аллакандай илдиз шоҳчалардан иборат, ҳаммаёғидан қон силқиб турган бир парча қизғишина гўшт...

Ўсмирнинг кўз олдида юрагини машъала қилиб, одамларга йўл кўрсатиб бораётган Данко намоён бўлди. Данко ўшанда неча ёшда эди?.. Йўқ, эслолмади. Унинг ака-укала-ри бормидийкин? Бу ҳакда ёзилмаган эди шекилли...

Ўсмирнинг ҳамма ёғидан муздай тер қуюлиб кетди, аъзои бадани бурга чакқандай қичиша бошлади. Ётган холатда куракларини столга ишқалагиси, мирикиб, роҳат қилиб қашингиси келди. Лекин у, иттифоқо, вужудидаги ёқимсиз совук жимирилашнинг секин-аста пасайиб, бармоқлари, панжаларининг жонсизланиб бораётганини сезиб колди. Боши тепасидаги оппоқ қозон, оппоқ қалпок ва атрофидағи оппоқ ҳалатлар аввал секин, кейин тез-тез чарх-палак бўлиб айланга бошлади, у нарсалар оқиш бир туман ичидаги айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Осмон тусидаги шифт ва остидаги стол тебрана бошлади. Кўзларининг юмилиб кетаётганини элас-элас пайқади. Кейин яна кўзини очди... Докторнинг халати тердан баданига ёпишиб, ок рангини йўқотган эди. Бурнининг устида гўё сумалакка айланган муздай томчилар ўсмир кўкрагидаги бўшлиққа чакиллаб тушиб, этини жунжиктиради. У кўзларини дам юмиб, дам очар, тўғрироғи, у кўзлар эгасининг ихтиёрисиз очилиби-юмилар эди. Ўсмирнинг орка этлари столга ботиб кетди. Назарида, бу ерда узок – бир неча кундан бери туз тотмай, қимирламай ётгандай эди.

Доктор гўё секинлатиб кўрсатилаётган кинокадрлардай вазнисиз ҳолатда, жуда имиллаб ҳаракат қилаётганга ўхшарди. Ўсмирнинг элас-элас идрок этишича, доктор унинг ичи-борини бир четдан ковлаб, ичак-чавокларини афдар-тўнтар қилиб чиқаётгандай туюларди. Ҳар гал кўзлари юмилаётганда мана энди ҳушимдан кетяпман, деб ўйлар ва ҳақиқатан ҳушидан кетар, кўзлари очилганда эса «ҳали ҳам ҳушимдан кетмабман», деган фикр кечарди унинг чала ишлаётган мудроқ миясида. У кўзини яна бир очганида жарроҳнинг панжасида бошқа бир юракни кўрди: кўзларини каттароқ очишга уринди. Бу юрак боя унинг кўкрагидан суғуриб олинган юракка қараганда ранги очроқ, ловиллаётгандай, диркиллаб, селпиниб тургандай эди. Доктор ана шу юракни обдон салмоқлаб, айлантириб кўргач, ўсмирнинг кўкрагидаги ўрадай бўшлиқка шошилмасдан авайлабгина солиб жойлаштира бошлади.

Ўсмир яна кўзларининг юмилиб бораётганини пайқаб ётди... орадан қанча вакт ўтгани номаълум эди, бирдан ни-мадир дук-дук қилиб, уни силтаб, силкита бошлади: кўзлари каттароқ очилиб, нигоҳи равшанлашди: туман ичида бош, панжалар, шифт асл ҳолатга, асл рангига қайтди. Гўё кўкраги остида – ичиди яна йиртқич чумолилар карвони саф тортиб йўлга тушди, аъзои бадани чимиллай бошлади. Чумолилар тобора кўпроқ, ачитиброқ чақар, кўксидаги янги юрак тобора каттиқрок гурсиллаб урап эди...

– Мана, марҳамат, энди...

Ўсмир ўзини ҳақиқий эркаклардай тутиб, дадил юриб кетди. Кўксидаги юрак дам сайин баралла дукурлаб, ўзи-дан хабар берарди. Бу юрак бутун вужудини силкитар, гўё бутун дунёни ларзага солиш учун кўкрак кафасини қисирлатиб, ковурғаларини шахди-шиддати билан икки ёкқа қайтариб, ташқарига чиқишига уринарди.

Ўсмирнинг назарида гўё боши катталашиб, соchlари хурпайиб-тиkkайиб кетгандай эди, қўллари қанотдай кўта-рилиб, елкалар ўсиб чиқаётгандай эди. Пишқиргиси келар, лекин докторнинг бир ойгача чучкириш, йўталиш, олти ойгача эгилиш, бежо ҳаракат қилиш, умр бўйи қаттиқ ранжиш, ҳаяжонланиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги эслатмалари ёдига тушиб, ўзини тутарди.

Автобусда яна ҳайрати ошди: одатдагидай тиқилинч, лекин суюкларининг зирқираши ҳуш ёқапти, чаккалари лўққиллаяпти. Йўловчилар унга аксарият: «ке, болакай, бу ерга, холирок жойга ўтиб ол, бўлмаса бу одамлар миянгда-

ги бор билимларният сишиб чикарвониши», дейишарди. Ҳозир оркасида сумкаси йўқ. Кимдир унга: «Хў, йигитча, ҳазир бўл, юрагингни сикиб чикаришвормасин яна», деди. Йигит гапиравчига ажабланиб каради. Лекин индамади. Аввалига ҳатто қисилишлардан роҳатланди, кейин секин-аста лоҳас бўла бошлади. Автобусдан тушгач, кўкрагида санчили оғриқ турди: юрак гўё қиррадор тошдай ботар, тикандай санчилар, юришни қийинлаштирар эди.

Уйга кира солиб пар болишлар, юшмоқ кўрпачалар тўшалган каравотга омонатгина ётиб олди. Онаси пешонасини силади – ухлаб колди.

Чўчиб уйғонди. Уйғондими-уйғонмадими, харкалай кўзи очилди (кўзи очиклик ҳамма вакт ҳам уйғоқликни, бедорликни англатавермайди). Ҳаммаёк жимжит. Кўкраги бўй-бўй, сассиз. Атрофга аланглади. Ёнида эртак-фильмлардагидай чала ярим кийинган қиз соchlарини оппок тўшига ёйиб ётарди. Ўсмир яна роят таажжубланди, ўз кўксига қулоқ тутди: у нафас олмаётган эди. Факат, аллақандай, худди оғир нарса тагига бостириб кўйилган соатнинг бўғиқ чиқиллашидай кучсизгина овоз эшишилди. Иккала кўли билан кўкрагини омонат чангллади. Во ажаб: кўксининг тикилган чоки сўқилиб қолган эди! У юракнинг жойида йўклигини тахмин килди. Бу тахминга ишончи комил эди. Эсхонаси чиқиб кетди. Апил-тапил кўрпа катларини кўтариб излашга тушди. Болишнинг тагини титкилади – йўқ, каравот остига энгашиб каради – йўқ. «Нилуфар» деган тун чироғи шуъласида ялтираётган корамтири жигарранг жавонини очиб, кийимларини олди, пиджаги, шими чўнтакларини йўқолган пулни кидираётгандай илинж ва хавотир билан қайта-қайта ковлади, чўнтакларининг астарини ағдариб, қокиб кўрди – йўқ! Бирон жойда тушиб қолдимикин-а?.. Эслашга уринди. Йўқ, кеча тўппа-тўғри уйга келганку... Энди ота-онасига нима дейди? Мана бу кизга... Дарвоке, ким ўзи у? Бу ерга качон, қаердан келди? Нима қилиб ётиби? Яқиндагина онаси «уйлантирсак...» деятувди. Шумикин?.. Ё онаси болам кўрқмасин, деб олиб кириб ёнига ётқизиб кўйдимикин? Ташқарига бирга чиқиши, дедимикин?

Бирдан ташқарига чиққиси келиб колди.

Кизни уйғотсинми? Донг котиб ётишини. Жудаям уйқуси қаттиқка ўхшайди. Нафас олиши ҳам сезилмайдику. Тирикмикин ўзи?..

Йигитча чўккалаганча, энгашиб кизнинг майда соч то-

лалари копланган кўкрагига қулогини тутди. Қулок териси соч қатламлари остидаги юмшоқ ва илик бадани сезди. Йигитча сесканди. Бу сесканиш ўзига ёқимли туюлди. Иккинчи қулогини тутди. Бояги туйғу, ўша ҳолат такрорланди. Аллакандай муаттар хидлардан боши айлана бошлади. Қизнинг кўкрагига йиқилиб тушишдан чўчиб, ўзини тортиди, ўтирган ҳолатда қаддини тиклади... Яххиси, деворни дурилата қолсинмикин? Соат неччи бўлдийкин? И-е, у энди кўркмайдиган бўлганди-ку...

У каравотдан оҳиста тушди-да, бир-бир босиб дераза ёнига борди. Пешонасими муздай ойнага босганича, кўзларини катта-катта очиб, ташқарига тикилди. Ҳовли копкоронғи эди. Илон чакқандай ўзини орқага тортиди, югуриб каравотга чиқди-да, тиззаларини кучоклаб ўтириб олди. Энасининг уйидагидай талтайиб, ялпайиб ухлаётган мана бу ойимчани уйғотиш керак. Шунга ярамаса, нима қилиб ётибди бу ерда?.. Бирдан юрагининг йўқолгани эсига тушди. Яна беихтиёр чўнтакларини, ён-верини пайпаслай бошлади. Беихтиёр... қизнинг устидан гулдор чойшабни тортиб юборди ва кўзларини юмиб, дарҳол ёпиб кўйди.. Яна қулогига юрак зарбининг заифгина товуши чалинди. Қиз кўксига тўлкин-тўлкин бўлиб ётган тўсадай кора, калин соchlарининг билинар-билинмас кўтарилиб-пастлаётганини, нозик бурунчасининг мўъжаз катакчалари пуркәётган нағис эпкиндан енгил чайқалаётганини кўриб колди. Иккилана-иккилана, иймана-иймана кафтини ўша соч тўлкинлариға босди. Кафтига ажиб бир ҳарорат инди ва бу ҳарорат томирлари орқали вужудининг ҳамма бурчакларига тарқала бошлади. Тирнокларининг учигача бу ҳароратдан илиб, зарбдан енгил силкиниб турди. Факат, бу зарб ва ҳароратнинг елка томон юрган бўлаги кўкрак қисмига етиб борганида бирдан жарликка тушиб кетгандек ғойиб бўлар: шу ерда зарб тинар, ҳароратни совук бир ўпкон ютиб юборар эди... Йигитча яна қиз устига боягидай энгashiб, кафтининг ўрнига қулогини кўйди. Қулогининг ичига соч толалари кириб, китирини келтирди... Зарб дам биттага, дам иккитага ўхшаб туюларди... Бу тош қостган қизни уйғотиб, юрагининг йўқолганини айтиш керак. Нима деркин? Эҳтимол, у бирон ерга яшириб кўйгандир?.. Лекин эркак киши учун «юрагим йўқ», деб айтиш жуда ўнғайсиз-ку... Айникса, ёнида ётган қиз болага... Яна умрида кўрмаган нотанишга... Барибир айтиш керак. Агар аразлаб кетиб колса.. аясини чақиради, яна у билан бирга ётаверади...

Кизнинг уйғониши анча қийин бўлди.

Йигитча уни нима деб аташни, нима деб чақиришни билмай, хийла вакт гарангсиб турди. Кейин, кизнинг оппок, ҳилва елкасидан журъатсизгина туртди, лекин бундай омонат хатти-харакатлар билан иш битмади. Қизалоқни сильташга, икки қўллаб тебратишга тўғри келди. Шундан сўнгина оғир уйқуга чўмган фариштанинг афсонавий нозик вужуди кимирлай бошлади: нозанин аввал оёқларини силтаб, устидаги чойшабни полга тушириб юборди, сўнг керишиб, қўлларини озод ёзиб, икки ёнига ташлади, ҳамон кўз очмасдан ҳомузга торти... Йигитчанинг хаёлидан кизнинг кўзи асли шунақамикин ё киприклари ёпишиб қолдимикин (давоқе, кизнинг киприклари узун ва анча дағал бўлиб, бир-бирига киришиб кетган эди), деган ўй кечаетган эди, ниҳоят...

Ниҳоят, кўзлар эринчоқлик билан очилди ва музтар нигоҳларга мағрурона, айни вактда «хўш, хизмат», дегандай беларволоварча сузилиб бокди. Кейин қўлларини икки ёнига тираб, бошини кўтарди, сарак-сарак қилиб, қоши, бурнига, елкаларига илашиб қолган соchlарини оркасига тушириб юборди. Кизнинг бели эртак фильмлардагидан ҳам хипчароқ, бадани ҳарир, шаффоғ эди.

Йигитча довдираб, дудукланди. Юрак ҳакида оғиз очмасликка ичиди аҳд қилиб ўтирган эди, қандай гапириб юборганини сезмай колди.

— Сизга юракнинг нима кераги бор? — дея кифтчалари ни қокди қиз. — Аянгиз, дадангиз бор. Сизга юргани оёқ, ушлагани кўл-у, егани оғиз бўлса кифоя...

Унинг кўзи кизнинг жажжи жинжалогидаги билинрабилинмас силкинаётган катта олтин узукка тушди. Кўнгли бир нарсани сезгандай момикдай муштчани авайлабгина кафтлари орасига олиб, қулоғига яқинлаштириди, йўқ, тўйрироғи, бошини қизнинг қўлига энгаштириди. Ё тавба, дукурлаб уряпти-ку! Юраги шунинг ичиди бўлса-я?

Кизнинг ҳамон сузилиб турган кўзларига илтижоли мўлтиради.

— Энди иложи йўқ, шундай келишилган, — деди қиз қўлинини совуқконлик билан тортиб оларкан, зўраки эснаб.— Энди юрак шарт эмас бизга, энди учта нарса — мия, оёқ, кўл керак.

— Ҳаммаси аям билан дадамда бор, — деди йигитча аъзои баданининг уюшаётганлигини сездирмаслик учун борлиғию, овозини тетик тутишга уриниб.

— Уларники ўзларига керак. Қолаверса, улар хадемай каришади, миялари пўла бўлиб, оёк-қўллари шалвираб колади. Ҳозирги замонда соғлом оёк, тўғри кўл жуда ноёб бойлик! — деди киз овозини кўтариб. Унинг уйқуси энди ўчди чори, кўзлари каттарок очилди.

Бу нигоҳлар йигитчага танишдай туюлди. Бу тим кора корачикили йирик-йирик кўзлар йигитга столда деярли яланроҷ холда чалқанча тушиб ётганида кўл-оёкларини қайиш халқачалар орасига олиб маҳкамланган, устига омонат ташлаб кўйилган оппок чойшабни сонига тушириб кўйиб, кўкраги, қорнига қандайдир мой суркаган ҳамширанинг кўзларига ўхшаб кетар эди. Ҳамширанинг оппок қалпоғи кошигача бостириб туширилган, оғиз-бурни доканикоб билан тўсилган, шунинг учун йигитча унинг бошқа жойларини яхши кўролмаган эди. Тўғриси, яхширок кўриб, таниб олиш эсига ҳам келмаган, ҳатто бу ҳақда ўйламаган ҳам эди.

Бир каравотда учрашиб қолиш етти ухлаб тушига кирибдими!.. Эҳтимол, у эмасдир. Лекин жудаям ўхшаш. Ушандаям бу кўзлар ҳозиргидай жонланмай, товланмай караб-қараб кўйган эди. Кўллари унинг баданига теккандা ҳам кизнинг корачикларида зарра сесканиш, ўзгариш юз бермаган эди (аксинча, у хижолат бўлиб, ниманиб кўзларини юмиб олган эди). Мана, ҳозир ҳам кап-катта йигитнинг (тўғриси, ўзининг «кап-катта йигит»лиги ҳақидаги фикр айни шу лаҳзада илк бор хаёлидан лип этиб ўтди), обрў-эътиборли кишилар фарзандининг бутун бошли юраги, яна ўз юраги эмас, ота-онаси не-не машакқатлар эвазига кўлга киритишган шер юрагини ўйирлаб, узути кўзига жойлаб олибдию, пинак бузмайди, уялмайди, хижолат ҳам бўлмайди-я!

Йигитча (энди уни шундай атайверамиз) қиз қошига чўккалади. Унинг ўзга чораси йўқ эди. Унга юрак, айникса ҳозир жудаям зарурга ўхшаб туюлди (лекин нимага зарурлигини билмас эди).

— Илтимос, юрагимни беринг...

— Эсингиз жойидами ўзи, — деди киз баттар беписандлик билан. — Омонат, сохта юрагингизни бошимга ураманими? Кўкрагингизга қаранг — турибди.

— Нимага бўлмаса урмаяпти? — деди йигитча икки қўли билан кўксини чангллаб.

— Унисини аянгиздан, дадангиздан сўранг.

— Йўқ, айтинг... Анави, узугингизнинг кўзидағи юракчи?..

Киз энди «бу ростданам анча нақароқми», дегандай кўзларини катта-катта очиб йигитчага тикилди.

— Ўйлаб гапиряпсизми? Бир ховуч юрак митти узукнинг кўзига қандай сиғади? — киз шундай дедиу, унинг юзкўзида ёз элкинидай бир жилмайиш зохир бўлди. — Узук ичидаги нарса сизнинг юрагингизни бошқариб турадиган мослама.

Йигит лом-мим демади. Анграйиб тураверди. Тўғриси, у қизнинг гапларига тушуммади. Сўзлар унга таниш эдию, мағзини чаколмади.

— Ҳозир эртаклар замони эмас, — давом этди киз нозик-ниҳол қадди-қоматини бўрттириброк кўрсатиш учунми, бир тирсагига таяниб, оёқларини узатиб юборар экан.

— Ахир, сиз...

— Тўғри, эртак — жони-дилим. Эртакни ҳамма яхши кўради. Лекин... Ҳа айтгандай, ташқарига чиқмоқчимидингиз?

— Йўқ-йўқ, — деди шоша-пиша.

— Қани, ётиб ухланг бўлмаса. Устимни ёпиб қўйинг, — киз ёнбош ётганча, тиззаларини корнига тираб, ғужанак бўлиб олди, ўрнаша олмади шекилли, лахза ўтмай оёқ-кўлларини ёзив юборди. Юзи пар ёстиқка ботиб, деярли кўринмай кетди. Бўйин ва елкаларини яна соч тўлқинлари коплади.

«Шернинг ёлига ўхшайди» дея ўйлади йигитча киз амрини адо этар экан ва енгил сесканди.

У кизга тегиб кетишдан эҳтиётланиб, бир ёнбоши билан ўрнига чўзилди. Лекин киз танидан юпка чойшаб оркали унинг баданига боягидай харорат ўтиб, вужудини секинлик билан киздира бошлади. Бирок бу харорат, боягидай кўкрагига етганида совиб қоларди. Гўё юраги ўрнида пайдо бўлган қандайдир гирдоб бегона хароратни ўз до-мига тортиб кетарди. Назарида бу гирдоб унинг ўзини ҳам ютиб юборадигандай туюлиб, ҳадиги ошар, кизга томон ўғирилиб, унга яқинроқ сурилиб олишни, унинг пинжига кириб кетишни ўйлар, лекин негадир бунга ботинолмасди.

Киз ухладими, йўқми — билиб бўлмасди. Иттифоқо, ни-мадир «қитир-қитир», «шитир-шитир» қилиб колди. Беихтиёр ён-верини пайпаслади — кўлига хеч нарса илинмади. Дераза томонга кўз ташладиу, ётган жойида сапчиб тушди: кекса бир шер тикка турганича олдинги икки оёғи би-

лан ойнани тирнар, ўткир тишларини кўрсатиб, аста-секин пишкирар эди. Шернинг ёли хурпайиб, елкаларига, тўшига тушив турарди.

Иигит чойшабнинг остига шўнғиб кетди, хиёл ўтмай, бошини юмронқозикдай чиқариб каради: шер энди бир оёғи билан ойнани тапиллатиб урмоқда эди.

У дод солмоқчи бўлди, овози чиқмади. Ўрнидан ирғиб туришга шайланди – туролмади – ғужанак оёқлари ёзилмади, чўзилмади.

Енидаги деворни жон-жаҳди билан муштлай кетди.

## КОРҚИЗ

Холида билан Янги йилни, умуман байрамни илк бор биргаликда нишонлашимиз эди. Шунинг учун бир хонали мўъжазгина ижара уйимиэда колишга аҳд килдик. Сирасини айтганда, Тошкентдай шахри азимда астойдил бордикелди киладиган кўнгил яқинларимиз ҳам ҳали йўқ хисоби эди. Университетда бирга ўқиган оғайним анча кистадию, лекин уларнинг ижара уйи ҳам бизникидан кенг эмас эди.

Менимча, асосий гап бунда ҳам эмасди.

Биз ҳали қирқи ҳам чиқмаган келин-куёв эдик...

Ховлида бугун, бу кеча бизга ҳалал берадиган кимса йўқ: уй эгалари – чол-кампир шу ерда юрадиган неварасини олиб, катта боғ-участкаси бор тўнғич ўғлиникига Янги йил кутишга жўнаб кетишган эди.

Ўзбекнинг сўйган таоми палов, айникса, шодиёна кунларда, меҳмон келганда.

Холида қозонга уннади. Мен дастурхон тузашга киришдим. Сўнг, ўчок атрофида, тўғрироғи, Холиданинг атрофидага парвона бўла бошладим. Бот-бот унга тегиниб кўяман. Холида ковоғини уймокчи бўлади, аммо эплолмайди.

– Жиримга тегаверманг, капгир еб қоласиз, – дейди кулиб.

Мен «аразлаб» уйга кириб кетаман. Дераза тақиллайди. Карайман: Холиданинг ойнага босилиб ялпайган бурни, чараклаган кўзлари кўринади. «Тез чикинг», деган маънода қўли билан имо килади. Шошилмай, ўзимни жиддий тутиб, чиқиб бораман.

– Нима гап? – дейман овозимга расмий тус бераб.

– Дамлашга озгина ўтин майдалаб беринг, хўжа-йиин... – киприкларини пирпиратади Холида.

— Сизга неча марта айтганман, шу сўзни ишлатманг, деб.

— Нима, ёмонми?

— Ёмонмас, лекин эшитганлар мени феодал экан, дейишиди.

— Ўзимни ихтиёрим, дейман.

— Сиздан сўраб ўтиришмайди.

— Сўрашмаса, яна яхши...

Кор бўлмаса-да, харқалай қиш-да, хаво ачитиб турарди.

Ўтин майдалаб ўчоқ ёнига ташладим.

— Кўлим совқотиб кетди, Холи, иситиб олай...

— Ана, ўт ловиллаб ёняпти...

— Йўқ, бошка жойда.

— Э, боринг-е, шилким бола...

Мен уй томонга юрдим.

— Вой, анов одамни — бир ўзимни ташла-аб кириб кетишини.

— Нимадан кўрқасиз?

— Бўжидан.

— Бўжи йўқ.

— Корбобо келиб қолиши мумкин...

— Корбобо келса яхшию, совға беради.

— Канақа совға бераркин?

— Билмадим, бергандা кўрамиз-да.

Ошни дамлаб кўйиб, кириб кетдик. Янги йил киришига ҳали анча бор эди.

— Келинг, бошлаб тураверайлик.

— Сабрингиз чидамаяптими?

— Чидамаяпти

— Биламан, нимага чидамаётганини.

— Яххисиз-да.

— Сиз — ёмонсиз...

— Бир яхшига бир ёмон...

Шампан устидан сочиқни олдим.

— Хамма байрам хурсандчилик учун ўйлаб чиқарилган.

Соатга тикилиб ўтирамизми?

Шампан пакиллади, тиқини пастаккина шифтга тортилган гулдор коғозни тешиб ўтиб, қайтиб тушмади.

— Мана Янги йил!.. Келинг, ўлимдан бошка хамма нарсанинг эртаси яхши.

— Маст бўлиб қолсам-чи?

— Уйимиздамиз-ку.

— Ижарадамиз, дент. Уришмайсизми?

- Сизни уришиб бўладими...
- Янги йилингиз билан! Сизга баҳт тилайман.
- Раҳмат, лекин баҳтим ёнимда ўтирибди.
- Меники ҳам.
- Унда келинг, бир-бири мизга ахиллик, яхши умр тилайлик.
- Келинг. Энг ёмон кунимиз шунақа бўлсин.
- И-е, шуми ичганингиз? Ваҳимангизни қаранг-у...
- Ичишимни хоҳлармидингиз?
- Йўқ... Лекин, бутун майлийди.
- Ош дам еди.
- Сиз ўтираверинг, мен солиб кираман.
- Ёрдам берай?
- Йўқ, ўзим...

Ошнинг гўштини тўррай бошлаганимда Янги йил жомига сал кам бир соатча вакт бор эди.

- Эшик тақиллаяпти-я... — деб қолди Холида.
- И-я, ким бўлдийкин, — қўлимни шоша-пиша арта бошладим.
- Корбободир... Бирга чиқайлик, бемаҳалда...
- Йўғ-е... Биронта кўни-кўшни дир-да.

Махалламиз катта йўлдан анча ичкарида ва пастқамликда жойлашгани учун нисбатан тинч, шовқин-сурон кам эди.

Осмон ҳамон бирдай гезариб турарди. Янги йилгаям кор ёғмади-я, ха нотанти табиат! Ҳали бевакт роса ёғади.

- Ким у?
- Мен, очинг, — деди ташқарида аёл киши безовталашиб. Овоз нотаниш эди.

Занжирни илгакдан чиқариб, дарвозани очувдим, аёл бир ҳатлаб осто надан ўтдию, эшикни каттиқ ёпиб, унга суюнди. Юзимга совук нафас урилди.

— Бекитинг, — деди у кариyb буйруқ оҳангидা.

Мен кутилмаган меҳмоннинг ҳансираётганини ва кўчадаги симёочга ўрнатилган қадимий соябонли лампанинг сўритокда колган ток занглари орасидан тушаётган хирагина шуъласида унинг кошлари қоп-қора, ихчамгина юzlари оппоқ киз эканини пайқадим. Лекин нима дейишни билмай, кизнинг амрига беихтиёр итоат этиб, унинг елкаси тўсив турган занжирни илгакка солиш учун анча овора бўлдим. Афтидан, ўзини йўқотиб кўйганиданми, кўркиб кетганиданми, сурилиб туриш қизнинг эсига келмасди.

Холида хавотирланиб аллакачон соябонли айвончага чикиб олганди.

— Ким экан? — сўради у турган ерида кичкиргудай бўлиб.

Шундагина ҳозирги туришимиз фира-ширада қандай кўринишини ўйлаб, шоша-пиша орқага ўғирилдим.

— Мехмон! — жавоб бердим Холидага. Кейин: «қани, юринг», — дедим қизга.

У ортичча такаллув кутмай, ортимдан эргашди.

Бесаранжом Холида ҳамон айвончада нима қилишини билмай, гарангсиган одамдай бизга тикилиб турарди.

Айвонча зинасига етай деганда, ўзимни четрокқа олдим.

Холида, хайратини яширмай, меҳмонга анграйганча, зиналардан пайпаслагандай пастига тушиб, қиз истиқболига юрди. Қўл учиди, омонатгина кўришиб, киска-киска ҳолахвол сўрашдилар.

Ичкирига кириб, бир дам туриб қолдик.

Меҳмонимиз қордай оппоқ мўйнали ям-яшил пальтосини, қундуз телпагини ечиб, тортингандай юмшоқ бир ҳаракат билан Холидага узатди. Унинг бўйни ва елкаларини роят текис қиркилган сакичдай қора ва силлик соч қоплади.

Кизни таомилга кўра, уйимизнинг тўрига ўтказдик. Ўзбекда остона ҳатлаб ичкири кирган одам — каттами-кичикми, дўстми-фанимми — меҳмон. Қолаверса, дастурхон устида бирорни сўрок-савол килиш бизнинг руҳи-хулкимизга ёт.

Меҳмонимизнинг ўзи ҳам мик этай, демайди. Ошни ҳар замон-ҳар замонда тирноқларининг бўёгини авайлагандай, омонатгина ошаб ўтирибди. Холида иккимиз, унча юракдан бўлмаса ҳам, уни катта-катта олишга ундаймиз. Қиз эшитилар-эшитилмас раҳмат айтишдан нарига ўтмайди. (Менинг назаримда унинг бундай камсукум, сиполиги бояги шаштига, ёшига, кийинишига мутлақо мос эмасдай...)

Холида менга зимдан караб-караб қўяди. Қўзлари саволли. Мен ўзимни кўрмаганга соламан.

Хона совий бошлиди. Тўғрироғи, ўтиришдан файз, ҳарорат кўтарилиди. Қизикроқ гаплар топиб, даврани сал жонлантиришни ўйладиму, бироқ нотаниш, такаллувфиз тунги меҳмоннинг сири босдими, миямга фикр, тилимга сўз келмасди.

Ҳадемай, кўллар артилди. Ташвишим ортди. Меҳмони-

миз умуман гапирадиганга ўхшамас. Холида ҳам мум тишлагандай ўтиради.

— Мана, Янги йилгаям саноқли даққалар қолди, — дедим шунчаки гап ковлаш учун бир Холидага, бир меҳмонга назар ташлаб.

— Қорсиз унча ўхшамас экан, — деди Холида ҳам бир менга, бир меҳмонга караб.

— Сизларга халал бердим-а, — деди ниҳоят меҳмон бош кўтармай, дастурхон четини ҳафсаласизлик билан химариб ўйнаганча.

Қизнинг ночор ва мужмал саволига жавоб беришни Холида иккимиз фикран бир-биримизга юклаб, бир-биримиздан кутиб ўтиравердик.

Дастурхондаги ноз-неъматлар мунрайиб колгандай кўринди. Меҳмонимиз хомушрок эди. Мен унинг корачиларидан таржимаи ҳолини, тилига чиқолмай, юраги, бўғини тилиб-тирнаб айланадиган киррадор сўзларини ўқимокчи бўлдим. Бемаҳалда, яна шундай улуғ айём оқшомида қандай қисмат шамоли не сабабдан уни бегона кўчаларда тентираб юришга мажбур килганини ва олдинда уни яна қандай савдолар кутаётганини тахминлаб кўрмокчи бўлдим. Лекин Холиданинг ёнида, ундаги шубха, гумонларни кучайтириб, бу гаройиб, чақирилмаган меҳмоннинг носинашта кўзларига астайдил, синчиклаб тикилишни ножоиз деб билдим (балки ўша пайтда бу ишга юрагим ҳам дов бермагандир); тахминларим эса кўп, ранг-баранг, бирок тахмин хулоса, хукм чиқаришга асос бўлолмас эди.

Дарҳакиқат, Холида бусиз ҳам мени, тўррирови, меҳмон иккимизни (ким билади, ўша пайтда унинг хаёлидан не ўйлар кечган экан, балки бизнинг кўзларимиздан, хатти-харакатларимиздан ўз гумонини тасдикловчи нукталар, ҳолатлар кидиргандир, кутгантир, кийналгандир) зимдан кузатиб ўтиради. Қолаверса, қиз ҳам кўзларини бизга унча кўрсатавермас, гоҳ телевизорга, гоҳ ерга қадарди, холос. Афтидан, у нигоҳларимизнинг тўқнашиб колишини истамас эди.

Факат бурчакдаги экранни кафтдайгина «Весна» телевизори ҳамманинг жонига оро кириб турарди. Кўшиклар, ракслар, ҳажвий чиқишлиардан тузилган маҳсус «Янги йил баёми» энг қизиқ паллада. Қаҳқаҳа, бакириқ-чақириклар экранни ёриб юборай, дейди. Лекин биз миқ этмаймиз.

Кўзим Холиданинг кўзига тушиб қолди. У ўрнидан туришга чоғланаётган эди.

— Ташқарига чиқмоқчи эдим, бемахал бўп қолди, — деди секин-секин гапириб.

Мен ҳам қўзғолдим.

— Ким ўзи бу? — сўради Холида айвондаёқ.

Елка қисдим.

— Билмасангиз, нима қилиб ўтирибди?

— Кўчада кувлашганми, кира солиб, эшикни бекитинг, деди. Нима бўлди, десам, хеч нарса, деди.

— Бир-бирларингга ёпишиб турувдинглар шекилли?

— Холи!

— Ким экан бўлмаса? Бирон нарса дедими, ўзини таништирдими?

— Йўқ-да. Ё кор қизмикан...

— Қизик, кочиб киришга бизникидан бошқа жой куриб кетувдимикан... Яна, бу таманнонинг писмиқлигига куяйми... Ҳали ётиб қоладиганга ўхшайди.

— Ярим кечада қаёққа боради?

— Ёкиб қолдими, дейман?

— Холи! Ахир одамгарчиликданмас-ку.

— Бўлмаса, сўрамайсизми, ким, ярим кечада бу ерга қандай келиб қолди?

— Ўзи индамаса тергов киламиزم, меҳмон ахир...

— Меҳмон эмиш... Эҳтимол...

— Йўғ-е, турки унакага ўхшамайдию...

— Тузуккина-ю, денг...

— Қўйсангиз-чи, Холи. Наҳотки мендан шубҳалансангиз?

— Кайдам, — сал шаштидан тушди Холида. — Меҳманингиз жуда сирли чикиб қолди-да.

— Мени меҳмонимми?

— Эшикдан сиз бошлаб кирдингизми ахир?

— Барибир иккаламизнинг меҳмонимиз. Меҳмон отангдан улур, дейишади. Сирини очиб қолар, очмаса, эрталаб бир амаллаб сўрармиз. Умуман-ку, яхши бўлмади-я, нима киламиз энди?

— Ажаб бўлди. Менга яхши бўлди, — маъноли кулди Холида. — Юринг энди, тагин меҳманингизнинг кўнглига ҳар хил гап келиб юрмасин. Жуда кетворган олифтаю, туриш-турмушимиэни эрмак қилиб кетмаса бўлгани.

Меҳмон киз ҳамон тиззаларини кимтиганича паришон холатда телевизор кўриб, тўғрироги, телевизорга караб ўтиради.

Экранни коплаб олган улкан, гулдор нақшли соатнинг

таёкчадай узун мили «12» раками томон залвор билан одимларди. Кекса донишманднинг афсус ва ўкинч билан бош чайқашини эсга туширувчи «чик-чик» деган ноxуш овоз хонада ягона хукмрон эди.

Одамзод ажойиб-да, Янги йилни, айниқса, унинг сўнгги дақиқаларида сабрсизлик билан кутади, Янги йилнинг кириб келишидан ўзида йўқ кувонади, лекин бу Янги йил унинг ёшига яна бир ёш кўшиб кетишини, Янги йил бедаво карилек сари ташланган яна бир йирик қадам эканлигини ўйлаб ўтиrmайди..

Биз ҳам – Кор киз (кани энди Кор бобо ва Кор киз ақидаси хакиқатга айлансаю, бизнинг камтарин кулбамизга тортинимай қадам ранжида қилган гўзал ва сирли меҳмонимиз чинакам ҚОР киз бўлиб колса!), Холида ва мен – учовимиз Янги йилга, янги йил сахросига шу тариқа қадам кўйдик.

Одамлар эски йил билан Янги йил ўртасидаги шамолдай тез, суратсиз ва туткичсиз масофада гўё нимадир, унтилмас ва муҳим бир воеа юз беришини илҳақлик билан кутиб, бу воеа уларнинг ўз ҳаётларида катта бир бурилиш ясashi мумкинлигига, шартлигига комил ишонч билан ўтиришгандай туюлади. Назаримда, шу кеча ана шу масофада факат соатнинг одатдагидай бир марта «чик» деб ўтишию, дунёвий-тарихий санадаги битта ракамнинг ўзгариб колиши (эҳтимол шунинг ўзи катта бир ходиса, бурилишdir) содир бўлди. Бизнинг тор, шифти пастаккина ижара-хонамизда айтарли ўзгариш юз бермади. Холида ҳам, ҳатто Кор кизимиз ҳам ўз кайфиятларида турабердилар. Демак, ҳаёт ўз изида, ўз маромида, ўз қонуниятларига кўра илгарилайверади.

Телевизорда эса ҳамон ҳамма шод, хушчакчак эди. Оташин табриклар ва кутловлар яна юксак оҳангли қўшикларга, оққушона раксларга уланиб кетди.

Лекин бизнинг гапимиз, сухбатларимиз барибир ковушадиганга ўхшамайди.

Назаримда, энди биз учун эски йилми, янги йилми – аҳамияти йўқдай эди. Гўё интизорлик ва таҳлика билан кутаётган довонимиздан шундокқина сирғалиб ўтиб кетганимизни ҳатто сезмай ҳам қолган эдик.

- Нима киламиз, ётамизми? – сўрадим Холидадан.
- Билмадим, – деди Холида меҳмонга назар ташлаб.
- Майли, – деди киз ўрнидан тураркан.

У ташқарига йўналди. Холида «бирга чиқмайсизми?», деган маънода имо қилди. Қўл силтадим.

- Мехмонга қаерга жой солиб берамиз?
- Тўрига-да. Ўртага – ўзингизга.
- Сиз пойгакка тушиб қоласиз-да.

Бошқачасига ҳеч тўғри келмайди. Мен тўрида ётадиган бўлсам (дарвоке, биз хали каравот деган анжомлар олмагандик, шундоқкина ерда ётишга ўргангандик), Кор қиз пойгакка тушиб коларди.

Межмон кирди. У ётиб олсин, деб ташқарига чикиб турдим.

Мен бошимни кўрпага буркаб олдим. Лекин хали-вери уйкум келадиганга ўхшамасди. Холиданинг ҳам уйқуси ўчганлиги аниқ эди. Аммо у ҳам миқ этмасди. Назаримда, учаламиз ҳам шу кеча тишимизни тишимизга кўйиб, қаттирок нафас олишдан ҳам эҳтиётланиб, бир ёнбошда тонг оттиришга тайёр эдик. Айниқса, Холида киприк коқмаса керак, деб ўйловдим. Йўқ, тун барибир тунлигини қилас экан...

Алламахал уйғониб кетдим.

Файри ихтиёрий қизиқиш билан бошимни оҳиста кўтариб, сурилиб менга анча яқин келиб қолган, одатича ружанак бўлиб ухлайтган Холида оша нариги ўринга кўз ташладим. Мехмоннинг усти белигача очилиб қолган эди. У биз томонга хиёл ёнбошлаган кўйи, бир қўлинни кўксига кўйиб, иккинчисини ёзганича, худди ўз кадрдан ўрнида ётгандай, қизларга хос назокат билан майнин пишиллаб, эркин ва бемалол донг қотиб ухларди. Сочлари болиш билан битта бўлиб кетганди. Пушти ич кўйлаганинг заррин тўрлари, томонги остида ёйилиб кетган маржонлари телевизор устидаги стол лампаси нурида олис юлдузлардай жилваланарди.

Тан олиш керак, у ниҳоятда чиройли ва ёқимли ухлар эди. Шу ётишида «уйкудаги гўзал»ни эслатиб юборарди. Йўқ, Кор қиз ҳам, «уйкудаги гўзал» ҳам, фаришта ҳам эмас эди! У – Янги йил меҳмони...

Эрталаб Холида уйғотди:

– Кор кизингиз хайр-маъзурни насия қилиб жуфтакни ростлаб қопти. – Кечаси ундан аввал ухлаб қолганимга ва шу бўйи тунда «уйғонмаганим»га қаноат хосил килган бўлса керак, ё тонг ҳавоси таъсир килганми, харкалай, Холиданинг рухи тоза, тетик эди.

Деразадан ташқарига карадик. Майдалаб, кор ёғар, ле-

кин ҳали бедана қадам, қошиқдайгина этик изларини күмиб улгурмаган эди.

— Бирон нарсани ўмариб кетмадимикин?

— Ол-а... Ўмарадиган нарса бўлса ўмаради-да.

— Таъба... — Холида деразани очиб юборди.

Уйга муздай қор шамоли тоза ҳаво олиб кирди.

## КЎЗЛАРИ ШАҲЛО

Дарсдан келиб, озрок мизриш ниятида энди каравотга чўзилган эдик, эшик мушук таталагандай китирлади.

— Оббо, кечасини кечаси десанг, кундузиям тинчтишмайди-я. — Тилаб, яна нимадир деб ғудраниб, бошини кўрпа ичига буркаб олди. Ижирғаниб ўрнимдан турдим.

Остонада ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги дуркунгина кизалок туради.

— Қатик оласизларми? — ийманибгина сўради у.

Шундан кейингина полдаги, деворга суяб қўйилган жигарранг корзинкага кўзим тушди. Корзинка ковун тўрига ўхшаб чизилиб, бўёклари порсилдоқ бўлиб кўчиб кетган эди. Яна қизалоққа қарадим. У кўғирчоқнинг ўзгинаси эди. Куралай кўзлари узун-узун киприклари орасидан порпираб турар, эгри қош, думалок юзлари оппок, фактак икки яноғи пушти лолани эслатар, қалин ва коп-кора соchlари битта қилиб ўрилганди. Микти жуссали, тўши хийла бўртиб колган, назаримда, у ёшига нисбатан анчагина бўла эди.

— Қатик оламизми, Тилаб?

Тилаб юзини очиб, ётган жойида қизалоққа тикилди.

— Ие, Ақидага ўхшайдими?..

— Синглисиман, — қизалоқ ерга қараб, сандалининг учларини бир-бирига ишқай бошлади.

Тилаб оёкларини пастга тушириб ўтириди-да, чойшаб билан ўранди. Лекин эгни яланғоч — хатто майкаси ҳам йўқ эди.

— Отингиз нима?

Қизалоқ ялт этиб Тилабга қаради ва шу заҳоти яна бошини эгди. Юзлари қизариб кетганди. Тилаб эса одатда росмана етилган қизларга қаратиладиган табассумли нигоҳини ҳамон ундан узмасди.

— Адолат.

— Энди ҳар куни сиз катик олиб келасизми?

— Ҳа, спам турмушга чикди...

Ортиқ сабрим чидамади. Биринчидан, останада қакқа-йиб туравериш нокулай туюлар, колаверса, Тилабнинг бе-одоблигига ғашим кела бошлади.

– Нима қиласизми, Тилаб, қатик оламизми?

– Ҳа, албатта-да, шундай қизнинг қатиғини олмасак бўладими?! Бирмас, иккита оламиз. Жуда шириндир-а, Адолат?

Мен «бас қиласизми, йўқми?», дегандай Тилабга қарадим, у хар қалай қайта ўраниб ётиб олди, лекин қизга хар куни катик олиб келиб туришини тайинлади.

Қиз кетди.

– Яхши иш қилмадингиз, Тилаб!

Тилаб юзини очди. Кўринниши жиддий тортганди.

– Тинчликми, Алишер? Бирон гуноҳ қилдимми?

– Уялмайсизми, а, ёш болага шунақа гаплар гапиргани?

– Нимаси ёш, тирсиллаб турибдию. Эскиларнинг гапини эшитмаганмисиз, дўппи ҳақидаги... – Тилаб кулимсиради.

– Эскиларни қўйинг-у, замонга яраша иш тутиш керак. Хар қалай, бўйга етмаган. Бети очилади. Яна бемалол яланғоч ўтирибсиз.

– Шу пайтгача бети очилмаган, деб ўйлайсизми? Ақиданинг синглиси-да.

– Мен Ақидангизни танимайман.

– Мен жуда яхши танийман. Умуман, сизга хайрон бўляпман, Алишер. Жуда ташвиш чекяпсиз, яхши кўриб колмадингизми, ишқилиб? – Тилаб ках-ках уриб кулиб юборди.

– Ҳазилнинг ўрни эмас, мен уйига айтиб борса нима бўлади, деб хавотирланяпман.

– Э, бегам бўлинг, айтмайди. Айтганда-чи? Шундай қизни ёткхонага – йигитларнинг уясига қатик сотиш учун юборган ота-онаси бунақа гаплар бўлишини билмайди, дейсизми?

– Албатта. Улар бизни ўқигани келишган, деб ўйлашади, қизларни айлантириш учун эмас...

– Вой-бўй, Алишер, жуда астойдилсиз-ку. Бунақа қиз-парварлигингизни билмаган эканман. Нима, бузокнинг ҳаки бор деб, сут ичмаслик керакми? Э, қўйинг-е. Кўрамиз хали ўзлариниям...

Мен Адолатни энди келмас, деб ўйловдим. Бирок эрта-

сига яна худди ўша пайтда эшикни чертди – кечагидан да-дилроқ чертди. Эшикни очишим билан совун, қатик, атирларнинг аралаш хиди диморимга урилди. Юзи кечагидан ҳам тиникроқ кўринар, соchlари силлиқ ва текис тараб ўрилган – яқиндагина бош ювгани сезилиб туради.

Адолат ҳар куни у хонадан чикиб, бунисига кириб юрар, хусни ҳам, тили ҳам кун сайин очилиб борарди. Албатта, бизнинг хонамиз олдида кўпроқ ўралашарди. Тилаб иккиси эшикнинг икки кесакисига суюнишганича узок-узок сұхбатлашиб туришарди. Бундай пайтларда одатда Тилаб фақат шалварда бўлар, аммо Адолат бундан заррача тортинасди. Мускуллари ўйнаб чиккан Тилабнинг келишган сумбати, қол-кора жингалак соchlари ва ҳамиша билинрабилинмас кулиб турувчи кўзлари, хуллас, жозибадор чехраси, хушомадлари қизалоқни ўзига ром қила бошлагани шубҳасиз эди.

Адолат секин-аста эшикни белгили чертадиган, кейин-кейин эса тақиилатмасдан, bemalol хонага кириб келаверадиган бўлди. Анчагача ишим бўлмай юрдим. Лекин бир куни Тилабнинг Адолатга ножўя кўл чўзаётганини кўриб колдим. Киз унинг билагига чирсиллатиб урди, бирок Тилаб бари бир уни чимчилашга уринарди. Бошқа бир куни хонага кирсан, Тилаб уни бурчакка қисиб, белидан гира солиб маҳкам қучоклаб олибди, киз бўлса, бошини орқага ташлаб, икки кафти билан Тилабнинг кўкрагидан итаргандча, катъиятсизгина юлқиняпти.

Гапиришга мажбур бўлдим. Ахир бирон кор-хол юз берса... Бошимиз балога қолиб кетади-ку! Унга жин урмаган тақдирдаям Тилабга қийин бўлади. Ёшлик килиб, эхтиросга бериляпти. Йўқ, олдини олиш керак!

Бирок Тилаб сўзларимга кўл силтаб кўя қолди.

– Биласизми, Алишер, унга тегажоғлик қилаётган битта мен эмас.

– Бошқаларни қўйинг. Мен сиз ҳакингизда гапирияпман. Ахир, виждон деган нарса бор...

– Виждон, ҳалоллик десангиз, яшаш жудаям зерикарли бўлиб кетади. Бунинг устига унга мен суркалаётганим йўқ. Ахир хушёқмаса, ўзини тортган бўларди. Кўряпсиз-ку, барибир кунда-шунда. Фунажин кўзини сузиб турса-ю, тескари қараб кетсак, унда қанака буқача бўлдик. Жа онаси ўрмаган киз бўлсаям бошқа гап эди. Албатта, сиз мен учун жон куйдиряпсиз, раҳмат, лекинbekорга ташвиш тортаяп-

сиз. Ҳеч нарса бўлмайди. Мана, Ақида тинчиб кетдию... Бунисидан ҳам баттар эди. Ўзи... уларнинг оиласи сал мунакарок. Ойиси шаллақи бир хотин. Қизларини мақтагани мақтаган. Аклли деб мактаса майли-я, чиройли, келишган, кетворган, деб мактайди. Ҳар замонда ўзиям ётотхонага келиб туради. Дадасиниям биламан. Пиёниста. Қўпинча бозорда кўраман. Халтасини кўлтиғига кисиб, курут сотиб юради.

Орадан анча вақт ўтди.

Дарсдан келсан, эшик ичидан берк. Тақиллатдим. Бир оздан кейин очилди. Тилабнинг каравотида ўтирган Адолат тўзиб кетган соchlарини хотиржам ўрарди. Саросимада қолдим. Тилаб ерга караганича, кулимсиради. Адолат мен томон бир караб кўйди-да, ўз ишида давом этди. Хижолат бўлмагани, тортинмагани майли-ку, мени менсимаётгани алам килди. «Йўкол!» деб юборишдан ўзимни аранг тийиб қолдим. Шу топда у кўзимга катта хотиндай кўриниб кетди, холбуки энди ўн олтига ўтаётган эди... Катта-катта кўзлари нурсизланган, қовоклари сўлишиб, барвакт етилган мучалари салқилангандай эди.

Оркамга қайтдим. Бир оз айланиб келганимда у кетган эди. Каравотга ўзимни ташладим-да, қўлларимни бошимнинг остига чирмаштириб, шифтга қараб ётдим. Тилаб нимадир демокчи бўлар, лекин ийманар, мазмунсиз тимиристиланарди. Охири бўлмади.

— Мени тўғри тушунинг, Алишер. Энди келмайди.

Дарҳақиқат, у йўқ бўлиб кетди.

\* \* \*

Бир куни трамвайдага бирор елкамга қаттиқ нўқиди.

— Ҳа, окаси, жигардан урдими, кўзингни узолмай қолдинг! Ё, умрингда киз кўрмаганмисан?

Сочлари елкасига тушган, така нусха мўйловли, аммо ўзи келишгангина барваста йигит менга ғазаб билан тикилиб туради. Аввалига ҳеч нимага тушунмадим. Унинг билагига осилиб олган, бўёклардан ранг-рўйи билинмай кетган жувонга кўзим тушгандан кейингина ўзимга келдим. Уни ё катикфурушга ўхшатдим ё чиндан ҳам ўшанинг ўзи эди.

Йигитнинг гапларидан факат «қиз...» деган сўзни англайдим, лекин бу сўз жудаям эриш эшитилди. Нимагадир хижолат бўлиб кетдим.

Сўнгги имтихонга тайёрланаётган эдик. Кимдир эшикни ийманибгина такиллатди. Очдим. Остонада ўн-ўн икки ёшлардаги қизалок кўлида таниш корзинка билан куралай кўзларини жовдиратиб турарди.

## ТАЪЦИҚ ЧИЗИГИ ёхуд ҚУШЛАР ХИЁНАТ ҚИЛМАЙДИ

(Рассом Обиджон БАКИРОВга баешланади)

Арслонбобнинг ям-яшил майса-япроқларга хукми ва заҳри унча ўтмайдиган саратони куз каби беозор, юракни яшнатадиган даражада мулойим бўлади. Ана шундай кунларнинг бирида сервикор, хайбатли қоя-тоғлар пойида зангори гулли улкан гиламдек товланиб, жилоланиб ётадиган бу шинам ва оромбахш водийнинг субхи содикдаги сўлим ҳолатларини полотнога туширмокчи бўлиб боргандим. Асосий ниятим Катта шаршара йўлида туриб, пастдаги куюқ дарахтзорлар куршовида ястаниб ётган Арслонбоб қишлоғини чизиш эди. Бу жойни бултур кўз тагига олиб, янаги йилга албатта келаман. Худо хоҳласа, деб дилимга туғиб қайтган эдим.

Манзара чиндан хам ажойиб, бизнинг тилимиз билан айтганда ҳақиқий картина боп эди. Катта шаршара томондан – Арслонбоб ота қоялари орасидан улкан машъаладек кўтарилиб келаётган қуёшнинг оч қизил нурлари кишлок устидан майнин шуълаларини сепиб ўтиб, кун ботишдаги тик тепаликнинг сертош ён бағрига уриларди-да, теварак-атрофга фавворадай парчаланиб кетарди.

Бу ердан Арслонбобнинг хамма томони, хусусан мен ранг-тасвирга туширмокчи бўлган куйи кисми кафтдагидай кўриниб турарди. Иккинчидан, Катта шаршаранинг бир оҳангда бўғик гувиллаб эшитилиши асабларимга ором ва илхом берарди. Кейин, мен баъзилардай хонада ё овлок бир маконда биқиниб олишни ёқтирмайман, аксинча, очик, гавжум жойда, одамлар орасида ишлашни, ижод қилишни хуш кўраман. Чунки, асосий ишдан чарчаган чоғларимда ўзимни чалғитиш, янгиланиб олиш, куч-куват тўплаш учун ўтган-кетгандарнинг суратларини шарт-шурт чиза бошлайман. Бунақа пайтда бир зумда атрофимга одамлар

тўпланиб, мени ўраб олишади. Айниқса, қизлар кўп жойда. «Мени чизинг», «мени чизинг», деб оралардан қисилиб ўтиб, менга яқин келишга ҳаракат қилишади. Шунақа дамларда тезкорлик жуда иш беради. Хайриятки, менда шу хусусиятдан кўп бўлмаса-да, ҳарқалай бор. Қўлим-қўлимга тегмайди. Тўғриси, бунақа йўл-йўлакай коралама сурат чизиб ташлаш мен учун чўт эмас. Кампир шафтолининг дагнини ажратгунча бир нечтасини ясаб ташлайман. Энг муҳими, бундай машқ учун кўзнинг кири ўткиру, бармоқлар чақкон бўлиши керак. Бунда мўйқаламни омонат тутиб, ўз йўналишига қўйиб берилади. Лекин оширич чизиладими, бошқами, энг муҳими, сурат эгасига ўхшаши шарт. Бунинг учун узок йиллик тажриба, малака бўлиши лозим рассомда.

Ўша куни мен асосий ишимни яримлатиб, дам олиш ва эрмак учун югутирма қораламалар чизаётган эдим. Одатдагидай атрофимда йигитлар, катталардан кўра болалар ва қизлар кўп эди.

Мен беш-олти дақиқада бир кораламани эгасига тутиб, эвазига ундан факат қоғоз пули олардим холос.

Корамтири-қизғиши соchlари ўн тўккизинчи аср урфи бўйича қўнғироқ қилиниб, елкаларига ташланган, кўзлари ёқимли кўкимтири, юzlари оппоқ, йигирма етти-йигирма саккиз ёшлардаги жувон тўда орасини ёриб ўтди-да, рўпарамда кани бир маҳоратингизни кўрсатинг-чи, дегандай жилмайиб туриб олди. Мен ҳам уни беихтиёр чиза бошладим. Сизга суратини чиздираётган кимсанинг алоҳида кўзга ташланиб турадиган, тўғрироғи рассом эътиборини жалб этадиган бир жиҳати бўлса иш янада тез кетади. Бармоқларим шитоб ҳаракатдан тўхтамаган холда, кўзларим аёлни астойдил кузата бошлади ва унинг нигоҳларига рўпара келганда ўзини четга олди, дош беролмади. Жувоннинг корачигларида ўчмас табассум ва кишини довдиратиб қўядиган, хижолатга соладиган сехр бор эди, у: кўнглингдагини сезиб турибман, эҳтиёт бўл ва ҳаддингдан ошма, дейдиган кўзлардан бўлиб, одамни сергаклантирап ва иккилантирапди. Бу тоифа корачиглар гавҳари ҳар қанча фаму мусибатни ўз қаърига ютиб, шодликка айлантириб беради ва кўрсатади. Уларнинг асл холати ва моҳиятини кўзнинг туб-тубигача пайпаслаб кўра оладиган шуургина пайкаши мумкин холос. Бундай кўзларни оддий мойбўёқ ва мўйқаламнинг ўзи билангина ифодалаш мушкул, уларга

жигар конидан, десам лоф бўлару ҳарқалай кўз нури ва юрак кўридан анчагина қўшилиши керак.

Мен шу хилда оёқда туриб чизиладиган кораламаларга нисбатан ортикрок вакт сарфладим. Ёқимтой кўзларни кўнглимдагидай чикара олмадиму, аёлнинг сиймосини ҳар нечук анча ўхшатдим.

Жувон расмни олиб, раҳмат айтиб кетди. Тўғриси, ке-йин мен уни икки-уч бор (унга ўхшаброқ кетадиган аёлларни кўрганда) эсладиму маҳсус ўйлаб ўтирамадим. Бизнинг соҳадагиларга ундан ҳам келишган, ундан ҳам чиройли киз-аёллар кўп учрайди. Қолаверса, худди шу борада рас-сомлик санъати ҳам шифокорликка ўхшаб кетади: рўпаран-гизда бўйни, бели, қўл-оёклари толиб, сиз айтган холатларда соатлаб тик турадиган ё ўтирадиган одамга, хусусан аёл кишига олижаноб касбингиз туфайли сизга иши тушган мижоз сифатида қарашингиз керак. У ҳатто яланғоч бўлса ҳам. Мабодо ёввойи эҳтиросларингиз гўзаллик қаршисида жўш уриб, кўнглингиз суст кетган тақдирда ҳам ўзингизни тия олишингиз, бебош туйғуларингизни жиловлай били-шингиз шарт. Акс ҳолда олло томонидан иноят этилган бу касб сизга харомдир. Шундай қилиб, мағриблик бу сохиб-жамол аёлни ҳам бошқалар катори унутиб юборган эдим. Тахминан уч-тўрт кундан кейин бирдан яна қаршимда пайдо бўлиб колди. У одамлардан четроқда менинг машғулотимни жимгина, ўша мен таърифлаган нигоҳлари билан кузатиб турганига кўзим тушиб колди. Унинг расм чиздириш ҳавасмандларининг камайишини, менга нимадир демоқчилигини сезиш қийин эмас эди. Бу ҳам таниш ҳолат: суратини ҳафсала билан, каттароқ, яхшироқ ишлаб беришимни илтимос қиласи.

Нигоҳларимиз беихтиёр саломлашди. Гўзал аёл маҳтал бўлиб кутаётганини сезган эркакда ғурур деган бир коранда туйғу ўзлигини намоён этгиси келиб колади... Мен машғулотимни шошилмай давом эттиравердим. Вакт кечикиб, намозгарга яқинлашиб қолганлиги учун одамлар сийрак эди. Сўнгги ҳавасмандни ҳам чизиб битирдим-да, этюд-нигимни йиғиштира бошладим. Биринчи бўлиб менда ишингиз бормиди, дейишни ўзимга эп билмай турувдим, аёл ўзи яқинлашиб, салом берди. Мен алик олиб, унинг кўзларига саволомуз қарадим.

— Мени суратимни... қийимсиз чизиб беролмайсизми?— деди жувон худди бирор эшишиб коладигандек шивирлаб.

Тўғриси, бундай кутилмаган таклиф ногаҳонда бир

бўлади. Лекин боя айтганимдай, табибга ўхшаб, биз ҳам ўз касбимизга дахлдор илтимосни рад этмаслигимиз керак.

— Майли. Ҳозирми? — дедим қизиқчилик учун этюдникни қайта очмоққа тутиниб. Аёл кулиб юборди.

— Зўрға турасиз экан-да.

— Менга иши тушган одамнинг хожатини дарров чикарсам дейман.

— Ў, саҳоват пешаман, дэнг.

— Ҳаммагаяммас. Сиздай сохибжамоллар бунақа илтинос билан камдан-кам мурожаат килишади. Қолаверса, мен ўз соҳамни жуда яхши кўраман.

— Кеч бўлиб қолди-ку, — деди менинг ҳазиллаштаётганим ё жиддий гапираётганимни англашга қийналган жувон саросималаниб.

Менинг эса шайтоним кўзиб қолган эди.

— Кечки шафакда аёл кишининг бадани янада жилоланиб, жозибали бўлиб кўринади, — дедим ярмидан кўпроғи тоғ ортига беркиниб улгурган, бир карч тарвуздай қипқизариб турган күёш томонга ишора қилиб.

— Ҳарқалай, ҳозир эмас, кейин, албатта, бунака, кўчадаяммас... — деди мижозим жиддийлашиб.

Лекин, ажабки, унинг ўзи, сўзи жиддийлашса-да, кўзи кулиб туради.

— Яхши, буюринг хоним, качон, қаерга? — мен шундай деб дўпнимни кўлга олиб, фарбча таъзим килдим. Аммо, бу килиғимнинг беўхшов чиккани ва ўзимга ярашмаганини сезиб кулиб юбордим. Жувон кулмади.

— Эртага. Мен турбазада турман, — деди у боши билан йўлнинг юкори томонига имо қилиб. — Еттинчи хона. Факат, мавридини сиз белгиласангиз... Сурат кайси маҳалда яхши чиқади — ўзингиз биласиз... Исмим Вера.

Менинг ёдимга лоп этиб Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» асари тушди. Рўмоннинг шикаста дили оташин муҳабатга тўла қаҳрамони Вера билан каршимда турган паривашни хаёлан қиёслай бошладим ва чиндан ҳам уларнинг ташка кўринишларида, биринчи галда ложувард кўзларида бир қадар ўхшашликлар топгандай бўлдим. Лермонтов Вераси эрига вафосиз бўлса-да, ўз суйганига, севгига садоқатнинг ажойиб тимсолидир. Бу Верани эса... билмадим. Нигоҳлардан инсон қалбини, бутун номай аъмолларини укиш, унинг тақдирни ва келажаги ҳақида башорат қилиш менинг кўлимдан келмайди.

Мен эрталаб асосий ишим — тонгти Арслонбоб кўри-

нишларини чизишни давом эттиришим зарур эди. Пешиндан кейинга, соат тўртга ваъдалашдик.

Эртасига келишилган вактда этюдникни кўлтиклаб, турбаза томон кетар эканман, тўғриси, онгимда турли қарама-қарши фикрлар, мулоҳазалар ўзаро жанг қиларди.

Одам боласи шунинг учун ҳам фаришта бўлолмайдики, у кўзга ўқловдай ташланиб турмайдиган, аксинча саробдай жимиirlаб, мўлжалдан чалритадиган таъкиқ чизирини билибми, билмайми, хоҳлабми, хоҳламайми, босиб қўйганинигоҳи ўзи ҳам пайқамай қолади.

Мен кечаги пойма-пой ҳазилларимни эслаб, ўнрайсизландим. Нима деб ўйладийкин? Қандай тушундийкин?.. Нотаниш, синалмаган аёлга суюқ эркаклардай муомала килганимдан уялдим, хижолат бўлиб кетдим. Бўлар бўлмасга тилимнинг боричи ечилиб кетавермас эди, хайронман, кеча нимага ўзимни бунчалик бўш қўйиб юбордим. Ҳойнахой бунга асосан жувоннинг дадил бокувчи ва дадилликка ундовчи шўх кўзлари, сухбатга тез киришиб кетадиган феъли очиклиги сабаб бўлди шекилли. Кейин менда гарб аёллари ҳар қанча ҳазилни кўтараверади, деган тушунча бор.

Менга Веранинг таклифи, ҳатто ўзи ҳам негадир сирли туюла бошлади. Унга ялангоч сурат чиздириш нега керак бўлиб колдийкин? Уйига олиб бориб эри, болаларига қандай кўрсатади? Ё яшириб ўзи кўриб юармикин? Ё бирорга совға қиласмикин? Йўғ-э... Ё ҳеч кими, тергайдиган, койийдиган одами йўқмикин? Сўккабош, бевамикин? Шундай келишган, рисоладагидай аёл-а... Наҳотки фарзандлариям бўлмаса?.. Бадани жуда чиройлимикин? Шундай бўлган тақдирдаям, кимга кўз-кўзлайди, ўзигами?.. Одатда расм чизишга кийимсиз туриб берадиганларга ҳақ тўланади... Узоқдан келган бўлса, пулга зориқиб колдимикин?.. Бунақаяммасдир. Кийимлари кетворган, бўйнида йўғон олтин занжир. Ё нияти бошқачароқмикин?..

Мен ўзимнинг таъкиқ чизигига яқинлашиб қолаётганимни бирдан сезиб қолдим. Фикримни чалғитиши ва турли бўлмағур хаёлларни кувиш учун «Астағфурулло»ни такрор-такрор айтиб, кадамимни тезлатдим. Дарвоке, ялангоч расмини чиздириш учун ўз хонасига таклиф килиш ходисаси менинг хаётимда биринчи марта содир бўлмокда эди. Ёш, жонон бир аёл бўлса... хом сут эмган банданинг таъмагир кўнглидан нималар кечмайди, дейсиз.

Еттинчи хона эшигини тақиллатдим. Эшик дарҳол

очилди ва останада Вера кўринди. Саломлашгач, «мен, хозир...» деди-да, эшикни ёпиб кириб кетди. Уч-тўрт дақиқадан кейин яна останада пайдо бўлди.

Вера етовида кичкинагина даҳлииздан ўтиб, чоғроккина хонага кирдик. Хона жихозлари турбазанинг ўзи каби камтарона, яъни гаригина эди: рўпарада бир кишилик каравот, унинг бош томонида, дераза тагида тумба ва пойгак тарафда бир жуфт суюнчили оддий курси бор эди холос. Бўёклари кўча бошлаган пол эса шил-шийдам эди.

Тумба ёнида дераза рафига оркаси билан суюниб турган бўйчан ва хипча, буғдой юзли, тундгина киз мен билан қандайдир лаҳжада – ўзбекча билан тожикча аралаш шевада чучмалгина саломлашувди, ҳайрон бўлдим, мен уни ўзбек деб ўйловдим.

– Танишинглар, Фарида, – деди Вера менга одатича боши билан киз томонга имо қилиб.

Табиийки, бу ерда таомил оврўпача эди: чой-пойга таклиф, деган маънода. Албатта мен ранжимадим ва дархол ишга киришиш учун этюдникни тумба устига кўйиб, ундан короз, мўйкаламни олдим. Курсиларнинг бирини Верага, иккинчисини ўзимга мўлжаллаб кўйдим.

– Ўтиринг, – буюрдим Верага. У мен кўрсатган курсига ўтирди. Мен ҳам жойлашиб, альбомни тиззамга кўйдим.

Фарида (мен кўз кирида кузатиб турдим) сассиз юриб халати билан каравотга чиқди, деворга караб (бизга орка қилиб) ётди-да, чойшабга ўраниб олди.

«Коровул», – деб кўйдим ичимда.

Мен Вера боя халат кийиб чиққанида кўйлагу бошка ич кийимларини ечиб кўйган бўлса керак, мана хозир халатни шундок елкасидан туширса, бас... деб ўйладим. Вера назаримда менинг буйруғимни кутиб ўтиради. Чиндан ҳам, «кани халатни ечмайсизми», дейишга тўғри келди.

Вера халатни охиста ечди-да, уялгансимон бошини эгиб, кўлларини ёнига туширди.

У қип-яланғоч эмас эди: эгнида чўмилганда кийиладиган, баданидай оппок либос бор эди. Нимага энди пляждада ишлатиладиган матони хонада тутиб олдийкин? Ё анча иболи экан, деб ўйласин, дедимикин.

– Анавиларниям ечасизми? – сўрадим ўзимни сипо тутишга ҳаракат қилиб. Кап-катта кизнинг пойлокчиликка ёлланиши, Веранинг ўзи яланғоч суратимни чизиб беринг, дея илтимос қилиб, бундай чала ечиниб ўтириши... мени калака килишаётгандай туюлди. Мен, албатта масалага

касб, санъат нуктаи назаридан ёндошган ҳолда ўйлаяпман. – Фурсатни ўтказмайлик, сизга икки соат вакт ажратганман, холос, – деб писанда қилиб қўйдим.

– Шундай чизаверинг, уяламан, – деди Вера менга ботинмайгина караб.

Дарҳақикат, оппоқ тиник елкалар ва тирсак юкорисидаги мускуллар, бежирим болдириларнинг мутаносиблиги, бўйин остининг кенг ва латифлиги жувоннинг келишган, жозибали бадани ҳакида бир қадар тасаввур уйғорарди. Лекин чизиладиган нарса ё инсон, айниқса натурадан нусха кўчирилаётганда, қайси ҳолат ё қиёфадалигидан қатъи назар, аслига мумкин қадар монанд чикмоғи учун тасаввур жуда аник бўлмоғи, бунинг учун эса ўша нарса, қиёфа ё вужудни ниҳоятда синчковлик билан кузатиб ўрганмоклик, гўё аҳамиятсиздай туюлган ҳар бир белги, дод ё ҳолнинг ҳажми, шакли-шамойилию туслигача эътибордан кочирмаслик лозим. Бу рассомлик санъатининг бош талабларидан бири.

Айни дақиқаларда рассомлик нуктаи назариданми ё шунчаки йигит киши сифатидами, Веранинг баданини тўларок, очикроқ кўргим келаётган эди. Вера ўзига яраша ўжар экан. Қолаверса, кўнглига чиндан ҳам бошқа хаёл келмасин деб ортиқча қистамадим. Ахир расмини қанақа ҳолатда чиздириш ўзининг ихтиёри-да. Менинг вазифам мижознинг кўнглига қарамок, буюртмасини адо этмоқдан иборат.

Расмбоп ҳолатни вужудга келтириб олиш ҳам анча инжик, машаққатли юмуш. Бу борада фотосураткашлардан қолишмаймиз: мижознинг бўртиб кўринадиган ўзига хос аъзо ё белгисини, жиҳатини топиб олиш зарур. Исталган бу нукта (деразадан тушаётган ёруслик ҳам айнан ана шу жойни ёритиб туриши керак) қайси томондан аникроқ, яхширок кўринади – рўпараданми, чап ёнбошданми ё ўнг тарафданми – худди жоду қилаётган сеҳргардай мижознинг атрофидан бир неча марта айланиб юборасиз. Мижозингиз сизга жовдираб, амрингизга мунтазир бўлиб қараб туради. Уни ўз ҳолига кўймайсиз:

– Мускулларингизни бўшаштириб, эркин ўтиринг, курсининг чеккарогига жилинг, чап оёғингизни ўнг оёғингиз устига қўйинг, йўқ, ундаи эмас, болдиридан пастрокқа, тўпиқ устига, ха, ана шундай... тиззаларингиз ёнма-ён, текис, лекин ораси бир кафт сиккудай очик турсин, бошингизни хиёл орқага ташлаб, соchlарингизни бир силкиб юбо-

ринг, иягингиз, кўкрагингизни сал олдинга чикаринг, чап қўлингизни ёнбошингизга тушириб, орқароқка, яна жиндай, курси четига омонат муштча қилиб қўйиб олинг. Гавдангизнинг белингиздан тепа қисмини ўнгга нимчорак ўти-ринг, кўзингиз менда турсин. Яхши. Мана шу холатда ўтирасиз. Гапириш мумкин, лекин вазиятни бузмасдан...

Ишга тушиб кетдим. Хона жимжит. Мўйқаламнинг опоқ қоғоз юзига беозоргина суркалишидан чикаётган овоз бор холос.

Фарида дегани ўша ётганича миқ этмасди. Ҳатто нафас олганиям эшитилмайди. Назаримда бизнинг гапларимизни жон кулори билан тинглаб, тингшаб ётарди.

Мен жувон расмини чизишга астойдил киришдим, деб ўйладиму, лекин негадир бутун шууриму вужудим билан берилиб кетолмаётганимни сезиб турадим. Нимадир етишмаётганга ўхшарди. Кўзларимга чўмилиш либоси парда янглиғ урилиб, хаёлимни чалғитар, шунданми, илҳом паримнинг қовоғи солик, унинг кўринмас, нозик бармокчалири қаламимни тутиб колаётгандек эди. Мен нимагадир бу соҳибжамол аёлда кандайдир сир бўлса керак, деб ўйлардим.

Ҳаркалай, ўша парда тўсилган жойга етганда тўхтаб, жувонга караб кулимсирадим.

— Менга каранг, Вера, сиз вужудингизнинг энг гўзал, энг жозибали бўлagini, рассом учун энг муҳим қисмини яшириб ўтирибсиз. Бу билан сиз мени бир санъаткор сифатида, қанчалар хузур-халоватдан, иштиёкли илҳомдан бенасиб қилаётганингизни қўйиб турайлик-да, масалага жиддий ёндошайлик. Ахир сизнинг келишган қоматингизни, суксурдай баданингизни имкони борича, қобилиятим етганича мукаммалрок, чиройлироқ қилиб чизишим керакку. Мени сираям ичим чиқмаяпти. Биз рассомларнинг бурчимиз — гўзалликни тўла-тўқис кўрсатиш... Бунака чалалярим ижод менга ёқмайди.

Вера янада ширин жилмайиб, киши дилига озор бермайдиган бир мулойимлик билан бош чайқади.

Энди қаттикрок ҳужумга ўтишга карор қилдим. Ростдан ҳам, агар жувон мен айтгандай турса яхши бир асар яралиб қоладигандай туюлиб, шу туйғу менга тинчлик бермай қўйган эди. Мен анави, ўликдай гумдон бўлиб, тўғрироғи жосусдай писиб ётган қўрикчидан андиша киляптими ё ҳадиксираяптими, деб ўйладим ва ёмон ниятим йўклигини англатиб қўйиш керак шекилли, деган фикрга келдим.

— Сиз ўйламангки... Мен рассомман, — дедим овозимни атай сал күтариб, — сиздәкаларни күп күрганман, уларга күниги кетганман. Назарим анча түк. Сизни ўзингиздан күра, ўша, яшириб турган жисмингиздан күра менга чизаётган расмим мухимрок. Сизнинг танангиз менга бир натура сифатида керак холос... — Шундай дейишга деяпману, менинг ғарб жентелменларига нохос дағал, думбул гапларим, хали мен билан сирдош бўлмаган навжувон, ғурурли бу аёлнинг иззат-нафсини оғритмаяптимикин, деган иштибоҳ кўнглимдан ўтятпи. Лекин энди ортга чекиниш ҳам мумкин эмас, мен учун бу субутсизлик, тилёвламалик бўларди.

— Колаверса, — деб давом этдим, — мен сўраганим йўқ, ўзингиз илтимос қилдингиз. Мени бошка ишларим ҳам кўп эди. Бунака дарди ҳалила суратларни чўмилиш соҳилларида истаганча чизишим мумкин.

— Эрим ўлдиради мени, — деди жувон шивирлаб. Овозининг эркаланувчи оҳангидан ранжимаганини пайкаш мумкин эди.

— Эрингиз борми? — сўрадим мен ҳам паст товушда.

— Бу ёкларда сандираклаб юришимдан боши очик бўлса керак, деб ўйловдингизми?

— Сизни эркин қушга ўхшатувдим.

— Ҳар қандай эркин қушнинг ҳам ини, жуфти бўлади. Лекин қушлар хиёнат қилмайди.

— Ҳаммаси эмас... Қанака кушлигига боғлик. Кейин сурат чиздириш хиёнатта кирмайди ҳам.

— Бегона эркакка яланғоч баданини кўрсатиш хиёнат масми? Сизлар номаҳрам дейсизларми?

— Менимча бу кўнгилга, ниятга боғлик.

— Ўзингизниям, мениям кўнглимиз, ниятимиз тўғрилигига имонингиз комилми?

Мен бир лаҳза иккиланиб қолдим. Ўзим учун-ку жавоб беришим мумкин, лекин танимаган, синамаган бу жувоннинг ниятию кўнглини қаёқдан билай... йўқ, дейиш яна кизик...

— Мен рассомман. Ҳамма нарсага санъат нуктаи назаридан қарайман.

Вера секин «пик» этиб кулди.

— Бир гап келдию, айтсан хафа бўласиз-да...

— Айтаверинг, хафа бўлсан нима? Сиз билан кейин кўришамизми, йўқми...

— Аёлларга ҳам ҳамиша шу нүктай назар билан қарайсизми, демоқчыйдим.

Мен у дилидагидан бошқачароқ гап айтди-ёв, деб ўйладым.

Жавобга хайрон бўлиб турувдим, ахволимни сезди шекилли, гапни бурди:

— Тасаввур килиб чизавермайсизми...

Демак, у анча бўшашибди.

— Тасаввур килиб чизишим мумкин, лекин унда умумий — ҳамма катори бўлиб қолади, — тушунтира бошладим оҳиста, хотиржамлик билан, айни чокда ташаббусни кўлдан бермаслик учун. — Сизнинг расминги, яъни вужудингиз бошқаларникига ўҳшамайдиган бўлиши керак... Аслидаям шундай... Ақалли бир кўриб қўйсан ҳам майли, — дедим талабни вазиятнинг йўналишига қараб юмшатиб.

Кейин мен эсимга тушса, ўшанда нима хаёл билан жувонни шунча кистаб туриб олдим-а? Факат расмини чизиш учунмиди... деб анчагача хижолат бўлиб юрдим.

— Жуда ўжар одам экансиз, — деди Вера кўлларини елкасига олиб бораркан.

— Мен рассом сифатида қайсарлик қиляпман холос, ўз ижодимнинг яхши чиқиши учун ташвиш чекиши — бурчим.

Вера иккilanгандай яна тўхтаб қолди ва бирров каравотга қаради.

Дарвоқе, пойлокчи аллақачон донг котиб ухлаб қолган, устидаги кўрпа сирғалиб, ярми пастга тушиб кетган эди. Қалин қора соchlари ингичка бўйнига ўралиб қолганди. У ёқимсиз пишиллаб, қийналиб нафас оларди: мўъжазгина бурун катакларининг торайиб-кенгайиши шундоккина кўриниб турарди. Буям етмагандай, бояқиши қошиқдайгина оғиздан ҳам ҳаво тортарди. Бурни ичида ўсма бўлса керак... Ўриндаги ҳолати, киёфаси файзсиз бу жононча, афтидан, куш уйқу эмас, тош уйқучилар тоифасига мансуб эди.

Вера енгил бир ҳаракат билан либос боричларини елкаларидан салгина туширди, менинг нигоҳим керакли манзара ва тусни илғаб улгурмай, яна қўллар кўтарилиб, боричлар жойига илинди. Ҳарқалай тасаввурим озгина бўлса-да, ойдинлашди-ку, деб таскин бердим ўзимга.

Инсон боласи, хусусан санъаткор бокираликини улуғлайди, орзу қиласи, лекин баъзан ўз эътиқодига қарши бориб, билибми, билмайми бокира бўлмаган нарсаларга ҳам талпинаверади. Мен бу гапларни ҳозирги вазиятдан

келиб чиқиб эмас, умуман айтяпман? Кораламани тугатдим. Лекин барибир ундан күнглим тўлмади. Мен буни бошдан фикр-хәёлни бир жойга жамлаб ишлолмаганимдан, орада бир неча бор чалғиганим, кайфиятим торларининг созидан чиқиб кетганидан ва тасаввуримнинг чалалигидан кўрдим. Колаверса, либос ёпиб турган бошқа жойларни, хусусан инсон танасини тўлақонли кўрсатадиган бел, киндик атрофларини хам хаёлан чизган эдим.

— Мана, — дедим суратни Верага кўрсатиб. — Имоним комилки, қоғозга хусну малоҳатингизнинг эллик фойизи хам тушмади. Мен сизни худди парда оркасида туриб чизгандай бўлдим.

Шу пайт каравот ғичирлаб қолди.

— Менимча ёмон эмас, — деди аллақачон ҳалатни елкасига ташлаб улгурган Вера суратни қўлига олиб ўз аксига бир қадар хижолат бўлиб боқаркан, — ичингиз чикмаган бўлса, кейин давом эттирамиз, — деб қўшиб кўйди қарийб ғичирлаб, энди гапниям бас қиласлик, деган маънода.

Мен ашкол-дашқолларимни йиғишира бошладим.

— Расмни қолдираими ё олиб кетаверайми?

— Билмадим...

— Олиб кетаколай, яна анча-мунча ишлов берарман.

— Майлингиз.

Тезгина хайрлашиб, ташқарига чиқдиму, эркин нафас олдим. Тор, кун яхши тушмайдиган хонада қадалиб ўтиравериб диккинафас бўлиб кетган эканман.

Йўл-йўлакай ўйлаб боряпман: икки соат оғзидан нафас олиб, тош котиб ухлаган «қоровул», Веранинг эри, қушлар ҳақидаги гаплари, ўзи илтимос қилиб, яна ечинишга тарҳашлик қилишларида қандайдир сир бўлиши керак, деган тахмин онгимга ўринашиб улгурган эди. Ана шу фараз боисми, бошқа сабабми, турбазанинг еттинчи хонасида нотайин бир илинжим колиб кетганга ўхшаб туюларди.

Таъқиқ чизигини босиб қўймадимми, деган хавотир эса кўнглимни ғаш қиласарди. Мен рассомман, мен фактат ижод қиласман, санъат асари яратаман. Аёл эса, мени хонасига расмини чиздириш учун таклиф қилган холос. Мен рассомман, тамом, бошқа ҳеч қандай гап ё хаёл бўлиши мумкин эмас, дердим ичимда қайта-қайта...

Мана шундай вазиятларда гоҳо била туриб таъқиқ чизигини босиб ўтишга тўғри келиб қолади: кийимсиз но маҳрам аёлга назар солмоқликнинг ўзи гунохи азим. Лекин холис ният, касб тақозоси билан бўлса... Тўғриси, бу жуда

мураккаб ва машаққатли жараён, ўзаро ички беомон курашлар жараёни. Эркак зоти хар қанча қатъиятли, тақводор, холис ниятли, кўравериб кўзи кўнинккан бўлмасин, касби тақозоси биланми, бошками, аёл кишининг, тангри томонидан буюк бир сехрли ва сирли мўъжиза сифатида яратилган бу гўзал мавжудотнинг нафис вужудига нигохи тушган лаҳзаларда хаёлининг кай бир бурчидаги ўзи истамаган ножоиз, тийиқсиз бир иштиёқми, ҳавасми гимирлаб колиши эхтимол. Бундай саросимали ҳолатдан ўзни бутунлай узок ва холи хисобламоқлик ҳакиқатга бирмунча хилофдир. Инсон онгига, акли-идрокига бўйсунмайдиган хиссиёт деган олифта, кажбахс бир туйғу борким, у саратонда харсангни ёриб чикқан ажриқдан ҳам жангариrok, кудратлироқдир ва ҳар бир хужайра, ҳар бир томирни селпиб ўтиши мумкин. Исломда аёлларга бадани, ҳатто билагини очиб юриши бекорга ман этилмаган. Ҳар қандай савобу гуноҳ ишларнинг, эзгулигу ёвузликларнинг, муҳаббату нафратнинг ташаббускори ва тарғиботчиси энг аввало кўз, кейин сўздир.

Ўша яширин, тизгинсиз кучга, асов ғалаёнга бас келмоқлик, олишувда поклик ҳимоячиси ирова ва имоннинг роилиб чиқмоғи, бу – бошқа гап.

Аксарият рассомлар бундай қалтис, таранг аҳволга, менимча, аёл ечина бошлаган ғулувли чоғда тушади ю кўлидаги мўйкаlam харакатга келгач, гирдобдан чикиб, хушига, ўзлигига қайтади ва енгил тин олади (назаримда уни навбатдаги гуноҳга кўйилажак кадамдан илохий куч асрайди). Одатда бундай пайтга нисбатан «имони устун келди» деган ибора ҳам қўлланади. Бу баҳсталаб таъбирни ўйлаб кўриш керак: имонли дегани, ҳарқалай, ҳамма нарсадан тақво килмоқ, чекинмоқ дегани эмасдир. Ахир эркагона фурур, йигитча шиддат деган тушунчалар ҳам бор... Албатта, булар менинг шахсий мулоҳазаларим...

Ижара уйимда Веранинг ярим яланроҷ суратини мойбўёқда катта көғозга кўчиришга харакат килиб кўрдим. Лекин, бу иш ҳали чала, деган ҳардамхаёллик иштиёқни бўғиб туради. Қанча уринсам ҳам бу фикр миямдан хеч чиқмасдан туриб олди. Бошлишга бошладиму, қўлим ўзидан-ўзи тўхтаб қолаверди. Шундан кейин кораламанинг ўзига қайта ишлов беришга киришдим. Либосли жойлардан юкори ва куйи қисмларни анча эпақага келтириб кўйдим. Либос ўрнини ишлашга жўрттагами, қайсарлигим тутибми, хафсала қилмадим, қўлим ҳам бормади.

Тұғрирори, мен гүё мұраккаб сюжетли хаёлий бир кисса үқиётган әдиму, қизик жойида тұхтаб қолдим. Асарнинг давоми, хотимаси фавқулодда ғаройиб, кишини кучли хаяжонга соладиган вөкөа билан тугаши керак...

Белгиланған вактда яна турбазанинг еттинчи хонаси әшигини қоқдим. Эшик бир оз хаял билан очилди. Верани күриб күзларимга ишонгим келмади: унинг юzlари оловдай ловуллар, үзига обдан оро бергани шундокқина сезилиб турарди: қош-күзларини бежирим килиб корага бүяған, бу ранг оппок юзи ва каштан тусли соchlари билан ғалати, юракни жизиллатадиган үйғунлик касб этиб, аёлнинг хуснiga хусн қўшиб юборган әди. Ундан қимматбаҳо шириң атири хиди гупиллаб уфуарарди. Эгнидаги, ўтган галгидан бошка, сағсар гулли, таги ҳаво ранг ҳалат жуда ҳам яратшиб, уни яшнатиб, ёшартириб турарди.

Хонага киргач, ҳайратим яна ортди: мұъжазгина столга (уни қўшнилардан олиб чиккан бўлса керак) камтарона, лекин шинам дастурхон тузалган әди. Қизил олма, төғ ёнғоғи, қуртоб... қискаси Арслонбобнинг мева-чевалари... Ўртада бир шиша конъяк ҳам бор әди. (Ўтган сафаргининг хиссасини чиқармоқчи экан-да, деб кўнглимдан ўтказдим.) Стол ёнига рўпарама-рўпара иккита курси кўйилганидан дастурхоннинг бир жуфт одамга мўлжаллангани аён әди.

— Ўтиргинг, — Вера мени тўридаги курсига таклиф қилди. Унинг лабларию кўзларида хуррак бир табассум жилва киларди.

— Нима муносабат билан? — сўрадим ўтира туриб.

— Бугун менинг тугилган куним.

— Табриклайман, — дедим жойимдан қайта қўзғолиб, ноз-неъматлар оша Верага кўл узатиб. — Ўтган гал айтмабисиз. Курук келибман.

— Чизган расмингиз энг катта совға... Манави шишани очамизми?

— Очамиз, — мен конъякни шитоб очдим-да, иккита пиёлага булбулнинг кўз ёшидай қуйиб, бирини жувонга узатдим.

— Бахтингиз учун. Гўзаллик сизни умрбод тарк этмасин...

Тилимга шундан бошка сўз келмади.

— Яхши тилагингиз учун ташаккур, — бosh иргади Вера.

Мен қадаҳни лабимга теккизиб, қўйиб қўйдим.

— Ичмайсизми? — сўради Вера ҳайрон бўлиб, кейин кулимсираб давом этди: — ё оқидан кетармиди?

- Йўқ, мен асли ичмайман, чекмайман...
- Учинчисиям кўшилса, фаришта бўласиз-кўясиз экан... Уэр, хазил... Ичмасангиз қандай илхом келади? Ижодкорларнинг аксарияти хуш кўришади-ку буни?
- Мен илхомни сизга ўхшаган соҳибжамоллардан оламан.
- Кийимсиз ҳолатдами? — мугомбирона жилмайди аёл.
- Иккала ҳолатдаям, — жавоб бердим киёфамдаги жиддиятни ўзгартирмай. — Айтгандай, шахсий коровулингиз кўринмайди?
- Жувон мен учратгандан бери биринчи марта шараклаб, садаф тишларини (орасида бир-иккита тилласиям ярк этиб кетди) кўрсатиб кулди.
- Ким айтди уни сизга мени коровулим, деб?..
- Айрим вокеа-ходисалар изоҳсиз ҳам англашилаверади, — дедим совуккина ва аёлнинг ажабланишига парво килмагандай, маъдан сувдан хўпладим.
- Ҳушёр экансиз, — таслим бўлди Вера.
- Буни билишга хушёргликнинг хожати йўқ, энг ибтидоий фаҳмдан бир чимдим бўлса кифоя, — дедим қўлим баланд келаётганидан ҳаволаниб. Фалабани мустаҳкамлаш учун яна ҳужумга ўтдим: — менга ишонмагансиз-да, а?
- Ана энди оширвордингиз, — деди Вера менга астойдил тикилиб. — Дастрлабки фаразингиз тўғри: Фариданинг коровуллик хизмати йўқ эмас (бунинг учун у эҳтимол ҳак ҳам олар), лекин ўша куни у меҳмон эди. Мен расм чиздиришни бошка кунга колдиришим мумкин эди, овора килсан, хафа бўласиз, деб ўйладим. Фаридага сизнинг келишингиzioni, тўғрисини айтдим. У мен халал бераманми? — деб сўради. Ҳа, десам бошқача хаёлга бориши мумкин эди. У қайнинглим бўлади.
- «Эҳ, аёллар аёллар...»
- Қайнинглим?!
- Ҳа, ҳайрон бўляпсизми? Эрим мусулмонлардан, форс.
- Ҳм-м... гап бу ёқда денг. Эрингиз рашк киладими?
- Ўлгудай.
- Сизга қийин экан. Умуман, чиройли хотинларни ўзигаям, эригаям қийин. Ҳамдардлигимни кабул килинг.
- Ҳарқалай осонмас, лекин кулманг. Сиз осиёликлар барингиз ҳам кўп масалада бир-бирингиздан колишмасангиз керак.
- Яъни, феодал демокчимисиз?

— Чиндан ҳам сиз фикрни тез илгаржансиз. Ҳавасим келяпти... Хотинларингизни қаттиқ тутишларингиз ёлронми? Лекин ўзларингиз остоңадан ўтибок бүйдөк ё сүққабош «бўлиб» оласизлар.

— Сизга ўхшаганларнинг кўзи тегиб, сал колувди умумий ашулага кўшилиб кетишимизга.

— Ҳаммаси қайта жойига тушди, деб ўйлајапсизми?

— Қафасдан чиқиб кетган күшни осонликча тутиб бўпсиз, демоқчисиз-да. Гумонингиз тўғри, лекин энг муҳими бу борада «тараққиёт» тўхтади деб, ҳисоблаш мумкин. Бутунлай тўхтамаган бўлсаям, харкалай секинлади, бу «жараён» аҳоли ўсишидан орқада қолсаёқ марра бизники... — Қарасам, гапчуваланиб кетадиган, энди амалий ишга ўтсак ҳам бўлар, дедим.

— Ҳеч нарса емадингиз?

— Едим, раҳмат... Ўзингиз-чи? Ичмадингиз...

— Мен ҳам ичмайман. Сизни меҳмон килмоқчидим холос.

Столни кўтариб, хонанинг бир бурчагига жилдирдик-да, курсиларни ўтган галги жойларига кўйдик.

Мен «ечиниб туринг», дедим-да, ўзим тескари қараган кўйи дераза токчасидаги этюдникдан нарсаларни ола бошлидим. Мен жувоннинг вужуди ҳар қанча жозибали бўлса ҳам, ҳайратимни, ҳаяжонимни сездирмаслигим, умуман ўзимни босишим керак, деб ўзимга-ўзим аҳд қиласардим.

Ўгирилдим. Вера бир кафтини чап кўкси остига, иккинчисини тахминан жигардан пастрокка кўйиб беркитиб турарди.

Яна нима майнавозчилиги экан бу, деб ўйладим-да, кўлларингизни олиб, ўтган сафарги вазиятга кириб ўтиринг, дедим.

Бугун ўз феълимга ажаб танг коляпман. Ҳеч қачон бунча узок вақт жиддий ва совуқкон бўлиб туролмасдим. Умуман совуққонлик табиятимга ёт туйғу эди. Образга жуда киришиб кетган актёрга ўхшайман, деб кўнглимдан ўтказдим. Бунақа кайфият билан қандай расм чизаман, ҳайронман. Келаётгандан шаҳдим бутунлай бўлакча эди. Қачон, нимага шунақа бўлдим ўзи? Аёлнинг ўзига ортикча оро бергани салбий тъясир қилдими ё эркаклар тўғрисидаги аччик мулоҳазалари ғашимга тегиб кўйдими... менимча, у ҳаммас, бу ҳаммас...

Вера қўлларини оловди... нимага кўзим тушди денг? Кафтлари билан тўсиб турган жойларида кўзга яққол таш-

ланган чандик излари бор эди. Тепадаги, чап кўкси остида-ти чандик изи кийрахонига ошқозон томонга кетган бўлиб, узунлиги бир сўймдан калтарок, пастдаги чандик изи эса тиккасига тушиб кетган, унинг узунлигини тахминлаш ҳам кийин эди.

Мен яшин ургандай қотиб қолгандим. Вера эса, мана, кўнглингиз жойига тушдими, шу чандикларни кўрмокчими-дингиз, деётгандай майин ва хижолатомуз жилмайиб ўти-парди.

Мен кувнок кўринадиган кўзлар тубида чўкиб ётадиган мунг, фусса тўғрисидаги фикрни эсладим.

Бир қарашда жувоннинг ўт пуфаги ва кўр ичаги опера-ция бўлган экан, деб ўйлаш мумкин эди. Лекин нафис, шаффоф бадандаги корамтири ва совук чандиклар жарроҳ пичогининг тифларидан колган изларга ўхшамас эди. Бун-дай чандиклар, факат эркакларгагина ярашмоғи мумкин, улар ҳам мардона жанглардан хотира бўлса...

Буни албатта сўраш керак эди. Лекин тил бормасди.

Вера фикрларимни, сўрокларимни кўзларимдан, хола-тимдан укиб ўтирган эди.

– Булар эримнинг иши...

Бошимдан яна бир пақир муздай сув қуйиб юборилган-дай бўлди. Азои баданим совиб бораётгандай эди.

– Рашк туфайлими?

– Рашк туфайли.

Хаёлимга лоп этиб, Ширвонзоданинг ра什к сабабли гўзал хотинини лаънатланган бир уйга қамаб қўйган ва окибатда ҳалок қилиб олган эр ҳакидаги хикояси келди.

– Асос бормиди?

– Бор десаям бўлади, йўқ десаям...

– Буни қандай тушуниш керак?

– Буниси энди, сир... – деди Вера саволимга ғашлан-гандай... Балки чиндан ҳам эслаш малолли ва оғир тарих-дир. Буниси энди унинг шахсий иши, сир сакламокка ҳар кимнинг ҳукуку бор-ку.

– Фарзандларингиз борми? – гапни бурдим.

– Йўқ. Туғмаганман.

Шунинг учун териси таранг, вужуди ёш кўринар экан-да, деб ўйладим.

– Демак, эрингиз сизни жудаям қаттиқ яхши кўрар экан-да.

– Яхши кўриб, ўлдириб қўйишига бир баҳя колди.

– Демак, сиз ҳам уни яхши кўрасиз?

— Яхши кўрмаган тақдиrimда ҳам барибир у билан яшардим.

Мен яна тушунмадим, дегандай елка қисдим.

— Сабабини ўзим ҳам яхши билмайман... Шунака бир сири бор... Кейин, унинг муҳаббатидан ва нафратидан кочиб қутулишнинг иложиям йўк.

— Шунака даҳшатли одамми?

— Даҳшат ҳам гапми... — кулди Вера.

— Қандай чидайсиз?

— Менинг ўрнимда бошқа ким бўлсаям чидарди.

— Сизнинг вужудингиз жудаям нафис-да. Мен эрингизни кўлларида, ойболта кўтарган баҳайбат... бир одам сифатида тасаввур қиляпман.

— Жаллодга ўҳшатияпман, деб кўя қолинг. Бирор тўғрисида ғойибдан узил-кесил хulosса чикариб бўлмайди. Фаридани кўрингу, уни кўринг. Факат бувдой рангрок...

— Фаридангиз килтириқ-ку. Эрингиз ҳам шунака хипчами?

— Қиличдай-да, семиз одамларда муҳаббат ҳам, нафрат ҳам кучли бўлмайди. Туйгулар ёрда сирғаниб кетаверади.

Ўҳшатишни қаранг, чаккимас!

— Қаттиқ севадиган, нафратланадиган одамлар семириб кетмайди, десангиз тўғрирок бўлармикин. Лекин, юз фоиз шундай дейиш ҳам хато, менимча.

— Албатта. Ҳар қандай хulosса ҳам нисбий бўлади...

— Ҳа, айтгандай, эрингиздан шунчалик кўркар экансиз, бу расмни унга кўрсатасизми, ё?..

— Бу жувон эсини еган шекилли, деб ўйлаяпсизми?

— Унда, мана шу, гўзал даврингиздан хотира сифатида ўзингиз яшириб кўриб юрмокчимисиз?

— Қайсаргина эмас, ёш боладан баттар кизиқувчан ҳам экансиз. Ё ҳамма рассомлар шунака бўладими?.. Сизга буни аҳамияти йўғу ё борми?

— Ҳакини тўлаганимдан кейин, нима килсан мени ишим, демоқчимисиз?

— Ана энди ўзингизга келдингиз. Эҳтимол ёқиб юборарман, ё биронтасига совға қиласрман.

— Яланғоч суратингизними?

— Ҳа, нима бўпти. Балки, мени мана шундай ҳолатда бир кўриш учун ҳамма нарсага рози бўлиб юрган одам бордир.

— Факат расмингизними?

— Ҳа, факат, расмимни...

- Бечора...
- Ким бечора?
- Ҳа-я, буни ўйлаб кўриш керак экан...

— Хўш, нима қилдик энди? Аввалги ҳолатда чизаверасизми? Манавини тутиб олайми? — Вера гапни асосий мавзуга буриб, чўмилиш либосини кўрсатди. Шундагина чўмилиш либоси тутиб олишининг сабаби бу ёқда экан-да, деган фикр келди миямга.

Нима дейишни билмай қолдим. Ҳаёлимда ҳамма нарса айқаш-үйқаш бўлиб кетганди.

Боядан бери илгаритдан таниш ва қадрдон икки эркакдай bemalol гаплашиб ўтирганимизданми, жувоннинг хозирги ҳолатига кўзим шунчалик кўнишиб колган эканки, бирдан менда унинг суратини чизиш истаги сўниб қолганини пайқадим. Шоша-пиша караҳт бармоклар билан кул босган кўрни титгандек, қалбим қатларини пайпаслаб кўрдим. Йўқ, бояги эҳтиросу хис-хаяжонлардан ном-нишон ҳам топмадим. Бу алпозда мутлақо ишлай олмаслигимга ақлим етди. Энг даҳшатлиси, юрагимда аёлнинг расмини чизиш иштиёқигина эмас, унинг ўзига бўлган қизиқишим, хурматиму хайриҳоҳлигим ҳам бир зумда батамом сўниб улгургандай туюлди. Нега шундай бўлдийкин? Анави пиҷоқ излари туфайлими? Ё ана шу чандиклар сабабини очиқ айтмагани учунми?..

Чандиклар ҳаёлимда таъқиқ чизиқлари бўлиб кўринди. Демак, жувон бу чизиқларни качондир босган ё босмоқчи бўлган...

Мен аёлга қанчалик оғир ботишини туюб турсам-да, бошка куни чизармиз, дедим мужмалгина килиб. — Илҳом парим анави чандиклардан чўчиб, тўғрироғи эрингизнинг важоҳатидан кўркиб қочиб кетди шекилли, — кўшиб кўйдим кулимсирашга тиришиб.

Ҳазилим ўринли чиқмаганини сездим. Вера ўрнидан оҳиста турди-да, каравот раҳидан ҳалатини олиб шошилмасдан, ошкора викор билан кийинди. Курсисини орқага суриб, ташқарига чиқиб кетишими учун йўлни кенгайтириб кўйди. Ўзи курси оркасига ўтиб, икки кўлинини суюнчикка кўйиб менга ғалати тикилиб турди...

Хар замон-ҳар замонда ёдимга тушса, ўшанда тўғри килгандманми, деб ўйлайману, хеч бир фикрга келолмайман.

Ўша саросимали ва англаб бўлмас лаҳзаларни, Веранинг, тўғрироғи соҳибжамол бир аёлнинг латиф жуссаси-

ни хиёл олдинга эгиб, оғринибми, ачинибми, тантана килибми турган маъсум ва мағрур ҳолатини чизмоқчи бўлиб анча уриндим. Қанча қоғоз, бўёқ кетди, лекин кўнглимдагидай чиқмади. Баъзан, ҳаммасидан ҳам бехуда совурилган бебаҳо вактларимга ачинаман.

Шундан кейин мен аёлларнинг яланғоч суратини чизмай қўйдим.

## ГАРОВ

Ошдан кейин, одатдагидай аччик кўк чой устида гап бир тоғдан, бир боғдан ўтиб, охири етти гектарлик йўнғичқазорда пайдо бўлган сайроқи беданага бориб тақалди.

— Ўх-ўх-ўх, нимасини айтасизлар, эрталабда жонди хузури бўляпти-ю, — деди Олим ёқимли мусиқа тинглаётгандай бошини сарак-сарак қилиб.

— Ўзиям тезотар экан, жанвор, «бит-бил-дик», «бит-бил-дик», деганда юрак тўкилиб-тўкилиб кетяпти-да, — деди Сотим.

Чойхоначи ўтирганларга бир-бир караб, ваъдани қуюқ килиб юборди:

— Ким ўша беданани тутиб келса, биздан битта ош нақд! Дев-зи-ра-га!

Ёнма-ён қўйилган, чогроқ икки сўридагиларнинг деярли ҳаммаси бу хушовоз парранда хонишига ишқибоз, лекин Темир полвонни хисобга олмагандан, чинакам, ашаддий беданавоз йўқ эди.

Темир полвон ўн йиллар мукаддам, қамоқдан эл ибораси билан айтганда «бурнига сув кириб, мулла минган эшакдай бўлиб» кайтгач, беданавозликка астойдил киришган эдии, нуқул ютқазиб, оломон ўртасида мулзам бўлиб чиқавергач, охирги уришкок беданасини аввал темирдай панжалари орасига олиб рижимлаган, кейин жодида киймалаб, олапарига едирган. Шу-шу беданавозлар даврасигаям, бедана бозоригаям яқин йўламай қўйган, хатто бедазорлардан ҳам узокрок юради, дейишар эди. Лекин бу анча эски гаплар. Одамзоддаги ишкивозликни кўр босиши мумкину бутунлай ўчиб, кулга айланиб кетиши кийин. Ҳарқалай, чойхоначи ана шу илинжда бўлса ажабмас, бошқаларга эса, барибир — беданани ким тутиб келсаям, ош ўртада!

Темир полвон бир вақтлар курашга, совринга ўргангандан

эмасми, шартни эшитган захоти ичи ғимирчилади, кўзлари бир чараклади, гугурт чўпи билан тиш кавлаётган бармоқлари харакатдан тўхтаб колди. Ҳамманинг нигоҳи, умиди полвонда эди: кул остида чўр бор, факат пуфлаб кўрни очиш керак.

Чойхоначи худди олдиндан келишиб кўйгандай, кўринишидан қаттиқ, таранг дўпписини яримта кийиб, устидан кўккарға шойи чорсини чамбарак қилиб танғиган Зулун чайирга «қани, энди, кўрсат кароматингни», деган каби им коқди.

— Ошни бугунгиданам ширин қилиш, мана, биззи гарданда, — деди Зулун чайир ўнг қўли билан чап елкасига по-пиллатиб ураркан, полвонга кўзларини қаттикрок михлаб.

Темир полвон хотинига шилқимлик қилган «бир ҳароми»ни кетмоннинг оркаси билан уриб ўлдирган. У нобакорнинг аслида ахлоқсизлиги, Темир полвоннинг кишлодаги энг ҳалол одамлардан эканлигини тасдикловчи гувоҳлар, далиллар кўпайиб кетгач, унга анча енгиллик берилиб, саккиз йилга кесилган.

Полвон «у» ёқдан қайтган, ўғил-қизларини кўргану «ғунажин кўзини сузмаса, бука ипини узармиди» деб хотинидан, йигирма икки йиллик ширин рўзғоридан юз ўғирган-да, тўнини елкасига ташлаганича уйидан чикиб кетиб, янги жой қилган. Унга Араб кишлоғилик, эри килтомок билан ўлиб етган, майиздай бир бевани олиб беришган. Ўғил-қизлари ахён-ахёнда унинг иссик-совуғидан хабар олиб туришади.

Ошдан сўнг бир жуфт пиёла қўлма-қўл айланар экан, паловхўрлар бисотидаги бор гапни ўртага тўкиб солиб, ўзларича дунёни элакдан ўтказишар, теша тегмаганрок тапчикиб колса, ҳамманинг жони киради.

— Чойхонамизга факат ўша «тезотар» етишмай турибди, холос, — деди ана шундай эрмаксеварлардан бири.

Чорпоянинг ёғоч куббасига суюнган, корни ок яктагини туртиб турган Темир полвон бир кўзғалиб кўйди, узатиғлиқ оёғини йириб, унисини узатди.

— Жуда кулинг ўргилсин иш бўларди-я, нонуштани Хуринисанинг қаймоги билан шу ерда қиласдик, — маъқуллади Сотим. — Бори Эрамда, пар болишларга ёнбошлаб...

— Ўзини қаймоги биланми, говмишиними, — ўсмокчилади зидан Зулун чайирни кузатиб ўтирган чойхоначи.

— Шу, Зулунбой кейинги пайтларда ўша парининг ховлиси атрофида кўпроқ уралашиб колди-да.

- Тошболта ошиқдай, а?
- Бироннинг хасми-халолига кўз олайтиришнинг оқибати яхшиликка олиб бормайди, – деб кўйди Темир ака.
- Эскилар биронни ҳожатини чиқариш савоб, дейишган. Ахир уям Худони умидминан яратган бандаси. Уям тирик жон... бир ривоят бор, эшитган бўлсанглар... сиз билсангиз керак, полвон ака...
- Сиз, укам, ривоятингизни қўйинг...
- Эшитайлик.
- Майли, айтиб берсинг-чи...
- Бир йигит онасини саватга солиб, бошида кўтариб кетаётган экан. Йўлда бир мўйсафид дуч келиб: «Онангни кәёкка опкетяпсан?» деб сўрабди. «Макки мукаррамага, – дебди йигит, – мени отасиз боқиб ўстирди, энди дуосини олмоқчиман», – дебди. Мўйсафид бошини чайқаб кулимсирабди: «Э, ўғлим, онангни қийнабсан, ундан кўра эрга берганингда, сени ўла-ўлгунча дуо киларди, етти хажни савобини топиб, жаннати бўлардинг», – дебди. Шунда Чўли маликда чанқаб, мадори куриган, хушидан кетиб ётган кампир саватдан инқиллаб-синқиллаб бошини кўтариб: «Бунақа бамаъни гап бола пакирни хаёлига келармиди», деган экан.

Ўтирганлар ўз ҳаяжонларини ва ривоятга муносабатларини билдирмокчи эди, Темир полвон икки қўлини кўтариб, изн бермади.

- Сиз, Чайирвой, гапни чалғитманг, – деди у Зулуннинг кув кўзларига тик қараб.

Барибир Зулун унга эътибор бермай минғирлади:

- Менга қолсаю, хотинлар билан қандай муносабатда бўлишни ўзим билардим... ким уларни оёқ-қўлини бойлаб олади...

Ўқ нишоннинг кок марказидаги тўгаракка – Темир полвоннинг юрагига санчилди. Полвон ўтирган жойида бир қалкди: «Ҳа, номард, юзимга соляпсанми, шу топда сен билан нима бўлсам, бўлайми... э, йўк... ҳаёти бир марта ҳаром бўлди, номи булғанди, кўз очиб кўрган оиласидан ажралди... ўғли тенги... бир гапирди-да... ўзи дуруст йигит, кўнглида унча гидири йўқ. Бўлмаса, шунча вактдан бери сездирарди...»

- Аёл киши оти-жўни билан заифа, дейилади, – деди полвон тишини тишига босиб, – унинг ожизалигидан фойдаланиш пок эркакни ишимас.

— Кўнгли бўшлигидан денг, полвон ака, тўғрироқ бўлади.

— Эски гапларни кавлаштирмасангларчи-я... — деди Олим адоги кўринмайдиган, «тутай бошлаган» «айтишувга» барҳам бериш максадида. — Беданадан гапиринглар, беданадан... жониворни сайраши хў-ўп бўлакча-да. Жаҳоноламда бошқа биронта парранда-даррандани овози уникига бас келмаса керак, дейман.

Зулун чайир камонни хамон таранг тутиб, унга янги ўқлар жойлаш билан банд эди.

— Полвон акамизни илгариги шаҳди бўлганидаю, ундан анча-мунча бедана-медана кочиб кутуломасиди-я, — деди у бу гал Темир акага кўз қирини ташлаб.

— Полвон аканг шаҳдидан тушсаям, жаҳдидан тушмаган ҳали, Зулунбой, чучварани хом санаб ўтирганин, — деди чойхоначи мумкин қадар овозига жиддий тус бериб.

— Жаҳдидан тушганми, йўқми, билмадиму, шу қорни эмаклашга мушайт қиласидими, деган ҳадигим бор-да.

Кимлардир пикирлаб кўйишди.

Темир полвон суюнганда буқчайиб колган тўғри гавдасини кўз-кўзлаган каби шошилмай ростлади, ўмганини кенг ёзди, кафтларини тиззаларига тираб, Зулун чайирга тикилди. Чап кўзининг ости уча бошлади.

— Коринга тил тегизманг, Зулунбой, — деди у дона-дона килиб, — сизга оғири тушадиган бўлса, кўтарволаман.

Пикирлашлар кийқирикка айланди.

Нариги сўрининг бурчагида чордана куриб ўтирган чайир сонларига шапатилаб, ҳаммадан қаттиқрок хандон отди.

— Унда, иккала кўлингиз банд, беданани чот босди килиб ушлайсизми, полвон ака?

Кулги кучайди.

— У ёғини менга кўй беринг. Чайир бола, опкелиб сизга тутқизсам бўлдими.

Қахқаҳа авжга минди.

— Эй, чайир-а, отанг тенги одам билан ҳазиллашиб, ўзингга гап тилаганингни кара-я, — деди Олим ака кўк катак кўйлагининг шимариғлик енги билан кўзларини артар экан.

— Э, ҳали шошманлар-чи... хозирги беданадар жаанқовмас, полвон бувам тутиб кетсин, деб оёғини кўтариб ётмагандир... Худо билади ҳали, Темир акамизни тўри тешилиб-нетиб қолмаганми...

Полвоннинг чап мижжаси пир-пир уча бошлади. У сержун болдириларини осилтириб сўридан тушди, ғишт коли-пидай келадиган, юзини чанг босиб, ичида тупроқ юки котган калишини тепиб-тепиб тўғрилаб кийди, ҳаворанг, лас белбоги остидан тиришиб қолган яктаги этакларини тортиб-тортиб тузатди.

Полвоннинг харакати билан ўрнидан иргиб турган Зулун чайирнинг чақчайган кўзлари безовта, олазарак эди.

Жимиб қолган ошхўрлар бир полвонга, бир чайирга карашарди.

— Менга қаранг, Зулунбой, — деди полвон боши шифтга тегай-тегай деб турган чайирга кўрсаткич бармогини силтаб, — уриниб кўраман. Тутиб келсан, сиз ош қиласиз, тутолмасам — мен...

— Катта кетманг, полвон ака, бу сизга курашмас чалиб-палиб эплагани...

— Оғзингга караб гапир, тирранча! Отангни қандай тупроқ ошаганини кўрганлар ҳали тирик.

Орага Олим, Қамбар чойхоначи тушди.

— Э, қизишманлар-э, кап-катта одамлар...

— Бедана — сабаб, яна бир ош еймиз-да, шунга шунчами?

— Халпанаям қилвороврамиз...

Темир полвон катта, вазмин қадам ташлаб, бир қаноти очик эшикнинг у канотини ҳам тарақлатиб очиб чикиб кетди.

Даврадагилар жонланиб, қайта жойига ўтирган Зулуни ўртага олишди.

— Яхши иш бўлмади, Чайирвой, сал оширвординг, нима килардинг гапга курашни тиқишириб, — деди чойхоначи бошини ликиллатиб, — биласанки, Темир полвон китмиликни ёқтирмайди, бирорни фирром йиқитганини хеч ким кўрганмас...

— Яхшиям ташланиб қолмади, денглар, ўзиям чайирни бир уриб, анави сири кўчиб, корайиб кетган тунука чойнагимизга қопқок қип қўяриди.

— Пўла қип ташлайман, моз пахта қип ташлайман.

— Ҳай-ҳай, Зулунбой, пасроқ туш, пасрок. Болғачининг минг ургани — босқончининг бир ургани.

— Полвонни даври ўтган, Қамбар ака, — деди Зулун чайир бўйинини чўзганича нариги сўридагиларга ҳам бир-бир қараб. — Ҳозир тупурса, соколига илашиб қолади

— Яна билмадим -у... тажрибаси кўп, иннайкейин, полвонларда телба кучам бўлади. Пири қўллаворса, тамом, Пирмаматиниям чирпирак қилворади.

Гапнинг этаги майдалашиб,чувалашиб кетди. Кимдир полвонга омад, Чайирга инсоф тилади, кимдир «Темир кассоб ютказса нима киларкин», деб ўсмокчилади.

\* \* \*

Эрталабки хабар ҳаммани қаловлатиб қўйди: Темир полвоннинг тўйга атаб бокаётган букаси йўқолиби.

Ярим кечада бедапояга кириб кетган Темир ака тонг ёришганда сувга тушган мушукдай ивиб қайтиб келса, бостиридаги новвос йўқ эмиш.

- Шу, Қамбар айбор, Чайирни гиж-гижламаганда...
- Чайирни ўзидаям бор, бирор «олкиш»ласа, ташланаверадими...
- Айтдим-а, охири баҳайр бўлсин, деб.
- Ҳамма гап гаровда. Полвонам қисиқ: ёши бир жойга етган одам, пушти камаридаи йигитта ўчакишганини...
- Энди оғир бўласан, Зулунбой, хали-замон кела солиб, ёқандан оладими... мол аччиғи – жон аччиғи...
- Ёқам тугул, пешимният ушлатмасман.
- Яхшиси, кўздан нарироққа жилиб тур. Балодан хазар...
- Э, кўйсаларинг-чи, ундан тилим қисиқ жойи борми! Ё сўкимиини мен ўғирлабманми?
- Элбурундан вахима қилмай туринглар-чи, топилиб колар.
- Топилмаса, ўзиям, биздан кўриши турган гап.
- Битта одам хонавайрон бўўп турибдию, каёқдаги гапларни гапирасизлар, – деди охири Олим ака энсаси котиб. – Қассобга ёғ кайғу, дегани шу-да...

Харқалай, кўпчилик кечаги гаровнинг, бугунги новвос воқеасининг қандай ечим топишини сабрсизлик билан кутар, хеч ким жойидан кимирлай демасди.

\* \* \*

Чошгоҳга яқин чойхонанинг ланг очиқ эшигидан Темир полвон оқ, озода яктагининг этакларини хилпиллатиб, ёшига, жуссасига номуносиб енгил қадамлар билан кириб келганида ўтирганлар бир гувраниб, унинг йирик кўзларига тикилишди, айримлар ўринларидан туриб, ўзларини сал

четга олишди, лекин мўйсафиднинг чехрасида болаларча табассумни кўриб, енгил нафас олишди: демак фалокат арибди. Бироқ, ҳамманинг кўзида савол аломати колаверди.

Камбар чойхоначи пешвоз чикиб, полвонга икки қўлини узатди. Полвон бир қўлини берди. Ажабланган чойхоначи унинг чап ёнига қаради. Полвон енгини тушириб, чираноғини хиёл букиб тургани учун чап кафти бармокла-ри кўринмади, лекин нимадир борлиги аён эди: во полвон тушмагур-ей...

— Новвос топилганга ўхшайди, а, Темир ака? Тўйга буюрсин-э.

Полвон қўлини тезгина бўшатиб олиб, силкиди:

— Э, ундан каттароғини илинтиридик, Камбарвой. Хайрият, юракда чўғдан ҳали бор экан.

— Ие, топилгани йўқми? — сўради чойхоначи кўзлари чаноғидан чиқкудай бўлиб, бир полвоннинг оғзига, бир шалвираган енгига тикиларкан. — Э, аттанг, хурсанд кўринганингизга...

Полвон чап қўлини сал кўтариб, олдинга чўзди. Бармоклари орасидан хазонранг бедананинг катта ангишвонадай боши, калтагина ва суйри корамтири тумшуғи чикиб турар эди.

— Мана новвос, мана, — деди полвон мийирида кулиб.

Ошхўрлар кўзларида савол аломатлари билан дам бирбirlарига, дам Темир акага қарашар, елка кисишар эди. Зулун эса жим.

Кечаканда деса оғзининг суви келаётганларнинг мужмал кайфиятини кўрган полвон эса улардан ҳам ортиқрок хайратда эди.

Кўпчиликнинг хаёли ҳамон новвосда эди.

— Ўзиям жуда етилиб, ялтиллаб кетувди, а Сотимбой? Кўз теккандай бўлти-да.

— Нимасини айтасиз, Олим ака, камида бир яримтага оғини ерга теккизмай обкетишарди.

— Икки минггаям, деяверинг.

— Беҳазил, бир яримдан бир мириям кам бўлмасди<sup>1</sup>.

— Полвон ака икки йилдан бери ўзи емай, сўкимиға едирятувди-да, — гапга кўшилди ниҳоят Чайир, индамай ўтираверишни ўзига эп билмай.

<sup>1</sup> Воеа 1980 йилларда юз берган.

- Сизам хотинимни гапини килдингиз, Зулунбой.
- Икки йилдан бери хотингизният оғзига уриб келгандирсиз-да, семиртириб сотсак, палон пул бўлади, атлас лозим обераман, кимхоб кўйлак обераман, деб...
- Зулунбой, энди, ўёғи бизи ишимиз-да, ё келин аянгизга ичингиз ачияптими?
- Новвосга ачиняпман, полвон ака, новвосга, шунчалик килиш осонмиди, ўт, ем киммат пайтларда...
- Ачинманг. Бош омон бўлса, мол топилади. Менга йигит кишини лабзи киммат, ука. Кўп типирчиламай, ошни харакатига тушинг энди ё қарз қип турайми?
- Унчаликмас, полвон ака, биззиям отамиз ўғлим деб кўчага чиқарган, биздаям дўппи бор, — Зулун чайир шундай деб, чойхоначига юзланди, — Қамбар ака, ошга майдачуда тайёрланг.
- Шошманглар, шошманглар, аввал тузукрок кўрайлик, енг ичидағи беданами, чумчукми, — луқма ташлади Сотим тракторчи. — Полвон акам ҳазилкашрек...
- Э, Темир ака сиз айтган одаммас, — деди Қамбар бурчакдаги эски, жигарранг лиқилдок жавоннинг ичини титкилаб шиша оларкан. — Шунча йилдан бери кўриб келяпмизу... шу бугунди ўзидаям исботлаб кўйди...
- Тегишдик-да, Қамбарвой, сизам сал турасиз-да...
- Майли, — деди полвон Сотимбойга қараб, — кеча, олдин Зулунбойни қўлига тутқазаман деб ният қилганман, ваъдаям берганман. Чайир ушлаб кўриб бир хумордан чиқволсин, кегин бош-почаси билан сизларга, нима қилсанглар — ихтиёларинг... — Полвон чап қўлини баландрок кўтариб, бош ва кўрсаткич бармоклари орасини кенгрок очди.
- Пиқиллаб кулаётгандар мўъжизани эндигина пайқашгандек ўринларидан патир-путир туриб, бўйни, тўши холхол ёқимтой кушчага анграйиб тикилишди. Шумшайиб, митти кўзларини жавдиратиб турган бедана бу ердаги тараддуду можароларнинг барисига ўзи айбдорлигини сезиб хижолат бўлгандай, бошчасини ичкари тортиб, кунишиб олди.
- Қарши зарбаларга муносиб жавоб тополмай қизариб ўтирган Зулун чайир беданага эътибор ҳам қилмай, «палахмон»га солиб отиш учун «киррали тошлар» излар эди.
- Майли, полвон ака, — деди у сўзларини никтайниктай, — ўзингизда тураверсин, муздай бедапояда ҳалаки жонга тушиб кетгандирсиз, қачон ушлайманикин, деб...

Зулуннинг ўзидан бошқа хеч ким кулмади.

— Ихтиёриңгиз, Чайирвой, биз шартни бажардик-да.  
Ишқивозлар кўп мана, қўлимдан юлволай деб туришибди.

— Дарров бервортингизам йўқ-ов, хуш ёкиб копти шекилли...

— Бедана гаштидан бехабарсиз-да, Зулунбой. Буни ҳакиқий шинавандаси «бит...» деганини эшитса, хотинини кўйнидан отилиб чиқиб кетади. Одам деганда бир нарсага озгина ишқибозлигам бўлиши керак, Зулунбой...

— Бедана овлайдиган одам, бедана бўлиб сайраши керак, дейишарди, полвон ака, айбга буюрмайсиз, сиз хўроzi бўлиб сайрадингизми, модаси бўлибми?

Гурра кулги кўтарилди, лекин полвон кулмагач, бошқалар ҳам дархол лаб-лунжларини йириширишди.

— Зулунбой, бир гап келувдию, ўғлим тенгисиз...

— Келган меҳмонни қайтарманг.

Чойхоначи «ҳай-ҳай»лади.

— Э, кўйинглар энди. Мана Зулунбой, аччик кўк чой, ичиб ўтиинглар.

Сухбат или ҳамон узокқа кетмай, бир жойда чигаллашиб ётар, йўколган новвос тақдирни айримларнинг ичига ҳамон ғулгула солмоқда эди.

— Хотинни мелисаҳонага ўтқизиб қўйдим, топиб беришмагунча шу ердан бир қадам жилмайсан, дедим.

— Буёги бугун якшанба — бозор... бугун бўладиган бўлиб, бир хафталигини ғамлаб оладиган кун...

— Бука жанвор аллақачон қоғозга алмашиб, чўнтакка тушиб кетдими, ҳали, денг...

— Э, топилса — жон худо, топилмаса — садқаи сар... шунгаям ота гўри қозихонами.

Темир полвон сўрокларга киска-қиска жавоб берарди.

У беданани кандай тутгани, тунни кандай ўтказгани ҳакида мароқ билан ҳикоя қилишни дилига тушиб келган эди. Шом еб чиқкан ой хира мистовоқдай бўлиб рўпарага келганда эски кора дўппи кийиб уйдан чиккани, бедазорга кирган захоти ўзини ёш йигитчалардай сезиб, оламдаги ҳамма нарсани, ҳатто гаровни, Чайирни ҳам унуганини айтиб бермокчи эди. Айниқса, бедана бикиниб ётган жойни топишга топиб, унинг жарангдор овозини бўғишига юраги чопмай, кўзи қиймай, бир неча қадам берида ўмганини шудринг шилта қилиб юборган кўм-кўк йўнғичқага босиб, анчагача иккиланиб ётганини, жонон парранданинг субхи

содикдаги дил ўрттар навосидан сел бўлиб, уни учирив юбо-ришига бир баҳя қолгани – ҳамма-ҳаммасини бир бошдан, шошилмай сўзламокчи эди. Бу нокас, беҳис бандай ғофиллар бўлса, тўтидай, нуқул новвос, деб мияни котиришади, худди новвос ўзларига тегишлидай, шерикликка бокишган-дай... ярага туз сепишдан бошка нарсамас бу...

Гаплар, сухбат ҳам энди узук-юлук эди. Темир полвон Зулун чайир билан ортиқ асқия қилишмас, кўзлари дам-бадам тўқнаш келиб қолганида иккиси ҳам ўзини чалғитиши пайдан бўлар эди. Полвоннинг машки анча пасайтан, факат енги ичиди кафтига, кафти орқали бутун вужудига Чайир айтгандай ҳарорат бераетган пахтадай илик, пахтадай юмшок, пахтадай майнин, бир сиким патдан иборат мавжудот унинг руҳини кўтариб турарди.

Полвон бедананинг жажжи бошчасини бўш кафти билан тўхтовсиз беозоргина силаб ўтиради.

Нигоҳлар тўқнашувларидан бирида гўшт-ёғ тўғраётган Зулун чайир: – Полвон ака, битта таклиф бор, деб колди.

– Хўш? – унга тикилди Темир ака.

– Ютук сизники. Шу беданани ошга босворсак қалай бўларкин?

Сабзи тўғраётган Қамбар чойхоначи ўрнидан туриб кетаёди.

– Нима деяпсиз ўзи, Чайир, беданани сайрашини эши-тамиз, деб тутдирдигу...

– Битта бўрдоки новвос бадалига қолиб туриди дегин, – кулиб қўйди Сотим.

– Ҳа-да. Тўрковоқка солиб, толимизга осиб қўямиз, хонишига кулок тутиб, корнингни чертиб ётасан. Сахарги сайрашларини айтгин... бир тишлам гўштни лик ютасан, кичик тилинггаям илашмай ўтиб кетади.

– Э, буям бир кизиқчилигиди-да. Тўрковоғингиз йўқ-у, барибир...

– Тўрковоқ топилмас матомас. Кечкурун Салим бедана-вознигига одам жўнатаман.

– Ҳозир бўлиши керагиди-да, ё полвон аками дасторчасидан ярим палла кесвolaқоламизми, а? – Зулун чайир шараклаб кулиб юборди. Бошқалар ундан ҳам ошириши.

Хеч ким сезмай колди: Темир полвон чакконлик билан дастурхонга чўккалади-да, эмаклагандай олдинга чўзилиб, сўри четидан бир оёғини пастга осилтириб, «куш тили» килиб тўғралган гўштга пиёз, доривор қўшиб мижиётган Зулун чайирнинг жағига нуқиб, пишқирди.

— Кис-э, ҳажиқиз!.. Ҳе, иззатини билмаган!.. Чикимга ачишиб кетдими, «ака» деб кўй, харажатни ўзим тўлайман.

Ҳамманинг нафаси ичига тушиб, чойхона сув сепгандек бўлиб колди. Ташқаридаги тол баргларининг сунбула шабадаси билан шивирлашаётгани эшитила бошлади.

Зулун чайир ҳам аввалига гангид, ранги оқарди, кейин кўкарди, сўнг гезариб ўрнидан турди. Сўрилар ёнидаги очиқ майдон томон икки-уч кадам юриб, полвонга ўқрайди.

— Қани, туш бу ёқка, ҳе, қорнингга...

Полвон беданани Олимга тутқазиб, сўридан тушди.

— Нима дейсан, қанжик?!

Полвон шундай дейишини билади — нимадир карсиллаб, чап қулоги шанғиллаб кетди. У жон ҳалпида Зулунга ташланди, лекин бу гал тошдай мушт орка миясига тарсиллаб тегди.

Шундан кейингина кўзи очилган ошхўрлар гурр этиб ўринларидан туришида, иккига бўлинишиб, бир томон Темир полвоннинг, иккинчи гурух Зулун чайирнинг тирсағидан тутишди.

Хитоблар янгради:

— Ҳе, уят-э!..

— Эшигтан қулоққа нима деган гап!

— Сен яшсан-у, бир гапдан қолсанг, отанг ўғлим демай қўядими?

— Туппа-тузук одам, сизни нима жин урди, полвон ака? Ярашмаган қилир-еий...

Полвон ҳам, Зулун чайир ҳам билагига осилганларни силтаб-силтаб четлатишиди.

— Биттангам тумшуғингни сукма! — деб полвон айтди.

— Ҳамманингни абжағингни чиқараман, — деб Чайир. Энди улар дакан хўроздардай айлана ҳаракат қилиб, бир-бини пойлай бошлашди.

Олтмишли қоралаган полвоннинг бесўнақай жуссаси нихоятда салобатли, япалдош юзларининг ранги тиник, тоза, факат одатдагидан кизилроқ эди. Сўлинкирагандай кўринадиган териси хозир тарағлашган, корачикларидаги эски ҳорғинликдан асар ҳам қолмаган эди.

Зулун котма, ўрта бўй, кўзлари карчиғайларникидай ёниб турадиган, икки лунжи ичига ботиб, янок суяклари туртиб чикқан ўттиз ёшлардаги йигит эди.

Ёш ҳам, куч ҳам тенгсиз, олишув омонсиз кечадиганга ўхшар эди. Томошибинлар боз чайқашар эди.

- Ҳазилни таги зил-да.
- Қўлига тушса, ғижимлаб бир ерини узволади-я.
- Э, унисиям ушатқизмайди, тегирмондан бутун чиқадиганлардан...

Даврадагиларнинг энг каттаси ва энг кичиги ўртада, қолганлар четда эди.

Ҳаш-паш дегунча дайди, заранг муштлардан яна бир нечтаси мўлжалга аниқ тегди. Буни атрофдагилар «тарс, тарс» деган товушдан пайқаб колишар эди.

Зулун чайирнинг кўллари холвачининг тешасидай калта, шунинг учун имкони борича узокроқдан қоплондай сакраб-сакраб мушт отар, ҳар сакраганида «Ийя-а!» – деб кийкириб кўяр, сўкинар эди.

Темир полvon гапирмас, мушт теккан жойларини қаши мас, факат панжаларини чангак килиб, ўмганини очиб, қаддини хиёл этиб, бошини бир оз олдинга чўэганча айланар, ҳарсиллаб нафас олар, тишлигини рижирлатар эди. Кўзлари эса қип-қизил эди.

Ёшлик билан қарилик, куч билан тажриба, чакконлик билан залвор жанги эди бу.

Томошабинлар гоҳ унисини одобга, гоҳ бунисини инсофга чақиришар эди.

– Полvon ака, ҳозирги ёшлар билан ҳазиллашманг, буларга куч билан бас келолмайсиз. Илгариги қувватингизам колмаган.

– Ўнг кеп колса, пириниям аяшмайди булар.  
– Бас қил, Зулун, кечирим сўра. Полvonга отанг ҳам тан берган.

Иккисининг ҳам қулоклари том битган эди.

Иккисининг ҳам кўзларига кон тўлган эди.

Зулун чайир ҳамон у ёқдан-бу ёкка ириб, полvonнинг дуч келган жойига мушт туширас, тобора баландроқ овозда «Ий-я!»лар, тобора болахонадоррок сўкишларни қалаштирас эди.

Темир полvon ғижиниб-ғижиниб, шиддат билан ташланар, лекин вазни оғирлигидан лапанглаб кетар, ўзини аранг тутиб олар, Чайир эса аллақачон унинг орқа томонига ўтиб олган бўларди. Полvonнинг кўзларидан ёш тиркираб чикди. (Йўқ, оғриқдан эмас, зинҳор оғриқдан эмас!!!) Нахотки, номига «полvon» қўшилгандан кейин елкаси ер искамаган, бирордан «сен» эшитмаган одам шу тирранчадан калтак еб ўтирас! Яна шунча томошабинни

олдида-я... дунёниям ғалати ишлари кўп-да: бу, авлод-аж-  
доди ўтган ота мерос ҳовли-жойини ташлаб келиб, пул то-  
пишга муккасидан кетгандарнинг ошига ўлганини кунидан  
шерик бўлиб юрсаю, аллақандай, отаси фалакни гардиши  
билан қаёқдандир келиб қолган нонхўр жипириқ қиши-  
локдаям, энди бу ердаям ҳеч кимга гап бермай, олифтагар-  
чилик қилса!.. Қариганда нима кўргулик энди бу?.. Эртага  
хаммаёкка ёйлади бу гап. Эл-юрт олдида, хотини, ўғил-  
қизлари олдида нима деган одам бўлади? Қандай бош кўта-  
риб юради? Қани энди бу тирранчани белидан тутиб олса,  
боши бўйи кўтариб ерга урса-ю, орқасидан елини чиқар-  
вorsa! Ҳамма эшитса! Майли, ҳар қанча мушт еб, хам-  
маёғи мўматалоқ бўлиб кетсаям, ишқилиб, бир тутиб олса  
бас, шу сафар дард қолмаса, кейин армони йўқ! Ақалли  
кулок-пулори кўлига кириб қолсайди!..

Уларни ажратмокчи бўлганлар яна силтов еб, четга  
чиқишар эди.

— Эҳ, аттанг, ёмон бўлди, жуда ёмон бўлди, — деб бош  
чайқарди Олим ака.

— Соқоли оқарганда шу кўйга тушса-я, номи кетган  
полвон-а! — дерди Қамбар.

- Минг қилсаям ёшлик бошқа олам-да!
- Қизиталоқ, ўзиям жуда бикир йигит-да.
- Эпчиллигини қаранглар, мушук-а, мушук!..
- Отасини аламини оладиган бўлди...

Полвон иккинчи марта пишқириб юборди, бу гал жуда  
қаттиқ пишқириди, шийпон ромлари зириллаб кетди, кари  
шернинг сўнгги ҳамла олдидаги бўкиририни эслатарди бу  
пишқирик! Шапалоқнингми, муштнингми (у энди фаркига  
бормас эди!) зарбидан боши айланиб, кўзларидан сон-са-  
ноқсиз юлдузлар учиб чиқди. «Тамом, ҳаммаси тамом, бун-  
дай шармандалиknи қон билан ҳам ювиб бўлмайди», деган  
фикр кечди хаёлидан. Аммо бирдан, фавқулодда тез ақли  
тиниклашди: кўз олдидаги минг-минг ялтироқ заррачалар  
ғойиб бўлди, оёклари, гавдаси енгиллашиб кетгандек туюл-  
ди. Вужудига шижоат қуюлиб кирдими, ё қони гупуриб  
кетдими — ортига шиддат билан айланди, айланётганида  
(«Хайт!») навбатдаги хужумга қулай вазият пойлаётган Зу-  
луннинг муштдайгина елкаси омбурсимон бармоқларига  
илашиб қолди, у рақибини ўзига тортишга (агар шу ва-  
жоатида тортганида, боёқишинг ковурғаларини уқалаб  
ташлаши ҳеч гап эмас эди!) сабри чидамади (балки бу

ҳақда ўйлашга ҳам улгурмагандир, ўйласа ҳам кўлдан чикариб юборишдан чўчигандир), Чайирни каттиқ силтov билан («Ё, Али!») худди бир боғ маккапояни ирғитгандай отиб юборди. Чайир ўз ихтиёри билан сакрагандай учеб кетди – учайдиганида бўйи чўзилиб бораётгандек кўринди, боши самовар ўрнатилган каттакон плитанинг сувори кўчиб, темири чикиб қолган киррасига урилди, ундан бутун гавдаси билан пастга ағдарилиб тушди, иссик плита денори билан сўри оёғи орасига кисилиб қолди. Питирчила-ди, лекин афтидан ўзи тура олиши гумон эди.

Полвон Зулуннинг туришини кутиб ўтирамади ҳам, айикдай ташланди, Чайирнинг дўпписи каёkkадир учеб кетган эди, унинг бир неча кундан бери сув, тарок тегмай кигиз бўлиб ётган қалин соchlаридан тутамлаб турғизди.

Зулун инграб юборди, унинг енглари икки ёнида қўлсиздай шалвираб, осилиб турарди.

Полвон бош бармогини Чайирнинг киндигига тўғрилаб, пучайиб ётган корнига чангалини бургутдай ботирди.

Зулун жон-жаҳди билан оғзини кимтиди, кўзларини юмди. Энгашмокчи, корнини ичига тортмоқчи эди, бўлмади – оёғи аллақачон ердан узилган эди.

Полвон: «Белини сўри куббасига ё плитанинг ўткир бурчагига солайми, ё ташқарига отвораймикан, қаерга урсам, орқасидан ели чикиб кетаркин», деб ўйлар эди. Шу пайт боши узра типирчилаётган Чайирнинг милт-милт килиб, тез-тез юмилиб очилаётган кўзларини кўриб қолди.

Полвоннинг юрагида нимадир ғимирлади – хадикми, ачиниши, қониқиши хиссими, ғалаба нашидасими – аниқлаш қийин эди, балки ана шу туйгуларнинг омухтасидир.

Унинг вужудидаги оғриклар босилган, аксинча, аъзои бадани, жони ором олмокда эди.

Йўқ, бир марта ер тишлиғанни яна уриш – полвоннинг, мард эркакнинг иши эмас.

Полвон қўлларини бўшатиб Зулунни ташлаб юборди.

Зулун орқасига бир-икки қадам гандираклаб, ўтириб қолди. Томошагўйлар караҳт эди.

Полвон бош чайқай-чайқай, қаддини ғоз тутиб ташқарига йўналди. Унинг кенг елкалари билин-билин мас тебраниб борарди.

Анчагача вазмин қадам товушлари эшитилиб турди.

Чойхонада муҳокама давом этди:

- Тажриба бары бир тажрибалигини қилдими!
- Боскончининг бир ургани шу-да...
- Қаёқка кетдийкин энди боязиш...
- Шундай ошни ташлаб... девзира, зирир ёғига бўлятуди-я.
- Қани, Қамбарвой, кўк чойдан қуй-чи, бошқатдан бошлиймиз энди. Айтгандай, жizzза нима бўлди, жizzза?
- Куйиб кетибди.
- Эҳ, аттанг...

## МУҲАББАТ

Биз билан девор-миён хонага олтмиш ёшлар чамасидаги увоққина киши билан Ҳожимуқондан сал берирок бир йигит жойлашишди.

Шифохона ё сихатгоҳда, умуман иккита ва ундан ортиқ аёллар жамияти вужудга келган жода теварак-атрофдаги бирон-бир жонзотнинг бежо ҳаракати, модасиз қолган маъсума мусичанинг ўқинчли хониши ҳам дикқат марказидан четда қолмайди.

Биз билан рўпарама-рўпара хонада бошлари оғригини даволатиш учун ётишган бири хипча, иккинчиси Винни Пухдай аёллар бир кун ичидаёқ янги қўшниларимиз ҳақида анча-мунча ахборотлар тўплашга улгуришганди.

— Улар ота-бола экан, — суюнчилашди, — товамиз жуда меҳнаткашу, аммо қўли юпқарок шекилли. Бўлмаса, ёши бир жойга етган одам хушидан кетиб қолгунча трактор ҳайдайдими...

— Бола-чақаси кўп бўлса, етказолмаса керак-да, бечора. Кишлокларда хотинлар халиям келганини қайтармай туғиб ётишибди. Эшитишинг қараганда, хўжаликларда ойлик ўрнига ҳар замонда бир-икки кило оқ ёғ бериб қўярмиш.

— Лекин ўғли келишган йигит экан, — деди хипча аёл шеригининг гапига парво килмай. — Эртаклардаги баходирларга ўхшайди.

— Э, бўлмайди, — қўл силтади «Винни Пух», — хотин кишини менга ўхшаган лорсиллагани, эркак кишини сизга ўхшаган хипчаси тузук.

— Э, ўлинг илоё, хаёлингиз қаёқка кетди дарров, — кулади шериги, — номахрамларни олдидаям уялмайсиз-а...

— Ҳм, булар ўн етти яшар бўйдоклармиди...

Харқалай, аёлларни «тора»нинг кимлигидан кўра йигитнинг алп қомати кўпроқ жалб этгани аён эди.

— Нима бўлсаям, яхши ўғил экан, — ҳамон мухокамани давом эттиришарди кўшниларимиз. Биз эса уларни жимги на тинглардик. Баъзи аёлларга эшитар қулоқ бўлса бас...

— Фарзанд бўлгандан кейин қайтарсин-да. Ёқимтойгина экан, отаси бечора болалигига уни елкасидан туширмаган бўлса керак. Шўрликкина тогам ана шу болаларини бокаман, деб шу кўйларга тушгандир-да...

— Сиз шунақа дейсизу, хозирги ёшлар ичида ота-онаси ни шунчалик эъзозлаб, бошига кўтарадиганлар кам.

— Бошига кўтариб нима қипти, каляскада суриб юрибди, шу-да...

— Шуям катта гап-да. Ҳозир, ўзимиздан қиёс, ҳамма пул исташ билан овора. Ота болага, бола отага бокадиган замон бўлмаяпти...

Эртасига аёллар шундай важоҳат билан ҳовлиқиб кириб келишдики, назаримда улар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгилик топиб олишгандай эди.

— Ҳай, кўшнилар, — деди семиз жувон, — тогамиз тушмагур иштонини хўл кип кўяркан...

— Йигит бечора сўлокмондай бўлиб, сестра хозяйкани олдига бўзчини мокисидай қатнаркан... Кечаси ҳожатхонага...

Булар харқалай кулгили гаплар эмас эди.

Аёллар фавқулодда кашфиётларидан ҳайратга тушмаганимиз, уларнинг сезгирилигига оғаринлар айтмаганимиз учун ранжишгандай, бир-бирига имо қилиб чиқиб кетишди.

Шеригим билан маслаҳатлашдик-да, ўзимиз ҳам узок тумандан келганимиз учун қўшнилардан хабар олиб, ҳол сўраб кўйишни лозим топдик.

Торанинг мияси жароҳатланган бўлса керак, бизга анча қараб ётди, кейин девор томонга ўгирилиб олди.

Унинг каравоти ёнидаги юмшок курсида ўғли нимагадир мош еган хўроздай тўдайиб ўтиради. Менга шундай туюлдими, ё унинг бўртиб чиқсан кўкрак кафаси эгилиб рок ўтиришга имкон бермасмиди — аниқ билолмадим.

— Ёмон йикилган эканда-а, — дедим нимадир дейиш керак бўлгани ва нокулай сукунатни бузиш учун.

Йигит мужмалгина бош қимирлатиб кўйди.

— Энди ишни бас қилинг, бир амаллаб бокволамиз, демабсизлар-да.

— Дедик, — йигит журъатсизгина минғирләди, — ўзиям қайсар. Шу йил пенсияга чиқиши керак эди...

Тоға ўзи ҳакида нохуш гап кетаётганини эшитдими ё сездими, ўтирилиб, йигитта караб бир ижирәниб қўйди-да, яна аввалигича ётаверди.

— Яхши эшитмаяпти, — деди йигит гўё бизни тинчлантириш учун.

— Овқат-повқатни нима қиляпсиз?

— Шу ерга олиб келиб беряпман. Юрса боши айланиб кетади, — деди йигит тез-тез гапириб, — эрталаб ўзим бет-кўлини ювиб қўяман. Ҳожатхонага олиб бориб... елкасидан ушлаб тураман... Ҳонадаем шу, кийимини тез-тез алмаштиришга тўғри келяпти.

— Майли, ука, — тасалли бердик биз, — отага хизмат килган кам бўлмайди, фарзанд шунаقا пайтда аскотмаса...

— Ҳа, — деб улаб кетди шеригим, — оғир олманг, қаттиқ гапирманг, дуосини олинг.

— Отанг тўнғиз бўлса, бойлаб бок дейишган, — қўшимча қилдим макол қўполрок бўлса ҳам.

— Ота рози — Ҳудо рози, — деди шеригим.

— Бирон нарсага зориқсангиз, ёрдам керак бўлса, тортинимай бизга айтаверинг, ён қўшни — жон қўшнимиз, — деб хайрлашдик.

Кечаси энди қўзимиз илинган экан, бирдан шовқин-сурон бўлиб колди. Қўшнимиздан хабар олгани югурдик. Ҳамшира тоғага оёкларини солиб ўтириши учун тиззага етадиган маҳсус идишда илик сув олиб кирибди-да, йигитта тайинлаб чиқиб кетибди. Афтидан нариги каравотда ёнбошлаб кузатиб ётган «Ҳожимуқон» мизгиб колган бўлса керак (уни ҳам айбситиш қийин — семиз одамлар уйкуга майилроқ бўлишади-ку), тоға, боши айланганми, ўтираверидб зерикканми, ўғлини чақирса уйғонмаганми, хуллас ўрнидан тураман деган-да, оғини идишдан чиқаролмай муқкачасига полга йиқилган. Оғзи-бурнидан окқан қон ванначадан тўкилган сув билан қўшилиб, белбоғдай жойда ифлос, хунук шилимшиқ ҳосил қилган эди.

Тоға йиқилаётгандага ё йиқилиб бўлгачми, жонхолатда бақириб юборган, йигит уйғониб кетган, ҳамширалар ҳам югуриб етиб келишган, биз кирганда уни ҳали турғизишга ултуришмаган эди.

Тоғанинг оёклари ҳамон тўнтарилиб ётган идишнинг ичидаги, усти-боши шалаббо, юз-кўзлари, қошларигача қон суйкалиб кетган эди.

Беморнинг жуссаси бир сикимгина бўлса-да, уни турғазишга қийналишар эди. Унинг бир кўлтиридан икки ҳамшира, иккинчи қўлтиридан йигит кўтаришмоқчи бўлаётган эди.

— Хай-хай, нима қиляпсизлар ўзи, лоақал анави идиши ни оёғидан олиб ташлаш керак-ку, — дедим мен ва шошиб ваннана томонга ўтиб, уни торта бошладим. Лекин бу тор идишнинг ичидаги тоганинг оёклари булланиб қолганми, ҳадеганда чиқавермади. Қаттикрок тортгани чўчидим, оёқ-поёғи билан суғуриб оламанми, деб. Хуллас, bemорни ярим белигача кўтаришган жойида қайта ётқизиб қўйиб, ҳамма оёғидаги ваннначага ёпишди. Ростдан ҳам тоганинг панжалари чангак бўлиб котиб қолган эди, оёкларини битта-битталаб аранг чиқариб олдик. Ҳамширалардан бошқаларимиз, ҳатто тоганинг ўғли ҳам бир оз ижирғандай хараткат қилар, мумкин қадар bemорнинг кийимида, юз-кўзига тегиб кетишдан ўзимизни эҳтиётлардик.

Нихоят, bemорни туризиб, курсига ўтказдик. Нашатир спирти хидидан у ўзига келиб, қўзини очди. Кулокларига сув кириб қолган қўй сингари бошини сарак-сарак қилди. Ҳамширалар елиб-югуриб төғора, графинда сув олиб келишиб, bemорнинг юз-кўзларини худди ёш болани ювинтиргандай юва бошладилар. Энди тоганинг уст-бошини алмаштириш керак эди.

— Бошқа кийим олиб қўймаганмисиз сестраҳазияйкан, — деб сўради ҳамширалардан бири.

Йигит индамади.

— Энди ечинтириб, чойшабга ўраб ётқизиб қўйинг бўлмаса, — деди ҳамшира.

— Яланюоч қилиб-а? — нихоят даражада ажабланди йигит.

Ҳамширалар йигитга ундан ҳам баттарроқ хайратланиб тикилишиди.

— Ха, биз ечинтирайликми бўлмаса дадангизни?..

— Кечаси яна ҳўл қилса-чи?

— Ўзингизни чойшабларингиз билан ўрайсиз.

— Кўрпасиниям алмаштириш керак бўлади.

— Ағдариб қўясиз.

— Кечаси... бир неча марта... бўлади... — деди йигит хиссизлик ва ланжлик билан.

— Унда ўзингизни кўрпангизни солиб берасиз.

— Мен-чи?

— Бир кечага бир амалларсиз, курсида ўтириб ухласан-гиз ҳам бўлаверади, — деди ҳамширалардан бири асабийлашиб, — ахир отангиз-ку!

Кўшниларимиз энди бизнинг хонамизга қадам ранжида килишмаса керак, деб ўйловдик. Эртасига эрталаб киришиди.

— Ҳай, қўшнилар, анави Ҳожимуқон деганларинг тогамизни ўғлиmas экан. Бечора төрамизни ўғли тугул қизиям йўқ экан. Кечасиги воқеадан кейин полвон хайр-маъзурни-ям насия килиб, сахар жуфтакни ростлабди.

Бу биз учун чиндан ҳам кутилмаган, ғалати янгилик эди.

Тоға билан йигитнинг ташки тузилишларида бирон-бир ўхшашлик кўрмай ажабланиб қўйганим эсимга тушди. Лекин нотаниш одамлар, хусусан гап ташувчи жувонлар олдида мулоҳазамни билдиришга андиша қилган эдим. Бу дунёда қандай ғаройиб ҳодисалар бўлмайди, дейсиз. Оламда бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган ота-болалар камми?

— Бутунлай кетибдими? Эҳтимол бирон ёкка чиккан-дир — шаҳаргами... Ёш, сиқилиб зериккан бўлса... — ўсмоқчиладим ҳамон ишонгим келмай.

«Винни Пух» менга караб кошларини чимириб, лабларини бурди.

— Гўрними... йиғишириниб, ҳамширага мен ишимдан коляпман, ўзинглар қаранглар, дебди яшшамагур...

— Тузук, индамасдан жўнавормай, огохлантириб кетибди.

— Ўлсин энди шунгаям ярамаса... Ахир нима бўлсаем одаму... — деди хипчаси шеригининг гапларига ғаши келгандай.

— Ўзи унча ёпишмайрок турувди, кўзлариям бежорок эди... — деди ҳануз ғазаб алансаси пасаймаган семиз хотим.

Холvasи бошқа жойдаю, ғалvasи бизникида, дегандай, музокара нонуштагача давом этди.

«Ҳожимуқон» қочиб кетганидан кейин икки кун ўтгач, тоғанинг ёнида бир аёл пайдо бўлиб қолди. Ёши ўтиб колган бўлишига қарамай истарали кўринадиган бу опа камга, камсуқум эди. Хотинларга ҳам қўшилмас, гўё «Ҳожимуқон»нинг гунохи учун хижолат чекаётгандай маҳзун ва жимгина юрарди. Ҳатто ҳар қандай эркагу аёлнинг енгидан кириб почасидан чиқиб кетадиган қўшниларимиз ҳам опа

билан тил топишишга, унинг кўйнига кўл солишга анча уриниб кўришдию, бирок дурустрок натижа чикмади шекилли. Лекин харкалай улар айрим маълумотларни билиб олишганди.

Эмишки, тоға билан аёл ёшлигида бир-бирини Фарходу Ширин бўлиб яхши кўришган, турмуш қуришиб, беш-олти йил бирга яшашган, лекин бола кўришавермагач ажралишган экан. «Хожимуқон» опанинг кейинги рўзғоридан топган ўёли эмиш. Тоға ҳам бир неча марта уйланибдию, аммо бояқишининг пешонасига фарзанд битилмаган экан...

— Бир-бирларидан кўнгли қолмаган экан-да, тавба, шунакасиям бўларканда-а, — деди хипча аёл хайратини яширмасдан. Назаримда, у ўзини опанинг ўрнига кўйиб кўрарди-ю, бирок бундай фидойиликка (эҳтимол, қўшним бошқа иборани ўйлагандир) қодир ёки қодир эмаслиги борасида тайнинли бир хулосага келолмаётган эди.

— Э, шу пайтгача яхши кўришгани коптими, — деди «Винни Пух», — бошқа сабаби бордир...

«Балки...» деган хаёл ўтди дилимдан. Эҳтимол, бу оддий одамгарчиликдир — яқин кариндош бўлишса... Эҳтимол, ростдан ҳам ҳамон бир-бирини аяшар, эъзозлашар... Бўлмаса, наҳотки биронта эркак қариндоши, жиян-пияни топилмаса... Ўзининг хотини-чи? Ё тулмикан шўринг курғур... Үнда аёл-чи? Унинг ҳам эри йўқмикин?.. Шундай бўлган тақдирдаям мусулмончилик, одамлардан андиша килмадимикин?.. Демак, гап-сўз ҳадигидан, андишадан ҳам кучлироқ нимадир борлиги аник.

Опанинг қалбida нималар борлигини жуда-жуда билгим келди-ю, лекин ҳозир унинг кўнглига бунақа гаплар сифармиди, бунинг устига нотаниш бир эркакка кулфи дилини очиб ўтиармиди, деб журъат қилолмадим. Бу орада менинг муддатим тугаб, кайтадиган бўлиб колдим. Нима бўлсаям хайрлашиб чикай, деб қўшни хонага кирдим. Тоға ҳамон гапирмас, рўпарасига курси кўйиб ўтирган аёлга тикилиб ётар, чукур ботган корачигларида элас-элас табасум жилваланарди.

— Худо шифосини берса хеч гапмас, — ўзимча таскин бердим опага.

— Раҳмат, ука, айтганингиз келсин, — деди опа менга бирров назар ташлаб. Шунда мен аёлнинг кўзларидан ўзимча қандайдир маънолар илгамоқчи бўлдим, лекин илкис бир нигоҳдан ниманиям англаб бўларди.

Това билан бош қимирлатиб хайрлашар эканман, менга у күнгли түк одамдай, жуда хотиржам күринди.

## ЭСКИ СОАТ

Кун роса тиккага келган эди.

Күкда зор учмайды, хаммаси ин-инига уриб кетган.

Түйғун иккаламиз шолизорни оралаб оқадиган Корасув-нинг ёйилмасида чўмилаётувдик.

Саратон жазирасида обдан қорайган баданларимиз оловдан чиқиб сувга тушгандай яйрайди. Биз энгашиб олганча, бир-биримизга сув сепиб, кийкириб кулишардик. Тепага отилаётган сувлар қиличга ўхшаб кетар, куёш нурлари билан кесишиб, атрофга сон-саноқсиз яшин-чакмокчалар сачратарди.

Чарчаб, холдан тойгач, лойланиб силликланган ва куриб-котиб, ялтираб кетган сўйри қиррокка чиқдик-да, «пах-пах»лаб, қоринларимиз ва сонларимизни чўғдай тупроққа теккизиб, юзларимизни қўлларимизга қўйганча ётиб олдик. Баданларимизга худди киздирилган иғначалар санчила бошлади.

Атроф сув қўйгандай жимжит эди. Чигирткалар хам чирилламайды, бақалар хам қурилламайды...

Бирдан машина овози эшитилиб колди.

Түйғун иккаламиз баравар бошимизни кўтардик.

— Ур-ра!..

Қишлоқдан бошланиб, пахтазору шолизорни кесиб ўтадиган сертупроқ йўлдан каймокранг «Волга» сиргалаётган-дай оҳиста юриб келар, орқасидан кўпикдай кўтарилилган куюқ чанг атрофга секин-аста таралиб, гўзалар баргига қўнар, бир қисми эгатлар орасига, қолгани ҳавога сингиб кетарди.

Биз ҳамон кафтларимизга тиralганча яrim белимиизгача кўтарилиб қараб турардик, машина яқинлашгач, бирдан яланғочлигимиз эсимизга тушиб, апил-тапил сувга сакрадик.

«Волга» ёйилмамиз ёнидаги шох-шабба, чим бостирилган омонат кўприкка етганида янада секинлади. Биз кафтларимиз билан сувни икки ёққа ёриб ўйнаганча ҳайрон бўлиб тикилиб турардик.

Машина кўприкни қисирлатиб, куёш тек котиб турган

тарафга ўтиб кетди. Күпrik сезилар-сезилмас лопиллаб силкинганида енгил чанг кўтарилиб, тагидан сувга шувиллаб майда тупроқ тўкилди.

Мен Туйғунга, Туйғун менга карадик. Туйғун елка кисди. Мен хам.

Бу йўлдан машина ҳайдаганлар, велосипед мингандар дам-бадам ўтиб туришади. Райондан, кўшни қишлоклардан келадиган бу одамлар шолипояларидан хабар олиб кетишарди.

Бирпас кузатиб турдик-да, «Волга»нинг яқин-ўртада тўхтамаслигига ишонч ҳосил қилгач, сувга шўнғидик.

Пишкириб кирғокка чиққанимизда яна «Волга»га кўзим тушиб қолди.

Ий-ий, Туйғун, машина хув авви ерга бориб тўхтабди, – деб хабар бердим.

Сонларига илик тупрок сепиб ўйнаётган Туйғун дик этиб ўрнидан турди. Оёқлари орасидан тўкилган тупрокнинг чанги арикка ёйилиб, сув юзини хидалаштириди.

– Ҳм-им... – деди Туйғун бўйинни чўзганча Қорадарё тарафга тикиларкан. – Борамизми?.. – Бирдан таклиф килиб қолди у «Волга» томонга бош ирафаб.

– Бориб нима қиламиз? – сўрадим қизикиб.

– Шўпир кўринмаяпти, шолини кўргани кетган бўлса керак. Томоша қилиб келамиз...

Машина ҳайдашни орзу қилмайдиган, унинг кабинасига ўтириб чамбарини ушлаб, айлантириб кўришга учмайдиган бола топилмаса керак.

Мен кифт кокдим.

– Давай, кийиндик, – қистади Туйғун қанот боғлагудек питирчила. Кийимимиз битта калта иштондан иборат эди. Иккаламиз йўлнинг икки томонидаги шолизорни кузатганча чопкиллаб кетдик. Машинага етиб боргунимизча хам теварак-атрофда шоғёрнинг қораси кўринмади.

«Волга»нинг эшиклари берк, лекин олдинги иккала эшиги тепасидаги ойнаси очик эди. Икки тарафдан ичкарига мўраладик.

Куроқ кўрпача тўшалган ўриндикка шим, енги калта сарик кўйлак пала-партиш ташлаб қўйилганди.

Кулоғимга бирдан ғалати товуш чалинди:

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

– Ий-ий, соатиниям ташлаб кетибди, – деди Туйғун қўлини ичкарига узатиб, у кўйлак устида турган соатни ол-

ди ва бошини дарров ташкарига тортиб, атрофга кўз югуртирди. – Аваз, шўпир узокка кетганга ўхшайди, ўмарамизми?

– Ўғирлаб-а? – Мен хам бошимни кабинадан апил-тапил чикариб, қўрқа-писа теваракка алантладим.

– Нима қипти, билиб ўтирибдими, оламизу қочамиз.

– Кегин нима қиласми уни?

– Сотиб, пулини бўлишволамиз!

– Кимга сотамиз?

– Мен дадамни шўпирига – Салим акамга айтаман, сотиб беради, лекин ҳеч ким билмаслиги керак, – деди Туйғун овозини пасайтириб.

Юрагим гуп-гуп килас, назаримда Туйғуннинг юраги хам шунака ураётгандай эди.

– Ўғирлик яхшимас-да, – дедим хамон кўзларимни жавдиратиб. – Одамни қўли қалтироқ бўлиб қолади.

– Э-э, кари энангни гапини кўтариб юрибсанми? – деди Туйғун чор тарафда котиб қолгандай қилт этмай турган бепоён шолизорни тез назардан ўтказаркан. – У ёк-бу ёққа караб тур, – тайинлади менга. Ўзи эса шофернинг яқин ўртада эмаслигига ишонч хосил қилгач, бошини тарин ичкарига сукди. – Чўнтагиниям караб кўрайлик-чи... – У жигарранг шимнинг киссаларини шоша-пиша кавлай бошлади.

– Кўринмаяптими?

– Тезрок бўл, қўркиб кетяпман, – дедим бир кўзим кабинада, бир кўзим ташкарида олма-кесак териб.

– Ҳозир...пулиям боракан...

Коровулликни унутиб, ичкарига энгашдим.

Туйғуннинг бармоқларига бетартиб тахланган пуллар илашиб чикарди.

– Қўй, яхшиси, ўғирламайлик, кел қолса, орқамиздан етволади.

– Э, етказиб жиннимизми...Шолипояларминан ўтиб, рўзани ичига уриб кетамиз.

– Бўлмаса, ё соатни олайлик, ё пулини. Биттасини колдирайлик-да...

– Йўқ, иккаласини оламиз. Иккаласини олсак, бўлишишгаям осон: биттамизга – пул, биттамизга – соат... Соат сенга бўлақолади.

– Пулини бўлишиб кўя қолсак-чи, – дедим бўшашиб.

Мен совуккотгандай қунушиб, атрофдан кўз узмасдим.

Назаримда «Волга»нинг эгаси қаердадир бизни кузатиб тургандай, хозир келиб қолиб билагимиздан шаппа ушлай-дигандай туюларди. Лекин Туйғуннинг таклифи, түғрироғи, илтифоти кўнглимга ғулғула солиб кўйган эди. Ростиям, соат менга тегса, Туйғунга ўхшаб ўртокларимга мактаниб юрадим, деган хаёл миямга ўрнашиб олди. Туйғуннидай янги, чиройли бўлмасаям, хар холда, соат-да, бошқаларда шуям йўғу...

— Кетдикми, — деди Туйғун бир кўлида соат, бир кўлида пулларни ғижимлаганча, киприкларини пирпиратиб. Овозининг қалтирашидан унинг ҳам иккиланаётгани, хадиксираётгани сезилиб турарди. — Ўзинг томонни яхшилаб кара, мен томонда пашшаям кўринмайди. Кочдик!

Ўзимизни шолизор ичига урдик. Орқамизга қарай-карай уватлардан, марзалардан ҳатлаб, шоли ниҳолларини эзиб-янчиб югурадик. Оёкларимиз остидан сачраётган илик лойқа сув кўзларимизни ачиштирас, оғиз-бурунларимизга кириб кўнглимизни бехузур қилас, лекин заррача эътибор бермай, секинлашни хаёлимизга ҳам келтирмай, яшиндан қочгандай учиб борардик.

Йўл қолиб кетди. Машинаям. Нихоят, Корасувнинг торрок жойидан сакраб ўтиб олдик. Энди буёғи пахтазор — анча бехавотир эди. «Волга» ҳамон жойида котиб туар, унинг ён-верида ҳалиям одам кўринмасди.

Мен ўпкам оғзимга тикилиб, харсиллаб колгандим. Ўскин ғўза ичига кириб, ўзимизни ерга ташладик.

Шунда хаво етишмаётгандай, зўрга нафас олар, кў克拉ғим кўтарилиб-кўтарилиб тушарди.

— Бўлди, мунча ҳансирайсан? — деди Туйғун. — Энди бизни топиб бўпти.

— Нотўғри килдик-да, Туйғун, ўғирлик яхшимас.

— Ўғирлик ёмон бўлса, сен тегишингни олмай кўя кол, — бурнини жийирди Туйғун.

— Хо, нимага энди олмасаканман, шерикмиз-ку, — дедим алам билан.

Ғўза барглари шитирлади, чўчиб тушдим, ўзимни билмадиму Туйғуннинг ранги окариб кетди.

Туйғуннинг Бўйноини кўриб, ўзимизга келдик. Итни аввалига сўккан бўлсак-да, шу захоти унинг бўйини си-лаб-сийпаладик. Бўйнок, уйларимизнинг яқинлигини эсимизга тушириб, бизга анча далда берган эди.

Улжаларни шу ерда бўлишдик.

Түйғун мента соатни узатди.

— Ма.

Соат эски, күримсиз, кора латтага ўхшаш боғи узилай-узилай деб турибди. Пул — бوشқа гап, истаган пайтингда хохлаган нарсангни сотиб олишинг мумкин: кармок ё камалакка резинками, пряник ё музқаймоқми...

Иккиланиб қолдим. Соатни нима қиласман? Аям нима деркин? Роса уришса-чи... Хўп, уришмасин ҳам, такиб юрсам, болалар сўраса, нима деб жавоб бераман? Кўчадан топиб олдим, дейманми? Түйғун ҳеч кимга дамингни чикармайсан, деб тайинлади. Ўзи айтиб қўйса-чи? Йўқ, айтмайди. Лекин, топиб олдим, деганимга бирор ишонармикин? Қанақа лапашанг одам Аваз топиб олсин, деб кўчага ташлаб кетибди, нимага энди бушқа бирор топиб олмайдио, сен топиб оласан, деб калака қилишса-чи? Корасув бўйидан топиб олдим, битта-яримта чўмилган одамники қолган бўлса керак, деб туриб олади, тамом...

Лекин бу гапларга хали анча бор эди. Мен соатни қулоғимга яқинрок тутиб кўрдим. Унинг товуши жуда ёқимли эди.

Чик-чик, чик-чик, чик-чик, чик-чик...

Уй-уйга тарқалдик.

Ховлига кириб борганимда аям тепа лаби тушиб кетган тандир ёнида кир юваётган экан, бакириб қолди:

— Каёкка гумдон бўп кетдинг?! Акалли аридан бир пакир-ярим пакир сув ташиб туришга ярамайсанми?..

Аям томон чўчинқираб бордим-да, кир тогора ёнида турган бўш пакирни юлқигандай олиб, кўчадаги арикка югурдим. Пакирни муздай, тиник сувга ботириб, гавдамни бир томонга кийшайтирганча оркамга қайтдим. Қалайи пакирнинг остки қирраси болдиримга тегиб оғритар, сув чайқалиб тўкилар, лекин парво кильмасдим.

— Қаерга қўяй? — сўрадим дарвозадан кира солиб, эпчил-чаққон боладай.

— Қозонга кўй, қозонга, — буюрди аям бошини кўтармай, — ўчоққаям ўзапоядан бир тутам ташлаб қўй.

Темир ўчоқдаги суви ярим қозонга пакирни ағдараётган эдим, боядан бери бир кафтимда яшириб турган соат «чўлп» этиб тушиб кетди, «их» деб юбордим.

— Нима бўлди, ландовур, чўр-пўғни босволдингми? — сўради аям ишидан тўхтаб ва кўлларидағи кўпикни сидирганча ўрнидан турди, — сен бола, бир нарса килдинг-ов, —

аям шундай деб қозон тарафга юра бошловди, ўзимни орқага тортдим.

Аям у ёк-бу ёкка аланглаб бориб, қозонга энгашди. Мен бир неча қадам берида қўрқа-писа кимтиниб тургандим, аям важоҳат билан тикилди.

— Бу нима? — сўради у, овози қалтираб кетди.

Бир сапчиб тушдим, киприкларим тўхтамай пирпирай бошлади.

— Соат, — жавоб бердим титроқ товушда.

— Кўриб турибман, канака соат, кимни соати? — аям ғўзапоя чўпи билан сув ичидаги соатни тортиб чиқарди. У кўлидан бунисига олиб, у ёк-бу ёғини ағдариб кўрди. Мен ҳамон қокқан қозикдай кимиrlамай, мик этмай турардим. — Каердан олдинг?

Бу гал аямнинг овози юмшокрок чиқди.

— Топиб олдим, — дедим сал дадилланиб.

Буёни мен ўйлагандай кетиши, яъни, аям: «Қаердан?», деб сўраши, мен: «Қорасув бўйидан», деб жавоб беришим керак эди, лекин ундей бўлмади. Аямнинг авзойи яна бирдан ўзгарди.

— Хўўб, бола, тул бошим билан тўрттангни шу пайтгача харом аралаштиrmай бокиб, катта қиялман. Каердан олган бўлсанг, ҳозир жойига кўйиб келмасанг, гўшингни нимта-нимта қиласман!

Мен дағ-дағ қалтираб, гапирай десам, тилим айланмасди.

— Сен бола, бировларга ҳавас қилмагин, — деди аям худди айттолмаётган гапларимни ёшланган кўзларимдан уккандай. — Туйғунга дум бўлволгансану ўша сени бир балога бошлаган. — Аям мен томон бир-икки қадам ташлади.

Мен дарвозани мўлжаллаб тисарила бошладим.

— Қочма, мени болам бўлсанг, манави матоҳни жойига кўйиб ке, тезда қўйиб ке. Айтганимни қилмайдиган бўлсанг, худди кунингни кўрсатаман.

Секинладим, лекин ҳамон «аям савалаб колмасайди», деган ҳавотирда питирлаб турардим. Чунки аям бояги ғўзапоя чўпини ҳали ҳам ушлаб турарди.

Аям дилимда кечётган ҳадикни англаидими, турган жойида соатни оёғим остига ирритди.

— Олган ерингга қўйгину изингга қайт. Мактабда ўқиб, шуни ўргандингми? Тезда олиб жўна!

Соатни «дўп» этиб тушган юмшок ердан олдиму қандайдир ғайриихтиёрий кизикиш билан шоша-пиша кулогимга тутдим, юряпти: чик-чик, чик-чик, чик-чик, чик-чик...

Лекин шу аснода яна бир катта хатога йўл қўйганимни англадим: яланюоч елкамга ғўзапоя чўпи тарсиллаб тегди.

— Сен нима деяпсан, демай, қулогига тутади-я, бу харом нарсани!..

Бўйнимни қисганча дарвозадан кўчага отилдим. Жонхолатда ариқчадан сакраб ўтиб, ҳаш-паш дегунчаёқ ўзимни пахтазор ичиди кўрдим. Шундагина секинлаб, нафас ростладим, орқамга ўгирилмоқчи бўлдим, бирок юрагим дов бермади. Дарё томонга тикилдим. «Волга» ҳамон жойида турарди... Бошим котди. Этиб боргунимча шофёр келиб қолса-чи? У шоли ўтаётган бўлса керак, сувидан ха-бар олишга шунча узок йўқолиб кетмасиди, дедим ичимда. Туйғунни чақириб, унга бор гапни айтсан-чи?.. Э, у нима дерди, устимдан кулиб, мазах қиласди, шу. Ўзи сен билан ўйнамаслигим керак экан, дейди. Ўртоқчиликни уза қолайлик, деса-чи? Кейин ким билан ўйнайман?..

Махаллада киз кўпу мен тенги бола кам эди. Туйғун... мақтанчоқрок бўлсаям, қизғанчиқмас... Ҳар доим пули бўлади, бир нарса олса, менгаям беради... Унча аразчияммас...

Соатни олиб борса, бирдан шофёр келиб тутиб олса, пуллар қани, деб сўраса-чи?.. Э, қаёқданам бугун чўмилишга бордим... Қаёқданам Туйғуннинг гапига кўна колдим?.. Ўғирламайлик, деб қаттиқ турганимда, нима килардийкин?.. Асли соатниям олмай кўя колсам бўларкан, Туйғун зўрламасди, қайтага жон дерди...

Соатнинг овози эса баралла эшитилиб турарди:

Чик-чик, чик-чик, чик-чик, чик-чик...

Мен пахтазор ўртасидаги ости катқалок, икки кирвоини курмак, семиз ўт босган ўқариқдан тиккалаб борардим.

Шу ғўзанинг ичига ташлаб юбора колсам-чи?.. Аям кўчага чикиб кузатиб турган бўлса-чи? Орқага дадил ўгирилишга ҳамон журъатим етмасди. Юришдан тўхтамай, елкам оша киё карадим, лекин ариқ бўйидаги тутларнинг шапалоқ баргли новдалари дарвозамизни тўсиб қолганди.

«Волга» билан орамиздаги масофа борган сари узоклашиб кетаёттандай эди. Машина кўзимга тобора кичрайиб,

хунуклашиб кўринар, у бомбадай, етиб боришим билан портлайдигандай туюларди.

Ичим қизиб борар, елкам жизиллаб ачишарди. Лекин йўлим унмасди. Соатни тош орасига олиб мажақлаб ташлагим келар, аммо кўзим қиймас, кейин назаримда, аям кўлларини белига тираганча, тутлар орасидан қараб тургандай эди.

Назаримда, шофёр ҳам «Волга» ичида етиб боришимни кутиб пойлаб ётгандай эди...

Чик-чик, чик-чик, чик-чик, чик-чик...

Бу товуш энди чакка томчиларидаётган ёқимсиз эшитиларди.

Қани энди кафтимдаги шу бир парча чўғдан тезрок кутулсаму дукурлаётган юрагимнинг шиддати ва овози сал пасайса!.. Дукурлаётган юрагиммикин ўзи?

Йўлим кўпаяверганидан олдинга қадам ташляпманни ўзи, деган хаёлга ҳам борардим. Кўринмас бир қўл оёғимдан тортса, аямнинг қадоқлари оқ ем бўлиб кетган кафтлари ортимдан итарарди. Мен каттиқ кесакларга, ғўза шохларига коқила-коқила, йиғлаб юбормаслик учун лабларими ни маҳкам қимтиб борардим. Ичимда Туйғунни сўкардим.

Кўз ёшининг пўртанадай кучлилиги, баъзан уни тўхтатиб бўлмаслигини ўшанда билганман. Мижжаларимга нам тепчий бошлаганини сездим.

Энди осмоннинг чароғонлиги ҳам, Корасувнинг тикиқлиги ҳам, пахтазору шолизорнинг ям-яшиллиги ҳам ўз кимматини йўқотган эди. Кафтимдаги соатнинг овози олисларга таралаётгандай эди:

Чик-чик, чик-чик, чик-чик, чик-чик...

Узокда ялтираб турган «Волга» кўзимга бало-қазодай кўринарди. Унинг ёнига етиб борадиганга ўхшамасдим.

Корасувнинг пахтазорни тикиасига кесиб ўтиб, кўчамиз ёнидаги ариққа куйиладиган шохобчаси кирғоғида саф тортган, шохлари сийрак кари тутлар панасиға ўтдим-да, дарвозамиз олдини кузатдим. Онам кўринмасди. Ичимга хийла ёруғлик тушди. Бирдан икки бошли аждархога ўхшаш катта тутнинг чумчук ин соладиган ковагига кўзим тушди-ю, миямга бир фикр келди. Суюниб кетдим. Соатни ўша ковакка яшираман. Кейинроқ оламану аямга сездирмай сотиб юбораман ё Туйғунга топшираман: менга соат керакмас, пулни бер, дейман. Унгача Туйғун пулни ишлаб

тиб юборса-чи? Бари бир унда хар доим пул бўлади: аяси ё дадасининг шофёри бериб туради. Эрка!..

Тут ковагининг оғзи кичкина эди, кўлимни эҳтиёткорлик билан сууриб олдим.

Энди бир оз вакт ўтказиб уйга бораман, дедим-да, тут каллакларидан, ковакларидан чумчук бола қидириб анча юрдим. Ўзимни чалғитмоқчи эдим. Бўлмади.

Кулғим остидан соат овози кетмасди.

Чик-чик, чик-чик, чик-чик, чик-чик...

Тутқатордан узоқлашган сарим бу товуш янада яқинроқдан эшитиларди.

Чик-чик, чик-чик...

Хаёлимда арик бўйидан юрадиган одам соатни пайқаб, уни топиб оладигандай, сирим ошкора бўлиб қоладигандай эди. Кўнглим тинчимади. Қайтиб бордим. Соатни ковакдан чиқариш учун анча уринишга тўғри келди. Билагим озрок шилинди ҳам, лекин хайриятки қон чиқмади. Аям сезиб колиши мумкин эди.

Энди дардисар соатни ўззанинг ичига, тупрокқа кўмишга қарор қилдим. Кейин топишга осонроқ ерга, ўза баргига ўраб кўмдим-да, ёнига чўпак сукиб, белги қўйдим. Уйга караб бир неча қадам юрдиму яна секинладим. Соат худди кафтимда тургандай бир текис овоз берарди:

Чик-чик, чик-чик...

Тағин бир неча қадам юрдим.

Бўлмади.

Соат товуши кулғимни тешиб юборай дерди: чик-чик, чик-чик...

Қайтиб бориб, соатни кавлаб олдим.

Наҳотки, бу бош орригини жойига қўйиб келишдан бошка чораси бўлмаса?

Йўқ, машина ёнига зинхор бориш мумкин эмас. Шофёр тутиб олса, тамом... Нима қиласкин, урармикин ё қулғини чўзиб, қўйиб юборармикин? Шундай қилса, майлийди. Мактабга бошлаб бориб шармандасини чиқарса-чи? Хамма уни «ўғри» деб айтади...

Дарвозамизга яна бир қараб, аямнинг мени кузатиб турмаганига ишонч ҳосил қилдиму. Қорасувга қараб юрдим. Арик бўйига етгач, кўзимни чирт юмдим-да, лаънати соатни қулочкашлаб шолизорга отдим. Отдиму қулокларимга бармоқларимни тиқдим.

Анчадан кейин кўзимни очдим, қулокларимдан бар-

мокларимни олдим. Соат ҳамон «чиқ-чиқ»лар, факат энди унинг овози қаердан келаётгани менга номаълум эди.

У товуш халигача қулокларимдан кетмайди.

Чиқ-чиқ, чиқ-чиқ...

## ХИЛВАТ СЎҚМОҚДАГИ ЁЛҒИЗ ТОШ

(Эссе-ҳикоя)

Сиз тошнинг кариганини кўрганмисиз? Мен кўрганман. Қанақа тош дейсизми? Мармар ё ойдан тушган мўъжиза тош эмас, шу, ўзимизнинг оддий, дарё тоши... Ана шундай тош ҳакида дилимдан ўтган гапларни айтиб, кўнглимни бўшатмоқчиман. Оддий бир тош тўғрисида ниманиям гапириш мумкин, деб ҳайрон бўларсиз. Чехов кичкинагина сиёҳдон ҳакида ҳикоя ёзиб бермоқчи бўлганини биласиз. Ахир, бу сиёҳдондан бир неча ўн баробар катта, бунинг устига, насл-насабию қаердан келиб қолганини хеч ким билмайдиган, аммо одамларга ташки кўриниши кўп йиллардан бери таниш бўлиб қолган, яъни ҳаркалай анча-мунча тарихи бор тош-ку.

Мен бу тошни кичкиналигимдан, энди тилим чиқиб, нарсаларни бир-биридан сал-пал фарклай бошлаган пайтимдан биламан. Ҳатто ундан анча аввал, онам кўтариб юрадиган чоғларда ҳам у тошга кўзим тушганлиги ва унга гўдакларча қизиқиш билан караганим аниқ. Эҳтимол, онамнинг бағрида туриб унга талпингандирман ҳам. Лекин негадир эсимни таниган вактларимда тошга жиддий ахамият берганимни эслолмайман. У тарихий тошга айрича эътибор билан қарай бошлаганимга кўп бўлгани йўқ. Бу орада тош билан бир неча юз маротаба тўкнашгандирман. Гап шундаки, мен узок йиллар Тошкентда яшаб, кишлоққа бундан бир неча йил илгари қайта кўчиб келган ва тош абадий маскан курган азалий сўқмоқдан қайта юра бошлаган эдим.

Тош сўқмоқнинг ўртасида. Аслини олганда тош илгари ўртада эмас, анча четроқда бўлиб, ўнг томони кенг-мўл эди.

Дарвоке, тош турган жойни яхширок тасаввур килишингиз учун аввал сўқмоқни батафсилрок тасвиirlаб беришга тўғри келади шекилли.

Сўқмоқ уйимиз орқасидан, махаллани қок иккига ёриб

ўтган. Биздан тепада яна тўртта хонадон бўлиб, сўмок худди ана шу ердан, яъни маҳалла бошидан бошланган ва кун ботиш томонга караб, икки-уч ўринда кичкина кўлтиқ ясаб кетади. Сўмок илгари пайтларда хозиргидай сокин ва зерикарли эмас эди. Унинг узунлиги бир чакирим келмас, ёлғиз тош эса бизнинг уйдан бор-йўғи тўрт юз қадамча нарида холос. Бир карашда чакалакзорга ўхшарди бу ер: атроф калин ўт-ўлан, бутазор бўлгани учун шабада кам юрар, имик. Сўмокнинг чап томонида тор, лекин анча чукур, бошидан охиригача икки қирғозида жингишу эрман қалин ва тартибсиз ўсиб ётадиган жилғасимон арикча бўларди. Унинг ичини ҳам ям-яшил, қирраси қиличдай ўтқир аччиқ ўт қоплаганидан унда-бунда милт-милт қилиб кўриниб коладиган сув кўлмакка ўхшар, астойдил қулок тутган кишигина охиста жилдираб оқаётганини эшитиши мумкин.

Сўмокнинг ўнг тарафи эса томорқаларнинг этаги бўлиб, тол ходалардан килинган чавралар билан тўсилган. У пайтларда гувала, ғишт деворлар уриш ҳали расм бўлмаган эди. Арик билан чавра оралиғи, яъни сўмокнинг эни камиди бир ярим қулоч келар, тош эса деярли арик лабида эди. Унинг ўнг ёнидан бемалол юрилаверар, ҳатто тош бу сўмокка ажойиб бир шакл, ўзига хос манзара бағишлагандай эди. Ўтган-кетган бир дақиқа ўлтириб нафас ростлаб олиши учун атайлаб келтириб кўйилгандай. Лекин атайлаб келтирилмагани аниқ эди. Мабодо шундай бўлганида, энди унинг кўзда тутилган хизматини ўтаб бўлганлигини инобатга олишиб, четга чиқариб кўйишини ҳам ўйлашарди. Лекин бу ҳақда кейин фикрлашамиз, хозир гап сўмок тўғрисида.

Сўмок учун фасл иккита эди: қиши ва ёз. Қаҳратон ҳамма ердаги каби бу овлоқни ҳам ўз забтига олиши турган гап. Кор ҳам ҳамма жойда бирдай оппок ва бирдай залворли: ерни ҳам, томни, гиёҳлару дарахт шохларини босиб тушиб, қилт эткизмай қўяди, зўр келган пайтларида ҳатто катта тол, кўплаб мевали дарахт шохларини кайриб, синдириб ташлайди. Сўмок қирғокларида унака, қайрилиб ё синиб тушадиган шохли дарахтлар кам эди. Лекин кор бошқа, масалан очиқ далаларга нисбатан бу маконга кўпроқ ёғадиганга ўхшарди: илон изи сўмокнинг ўзи ҳам, айникса, арик кўрпа-кўрпа бўлиб осилиб ётган кор остида мутлако кўринмай кетар-

ди. Қишининг асл қиёфаси, ҳақиқий салобатини намоён этадиган мана шу чиройли ва ўзига хос манзарани томоша қилиш, завқланиш, ўпкани тўлдириб-тўлдириб нафас олиш ва оёқ ботадиган қалин қорли сўқмокда ёлғиз из колдириш ниҳоятда гаштли эди.

Табиийки, хилват сўқмокда баҳор ҳам кечрок бошлигар, майса-гиёхлар сўқмоқ четларию, ариқча лабларини анча кейин кўқартиради. Лекин сўнгроқ бу ернинг хусни ва латофати жуда бошқача бўлиб кетар, худди ана шу маҳалларда кўк чучнара учун жаг-жаг, отқулоқ истаган болалар кўпроқ изғиб юришарди.

Сўқмокдаги ўт-ўланлар ёз бўйи, ҳатто кузнинг дастлабки ойларида ҳам бутунлай қуриб, ковжираб кетмасди. Лекин мезон эрта тушарди. Ёз этакларидаёқ, шоир таъбири билан айтганда «кўзларга килич янглиғ тортиладиган» оқ «ип»лар ҳар ер-ҳар ерда новдаларга илашиб, ерларда чувалашиб қоларди.

Сўқмокнинг доим chanг бўлиб ётадиган яшил майсалари эса жуда узок – то янаги кўкламгача безавол яшайди. Ўшанда ҳам бутунлай қуриб, йўқ бўлиб кетмасдан янги баҳорнинг сабза гиёхларига кўшилиб кетади. Шунинг учун уларнинг умри қачон поёнига етганини ҳам билмайсиз.

Кузда эса барра кўкатларнинг баргидаги шабнам шамолда енгил титраб, шим почасини, пойабзални шилта килиб юборарди.

Кеч кузда сўқмоқ янада коронилашиб кетарди. Чунки чавра томондаги қари ўрик, олмаларнинг тарвақайлаган шохлари, уларга илашиб ўсган ток занглари ва ариқнинг убетидаги – томлар билан туткатор орасидаги кора толларнинг новдалари бир-бирига киришиб кетган эди. Капа бўлиб ётган, ўргимчаклар уя солиб юборган шох-новдалар орасидан ҳар замон-ҳар замонда битта-яримта юлдуз мўралаб кўярди. Кундузи ҳам деярли кун тушмагани учун доим заҳ ҳиди анқиб турар, ҳавоси намхуш, лекин енгил эди.

Хусусан шу паллаларда сўқмоқ сукунат гирдобига фарқ бўлади. Куз намозгарида сайли бошланадиган пашшаларнинг ниши қаттиқ ва заҳри кучли бўларди: бирпасда бетларингиз, пешонангиз, билакларингиз, умуман очик жойларингизни фурра-фурра қилиб ташларди. Уларга юпқароқ кўйлак-шимлар ҳам чўт эмас, ўткир наштарини бемалол санчиб олаверарди. Ҳайдасангиз, жазаваси тутгандай тўзишиб, финифлашиб, баттар ёпишишади. Шунинг учун бу-

нақа махалда сўқмоққа камрок қадам ранжида қилган маъқул.

Сўқмоқнинг болалигимдаги эсимда қолган холати ана шундай эди.

Орадан ўттиз йилдан кўпроқ вакт ўтди. Сўқмоқнинг киёфасида анча-мунча ўзгаришлар юз берган. Лекин у ба-рибир менга ниҳоятда қаровсиз, ташландик, файзсиз, тош эса унутилган, ғарип кўринарди.

Одамлар йилдан-йилга томоркаси чегарасини, яъни тўсиқ-чаврани озгина-озгинадан жилдириб-жилдириб, сўқмоқни қисиб, ариқ лабига олиб келиб кўйишган. Чавра ўрнига гувала деворлар уриб олишганди. Энди бу деворларни орқага суриб бўлмасди. Чап томон эса – ариқ... Йўл, энди икки киши рўпара келиб қолса ёнбошлаб ўтадиган сўқмоқча ҳолига келган.

Сирасини айтганда, махалламизнинг кун юриш томонидан янги йўл чиқарилгандан кейин бу сўқмоқдан одам кам юрар, онда-сонда, шошиб турган битта-яримта кимсагина ўтиб қолади. Гоҳи-гоҳида парманчак териб еяётган болаларни учратиш мумкин. Шунинг учун, кам депсалганидан ариқ лабию девор тагларини ялпиз, отқулок, момокаймок, ажриқ, каби қадимий ўтлар босиб кетган сўқмоқка ҳам, кекса ва танҳо тошта ҳам унча эътибор берилмай кўйган. Мен эсам, беташвиш болалигим кечган мана шу торгина, қадрдан сўқмоқдан юришни яхши кўрардим. Икки томондаги тарвакайлаб ётадиган мевасиз дарахтлар кесилиб, ўрнига анор, анжир экилган, сўқмоқ анча очилиб қолган, кундузлари бемалол кун тушиб, окшом ҳам анчагача ёруғ эди. Сўқмоқнинг тароватига ўнг томондаги гувала деворлар бирмунча рапхна солган, аммо ариқ кирғондаги жинрилларнинг узун-узун новдалари ариқча узра камон ёйидай чиройли эгилиб, бир-бирига киришиб туради. Пушти, карнайча гулли печаклар сертикан наъматагу жинрилларга чирмашиб, нариги бетга ўтиб кетган. Атрофдан тара-лаётган анвойи гуллар ва ўтларнинг омухта, ширин бўйла-ри (зах ва рутубат хидлари йўқолиб кетган) берубор ва қадрдан болалигимни ёдга солади. Мен шунда болаликнинг чиндан ҳам ниҳоятда бетакрор, олам-олам кувончларни мурғак бағрига бемалол сиғдира оладиган, ўз устидан ҳам, бошқалар устидан ҳам хукмрон бўлган шохона бир даврлигини ўйлаб кетаман. Баъзан бир кунга, ҳатто бир неча со-атта бўлса ҳам болалигимга қайтишни, ўша пайтда оддий,

жўн, емак-ичмагу ўйиндан иборат туюлган, кейинча серташвиш, серғалва, беором машақкатли кечалар ва кундузларга, соатлар ва лаҳзаларга айланган хаётга, зангори ва мусаффоликдан кимёвий захарлар манбаи – ёмғир маконига айланган тунлару ва хўмрайган осмонга, хаммаси яхши, меҳрибон бўлиб кўринадиган одамларга.., баликларга, гулларга, қушларга болаларча содда, бегидир, ишонувчан нигоҳ билан қарашни орзу қилиб қоламан...

Мен одатда ишдан чарчаб келганимда ё нимадандир кўнглимда бир тугун, хижиллик пайдо бўлиб қолса, шанба, якшанба кунлари эса ёзаётган ишим юришавермаса, хордик чиқариш, кўнгил чигалини ёзиш учун, илҳом париси билан бир оз холи дийдорлашиб, дардлашиб, ундан рух олиш учун алоҳида тайёргарлик билан сўқмокқа ўтар ва оҳиста, бир-бир қадам ташлаб унинг этагигача бориб келардим.

Мен бора-бора сўқмоқдан кўпроқ юрадиган бўлиб колдим ва менга ўртада қаккайиб турган тош ортиқчадай, халал берәётгандай туюлди. Қайтишда албатта ихтиёрий-мажбурий пакка – ёлғиз тош ёнида тўхтардим.. Сўқмоқдан секин юриш шарт, негаки, аста ва у ёқ-бу ёққа караб юрмасангиз, деворлар тагидан, дараҳтлару жингиллардан тизилишиб, нихоятда зарил ва муҳим иш билан машғулдай шитоб ўтиб-қайтаётган ва уйларнинг токчасидағи қанд-курс, кутидаги ёғли патир, қатламага (у пайтларда тўйлардан қайтган бунақа пишириқлар, шириналлар кўп бўларди) бало-қазодай ёпишиб ётадиган худбин ва тенинхўр кушандა – бетакаллуф қумурскалар подасини тепалаб олишингиз мумкин.

Гоҳ-гоҳида илонларнинг ўзи кўринмаса-да, безовта килганингиздан зорланиб вишиллагани ё ариқ ичидан бу газанда оғиздаги баканинг ўлим талвасасидаги аянчли, бўйик фарёди эшитилиб колади.

Орадан шунча йиллар ўтиб, сўқмок анча ўзгариб кетган бўлса ҳам тошнинг ҳамон жойида турганига ажабланаман. Менимча, ҳамма унинг кекса ва одий тошлигини биларди. Лекин шунга қарамасдан уни йўлдан олиб ташлашни нимагадир хеч ким ўйламасди. Ахир катта ҳам, кичик ҳам йўлнинг ўртасида котиб қолган бу тошни айланиб ўтишга мажбур эди. Наҳотки уни четроқка жилдириб, ўйлни очиб қўйиш бир кимсанинг ақлига келмаса?

Бор-э, менга ҳам нима, эл қатори айланиб ўтавераман-

да, деб кўл силтаб кетардиму, кейинги гал тошни кўрганимда яна ғашим келаверарди. Тошдан ҳам кўра, одамларнинг лоқайдлигидан кўпроқ ғижинар ва куйинардим. Тошни четроқка сурин кўйишни ният қилиб, бир неча бор астайдил уриндим. Лекин тош катта эди, уни силжитишига бир ўзимнинг кучим етмасди. Колаверса, бу атрофда жой тифизлиги (бир томон девор, иккинчи тараф – ариқ) сабабли, тошни анча нарига олиб бориш лозим эди.

Лекин, юкорида эслатганимдай, бу йўлдан одам жуда кам катнар, икки кишининг айнан шу ерда рўпара келиб колиши ногахонда содир бўладиган воқеа эди.

Бир куни, СССР бўлиб, дунёга дахшат солиб турган пайтларимиз эди, сўқмокдан кетаётсам, рўпарадан бир йўловчи келиб қолди. Суюниб кетдим. У билан саломлашиб бўлгач, мана шу тошни четроқка олиб кўймаймизми, дедим.

– Нимага? – сўради у ошкора хайронлик билан.

– Нимага бўларди, шу... ўтган-кетганга халақит беряпти-да.

Йўловчи тошга тикилганича, шалпанг кулоқларининг солинчигини қашиб туриб қолди. Бу ўрта бўйли, қотма, корачадан келган, кўзлари ўйнаб турадиган одам мен эс билгандан бери хўжаликда ҳали у, ҳали бу лавозимда ишлаб юрадиган Салим бақалок эди. У бир неча муддатдан кейин четлари ғижимланган, охори кетган дўппили япалок бошини кўтарди-да, менга кўй кўзларини қадади. Унинг жигарранг корачиклари шокосадай соккаларида, худди кўғирчоқнинг кўзларидай тинмай айланарди.

– Тошнинг бу ерга каердан, қандай, нима сабабдан, кимнинг буйруғи билан келиб қолганини биласизми ўзи?

Мен Салим акага анграйиб, тўғрироғи хайратланиб, беихтиёр елка кисдим. У сал «галатироқ» бўлиб қолганга ўхшайди, деган ўтди кўнглимдан.

– Бир этак болам бор, ука... – деди Салим бақалок сўзларни никтаб-никтаб.. У хайр-маъзурни ҳам насия қилиб жўнаворди. Оркасидан караб қолдим. Салим ака узоқдан чоркиррага ўхшаб кўринадиган бошини елкалари ичига тортиб, кунушганича (эрта баҳор бўлгани учун ҳаво сал ачитиб турарди) сўқмокни пайпаслагандай аста-аста қадам ташлаб кетиб борарди. Бир ғашим, бир кулгим келиб, мен ҳам йўлимга кетавердим.

Хийла вактгача тош билан ишим бўлмади, тўғрироғи,

сўқмокдан камрок юрдим. Анча йиллардан кейин яна бир куни сўқмокдан, айнан тош ёнида соколини ҳамиша силлик килиб олиб юрадиган, феъли ҳам мулойимгина синфдошимни учратиб қолдим.

Американинг кирқ иккинчи президенти Клинтон сайланган кунлар эди. Жудаям аник эсимда қолганлигининг боиси – Клинтон мен билан, йўқ, мен Клинтон билан тенгдош эканман, деб ўйлаган ва мана, мен ҳам юрибман, битта тилсиз, ғариб тош билан олишиб, деб кўнглимдан ўтказган эдим.

– Зап учрадинг-да, Эшвой, шуни жилдирворайлик, – дедим енг шимаришга киришиб. Синфдошимнинг фикрими кувватлаяжагига шубҳам йўқ эди.

– Тошними? – сўради Эшвой жуда майин жилмайиб.

– Ҳа.

– Шу тошни-я?

Энсам қотди.

– Ҳа, шу тошни!

– Шундай ажойиб тошни-я? Қўй-э... – Эшвой бошинни дам у томонга, дам бу томонга қийшайтириб, тошни гўё астайдил кузата бошлади, атрофга олазарак назар ташлади. – Қара, тош бутазорга, сўқмокка қандай ярашиб турибди. Экзотика-ку. Бундай гўзал жой, чиройли манзара факат Арслонбоб томонлардагина бўлиши мумкин. Шохимардонда ҳам йўқ. Бу тошга ҳамма кўникиб қолган. Сўқмокни ма-на шу тошсиз хеч ким тасаввур қилолмайдиган бўлиб кетган. Сен ҳам хаёлан бир ўйлаб кўргин-а... Менимча, сўқмок кўзи тушиб кетган олтин узукка ўхшаб қолади. Биз кўзимизга хунук кўринган нарсаларни шартта йўқотишга ўрганганимиз, арзимаган нарсадан ҳам чўчиб, ҳадиксираб юрамиз – худди бизга айнан ана шу нарса ҳалал берадёт-гандай, йўлимизга ғов бўлаётгандай. Мабодо салгина ха-лақит беряпти ҳам деб фараз килайлик, хўш нима бўпти? Шу жойда сал секинлаб, тошни ёнлаб ўтиб кетиш мумкинку (одамзот ишининг мумкин қадар осон битишини, беозор яшашни кўзлайди-да). Тўғри, шимнинг почасига сал-пал чанг тегиши мумкин. Бу ҳам катта фожиамас, чертиб-чертиб юборсанг кетади. Барибир ҳам сўқмокдан чиқиб олтунингча кийимларингга иложсиз анча-мунча ғубор, хас-пас илашади-да...

Мен синфдошимнинг оташин нуткини бардош билан

тингларканман, яхшиям биологлиги, агар тилчи-пилчи бўлиб қолганида борми... деб ўйлардим.

— Уни ҳам қўй-у, — тобора жўшиб давом этарди Эшвой, — бу тош сенга ўтмишимизни, болалигимизни эслатмаяптими? Шу тош атрофида кечкурунлари бекинмачок ўйнаганларимиз, кафтларимизга қизил найза тиконлари сайилиб, ачиштирганига қарамай «ух-ух»лаб парманчак териб, тош супачада ўтириб, талашиб-тортишиб, мазза қилиб еганларимиз... Баъзан, ёдингдами, икки-учтамиз бир-бири-мизни сурисиб, тикилишиб ўтириб олардик... Топган ўйингни қара-ю... Ё сени бошқа ишинг йўкми? Ё... шунака топшириқ олганмисан?.. Сенга ўхшаганлар шахарда ўқиб, озгина яшаб келишади-да, кишлокни қайта куришга тушади. Эсингдами, захини кочирамиз, пахта экамиз, деб шундай ажойиб тўқайзоримизга, билакдай-билакдай зогора балиқлар лапанглаб юрадиган Корасувга қирон келтиришган эди. Энди битта чавакқа зормиз... Хуторни тугатамиз деб Мамашокир бува, Абдураззок бойлардан колган боғ-роғлар ўрнини текислатиб пахта экишди... Менга қара, оғайнини шахар-шахарлигича, кишлок-кишлоклигича туриши керак. Ҳамма қишлок шахарга айланса, унда ҳамма одам шахарликка айланиши керак. Унда нима бўлади, биласанми?

— Нима бўлади? — сўрадим атай нима деркин, деб.

— Мувозанат бузилиб, ер бир томонга оғиб кетади.

— Афандининг хамиртурушиниям сенга ўхшаганлардан олишган-да.

— Афандиям, харқалай қишлокдан чикқан содда одам. Ўзи калишсиз қолсаям, ҳаммага кулги улашиб юради.

Карасам, музокара ва маърузанинг этаги кўринмайдиган, «ҳа, яхши, шу битта тошга шунча гапми, ўзи мактабдаям ўлгудай эзма эдинг», дедим отдан тушсам ҳам узангидан тушмай. — Мен шахар унака, қишлок бунака, деб ёқангдан олаётганим йўқ-ку.

— Мен ҳам унда демоқчимасидим, шунча йилдан бери турган тошга осилганингга ғашим келди-да.

— Хўп, шуни четга олиб қўйсак нима бўлади?

— Осмон узилиб ерга тушади.

— Мени босиб қолиши мумкин, дегин.

— Унда сен ҳам омон қолмайсан... Кўй, бу гапларни, яхшиси уйга юр, чой куйиб бераман.

— Раҳмат, ош қилиб бергандай бўлдинг.

\* \* \*

Тан олишим керак, силлик синфдошимиз билан бўлган тўқнашувимиздан кейин сўқмоққа ва айниқса, тошга бутунлай бошқача назар билан, хатто меҳрим товланиб карайдиган бўлиб қолдим. Эшвойнинг узундан-узок, аммо анчагина таъсирили маърузаси афтидан менинг кул остида колган болалик хиссиётларим, эхтиросларимни туйқус келган шамол каби еллиб, алангалантириб юборган эди. Мен энди тошни астойдил кузатиб ўргана бошладим, унинг қисмати ҳакида ўйлаб, ундан фазилатлар ахтаришга тушдим. Албатта, биринчи галда тошнинг таржими холини яратиш керак эди, мен шунга уриниб кўрдим...

Мен у тош ҳакида дастлаб шеър ёздим. Уни катта бир йиринда ўкиб, карсак ва олкишлар ҳам олдим. Лекин тўғриси, шеърнинг бадиияти ўзимни кониктирмасди. Ўйлаб кўрсам, у тош шеърга сиғмаган экан.

У аслида чиндан ҳам оддий тош. Масалан, айтайлик, қабрга кўйиладиган, маҳсус топилган силлик тош эмас, коятош ё ҳайкал ясаладиган коришма тошлардан ҳам эмас, ўзимизнинг жайдари, дарё тоши...

У тошни йўлнинг кок ўртасига ким, қачон, нима мақсадда олиб келиб қўйган бўлиши мумкин? Менинча, ҳеч ким. Кимга зарил кепти! Тош азалдан шу жойда бўлган. Эҳтимол, дарё тоши эмасдир. Дарё ўзанларида бунақа чўнг тош кам бўлади. Унда ростдан ҳам қаердан келиб қолган бўлиши мумкин?. Ҳарқалай, дарёга мансублиги ҳакиқатга яқинрок. Бу ерлардан илгари катта дарё оккан дейишади. Ҳакиқатан ҳам, сув чикармокчи бўлиб қувур қоқсангиз, уч-тўрт метрдаёқ ширираган тошга тегади. Эҳтимол, дарёдан чикқанига жуда кўп йиллар, кўп замонлар бўлгандир. Балки тош ўша пайтда ёш, кичкина, бежиримгина бўлгандир. Эҳтимол, сал наридан ўтадиган Корадарё ҳайқириб оккан даврларда (хозир у дарёча бўлиб колган) юкоридан, кун чикишдаги дарё бошланган жойдан – қуёш тиги энг аввал тушадиган азалий метин коялари агадий муз қотган корлар билан копланган Арслонбоб тоғлари пойидан думалаб-думалаб, ўз шерикларига – катта-кичик тошларга, ҳали у кирғоққа, ҳали бу кирғоққа, сув ялаб ялтиратиб юборган, моҳ босган заранг тўнгакларга урила-урила думалаб-думалаб келиб қолган ва шу ерда маълум бир сабаб билан мустаҳкам ўрнашиб қолгандир.

Унинг танасидаги қорамтири чўтирлар, кемтиклар шундан-дир балки...

Балки унинг олис жинсдошлари Венеция ё Миср, Индонезия ё Ҳиндистондаги дунёга машҳур обидалар таркибига сингиб ётгандир. Эҳтимол, у ҳам такдир такозоси ё фалакнинг гардиши билан бу ёкларга довдираб келиб қолгандир.

Ундаи бўлса, узундан-узок йўлни босиб ўтгунча турткиланавериб, ишқаланавериб сийкаланиб, сийқаси чиқиб кетган бўлиши керак эди. Лекин, негадир унақа эмас. Эҳтимол, бир жойда узок турганидан шамол, чанг-тўзонлар баданини яна дағаллаштириб юборгандир.

Балки у ўз умри давомида қанчадан-қанча даҳшатли, какшаткич қуюн бўронлар, довулларни кўргандир, хиссиз танаси қаҳратонларда какшагандир, саратонда ўт ютиб, олов пуркаб ётгандир. Чакмоклар азои баданини неча минг бор куйдириб, қозондай корайтириб ташлагандир ва неча миллион бор сел-жалалар уни яна ювиб юборгандир. Балки у аввал тош эмас, қандайдир бошқа бир жисм бўлгандир ё бир неча хил майда-майда зарралар, моддалар коришиб, котишиб, кейинчалик шундай қаттиқ жисмга – тошга айлангандир. Эҳтимол, у қачондир, каердадир шиддат билан портлаган оташин вулкон – лава хосиласидир. Балки куюқ тутун, туман, чанг булутлардан айқашиб-чатишиб яралгандир...

Тош асли оғир бўлади. Лекин бу тош ўзининг бошқа жинсдошларига нисбатан ҳам вазминроқдай туюларди сиртдан караганда. (Эҳтимол, аслида ҳам шундайдир.)

Тошнинг шакли-шамойили ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ҳажми тахминан Бойчиборнинг калласидан ҳам каттарок, лекин табиийки, думалокрок эди. Ерга ниҳоятда ўрнашиб, атрофи майса-гиёхлар билан ўралганидан тўнтариб кўйилган ости текис козонга ҳам ўхшаб кетарди. Тошнинг ана шу холати ерга илдиз отиб кетгандай таассурот колдиради менда.

Тошнинг усти ҳам газ-ўчокқа ишлатиладиган қозоннинг орқасидай ясси, бир одам бемалол ўтиrsa бўладиган эди.

Менинг наздимда унга анчадан бери ҳеч ким ўтирас, бирор устини артиб ҳам кўймасди. Лекин доим чанг-ғубор инмагандай тоза турарди. Менимча, бу ерга кишин-ёзин йўл солиб олган елвизакнинг кўринмас, юмшоқ этаклари уни доим елпиб, сийпаб ўтса керак.

Рангини тасвирлашга бир сифат камлик қилади. Умуман олганда, доим кўк ўт ейдиган сигирнинг ёри олинган сутидай кўкимтири, захил деймизми... Мундок зехн солсангиз баъзи жойлари қорамтири, яна бир кафтдай ери оч жигарранг тусни эслатар, хуллас, ранглар чегарасини ажратиб бўлмайдиган даражада уйқашиб кетган эди. У ер-бу ерида мусичанинг бўйнидаги чеким-чекимгага ўхшаган нукта-нукта кора доғлар ҳам тошга хусн багишлаётгандай, жозибали кўринарди. Бу ранглар ва доғлар тошнинг таржими холини бойитишига хисса кўшадиган кўп асрли мурракаб, машакқатли кечинмалардан шохидлик бериб тургандай эди. Тошнинг мана шу ташки аломатлари, белгила-рига қараб, уни анча кекса, деб тахмин килиш мумкин эди. Балки, у чиндан ҳам тош асридан бери у ёқдан-бу ёкка сурилиб юргандир, одамларнинг оёклари остида ўралашиб, йўл-чўлларда какқайиб тургандир...

\* \* \*

Мен баъзан тошга узок-узоқ тикилиб, гўё йўқотган нарсами мана шу кар, сўкир, караҳт жисмдан топмоқчи бўламан. Лекин, назаримда тошнинг ўзи ҳамдардга, тасаллига муҳтождай туюлади. У ёлғизлиқдан мунғайиб, эзилиб ётганга, баъзан эса ошкора хикиллаб йиглаётгандга ўхшайди. Ҳарқалай, менга шундай кўринади.

Менимча, у ёлғизлик изтиробларини айникса, тунда кўпроқ чекса керак: шомдан кейин бу сўқмоқдан биттаяримта дайди ит ўрмаламаса, одам боласи қадам босмайди. Балки, ойнинг бир парча шуъласи тошнинг зигирдақкина кисмини ёритиб-ёритмай ўтиб кетар...

Тошнинг сирти учаям ярадор эмас, лекин эҳтимол, ботини (тошда қалб бўлмайди-ку) ярадордир, балки унинг афсус-надоматлари бисёрдир, – деб ўйлайман баъзан. Эҳтимол, унинг ҳам бу хилват, овлоқ гўшадан чиқиб кетгиси, дам кўпириб, дам оҳиста чайқалиб, кечки шафақда мавжланиб ётган денгиз бўйларида офтобда тобланиб ётгиси келар, эҳтимол, у ана шу денгизнинг ложувард сувларини сачратиб чўмилаётган соҳибжамолларнинг бошига болиш ё остига курси бўлишни орзу қилар... Ложувард томчилар устига ёмғирдай ёрилиб тушишини, кун тиккага келган пайтдаги офтобшувоқнинг хуш ёқиш туйғусини хис этиш ҳам армондир унга...

У, балки қанча-қанча ошиқ-маъшуқлар сухбатига, уларнинг сирли шивир-шивирию, бир-бирларига жон багишлов-

чи висол онларига гувоҳ бўлгандир. Афсуски, буни хеч кимга суюнчилаб айта олмайди. Ҳеч қачон. Унинг билган хамма сирлари мангу ичида қолиб кетади. Яна, ким билади, дейсиз, Тангри таоло замон охиридами ё қиёмат-қойимдан кейинми, унга бирдан тил ато этса...

Қиёматдан кейин у янги дунёда қандай жисм сифатида пайдо бўларкин?..

Мен шу тариқа, хаёлимда ғужрон ўйнаётган фикрлар оғушида тош орқали сўқмоқка, сўқмоқ орқали тошга борган сари кўпроқ боғланиб колаётганимни англайман.

Баъзи кунлари ишга атайнан эртарок жўнаб, тонг палласида, эндигина тиф уриб чиқаётган қуёшнинг найзасимон нурларида наъматак ва жинрилнинг майда қизил мевалари кизлар қулоғидаги мўъжаз тилла зира каби йилт-йилт қилиб ҳавасни келтирадиган паллада тош ёнига бораманда, унга рўмолчамни ёзиб ўтираман.

Арикнинг нариги бетига тушган уйлар ортига қаторасига, зич қилиб тут экилган бўлиб, уларнинг шохлари жинрил новдалари билан тулашиб, чирмашиб кетган эди. Тут калликларида сахархез күшлардан читтак (халқ тили билан айтганда қаймок олиб кочар)нинг (у зах, салқин ва пана жойларни кўпроқ хуш кўради) думини узок-узок, тинимсиз ликиллатиб туришини томоша қилиб ўтираман. Ҳар замонда ҳозир жуда камайиб кетган сассик попишакнинг унча ёқимли бўлмаган овози эшитилиб қолади.

Мен илгари яхши ахамият бермаган эканман, ё асли ўйқими, булбул ҳам шу ерда пайдо бўлиб қолган эди. (Гап рўзаларга заҳарли дорилар камроқ сепиладиган бўлган, мамлакатимиз мустакилликка эришган даврлар ҳакида боряпти.) Шунгача мен, Ўзбекистоннинг жаннат монанд Фарғона водийсида, Тошкент шахрида карийб қирқ йил яшаб кўрмаган булбулни илк бор Пятигорскдаги Машук тоғларида ва иккинчи марта Праганинг «Голф» меҳмонхонаси ортидаги кўримсизгина хиёбонда учратган эдим.

Ҳакиқий ташна ва вафодор ошиқ рамзига айланган, ўзи миқтигина, хунуккина жониворнинг чинакам мунг ва зорлик, нолаю афрондан иборат хонишини, уни чўчитиб юбор-маслик учун, нафасимни ичимга ютиб, жон қулоғим билан тинглайман.

Бу хониш менда негадир маҳзун кайфият уйғотади, юрагимга ғалати, дилгир туйғулар куюла бошлайди: булбул ёлғизликдан, рад этилган муҳаббат дардидан изтироб чекаётгандай, зорланаётгандай, тасалли ва мадад илинжида

сенга хасрат килаётгандай... Сен ҳам унга ҳамдардлик билдиримокчи, меҳр-шафкат кўрсатмоқчи, таскин бермоқчи бўласану, лекин ўша дард ва изтироблар гирдоби сени ҳам ўз комига тортиб кетаётганини сезасан. Сезасан-да, шу митти бир парранданинг ҳолига тушиб колаётганингдан орият қилиб, ўзингни кўлга олмоқчи бўласану, аммо эвни қилолмайсан, у гирдобдан чиколмай қийналасан.

Мен Тошкентдай шахри азимда канча яшаб келдим. Машхур Анхор бўйидаги, ҳукумат идораси атрофидағи гўзал манзаралардан қўп баҳра олганман. Лекин, манави кўримсиз, овлоккина сўқмок ва ундаги ёлғиз тош...

Мен бир куни шу ерда ўтириб, кўпгина майса-гиёхлар, чечакларнинг номини яхши билмаслигимни ё унугтанимни англаб қолдим. Ўшанда кўнглимдан шундай фикрлар кечди: шундоккина уйимиз остонасида ўсиб ётган, ҳамма жониворга, шу жумладан инсонга ҳаво бериб, жон баҳш эта-диган гиёхларни билмаймиз-ку, яна: «О, она Ўзбекистон, жаннат макон ўлка», деб кўкракка урамиз. Енгил-енгил на-фас оламизу, бу ҳавони, жонни бизга қандай ўт-ўлан, гулчеклар етказиб бераетганини ўйламаймиз.

Нега энди мен шу қадар ҳаловатбахш манзарани илга-рилари пайкамадим экан, деб ҳайрон бўлар ва ўкинардим. Менимча, одам кўнглидаги нарса шундоккина ёнида турса-да, уни узоклардан излаб юради. Шундок ҳам бўладики, баъзан инсон хаёлида ниманидир кидираётгандай, нимага-дир интилаётгандай бўлиб туюлаверади, лекин нимани, не-га кидираётганини ўзи ҳам билмайди. Инсоннинг энг катта баҳтсизлиги ҳам шундаки, у кидирган нарсасини кўпин-ча кеч ва мутлако ўзи кутмаган жой ва вактда топади. Агар шу тўқнашув бўлмаганда, умрим армон билан ўтар экан, деб бош чайқайди ва шу пайтгача орзуси ушалмай, кемтиклик билан яшаб келганига ачинади.

Бирдан тонгнинг салқин шабадаси эса бошлайди ту япроқлари шивирлаб, ариқ ичидан ўсиб чиккан қамишлар шитирлашга тушади ва булбул ноласи қиёмига етмай узи-либ колади: у чўчиб учеб кетади ё сайрашдан тўхтайди.

Менинг ҳам хушим ўзимга кайтади. Ҳозиргина мени ваҳимали оғушида бешафқатлик билан чирпирак қилиб ай-лантираётган гирдоб бирдан саёзликка итқитиб юборган-дай, гарангсиб, булбулнинг ҳасратлар ва изтироблар ола-мидан чиқаман-да, «эркак кишининг заҳ тошда ўтириши за-рарлидир», деган мазмундаги ривоят эсимга тушиб, ўрним-дан қўзғоламан.

Мени бутунлай чулғаб олган мискин хаёлларни түздириб, таркатиб юбориш максадида бошимни сарак-сарак қилиб, шимим почасига илашган хас-чўп, губорни черткилаб, анча енгил тортиб, уйга қайтаман. Қандайдир умидбахш ўйлар, безовта туйгулар мени ошиқтираётгандай туюлади ва қадамимни тезлатаман.

Шу аснода ортимдан тош овозсиз думалаб келаётгандай бўлаверади. Албатта у жонсиз жисмнинг юрмаслигини ичимда кайта-қайта таъкидласам-да, қандайдир куч зўри биланми, беихтиёр ўгирилиб қарайман: йўк. Йўлда давом этаман. Салдан кейин бояги шуур ва холат яна такрорланиди. Бу ғаройиб туйғу – тош мени уйимнинг остонасигача кузатиб келади ва қайтиб кетади.

Гоҳо идорада ўтирганимда ё машинада кетаётганимда хам сўқмоқдаги тош кўз олдимга келиб туриб олади.

Шунака пайтда, яъни менда ғалати, тушунуксиз туйгулар пайдо бўлган дамларда бу тош ҳақидаги тасаввурим chalадай, унинг мен билмаган ўзига хос, айрича қирралари мавжуддай туюлаверади.

Иттифоко, тош ҳақида менда янги фараз пайдо бўлади: бу бир-бировга тош отиш замонларида холис колган, ҳеч кимнинг бурнини қонатмаган ягона тош эмасмикин?! Балки, шунинг учун маҳалладошларимнинг унга озор бергиси, уни безовта қилиб, иссик ўрнидан кўзғотгилари келмас...

Мен тошни ва сўқмоқни кўмсаб, соғиниб қолаётганимни хис қиласман, қишлоққа, уйга ошиқаман.

1993 й.

# ОРЗУМАНДЛАР

(Қисса)

## Воқеа аввали

Минг тўккиз юз етмишинчи йиллар.

Шавкат Тегирмонбошида энаси билан яшарди. Бу ерда меҳрибон энасидан ташқари, ўзи бир кун кўрмаса соғиниб коладиган тораси, уни жон-дилидан яхши кўрадиган келинаяси, ошналари бор эди. Олма-узум, анор-анжир тўла боғлар, қинғир-кийшиқ, тупрок, лекин югуришга соз кўчалар, хузурижон сувлар, тўнтарилган козон шаклидаги осмон ва унинг остидаги бепоён далалар аллақачонлардан, у хали эс танимаган вакъларданок қадрдон бўлиб колганди. Айниқса, ёэни яхши кўради Шавкат. Мева-чевалар ғарк пишган, майка-трусичан бўлиб, эрталабдан-кечгача тупрок тўзитиб тўп тепиш, кейин бориб Қорасувга калла ташлаш, кумуш томчиларни кўкка сачратиб, кенг далани бошга кўтариб кийкиришларнинг гаштига нима етсин! Бирок, ахён-ахёнда ўртокларидан: «Дадам фалон нарса олиб берди», «Менинг дадам-чи...», деган гапларни эшитганида ота-онасини кўмсад қоларди. Гарчи ўша дақиқаларда сир бермай турса-да, бир оздан сўнг хўрлиги келар, ичидан тошиб чиқаётган хуружни аранг тийиб, ковоқ-тумшугини осилтирганча уйга кайтарди. Гап нимадалигини пайқаган энаси бирдан тундлашиб, минғирлаб кўяр, бирок унинг сўзлари ни Шавкат яхши англаб етмасди.

– Ну, бели оғримай бола топганлар мундай бир хабар олиб турайлик ҳам дейишмайди, – дерди у куйиниб.

Ҳа, ота-онасидан олисда, айрича яشاши сабаблари болага коронғи эди. У ҳатто ўзи дунёга келганда онасиям, отасиям у қадар севинишмаганини хаёлига келтирмасди, келтиrolмасди ҳам.

– Анави, савил диссертациянгизни ёзавермай... мана энди... Биттасининг хархасиям етиб ортятувди... Ё шўр

пешонамга құша-құша уйлару коримга ярайдиган қайнана битган бўлсаям гўргайди!..

Кудрат хотинининг анча-мунча ғишаваларига «бошқоронғиликники», деб кўл силтарди. Бирок, Ҳабибанинг тутишида жон бор эди. Улар бир бева кампирнинг қутичадек ҳужрасида ойига йигирма беш сўм тўлаб ижарада туришарди. Ҳонанинг каталакдек торлиги етмагандай, шифти хам пастак эди. Унга кичкина дахлиз орқали кириларди. Дахлиз эса кампир яшайдиган уй билан туташ эди. Ҳона-да эр-хотин бинойидек кун кечирса бўларди-ю, аммо деразалари нобоп – қийшайиб-майишиб ётган ромлари орасидан калдирғоч бемалол кириб-чикаверар, шу сабабдан, уй кишида яхши исимасди. Катталар-ку бир амаллашарди-я, лекин қийин-қийин – Шухратга қийин эди. Кудрат уни кечаси билан ўраб-чирмаб чиқарди. Ҳабибанинг уйқуси қаттиқ эди, у кўпинча Шухратни эмизиб ўтирганича донг қотиб коларди.

Шухрат жуда қийинчилик билан катта бўлди. Бошига, бўйнига чилла яра чиқиб, олти ойга чўзилди. Кудрат билан Ҳабибанинг болани кўтариб бормаган докторхонасию, кўрсатмаган врачлари қолмади. Шифокорларнинг бир-бира-рига ўхшамайдиган тавсия ва маслаҳатларига биноан доридармон беришар, аммо биронтасиям кор килмасди. Энг кизири, врач болани кўраркан, биринчи гапи: «Қанақа дори қўяяпсизлар?», деган сўрок бўлар, жавобни эшигтгач: «Қайси доно буюрди?», дея истехзо билан илжаярди. Кудрат бир-бирини шу даражада инкор этадиган касбдошларга хеч қачон дуч келмаган эди. Шу тариқа ҳали йўргакдан чиқмаган, суяги қотмаган гўдак бошига аёвсиз суркалаётган кўк дори, камфора спиртининг жазиллатиб ачиштиришига, қора малҳам, оқ малҳам ва бошқа аралашма мойли дориларнинг лўқиллатишига чидай олмай уйни бошига кўтариб чинқираб йиглар, шунака пайтларда ота-онанинг юраклари эзилиб кетарди. Уйқуларида ҳам ҳаловат билишмас, умуман, фароғатли туннинг ўзи йўқ ҳисоби эди. Баъзи кечалари соат уч-тўртгача эр-хотин болани навбатманавбат кўтариб чиқишарди. Кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетган ҳоррин Ҳабиба гохида аламидан дод солиб, болани каравотга отиб юборар, бундан жаҳли чиккан Кудрат хезланиб ўрнидан туриб келар, даҳанаки жанг бошлинарди.

Шундай тунларнинг эртасига дард устига чипқондай, уй бекаси бет-кўзинг борми демай, Ҳабибага шикоят қилиб қоларди.

— Ё бафармони худо, бола деганам шунака оғзи очик бўладими, келин! Бугун ҳам бомдодгача жаги тинмади-я бунингизни. — У бошини сарак-сарак қилиб, ўзининг «куш уйқу»лигидан нолиб кетарди. — Қариганингизда уйқудан ҳам чала бахра бўлиб коларкансиз, келин, тик этган товуш кулогимни четлаб ўтмайди, денг.

Кампири курсур баъзида жуда ошириб юборарди:

— Туни билан кир ювиб чикдингизми, келин, чеалклар бирам шарак-шурук қилди-ей...

Ҳабиба кизариб, ерга кириб кетгудай бўларди. Иззатнафси оғриб, баъзан қаттиқ гапириб юборай дерди-ю, унинг кош-ковоғига қараб кун кўришга мажбур эканлигини ўйлаб, тилини тишларди. Лекин кечқурун эри ишдан келганида аламини ундан олар, шовиллаб оқаётган кўз ёшлирига эрк берарди. Кудрат сиртки аспирантурада ўқиб, илмий-тадқикот институтида ишларди, у ҳар доимгидай «кўпи кетиб, ози қолди, ҳадемай диссертация битади, ишхонадан уй беришлари керак, ойнинг ўн беши қоронфи бўлса, ўн беши ёрув», деб Ҳабибани зўрга тинчлантиради.

Бошқа жойдан квартира кидириб ҳам кўриши. Лекин бунисидан дурустроги топилмади. Бу ернинг афзаллиги – кампир гоҳ-гоҳ турмушга чикқан қизлариникига меҳмондорчиликка кетар, шунда улар бир хафта, баъзан ўн кун «ўзлари хон, кўланкалари майдон» тирикчилик қилишарди. Дарвоке, улар бошқа бир нечта жойда ҳам ижарада туришган, аммо ҳаммасидан ҳам бирор сабаб билан кўчишга мажбур бўлишарди.

Хуллас, хозирги турган уйлари хисоб бўйича тўртинчи-си эди. Кампирнинг аччик дашномлари, илмокли гапларига тишини тишга кўйиб сабр қилишаётган эди, Шухрат ярим ёшга тўлмай, Ҳабиба яна иккикат бўлиб ўтирибди-да! Ҳабиба олдираман, деди. Кудрат каттиқ қаршилик кўрсатди – яхши гапирди, дўқ-пўписа қилди. Бирок Ҳабибанинг тили узунрок, бийронрок эди.

— Ижарама-ижара сарғайтириб олиб юрганингиз ҳам етар! Йигирмага кирмай, икки жиши боланинг шалтоғига ботиб ўтирайми энди?! Ўзингиз-чи? Биттасининг ғалвасига чидамай дод деворяпсизу...

Кудрат афтини буриштириб, чап кулорининг орқасини қаший бошлади – бу жахли кўзиганидан далолат эди.

— Мениям сал ўйланг, — давом этди Ҳабиба бўшашиб,— Шуҳрат туғилгандан бери кўлим кир ювишдан, дори суркашдан бўшамайди, кино, театр нималигини билмайман. Шу болани деб ё кўни-кўшни билан кирди-чиқди қилмасам, ё тўй-пўйига аралашолмасам... — Унинг кўзларидан ёш қуюлиб келди, овози хириллаб, бўғилиб колди, кейинги сўзлар энтикиш, хўрсаникка қоришиб чиқди: — Мен хам... сизга... умид билан... тегувдим...

Кудратнинг дами пасайди. Рози бўлди. Аммо улар бекорга тортишиб, жанжал-сурон кўтаришган экан. Бола олинадиган даврдан ўтган экан. Шундан кейин Кудрат баланд келиб, Ҳабибанинг юрагини баттар эзди.

— Қанақа хотинсан?! Шуни... вактлироқ билмасанг ўзинг!..

— Буни ҳеч қайси хотин билмайди дарров... — аламини йигидан олди Ҳабиба. — Буни устига... мен бошкоронги бўлмадим...

Можаролар шу билан якунландики, Ҳабибанинг кўзи ёригач, чақалокни қишлоққа, бувисига ташлаб қайтишди.

Кудрат Ҳабибани чакалоқ билан қишлоқда, онасиникида қолишга кўндириш учун кўп уринди. Натижа чиқмади. Чунки Ҳабибаларнинг бир уй, бир дахлизи бўлиб, катта хонада укаси билан келини, дахлизда онаси истиқомат килишар, Ҳабибанинг боласи билан, яна бир эмас, иккита! — яшашига бу ерда сираям имконият йўқ, одоб юзасидан ҳам тўғри келмасди. Қолаверса, қишлоқда оғзи билан юрадиганлар бердисини айтгунча, «Эри иккита боласи билан ташлаб кетибди», деб гап-сўз таркатмаслигига ким кафолат бера оларди! Кудратнинг ота-оналари дунёдан аллақачон ўтиб кетишган, у инжик ва қурумсок акасиникида ўсиб-улғайган, бинобарин, акасидан заррача умид қилиш бефойда эди. Шуҳратни қолдиришмоқчи бўлишди, бироқ бу маслаҳат ҳам палағда чиқди. Ҳабибанинг онаси: «ўламан, саттор!» деб туриб олди. Ҳабиба ўғилларидан бирини қишлоқда қолдиришга нима учун бу қадар катъий карор қилганини яширади. Аммо она қизининг асл ниятини фаҳмлаганди. Чунки у Ҳабибанинг феълини яхши биларди. Шунинг учун агар тезроқ бир карорга келишмаса, сержаҳл қизгинаси унинг кекса, шикаста дилини хуфтон килиб қўйиши мумкинлигини сезарди. Бусиз ҳам, «қизим кор кечиб, лойлар остидан пахта қидириб, тирноклари кўчиб юрмай, шахарда бегойимлардай оқ ювениб, оқ тараниб ўтирас», деган орзу-ҳавасда

тўйга фотиҳа берган онасини «худди мен эрсиз қолиб кетаётгандай, тупканинг тагига, қиладиган ишининг тайини, топиш-тушишининг шираси йўқ бир одамга ўла-топа, юмалок-ёстик қилиб берворгунча кўзинг тўрт бўп кетди, яна хабар олмайсан, деб, ўпка-гина қилганингга куяими, керак бўлса сен мендан хабар ол, ўзинг пиширган ош, чидайсан энди», деб узиб-узиб оларди. Шунинг учун бечора она ҳар доим қизининг оғзини пойлаб, юрагини ҳовучлаб туради. Ҳозир ҳам у ана шу ҳадикда болагинасининг кўнглини тезрок, мумкин қадар тезрок тинчтишига, кўнгилсизликнинг олдини олишга ошикарди.

— Кўй-кўй, кўй-кўй... Бу нимжон болангни қўлга олишгаям чўчийди одам. Унинг йигиси, хархашасига ўзинг бас келмасанг, бошка одам сираям бас келолмайди. Сутинг биланки шунчалик қилиб олиб юрибсан, агар бир кун эмчакдан ажралса... Жуда, биттасини ташлаб кетиш шарт бўлса, бувагингни қолдирақол. Анча тетик, ҳам ҳали сени ҳидингни олмаган. Умри билан берган бўлса, бир амалларман...

Албатта, Шавкат бу гаплардан хабарсиз эди.

Нихоят, ўн йил деганда Қудратга уй тегди! У шаҳар ижроия комитетидан тураржой берилиши ҳақида карор чикқанини билиб қайтаётган куни қуёш ҳар қачонгидан чараклаб кетгандай, осмон тип-тиник, ҳаво дилни яйратадиган даражада мусаффо эди. Чинору арғувонларнинг шапалоқ-шапалоқ барглари шамолда ёқимли мусиқадай шивирлаб, офтоб нурларида олтиндай жилоланаарди. Кўчалардаги шошқин одамларнинг ҳаммаси ҳам шодон, баҳтиёрдай, Қудратга ҳавас билан қарашаётгандай туюларди. Шу лахзаларда Қудрат: «Одамлар, мен уй олдим, уй!» дея ҳайкиришдан ўзини аранг тутарди. Умуман, эр-хотиннинг шу кунги қувончини таърифлашга сўз оз, қалам ожиз эди. Улар ҳамма гина-кудуратларни эсдан чиқаришиб, худди янги келин-куёвдай бир-бирига меҳр-мухаббат билан боқишаарди. Шу кеча улар қарийб ухламай тонг оттиришиди. Ахир, бировларнинг зах хужраларида соғликларини гаровга қўйиб, яна бунинг эвазига йигирма беш-үттиз сўмдан нақд пул билан ҳак тўлашиб, бу ҳам етмагандай, таъналар эшитиб ўн йил яшади-я! Яна умрларининг энг бебаҳо, олтин даври — йигирма билан ўттизнинг орасида-я! Инсоннинг айни яшаб, ўйнаб-куладиган палласини бир-бирига аччиқ-тизик қилишиб, бурчак-бурчакда дам кунишиб, дам ҳурпайишиб, уй қидириш, кўч ташиш, гоҳ ўпкаси шамоллаган, гоҳ ичи кетган болани кўтариб, поликлиникама-по-

ликлиника, касалхонама-касалхона чопишиб, ҳаловат нималигини билмай ўтказиши-я! Қишлоқдаги дугоналарининг унга қанчалар ҳаваси келган эди! «Бахтинг бор экан. Шахарда совук сувга кўл урмай, бегойимлардай юрасан. Оғир иш йўқ, ташвиш йўқ. Атрофинг ўйин-кулги, томоша... Ясаниб олиб, куёв бола билан қўлтиклишиб... кинолардагидай...» дейишганди энтикишиб. Ҳабиба ўзи ҳам шундай деб ўйловди. У ҳам киноларга ишонарди... Мана, билиб олди кино нимаю ҳаёт нималигини. Мана энди, ўйин-кулгига, келинчаклардай уй ясад ўтиришга ташна, кўл ушлашиб хиёбонларда сайр қилиб юришга орзуманд пайтлари ўтганда уй бериши! Ҳаммасига эрининг ювошлиги, ўзи ҳалоллик деб ҳаспўшловчи такаббурона гўллиги сабаб! Университетда ўқиган одамга мутлақо ўхшамайди. Ҳабиба унга шахар кўрган, пишик-пухта, икки юз сўмдан ошиқ ойлик оларкан деб, дарров унаганди. Боякиш киз «агар кандидатлик ёкласа...», деган изоҳга эътибор килмаган эди! Янглишганини билди, бироқ ғишт қолипдан кўчган. Лекин... Шунисигаям шукур... Ким билади, бошқаси канака чикарди. Одамни сиртидан билиб бўлмаса... Бироқ энди булар фойдасиз ўқинчлар эди, бари ортда колди. Ҳозир энг муҳими: энди иккинчи фарзандлари, дийдорига қанчалар ташна қилган Шавкат ҳам бағриларида бўлади!

### Қанотлари бўлсайди...

Августнинг охирлари. Қуёшнинг саховатли кунларидан бири эди. Шавкат, айвони узум ишкоми билан туташиб кетган пастаккина уйнинг очиқ эшигидан отилиб чиқар экан, энаси орқасидан қичкириб қолди:

— Тезроқ кайт! Ҳали ювиниб-кийинишинг керак. Гумдон бўлиб, коранг ўчиб кетмасин!

Шавкат қайрилиб ҳам кўймади, энасининг: «Билмадим-а, бу бола билан шаҳарда қандай муроса қиласкинсизлар, қишлоқнинг йўриги бошқа, унча-мунча бақирик-чақирик ҳавога сингиб кетади, тўполониям унча билинмайди...», дея нолиб қолганини ҳам эшифтади. У орқа-олдига қарамай, шамолдек учиб борар, гўё руль чамбарагини gox чапга, gox ўнгга бураётган хайдовчикек машина овозига таклидан тинимсиз «Ринг-Ринг»лар, кўчанинг дўнгрок жойида «тезликни» пасайтириб, оширар, бурилишларда яна секинлаб, бутун гавдаси билан бир томонга кийшайиб ўтарди. Оёклари остидан кўтарилаётган енгил чанг ҳавода

бир неча муддат муаллак туриб қолар, кейин яна ерга бе-озоргина кўнарди.

У бир тавақаси очик, иккинчи қанотида ялтираб кетган узун занжир осилиб турган дарвоза рўпарасига келганда кескин «тормоз берди» ва кабинадан сакраб тушгандай бир харакат билан остоидан ҳатлаб, ичкари кирди.

— Соип!

Соипларнинг ховлисига дарвозадан киришингиз билан анорзор бошланар, уйлари эса анорзорнинг адогида жойлашган эди.

Соип отаси билан анорзорда ўт юлаётган экан. Шавкат анорнинг эгилган шохларини қайириб-кўтариб, қулоклари, бўйинларига санчилаётган тиканларга парво қилмай, уватдан уватга ҳатлаб, ўтторининг олдига борди. Соип тирноқларигача кўкариб кетган кўлларида бир тутам кўкатни сиқимлаганича, энтикиб турган Шавкатга ажабланиб тикилди. Икки қадамча нарида чўнқайиб ўтирган Соипнинг отаси ҳам кайрилиб каради.

— Ҳа, Шавкатвой, тинчликми? — сўради у Шавкатга зимдан назар ташлаб.

— Мен Тошканга кетяпман, — деди Шавкат ҳансирағанча, бир унинг отасига қараб. — Бутунлай. Аям билан дадам опкетгани келишди. Шуҳрат акам ҳам келган. Ҳозир уйда ўтиришибди.

— Ий-ий, мактаб-чи? — шоша-пиша сўради Соип.

— Ўшағда ўқийман, — жавоб берди Шавкат. У энди ўзи ни сал босиб олганди. — Тошканда мактаблар зўр эмиш, аям айтди.

— Ҳо, энди сенга маза экан-да, — деди Соипнинг отаси жилмайиб. — Шаҳарда ўт юлиш, мол бокиш йўқ. Лекин зерикиб колмайсанмикин...

— Ҳай дадаси, нимага унака дейсиз, ўзи туғилган жой, катта шаҳардаям зерикадими? — лукма ташлади ўчоқ бошидан буёққа энгашиб қараб-қараб кўяётган Соипнинг онаси.

— Ҳа-я, — кулди Соипнинг отаси айвон тарафга ўгирилиб, — мен Шавкатвойни тамом қишлоқлик бўп кетди энди, демайманми... — кейин яна Шавкатга тикилди. — Бу Соип билан ўртоқчилик нима бўлади энди, Шавкатвой?

Шавкат хижолат тортиб ерга қаради. Мушкулини яна Соипнинг онаси осон килиб, жонига оро кирди:

— Бир йўла келмас бўлиб кетармиди, келиб турди-да, а, Шавкатжон?

— Бўлмасам-чи, — деди Шавкат ҳам ҳиёл энгашиб, миннатдор кўзларини Соипнинг онаси томон қаратаркан, — қаникулларда келиб тураман. — Кейин Соипнинг отасига юзланди-да, товушини пасайтириб, катта одамлардай: — Соип билан хайрлашгани келувдим, — деб кўшиб кўйди.

— Баракалла, — Соипнинг отаси унинг елкасига қокди. — Оғайни деган шундай бўлиши керак. Бор, Соипжон, ўртогингни кузатиб қўй. Бирпас ўйнаб келсанг ҳам майли, ўтни ўзим юлиб тураман.

Соипнинг чехраси очилиб кетди. Ҳамон кўлида тутамлаб турган кўкатни пуштадаги юлинган ўтлар устига ташлаб, тупрок юки кафтларини шоша-пиша бир-бирига ишқаганча дарвоза тарафга юра бошлаган эди, онаси чақириб қолди:

— Соипжон, ўртогингни опке буёкқа, чой ичинглар.

— Йўқ, раҳмат, аямлар караб ўтиришибди, — ўртоги учун жавоб берди Шавкат оркасига кайрилиб.

— Майли бўлмаса, Шавкатвой, — деб хайрлашиб қолди Соипнинг отаси. — Бизниам эсдан чиқарворма. Ҳат-пат ёзиб тур ўртогингга.

— Бўйти.

Дарвозадан чикиб тўхташди. Соипнинг кайфи чоғ эди: ахир отаси ўйнаб келавер, деб рухсат берганди-да. У хозир хаккалак учгани хирмонгаям, чўмилиш учун Корасувгаям боришга, қандай ўйин бўлса ўйнашга тайёр эди. Лекин Шавкатнинг вақти зик, тезрок уйга қайтиши керак. Ҳадемай Тошкентга жўнашади!

Шавкатнинг хайрлашишга ошиқиб, питиллаб турганини кўриб, Соип бир оз маъюс тортиб қолди, узок ва каттакон шаҳарга бутунлай кетаётган ўртогига ҳаваси келаётгандай унга ғалати қизиқиш билан термиларди. Бир нарсаларни сўрашга чоғланиб, ботина олмаётгандай эди.

— Поездда кетамиз, — деди Шавкат жимликни бузиб. — Тошкан зўр. У ерда цирк, зоопарк бор... — Шу лахза унинг миясида бир фикр ярак этди ва кўзлари катта-катта очилиб кетди. — Ҳей, Соип, сен ҳам бормайсанми?

Соипнинг кўзлари ҳам бир чакнади ю сўнди.

— Отам унамайди, иннайкейин, Тошканда қариндошларимиз йўқ.

— Э! — кўл силтади Шавкат, — шуям гап бўлди-ю! Бизникида бирга яшайверамиз-да. Нима, биз сенга бегонамизми! Яна ошнамиш! — Шавкат Соипга ер остидан қаради.

Ўртоғининг руҳи баттар тушиб кетганини кўриб, лабини тишлади. Кейин яна бидирлаб кетди: – Биласанми, у ерда дадамларни «дом» уйи бор. Баланд. Тўққизинчи қаватда. Қарасанг, ҳаммаёқ кўринади. Маза!

– Йўқ, – бош чайқади Соип, – мен ўт юлишим керак. Отам молни яхши боксанг, валасапит обераман деган. Кейин кўйлак, шим оберади. – Соип: «Шу кийиминг билан Тошкентга борасанми?» дегандай Шавкатнинг эгнига, яланг оёнига қараб кўйди.

– Дадам билан аям менга янги қастим-шим опкелишибди, патинкаям. Вў! – Шавкат бош бармоғини ҳавода никтади.

Улар яна жим қолишли.

– Хўп, хайр, – Шавкат қўл узатди. – Хат ёзсам, жавоб қайтарасанми?

– Ҳм, бўлмасам-чи...

Шавкат яна тупрокни чангитганича зинғиллаб кетди. Қайрилишга етгач, орқасига ўгирилди. Соип ҳамон жойида мунғайиб, қуёш қамаштираётган кўзларини пирпиратиб турарди. Шавкат унга қўл силкиди-да, тағин чопиб кетди.

Унинг қувончи чексиз, жони ичига сифасди. Қишлоқда бир сония ҳам тургиси келмай қолди. Қани энди ҳозирнинг ўзида жўнашса! Нимага энди самолётда кетиша қолмасикин? Самолёт бир соатда Тошкентга етар экан. Ўзиям нақ осмонга чиқиб кетади-да. Булутларнинг ичидан ҳам бемалол учиб ўтаверармиш. Адашиб қолмасмикин-а? Қани энди учовида – аясида, дадасида ва ўзида канот бўлсаю шу захоти осмони фалакка парвоз қилишса, кўз очиб юмгуңча Тошкентга етиб бориб, шундайгина «дом» уйларининг томига қўнишса! Қани энди ҳозир Ибн Ҳаттоб бува йўликиб қолсаю учар гилам сўраса!

Шавкат ҳамма билан, қишлоқ билан тезроқ ҳайрлашишни истар, гоҳ у ўртоғиникига, гоҳ бунисиникига елиб югуради. У шу тобда ўртоқлари билан ҳайрлашишдан кўра Тошкентга кетаётганини айтиб, мактанишини истарди. Мактаб билан, муаллима опаси (у Шавкатни яхши кўрарди) билан ҳам хўшлашиши керак эди-ю, уйи узок. Энаси, «дарров қайт», деб тайинлаган. Дадаси билан аяси кутиб колишади. Эх, тезроқ кун ботсайди (дадаси, «кун ботганда жўнаймиз», деган)... Ох, шахар қандай яхши! Цирк, зоопарк. Асфалт кўчалар, турнажатор машиналар... боғлар, от ўйини, ҳалинчалак ўйин, чархпалак ўйинлар... Буларнинг

хаммасини Шавкатга аяси ўтган сафар келганида гапириб берган. Аяси билан дадаси бир «ойи»никида, энасининг уйига ўшаган кичкинагина хужрада яшашаркан. Ўшандада аяси: «Янаги катта каникулинггача, «дом»га кўчсак, сени олиб кетамиз, аканг билан ўша ерда – Тошкентда ўқийсан, деган. Шундан бери Шавкат бу дақиқаларни орзишиб кутар, кунларни санаб ўтказарди. Баъзан: «Қачон мени олиб кетишади?» деб энасининг бўйнига осилиб, ҳол-жонига кўймасди. Нихоят, ўша зориқиб кутилган дамлар етиб келгани эди. Ҳа, энди улар икки киши бўлишади! Болалар билан муштлашиб колишса, иккалови адабини бериб қўйишиди. Бир ўзи иккитасини тинчтади. Акасиям... Факат акаси сал ювошрок-да, унинг ёқалашганини Шавкат сира кўрмаган. Энаси доим Шухратни мақтагани-мақтаган. «Мўмин-кобил, ройиш бола, сени бир тукинг ҳам акангга ўхшамайди», деб койниди уни. Кўринишиям ўхшамасмиш. Рост, буни ўзиям билади. Акасининг кошлари коп-кора, эгирмачак, юзлари оппок, бурни жинғиртак. Шавкатнинг қоши эса сочи сингари сарғиш, бети япалоқ, бурни катта. Тораси: «Бурнинг худди қорбононикига ўхшайди», деб уни калака қилиб кулгани-кулган. Нима кипти, ўзи шунака-да. Шунака бўлсаям унча-мунча боладан калтак еб ўтирумайди. Шухрат лаллайиб турса керак... Иннайкейин, киноларда ҳаммадан олдинда от чоптириб юрадиган, ҳеч кимдан кўркмайдиган, ўқ тегмайдиган қаҳрамонларнинг кўринишиям шунака бўладию... Мана, энди энаси уни уришмайдиям, ҳали бу тинчимас неварасини соғиниб йиғласаям керак. Чунки энаси, жаҳли тез бўлгани билан ўзи меҳрибон. Айтгандай, тораси билан келинаяси-чи? Улар уни қанчалик яхши кўришарди. Айникса, келинаяси... Энди улар билан ҳам хайрлашиши керак. Энди у шахарга кетади, ха, бутунлай кетади! Энди у Тегирмонбошида, дадаси айтгандек, лой кечиб, тупроқ чангитиб юрмайди. Ажабо, қишлоқда тегирмон деган нарсадан ном-нишон ҳам қолмагану барибир уни «Тегирмонбоши» дейишаверади. Энаси: «Уруш йиллари кўпларни анна шу тегирмон ўлимдан сақлаб қолди, баракали, хосиятли тегирмон эди», дегани-деган.

\* \* \*

Нихоят, уfk этаги қизариб, кун бота бошлади. Гоҳо ер бағирлаб, гоҳ ҳавода тўлқин ясаб тутдан тутга кўнаётган гала-гала чумчукларнинг жўровоз чиркиллаши оламни ту-

тиб кетди. Қайир томондан хуш ёқувчи шабада эсиб, Шавкатнинг кўйлагини варрак қилиб хилпирата бошлади. Жўнайдиган вақт бўлган эди!..

Ювиниб, янги костюм-шим, туфлиларни кийиб, ясаниб олган Шавкат хаккалаб иргишлар, улоққа ўхшаб тинмай сакрар: «Урра, кетяпмиз, шахарга кетяпмиз!» дея чапак чаларди. Дарвозахонадан чиккач, ҳаммалари хайрлаша бошладилар. Қизик, Шавкат Тошкентга жўнаяпти-ю, улар бир нимадан хафа бўлишгандай, бир-бировига карашмайди, узук-юлуқ гаплашишади. Факат энаси одатдагидан мулойим тортиб копти. «Ха, шайтон, ҳазир бўл, йикилсанг, устинг расво бўлади», дейди юмшоккина қилиб. Тогаси мийифида кулиб: «Минг қилсаям, шаҳарда туғилган-да, опа, каранг, бунингизга кийим ярашганини», дейди энасига. Келинаяси, жонажон, меҳрибон келинаяси тинмай унинг кўлидан тутмокчи, кучогига тортиб, бошини силамоқчи бўлади. «Ха, кочок бола, бизни ташлаб кетяпсиз-а, сизни караб туриңг...» деб ёлғондакам пўписа килади, ушлаб олиш учун унга талпинади. Шавкат қиқирлаб, кийкириб кочади. Келинаяси бўлса («кап-кatta хотин!»), унинг дадаси, аясидан ҳам уялмай, ёш боладай қувлади. Ие, йиглајитими? Хурсандликдан бўлса керак...

Шавкат энг олдин энаси билан кучоқлашиб, хайрхўшлашди. Энаси бир оз қовоғини солиб олганди. Уни маҳкам қучоклади-ю, ҳеч нарса демади. Бултургидай дадаси билан аясига: «Болани эҳтиёт килинглар, шўх бу, машина йўлига хушёр бўлинглар», демади, ўзига ҳам: «У ер қишлоқмас, тўполонни озрок қилгин», дея тайнинламади... Охирида келинаяси билан хайрлашди. Келинаяси уни узок бағрига босиб турди. Шунда у бошига юмшоккина қадалётган маммаларнинг таниш, илик хароратини сезиб, бирдан ғалати бўлиб кетди. Айни чокда, уялиб, хижолат чекди, бирок зум ўтмай бу туйғу унутилди. Ҳозир боланинг хаёлидан катор «уйчалар»дан иборат поезду унинг пишқириғи кетмасди.

Поездда ҳам типирчилайвериб, ота-онасини безорижон килаёзди. Онаси биқинига секингина туртиб: «Одамни но мусга ўлдирма, ўғлим, анави амакиларинг айб қилишяпти, акангга ўхшаб тинчгина ўтирсанг-чи», дерди паст товушда. Чиндан ҳам Шухрат бурчакка кисилиб, тиззаларини кучоқлаганча, жимгина нон кавшарди. Шавкатнинг акасига ҳам хасади, ҳам ғаши келди. Ахир у поездда кўп юрганда, қизиги йўқ унга.

Ойнадан лип-лип ўтаётган дарахтлар, олис-олисларда сарғайиб кўринаётган адирлар, адирларнинг у ер-бу ерида буралиб-буралиб осмонга кўтарилаётган ва бирдан ён томонга булутдай суза бошлаган коп-кора тутунларни, гўза ичидан тўхтаб уларга ҳавас билан жилмайиб, кўл силтаб қолаётган кизлар, аёлларни томоша қилиш, поезднинг тинимсиз «така-тук-така-тук»ини эшитиб кетиш Шавкатга маза эди. Ахир, хайратланмай, қийқирмай бўладими! Якинга карасанг, поезд жуда тез кетаётгандай, узоклардаги кирларга караб турсанг, эшакаравадай имиллаб юраётганга ўхшайди. Лекин, барибир, поезд зўр экан; йўлда канчадан-канча машиналар, автобуслар, хатто шотиси узунузун кранларният тўхтатиб кўйибди. Соип хам, Тоир, Аҳмадлар хам бунакасини кўришмаган. Бунака поездда юришмаган! Эх, Соип хам келавермади-да. Ҳозир биргалашиб томоша қилиб кетишаётган бўларди. Мана энди, ўт юлиб, мол боқиб юради. Отаси велосипед олиб берармиш. Кайда, алдайди. Шунака деб ишлатади. Лекин энди мен йўқ, уни кўрғонмаҳаллаликлар яккалашади. Шуниси чаток бўпти, ҳеч эсга келмаяпти-я. Аммо ростиям, барибир, отаси жўнатмасди. Нимага унинг отаси шунака-я? Соипга доим иш килдиргани-килдирган. Соип ўзиям ювош, шартта қочиб қолишни билмайди. Лекин яхши бола. Ҳеч нарсасини аямайди. Тоир бўлса, ўлгудай кизғанчик, бирорвга битта каламиниям бермайди. Эх, Шухратнинг миқ этмай ўтиришини! Укасининг келаётганидан хурсанд эмасга ўхшайди. Унга нима? У энди доим аяси билан дадасининг ёнида бўлади! Ҳеч ким энди ундан онанг келяптими, отанг хабар оляптими, деб сўрамайди!..

## «Кути-машина» ва бошқа ажойиботлар

Поезд манзилга етиб тўхтаганида Шавкат тезрок тушиб кетишга ошикар, дадасининг қўлидан юлкиниб чиқишига интиларди. Оч яшилранг такси уларни шаҳар кўчалари бўйлаб «шамолдай учириб» (Шавкат бундан бошқача тарьиф, киёс тополмади) бораркан, боланинг юраги қайнаб-тошар, қинидан чиқиб кетгудай бўлиб типирчиларди. Эх, кани энди уни ҳозир ўртоқлари Соип, Аҳмад, Тоирлар кўришса, роса ҳаваслари келарди-да. Улар умрида «Волга»га чиқибдими. Бунакаси қишлоқда факат раисдагина бор. Бошқалардаям бору, аммо «Волга»мас, «Жигули»,

«Москвич». Қодир чўлоч буваники бўлса жингириштак, уни «тошбака» дейишади, лекин худди трактордай тариллаб юради...

Бирин-кетин ортда қолаётган трамвай, троллейбуслар, тўққиз қаватли ва ундан баланд «ажи-бужи, катак-катақ» бинолар, бурилишлардаги, боғларнинг эшикларидағи, йўл бўйларидағи уйдай-уйдай расмлар унинг ҳайратини чандон оширап, дилини ҳаприклиарди. Шавкат бултур келганда бу қадар ҳаяжонга тушмаган, лекин у ҳозир бу ҳакда ўйла-масди ҳам. Соининг бирга келавермаганига қайта-қайта ачинарди. Осмонга етай-етай деб турган уйларни кўрса, то-за завқланарди-да. Вой-бўй, одамларнинг кўплигини! Кўча-нинг иккала томонида ҳам саф-саф бўлиб юришибди-я, худди тўйдан чиқиб келишаётгандай. Йўқ, мультфильмларда-гидай пилдираб кетишаётганига караганда тўйдан чиқишаётгангэ ўхшамайди. Намунча тез юришмаса, қаёкка, нима учун шошилишаркин?

Ниҳоят, етиб келишди. Шавкатнинг назарида «Волга» силкиниб тўхтаганида тумшуғи ерга тиравиб, орқаси кўта-рилиб кетгандек бўлди. У машинадан тушдию анқайиб караб қолди. Осмонўпар, вахимали уйлар поезд вагонлари-дай каторлашиб, ер юзасига омонат ўрнатиб кўйилгандай кўнкайиб тураг, уларнинг панжарали, панжарасиз айвонларига ёйиб ташланган ок, кўк, кизил рангли кирлар охистагина ҳилпиарди. Лекин Шавкатни танг қолдирувчи ажабтовур нарсалар хали олдинда эди. У тўққизинчи қаватга зиналарни санаб чиқишига ўзини чоғлаб, шайланиб турувди, гўё яна бир ноёб совра билан суюнтиромокчи бўлгандай, аяси: «Лифтга тушамиз», деб қолди. Кўк чироқли тутгачасини босиш билан қарс-курс қилиб, шувиллаб келувчи ва эшиги ўзидан-ўзи очилиб-ёпилувчи бу гаройиб «кути-машина» бола учун тамомила янгилик эди. Пастдан юкорига караб кўтариладиган «кути-машина» бир силтаниб, ракета сингари тепага сапчиган эди. Шавкатнинг юраги бирор кўтариб ташлаб юборгандай шифиллаб кетди, у шоша-пиша дадасининг билагига ёпишиб олди. Унинг ранги оқариб кетганди. Шухрат хаҳолаб кулиб юборди:

– Вой, қўркоқвой-эй...

Кудрат Шавкатни елкасидан кучиб, ўзига тортиди.

– Қўркма, ўвлим, қўркма.

Ҳабиба Шухратга хўмрайиб каради.

– Нимага куласан, яхшимас.

Рост-да, бирор бу ёқда кўркиб кетсаю унинг хурсанд бўлиб кулишини! Яна бошқа бирорвас, хеч тишининг окини кўрсатмайдиган Шухрат-а...

«Кути-машина» дўқ этиб тўхтади. Бир муддатдан сўнг эшиклари очилди. Шавкат аясининг етагида кўрка-писа ташкарига чикди.

Дадаси жигарранг чарм копланган эшикни пармали михга ўҳшаган узун калит билан очди. Ичкарига киришганда ҳам Шавкатнинг юраги ҳамон дукилларди. Шунга кара-май, уйнинг ажойиблиги: тўғрига, кейин ўнгга кетган йўлаклардаги энсиз шолчалар, кираверишдаги кийим иладиган токчасиз жавон ва у билан ёнма-ён майд-чуйдалар кўйилган токчали шкафлар, ойнали эшиклар, катта-кичик хоналар, иланг-биланг чизикли оч қизил ва яна аллақандай, гули хеч нарсани эслатмайдиган, оқимтири гулқоғозлар ёпиштирилган токчасиз, силлиқ деворлар, тунука қопқокли иситгич асбоблар болада ғалати таассурот қолдидар, у ҳайратини яшиrolмай, яширишга харакат ҳам килмай, ҳамма нарсага бир-бир анграйиб тикилар, охиста кўл теккизисб кўрарди.

Шухрат уни кичик уйга бошлаб кирди. Қуёш тушмайдиган бу салқин хонанинг ўртасига дастурхондан салгина каттарок юпка, кизил-сарик гулли палос тўшалган, палос устида кора хонтахта (аслида, у стол бўлиб, оёқлари киркиб ташланганлиги билиниб турарди), унинг икки тарафида бош томони деразага қаратилиб, темир каравотлар кўйилганди.

– Манави сени каравотинг, – дея чап томонидаги каравотни кўрсатди Шухрат. Кейин бошини ўнгга иргади. – Наригиси меники. Дарсни шу ерда киламиз.

Шавкат акаси «меники» деб кўрсатган каравотнинг оёқ тарафидаги бурчакда кўпгина китоблар терилган икки токчали жавонни кўрди. «Ҳаммаси Шухратникимикин?» – хәёлидан ўтди унинг. Лекин хозир унинг учун энг муҳими ва кувончлиси: ўзига аталган, тайёр ўрин солиниб, устига пахтадай опполк, яп-янги чойшаб ёпилган темир каравот эди. У ўзини шартта каравотга ташламокчи бўлди-ю, акасининг шошмасдан, bemalol echinaётганини кўриб, шаштидан қайтди. Демак, у ҳам кийимларини алмаштириши кепрак. У апил-тапил кийиниб, ошхона орқали айвонга чопган эди, омбор-уйча ёнидаги хонадан аяси кийкириб колди:

– Пастга энгашмагин, Шавкатжон! Бир мункисанг, тамом, миянгни катиғи чикиб, тариқдай тиркираб кетасан-а!

Шавкат уйларининг тўққизинчи қаватдалигини, тўққизинчи қаватнинг баланд бўлишини биларди, аммо шу қадар осмони фалакда эканини тасаввур қилмаганди. Унинг кўзлари ўйнаб, узок-узокларга тикилди. Четини кўз илғамас, каттакон, маҳобатли шаҳар гўё унинг пойида яс-таниб ётгандай эди; баланд-паст уйлар, томлардаги ранг-баранг шаклли антенналар, ойнабанд бинолар, ҳайкаллар, суратлар, шиорлар ёзилган қизил алвоnlар, дарахтларининг барглари сарғайиб, кўкатлари ковжирай бошлаган боғлар, майдонлар, шахматнусха кўчалар, чумолидай ғимирлаб юрган одамлар, у ёқдан-бу ёкка зувиллаётган турли-туман машиналар, хавода канотларини силкитиб, чарх уриб юрган күшлар коришиб, айқаш-уйқаш бўлиб ётар, Шавкат улардан кўз узолмай қолганди. Айниқса, хавозага ўхшаш сон-саноқсиз кўтарма кранлар уни тааж-жубга солди. Бинолардан, хатто дарахтлардан ҳам кўп кранларнинг нима иш килишини билмай, муаммони мағзи-ни чақолмай ҳайрон эди. Кейин аяси энгашма, деб тайнин-лаган бўлишига қарамай, кўкраги баравар айвон тўсигини маҳкам ушлаб, ерга каради ва шу заҳоти ўзини тортиди. Боши айланиб, кўзи тингандай, назарида худди калласи оғирлашиб пастга оғиб кетаётгандай туюлди, ҳайриятки, ғир-ғир эсаётган шабада тезда хушини жойига келтирди. Шабада, гарчи бензин, тутун ва бўёкларнинг ачимтири ҳидини олиб келаётган бўлса-да, хар калай, салқин, кизи-ган баданга хуш ёкарди. Бола яна тумансимон аллақандай хира манзара касб этган олис-олисларни томоша қилмоққа тутинган эди, аяси чакириб қолди:

– Шавкатбек, Шухрат, ювининглар, чой ичамиз.

Ваннахонанинг ажойиблигини! Бунақаси раис тоғани-кидаям йўқ бўлса керак. Хоҳласанг – иссик сув, хоҳла-санг – совук сув. Тепадан тизиллаб сув тушадиганларичи...

Улар ошхонада, стол атрофидаги стулларда ўтириб чой ичишли. Хилма-хил ноз-неъматлар – мураббо, сариёғ, пишлок (Шухрат уни «сир» дер экан), пичокда тўғраб кўйил-ган оппок булка нонлар – тоғаси китобдан ўқиб берганла-рининг нак ўзгинаси эди. Шухрат иккаловига қулоги бор алохида пиёлача, икки бўлакдан қанд, икки тўғрамдан са-риёғ суртилган нон... Овқатни шошилмасдан чайнаш, та-мадди пайтида сўзлашмаслик... хақида гапиришди. Демак,

тораси ўкиб берганларининг ҳаммаси тўғри экан-да. Лекин тоғаси ўкиб туриб, энаси билан келинаясига: «Манави гапларни каранглар», деб кулгани-кулган эди. Тавба, нега ўшанда кулар экан-а? Кейин Шавкатга: «Эшитяпсанми, ҳой сарик, энангга айт, сенгаям шунақа нонушта тайёрласин, сен бўлсанг яримта нонни тишлаб, оркасидан сув ичиб кетаверасан», дерди. Ростдан ҳам, қишлоқда ҳар куни бунақа нонушта қаёқда! Тоғаси аҳён-аҳён, шаҳарга тушганида колбасами, пишлокми олиб келарди. Энаси бўлса, шундай яхши нарсаларга караб ҳам кўймасди. Тоғаси: «Еяверинг-да», деб яна куларди. Умуман, тоғаси шунақа кесатиб гапиришни яхши кўради – аяси шундай дерди. Баъзи кунлари (бунакаси камдан-кам бўларди, чунки тоғаси ишга одатда сахарда кетарди) эрталаб телевизор кўриб ўтиришганда, энасига караб: «Опа, анавиларни кўряпсизми, Шавкат ҳам ҳар куни ўшаларга караб физкультура килиши керак экан, – дерди масхараомуз жилмайиб. – Сиз бомдод ўқийдиган маҳалда радиодаям беради, ўшанда буниям уйғотиб кўйсангиз...»

Энаси бўлса ғаши келиб, бурнини жийирарди.

– Э, кепатаси курсин, шу имонсиз бекорчиларди. Пискултура дейсан, олақарға гўнг титмасдан кимнидир томида, қайси бир теракди учиди чумчук бола кидириб юрадию бу зумрашанг...

Шавкат ўзи ўйлаб, орез қилиб, тасавурида жонлантириб юрган иккинчи бир дунёга тушиб қолганди. Бу дунёдаги ҳар бир буюм, ҳар бир хатти-харакат унга сирли ва гаройиб туюлар, ҳамма нарса гўзал, бепоёндай эди. Бола бу ерда кўрганларининг барини қишлоқдаги, ўзининг тўккиз йиллик қадрдон дунёсидаги одамлар, муносабатлар, вокелар ва нарсаларга тақкослаб кўрар, янги оламдан бири-биридан ўтувчи афзалликлар топарди.

У нонушта давомида дадаси, аяси ва акасининг қандай овқатланишини кузатиб ўтирди – ахир, гапириш тақиқлангандан кейин бошқа нима ҳам килсин! Шухрат нонни оғзи ни очмасдан, қорни тўқ бузокқа ўхшаб жуда секин чайнар, ҳар замон-ҳар замонда чойдан хўплаб қўярди, ўзгалар билан зигирчаям иши йўқ. Аяси столдаги озик-овқатларнинг жойини алмаштириб туриш, бошқаларга чой куйиб узатиш, нонга ёғ суриш, уни ол, буни ол, деб ундаш билан овора эди. Дадаси бўлса оёкларини чалиштириб олганча аллақандай журналдан кўз узмай кавшанар, ҳатто пиёлада-

ги чойни олиш учун ҳам бошини кўтармас, стол устини пайпаслаб, гоҳ сарёғ солинган елим идишни, гоҳ мураббо-ли банкани ушлаб оларди. Баъзан эса, иссик чойни хўплаб олиб, бирор тўсатдан тикон санчигандек, ўтирган жойида сапчиб-сапчиб тушарди. Шавкат бунга чидаёлмай бир-икки марта пиқиллаб кулиб юборди. Дадаси ахамият бермади, аммо аяси унга қараб, яхши эмас, дегандай «бош-бош» килиб қўйди.

Шавкат ҳаммадан олдин ейдиганини еб, ичадиганини ичиб бўлди, кишлоқдаги одати бўйича ўрнидан туриб жўнаб колмокчи эди, аяси тўхтатди.

— Менга кара, Шавкатжон, шаҳарда энди тартибли бола бўласан. Бизда ҳар ким овқат еган идиш-товоғини ўзи ювиб тозалайди. — Шавкат кулокларига ишонмаётгандай аясига лол бўлиб қараб қолди. Нонушта вактида хеч нарсага эътибор бермаган дадаси ҳам аясига норози киёфада, афтини тириштириб тикилган эди, аяси унга «ишингиз бўлмасин», дегандай имо билан жавоб килиб, сўзида давом этди. — Чой ичган пиёлангни, кошиғингни, ана, шундайги на ёнингда умивальник, ювиб, жойига қўйгин-да, кейин каравотга ётиб, бирпас дамингни ол. Аканг чойини ичиб бўлгандан кейин ваннада чўмиласизлар. Поездда роса чант бўлиб кетгандирсизлар...

Шавкатнинг дилида пайдо бўлган зиғирдаккина тугун сув тўлдирилган узун ва улкан оқ тоторага — ваннага тушган ҳамоно ёзилиб кетди. Илик сув унинг танасини яйратиб, кўнглини чоғ килди. Лекин тоторада сувни шалоплатиб кулич отиб бўлмаслиги чатоқ эди. Унда факат бошини ванна четига қўйиб ётиш, ё ўтириб олиб, елкадан сув кўйиб ўйнаш мумкин эди. Шавкат мазза қилишнинг йўлини топди: оёкларини узатиб, тотора остига ётиб олди, шунда бўйнигача чиққан сув янаям хуш ёқиб кетди.

Ваннахонадан чарчоклари тарқаб, ўзини күшдек енгил сезиб чиқди. Кейин Шухрат иккиси нон олиб келиш учун магазинга жўнашди. Шухрат зангори чирокли тутгмачани босиб, «кути-машина»ни чақирди. Шавкатнинг юраги дов бермай туриб колган эди, акаси: «Юр, юр, кўрқма» деб кўлидан ушлаб, ичкарига олиб кирди. Машина шарак-шурук килиб, уларни бир зумда пастга тушириб қўйди. Шавкат ундан чиқа солиб, яна ирғишлиб кетди. Бу сафар у бојигидай чўчимаган, юраги ҳам шувилламаган эди. Гўё энди «кути-машина»да бир ўзи ҳам бемалол чиқиб тушаверади-

гандай туюларди. Дарҳақиқат, қайтишда Шұхрат унға «кути-машина»ни қандай ишлатиш, қачон, қайси тұгмани босиши кераклигини ўргатиб қўйди. Осонгина, ҳам мазза әкан, у бўлса ёш боладай кўркиб юрибди. У-ку сал чўчи-ди-я, агар Аҳмад ё Тоир бўлгандами, роса ўтакалари ёри-ларди-да.

Кун ботар-ботмас овқатланиши. Сўнг «зал уй»да бир оз телевизор кўришгач, онаси: «Қани, энди ётиб ухланглар, йўлда урингансизлар», деди. Шұхрат индамай ўз хонала-ри томон юрди. Шавкат ҳам унинг ортидан эргашди. Хона-га кирди-ю, кўйлак билан шимни каравотнинг оёқ томони-га пала-партиш илиб, ўзини ташлаганди, каравот лопиллаб кетди. Жой момиқдай юмшоқ эди! Шавкатнинг кўз олдига хирмондаги пахта ғарамлари келди. Ғарамларнинг энг те-пасига чиқиб, чалқанча тушиб ётганча тўғарак осмонни, гоҳида қор, гоҳида ёмғир, сел, ҳатто дўл ёрадиган, гоҳида очилиб, тақир бошдай ялтираб турадиган сирли самони то-муша килиш, кўк бағрида ўзи кўринмай, факат овози эши-тилаётган тўрғайни қидириб топиш олам-олам кувонч бағишлиарди. Бола хаёлан ана шу пардай тахтиравонда ен-гил парвоз қилиб кетаётгандай бўларди. Лекин ҳозир ун-дай парвознинг иложи йўқ; тепага қарасанг – кўкимтири шифт; бу ёқда Шұхрат имиллаб ечинмоқда. Ана, у ечиниб бўлди-да, уст-бошини шошилмасдан, яхшилаб тахлаб, кўйлагини каравотнинг бош томонига, шимини эса оёқ та-рафга илди. Кейин мулойимлик билан чойшабни қайриб ўтирди-да, оёкларини тагини кафти билан қоқиб, кўрпага кирди, чойшабни томоригача тортди. Шавкат ҳам ўрнидан қайтиб туриб, акасининг ҳатти-ҳаракатларини такрорлади-да, чойшаб остига кириб, қўлларини болиш қилганча муз сумалакларига ўшаган шокила-шокила шишачали қандил-га тикилиб ётди.

### Девор остидаги «Сұхбат». Сув исча нима бўлади?

Шавкат чўчиб уйғонди. Қоронги уйда, каравотда ётга-нини сезиб кўркиб кетди. Қаерда ётиби? Энаси қаёқда? Бирдан Тошкентда, дадаларининг «дом уйи»далиги эсига тушиб, ён-верига қаради. Шұхрат пишиллаб ухларди. Уйкуси кочди. Мук тушиб, болишга жагини тираганча, те-мир каравот панжаралари орасидан тўқ сарик пардаси бир

четга суреб күйилган дераза ортидаги юлдузлар пир-пир ёниб ўчайтган осмонни томоша қила бошлади. Бола бунча күп юлдузни хеч қачон күрмаганди. У юлдузлар нега кундузи чикмайды, кандай килиб ерга түшиб кетмай тураркин... деб хаёл суреб ётган эди, кулоғига кандайдир шивир-шивир эшитилди. Шавкат у ёк-бу ёкка аланглади. Товуш деворнинг нариги ёнидан – дадаси билан аяси ётган хонадан келаётган эди. Болаларча қизикиш билан деворга кулоғини тутди.

– Энди хотиржам бўлдингми? – бу дадасининг овози эди.

– Қаранг-а, ўшанда сал қопмиз-а шундай ажойиб ўғилгина боладан ажраб колишга, – деди аяси.

– Сен-да, ўламан саттор деб туриб олдинг.

– Хо-о, ўзингиз ҳам майли, девдингиз-у, кеч бўлганини билгандан кейин мени хуноб килган ким эди?

– Ха, ҳўп энди, – дадасининг овози сал қўтарилиди – иккаламиздан ҳам ўтган. Мана бу ёғи яхши бўп кетди.

– Энди сизнинг ишингиз ҳам бир юришиб кетса эди, уй олишдан ҳам чўзилди.

– Айб ўзимдами, кўрдинг-ку, энди ёзиб тугатганимда ВАКнинг тартиб-коидалари ўзгариб, бошқа тема олишга тўғри келди. Кейин... таржима килдириш керак, деган гап чиқди...

– Сизга қолганда доим шунака бўлади, – илиб кетди аяси, – ариқдаги сув ҳам тўхтайди. Ивирсиб юрасиз-да.

– Бўлди, жағингни ёп!

– Бақирманг! Болалар уйғонади.

– Оббо...

Шундан кейин улар тинчиб қолишли. Шавкат дадаси билан аяси нима ҳақда гаплашганини, уларнинг нима учун жиғибийрон бўлишганини тушунмади. Лекин ичи қисилди. «Қизик, шуям девор бўлди-ю! Тағин бетонмиш!...» Яна кенг осмон, милт-милт килиб, галма-гал кўз кисаётган юлдузларга хаёли кетди. Пастда эса сон-саноксиз қизил, яшил, сарик, пушти чироклар юлдузлар билан баҳслашаётгандай тўхтовсиз пирпирап. кирлардаги лолакизғалдоқлар каби кўзни камаштириб товланар, ой аллақачон ботиб кетган бўлишига қарамай, ташқаридаги шовкин тинмаганди. Қандайдир бир машина, ўт ўчирувчиларники бўлса керак, шахарни бошига кўтариб, чинкира-чинкира охири уни ўчди. Каердадир бир бульдозер ҳамма ёкни янчиб, кўпориб

юбораман, дегандай, шер каби даҳшат билан ўкирарди. Шавкат аллакандай гулдирашлар, гудоклар, ўқириклар орасидан ўзига таниш ва қадрдон тунги садолар – эшакнинг ҳанграши, хўрзларнинг қичкириғи, курбакаларнинг куриллаши, чигирткаларнинг чириллашини пойлаб, сергак ётди. Бирок у интиқиб кутган сас ва садоларнинг биронтаси ҳам унинг динг, сезир қулоқларига урилмади. Факат экскаваторнинг «тар-тар»и пасайган чоғда бир-бирига гал бермай акиллаётган безовта ва бетоқат итларнинг ингичка ва йўғон, бесаранжом товушлари бирдан кўтарилиб, қулоқни коматга келтирай дерди.

\* \* \*

Шухратнинг эшитилар-эшитилмас пишиллаётганини хисобга олмаганда, ҳайхотдек уйда хеч ким йўқдай эди. Шавкат ҳозир энг юкори қаватда, ердан жудаям баланда эканликларини, бу ердан йиқилган одам чилпарчин бўлиб кетишини ўйлаган эди, ичига ваҳима ўрмалади. Ҳаёлида уй шамолда аста тебранаётгандай бўлиб, юрагидаги ғулгула кучайди. Ташқарида эса машиналарнинг ҳайбатли гувиллаши тобора авжга чиқиб, даҳшатли ҳайкириғи оламни бузяётган бульдозер борган сари шу томонга якинрок келаётгандай эди.

Бола кўзларини юмиб олди. Аралаш-куралаш овозлар, айникса бульдозер шовкини энди шундоккина биқинидан эшитила бошлади. Шавкат кўзларини очди. Йўқ, бу алпозда ухлаб бўлмайди. Бошкалар қандай чидашаркин? Ана, Шухрат, худди осма беланчакда ётгандай мирикиб ухляяпти-ку, ўрганиб кетган бўлса керак-да...

Шавкат эҳтиёткорлик билан каравотдан тушди-да, оёқ учida бориб чирокни ёқди. Бирдан ҳаммаёқ ёришиб, ташқаридаги ваҳимали овозларнинг дами кесилди. Шавкат ҳадик билан акасига кўз ташлади. Шухратнинг безовта бўлмаганига ишонч ҳосил қилгач, унинг китоб жавони остидаги ўз сумкасини олиб, титкилай бошлади. Бултур тоғаси Андижондан олиб келиб берган бу сумка бир йилнинг ичидәёқ путурдан кетган, дөғ-дуғ тегиб, ранг-рўйидан айрилиб бўлганди. Кеча бу ёкка жўнашларида аяси: «Бу яғир папкангни ташлаб кет, бошқасини олиб берамиз», деганди, у кўнмади. Янгисини олишгунча дафтар-китоблари каерда сочилиб ётади? Кейин, иккита бўлса зиён ҳам килмайди, кайтага яхши, эскисига ортиқча китобларини солиб

кўяди, калам, ручкалари йўқолмай туради... Яхши қилган экан, мана, аскотиб қолди. Йўқса, ручка сўраш учун хозир Шуҳратни уйғотиш керак бўларди, акаси албатта дарров ўрнидан туриб: «ма», деб қўлига тутқаза қолмасди. Имиллаб, ижирғаниб, кўзларини ишқалаб каравотидан тушгунча унинг зардаси қайнаб кетарди. Ҳатто «Бор-э!», деб жойига қайтиб ётиб олиши ҳам мумкин эди-да! У сумкасидан дафтар, ручка топиб, хонтахта ёнига чўкди. Бир неча лахза ручкасининг орқасини тишлаб ўтирди-да, фикрларини, таассуротларини жамлаб олгач, хат ёзишга киришди.

Шавкат хатни келинаяси ўргатгандай «... Ушбу соғинчли саломим гўзал Тегирмонбоши қишлоғида соғ-саломат ўйнаб-кулиб юрган ўртоғим Шарипов Соилга тез кунлар ичида етиб маълум бўлсинки...» деб бошлади. Кейин куйидагиларни ёзди: «... «дом-уй»имиз жуда зўр. Ошхонаси ичida. Учта хонаси бор. Кичкинасида акам Шуҳрат ётаркан. Энди биз иккаламиз ётадиган бўлдик. Дадамлар менгаям Шуҳратнидақа темир каравот олиб қўйишган экан... Балкондан томоша қилсанг, маза! Фиж-ғиж уйлар узок-узокларда кўриниб туради. Пастга қарасанг, бошинг айлануб кетади. Эшигимизда антиқа туйнукча бор, ўзи жингири>tagu ташқаридаги одамни каттакон қилиб кўрсатади. Раис тоғанинг ўғли Беҳзоднинг дурбинига ўхшайди. Бирор кўнғирокни жиринглатса, туйнукчадан қараб, таниш бўлса эшикни очишимиз, бўлмаса: «Сизга ким керак?» деб сўрашимиш керак. Кўрсанг, оғзинг очиларди-да. Мен аямга айтувдим, янаги ёзда ўйнагани олиб келамиз, отаси юборса, деди. Соил, сен албатта отангни кўндири. Молларингга учтўрт кунга етадиган қилиб, кўп ўт юлиб қўйсанг, хўп дейди. Келсанг, ҳайвонот борига борамиз: у ерда зўр ҳайвонлар – йўлбарс, арслонлар, филлар бор». Шундан кейин Шавкат «кути-машина», ваннахона ва ундаги душда ювингани, магазинга боргани, у ерда халта кўтарган тумонат одам уяси бузилган арилардай вағир-вуур қилиб юришгани, магазинчиларнинг докторлардай оқ ҳалат кийиб олишгани, самоварнинг тутун қайтаргичига ўхшаган қалпоклари ҳақида ёзди, фақат лифтда қўрккани ва яrim кечада уйғониб кетиб ваҳимага тушгани тўғрисида ҳеч нарса демади. Соипнинг ота-онаси, кариндош-урұвларига, Ахмад, Тоирларга бир чеккадан алоҳида-алоҳида «бир кўришлиқ салом» йўллагач, мактубга нукта қўйди.

\* \* \*

Шавкат уйғонганда, энасинг таъбири билан айтганда, кун ёйилиб кетган эди. Аяси яхши экан, уйғотиб юбормабди. Энаси аллақачон устидан күрпани ирғитиб ташлаган бўларди. Энаси болам-болам, дейдию, нукул ғалати сўзлар ишлатади.

— Тур, болам, ётасанми биқсиб-сасиб, — дейди у. Унинг уришаётганинням, эркалаётганинням билиш қийин.

Шухрат хам энди туриб кийинаётганди.

— Юр, юзимизни ювамиз, — деди у, ташқарига йўналар экан. Шавкат акаси ортидан эргашди. Шу пайт ошхонадан аяси чикиб қолди.

— Турдиларингми? — деди у жилмайиб. — Қани, юви-наколинглар тезрок, чой ичамиз. Шавкатжон, яхши ухладингми, ўғлим? — Унинг калта сочини тўзғитиб, эркалатиб қўйди. — Кирақол ваннага, акангга қараб, тишларингни юв, бўйинларингни совунла.

Кечаги тахлитда нонушта қилишди. Фақат дадаси йўқ, у Шавкат уйқудан тургунча тоғасига ўшшаб ишга кетиб колган эди. Мана энди аясиям отланяпти. Қизик, туш бўлай деяптию, энди ишга борармикин? Қишлоқда кун чиққунча уйларда чол-кампирлару кичкина болалардан бошқа хеч ким колмайди.

Аяси жўнаш олдидан иккаласини чакириб, бирмунча гап тайинлади.

— Яхши ўтиинглар. Шавкатжон, совук сув ичмагин, ўғлим, ошхонада, столнинг устида чой бор — йилтирок чойнакда. Акангни айтганини килгин. Шухрат, ширгуруч пишириб қўйдим, козонда, сал туриб сузиб енглар. Идиш-товоркларни ювиб қўйиш эсинглардан чиқмасин. Мен кетдим, эшикни кулфлаб ол, Шухрат. Ҳа, газни бураманглар, сувни оқизиб қўйманглар, чироклар ёқиқ қолмасин. Шавкатжон, зерикмайсанми, ўғлим? Акангнинг ўйинчоқлари бор, ўйнаб ўтиинглар. Ҳали-замон даданг келиб колади, сизларга овқат пишириб беради...

Шавкатни «совук сув ичма» деган гап таажжубга солди. Бундай ўгитни умрида эшитмаганди. Дунёда унинг суйгани овқати иккита: Ошу совук сувга иссик нонни бўқтириб ейиш эди. Совук сув исча нима киларкин? Қишлоқда кўчани ёнлаб оқадиган суволгичга узала тушиб ётиб олиб, лабларини карнай қилиб муздай сувни шимириш роҳат эди-ку.

Бирор нима киляпсан, демасди. Факат энаси: «ҳазир бўл, оғзингга илон-пилон кириб кетмасин, мунча юрагинг куй-маса сен болани, ичингга ўт кетганми, нима бало?», деб кўярди, холос. Тоғаси: «Бунинг мучали мабодо тужасми, опа?», деб кулар, энаси бўлса: «Э, ярашадиган гап қилсангчи, бунақа мучални қаердан топдинг», дерди ростакамига ранжиб. Лекин бола уларга парво қилмасди, оғзи яқинига келиб қолган хас, кўпик, пуфакчаларни пуфлаб ташлаб, гўё эртаклардаги пахлавонлардай сувнинг ҳаммасини симириб, арикни куритишга аҳд қилгандай, шимиришда давом этарди. Аммо ўзиям сувмисан сув-да! Тип-тиник, тагида йилтиллаётган кум, оқимга караб чираниб сузаётган баликчалар кўриниб турари. Рангиям чиройли: ям-яшил баргнинг ўзи. Мазасига новвот ҳам, асал ҳам тенглашолмайди. Айникса, тўйдан ош еб келганингда... Шуниси бор: корнинг шардай шишиб кетади-да... Энаси ёпиб берган кулча нонни тандир олдидаги лўлича тўқима саватдан ола солиб чиқиб, арикда оқизок килиб ейиш Шавкатнинг жони-дили эди. Кулчани қўшниларнинг суволғичидан арикка ташларди-да, чопиб, ўзларининг суволғичига келиб турарди. Боягина ховури кўтарилиб, кип-кизил бўлиб турган, энди оқаришиб, аммо янаем кўпчиб-семириб ейишлик бўлиб қолган нонни тишилаганида вижиллаб чиккан сув лабининг икки четидан сизиб, чуқурчали тўмток жағига, ундан калта, семиз бўйнига, ёқавайрон, қабарик кўкрагига оқиб тушар, бироқ Шавкат пинагини ҳам бузмасди. Ахир оқизок шуниси билан оқизок-да!

... Ростдан ҳам, аяси айтгандай, акасининг ўйинчоклари кўп экан. Бир неча хил автомат, ҳаккалак-самокат, тунука, елим машиналар... Шухрат бурчакдаги телевизордан бўшаган каттакон қоғоз қутидан бошка ўйинчокларини ҳам олган эди, тор, энсизгина балкон тўлиб кетди. У мактабда пластилиндан уйчалар, от, эшак, чувалчанг ясашни сал-пал ўрганиб олганди. Акаси уста экан. Кўз очиб-юмгунча маймун, фил, тимсоҳларни котириб ташларкан. Болачалариниям куйиб қўяди-я! Мактабида роса ўргатса керак-да.

Шавкат акасига караб бир нарсаларнинг шаклини астойдил ясамокчи бўлардию ўхшатолмасди. Шухрат аввалига ундан кулиб (кулса нима, ўзининг акаси, ўргатса бўлди-да!) ундей қил, мана бундай қил, деб билагонлигини на мойиш этиб турди. Бироқ Шавкат «эпакага келавермагач», хафсаласи пир бўлди. Устига-устак, ёлғизликдан зериккан-

да шуғулланавериб кўнглига ёғдай урган бундай эрмак-машғулотлар дарров жонига тегди. Индамай хонасига кириб кетди. Шавкат ўйинчокларни у ёқ-бу ёкка сурисиб, ўтани очди-да, ҳаккалакка ёпишди. Бола бу ўйиннинг ҳадисини олганди. Қишлоқда тоғаси ёғочдан ясад берган ҳаккалакда учиш учун ўртоклари билан (ҳаммасиники ёғочдан эди) атайлаб бир чақиримча наридаги дала шийпонига боришаради. Негаки шийпон олдидаги пахта қуритадиган кенг асфальт хирмон бир томонга сўйри бўлиб, ҳаккалак учишга роса бол эди. Лекин минг яхши бўлсаям, ёғоч ёғоч-да – ясама. Акасиники ҳақиқий!

Бироқ бу ҳақиқий ҳаккалакка ўзига муносиб майдон хам зарур эди. Балконда астароқ икки, каттикроқ бир марта телиб, учиш билан деворга қадалиб тўхташга, бурилиб олишга тўғри келарди. Шавкат оёғини эмин-эркин, каттик-каттик силтолмас – ҳаккалак учгандай хам бўлмасди. Қайтага қисилиб, хуноби ошди. У: «Тор ерда ош егуна, кенг жойда мушт е», деган мақолнинг мағзини чақа оладиган ёшда эмасди. Дарҳақиқат, ҳаммаёқ ўйинчок; бир тарафда эски-туски, идиш-товорклар турадиган қора жавон, унинг ёнидаги бурчакда бўш шишалар солинган қайксимон алюмин тогора балконни янада торайтириб кўйганди. Ташқари томонда эса панжара тўсикқа осиб қўйилган катор гултуваклар... Бола, бир ёқдан, шуларга тегиб кетамми, деб авайланарди... Ҳа-да, биронтаси тушиб, синиб нетгудай бўлса, сўкиш эшитиши мумкин. Сўкиш эшитмаган тақдирдаям, гулларни нобуд килиш яхшимас... Хуллас, боши қотди. Нима қилишга хайрон бўлиб турувди, кўнрироқ жиринглаб қолди. Қанот боғлаб учди. Орқасидан Шухрат, тўхта, очмай тур, деб кичкирди. Йўқ, халиям у очмоқчи эмас, факат дурбин-туйнукдан ташқаридаги одамини кўришга ошикканди, холос. У бўйинни чўзиб туйнукдан қарадию чўчиб орқасига тисарилди – тилларанг соchlарига аллақандай ялтирок темирлар осиб, бошини саватдай килиб ўраб олган хотин кўринди. Шавкат кўркканини акасига сездирмаслик учун сир бермай четга чиқиб турди. Шухрат иккита кулфни шириқлатиб буради. Эшик қия очилди – уни тепадаги майда ҳалкачали занжир тортиб қолди. Шавкатнинг кўргани рост: рўпараларида ўша, соchlарига ялтирок темир пружиналар осиб, бошини дастурхонга ўхшаш йўл-йўл қизил мато билан танғиган аёл турар, факат туйнукдан кўрингандай вахимали эмас, ак-

синча, юз-кўзлари худи келинаясникидай жуда ёкимтой эди. У ажабланиш билан Шавкатга бир караб кўйди-да Шухратга ўрисчалаб нималардир деди. Шавкат унинг бошини сарак-сарак қилгани ва «ай-яй-яй...» деганидан нимадандир норозилигини англали, холос. Шухрат бошини ли-киллатиб турди-да, хотин гапини тугатгач, «хорошо», деб эшикни ёпди Кейин оғзини пойлаб турган Шавкатга ғаши келгандай каради.

— Тўполон килманглар, деяпти. — Шундай деб яна индамай хонасига кириб кетди. Шавкат акасининг гапидан хафа бўлмади, кайтага унинг ўрисча билишига ҳаваси келиб, оркасидан борди. Шухрат ўзининг каравотида китоб ўкиб ётарди.

— Шухрат, бўлмаса, пастга тушиб ўйнайлик, — деди Шавкат эшик кесакисига суюниб, ялинчоқ оҳангда.

— Китоб ўқияпман, ҳали, — жавоб қилди Шухрат бошини кўтармай. — Ҳозир иссик. Офтоб ўтиб кетади.

Шавкат каравотлар ўртасидан ўтиб бориб, деразадан пастга каради. Чиндан ҳам қуёш чараклаб ётар, ерда бола зоти кўринмасди, аммо жудаям иссиқка ўхшамасди. Ростдан ҳам, эрта-индин мактабга боришадио офтоб ўтадиган иссик қолармиди.

— Бўлмаса, ўзим тушаман.

— Тушсанг тушавер.

Шавкат «дупурлатмаслик керак» лигини эсдан чиқариб балконга югурди, ҳаккалакни олиб чиқди. Шухрат индамай ўрнидан туриб эшикни очиб берди.

— Ўзинг тушоласанми? — сўради у.

Шавкат жавоб ўрнига кўзларини илтижоли мўлтиратди. Лифтга ҳали бир ўзи тушиб кўрмагани учун «ха», дейишга иккиланар, «йўқ», дейишга тили айланмасди. «Тушолмасант нима қиласан бошимни котириб!» деб жаҳли чиқиши мумкин-да Шухратнинг йўқ, акаси сезгир ва яхши экан. Укасини лифтда олиб тушиб кўйди.

Ҳаккалак бетон йўлакда зингиллаб кетди. Мана буни ҳаккалак учиш деса арзийди. Кенг майдон: бургут бир-икки қанот қокиб, узокқа етгандай, ора-сира ер тепиб кўйиб, анча жойгача учиб бориш мумкин.... Лекин Шавкат кутгандек бўлмади. Йўл суйри бўлмаганлиги сабабли ҳаккалак уч-тўрт қадамдаёқ секинлаб, тўхтаб коларди. Бунақада чинакамига маза қилиб бўлармиди?

Болага: «Начора, сенга ҳамма жойда хирмон тайёрлаб

кўйишармиди, борига чидайсан-да», дейдиган одам йўқ эди. Бирок масаланинг чатоқлиги шундангина иборат эмас эди. Шавкатга, «бир ўзи жиннига ўхшаб у ёқдан-бу ёкка бориб-келаверишнинг» қизиги ҳам йўқ эди. Ҳа-да, ўртоқларинг билан, ким ўзарга, ким оз ер тепиниб, узоқка етиш ўйнасант, унда бошқа гап. Тиззаларинг толганинг, чарчаганинг ниям, корнинг очганинг сезмайсан, зерикмайсан ҳам. Шухрат тушса бўларди-ю офтоб ўтиб кетармиш. Вой тегманозик-эй! Китоб ўкияпман, дейди ҳали мактаб бошланса, ўкиб безор ҳам бўларсан...

Шавкат ўйиндан тўхтаб, бир четга чиқди. Ёнбошлагиси, атрофни, осмонўпар уйларни томоша қилиб ётгиси келди. Теваракка кўз югуртириди: бу якин орада у ўйлаган жой – майсазор йўқ эди. Учта уй наридаги майдончада хоккей ўйнашаётган майка-трусиchan болалар аклини олди... Бир маҳал ўзига келиб, қуёш елкасини киздираётганини, чанқаганини туди. Яна илинж билан ён-верига алланглади, аммо бу гал ҳам нигохига у истаган нарса – ариқ ёки водопровод жўмраги чалинмади. Беихтиёр уйларининг деразасига тикилди. Жудаям баланд-а... Лекин чиқиб-тушишдан бошқа чора йўқ...

### Орзудаги улкан шаҳар

Орзудаги сирли, улкан ва маҳобатли шаҳар – Тошкентда ана шу тарзда бошланган хаёт энди бир маромда давом этарди. Шавкат ҳар куни эрталаб ваннахонада юз-қўлини, бўйинларини совунлаб ювар, аяси, акаси – учалови нонушта қилишар, кейин у пластилинга ўзини урад ё ҳаккалакни кўтариб лифтга чопарди. У энди лифтда бировнинг кўмагисиз бемалол чиқиб-туша оларди. Ора-чора Шухрат ҳам бирга тушар, аммо у узок ўйнамасди: «Китоб ўкишим керак» ё «ухлайдиган вақт бўлди», деб одатича бошини ўнг томонга хиёл кийшайтирганча кириб кетарди. Уч-тўрт кун ичida Шавкатнинг ўзи ҳам камқатнов бўлиб қолди. Майдоннинг суйри эмаслиги ҳақиқий ҳаккалак гаштини сусайтирса, кўпинча ёлриз ўйнаши, хадеганда лифтга югуриш хафсаласини пир қиласиди. Уйлар баланд ва кўп бўлгани билан биридаги бола иккинчисидаги болани танимаса, бирга ўйнамаса, бекор экан-да. Тегирмонбошидай каттакон кишлиқда ҳамма болалар бир-бирини танишади. Аксига олиб, уларнинг «дом»ида Шавкатнинг тенгкури йўқ ҳисоби

экан; бир-иккита бору, лекин улар «нотаниш бола»га қараб-қараб кўйиб, ўзлари ўйнашаверар, уни давралариға таклиф қилишмасди, ўзича бориб кўшилгани эса Шавкат ийманарди.

Уйлар хали тўла фойдаланишга топширилмаган, хозирча болалар учун майдончалар ташкил этилмаганди. Очиги бунга шароит ҳам карийб йўқ деса бўларди. Чунки уйларнинг орқаси катта машина йўли; олд томондаги тупроғи чангид ётган саҳн эса жуда тор бўлиб, ҳануз текисланмаган, ўйдим-чукурлигича колган эди. Лекин инсоф юзасидан айтиш керакки, ҳар ер-хар ерда бита-яримта «хала-туя» учраб тураг, бирок, бахтга карши, Шавкатларнинг уий олдида ана шу оддий тахта ҳам йўқ эди. Бир куни у кўшни «дом» рўпарасидаги «хала-туя»нинг бўм-бўш турганини кўриб колди, чопиб бориб ўртасига ўтирида, оғирлигини дам чапга, дам ўнгга ташлаб тебрана бошлаган ҳам эдики, «дом» йўлагидан иккита бола отилиб чикди; улар тўппатўғри шу тарафга, Шавкатнинг кошига югуриб келишди; «хала-туя»нинг икки чеккасига ўтириб олишди, сўнг Шавкатга парво қилмай, бири кўтарилиб, иккинчиси пастлаб ўйнай бошладилар. Шавкат ўрнидан туриб, индамай жўнаб колди. Орқасидан пик-пик кулги эшитилди. Боланинг бармоқлари мушт бўлиб тугилди, тўхтади, турди-турди-да, қизариб-бўзарганча «дом»ларига қараб кетди...

Шавкат мактабда ўқиш бошланишини сабрсизлик билан кута бошлади. У энди янги синфдошлари орасидан ўртоқлар орттиришдан умидвор, шу билан бирга, катта шахарнинг мактаби, муаллимлари қанақалигини тезрок кўришга кизикмоқда эди... Бу орада ўзига кўшимча эрмак топиб олди. Пастга тушишдан эринган кезларида балконга чикиб, туваклардаги бир кадар қаровсиз колган гулларнинг тупроғини юмшатиб сув куяр, уларнинг сарғайиб қурушка-ган, банди узилай-узилай деб турган баргларини охиста олиб ахлат пакирга ташларди. Шуниси таажжубки, бошқа иш ва машғулотларга канчалик жон-жаҳди билан ёпишиб, иложи борича тез бир ёқлик килишга ошикса, печак гулларни, айникса,райхонни, боисини ўзи ҳам англамаган ҳолда курсига хотиржам ўтириб олиб, эринмай, хафсала ва муҳаббат билан парваришларди. У гулларни яхши кўради, хусусан, кора районни... Унда гулга муҳаббатни келинайси уйғотган.

Рисолат уларникига келин бўлиб тушган йил баҳордаёқ

уйларининг саҳнига хина, ўсма, намозшомгул, гултожихўрз, сачратма, чиннигул уругларини сепиб ташлаганди; ўз ҳовлисидан атиргул, қизилгул кўчириб олиб келиб ўтқазганди. Кўчадан кириб келган одамнинг баҳри-дили очилади, деб дарвозахонага, йўлакларга, хумор-хордиқларимиз ёзилиб ўтирайлик, деб узум ишкоми тагидаги тахта чорпоя атрофига ҳар йили эрта баҳорда кора район экарди. Ҳаш-паш дегунча гулу районлар гуркираб ўса бошларди. Ҳовли яшнаб-яшариб, файзиёб бўлиб, муаттар хидлар атрофни тутиб кетарди. Айникса, оқшомлари кечки овқатга ҳозирлик кўрилаётган паллада Рисолат даладан кела солиб, районларга сув уриб чикканида сиёҳранг гулбарглар шудринг тушгандай ялтираб, бўйи гупиллаб димокқа урас, хонадондагиларнинг кайфи чор бўлиб, завқланиб кетишарди. Шундан кейин оила аъзолари чорпояда гашт қилиб, иштаҳа билан паловхонтўрани туширишарди. Тогаси папирос чекарди, айникса овқатдан сўнг оёкларини узатиб, чорпоя панжарасига суюнганча, оғиз-бурнидан паға-паға тутун чиқариб роса тортарди. Келинаясининг бир оғиз: «Шундай гулларнинг хидини сассик тутун билан булғашга қандай кўнглингиз бўлади?..», деган гапидан кейин кайтиб оғзига олганини бирор кўрмади. Энаси орқаворатдан, бальзан ўзига-ўзи, бальзан тогасига: «Умридан барака топсин, фаришталикинина, дарди гул, ўзиниям истараси гулдай иссик», деб келинаясини мактаб қоларди. Шавкат ана шу гулзорда йикилиб-суриниб, думалаб-сумалаб улғайди. Шундан гулнинг нималигини барвакт хис этди, район атрини эрта түйди...

Ўша файзли оқшомларни эсларкан, Шавкат мамнун бўлиб, жўшиб, балкондаги гулларга меҳри янада ортиб кетарди... У ҳам келинаясига ўхшаб, сув сепгандан кейин нафис чайқалиб-тебранаётган район шоҳларини енгил силкитиб юборар, лекин кутганидек ўткир хид анкимасди. Ҳатто, энгашиб лабини, юзларини гулбаргларга суйкаганида ҳам ўша таниш ис боланинг диморига сезилар-сезилмас уриларди, холос. Бутоклари заифгина ҳилвираган гулбаргларнинг туси ҳам қандайдир нимранг, хира ва юпқа, банди жуда мўрт бўлиб, сал тегсанг тўкилиб кетадигандай, омонатгина осилиб турарди...

«...Кеча мактабга бордик. Шухрат тўртингчи синфга, мен учинчига. Мактабимизни кўрсанг, ҳанг-манг бўлиб коласан. Яп-янги – деворлариям, парталариям, ўзи уч

кават. Эсингдами, тоғам бир куни: «Мактабларингни сал туртиб юборса, асфаласофилинга кетади, эхтиёт бўлинглар», деб масхара килувди. Ҳозир бизникини кўрса: «Ха, мактаб деган мундок бўпти», дерди. Ичлари нак музей. Расм демаганингни ҳисобига етиш кийин. Тўрт бурчак, уч бурчак тахтачалар, узун-узун алвонлардаги ёзувлар... деворларда такир бўш жой йўқ. Кеча танаффусда расмларга хушим кетиб, кўнгирикният эшиитмай қопман. Шуҳратга айтсан, «ҳаммаси эски», деб кўл силтади. Ўқитувчимиз жаҳли бурнининг учидаги турадиганлардан экан: «Бу ер мактаб, қишлоқдаги подахонангмас», деб уришиб берди. Мен буни дадамгаям, аямгаям айтмадим. Бари бир улар ҳам: «Ажаб кипти, хўп кипти, интизомли бўлиш керак», деб ўзимга дакки беришарди-да. Уйда латта шиппак киямиз. Аям: «Бўлмаса, зах ўтиб кетади», дейди. Қизик, зах тўққизинчи қаватга қандай чиқаркан? «Энди қишлоқдагидай яланг оёқ, яланг бош, бир почаси тиззада, бир почаси ер супурадиган шимда юриш йўқ», дейди аям. Энди катта бўп қопман. Шаҳарда шаҳарча юришим керак экан. Чумчук уя, чўзма камалак йўклиги чатоқ бўляпти. Шуҳратнинг зўр чанаси бор экан. Қишида роса учамиз. Қани энди, тезрок киш келсаю кор ёға колса!.. Соип, отангга айтиб кўй, мен сизларни эсдан чиқарворганим йўқ...»

Шавкат Соипга иккинчи мактубида ана шулар хақида ёзди.

### Ичкаридаги айтишув

Бугун кечқурун Қудрат билан Ҳабиба бирга келишди. Ҳеч ишдан баравар қайтишмасди. Бунинг устига, иккаласининг ҳам авзойи бузук эди. Умуман, Шавкат ота-онасига тушунолмай қолди. Бири тонг қоронғисида, бири кечроқ кетишади, келишади. Кечқурунлари мундок бир чой ичишиб, сухбатлашиб ўтиришганини кўрмайсан. Бирори билан бирорининг иши йўқ. Тоғаси билан келинаяси ишга сахар жўнашарди. Келинаяси чумчуклар чириллаб, коронғи тушай деганда келарди. Тоғаси бўлса, кўпинча энаси хуфтон ўқиётганда, баъзан ундан ҳам кеч кайтарди. Лекин шундаям ҳаммаси бирга чой ичишиб, ўтган-кетгандан, кўрган-билганингидан гаплашиб, чакчаклашиб, кейин ётишарди... Тоғаси ҳеч овқат пиширмасди. Соип, Тоирлар-

нинг оталариям... Дадаси эркак киши бўлсаям, ҳар куни пешбанд тутиб, овкат пиширади. Кишлокда, кўпинча энаси сабзи-пиёзни тўғраб кўярди, келинаяси даладан келибок ўчокка ўт ёқарди. Тоғаси билан келинаяси сираям уришмасдилар, қайтага ёш болалардай бир-бирларини чимчилашиб, кулишиб ўтиришарди. Шунаقا пайтда Шавкат нимагадир уялиб, хижолат бўлиб кетарди. Бир куни энаси: «Тоғанг билан келинаянг олдига ҳадеб киравермагин, айб бўлади», деган, аммо нима учун айб бўлишини айтмаган. Шавкатга эса тоғаси билан келинаясининг ҳазиллашишларини томоша килиш марокли эди. Тоғаси ишдан эрта келган кунлари келинаяси унга садарайҳонлар ёнида сув куйиб берәтиб, озгина сувни майкаси ичига оқизиб юборар, сесканиб кетган тоғаси ёлғондакам пўписа килиб (ростакам бўлса кулармиди!) келинаясига ташланар, келинаяси кўлида обдаста билан кийқириб кочарди. Ўчокбошида уларга жилмайиб қараб ўтирган энаси: «ха, кўшақаригурлар, илоё кўз тегмасин», деб ўзига-ўзи гапирав, дастурхон атрофида: «ҳамиша шундай бўлинглар, бир кун жанжал чиккан уйдан кирк кун барака қочади», деса, келинаяси овқат ейишдан тўхтаб, бошини солинтирганча, сочик попугини ўйнаб ё қайта-қайта тахлаб, индамай коларди. Дадаси билан аяси қизик экан: ўзлари онда-сонда пича бирга ўтириб колишади-ю, шундаям тумтайишиб, тузук-курук сухбатлашишмайди. Қайтага бирпасда нари-бери бўлишиб, аччик-тиззик билан туриб кетишади.

Улар жуда арзимаган нарсадан гап талашиб, айтишиб колишаверади. Кўпинча дадаси аясининг гапи билан бозордан «кўлда сўйилган» гўшт олиб келади ю остоидан тутаб, фигони фалакка чикиб киради:

– Бир кило гўшт билан бир кило кўй ёғи бир ойлик ижара ҳақи билан баравар!... Ноинсофлар, виждонсизлар, кўппаклар!.. Ҳамма ишни тантобойваччалар бузишади! Кўли қавармай, бели оғримай пул топганлар бузади!..

Шунда аяси битта гапиради дадаси каловланиб, тили тутилиб, тинчийди-колади:

– Ҳар ким сизми, қалтираб...

Бир куни дадаси яна хуноб бўлиб кириб келди: соати бирдан тўхтаб қолибди. Устахонага олиб борса, роса титкилаб кўришиб: «Анча иши бор экан, тўрт сўму тўқсон етти тийин бўлади», дейишибди. Тушда бир оғайниси билан бирга овқатланишаётуб, соатсозлардан арз қилган экан,

ўртоги: «Қани, күрай-чи», дебди-да, дадаси икки қошиқ шўрва хўплагунча: «Мана, бўлди», деб тузатиб берибди.

Аяси шунда дадасини гап билан яна чимдиб-чимдиб олади:

— Шунча йилдан бери энди кўряпсизми?.. Кошки факат соатсозлар шунақа бўлса... Аслида бундайларнинг тегирмомнига сиздакалар сув куйишади, нима деса лакка тушиб... Ҳалоллик учун курашадиган эркак мундай, пухта-пухта, узиб-узиб гапиришният уддалаши керак, мум тишлаб кетавермасдан...

Албатта, шундан кейин тагин узундан-узок, охири тумшайиш билан тугайдиган можаролар бошланади.

Мана, бугун ҳам кўчадан ораларидан оламушук ўтгандай, оғзиларига сўк солиб кириб келишди. Авваллари уларнинг ҳар канча жаҳллари чиқиб турсаям, Шавкатдан ҳолаҳвол сўрашни канда килишмасди. Ҳозир худди уни кўрмагандай, дадаси ҳеч қаёққа қарамай ваннахонага, аяси ётотхонага кириб кетишди. Бўлажак ғавғоларни олдиндан пайқайдиган бўлиб қолган Шуҳрат йўлакда қаёққа босишини билмай гарангсиб турган укасига боши билан имо килиб, балконга бошлади. Шавкат акасининг ишорасини фаҳмлади. Бўлмаса-чи, ахир ёш бола эмас-ку!

Шуҳрат пластилиндан хартуми илмокдай гажак фил, ўлжага ташланаётган шер, думдор олмахон, тождор хўрзларни ясад кўрсата бошлади. Бирок, у сидқидилдан киришгани учун эмас, азбаройи устаси фаранг бўлиб кетгани туфайлигина турли-туман кийин шаклларни ҳам бир зумда ўхшатиб қўярди. Сирасини айтганда, Шавкатнинг ўзи ҳам лоқайдлик билан, истамайгина акасига таклид қилаётганди. Улар бир-бирининг кўзига қарамасликка уринишарди. Ичкаридан келаётган бакирик-чақириклар иккисининг ҳам юрагига ғашлик солмокда эди: овозлар баралла, жаранглаб чиқаётганидан, гапларни эшитмаслик мумкин эмасди.

— ...Яна уч-тўрт йил юрарсиз энди, итнинг кейинги оёғи бўлиб! — деди аялари жиғибийрони чиқиб.

Алланарса шараклади, нимадир синди.

— Ҳаддингдан ошма, тилингни бир карич килиб осилти-раверма итнинг тилидай! — ўшқирди дадалари.

Лекин аялари ҳам бўш келмади.

— Рост-да, нимага жириллайсиз, нимага тўғри гапга орингиз келади?!

— Хў! Вей!.. Нима деяётганингни биляпсанми ўзинг! Эрингта-я?! Бетингни чидаганини кара-я!..

– Нимага чидамасин, ўн йилдан бери қўйнимни пуч ёнғокка тўлдириб юрганингиздан кейин чидайди-да, тилингизнинг учида асал ялатишингизни кераги йўқ менга! Мен ҳам одамга ўхшаб яшашим керак! Бошқалардай эмин-эркин кийиниши, катта-катта еб-ичиши хоҳлайман. Менинг ўйнаб-кулишга, яйрашга ҳакким бор. «Волга», «Жигули»ларда ялло қилиб юргим келади боғма-боғ, тогма-тоғ... Ҳаммасига пул керак... Бир нарса деса, уч ойдан бери тўланмаган уй пулини рўкач қилиб, бет-кўзингизни юласиз. **Ха**, тўланг, тўлаб қўйинг вактида!

– Асли хотин зоти ношукур-да! Бироннинг кош-қовоғига караб ўтирган диққинафас кунларинг эсингдан чикдими!

– «Дом»га чиксак, ўнгланиб оламиз, бойиб кетамиз, дердингиз?! Қани?! Учма-уч аранг етказяпмиз. Токчasi йўқ куруқ деворингизни пеш қилманг менга! Уст-бошга шифонер, идиш-товорка сервант керак! Ошхонага стол, стул!... Суварак ўлдирадиган дорига кетган пул ортиқча...

– Сени дарди-ташвишинг пул. Бүёқдагини эзилиб ўлиб кетгани билан сариқ чақалик ишинг йўқ.

– **Ха**, сиз ўзингиз нима деб юрибсиз, ҳаммани тентирашиб?! «Қишлоқда тил-адабиётчи ачиб ётиби, бир ставка дарс тегсаям катта гап, беш йил ийигим чикиб ўкиб, тўқсон сўмга ишлайманми», деган ким? Ўн йилдан бери қоғозга термилишдан максадингиз нима?

Бир зум жимиб қолишиди. Кейин яна аяларининг овози эшитилди. Бу гал товуш пастроқ чиқди.

– Сиз эзилсангиз, мен ҳам куйганимдан галирятман. Сизнинг обрўйингизни ўйлаб куйиб кетяпман. Энди танишибилиш нима дейди? Қишлоқка қайси юз билан борамиз? **Ке, ке**, дейишганда кетавермадик, этаги йўқ ишни деб...

– Ахир, мен ҳам юртга яхшироқ бўлиб борайлик, девдим-да. Ҳозир хужжат керак, унвон керак, билиминг икки пул. Падар лаънатини ёқлаганимда, пединститутдан иш сўрардим.

– Ҳм, ўзиям институтдагиларнинг сизга кўзи учиб тургандир, палончивой қачон олим бўлиб келаркин, деб. **Мана**, энди бориб бўлпсиз.

– Мухокамадан олдин яхши девди, иккиюзламачилик килди. «Айрим фикрларимни кейин ўйлаб колдим», дейди лўттибоз!

– Шуни бетига айтмабсиз-да.

– «Айтмабсиз!». Айтдим, лекин бўлар иш бўлиб, буёғи сингандан кейин нима фойда!

– Ҳамма айб ўзингизда. Қотириб қўйгандай хотиржам юрдингиз. Ўша аппонентми-саппонентингиз оркасидан югурмадингиз, тузукрок бир нарса кўтариб бормадингиз. Ё бундай бир сал эгилишни билмайсиз, ўзим кал, таъбим но-зик деб...

– Думини ликиллатганларни, бироннинг қўлтиғига нарса қистириб, илмни булғаганларни ёмон кўраман!

– Ёмон кўрсангиз юраверасиз-да. Унинг совунига кир ювганлар айтишибдию ўзингизга. Тўғонни тепасида тамагирлар тургандан кейин сув булғанмай бўпти! Ё сиз ёмон кўрганингиз билан бир нарса ўзгарадими? Ёмон кўрганларингиз ишини битириб, эшагини лойдан ўтказиб кетишаверади, сиз қолаверасиз чанг, лойда...

Ким ҳаку, ким ноҳақ, қайси бири ўжарлик қилиб гапга кирмаяпти – дадаларими ё аяларими? Кимни ёмонлашяпти? Ўзи улар нега мунча кирпичоқ бўлишади? Нима талашишади? Шавкатнинг ақли етмай, боши гаранг эди. Унинг назарида ҳозир дадаси қайсарлик қилаётгандай эди.

Умуман, одамлар нима сабабдан уришиб-талашишади? Фалва-жанжалларни ким ўйлаб чиқарган ўзи, кимдан, қайси замондан колган? Нима учун ҳамма нарса, шу жумладан, одамлар ҳам яхши ва ёмонга, омадли ва баҳтсизга, чиройли ва хунукка, ёқимли ва ёқимсизга ажратилади? Албатта бола ҳали буларни мушоҳада килишдан ожиз эди.

Ичкарида «айтишув» давом этарди.

– Бўлганим шу! Оч қолсам ҳам майли, ҳалол ёклайман.

– Сизга майли бўлса, биз-чи, болалар-чи, ҳаммамиз сизга кўшилиб тирнок сўриб ўтиришимиз керакми?

– Ким оч қоляпти? Сенми?

– Эл қатори яшамагандан кейин...

– Хей! – бирдан бақириб юборди дадаси. – Эл қатори яшаш беш қўл баравар бўлиши керак, дегани! Пул, бойлик деган тушунча бор, бунақаси икки дунёдаям бўлмайди!

– Унда нима қилиш керак?

– Бор-борича, йўқ ҳолича.

– Кишлокқаям кетмаймизми?

– Кетмаймиз!

– Сизнинг юз ўн беш сўмингизу мени ярим кун ишлаб топган эллик сўмим билан яшайверамиزمи?

– Яшайверамиз!

– Манави коринни кўряпсизми? Эртагаёқ бола бокиб уйда ўтиришга тўғри келади.

— Майли!

— Майли бўлса майли-да. Менга нима! Топиб келадиган сиз. Берсанг-ейман, урсанг-ўламан, деб ўтираверамиз-да. Ўттизга етмай белим букилиб, ҳаммаёғим шалвираб кетадиган бўлди.

Уйга ноxуш жимлик чўкди. Болалар шунчаки ўзларини чалғитиш, шу фурсатда бир нима билан овора бўлиб туриш учунгина ҳали у-ҳали бу нарсага кўл учида тегинишиб кўяр, ўйинчоклар ҳаммаёқда тартибсиз сочилиб ётганидан, оёқ босарга жой қолмаганди.

Куни билан булутлар бағрида «кирди-чиқди» бўлиб турган қуёшнинг корамтири-кизғиши тус олган сўнгги нурлари ҳам сўниб, аллақачон сувга чўккан тошдай, кулранг осмон этагига сингиб кетган, лекин шафак ҳамон тўққизил рангда заифгина товланиб турар, парсимон булутлар эринибгина сузиб юрар, кўнгилни хижил қиладиган хира қоронилик чўка бошлаганди.

### «Пойлоқчи бола». Оналар, аёллар...

Уйдаги дилсиёҳлик каттаю кичикнинг, айниқса, бундай ҳолатга кўникмаган Шавкатнинг вужудини сиркиратар, хонадон ичра мудхиш шарпадай кезиб юрган совуқ кайфият юрагини кемираради. Тўғри, дадаси ҳам, аяси ҳам уни аввалгидай эркалатишар, бошини силаб жилмайиб кўйишар, бироқ бу эркалаш ва табассумларнинг шунчаки ота-оналиқ бурчи юзасидангина эканлигини, «бегуноҳ, ҳали шароитга кўникмаган болани ранжитмаслик, кўнглини чўқтирмаслик» учунгина эканлигини бола хис этиб турар, хис этган сари баттар кисиларди. Чунки у елкаси ё бошида қадрдон кафтларни сезганида, «ўғлим...», деган сўзни эшитганида аввалгидай энтикмас, аъзойи бадани ёқимли жимирилаб кетмасди. Камгап Шухрат баттар индамас, «ичимдан топ» бўлиб олган, одамовидай бурчакка тикилиб ё каравотга мук тушиб олганча аллакандай расмли-расмсиз китобларни, «Гулхан», «Фунча»ларни ўкиб ётар, укаси қанча гапга тутмасин, танглайнини тақиллатиб, «хм», «йўқ», «билмадим»дан нарига ўтмасди. Афтидан, у уйда, уйдагина эмас, умуман, бу ёруғ оламда Шавкат деган укаси борлигини буткул унубиб юборганга ўхшарди. Қисқаси, акасининг оғзидан она тили ўқитувчиси айтгандай факат «бир сўздан

тузилган жумлалар»ни пойлаш жонига тегди, пластилиндан күнгли совиди, балконга биқиниб олиб кичкина бола сингари ёлғондакам машиналарни «ди-дит»латиб, «замбраклар»ни гүмбурлатиш, лифтда хаккалакни тараклатиб юришлар, ҳовлида «яккамоховга ўхшаб» ёлғиз ўйнаш, бақириб-чақириб, чанг-тўзон кўтариб тўп тепаётган болаларни бир четда мунгайиб томоша қилишлар, чанқаса, ё қорни очса булутлар билан ўпишиб турган тўкқизинчи қаватга лифтда, лифт ишламай қолган кунлари зинама-зина (бир юзу олтмиш олтита!) чопишлар зериктириди. Тўғриси, буларнинг қизиги колмади, ҳаммаси жўн нарсаларга айланди. Энди унинг биргина эрмаги – айвоннинг бетон панжара-тўсикларига осиб қўйилган сарик сопол туваклардаги нозик барглари илик шабадада титраб чучук бўй таратиб турган раҳонлар эди. Шавкат юраги кисилган чоғларда уларга сув қуиб, исказ ўтиrsa кишлоқдаги гулзор ҳовлиларини, энаси, келинаясининг ҳароратли тафтихидини туйгандай бўлар, қалби бир қадар осойиш топарди. Лекин эрталабдан-кечгача қоқкан қозикдай бир жойда, бир нарсага тикилиб ўтириб бўлмайди-ку. Боз устига, «оёкни типирчилатмай, гапирмасдан ўтириб» овқатланиш, «хар ким ўз идиш-товоғини ювиш», «ўринни ўзи солиб-йифиши», «дупурлатмай ювиш», «совук сув ичмаслик», «вактида ухлаш» тўғрисидаги ғалати талабларга ҳар доим амал қилиш мушкуллашиб борарди. Шавкат Соипга ҳам ҳат ёзмай қўйди. Бирок у жонажон ошнасини, ҳовлида пилдираб юрадиган энасини, бир оз дағал тоғасини, мулоим келинаясини, жангари, ишбилармон Аҳмадни, ҳатто қурумсок Тоирни, пўрдок Эргашни ҳам кўргиси келар, уларни соғинар, машина бўлиб «ғинг-ғинг...»лаб, шамолдай учадиган чанг-тупрокли кўчаларни, бир елкаси нуқул тушиб кетаверадиган кир-чир майкаси ичига тош тўлатиб олиб, чўзма камалак билан чумчуқларнинг додини беришни кўмсарди. Суволғичга узала тушиб, кўкрагига тахта ботиб кетганига ҳам парво қилмай тўйиб-тўйиб сув симиришни, оқизоқни эслаганида юраги орзикиб-орзикиб қўярди. Энг ёмони, ўз дадаси билан аяси унга ҳар қанча меҳрибончилик килиб, ширин сўзлар айтиб, оғзиларидан ҳар қанча бол томмасин (уларнинг оғзидан ҳадеб бол томавермайди-ям-ку...), негадир уларга элакишиб кетолмас, ўзини энасининг, тоғаси ё келинаясининг қучогига отгандай аясининг кўкрагига яйраб бош қўя олмасди. Дардини, истак-ҳохиши-

ни айтишдан истихола қиласы. Ҳатто уйдаги буюмлар, нарсалар, озиқ-овқатлар ҳам ҳануз унга бегонадай, омонатдай, уларга рухсатсиз тегишиң ҳакқи йўқдай сезарди ўзини.

Кишлокда-чи... кишлокда энаси қанд-курс, тансик мева-чеваларни кўпинча Шавкатдан яшириб қўяр, аммо Шавкат укувсизлик билан бекитилган ширинликларни осонгина топиб олиб, анорзор оралаб ўртокларининг олдига югуради. Кош корайгач, ҳамма уй-уйига таркаб, Шавкат ҳам ҳовлига секингина, айбидан хижолат чекаётгандай елкасини қисиб кириб келарди. Бола «ўғрилик» қилган пайтларида ўзини одатдагидай бемалол тутолмас, назарида энаси унинг килмишини аллақачон билгандай, жўрттага кўзлари-га синчковлик билан тикилаётгандай туюлаверарди. Аслида эна неварасининг шу ҳолатидан гап нимадалигини пайқаб қолар, лекин: «Ха, бола бўйнингдаги иллатингни оёғингнинг қалтираши айтиб турибди, сен зумрашанинг дастидан меҳмон-измонга деб тиш кавагида саклаб юрган бир сиким нарсаям облоҳу акбар. Қилғиликни килиб қўйиб, яна бўйнини қисиб келишини...», деб жавраб қолар, бироқ бу койишлар нима учундир Шавкатга оғир ботмас, айвоннинг чоркирра устунини кучоклаб, энасига зимдан караб, жилмайиб тураверарди. Чунки у энасининг сал ўтмай юмашини биларди.

— Ха, бўпти энди, оёқ-қўлингни ювиб, мундай одам боласига ўхшаб ол, турки-тароватингта караб бўлмайди. Ҳозир тоғанг билан келинаянг келади, овқат ҳам пишиб колди.

Шунда Шавкат чопиб борарди-да, бир сикимгина бўлиб ўчокқа ўт қалаб ўтирган энасининг бўйнидан «ачом» килиб, суркала бошлар, энаси кулиб: «ха, мўлтони», деб оташкурак билан хўжакўрсинга пўписа килиб қўярди.

Аясига эса унақа эркаликлар кетмайди.

...Шу куни кечкурун Шавкатнинг кўнгли овқат тиламади. Дарвоке, овқатнинг ўзи ҳам бўлмади. Ҳар ким қўлига илинган нарсани еб, тамадди килди. Шавкат ётогига барвакт кириб кетди-ю, бироқ алламахалгача ухлай олмади. Ҳаво дим эди. Биринчи кундагидай осмонни томоша килиб ётди. Аммо бугун осмон жуда баланд, олисдаги улкан музлиқ сатхига, онда-сонда кўриниб қолаётган юлдузлар эса хўмрайган одамларнинг кўзларига ўхшаб кетди. Чунки улар энди пирпираб болага имо қилмасди. Қалин кўрпа

түшалиб, пахтадай оппок чойшаб ёзилган ва устидан худди шунака оқ ғилоф қолланган адёл ёпилган ўрин, юшшок каравот энасининг бағридаги жойдай илиқ ва роҳатбахш эмас эди. У ўрин, гарчи шундокқина ерга юпқагина түшалган бўлсаям, Шавкат боши болишга тегди дегунча донг котарди-коларди. Ҳозир энаси бир ўзи ётибдимикин? Айтгандай, ёлғиз кўркмаяптимикан? Йўқ, кўркмайди, ахир у – «қўриқчи, пойлоқчи бола» – келинаяси билан бирга ётган кечалари энаси бир ўзи қолардию... Ҳозир Тегирмонбошидаям ҳаво шунака дим, юлдузлар шунака оз, хирамикин?..

Хулласи калом, сокин, тиник кўл сувини аллақаёқдан шалоп этиб тушган тош чайқатиб, лойқатиб юборгандай, боланинг ҳам осойишта ва бир маромда кечётган ҳаёти алров-далров. У энди кишлоқда, энасининг оламжаҳондай кенг бағрида юрган бедард, беташвиш чөғларида ота-онасидан айри яшаганидан ўксинганларига пушаймон ер, шахарга жўнаётган кунидаги иргишилаганлари, Соипга мақтанганини эслаб, кўнгли ғаш бўлар, ўз ёши, қалбига яраша изтироб чекарди.

\* \* \*

У қачон кўзи илинганини сезмай колди. Үйғонганида тонг ёришган, лекин ҳаво ҳамон дим эди. Ўзини худди бўғилиб кетаётгандек сезди, ичи жазиллаб ачишарди. Кечкурун туз тотмагани учун каттиқ очиқканди. Корнини чангллаб бирпас ётди, лекин ортиқ чидай олмади. Шухратни, аяси билан дадасини үйғотиб юбормаслик учун оёқ учиди юриб, биринчи марта бемаҳалда ошхонага кирди, биринчи марта беижозат у ёк-бу ёкларни тимирскилаб кўрди. Бироқ кўлига егулик нарса илинмади. Нон кути ҳам бўм-бўш эди. Бошқа жойда бўлса керак, аям суваракдан яшириб, бирон нимага ўраб кўйгандир, деб ўйлади у, аммо қаердан кидиришни билмади. Аясидан сўрашга жазм килди. Дадаси билан аясининг ётоғига бориб эшикни қокмокчи бўлувди (ахир, шундай деб ўргатишган-да!), етай деганда оёғи йўлакдаги шолчага илашиб қокилиб тушди, кўли тутқичга тегиб, эшик очилиб кетди. Каравотда ёнбошлиб, бир қўлинни боши остига, иккинчисини сони устига кўйиб ухлаётган аясини кўриб, бола ҳали сира бошидан ке chirмаган ғалати аҳволга тушди. Ҳам хижолат бўлиб, ҳам болаларча қизиқиш билан аясига қараб туриб қолди. Дадаси ишга кетиб бўлган шекилли, аяси икки кишилик ёғоч

каравотда бир ўзи ётарди. Аяси хар доим дадаси ҳакида: «Ишни хотини, бола-чақасидан ҳам аъло кўради, мундок бир болалар билан ўтириб чой-пой ичиб кетсаям бўлади, лекин бу киши унака килмайди, ишхонасидан ой кўргандай, каллаи сахарлаб югуради», дегувчи эди... Аяси майка-кўйлакда бўлиб, устидаги Шавкатларникига ўхшаган копламали адёл қийшайиб, ярми полга тушиб кетганди. Шавкат аясининг майка-кўйлагидан чиқиб турган қўшалок маммасига ихтиёrsиз равишда тикилиб қолганди. Келинаясининг энасига айтган гаплари эсига тушиб кетди. Унда Шавкат анча кичкина эди, уни тушунмайди, деб ўйлашган бўлишса керак. Лекин боланинг юраги сўз ўзи ҳакида бораётганини ҳис этганди: «Опамнинг кўнгли қаттиқ экан-а буви, кўчкордай ўғлини эмизмаган-а... Сутини нима қилганин?..» «Кўкракларим тошдай қотиб, сутим оқиб кетяпти, кўйлакларимният расво қилиб юборяпти, деб соғиб ташлаб юрди, кейин сут қайтиб кетди», деганди ўшанда энаси... Аясининг маммалари кичкина-кичкина, оппол, факат учи корамтири эди. Шавкатнинг кўз олдига келинаясининг маммалари келди... Тофаси ишдан кеч қайтадиган тунлари келинаяси Шавкатни бирга олиб ётарди. Шундай пайтларда келинаяси анчагача унинг бошини силаб, эркалатор, кейин: «Шавкатбек, мамма эмасизми?» деб сўрарди. Шавкат индамасди. Келинаяси ёқасидан – кўпинча атлас кўйлак кийиб ётарди, уни майка-кўйлакда ҳеч кўрмаган – учсиз, қизғиш-корамтири маммаларининг дам унисини, дам бунисини чиқариб, Шавкатнинг оғзига тутарди. Бола бир оз хайрон бўлиб, иккиланиб турарди-да, сўнг лабларига ис-сик тегаётган маммаларни икки кўллаб чангллаганича кизиқиши билан эма бошлар, лекин сут чиқмасди. Энди билди: келинаясининг ҳовучга сифмайдиган маммаларидан сут чиқмаган, аясининг шу кичкина, нокдай маммаларидан сут чиқармиди, энаси бўлса, «сутини соғиб ташлаган», деб юрибди. Бўлмаган гап! Аясининг маммасидан сут чиқса... Йўқ, чиқмаган! Шунинг учун Шавкатни эмизмаган, шунинг учун энаси сўргичли шишаҷада сут бериб боккан-да!.. (Буни унга кейинчалик келинаяси айтиб берганди...) Шавкат ўшанда энасининг кимгадир келинаяси тўгрисида «ик-кикат!..», деганини эшитган, лекин бу сўзният маъносини тушунмаган эди. Кейинчалик келинаясининг кўзи ёриди, лекин буваги ўлиб қолди Эх-хе, келинаяси билан энасинг ўшандаги айюҳаннос солиб, дод-фарёд кўтаргандари...

бир-бирини кучоклаб олиб, бир-бирига гал бермай, аммо бир-бирининг гапларига қулок ҳам солмай нола қилганлари... Уларга қўшилиб Шавкат ҳам роса йиғлаганди. Чунки келинаяси: «Сизга ука олиб келиб бераман, қўтарасиз», деб юрар, Шавкат ҳам «Ур-ре! Мениям укам бўлади, ўйнатаман, опичтираман, ур-ре, ур-ре!», дея қийқириб, ирғишлаганича ҳовлини айланарди... Аясининг айтишича, келинаяси якинда тағин чақалок туғармиш. Ишқилиб, эндигиси нобуд бўлиб кетмасин, йўқса келинаяси яна ўшандагидай овозлари бўғилиб колгунча йиғлаб-сиктайди, озиб-тўзиб кетади...

Ўшанда Шавкат норасида гўдакнинг ўлими хонадонни каттиқ ларзага солгани, бу нохуш, совук ҳодиса учун куйини зарурлигини бола қалби билан хис қилган эди. Ҳа, анча-мунча нарсаларга унинг ақли етадиган бўлиб колганди.

Шавкатнинг кўнглида тўсатдан аясининг маммаларини секин эмис кўриш истаги турилди, аммо шу захоти бу кулгили истакни хаёлидан қувиб орқасига қайтди. Хонасига кириб, каравотига охиста чикди-да, деразага қараганча, шахар тонгини томоша қилиб, хаёл суринб ётди. У корни очганини ҳам унуган эди.

Шухрат ҳамон пишиллаб ухларди.

Куёш тиёлари узок-узоклардаги корли тоғларни ялтиратиб юборди, тоғлардан сал куйида эринчоқлик билан сузаттган кора булутлар кўзга ташланди, охиста эсган шабада дарахтларнинг учларини билинар-билинмас тебратади.

### **Ҳайвонот боғида. Соипнинг хати**

Шавкатнинг машқи пастлиги, иштахаси йўқлигини аяси билан дадаси ҳам пайқашганди. Улар боланинг бўшашиб, хомуш юришини ўзларича муҳокама қилишгач, маълум жўяли хулосага келишганди; якшанба куни эрталаб Ҳабиба Шухрат билан Шавкатни ҳайвонот боғига олиб борди. Шавкат бу ерга гарчи бултур келган бўлса ҳам, орадан ўтган вакт ичидан тасаввури боғдаги қўпгина ҳайвон ҳамда паррандаларнинг тусини йўқотиб, айримларини мутлако унутиб юборганди. Маймунларнинг одамсимон киликлари, томошибинларга афтларини бужмайтириб, тишларини тиржайтириб қарашиёқ Шавкатнинг кайфияти-

ни аслига қайтарди. У бир зумда бутун оламни – каталак «дом»ни ҳам, аясининг тергаш-танбехлариниям, унинг даси билан қиласидиган узундан-узук можаролариниям – ҳамма-ҳаммасини тамом эсдан чиқарди. У фалакда доира ясада учадиган ва қанот қоқмай олис-олисларга ета оладиган бургут, антика қанотларини пат-пат урганда кафасдаги хас-хазонларни чирпирак килиб, ҳаммаёқни чангитиб юборадиган килич түмшук, панжаранинг оркасида ўқтин-ўқтин одамларга караб, у ёқдан-бу ёкка тўхтамай, шитоб бориб-келаётган қўнғир айик, бир пишкириб шўнғиганда дарёдай ховузнинг сувини шалоплатиб, тошириб юбораётган, одамларни дувиллашиб, қий-чув билан бир неча кадам тисарилишга мажбур қиласидиган сув султони – бегемот Шавкатнинг завқ-шавқини чандон оширап, у шодлигидан кий-кириб, иргишларди. Болага айникса, товус билан оқ айик ёқди. Товуснинг камалакдай товланувчи, ранглари ғоятда тиник ва кўзни яшнатадиган патлари, катма-кат елпирничай ёйилиб, тиккайиб турган думи, бошидаги жажжи тоҷиси Шавкатни маҳлиё қилиб кўйди. Фақат шунчалар назокатли, шу кадар гўзал ҳамда ёқимтой парранданинг оёклари кора товуқникига ўхшаган кир-чир, тарам-тарам ва хунуклигига ҳайрон бўлди. Бунинг боисини аясидан сўраган эди, у мужмалгина жавоб қилди.

Шавкат туюкушни ҳам факат телевизорда кўрган, парранда зотининг энг беўхшов ва сўлоқмони хақидаги тасаввури чала ва хира эди. Исми жисмига шу кадар мос қилиб тўғри топиб қўйилган жониворнинг оламда яккаю ягоналигига ҳеч ким гумон қилмаса керак. Уни бошқача аташ мумкинлигини хаёлга ҳам келтириш қийин. Камида юз килолик хурпайган танаси («қуш ҳам шунака бесённакай бўладими»), дорбозларнинг ёғоч оёғидай узун, аммо бақувват шоти-оёклари («ўзиям зарангдай каттиқ бўлса керак»), учлари қарама-карши томонга караган ископни эслатувчи бўйни; тумшуғининг кичкиналиги, бир тутам думининг калта ва кўримсизлигидан туюкуш туга жудаям ўхшаб кетарди. Шундок оғир, улкан жонивор қандай учаркин, деган савол боланинг тинчини олган эди – у, куш бўлгандан кейин учиши лозим деб ўйларди-да... Шавкат айикни йирткич ҳайвон деб биларди. Безовта қўнғир айикнинг авзойини кўрганда уни сал вахима ҳам босди. Лекин оқ айик унинг назарида ҳеч йирткичга ўхшамасди. Оқ айикнинг кордай оппоқ юнги кўркам, жозибали, ўзи нихоятда сипо,

хотиржам бўлиб, бола унинг бўрдоқига бокилган буқани-  
кидан хам улкан гавдасида, жисмига караганда анча кич-  
кина кўзларида хам ваҳшийлик аломатларини сезмади. Ас-  
лида хам бу ёқимтой ва хушфеъл айиқнинг кўзларидан эз-  
гулик, маъсумлик ёғилиб, томошабинларга илтижо билан  
мўлтираб тургандай эди. «Қани энди, шу айик бизникида  
бўлиб қолсаю унинг момикдай юнгларини силаб,  
иликқина, юмшоккина бикинига бош қўйиб ётсан...» деб  
хаёлидан ўтказди бола.

Хайвонлар шохи – шер, ваҳшийларнинг ваҳшийлари –  
тарғирил йўлбарс ва чипор қоплонлар хам жимгина узала ту-  
шиб ётишарди. Шавкат уларда хам ҳеч қандай йиртқичлик  
аломатини, юракка ваҳима солувчи важоҳатни кўрмай,  
даҳшатли момақалдироқ сингари атрофни зир титратади-  
ган наъра ва ўкиришларини эшитмай, ажабланди.

...Бола, шубҳасиз, ҳозир ваҳший хайвонларнинг «мулла  
минган эшакдай» қилиниш тарихи, такдирга тан бериш жа-  
раёнларини, башарти мана бу пўлат қафаслар бўлмаса, шу  
дақиқа хам улардан омонлик кутиш амри маҳоллигини та-  
саввур килолмасди. Шавкатнинг ҳозирги кўрганлари эса  
калбидаги ғалаёнларни маълум муддатга тўхтатган, дилхи-  
рилик пардаларини кўтарган, уни ҳаловатбахш хаёлларга  
чўмдириб, шодон кайфият бағишламоқда эди.

Кўйинг-чи, Шавкатнинг кувончи поёнсиз эди. Бу  
кувонч уни йўл-йўлакай хам тарқ этмади. Унинг бойиган  
тасаввури, тоғдай ўсган кўнгли тилини бийрон қилиб  
юборганди. Қайтишда у тинмай ҳайвону паррандаларнинг  
хатти-харакатларини таъриф-тавсифлаб, ҳайратини ифода-  
лаб чулдираб борарди. Факат акасининг бирдай совуккон-  
лигидан, шунча ажойиб-гаройиб ҳайвонлар, қушларни  
кўриб хам завқланмаганидан ғижинар, аммо дилидаги шод-  
лик ҳамма нарсадан устун келиб, буни зумда унутарди. Ун-  
га нима, хурсанд бўлмаса, яйраб-яшнамаса ўзига қийин!  
Худди ҳамма нарсани кўриб-билиб бўлган катта одамдай  
тутади-я ўзини. Нима десанг, кўл силтайди. «Э!», деб  
қўяди афтини тириштириб. Вой билағон-эй!.. Лекин аяси  
гапларига қулок соляпти-ю, бўлди-да, унинг сўзларидан  
куляпти, бош кимирлатиб маъқуллаяпти, билмаганларини  
ўргатяпти, хато гапирса тўғрилаб қўйяпти! Ҳа, аяси ҳозир  
Шавкатга ҳар қанчонгидан яқин ва сирдош бўлиб қолган-  
дай эди. Агар аяси ҳар доим шундай бўлса, унга суйканиб  
эркаланса, истакларини тортинмай, bemalol айтса бўлади.

Йўқ, у хаммасига – нукул шошиб юрадиган дадасигаям, пича баджахл ва уришқоқ аясигаям, «билағон», аммо одамови акасигаям, ҳатто каталак «дом»гаям ўрганиб кетади. Ҳа, албатта ўрганиб кетади! Энасини, тоғаси ва келингаясини соғинса, Соип ва бошқа ошналарини кўргиси келса, кишкни каникулда аяси олиб бориб келади. Ҳа-я, унинг кандай меҳрибон, хушчакчак аяси бор экан, у бўлса... Меҳрибончилиги шу-да, кела-келгунча у билан гаплашяпти, чорраҳалардан ўтишда қўлидан ушлаб оляпти, автобусда одамлар жой бўшатса ўзи тикка туриб, уни ўтказяпти... «Баракалла ўғлим, бола деган Шухрат писмиқдай «ичимдан топ» эмас, сенга ўхшаб шалдир-шулдир, тил-забонли бўлиши керак» (аяси шуларни айтаётганда Шухрат унга ковоғини уйиб, ёмон караб кўйди, аммо Шавкат бунга эътибор қилмади), деб пешонасидан ўпганлари-чи... у бўлса аразлаб юрибди-я... Эҳ, хомкалла, одам ўз туккан аясидан хам хафа бўладими ҳеч замонда!

\* \* \*

Тўққизинчи каватга чикиб, уйга кирганларида хам Шавкатнинг хаёли хамон «меҳрибон, жонажон ая»си, бургут, товусу оқ айклар билан банд; азбаройи севинчининг зўрлигидан ўзини қўярга жой тополмас эди. Кўчалик кийимларини апил-тапил ечиб, эскиларини кийди-да, балконга отилди. У тасаввuri хиралашмай туриб, пластилиндан бургутни, товусни ясамоқчи эди, кейин оқ айкни, бегемотниям. Энди «ишга» ўтирганида аяси чакириб қолди. Зингиллаганича ичкарига чопди. Аяси уни уларнинг хонаси эшиги олдида кутиб турарди. Тавба, дарров ўзгариб, хўмрайиб олиди.

– Дупурлатмаслик керак-ку, ўғлим, – деди Ҳабиба ингичка кошларини чимириб, мулойим, аммо юракни зиркиратувчи товушда. Кейин ичкарида, каравотда сочилиб ётган кийимлар томон бош иргаб заҳарханда билан давом этди: – Анавиларни ким йиғиштириши керак? Ё устбошнинг жойи эсингдан чиқдими?..

Шавкат игна тегиб, бир зумда пучайтан шардай, оёк-кўли бўшашиб, шалвираб қолди. Ковоғини уйиб, ерга қараганча аясининг ёнидан индамай ўтиб, кийимларини йиғиштириди, йўлакдаги шкафни очиб, илгичларга осиб кўйди. Сўнг хонага қайтиб кирди-да, ўзини каравотга ташлади. Бирданига яна хаммаси остин-устун бўлиб кетган эди.

Кимдир қулогига: «Сенинг энанг бормиди бу ерда, дуч келган бурчак-сурчакка отиб кетган лаш-лушларингни оркангдан йигиб-териб юргани...», деб шивирлагандай бўлди. Йиғлагиси келиб, ичидан хўрсиник отилиб чиқди. Зимдан нариги каравотга кўз ташлади. Шухрат узала тушиб ётар, ухляяптими, йўкми – номаълум эди. Ха, Шухрат индамас бўлсаям одобли, тартибли бола. Вактида овқат ейди, вактида ўйнаб, вактида ухлайди. Телевизорни ҳам аясининг ижозати билан, факат мультфильмни ва болалар хақидаги киноларни кўради, холос.

Умуман, бу ерда телевизор жуда кам қўйилар, аксарият тепасида оқ тўр парда ёпиғлик турарди. Болалар телевизорни факат қўйиб-ўчириш хукуқигагина эга эдилар. Энасиникидаги «Весна» телевизори бу ердаги «Рекорд-336»дан анча кичкина, эски эди. Экранининг ўртаси одамларни пакана ва бақалок килиб кўрсатар, антеннаси гоҳ ерда, гоҳ токчада қийшайиб ётар, баъзида эрталаб қўйилган бўйича ўчириш бирорвнинг эсига келмасди. Шавкат баъзи мурватлари аллақачон супуриндига қўшилиб кетган бу телевизорни бошка каналга олишга, тўғрироғи, омбир билан «автомат килиб» бурашга ишқибоз эди. Кечкурунлари кўпинча экран қаршисида, энасининг тиззасига бош қўйганича ухлаб қолар, тораси секин кўтариб жойига ётқизиб қўярди. Шундай пайтда Шавкат гоҳида уйғониб кетар, лекин ўзини ухлаганга солиб ётаверар, тоғаси аста чўккалаб, авайлаб ётқизаётганда пик этиб кулиб юборарди. Тоғаси эса: «Хо, муғамбир, маза қилдинг-а!» деб кийкиртириб китиклаб коларди. Яна «тengsiz олишув» бошланарди. Бу ерда унака олишувлар ҳам, хоҳлаган вактда ухлаш ҳам кетмайди. Ҳамма нарса режим билан. Аяси уларга: «Ҳар куни кундузи бир маҳал мизғиб олса, бола соғлом бўлади, яхши ўсади», деб тайинлайди. Шухрат албатта ухлайди. Ухлайдими, йўкми, ишқилиб, каравотда у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб ётади. Ухласа керак. Лекин Шавкат кундузи ухлашга ўрганмаган. Бирпас кўзини юмиб ётади, бу фурсат назарида жуда узоқдай туюладиу бетокат бўлиб туриб кетади. Аммо Шухрат шунча ухласаям барибир семирмаганку. Шавкатдан ҳам озғин, ингичка, факат бўйи баландрок холос. Катта боланинг бўйи баланд бўлади-да. У хозир ухляяптимикин? Уйғок бўлса йиғламаслик керак, сезиб қолса мазах қиласди.

Шавкат каравотининг бош томонида осиғлик турган

пахмоқ сочиғини олиб, киприкларидан сизиб чиқаётган ёшни артди. Кейин у хам мук тушиб ётиб олди. Уйқуси келса ухламокчи, миясида, хаёлида римирлаб юрган хамма одамлар, шакллар, шарпалардан халос бўлмокчи эди. Лекин худди ана шу шарпалар унга тинчлик хам, уйку хам бермасди. Таниш ва қадрдон чехралар, серҳаракат, жиккак энаси, унинг акси – оғир, вазмин, бир ўтириб олса, анча-мунчага қўзғалмайдиган тоғаси, доим ёқимли жилмайиб турадиган, «Бу менинг асл укам, катта бўлганда менга атлас кўйлаклар олиб беради, а, Шавкатбек?», деб (ўзиям ўз отини келинаясидан эшитса ёйилиб, талтайиб кетарди-да, чунки у овоз жуда майнин, ёқимли жаранглайди...) суйиб-эркалатадиган келинаяси, доим ўт юлиб, мол боқиб юрадиган Соип ошнасининг киёфаси кўз олдидан кетмасди. Энаси жуда куюнчак, тиниб-тinchimas-да. Бирпас хотиржам чой ичиб ўтирганини кўрмайсиз. Сочлари оқариб кетган бўлсаям, ишлаб чарчамайди. Хали нон ёпаётган, ҳали ариқдан сув ташиб кир юваётган, ҳали овқат пишираётган, ҳали ювилган кийимларни тахлаётган... Баҳорда курт боқади, пахта теримида: «Ҳа, деган туюга мадад, ҳамма ўлиб-тирилаётса, уйда ўтиргани юзинг чидамайди...» деб далага чиқади... Ахён-ахёндагина: «Ҳеч кетим ер искамайди», деб нолиб колади. Мехмон келганда-ку тамом, қўли-қўлига, оёғи-оёғига тегмайди. Келинаясининг дугоналари, қариндошлари бот-бот келиб туришарди. Аммо-лекин ана шунда Шавкатга роса маза бўларди-да. Бетига шакар сепилган катламалар, тўрт бурчак, уч бурчак сомсалар, тухум, ёнғок, хандон писта... Келинаяси ширинликлардан мўл-кўл олиб берар, Шавкат кайси бирини ейишни билмай, Соип ошнасининг олдига чопарди. «Дом»га меҳмон хам келмас экан... Шавкатнинг хаёлида тоғаси гавдаланди. Кўпинча кийимлари мой, дөғ-дүе бўлиб (колхозда шофёр-да!), соқоллари ўсиб юрар, Шавкат билан олишишни, уни кийнаб ҳазиллашишни яхши кўрарди. Жиянининг оёқларини осмонга кўтариб, қўлларида юришга мажбур қилар, Шавкатнинг бўйни кайрилиб, нафаси оғизига тикилиб қолгудек бўлар, лекин бари бир чидарди. Баъзан эса чопиб кетаётганида тоғаси оёғидан чалиб юборарди. Шунда келинаяси кўриб колса, тоғасини уришиб берарди. Шундай пайтлардагина унинг юзидан табассум йўқолиб, қалин кошлари чимирилиб кетарди.

— Ҳай, қанақа қўпол одамсиз, ахир, боланинг оғзи-бурни конга тўлади-ю! — дерди у астойдил ўпкалаб.

— Зарари йўқ, — дерди тораси пинагини бузмай, — биринки тупрок ошаса, хушёр тортади, ўзини тутиб қолишга ўрганади.

Чиндан ҳам Шавкат баъзан кўчада зингиллаб чопиб кетаётганида қокилиб кетса, йикиласй-йикиласй дерди-ю, ўзини тутиб олар ё кўлига суюниб колар, ишқилиб, ерга юзтубан тушмасди. Шу боисданми, бола тоғасининг даваллигидан хафа бўлмас, унга ёпишгани-ёпишган эди. Аммо келинаясининг унга ичи ачиб ғамхўрлик қилишиям малол келмасди, кайтага шунака меҳрибони борлигидан ичидагуурланиб кўярди... Тоғасининг қўпол хатти-харакатига кўзи тушса, энаси ҳам: «Бола майиб бўлади, эплаб-сеплаб, зўрға катта қилаётганимда иш орттирмагин, бирорвинг омонатия...», — деб койиб берарди. Тоғаси энасидан ҳайикармиди ё жавратгиси келмасмиди, ҳар нечук, унинг олдида Шавкат билан унча олишмасди. Умуман, тораси энасининг гапини кайтармас, бирон иш буюрса ҳам дарров «хўп» дерди... Эҳ, уларни жуда соринди-да. Қани энди, ҳозир кўзини бир юмиб очсаю ўзини Тегирмонбошида, энасининг бағрида кўрса!

\* \* \*

Соипнинг хати Шавкатнинг ярасини баттар янгилади. Ўртоғи, одатга кўра, қишлоқдаги тинчлик ва об-ҳаволарни маълум қилгач, ҳаммалари Шавкатни соғинишгани, айниқса, бир куни келинаяси Соипни кўчада тўхтатиб олиб: «Ошнангиз бизни роса соғинтиридию...» деб кучоклаб, пешонасидан ўпгани, шунда унинг кўзлари ёшланганини бир чеккадан баён этибди. Сўнгра дарсдан кейин пахта теришга чиқишаётгани, хирмондаги ғарам пахталарда кўмилиб, дўмбалок ошиб ўйнашаётгани, яқинда уларнинг бригадасида план тўлгани, кўй сўйилиб, теримчиларга ош берилгани, болалар ҳам маза қилиб ейишгани, шунда Аҳмад, Тоирлар билан уни эслашганини оқизмай-томизмай ёзганди.

Шавкат хатнинг ҳар бир ҳарфини кўзига суртгудек бўлиб, дона-дона қилиб ўқир экан, ич-ичидан хўрсиник келар, товуш чиқармаслик учун лабларини ҳар қанча кимтиб, ўпкасини босишга уввало уринмасин, барибири бефойда эди. Соип унинг кўнглидагиларни билиб туриб

ёзгандай эди. Шавкат пахтага чиқишига ҳавасманд эди. Ярим этак пахтани ёстик килиб, кизиб кетган белини муздай, зах эгатга босғанча, қовжираган, жигарранг гўза барглари орасидан гумбаз шаклидаги кўм-кўк осмонни томоша килиб ётишни яхши кўрарди. Ўртоқлари билан ғўзанинг узун-узун новдасини синдириб олишар, энг учидаги битта кўсакни колдириб, бошка майдага буток ва шохчаларни кайириб, баргларини сидириб ташлашар, кейин шипшийдам новдани этик пошинасига тарсиллатиб уришар, новда учидаги колган кўсак бандидан узилиб, ўқдай визиллаганча узок-узокқа бориб тушарди. Болалар катталарнинг кўзини шамралат қилишиб, «ким узокқа етказиш» ўйнашар, истаганча бақириб-чақиришарди. Ҳаммасидан ҳам даладан юк машинасида катталар билан бирга қайтиш завкли эди. Шўх йигитлар қишлоқни бошларига кўтаришиб кийқиришганда, шаддод қизлар овозларини баралла кўйиб лапар айтишганда, хатто кўкда кафиллашиб учидаги юрган қарғаларнинг ҳам уни ўчиб, ин-инларига кириб кетишарди. Баъзида бундай «беодобчилик»дан дарғазаб бўлган оқ, кора, сариқ итлар вовиллаганча машина ортидан кувиб қолишар, шунда йигитлар атайин «ол, киш-киш!»лашиб бўрига таклидан увиллашар, ғазабга минган итлар жонҳолатда яна бир неча ўн қадам чопишиб, чанг-тўзон ичидаги кўринмай қолиб кетишарди. Болалар коринларини чанглаб, ичаклари узилгудай котиб-котиб кулишар, факат ана шу гаштнинг ўзи учун ҳам ҳар кандай ишга (пахта териш нима бўпти!), ҳар қанча узокқа боришига ҳозиру нозир эдилар... Шавкат энди ўша завку сафоларнинг барчасидан маҳрум, ўртоқлари олисда — уларни поездда бир кечалик йўл айириб турибди. Эҳ, шу Тошкент дегани қишлоқларнiga яқинрок жойда бўлганидами, ҳар якшанбада ўзи бориб-келаверарди-да!

### Севдирадиган ҳам тил...

Шавкатнинг ҳайвонот боғидан қайтган чоригида юрагида жўш урган олам-олам кувончлари, янги ҳаёл-режалари бир зарба билан тош теккан ойнадай чил-чил бўлган эди. У ҳам энди секин-аста Шухратга ўхшаб индамас бўлиб борар, ундини шўх-шаддодликдан асар ҳам қолмаганди. (Акаси-ку, ўша, аяси Шавкатни мақтаган кундан бошлаб «пўм» чиқкандай, у билан тузук-куруқ гаплашмай қўйганди.)

Бундан Кудрат билан Ҳабиба хавотирга туша бошлаши.  
Шу түғрида нари-бери бўлиб олиши хам.

— Тергайвериб жонига тегяпсан, — дағдаға килди Кудрат.— У эркин қушдай юрган бола. Энаси айтганини мухайё килиб ўргатган. Сен томдан тараша тушгандай идиш-товорк ювдиришдан бошладинг, минилмаган тойга «з» йўқ, «бе» йўқ, таппа эгар босгандай... Шуни бил, севдирадиган хам тил, бездирадиган хам...

— Жуда ўзингиз койил киляпсиз. — Ҳабиба хам ён бермади. — Мундай бир ота-болага ўхшаб гаплашганингизни кўрмайман. Ўқишинг қандай бўляпти, ниманг бор, ниманг йўқ, демайсиз. Сахардан фойиб бўласиз, кечқурун апил-тапил овқат ейсизу яна тую гўшти еган ўша зормандангизни кавлагани кириб кетасиз, шу билан гумдонсиз! Шанба-бозор яғири чиқкан папкангизни кўлтиқлаб кутубхонага югурасиз. Уйдаям юрагимизни олдингиз: ўқишим керак, ёзишм керак, тинчлик йўқ, халоват йўқ, радиони ўчир, телевизорни пастлат... Шухратниям сиз гунг килдингиз. Олимлигингиз бизга тоза қимматга тушадиганга ўҳшайди.

— Сенга гапириб обрў топмайди одам.

— Рост-да, тилимни кисиб қўйган жойингиз борми?

Хар доим шундай бўлади: Кудрат бошлайди ва тугатади. Худди шахмат масалаларидағи «оклар юради ва ютади», дегандай. Фарқ шуки, Кудрат нукул ютказади. Бирок у хам иложи борича отдан тушсаям, эгардан тушмасликка интилиб, сўнгги имкониятгача уриниб кўради.

— Энасини кўргиси келгандир! Она деган боласининг кўнглига кўл солиб кўриши керак!

— Мановидан борми? — Ҳабиба раккосалардай бармокларини қарсиллатиб «муллажиринг»га ишора қиласиди.

Кудратнинг дами ичига тушади.

Бирок, харкалай, улар «кейинрок бўлсаям иложини топиб, болани албатта кишлокка олиб бориб келиш керак» деган қатъий қарорга келишди.

Шунга қарамай, Кудрат хотинининг таънасидан сўнг оталик бурчини адo этмокчи бўлди ва бу ишни ўғлининг кўнглига кўл солишдан бошлади. Лекин «ковун» тушириди:

— Нимага сустсан, ўғлим? Энангни соғиндингми?

Шавкат ҳам худди шу сўрокни кутаётган эканми, тўлиб турган кўнглининг бирдан тошиб кетишига шу бир оғиз сўз кифоя килди. Косадаги лиммо-лим сувнинг чайқалиб тўкилиши учун тепадан бир томчи тушса бас-да! Бола хар-

чанд уринмасин, япаски бурнининг икки ёнидан симобдай югураётган томчиларни тўхтатиб қолишга курби етмади. У индамай, юзини терс бурди.

## О, эна қучори!..

«Тошкент – Андижон» поездли ўткир пројекторлари билан кўр ойдин далаларни иккига ёриб, пишкириб бормокда. Шавкат ўтган сафаргидай ўзини нукул деразага уради, бетокат юраги кинидан чиккудай, хайвонот боғида кўргани сарик-зангор патли, қўним билмас митти қушчадай типиричилайди. Вужуди, борлиғи билан ташқарига талпинади, аясининг хай-хайлashingiga қулок осмай, бошини дарчадан чиқармокка уринади. Қўлларини узатиб гувиллаётган шамолнинг кувватини синамоқчи бўлади. Салқин кузак шабадасининг жажжи кафтига тегиши, юз-кўзларига оҳисста урилиши унга хузур бағишлийди. Дум-думалоқ, энаси ёпадиган ёғлиқ патирдан сал каттароқ ним пуштиранг ой бир йўқолиб, бир кўринади. Эх, тезрок ета қолса эди ўша ёғлиқ патир, кулчаларга! Шу... ой кизиқ нарса-да. Қаерга борсанг, ўша ерда ҳозиру нозир. Секин юрсанг – секин, тезлассанг – тез юради, тўхтасанг – тўхтайди. Худди одамни калака қилаётгандай. Мана, ҳозир ҳам у сувдан дам-бадам бошини чиқариб, тагин шўнгиб нариги кирғоққа ўтётган одамдай ўқдек учайтган поезддан бир кадам колмай, чопиб бормокда. У ҳам қишлоғига, меҳрибон энаси хузурига ошикаётгандай!..

„О, эна қучори! Сен накадар сехрли ва ҳароратга бойсан! Сен мунислик ва дардкашлика, муштоқлик ва ғамхўриклика бетаъриф ва бетимсол онадан заррача қолишмайсан! Сендан узоклашган ҳар қандай жигарбанд – у учувчи ё денгизчими, аскарми ё толиби илмми, дарбадарми ё оқладар, катъи назар, мудом бир нарсасини, шунчаки бир нарсасини эмас, дунёда энг азиз ва мўътабар бойлигини йўқотгандай, юрагининг бир парчасини гаровга колдиргандай гангиб, гарангсиб юради. Ҳамиша, ҳар сония хузурингга қанот боғлаб учишга шай туради.

Мана, ўшандай жигаргўшалардан бири қучоғингга куз палласи баҳор шамолидай елиб бормокда! Қўзичоғинг, тойчоринг ўзи билан эзгулик рамзи ойни ҳам бошлаб кетяпти! Бундан бошинг кўкка етишига унинг ишончи комил.

Худди шундай бўлди! Шавкат кўз ёшларини аясига сез-

дирмаслмик учун энасининг қайноқ оғушидан хийла вакт узилолмай, туриб қолди. У ичидан тошиб чикаётган унсиз хўрсиникини тия олмас ва энасини яна маҳкаморок кучоқлаб, пешонасини унинг кўксига буркарди. Юзига томган икки томчи ёш ўзининг ёшларига кўшилиб ёнокларини ачиштиргандагина, хўрсиниб бош кўтарди, нам киприклари орасидан энасининг чуваккина, нурли чехрасига илжайиб бокди...

Тоғаси билан келинаяси ишда эканлар. У сандалининг боғичини ечиб ўтиришга ҳам сабри чидамай, оёғини силтай-силтай ечиб отди-да, кўчага чопди. Энаси: «Олдимда бирпас ўтир, дийдорингга тўйволай, кўзим...», деганича қолаверди. Бола кўз очиб-юмгунча ўзини ариқ лабида кўрди. Зиналардан айланиб ўтишга сабри чидамай, бир сакраб, икки газ чамаси пастандаги супачага тушди; чўкка-лаб, суволғич тахтасининг сув ялаб ўтаетган четидан маҳкам ушлаб олди-да, куз осмонидай тиник, шиша парчалари тўкилгандай куёш нурида ялт-юлт қилаётган кўкиш сувдан энтикиб симира бошлади; қалқиб-қалқиб, томогидан бир култум ҳам ўтмай, нафас ололмай колгунча ичди. Корни дўмбира бўлиб шишиб кетсаем, кўзи тўймасди. Шими, кўйлагининг чангга белангани билан ҳам иши йўқ эди – яси энасининг олдида уришолмайди-да. Энг муҳими, унинг иккинчи орзуси ҳам ушалди. Бола ҳарсиллаб ўрнидан турди, йўл-йўлакай уст-бошини кокиб, ариқ ёқасидаги сертупроқ кўчадан зинниллаганча юргурилаб кетди.

Ох, бу – слий нав ундей (нозик таъб ва закий китобхонлар бу дағалрок ўхшатишдан ранжимас ва бизни койиншмас, деб умид қиласиз, зеро, оппоқ пахта ҳам, олий нав унга айланган бувдойнинг ўзи ҳам қора тер эвазига, ана шу қора тупроқда бунёдга келади-ку!) майнин ва мулоҳим, ҳамирранг тупроқ яланг оёқларга накадар хуш ёқади-я! Ҳатто офтоб тегмай оқариб қолган панжалар ҳам жони кириб роҳатланаётганини шундоккина хис этиб турасан. Бу роҳат илик ва болдиrlарингдан, тиззаларингдан сеқин-аста, ёқимли жимиrlаганча юқорига ўрмалай бошлайди ва ҳадемай бутун вужудингга тарқалиб, томир-томиринггача яйратиб юборади.

Шавкат, қалби ана шундай лаззат ва ҳаловатдан ором олиб, чопиб бораркан, «машина» бўлгиси келди-ю, бироқ фикридан қайтди. Шаҳардан келган болага энди бу килик ярашмайди-да... Мана, таниш дарвоза, кўзга ўтдай ташлан-

ган занжир... Соип ҳам уни соғингандир, ахир хатида шундай деб ёзган-ку... Қучоқлашиб күришишади. Тошкент тұғрисида, зоопаркдаги ажойиботлар ҳақида бир чеккадан гапириб беради. Лекин... зериккани, бүекни құмсаң йирлаганини айтмайды... Ишқилиб, уйидамикин?

Унинг тарвузи құлтиғидан түшди. Ошнаси пахтага кетген экан. Шавкат шуни ўйламабди-я. Соип хатида ёзувику... Башорат ая уни күриб хурсанд бўлди. Елкасидан силаб: «Ўх-хў, шахар боласи бўлиб, оқариб кетибсизу, — деди кулиб. Кейин: «Дом» уйинглар яхши эканми?», деб сўради. Шавкат Башорат аянинг саволларига қисқа-қисқа, шоша-пиша жавоб бергач, «Соипга айтинг, энамларникига борсин», — дея тайинлаб, изига қайтди. Тоир, Аҳмадлар ҳам олтинчи бригадада пахта теришаётган экан. Борсамикин? Йўқ, узок, у ёққа борса кеч колиб кетади. Ҳали энсаныга тўйганича йўқ, иннайкейин, тояси билан келинаяси келиб қолишиса, бизни соғинмабди-да, деб хафа бўлишади. Ҳадемай кеч киради, ҳамма оғайнилари келишади. Унгача у ёқ-бу ёқни томоша қилиб, айланиб туради, энсани билан гаплашиб ўтиради.

Шавкат қўлларини шими чўнтакларига солганча (тоғасининг армия шимига ўхшатиб), бир кадар хотиржам бораркан, кўчанинг чап юзидағи гувала деворлар, қўшниларнинг занг босиб, ўнг-тусини йўқотган тунука томларини, арик бўйлаб саф тортган октол ва коратолларни, шохлари тарвақайлаган, баргининг оркаси чойнинг тилла қофозидай ялтирок ва кумушранг азим бақатерак, нафис япроқчалари шивир-шивир қилаётган мирзатеракларни бошдан-оёқ кузатиб ўтарди. Ҳеч нарса ўзгармаган, ҳаммаси жой-жойида... Йўлнинг ўнг томони — арикнинг нарёридаги пахтазор далалар ҳам, пахтаси бир неча кур териб олинган ва ок чаноқларнинг булутли кечадаги юлдузлардай хийла сийраклашганини ҳисобга олмаганда, ўша-ўша... Факат кишлок, мана шу далалар ниҳоятда кенг, чегарасиздай туюлди. Илгари буни сезмаган экан. Анча нарида, далининг ўртасидан кесиб ўтган Корасувнинг («Эҳ, Корасув, Корасув!...») у бетидаги пахтазорда одамлар уймалашиб юрибди. Пахта теришягти. Уларнинг орасида келинаяси ҳам бордир. Ҳозир келинаясининг қошида лоп этиб пайдо бўлиб қолса, нима деркин? «Ердан чикдингизми ё осмондан тушдингизми?», деб роса суюниб кетса керак. Борса

бўларди-ю, теримчилар уни ўраб олишади, хаммаси шахарни сўраб безор килишади.

Шавкат энди шошилмай, охиста хуштак чалганча кўлбола оҳангларини хиргойи қилиб келарди. Атроф нихоятда осуда ва сокин эди. Гўё кишлокда энасидан бошка одам қолмагандай, хамма пахтага чиқиб кетгандай... Шундай бир сирли, хоргин сукунат хукмрон эдики, ҳавода енгилгина учайтган хуштак садоси гўё жаранглаб, бутун кишлокка тараляётгандай туюларди. Шавкат хуштак чалишдан тўхтади. Яна ҳаммаёқ сув сепгандай жимжит бўлиб колди. Бола шовкин-сурондан зада бўлган кулокларининг яйраб ором олаётганини пайқади. Димогига гуп этиб бехи хиди урилди. Диққат билан тинглай бошлади. Бир-икки дақиқадан кейин ҳар хил, узук-юлук товушлар чалинди. Каердадир бир бақа эринчоклик билан, хушламайгина, бўлиб-бўлиб «ва-ка-қа-қа»ларди. Қайси бир бурчак-кавакда сассиқполишак «хишш-хишш...»лаб, ғуррак «ғурр-ғурр» киларди.

Шавкатнинг қулоги ёнгинасидан ари визиллаб учиб ўтди. Бошини ўз пайтида олиб кочмаганида, «бекор кетгунча...» деб ўткир нишини бир санчиб олиши турган гап эди. Хайрият-еий!

Боланинг кўзи Тўхта ҳоланинг дарвозаси ёнида бошини оёклари орасига буркаб, офтобшувокда ётган ола мушукка тушдию такка тўхтади. Зап жойини топибди. Тагидан илиқ тупрок, бикинидан иссикда қизиган девор тоши хуш ёқиб, пинакка кетганга ўхшайди. Унга яхши-да, у билан ҳам ҳеч кимнинг иши йўқ. Хоҳлаган жойида яшайди, юради, ухлайди. Уни узокка жўнатиб юборишмайдиям! Мушукни йўқотиш ҳам кийин. Копга солиб, тоғу тошларга олиб бориб ташласанг ҳам қайтиб келаверади. Урсанг ҳам ҳеч қаёққа кетмайди. У бир тилсиз, аклсиз маҳлук бўлса, каерда корни тўйса, ўша жойда юравермайдимикин... Ё уям ёт жойда кисилармикин? Эҳтимол, лекин у муғамбир. Шавкатни аллакачон пайкагану кўрмаганга солиб ётибди... Мушук бўладиую тўрт қадам наридаги шарпани сезмайдими? Ер тагида илон қимирласа билар!

Шавкат ердан иккита данакдай тош олиб, бирини ирғитди. У мушукни уриб, унга озор бермокчи эмас, шунчаки: «Қани, нима киларкин», деб синаб кўрмоқчи эди, холос. Мушук сапчиб бошини кўтарди-да, зорланиб «Миёв!» деди. Кейин бўйинини хиёл қийшайтириб, Шавкатга ўпкала-

гансимон бирпас қараб турди-да, лип этиб ичкарига кириб кетди. Шавкат мийигида кулиб, күлида қолган тошни ариқ бўйида жуфт ўсган, хар бири симёочдай мирзатеракларнинг орасини кўзлаб отди. Мўлжалга олишниям унутибди. У тошни тиркишдан ўтказиб юбормокчи эди, тош тераклардан бирига тегиб, чўлл этиб сувга тушди. Кекса теракнинг нами қочган кўкимтирик пўстлогида сезилар-сезилмас данакдай из қолди. Шавкат кафтларини қокди. Энди уйга кирса ҳам бўлар...

Кечга томон бирин-кетин Соип, Ахмад, Тоир, Эргаш кириб келишди. Хушвактлигидан ўзида йўқ Санобар хола уйига улуғ меҳмонлар қадам ранжида килгандай, болалар атрофида гирдикапалак бўлар, хар биридан уйлари, отоналарию қариндош-уруғларининг тинчлиги, саломатлигини қайта-қайта сўраб-суроштиради. У елиб-югуриб чорпояга қават-қават охорли кўрпачалар солди. Болалар аввал яланг оёқларига, сўнг бир-бирларига хижолатомуз қараб, кимтиниб туриб колишли.

— Ҳай, болаларим, нимага қараб турибсизлар, тўшак сизлардан азиз бўптими, тупроқ — кокса кетадиган нарса, чиқаверинглар тортинимай, — деб ундарди Санобар хола чой кўтариб, зипиллаб келаркан. — Шавкатжон, ошналарингни ўтиринглар, демайсанми. Нондан синтир. Нимага каловланасан? Буларга етгунча кўзларинг тўрт бўп кетдию!

Шавкатнинг каловланишига сабаб — дўстлари унга сал бегонасираброк, кийиниши, эгни-бошига ажабланиб қарашаётгандай, орада қандайдир ийманиш пайдо бўлгандай тулюларди. Болалар, одатда, қишлоқликлар шаҳарлик меҳмонни қандай кизиксиниб кутиб олишса, униям шундай назардан ўтказишмоқда эдилар. Шавкат ҳам шаҳардан келдида... Боланинг қалби эса изтироб чекмоқда эди: ики ойга шунчаликми? Бундан чикди, уч-тўрт ой, ярим йил кўришмаса бир-бирларидан бутунлай узоклашиб кетишар эканда. Ошначиликлариям тугаса-я?..

Булатли тонг бирмунча ёришгандай, эски қадрдонлар ўртасига хира соя солиб турган кўринмас парда ҳам астасекин кўтарилди. Болалар чорпояга чикишли, Шавкат пастга курси кўйиб ўтирди.

Болаларнинг кўзлари одатдагидай эркин чақнай бошлади.

Буёғи энди рисоладагидай эди — мисоли улфат йигитлар, жўралар тўпланишган: шохона жойлар, дастурхонда

мүл-күл емишлар; Шавкат йўл бўйи орзу қилиб келган тансиқ неъматлар – янги ёпилган ёғлиқ патир, ошқовоқ сомса, канд-курс, хусайни узумлар, ширин дона тутиш анор; беҳи, анжир киёмлари... Санобар хола эса ҳамон топгантутганини ташишдан тўхтамас, суюкли набирасининг ошналарини зўр илтифот билан сийлаш пайида эди. Энди астайдил чордана куриб олган болалар катталардай сипогарчилик билан одоб саклаб ўтиришарди.

Шавкат Тошкент таассуротларини сўзлай кетди. Аввало «машина-кути» – лифтдан бошлади, кейин тўққизинчи қаватнинг нечоғлик баландлиги ва у ердан бутун олам кўриниши; эшикларидағи дурбин-туйнукчага, ундан Шухратнинг чинакам ҳаккакалагига ўтди. Мактабларининг зўрлиги, айникса хайвонот борида кўрганларини марок ва иштиёқ билан сўзлади. Ҳар бир хайвон, куш ва парранданинг кўриниши, хусусиятлари, хатти-харакатига алоҳида алоҳида тўхталар, табиийки, бургут, товус, оқ айқ ва бегемотлар ҳакида хаяжонланиб, муфассалрок ва албатта, болаларга хос озроқ кўпиртириш билан гапиради.

Ҳикоя қизий бошлагач, кичик меҳмонлар қаерда ўтирганликларини унтишиди чори, нигоҳлари, диккат-эътиборлари жўшиб сўзлаётган ўртоқларида бўлса-да, кўл харакатлари ўз-ўзидан илдамлашиб кетди. Ҳаш-паш дегунча иккита катта оқ чинни ликопдаги хусайнининг ранги ўчди; яна бир нафасдан сўнг идишлар шипшийдам бўшаб, дастурхоннинг ҳар ер-ҳар ерида пўчок уюмлари ҳосил бўлди.

Шавкат дам чорпоя киррасига тирсагини тираб, гоҳ гавдасини курси сунячигига ташлаб, ҳамон ҳикоясини давом эттирап, Санобар хола ҳам ҳануз чорпоя атрофида парвона бўлишдан чарчамасди; у жажжи даврада гап нима хусусда бораётгани билан иши йўқ, ўз турмушидан тушиб коларди. Гапирганда ҳам Шавкат ё унинг ўртоқларига эмас, ўз тенги, содик дардкашига юрагини очаётгандай сўзлар, ўзи истамаган ва сезмаган ҳолда набирасига ҳасратларини тўкиб соларди.

– Сен йўқ, ошналаринг ҳам остона ҳатламай қўйишди, – дерди набираси эшитяптими, йўқми, иши ҳам бўлмай. Чунки у овқатга уннаган, дам бостирма тарафдан ўтин кўтариб ўтар, дам буларга чой янгилаб келарди. – Тоғанг, келинайянг ишда, э, ҳовли ҳувиллаб, ютаман дейди. Ҳамма пахта билан овора бўлиб, бирор эшикдан калла суқай демайди. Уйидан илон чиқкан одамдай бир жойда

ўтиролмайман, дегин... Хартугул пахта дардимни олди. Бир этак-ярим этак териб, то уни хирмонга обориб тортқизгу-нимча қош кораяди, кейин келиб қозонга ўт ёқаман... Шунақа қилиб, амаллаб кеч бўлади-ю, лекин бу, кечанинг узунлигини айтган...

Шавкат ўз таассуротларига қанчалик берилиб кетган бўлмасин, энасининг гапларини ҳам эътиборсиз қолдир-масди, аксинча, бу хонадонда «ўз мавқеи» борлигидан, ўрни билинганидан фуурланар ва бу фуурни жўралари-га намойиш этишга уринарди. Шунинг учун энасининг сўзларини ўзидан ҳам кўра ўртоқлари эшитишини истар, энасидан бир сас чиқди, дегунча ҳикоясини келган жо-йида шартта тўхтатиб, бутун вужудини қулокка айлан-тиргандай ўчок томондан кўз узмай қараб турарди. Ке-йин: «Мен ҳам сизни соғиндим-да, эна...», деб кўярди. Иттифоқо, айвон устунига суяниб омонат чўнқайганча анор доналарини ушатиб еяётган аясининг ғалати бир харакатига кўзи тушиб колди.

Ҳабиба ўчок бошидаги Санобар холага имо-ишоралар билан бир нарса демокчи бўлар – кўрсаткич бармоғини ҳадеб ўнг чаккасига пармалаётгандай никтарди. Тут новда-сини тиззасига уриб, карсиллатиб синдираётган хола қизи-нинг муддаосини тушуммай, нуқул: «Ҳа, нима?», деган маънода бош иргарди. Ҳабиба ўзига қараб турган Шавкат-ни кўриб қолдию дархол қўлинни чаккасидан олиб, жилмай-ди. Бироқ бу жилмайиш аянчли, сурат олдираётган тунд одамнинг мажбуран ишшайишидай келишимсиз эди. Бола ҳам онасининг муродини англамади; озгина мулоҳаза қилиб кўрса, имо-ишоралар маънисини фаҳмлаб етган бўларди, албатта, лекин ҳозир арзимаган икир-чикирлар ҳакида бош қотириб ўтиришга унинг тоби ҳам, фурсати ҳам йўқ эди. У оғайниларини оғзига қаратиб шер, йўлбарс, оху, жайронларни зўр бериб таъриф-тавсифларди. Тинглов-чилар ҳам унинг сўзларини бўлишга унча журъат этишмас, тартиб сақлаб, ўзларининг сабру қаноати, бардошини на-моён қилиб ўтиришарди; умрида хорижда бўлмаган катта-лар кўз кўриб-кулоқ эшитмаган ғаройиб хулк-атворли, урф-одатли қабилалар яшайдиган Океания ё Африкага бо-риб келган сайёҳ таассуротларини қандай оғзи очилиб, ёқа ушлаб тингласалар, болалар ҳам жўраларининг ҳикоялари-га шундай хайрат билан кулоқ солишарди. Факат ҳамма нарсага қизиқувчан, андак шошқалоқ ва мактанчоқроқ

Аҳмадгина, биз ҳам анойи эмасмиз, демокчидай, ора-чора: «Палонниям кўрдингми, писмадонни-чи?..», қабилида Шавкатни сўрокка тутиб, ўзи ҳам унча-мунча гап қўшиб турарди...

Буларнинг хаммаси Шавкатни янада илҳомлантириб, тилини бийрон киларди. Хилма-хил маймунлар, уларнинг одамларни масхара килиб тиржайишлари; тепса-тебранмас фил, белии букри тия, хуркович тулки, ўзидан думи катта олмахон, ҳар турли товуксимон, ўрдаксимон, бургутсимон паррандалар – ҳеч бири қолмади.

Қисман саргузашт, асосан, таассуротлардан иборат ҳикоя охирлаганда Шавкатнинг келинаяси, орадан кўп ўтмай худди жиянининг келишини билгандай тоғаси (ахир, у одатда анча кеч кайтарди-да) келиб қолишиди. Ҳовли чинакам тўйхонага айланди.

Ўртоқлари эртага пахтадан «куён» бўлиб бирга ўйнашга ваъдалашиб чиқиб кетишгач, Рустам Шавкат билан олиша кетди. Ҳумориси тутиб қолган шекилли, Санобар хола: «Болани бола десанг, каттаси ундан ўтади», десаям, Рисолат эрини туртиб, имо килсаям, парво килмай, роса олишиди. Шавкат тоғасининг енгчадай кафтлари, йўғон, баккуват кўлларидан кутулмоқчи бўлиб юлкинар, қийкирар, Рустам уни махкам кучоқлаб, белини зиркиратиб, қовурғаларини қисирлатиб юборар, тиканак соқолларини юзлари, бўйинларига санчиб ишкар, болага қўшилиб, ўзи ҳам қикирлаб куларди.

Хабиба укасининг бачканага қиликларига ғаши келсаям, индамай кўйиб берди. Чунки якин икки ой давомида ўғлиниң бу қадар хурсанд бўлиб, яйраб-яшнаганини кўрмаган эди. Шавкатнинг зерикиб, юраги сикилиб қолганига юз фоиз имони комил бўлди. Тошкентга қайтишгач, болани тез-тез у ёқ-бу ёқка обориб ўйнатиб, ёзилтириб туришни кўнглига туғиб кўйди.

Нихоят, тоға-жиян чарчаб, холдан тойишиди.

Шу кеча Шавкат энасининг иссиқ бағрида донг котиб, эрталабгача бир марта ҳам уйғонмай, роҳат килиб ухлади.

Кун хийла кўтарилиб қолганида ўртоқлари кириб келишиди. Корасувга – кеча эсига тушганда юраги бир орзикуб кетган қадрдон Корасув бўйига жўнашди.

## Эх, Корасув, Корасув...

Корасув – кунчикар ва кунботар томонлари қўши  
кишлоклар билан, кунюриш тарафи қишлоқ ахли «қайир»  
деб атовчи Корадарё ўзани билан туташиб кетган пахта да-  
лаларининг ўртасидан оқадиган катта ариқ эди. Унинг қа-  
йирга мол, кўй етаклаб ўтиладиган кўприкка яқин жойи  
ёйик бўлиб, «ф» ҳарфини эслатарди. Бир вақтлар, кўприк  
тушмасдан олдин бу ер кечув бўлган бўлса керак, деб тах-  
мин қиласилар. Нима учун «Корасув» деб аталиши ҳам но-  
маълум. Аслида ариқнинг суви қора эмас, балки очик куз  
осмонидай тўқ мовий рангда эди. Сувнинг таъми ҳам  
ниҳоятда мазали эди. Одамлар бу сув Арслонбоб тоғлари-  
дан оқиб келади (Арслонбоб қаёқдаю Тегирмонбоши  
қаёқда!), дея таърифлашар, ариқ билан қишлоқ ораси бир  
чақиримча бўлсаям, илгарилари кўпчилик шу ердан сув та-  
шиб ичарди. У маҳалларда ҳали ариқнинг иккала ёғидаги  
тўқайлар пахтазорга айлантирилмаган, қишлоқ осмонида  
ғўзага дори сепадиган самолётлар учмасди. Ҳозир ҳам  
Корасув сиртдан шунака яшнаб, зилолланиб оқадики, агар  
уни қаҳратон қишда (ха, дарвоқе, айрим эринмаганлар  
халиям қиш пайти бу ердан пакирда сув олиб кетишарди),  
совуқдан қалтираб-қакшаб, тишларингиз такиллаб турган  
бир паллада кўрсангиз ҳам ховучлаб-ховучлаб ичишдан  
ўзингизни тия олмаган бўлардингиз. Сув сокин, харакатсиз  
мовий осмоннинг аксини сезилар-сезилмас мавжлантириб  
жимир-жимир килиб оқарди.

Чор-атроф пахтазор. Лекин ғўзаларнинг ёздаги дуркун-  
лигидан асар ҳам йўқ, шарти кетиб, парти қолган: илгариги,  
ям-яшил хонаки тут япроқларидаш шапалоқ-шапалок  
барглари қуриган жигардай буришиб тўкилган, бандидан  
синган шохлари елкадан синган кўлдай шалвираб осилган,  
факат сўтаси, пўстлари арчилиб кетган бўлишига қарамай,  
ҳамон диккайиб турарди. У ер-бу ерда ғуж-ғуж дони обдан  
етилган курмак, ғумай бошлари бўй чўзган, митти япроқча-  
лари ковжираб, уруғи корайиб-қотган чирмовиклар ғўза  
танасига чирмашиб ётарди.

Кеча одамлар уймалашаётган майдон кимсасиз, бирок  
пахта бир кечадаёк, сийрак бўлса-да, ҳар қалай, яна очи-  
либ улгурган эди.

Теварак осуда, факат кўк бағридан тўргай овози  
эшитилади, «ғийч-ғийч» қилиб, дарё томонга битта-ярим-

та калдирғоч ё қанотини «парр-парр» килиб чумчук ўтиб қолади.

Софу сүл ёндан узоклардаги құшни қишлоқларнинг томлари, тераклар корайиб күзга ташланади. Жанубда Қорадарे ўзани...

Ўзан дейишимизнинг боиси: у энди даре сўзига муносиб эмас – унда ўртача бир ариқ сув оқади, холос. Келакелгунча юкоридаги колхоз-совхозлар, бошқа тармок хўжаликларига тақсимлана-тақсимлана, парчаланиб-парчаланиб Тегирмонбошига бир ҳовучгинаси етиб келади. Лекин ўша бир ҳовуч ҳам ўзаннинг у ер-бу ерида ёйилиб, саёз дарёга хос шалдираб, ўзича шовқин солиб оқади. Аслида тўпикдан ҳам келмайди. Шавкатнинг тоғаси: «Сен туғилмасингдан бурун дарёнинг шовқини қишлоқка кечасию кундузи эшитилиб турарди», дейди. Айникса, кўклам чоғлари кирғоқ кўчиб шалоллаганида вахима бўлиб кетаркан, худди сув ҳали-замон тошиб, босиб келиб қоладигандай ҳамма юрагини ҳовучлаб, кексалар калима келтириб: «Сув балосидан ўз панохингда асра...» деб ўтиришаркан...

Бу гапларнинг ҳаммаси рост. Ҳатто бир-икки бора раҳбарлар бутун қишлоқни оёққа турғизишган; бирон корҳол юз бергудай бўлса, бехатар жойга кўчириш ниятида кўч-кўронларини йиғиширгизишиб, юқ машиналари, араваларни шайлаб қўйишган ва ухламай тонг отиришган. Сув кўтарилигудай бўлса, дарҳол хабар етказиш учун колхоз, қишлоқ совети раҳбарлари отда пишкириб оқаётган даре бўйига бориб туришар, бир нечтаси кўчаларни айланиб юришар, остоналарда, гувала девор тагларида ўтирган бедор ва безовта одамларга таскин, далда бериб, рухини кўтаришга харакат килишарди. Ҳайриятки, даҳшатли, мудхиш ҳодиса содир бўлмаган. Аммо даре баҳорда кутурган, ҳалқ ибораси билан айтганда «консираган» пайтларда битта-яримтани оқизган ҳам. Узокка боришнинг ҳожати йўқ. Шавкатнинг тоғаси Рустам хотини Рисолатни ана шундай тошқинларнинг бир галгисида бешафқат тўлкинлар ўз домига ютмоқчи бўлган ваҳший гирдибод қаъридан олиб чиккан.

Корадарёда, Тегирмонбошида сув ана шундай оққан. Энди бўлса, бригадирлар, мироблар сув талашишгани-талашишган...

Ўзан бўйидаги кўзикоринга ўхшаб капа бўлиб турган садақайрағоч ости шу пахтазорлар ўрнида шоли экилади-

ган махалларда хирмон эди... Одамлар шолини кундузи ўриб, ташиб, кечкурун дарёдан гир-гир салқын шамол эса бошлагач, янчишиб, шопиришарди... Хирмондаги қий-кирик, бакириқ-чақириклар қышлокқа бемалол эшитиларди. Орадан неча йиллар ўтиб, қанча ўзгаришлар бўлиб кетди. Қайрагочга қойил! Ҳали ҳам ранг-тусини ўзгартирмай, кўкариб, яшнаб туриди. («Катта сув кўрган, намни роса шимиб олган-да», деб ўйларди бола соддадиллик билан.) Ҳали-ҳамон унинг соясидан қанча сувчи, тракторчи, теримчилар баҳра олади...

Арикнинг нариги лабига, сув шундок қирғоқни ялаб турган жойда юзаси озгина бўртиб чиқиб турган кулранг тошга бир читтак келиб кўнди. Ҳиёл фурсат азмойиш ола-ётгандай у ёқ-бу ёқка қараб, дорбоз боладай «лик-лик» килиб турди, кейин сув ҳўплаб тумшуқчасини осмонга кўтарди-да, ғилкиллатиб юта бошлади, шу тахлит тўрт марта сув ичиб чанкоғини қондиргач, пирр этиб учиб кетди.

\* \* \*

Болалар ечиниб бўлишганди. Шавкат эса ҳануз сувдан кўз узмай қақкайиб турарди.

— Ия, сувга тушишдан қўрқаяпсанми, Шавкат? — дея унинг китиғига тегмокчи бўлди Ахмад.

Шавкат индамай ечина бошлади. Чунки у ўз қалбida кекаётган туйғуларнинг номини билмас, шу дақиқалардаги холатини ўртоқларига ҳам изоҳлаб беролмас эди.

У ўн қадамча наридан ютуриб келиб, арикка калла ташлади. Бир лаҳзадан сўнг сувга зарб билан ботирилган бўшишадай отилиб чиқиб пишқирди; сочи ва қулогидаги сувни силкитиш учун бошини сарак-сарак қиласар экан, сувнинг ҳар қачонгидан илиқроқ ва роҳатбахш эканлигини хис этди. Аъзойи бадани узок ва хоргин уйқудан сўнг ёзилиб, мириқиб керишгандагидай маза қиласарди. Бола ховуздан оқин сувга кайтган балиқдай эркин-эркин кулоч отиб, яйраб чўмилди. Факат кўприк тагидан сузиб ўтишда бир оз тараддувланиб қолди. Усти тупрок билан ёпилган, ўртаси замбилдек чўкиб, баъзи ерларини мол туёклари тешиб юборган бу кўхна кўприк остидан осилиб турган ёғоч ва шоҳ-шаббаларнинг учлари гўё бир жойига санчилиб кетадигандек ё бўлмаса илон-пилон чақиб оладигандек, эти бир увишиди, бироқ саросимага тушганини бошқаларга сезидирмади...

Улар йўл-йўлакай «Ўғилми, киз?»<sup>1</sup> ўйнашиб, сертупрок кўчани яланг оёқ чангтиб қайтиши. Тупрок юмшок, илиқ, Шавкатнинг сёқлари хузур қилиб яйрар эди.

Тоирларнига келиб, ёнғок сокка ўйнашиб, кейин чўзма камалакда арик бўйидаги тутларнинг шохларига кўниб олиб, чирқиллаётган чумчукларнинг адабини беришиди. Ахмад бешта, Соип тўртта, Тоир ҳам тўртта, Шавкат иккитасини ер тишлатди. Беғам, укувсиз Эргашгина биттаям уролмади. Факат, ҳаккалак учгани хирмонга боришимади. Чунки у ерда хозир пахта куритилар, шу паллада бригадир ё табелчи ўз боласини ҳам танимай кувиб солиши, пахта тер, деб дағдаға килиши турган гап. Бусиз ҳам Шавкат дунёга қайта келгандай, йўқотиб кўйган қадрдонлари ни бирдан топиб олгандек севинчи ичига сиғмас, ошналиридан ажралгиси келмасди. Аммо улар бугун кечкурун Тошкентга қайтишлари керак эди. Кун тиккадан ўтиб, пастга оғиши билан Шавкатнинг юраги безиллай бошлади. У шу бугун сирам кеч кирмаслигини, куёш асло ботмаслигини истарди; аксига, офтоб ҳам ўчакишгандай, худди бир нарсадан қурук колаётгандай, тобора қуйига шўннир, уфклар ортига ошикарди. Мана, унинг ёғдулари мирзатеракларнинг учидан ҳам пастлаб кетди, бақатерак япроқларида хирагина яллиғдана бошлади. Тамом, бирор соатдан кейин у дарёга отилган тошдай ғойиб бўлади, тарам-тарам шуълалари сув ҳалқачаларида қисқара-қисқара, батамом сўнади.

Тўсатдан энасининг: «Шавкатжон-ув-в!...» деган товуши эшитилди. Шавкат чор-ночор ўртоқлари билан хайрлашди.

Унинг Тошкентга зинхор қайтиси йўқ эди. Назарида энасига ялиниб-ёлворса, уни олиб қоладигандек туюлди. Энаси кўчадан сув олиб кираётган пайтда олдидан чикиб, этагига суйкалди. Энаси пакирни ерга қўйиб, Шавкатга тикилди:

<sup>1</sup> «Ўғилми, киз?» — болаларининг маҳаллий эрмак ўйинларидан бири. Чўмилганда кулокнинг ичига кириб колган сувни силқитиб куритишин учун данакдай тошни рўмолчага ўраб. Қулоқка тикилади ва бошни ўша томонга қийшайтириб, бир неча кадам ҳаккалаб борилгач, турган жойда бир оёқлаб гир айланиб, ёнидагилардан «Ўғилми, киз?» деб сўралади. Жавоб бўлгач, тош олиб қаралади. Сув шимган рўмолчанинг нами, албатта, тошга ҳам тепчииди. Бу хол бир неча марта — тош намсиз чиққунча тақрорланади (албатта, ҳар гал тош янгиланади ва рўмолчанинг қурук жойига ўралади). Ўйин шартига кўра, тош қурук чиқса — «Ўғил», агар намли чиқса «Киз» бўлиши керак. Одатда, ҳамма «Ўғил» деган жавоб илинжида бўлади, лекин ҳазинликашлар бир-бириннинг жигига тегиш учун атайнин «Киз» дейишаверади.

— Ҳа, болам, нима дийсан? Ҳалиям ювинмабсан-у?..  
Шавкат орқасига бир қараб олди.  
— Кетгим келмаяпти, кетмайман... — Унинг кўзлари намланиб, энасига мўлтираб тикилди.

— Бу нима килиқ, кўзичогим? — дея энаси энгашиб Шавкатни бағрига босди, кейин овозини пасайтириб давом этди: — Даданг билан аянг сенга энди етишишди. Ўзинг хам: «Қачон мени обкетишади?», деб мени қанча дикқат килгансан, эсингдан чиқдими? Қўй, ўғлим, ҳар кимни ўз ота-онасидан кўймасин. Бунақа ўйни миянгдан чиқар.

Боланинг хафсаласи пир бўлди. Аммо яна бир ўтинчи ни айтиб, илтижо килди:

— Бўлмаса, аямга айтинг, дадам билан уришишмасин.

Эна чукур хўрсинди, кўзларининг теграсида тўпланган ажинлар ёзилиб кетди.

— Бўйти, энагинанг ўргилсан, албатта айтиб кўяман, энди хеч хам уришишмайди, сени тез-тез қишлоққа олиб келиб туришлариниям тайнлайман...

Шавкат бўйнидан боғлангандек йўлта чиқди. Анча жойгача кўчанинг ўртасида бир ўзи қаққайиб қолган энасига қараб-қараб кетди (тоғаси билан келинаяси эрталаб хайрлашиб ишга жўнашганди). Унинг ҳали хам умиди, илинжи бор эди. Назарида энасининг унга раҳми келиб, ҳозир аясини чақириб: «Хабиба, ке қўй, неварагинамни ташлаб кета кол, кара, бола бечорани, хеч оёғи тортмаяпти, судрагандай опкетяпсан», деб коладигандай эди. Агар шундай деб қолса борми, аяси билан хайрлашиб хам ўтирумай, энасига қараб чопар, унинг иссик бағрига ўзини отиб, корамагиз бетларидан роса ўпарди. Бирор энаси намоз ўқиётган пайтидагидай, қўлларини ёзганча индамай тураверди. Мана, муюлишдан ҳам ўтишди, энаси кўринмай қолди.

Бола чукур энтикли.

## Биринчи ва иккинчи жиддий тўқнашувлар

Яна одатдаги кундалик даҳмазалар: оёқни ликиллатмай ўтириб, белгиланган пиёлада чой ичиш, икки чақмок окқанд, сариёғ суртилган икки кесим бўрка, тохига бир пиёла, аясининг таъбирича, порошок сут... Кейин кийиниб мактабга жўнаш керак. Ҳар куни пойабзални артиб-тозалаш (хафтада бир мойлашиям бор), шимларни чўткалаш,

хатто дазмоллаш! Ҳамма тугмаларинг қадалган бўлсин! Мана шуниси чаток. Шавкат кўйлагининг томори тагидаги тугмасини қадашга илло-билло тоқати йўқ эди: бўғилиб кетаётгандай бўлаверади, у ёқавайрон юришга ўрганган-да, хатто галстукниям сумкага солиб кетиб, мактаб остонасида наридан-бери бўйнига илиб оларди. «Папкани мундок ушла», «кўчанинг ўнг тарафидан юр, чорраҳадан ўтиша олдин чап, кейин ўнг томонга қара, қизил чироқ ёнса тўхтаб тур...» Кони азоб-ку! Ё Шуҳрат шунинг учун ҳам озғин, нимжон бўлиб колганмикин? Ундей деса, бошқа болалар бунақамас-ку... Бир ёқда дарс қилиш... Ҳаммасиям майлию... шу... математикаси ёмон, ҳеч тушунмайсан одам. Аясининг куйинганича бор. «Болани сикиб сувини ичишдан бошқа нарса эмас бу, – дейди у, – тўққиз яшар бола «икс-игрек»ни биладими?! Үнинчини кеча битирғанлардан сўрасанг, ярми бошини қашлаб қолади... Кошки, ўқитувчи жонкуяррок бўлса; синфда осонини ечиб, қийинини уйга топширади...» Аясининг бундай дейишига сабаб бор: ўзи билмайди-да математикани. Билгандаям ёрдамлашишга кўли тегармиди? Ишдан кеч, чарчаб келади. Унинг устига нукул: «Масалангни ўзинг мустакил ечишга ўрган», дейди. Дадаси ундан ҳам баттар: «Мен олув билан кўшишни, бўлув билан кўпайтиришни биламан, холос», дейди... Ўқитувчи бўлса, аяси айтгандай тузукроқ ўргатиб ҳам қўймайди. Сўрасанг: «Хозир айтдим-ку, кулокми у калланинг ёнида диккайиб турган, ё пўстакми?!», дейди. Кишлокдаги муаллима опаси эринмай қайта-қайта тушунитирарди, қанча сўрасанг, ҳаммасига жавоб қайтарарди. Ўша опаси бўлганда бугунгидай изза тортиб ўтирмасди. Болаларни ҳаҳолаб кулишгани-чи, худди ўзларини «пўстак» демагандай. Муаллима: «Кулманглар!» ҳам демади! Рост-да, билмаганни билмайман, дейди-да, буни «пўстак»ка нима алокаси бор? Шу билан учинчи марта кулги бўлиши. «Пўстак»ни аввалги сафарлар эшитмовди, бу гал униям эшитди. Болаларга тоза бўлиб берди. Гоҳ у, гоҳ бу партадан «пўстак» деб шивирлашади-да, пик этиб кулишади. Лекин... ким билсин, айб ўзиладир. Бесабрлик қилмай, астойдил ўтиrsa, уй вазифаларини вактида бажарса, ўрганиб кетармиди шу математика деган жон эговини ҳам...

Улар мактабдан қайтишарди. Шавкат, унинг учта синфи доши, акаси – ҳаммаси бўлиб беш киши эдилар. Ораларида боя синфи бошига кўтариб ҳаҳолаганлардан бири –

Шайдулло ҳам бор эди. У кўшни «дом»да турарди. Ҳаммаси индамай келишаётувди. Бир пайт Шайдулло Шухратнинг пинжига тикилиб, Шавкатнинг математикадан билмай шарманда бўлгани, муаллима уни «пўстак» дегани, болалар роса мирикиб кулишганини марок билан хикоя қила бошлади. Шавкат унга парво қилмади, сен нима деяпсан деб тирғилмади. Аммо Шайдуллонинг: «Сен менга ўргатма, олифта-писмиқ!» дегани кулогига чалинганида, Шавкат чидаб туролмади. Ўзини масхара қилганию майли, нега энди унинг акасини «олифта», бунисиям гўрга, «писмиқ» дейди? Олифталигини бошқаларга нима оғирлиги тушибди? Писмиқ бўлиб, бирорвга нима килибди? Тавба, Шухратнинг малмайи-иб келишини! Тумшуғига солмайдими боплаб, тупук сачратиб алжиётган оғзидан сўлакайи оқиб кетмайдими!

Шавкат уларга яқинлашиб, Шайдуллонинг бикинита тирсаги билан туртди.

– Хўв, ким писмиқ?

Шайдулло тўхтади, Шавкатга қараб тиржайди:

– Ҳа, сиззики ачишиб кетдими?

– Яна «писмиқ» дейдиган бўлсанг, мана! – мушт дўлайди Шавкат.

Шайдулло бир қадам олға босиб, қорнини Шавкатнинг кўкрагига тиради:

– Вой, мишиқи пўстаг-еёй!..

У шундай дедиую поп этиб ерга қулади. Ҳамма нима воқеа юз берганини тушунмай, бир чалканча ётган Шайдуллога, бир хеч нарса бўлмагандай, зингиллаганча кетиб бораётган Шавкатга қараб туриб колди.

Шавкат тоғаси ўргатган усуллардан бирини қўллаган – Шайдуллонинг оёгини босиб туриб, жаги остига туширган эди. Боёқиши Шайдулло бу «пандаваки» боладан шунаقا «хунар» чиқиши мумкинлигини кайдан билсин!

Шайдулло пайпасланиб ўринидан турди-да, «ойи»лаб уйи томон чопди. Бошқалар ҳам тарқаб кетишли.

Шухрат Шавкатга этиб олиб, енгидан тортди:

– Бекор урдинг.

Шавкат акасига, худди уни танимаётгандай, кўзларини пирпиратиб қаради. Шухрат унга мўлтайиб тикилиб турарди. Тирсагини бир силтаб, акасининг қўлидан чикди-да, тез-тез юриб кетди, қайтиб оркасига қарамади ҳам.

Унинг кўнглига қил сиғмасди. Дадаси келганда юрагини ҳовучлаб турди. Ишқилиб, Шуҳрат гуллаб қўймаса эди. Боярок: «Айтма», деб тайинласа бўларкан. Бироқ у акасидан бехуда гумонсираганди... Ётар маҳали қўнрирок чинкириб жиринглади... Шуҳрат югуриб чиқди. Эшик карсиллаб ёпилди, кулфлар шарақлаб кетди.

Аяси тўрри унинг устига бостириб келди. Лаблари пирпир учарди. Кошлари ҳар доимидан ҳам ғалати чимирилиб, эгри-бугри бўлиб турарди.

Шавкат сесканиб кетди. Бундан тўрт йилча бурун чап қўли қичишқок бўлганида тоғаси кайирдан иккита зулук тутиб келган ва унинг ҳаром қонини сўрдирмоқчи бўлишган эди. Шавкат илгари ҳам ариқларда биланглаб сузиг юрган зулукни кўп кўрган, ундан сира жирканмасди. Бу сафар эса зулук кафтининг оркасидан қон сўриш учун «бопта» жой қидирап экан, унинг ранги ҳам, белини гажак қилиб судралниши ҳам жуда совук туюлиб, Шавкатнинг эти жимирилашиб кетган, жонхолатда қўлинни силтаб, қичкириб юборган, шу-шу, зулукнинг қорасини кўрса, юрагини вахм босадиган бўлиб қолган эди. Ҳозир аясининг бежо, хунук чимирилган кошлари ана шу кора зулукларни эслатиб юборган эди.

— Энди одам урадиган қилиқ чиқардингми! — дағдага кила бошлади аяси. Шавкат титраб-қалтираб, худди юзини ҳозир тушадиган тарсакидан пана килмокчи бўлгандай, адёлни жагигача тортиб, кўзларини пирпиратиб ётаверди. Бироқ ҳеч кутилмаганда аяси овозини юмшатиб давом этди. — Бизни шу ердан ҳам кўчиритирвормоқчисан? Бу бетон каталакка етишгунча даданг икковимизнинг юрак-бағримиз эзилиб кетди-ку! Бирор билан ёқалашгунча кийинишингни, юриш-туришингни ўнглассанг бўлмайдими?

Шовқинни эшитиб, нарига уйдан Кудрат ҳовликиб чиқди:

— Нима гап?

Ҳабиба, киши иложсиз қолганда нажот кутгандек, айни вактда нигоҳига шикоят, зорланиш ифодасини бериб Кудратга юзланди.

— Саккизинчи домдаги шаллақи хотиннинг эркатойи билан уришибди. Сизга айтишга уялиб, мени ишдан қайтишимни пойлаб ўтирган экан. «Оғзи-бурнини конга тўлди-

риб, бошини ёрворай депти, ёмон экан у шумтакангиз, – дейди. – Болам шўрлик ғафлатда қопти, тош билан уриб қочибди», дейди.

– Ёлғон! Тош билан урганим йўқ! – қичкириб юборди Шавкат. Шу захоти хўрлиги келганидан кўзларидан тиркираб ёш чикиб кетди ва илтижо билан боядан бери миқ этмай ётган Шухратга қаради. – Ана, Шухрат айтсин...

– Шайдуллонинг ўзидан ўтди... Шавкат хам қизиқконлик қилди. Лекин нима билан урганини сезмай қолдик... Кўлида хеч нарса йўқ эди...

Кудрат кўл силтади.

– Ҳа, бўпти, бола деган уришади, ярашади, шунга шунчами? – Унинг овозида жаҳл, норозилик оҳангি сезилмади.

Шу кеча уйда яна совук бир сукунат хукм сурди. Бу жимлик одамни ютиб юборадиган даражада ваҳимали, даҳшатли эди. Шоҳона қасрларни эслатувчи кенг, ёруг, чиройли гулкоғозлар ёпиштирилган, ҳайҳотдай хоналар Шавкатнинг назарида қоғоз қутиларга, боя аяси айтгандай, муздай бетон каталакларга айланиб қолганди.

Шавкатни ҳадик босди. Наҳотки Шайдуллонинг бурни чиндан конаган бўлса? Эҳтимол, жағига урганда тишлари бир-бирига урилиб, милкидан кон чиккандир. Ҳали бошиям қаттиқ лат еган бўлса-я?.. Унда эртага ростдан хам кунини кўрсатишлари мумкин. Мактабга бормасамикан?. Йўқ, бормаса, кўркқанидан келмаган, дейишади. Иннай-кейин, қачонгача мактабга бормай қочиб юрарди. Э, нима бўлса бўлди! Ё калтак ер, ё яна солар... У ер-бу ери шилинса, хеч нарсамас...

Эртасига мактабда Шайдулло унга хўмрайиб юрди. Шавкат аҳамият бермади. Қайтага унинг боши ёрилмаганини кўриб таскин топди. Лекин юраги ғаш, кеча қаттиқ уриб қўйганига пушаймон... яна фикридан қайтди. Шайдулло ярашишни истамаса-чи, уни кўркқанидан ялиняпти, деб ўйласа-чи! Нега энди кўрқар экан? Агар Шайдулло хоҳласа яна муштлашаверади. Аяси койиса койийверсин!

Болалар бугун олтига бўлиб қайтиши. Олтинчиси – Шайдуллоларнинг «доми»дан, бешинчи синфда ўқийдиган Равшан эди.

Шавкат билан Шухрат олдинда, уларнинг орқасидан

шу атрофдаги уйларда яшовчи Юнус билан Исмат, энг кейинде Шайдулло билан Равшан келишарди. Кечаги жойга етишганды Шайдулло орқадан: «Тұхта, хей!», деб қичкирди. Шавкат тұхтади, бошқалар хам. Шайдулло билан Равшан Юнус, Исматларнинг ёнидан ўтиб, Шавкатнинг олдига келишди. Шайдулло Равшанга қаради. Равшан, бир күзини қисиб, «бошлайвер», дегандай имо килди.

— Хүш, муштлашамизми?

Шавкат бүй-бастини, кучини чамалагандай Равшанга бошдан-оёк разм солди.

— Құркма, бирға-бир ташлашасанлар, — деди Равшан унинг фикрини уққандай.

Шавкат портфелини Шұхратта тутқазди. Шайдулло сумқасини бир четга, ерга қўйди. Ёкалашиб бошланди. Шайдуллонинг бўйи Шавкатникидан хиёл баланд, калласи кичикрок, лекин қўллари узун. Шавкатнинг қўллари калта, аммо жуссаси ракибига нисбатан миқтироқ эди. Шавкат чакқон эди, бирок Шайдулло хам абжирликда ундан колишмасди. Шайдулло қўли узунлигидан фойдаланиб, Шавкатни ўзига яқинлаштиրмасдан пала-партиш мушт солар, бу муштлар Шавкатнинг қўлига, елкасига попиллаб тегарди. Шавкат эса бўлар-бўлмасга қўл чўзавермай, айёр боксчилардай пайт пойларди. Нихоят, у кутган фурсат етди: Шайдуллонинг ўнг кулок-чаккаси манаман, деб олдинга чиқиб колди. Шавкат чапақай эди, бундай кулагай фурсатни қўлдан берса, аламидан йиғиб юбориши ва ўзини хеч қачон кечирмаслиги турган гап эди... Шайдулло чинқириб юборди. Ўзини орқага олди, у ёқ-бу ёкка жаланглаб, тошли, бирор каттиқрок нарса кидира бошлади. Рақибининг ниятини пайқаган Шавкат унга коплондай ташланди ва иттифоко қокилиб кетди. Йўқ, ўзи қокилгани йўқ, Равшан хеч кимга сездирмай уни оёғидан чалиб юборди. Шавкат эса буни билди. Шу дам тоғасидан яна бир карра, чин калбдан миннатдор бўлиб кетди. У гандираклаб бир неча кадам борди; оғзи-бурни билан бетон йўлакка юзтубан йиқилишига бир баҳя колди. Мияси лўқиллаб, кўз ўнги тиниб кетаётди. Тура солиб, хеч кутилмаганда Равшаннинг қош-кўзи аралаш дўнг қаншарига туширди. Бирок шу лаҳзада орқадан Шайдулло ташланди, Равшан иккаласи уни йиқитиб, босиб олишди. Равшан Шавкатнинг кўкрагига тиzzасини тираб (Шайдулло оёғидан босиб берди), иккинчи оёғи билан кафтини ерга эзиб, анчагина қимиirlат-

май кўйди. Улар Шавкатни тавба қилдиришмоқчи эди. Равшан: «Тавба қилдим, де, кечирим сўра, қани, бўл тез», дерди нуқул тиззасини унинг кўксига никтаб. Кечирим сўрап Шавкатнинг хаёлигаям келмас, шу дакиқада факат бир нарсани – йиғлаб юбормасликни ўйларди. Кўкраги-ку хеч нарса эмас, кафтининг оркаси ғадир-бутир бетонга ботиб, зиркираб оғрир, бироқ у тишини тишига кўйганча чурк этмай ётарди. У хўрлиги келаётганини сезиб турар, чидай олмасам-а, деб кўркарди. Ўн қадамча наридаги бошқа йўлакдан одамлар ўтиб туришар, аммо улар вактлари тифиз, ишлари ошигич, бепарво одамлар эди; аслида Шавкат ҳозир ўша одамлар келиб уларни ажратиб кўйишлариниям мутлақо истамасди. Қани энди акаси ҳам, анави болалар ҳам бўлмаса, уни роса тепкилашсаям майли эди. Бирорларнинг олдида узала тушиб, чалчайиб ётиш шармандалик-да! Юнус билан Ислам: «Қани, охири нима бўларкин?», деган кизиқиша томоша қилишарди. Факат, аввалига укасининг кучига ишонган Шухрат: «Энди бўлмади», деб ўйлади шекилли, ўзининг одатдаги суст қадамлари билан яқинлашиб, Равшанни тирсагидан тортди.

– Бўлди энди, кўйиб юборларинг, – деди у илтижо оҳангидা.

– Тошингни тер! – жеркиди Равшан.

Ётган ерида Шавкат ҳам бақирди:

– Нари тур, аралашма!

Шухрат елкасини кисиб, жойига қайтди.

Равшан Шавкатнинг «ўғил бола»лиги, чидамлилигига тан бердими, ҳар нечук, оёғини унинг кўкрагидан бўшаттида: «Агар шу ердаги болаларнинг биронтасини бир чертсанг, энди аяб ўтирмаймиз, дабдалангни чикарамиз», деб пўписа килди ва оғирлигини Шавкатнинг кафтини эзид турган оёғига солиб, ўрнидан турди. Шавкат ихтиёrsиз тўлғаниб юборди, назарида аъзойи баданидан совук тер куюлиб кетгандек бўлди.

Шухрат ерга қараганча оҳиста қадам ташлаб кетиб борарди. Шавкатнинг у билан мутлақо гаплашгиси йўқ эди-ю, «дамингни чикарма», деб тайинлаб кўйиш керак. Шунинг учун илдамлаб, унга етиб олди, қўлидан ўзининг портфелини тортди.

– Уйда гапириб-нетиб ўтиргмагин.

Аввалига Шухратдан садо чикмади, кейин тўхтаб, укасига таънаомуз каради.

- Нима кераги бор шунақа уришишни? – Унинг сўз оҳангидан катталарга хос ўгит хиди келиб турарди.
- Ким бошлади биринчи? – Шавкат акасига тикилди.
- Улар.
- Бўпти-да.
- Шундаям..
- Нима шундаям? Сени «писмиқ» деса, мендан кулишса, камига икки кишилашиб дўппосламоқчи бўлишсаям индамаслик керакми? Ё «муштлашамизми?» деганда, «Мени кечиринг», деб күённи уриб колишим керакмиди? Муштлашса муштлашишсин, лекин бирорнинг устидан кулишмасин.

– Кулса бир еринг камайиб қоладими? – деб сўради Шухрат яна пинагини бузмай.

Шавкат акасига хайрон бўлиб тикилди. Бола хали «орият», «хамият», «иззат-нафс» деган сўзларнинг асл моҳиятини тўла англаб етмас эди. Бирор бирордан ноҳақ гап эшигандан, унинг жавобини қайтариш кераклигини, качон, қандай пайтда изза тортиш, ўсал бўлиш, кимни, нимани яхши кўриш, кимдан, нимадан нафрлатаниш лозимлигини биларди. Бирорлар «писмиқ» деб мазах қилишсаям жаҳли чикмапти, ори келмаптими, демак, Шухратда орнят деган нарсадан тирнокчаям йўқ экан. Ўтакетган лапашанг, ландовур, лалайган болаларгина шунақа бўлишади.

– Барibir калтак единг-да, – ҳамон укасини «ножӯя йўл»дан қайтармокчи бўларди Шухрат. – Кучинг етмаслигини билганингдан кейин «ке, ярашайлик», дейишинг кепрак.

- Ялиниб-а? – афтини буриштири Шавкат.
- Э, билганингни қил, – кўл силтади Шухрат жадаллаб. – Менга деса ҳар куни калтак емайсанми!

Шавкат ҳам қадамини илдамлатди.

– Бу ерда фирромлик бор экан-да, кўрдингми, акасини бошлаб кепти.

- Акасимас, – деди истамайгина Шухрат.

– Бари бир-да. Биз томонда бўй ўлчашиб, тенг тенги билан уришишади. Шайдуллонгга ўхшаб тош-кесакка югуриш ҳам йўқ. Ё ҳалол кўтариб ерга уриш, ё тиккама-тикка, яккама-якка муштлашиш керак.

Шухрат, сенга гап уқтиришнинг фойдаси йўқ экан, дегандай, яна кўл силтади.

\*\*\*

Шавкат кизик устида сезмаган экан. Кечаси иккала кураги ва кафтининг орқаси ачишиб, сиркираб, шунаканги азоб бердики, ўзини тутишга харчанд харакат килмасин, инкилламасликнинг чорасини тополмай колди. Унинг тўлғаниб, каравотни ғичирлатишига Шухрат хам ухлай олмай у ёнидан-бу ёнига ағдарилар, бироқ ҳеч нарса демасди, буркалган бошини хам кўтармасди. Нима хам десин? Боя унинг гапларига қўшилмай, ўжарлик билан ўзиникини маъкул килиб туриб олди-ку! Балки чиндан хам у хақдир...

Бир маҳал аяси кириб чирокни ёқиб юборди. Шавкатнинг кўзлари унинг тугмалари чала қадалган олачипор халати ёқасидан ярми кўриниб турган кўкракларига тушди. Бир лаҳза оғриқни хам унутиб, аясининг кичкина, оппок бу маммаларидан сут чикмаслигини, уларни эммаганлигини эслади. Айтгандай, аяси Шухратни эмизганмикин ё уни-ям сўргичли шишаҷада сут бериб бокканмикин?..

Аяси унинг тепасига келди.

– Нимага инкилляяпсан, Шавкат?

Шавкат жавоб қайтармай, қўлини адёл тагига тикди.

Ҳабиба, қўлларини боши остига кўйиб, шифтга қараб бакрайиб ётган Шухратга юзланди.

– Нима килди унга?

Шухрат хам индамади. Ҳабиба тутакиб кетди:

– Тилдан қолдингми?! Гапир деяпман!

Шухрат чўчиб тушди, ранги баттар окариб:

– Муштлашди. Равшан тагига босиб олди, – деди ютиниб.

– Яна-я! Яна ёқалашдими? Равшан укангни урса сен қараб туравердингми?

– Үзи, аралашма, деди-да, – Шухрат йиғлаб юборгудек эди.

Ҳабиба яна Шавкатга ўгирилиб, устига энгашди.

– Кани, кўрсат-чи, қаеринг? Майиб бўлмадингми, ишқилиб?

Шавкат қўлини адёл остидан секин сугурди.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, шундай... йиқилиб тушувдим, билмай босиб олди. – У қизарган, шилинган қўлини кўрсатди-ю, лекин кураги ҳақида оғиз очмади. Ҳабиба унинг қўлини чирокка солиб, у ёк-бу ёғини кўрди-да,

«ростдан ҳам вахима килишга арзимас экан», деган қарор-га келди шекилли, қаддини ростлади, Ингичка зулук қошлар Шавкатга таниш ва малолли қиёфада чимирилди.

— Баттар бўл-а! — Ҳабиба шахт бурилди, йўл-йўлакай чирокни зарда билан ўчириб чикиб кетди.

Шавкат акасидан юз ўғиргандай, девор томонга қараб олди. Лекин унда нима гуноҳ? Аяси айтишга мажбур қилди-да.

Шу пайтда боланинг дили вайрон бўлган, акаси тугул, туқкан аясиниям кўришга кўзи йўқ эди. Ҳозир силаб-сий-палааб меҳрибончилик қилмагани учунгина эмас, йўқ... Бола аяси тўғрисида янгишгани, унинг бағрига бекор интилиб-талпинганини ўйларди. Ахир кишлоқда баъзи кечалар аяжонини эслаб, уйқулари ўчиб кетарди. У аясини келин-аясига, унинг бағрини келинаясининг илиқ ва ёқимли бағрига, тилини ширин-шакар тилига ўхшатарди. Эҳ!..

## Жазо

Эрталаб жуда ланж бўлиб уйғонди. Чой ичгиси ҳам, қадам босгиси ҳам келмасди. Афсуски, иложи йўқ-да: мактабга бориш керак.

Мактаб ҳам уни очик чирой билан кутаётгани йўқ эди. Кечаги можаролар синф раҳбари — математика ўқитувчи-сига етиб борган эди — Юнус ё Исмат айтган бўлса керак. Козондек сочини бошига кўнқайтириб олган «қилтириқ муаллима»си уни совуқ карши олди. Шавкат ана шу ўқитувчи билан аяси ўртасида қандайдир ўхашашлик сезарди. Иккиси ҳам озғин ва баджаҳл бўлгани учун шундай туюлса ажаб эмас. Муаллима унинг таъзирини бериш максадида пардалари туширилиб, қоронгилатилган, кўргазмали куроллар турадиган хонага қамаб кўйди. Шавкат қирк беш минут хўрлиги келиб, хунибийрон бўлиб йиглаб ўтириди, бир кўнгли дераза ойнасини синдириб чикиб кетмокчи ҳам бўлди, лекин ўзини босди. Қовоқлари шишиб, кўзлари кизариб кетди.

Шу алпоэда болаларга кўриниш янада шармандали ва аянчли эди. Бунинг устига бирданига, қирк беш минут ичida ҳамма нарсадан кўнгли совиб кетганди. Дарсга кайтиб кирмади. Кўчаларда тентираб юриб-юриб, аяси ишга кетдиган вактни мўлжаллаб, уй олдида Шухратни кутиб турди (калит унда-да).

— Нимага дарсдан кочдинг? — сўради Шухрат кела солиб.

Шавкатдан садо чиқмади.

— Эртага ўласан энди.

— Эртагаям, индингаям, ундан кейин ҳам бормайман.

— Вой тентаг-эй! Мактабга бормай бўларканми!

Шавкат чурк этмади.

Кечки пайт дадаси ишдан келиши билан унга ёрилди. Шавкатнинг назарида дадаси аясига нисбатан унга яқинроқдай, унинг қалбини тушунадигандай эди.

— Дада, энамга кетаман. Мени обориб қўйинг... — деди у дабдурустдан томдан тараша тушгандай.

Кудрат гангид қолди. Чўккалаб, Шавкатни икки тирсағидан ушлаб қучогига тортди.

— Нимага, ўғлим? Яқинда бориб келдинг-ку?

— Йўқ, бутунлай кетаман, — Шавкат йиғламсираган кўзларини ишқалади. У ҳамон дадасининг қучогидан четлануб, рўйхушлик бермай турарди.

Бирор битимга келолмасликка кўзи етган дадаси масалани кейинга колдиришга карор қилди. «Кечкурун аянг келганда гаплашамиз», деб ўғлини тинчитмоқчи бўлди. Бирорқ аясидан ёруғлик чиқишига Шавкатнинг ишончи йўқ эди.

Шундай бўлди ҳам. Гарчи аясининг дадасига: «Бекорларни айтибди, кўникиб кетади, кўнгилни жуда бўш килган ҳам ярамайди», деганини эшитмаса-да, авзойидан, кошларининг таниш чимирилишидан унинг хукмини пайқади. Аяси унга барабар шундай деди:

— Бунақа гапни хаёлингдан чиқар. Энанг сени шу пайтгача бокди, бундан кейин бокмайди. Уни сендан бошқа ташвишлариям кўп. Энди у келинаянгнинг чакалогини бокади.

## Қочиш режаси ва дастлабки уриниш

Шавкат кечаси алламаҳалгача ухламай, ҳар хил режалар тузиб ётди. Мактаб масаласи унинг бошини қотирди. «Бормайман», дегани билан иш битмайди. Мактаб, ростдан ҳам, елкамнинг чуқури кўрсин, деб, этакни қоқиб кетаверадиган жой эмас. Бари бир аяси қўлидан етаклаб, диконглатиб олиб бориб кўяди. Турган гап. Мактабга кетдим деб,

үйдан чиқиб, бормаса-чи? Кун бўйи кўчада вакт ўтказиб келса-чи? Ҳа, бунинг йўриғи бошка. Лекин қачонгача шундай килиш мумкин? Бир кун-икки кунда сири фош бўладида, барибир. Аммо нима бўлсаям, эртага шундай килади – мактабга бормайди!

Бирдан миясига янги фикр келиб, суюнганидан каравотдан сакраб туриб кетаёди. Аммо шу захоти хафсаласи пир бўлди. Ахир бу хом хаёл-ку! Поездда қочиб бўларканми? Тўғри, вокзалга биринчи троллейбус боришини билади. Ўтган сафар биқининг «Тошкент – Андижон» деб ёзилган поездда кечқурун кетишган. Факат поезднинг соат нечада жўнаши эсида йўқ-да. Коронни тушмай бориб, поезднинг келишини кутиб турса-чи? Бўлади-ю, билет олишга пул-чи? Бир амаллаб, одамлар орасидан лип этиб чиқиб кетса-чи? Йўқ, унда йўлда тутиб олишса, тушириб юборишади. Кейин қаердан топади Тошкентни Тегирмонбошини?

Туйкусдан боланинг эсига телевизорда кўргани аллақандай кино тушди. Номи нима эди-я? Ўшанда бир бола энасининг кутичасидан пул ўтирилаб, ўзидан каттароқ бола билан бошка шахарга қочиб кетармиди-еъ... Буям дадасининг чўнтагидан битта беш сўмликни ўмариб жўнаб қолсамикин? Беш сўм етармикин? Етишга-ку, етар-а, ўтирилик килиш ёмон-да. Борингки, хеч ким сезмади, поездгаям чиқиб олди дейлик, поезддан тушгандан кейин қишлоққа қандай кетишни билмайди-ку. Адашиб қолдим, деб биронтасига ялинса, улар томонга борадиган автобусга чиқариб кўймасмикин? Энаси энди бокмасмиш, чиндан хайдаб юборса-чи? Бе... Мабодо, ўзи яна шаҳарни, дадаси билан аясини кўмсаб қолса-чи? Бир ёқда ошна ортирилмаса, иккинчи ёқда ўртоқларидан узоклашиб кетса... Энаси майли деган такдирдаям аяси кўймаса-чи? Бориб яна олиб келишсачи? Ахир шундай килишга уларнинг ҳакки бор – минг қилсаям ота-онаси!..

Боланинг мияси ғовлаб кетди.

Тонг отди. Бирок бу хам дилгир вужудни баттар лоҳас киладиган дикқинафас тонглардан бири эди. Осмон кўроғошин тусда, килт этган шабада йўқ. Ҳаво шундай айнигани кунлари нафас олиш хам қийинлашиб кетади. Газ, кўйган чарм, бензин, яна алламбалоларнинг бадбўй хидлари одатдагидан кучайиб, ўткирлашиб, томокни бўра бошлиди. Кизиги шундаки, бу хидлар ердан эмас, осмондан – кора қуюндай ҳаммаёқни коплаб олган булутлардан

таркалаётгандай туюларди. Бундай пайтда хеч нарсага күлинг бормайди, хеч қаерга оёғинг тортмайди.

Шавкат умрида биринчи марта портфелига яширинча бир неча бурда нон солиб олди: мактабга жүнадим, деб үйдан чикиб кетди.

У катыйи бир карорга келиш учун күчаларда тентираб, сандироклаб юрди. «Спартак» стадионда қат-қат бағбақаларини осилтириб, мешдай коринларини шалоплатганча, лўкиллаб чопишаётган майка-турсичан эркак-аёлларни темир панжарага суюнганча узок томоша қилиб турди. Майдонда сарғайиб, жизғинаги чиккан қалин ажриқ кўрпадай тўшалиб ётганидан оёқ шарпалари деярли сезилмас, аммо югурувчиларнинг пойгадан сўнг совутилаётган отдай ҳарсилаши, бўғилиб, пишиллаб нафас олиши бемалол эшитиларди. Албатта, бу бола учун кизик, кулгили ҳолат эди. Лекин у бир нарсага тушунолмаётганди, бу новча, пакана, кап-кatta одамлар нима учун югуришяпти ўзи? Уларни бирор мажбур қиялтими деса – хеч ким хеч қандай буйруқ ё кўрсатма бериб тургани йўқ. Чопиш бўйича мусобака деса – унчалик жон койитмаётгандаридан унақагаям ўхшамайди.

Шавкат панжарага гоҳ ўнг, гоҳ чап елкасини суваб, оғирлигини дам чап, дам ўнг оёғига солиб турди-турди-да, майдон ёнидаги бокка кириб кетди.

Боғда одам сийрак, бирорта ҳам ёш бола кўринмасди. Фақат бурчак-бурчаклардаги чойхоналардан паловхўрларнинг енгил кулги, қаҳқаҳалари, шахмат, шашка доналарининг тахтага такиллаб, тарсиллаб урилиши, қарсиллаб ёрилаётган ўтин товуши, болтанинг жангиллаши, қаердадир яқин орада жиққамушт бўлаётган мусича қанотларининг «патир-путур»и эшитилиб турарди.

Куз. Ҳазонрез фасл ўзлигини намоён килмокда эди: учи, четлари жингалак чинор япроқлари майнин, кизғиши тупрок узра пилдираб учиб юрар, у ер-бу ерда супуриб тўплаб кўйилган хас-ҳазонлар ғарам-ғарам бўлиб турарди. Ҳувиллаб қолган отўйин, занжир билан бир-бирига маташтириб боғланган ҳалинчаклар, отнинг калласидай қулф осиғлиқ чархпалакларнинг ёғоч ва тунукалари сарғайган япроқлар билан қопланиб, чанг босиб ётарди. Ҳатто мангу яшил дарахт деб аталувчи арчаларнинг майда барглари ҳам оч жигарранг тусга кирган, кўл теккизилса оҳиста тўкиларди.

Боғни айланишга Шавкатнинг хоҳиши йўқ, бунинг устига кифтидаги сумка ҳам борган сари оғирлашиб кетаётгандай эди.

Ўртадаги катта гулзор рўпарасида бир оёғи майишиб, кўкимтири, бўёқлари пўрсилдок бўлиб ётган ўриндикка ўзини ташлади.

Боғда атрофи бута гулдан четан девор килиб қуршалган катта-катта гулзорларда кизил атиргуллар очилиб ётар, бирок негадир уларнинг иси йўқ эди. Қайтага, хув бир четда оқаётган ариқ томондан зах ҳиди, ўчокда тутаб сасиётган карагай ҳиди келарди.

Шавкат зерика бошлади. Ҳа-да, ўйнайдиган ўйин, гаплашадиган ўрток, томоша қиласидиган нарса бўлмаса...

Вақт ҳам мўлжалга яқинлашиб келарди.

Шавкат сумкасидан нонларни олиб, кўнгли тиламайгина еди. Мурвати бузук водопроводдан жилдираб тушаётган сув кизғиши қумга сингиб ётарди. Шавкат жўмракка оғзи ни тутиб, қониб-қониб ичди.

Шавкат биринчи троллейбус бекати томон оҳиста кадам ташлаб бораркан, юрагининг хувиллаган бое каби бўй-бўшлигини сезар, бирок бу бўшлиқни шу лаҳзаларда нима тўлдира олиши мумкинлигини билмасди. Назарида кўкраги остида, қалб деб аталувчи номаълум жойида озгиня яра бўлиб, хозир айни яллияланиб, илвираб тургандай, бу ярага факат дилга энг якин, энг азиз бир инсоннинг меҳри, тасалли ва ҳамдардлигигина малҳам, шифо бўлишини ғира-шира тасаввур килар, шу ҳакда ўйлаб, хаёл суриб борарди.

У оёқларини судраб босар, иккиланар, гўё кўринмас бир қўл уни орқага тортса, иккинчи қўл олдинга етаклаётгандай эди...

Эрталабки қарори бўйича таваккал килмоқчи бўлди. У пул ўғирлаш фикридан воз кечганди. Аяси ҳар куни мактаб буфетидан коржик билан чой ичишга деб танга берарди. Тонг сахар, режасини пишираётган пайтда бир кўнгли ана шу тангаларни тўплаб, йўлкира жамғармоқчи ҳам бўлди, бироқ бу никоятда мушкул савдо эди. Бунинг учун аввало эсласа юраги безиллайдиган, кўргани кўзи йўқ мактабга бориш керак. Иннайкейин, чақалардан качон беш сўм йигилади-ю...

У иккилан-иккилан троллейбусга ўтирди...

Вокзалга етиб борганида вакт ҳали эрта эди. Бу ердаги

тумонат одамни кўриб, саросимага тушди. Ўзини қўлга олиб, залворли ойнабанд эшиклардан ўтган сафар аяси билан чикишган поезд йўллари олдидаги майдонга ўтди. Поезд қайси томондан келиши, вагонга қандай чиқиб жойлашганлари – ҳаммаси бир-бир эсига туша бошлади.

Майдонда одамлар ойнаванд деворнинг бетон токчасига симёгочдаги қалдирғочлардай катор тизилиб ўтириб олишганди; баъзилари писта чакар, бирор мороженое ер, кимdir буруксатиб папирос чекар, айримлар оёқларини ликиллатиб ўзаро сухбатлашар ё оғзиларини катта очганча эснаб, мудрашарди. Ҳамманинг бир кўли ёнидаги тугун боричида, ё чамадон, ё портфель бандида эди.

Майдон яқинидаги темир йўлларда поезд йўқ эди. Фақат ҳув четдаги бир-бирини кесишиб ўтган излардагина кўмир ва ёғоч ортилган вагонлар турарди.

Шавкат залга қайтиб кирди. Бўш жой топиб ўтиримокчи, кечга яқин одамлардан Андижонга борадиган поезднинг қачон келишини сўраб олмокчи бўлди. Поезд келгач, билет текширадиган формали кишидан мени олиб кетинг, деб илтимос қиласи, унамаса, кўзини шамғалат қилиб чиқиб олади.

Залда бўш ўрин йўқ, ўриндикларда эркак-аёллар газета-журнал вараклашар, ёш болалар тинмай чугурлашар, ота-оналари уларни дам яхши гапириб, дам пўписа билан тинчтишига уринишарди. Сочлари девоналарникideк тўзғиб, кўнғирок учлари елкасига тушган йигитлар, кўз ва қовоқлари бўялган қизлар бир-бирининг пинжига бош қўйиб, пинакка кетган, қайси бир бурчакда кимdir авж пардада хуррак отарди; скамейкаларнинг тагида катта-катта бўхчалар, каппайган эски-туски коплар, биқинига серишва қизларнинг сурати туширилган попукли, емхалтани эслатувчи елим, чипта, чарм сумкалар қалашиб ётарди. Жой етишмаганидан баъзилар ерга чордана қуриб олишган, чорсиларини дастурхон ўрнида ёзишиб, баҳузур тамадди қилишарди.

Шавкат кутиш зали бўйлаб айланиб юра бошлади. Вокзалга кочиб келиши аяси билан дадасининг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаслигига ишончи комил, шу сабаб хотиржам эди. Уйдагилар нима деб ўйлашаркин? Кочиб кетганини сезишармикин? Хуллас, дадаси билан аясига роса бўлиб берадиган бўлди. Кечаси билан даканг

хўрзлардай бир-бирларига кекирдак чўзиб чиқишиади. Ҳа, уларга қайта яхши бўлди, ахир, уриш-жанжалсиз кун кечиришолмайдику! Иккаласининг, айникса, аясининг тили доим кичиб туради. Қайдам, эҳтимол кўполликлари, ундан бирор марта дардинг нима, деб сўрашмагани учун ўкиниб, таъбасига таянишаётгандир. Балки Шавкат қочиб яхши иш қилмаётгандир... Аяси билан дадаси бугун ҳар қачонгидан ёмон, каттиқ уришиб колишар?.. Унга нима? Ўзларидан кўришсин.

Ҳаммаси майли-ку, машина-пашина уриб кетдими, деб гумонсираб, вахима қилиб юришса-я, уни ахтариб кўчамакўча, касалхонама-касалхона изғишишса-я... Шавкат дадасининг ранги кув ўчган, кўзлари бесаранжом ҳолатини, аясининг ғазабдан пирпираётган, гезарган лабларини, чимирилган қошларини кўз олдига келтириб, мийигида кулиб кўйди... Бир-икки кун хавотирланишса зарари йўқ, борибок ҳат ёзиб юборади...

Унинг шошиладиган иши йўқ, шунинг учун у ёқ-бу ёқни бемалол томоша қилиши мумкин. Бекорчиликда одамларни кузатиш ҳам марокли машғулот. Ҳаммасининг юриш-туриши, хатти-харакати, қиёфаси ҳар хил...

Вокзал кизик жой экан. Бирор билан бирорнинг иши йўқ. Шавкатгаям хеч ким нима қилиб юрибсан, демайди. Факат боядан бери эшник олдида турган милиционер унга ғалати қараб кўйяпти. Биронта ука-пукасига ўхшатяптимикин? Ана, ёнига шериги келди. Улар пичирлаша бошлашди. Нима дейишяптийкин? Шавкат улардан ўн беш кадамча берида, ойна-девор токчасига ўтиришга сёғи етмаганидан, орқаси билан сұянниб туради. Унга қарашиди. Янги келгани кифт коқиб кўйди, кейин иккалови шу томонга юришди... Бола ҳам уларга кизикиб қараб тураверди. Агар бунака бўлишини билгандар, шартта жуфтакни ростлаб колар ва уларга думиниям тутқазмас эди-я. Бирон нарса сўрашса керак, деб ўйлабди-да. Ҳатто... ҳатто ўшандадан ёрдам сўрашни, мени Андижон поездига чиқариб юборинг, деб илтимос қилишниям кўнглидан ўтказиби-я. Заподамини топган экану...

Милиционерлар унинг олдида тўхташди.

— Хўш, болакай, мактабга бормадингми ё қочдингми? — унга кулимсираб тикилди биринчиси.

Шавкат, мактабга бормаганимни милицияга айтишгану улар излаб келишган деган фикр бирдан миясига урилиб,

довдираб қолди. Ишни хом қылганини тушунди. Сумкаси-ни бир жойга яшириб келса бўларкан. Милиционерлар уни оркасидаги ана шу сумкасидан билишган-да, бўлмаса қаёқдан танирди.

Хуллас, боланинг иши ўнгидан келмагани аён эди. Милиционерлар сўраб-суринтиришиб, гап нимадалигини билиб олишди... Кейин келгани унинг ох-вояхи, илтижола-рига парво қилмай, қўлидан етаклаб бекатга олиб борди. «Ўзим кетавераман», деганига қарамай троллейбусга бир-га чиқди.

Троллейбусдан тушгач, Шавкат: «Буёғига ўзим...» деб ҳўп зорланди, иккинчи қочмасликка сўз бериб, ялинди, лоакал уйларига кирмасликни, дадаси билан ясига айт-масликни ўтиниб сўради. Бирок милиционер кулок сол-май, унинг билагидан махкам кисиб ушлаганча олиб кетаверди.

Шавкат ёлворишдан тинмас, бунга жавобан милиционер ҳам жавраб борарди. «Қани, юр, юр тез-тез! – дерди у, – катта бўлганингда сендан нима чиқарди, ўғри, безори чиқади, вассалом. Қанча одамни уйини кўйдириб, қанча-мизни сарсон қиласан сендақалар... Ҳамма айб ота-онангда: бошвоғи йўқ итдай қўйиб юборишади: мактабга бор-дингми, чўнтақка тушдингми, ўлдингми, колдингми – та-риқча иши йўқ. Ота-онага бола, бизга балосан сенлар... Худди сенлардан бўлак ташвишимизу бошка қиладиган ишимиз йўқдай...»

Шавкат милиционернинг гапларини деярли эшитмас, ич-этини ташвиш кемираради. Унга қандай жазо беришар-кин? Аяси қанака ахволга тушаркин? Ялинармикин? Йиғлармикин? Ё роса калтаклармикин? Ёки: «Бўлди, энди сени қишлоққа обориб қўймасак бўлмас экан», дермикин? Қани эди шундай деса! Йўқ, агар ўша аяси бўладиган бўлса, икки дунёдаям бунака демайди. Ҳа, икки дунёдаям!

Йўлакда юз-кўзларидан кора тер куюлаётган, соchlари кулгили тарзда хурпайиб кетган дадасига дуч келишди. Афтидан, у хозиргина қаёқдандир чопиб келиб, лифт кута-ётган эди. Буларни кўриб кўзларини, оғзини катта очди, соchlари тикка-тикка бўлиб кетди. «Шавкат!» дея хитоб қилди-ю, бошка гапиролмади. Шавкат қунишиб олди. Милиционер қўлларини тўлғай-тўлғай Кудратга нималарни дир уқтирас, таъкидлар, лекин у беҳуда куйиб-пишаётгани – «қимматли ўгитлари» елга учайтганини англағач: «Айтма-

димми, ота-онасидан бош...», дея жавраганча ташқарига чиқиб кетди.

Кия очик эшикдан аввал Шавкат кирди. У аясининг кайси хонадан югуриб чиққанини ҳам пайқамай қолди. Ҳабиба ўғлини бағрига махкам босиб, юз-кўзларидан ўпа кетди. Иягини Шавкатнинг дағал сочларига босганча унинг елкаларини гайришуурый тарзда силаб-сийпалай бошлади. Нукул: «Шавкатжон... ўйлим!..» дерди, холос. Боланинг нафаси қайтиб кетди – уни тўлғок азобини еб тукқан жонажон онаси кўксидаги нафаси қайтиб, типирчилади, бошини копқондан суғургандек орқага тортди – унинг ҳам киприклирида ёш йилтирас, бироқ аясининг оғушига сингиб кета олмас, унсизгина йиглаб турарди.

Аяси: «Уканг қани?», дея қийин-қистоққа олиб сўккан (эҳтимол, «буров» ҳам бергандир!) бўлса керак, Шухратнинг кўзлари йигидан қизарган, Шавкатга қовоғини уйиб қараб-қараб кўяр, аммо ҳеч нарса демасди.

Отаси батамом хурпайиб олди. У хонадан бу хонага, йўлакдан айвонга кириб-чиқар, қўлларини дам орқага, дам кўкрагига чирмаштириб, дам пижамаси чўнтағига солганча айлангани-айланган, ҳар замон лабларини қимтиб, чўзиб-чўзиб: «Да!.. Да!..» деб кўярди.

Ҳабиба эса Шавкат атрофида парвона – тинмай гапирипар, боланинг тушига ҳам кирмаган меҳрибончилик ва сийловларни ваъда қилар, бўлар-бўлмасга кулар, уни еб-ичишга ундарди. Шавкат ҳамон тунд ва жим эди.

У дам-бадам хўрсиниб, тўлғаниб, ярим соатлар чамаси бедор ётди-ю, кейин ухлаб қолди. Шу заҳоти туш кўра бошлади. Тушида поездда кетаётган эмиш. Бир маромдаги тақа-тук, тақа-тук садоси гўё бешикка осилган қўнғироқдек уни аллалар, энажониси поезд-бешикни авайлаб-гина тебратар; дам ҳавозасиз, ипсиз муаллақ осмабелан-чакда чайқалиб бораётган бўлиб коларди. Бир маҳал ўртада дарё пайдо бўлди. Нариги қирғоқда аёлми-эркакми, ёши-ми-карими – туслаб бўлмайдиган аллаким чўнқайиб ўтирипар, худди болани юришга ўргатаётгандек, икки кўлинининг томон чўзиб: «Кела кол, ўта кол», дегандай ўзига чорларди... Шавкат бу бетда сув кечишига шайланиб турарди: дарё поёнсиз, суви лойқа, тўлқинлари бежо эди. Сув белига чиққунча кечиб борди, сўнг бир-икки сесканди ва чўчи масдан окимга ўзини отди. Тўлқинлар гўё: «Бор отангга, бор онангга», дегандек Шавкатни бири иккинчисига

улоктириб суреб кета бошлади Бешик-бешик түлкинлар хам вахимали, хам гаштли, сув хам совук, хам илик, хам ёкимли эди.

Шавкат уйқусираб дам жиддий тортар, дам жилмаярди.

## Саросима

Кудрат билан Ҳабиба қаттик саросимага тушишди. Қылтирик Шуҳратни каторга қўшаман деб-ку, она сутлари оғзига келди. Гунгми, лаллайганми, одамовими, баттарми, ишқилиб, шунчалик қилиб олишди, шунисига хам шукур. Асли ундан умид хам йўқ эди. Эҳ-хе, Тошкентда Шуҳрат ётмаган касалхона хисоби билан қолди: сариқ касал, ичбуруғ бўлди, ўпкаси-ку ҳар йили қишида кам деганда икки марта шамолларди; муштдай бўла туриб муртак бези – ангинасини олдиришга тўғри келгани-чи... Териям пишиқ нарса бўларкан. Вой, бу боланинг баданига санчилган игналар... илма-тешик бўп кетди-ёв! Ҳатто врачлар хам Кудрат билан Ҳабибага сиртдан сездирмасликка уринишсаям, болага кўл учиди карашарди. Хуллас, Шуҳратни ана шундай азоб-укубатлар, «ана кетди-мана кетди» таҳликалари билан ўстиришди. Лекин Кудрат билан Ҳабибанинг бир томондан кўнгиллари тўқ эди: уларнинг жасур, катъиятли, ҳақиқий ўғил болага хос хислатли Шавкатдан умидлари катта эди. Одатда бундай бола удли-шудли бўлиб етишади, ота-онасига аскотадиган бўлади, ҳаётда ҳар қанақасига йўлини топиб кетади. Гарчи ўз бағирларида униб-ўсмаган бўлсаям, ота-онанинг бола ўзларига эл бўлиб кетишига заррача шубҳалари йўқ эди. Ишнинг бундай чаппасига айланниб кетиши уларни тамоман эсанкиратиб кўйди. Илгари ҳамма нарсани – диссертациянинг битавермаганини, кўл кискаликни, рўзгордаги баракасизликни, «сен-мен»га боришни – ҳамма-ҳаммасини шароитнинг нобоплигига йўйиб, шунга борглашарди. Айникса, Кудрат, уй олганимиздан кейин ҳаммаси жойига тушиб кетади, деб, ўзиниям, хотининиям ишонтириб келган эди. Мана, уйниям олишди. Қаёқда! Ҳаммаси баттар қиялаб кетяпти. У ёқда диссертация сурилиб ётиби. Ким билади, энди қачон химояга қабул қилишади. Ўша лаънатини ёзаман деб, Кудратнинг коп-кора сочи мошгуруч бўлди. Билмаган одам ёшига камида ўн ёш кўшиб айтади. Энди ишқалнинг зўри бу ёқдан чиқадиганга ўхшайди... Вой тавба-ей! Муштдай бола поезд-

га чиқиб қочиб кетмоқчи бўпти-я. Адашиб-нетиб кетиб, ёмон одамларнинг қулига тушиб қолса.. Раҳмат, ўша милиционерга... Шавкатни Тошкентга олиб келгунча озмунча интизор бўлишдими! Ахир энаси боккани билан, бари бир, у бизнинг фарзандимиз, хоҳлаган пайтда олиб келаверамиз, деб кўнгиллари тўқ юришарди-да. Бошқа ишларимиз учун ўнгидан келмасаям, иккита ўғлимиз бор, деб ўзларига тасалли беришар, қувониб юришарди. Ҳабибанинг тили узунлигига сабаблардан бириям шу эди-да. Ахир ана-мана дегунча бир эмас, иккита қўчкордай ўғилни думалатиб, эрига шерик қилиб қўйди. Энаси бокса нима қипти? Ҳамма гап аччик тўлғок еб туғишида. Бола эсон-омон ерга тушгандан кейин умридан бўлса, йиғлаб-сиктаб катта бўлаверади. Бу тирмизакнинг ҳалитдан кўрсатган кароматини қаранг. Йўқ, жиддийроқ туриш керак. Бунакада боланинг тарбияси бузилади. Ҳозирдан қайириб олиш керак. Кейин кўзёш тўкиб юришнинг фойдаси йўқ.

Нонуштадан кейин Ҳабиба Шухратни ташқарига чиқариб юборди.

— Сен бола, менга кара, — гап бошлади у Шавкатни рўпарасига ўтқазиб олиб. — Сени туккунча она сутим оғзимга келган. Уйимиз йўқлигидан сени вақтинча энанг бокиб турди. Бола деган ота-онасининг бағрида бўлиши, уларнинг кўлтиғига кириб, оғирини енгил килиши керак. Одамлар шу ниятда бола бокишади, ўстиришади. Сен бўлсанг...

Кейин аяси Шавкатни ўзига ўхшаган муаллимага олиб бориб топширди. Аяси билан муаллимасининг бир-бирига чакчайиб қараб турганини кўрган Шавкат уларда чиндан ҳам ўхшашлик борлигига амин бўлди. Бўйлариям баравар, гавдалариям teng, факат аяси сочини орқасига кўнқайтирган бўлса, муаллимаси тепага гумбаз қилиб олган, узоқдан унинг боши иккита кўринарди. Ҳа, айтгандай, муалиманинг қонсиз, гўштисиз юзини туртиб чиккан ёноғида думалоқ, кичкина пиёланинг орқасидай келадиган чандик изи бўлиб, бир карасангиз, худди бирор чакични ботириб олганга, яна бир зеҳн солсангиз, нимадир тишлигандага ўхшарди...

Кечқурун аяси кеч бўлсаям, тепасида туриб вазифасини тайёрлаб бўлмагунча, ётишга рухсат бермади. Шухратгаям укангга қарашвор, деб тайинлади.

Шавкат уч-тўрт кун тишини тишига кўйиб юрди. Ая-

сининг дағдағаларини, милиционернинг зуруми ва яна унинг құлига тушиб қолишни ўйласа, юраги орқага тортиб, дами ичига тушиб кетарди. Бирок бундай шароитта узок дош бериш мүмкін эмаслигини ич-ичидан сезарди. Уйда бирор билан тузук-курук гаплашолмасанг, күчада болалар билан эмин-эркин, ёзилиб ўйнолмасанг, мактабда вазифанг чала деб таъзир берса, кулги қилишса... ғазабингни ичинингга ютишга мажбур бўлсанг... Нимжон ва хидсиз районлар ҳам аллакачон ковжираб, тўққизинчи каватдан ғазаб билан ерга улоктиришларини ёки ахлатга қўшилиб, маҳсус қувурга ташланишини алам ва таҳлика билан кутмоқда. Бу хонадонда кўнглига гул сифадиган одам қолдими... Ҳамма-сигаям чидаш мүмкін эди-ю, уйдаги ахволга кўнишишнинг иложи йўқдек эди... Шухрат ҳамон ўша-ўша: вактида овқатланади, вактида ўйнайди, китоб ўқийди, ухлади. Гапириш жудаям зарур бўлиб колса, ўйлаб кўради: агар «ҳа» ё «йўқ» билан битишига кўзи етса, албатта шунисини маъқул кўради. Вой, унинг қорни тарс ёрилиб кетмагани!.. Аяси бўлса... аяси ишдан келади ю кўзи жавдираб Шавкатни излайди, кўринмаса «қани... қани...» лаб қолади... Дадаси... дадасидан ҳам қўлинни ювиб қўлтиқка урди. Аввало бир ерда бирпас хотиржам ўтирмайди, ўтирсаям, Шухратга ўҳшаб, доим қўлида китоб... Колаверса, у ҳам аясининг чизган чизигидан чиқмас экан, қайтага ундан ҳайикар экан... Эх, бирам энасини кўргиси келадики... келинайасини, тоғасиниям... Лекин аяси, энди қишида, Янги йил кани-кулингда борамиз, деб гапни узил-кесил килган...

Шавкат аясининг «Энди узок-узокда бориб боланинг кўнглини энасидан совитиш, ўзини бу ерга кўниқтириш керак», деган қарорга келгани ва бу қарорини дадасига ҳам тасдиқлатиб олганидан бехабар эди.

Аммо бундай қарорга келишга асос бор: ахир, бола қандоқ чиройли юрувди, кишлоққа бир бориб келди ю айниди-колди... Энаси ё бошқа бир нарса деганми...

### **Яна омад кулиб бокмади...**

Бўлмади. Боланинг митти юраги аясининг дўкларию, милиционер қўлига тушиб қолиш хавфидан ҳам устун келди. Яна бир уриниб кўришга аҳд килди. Сумкасини энди-гина пойдевори кўйилган уйнинг бир бурчагига устига хас-хашак ташлаб яширди (яна ўтган сафаргидай бўлиб ўтир-

масин-да). Кейин троллейбусга чикди. Вокзалда бугун одам ўтган сафаргидай кўп эмас эди. У милиционернинг кўзига чалинмаслик учун олазараклик билан атрофни текшириб, бир бурчакдан бўш жой топди, кисилиб-қимтиниб ўтириб олди. Бирок хаяжони, юрагининг гуп-гуп уриши кучайгандан кучайиб борарди. Аммо нимагадир бугун мелиса зоти кўринмасди. Шавкатнинг кўнгли хийла таскин топиб, энди бошқа нарсанинг ташвишини чека бошлади: ишқилиб, формали тоға хўп десин-да. Кексароғининг олдига бориш керак. Кексалар раҳмдил, меҳрибон бўлишади, энасига ўхшаб... Бунча кеч кириши кийин бўлди-я. Тезрок коронги тушсайди, поезд ҳам келарди. Қанча поезд келяпти-ю, лекин бикинига «Тошкент – Андижон» деб ёзилган поезддан ҳеч дарак йўқ. Ҳа, у кечрок келади. Бурунги сафар ҳам коронғида келган...

Шавкат корни очикқанини сезди. Навбатга туриб, буфетдан иккита коржик олиб еди.

Ҳозирча ҳаммаси яхши. Корин тўйиб, кайфу кетди. Коронги тушяпти. Ҳеч қанака мелиса-пелисанинг кораси кўринмайди.

Мана, ниҳоят бола зориқиб кутган поезд пишиллаб келиб тўхтади.

Шавкат юраги қинидан чиккудай бўлиб ойнабанд эшикдан ташкарига отилди. У ёк-бу ёкка югуриб, ўзи ўйлагандай, кексарок формали тоға одамларни поездга чикараётган жойда тўхтади. Йўловчиларнинг чикиб бўлишини кутиб, сал четроқда туриб турди. Мана, юкли, юксиз, катта-кичик, эркагу аёллар чикиб бўлишди, формали тоға холи колди. Шавкат ён-атрофига жаланглаб, унга якин борди. Аммо шу пайтда юраги шунака гурсиллаб уриб кетдики, назарида ташкарига баралла эшитилаётгандай, формали тоға ҳам «нимага юрагинг бунақа каттиқ уряпти, нимадан чўчияпсан», деб сўраб коладигандек эди. У юраги билан алаҳсиб турганда қулогига қандайдир шарпа кирди ва бирор билагидан махкам сикиб ушлади. Шавкат кўркиб кетиб, калтираб ёнига каради. Рўпарасида юзларидан шовуллаб тер куюлаётган, соchlари кулгили тарзда хурпайиб кетган, оғзини катта очганча ўпкаси томоғига тиқилиб хансираётган дадаси туради...

Шундай қилиб, унга яна омад кулиб бокмади. Бироқ бу гал уни уришмадилар. Қайтага аяси бағрига ўтган сафаргидан ҳам қаттикроқ босиб йиғлаб юборди. Йиғлаб туриб,

нукул унинг бошини силар: «Нимага бунақа қиласан, ўрлим, сенга нима ёмонлик қилдик, ахир мен ўз туккан онангман-ку», деб зорланарди. Бола довдираб қолди: у аясининг кўзларида ҳам ёш борлигини хаёлига келтирмаган экан. Шундан сўнг аяси бутунлай ўзгариб қолди. Эрталаб нонга сарёғ сурис берар, энди Шавкатнинг шимларини ўзи чўткалар, ботинкасини артиб-тозалар, яхшилаб кийинтириб мактабга жўнатар, сумкасига ўғли яхши кўрадиган конфетдан уч-тўртта солиб кўярди. Бола, хатто, аяси биринки марта кечаси устини ўраб кўяётганини сезиб қолди, лекин кўзини очмай ётаверди. Ўзиям аясини яхши кўриб бораётгандай, унга эркалангиси келаётгандай бўлиб юрди. Бироқ бу кайфият ҳам узоққа чўзилмади. Чунки аясининг меҳрибончиликлари энасининг давал, тўпори эркалатишлари ўрнини босмаётганидан ташқари, болага секин-аста ботинкирамай қола бошлади. Шавкат аясининг меҳрибончиликлари юракдан, самимий эканлигига ўзини ишонтиромокчи бўлар, аслида ҳам шундай бўлишини жуда-жуда истарди.

Бир куни нонушта чоғида Шавкат ўзидан узокроқдаги ялтирок чойнакдан пиёласига чой қуйиб олиш учун кўл чўзган эди, нима фалокат босиб стол лабига сурилиб қолган сариёғли ликопчани бехосдан туртиб юбордию чинни идиш полга жаранглаб тушиб, чил-чил синди. Бола, баданини яшин тезлигига жимиirlатиб ўтган ҳадикда ялт этиб аясига қаради ва... нигоҳи хўмрайган ковоклар остидаги кўзлар билан учрашди. Аммо аяси ярим очик, чўччайган лабларини дарҳол кайта юмди, шу захоти чимирилган зулук қошларини бирлаштирган тугучак ҳам ёзилди, найзадек киприклар орасидан сачрашга улгурмаган қаҳр учкунлари бир чақнаб сўнди. Бироқ кўзлар тўқнашган ўша бирлаҳза, балки лаҳзанинг ўндан бир улуши ҳеч нарса ўзгармаганлиги, ҳаммаси ўша-ўша, бояги-бояги эканлигига ишонч ҳосил килиш учун кифоя эди!

Қочиш фикри тарин унга тинчлик бермай кўйди. Ўғлининг яна тумтайиб олганидан, меҳр ришталарининг кун сайин ингичкалашиб, созланган тор симларидаи таранглashingиб бораётганидан жиддий таҳликага тушган, қалбини қандайдир англаб бўлмас хавотир туйғуси кемира бошлаган Ҳабиба ўғлининг кўнглини кўтариш, дилига йўл топиш чораларини ахтаришга киришди. Бир куни Табиат музейига, бошка куни циркка олиб борди. Бола музейдаги экспо-

натлару манеждаги күзбайлогичлик, масхарабозликларни катта қизиқиши, хайрат билан томоша килди, артист бошини шер оғзига тикканда унинг юраги хаприкиб, бақириб юбораёзи, хайвонот боридагидек мирикиб завқланди, яйраб-яшнади. Бирок күчада, иссик ердан совук жойга чикиб қолган одамдай кунишиб олди. «Қочиш керак!» унинг миясида мана шу иккитагина сўз чарх уради. Аммо энди ишни янаем пухта килиш керак. Оркасидан етиб олишмайдиган йўлини ўйлаб топиши лозим. Аясию ишдан кеч кайтади, ундан хавотирланишнинг ҳожати йўқ, шу... дадасининг масаласи чаток-да. Уям баъзида кеч келади, аммо қачон, қайси куни кеч келишини билиш кийин-да!

Бахтига бу масалаям хал бўлди. Бир куни дадасининг аясига «бугун кеч қайтаман, областдан ўртоклар келишган», дегани қулоғига чалиниб қолдию, шу дақиқадан эътиборан бола тинчини йўкотди. Бундай қулай фурсатни кўлдан чиқармаслик керак! Энди формали төвалардан хам илтимос килиб ўтирумайди. Ўша куни кўрди: болалардан чипта сўрамади. Буям катталарга қўшилиб олади-да, орадан ўтиб, лип этиб чикиб кетади.

### «Жин чалган» чол

Поездга, одамларга қўшилиб, орадан лип этиб чикиб кетиш хам бола ўйлаганчалик осон эмас эди.

Дастлабки кўнгилхиралик троллейбусда рўй берди: машина ярим йўлга борганда тўхтаб қолди. Олдинда хам троллейбуслар каторлашиб турар, уларнинг боши кўринмасди. Ток келмай копти. Ҳамма тушиб кета бошлади. Шавкатнинг мияси котди, саросимада қолди. У вокзалга яна қанақа транспорт боришини билмасди. Ўтираверай деса, хали кун ботмаган эса-да, хаёлида кечикаётгандай, поезд кетиб қоладигандек туюлаверди. Бирдан кўрқиб кетди: троллейбус коронги тушгунгачаям юрмаса, унда нима қилади? Ўларини қандай топиб боради? Уйга қайтиб боришдан-ку ёмони йўғ-а, аммо поезддан кечикса бошка каёкка хам борарди, албатта, уйга қайтишдан ўзга чораси колмайди-да... У йиглаб юборишдан ўзини базўр тийиб турарди. Уч-тўртта йўловчининг троллейбус ойнасига елка тираганча бамайлихотир мудраб ўтиришигина унга тасалли берар, шу сабабдангина кўнглиниг бир чеккасида умид шами милтиллаб турарди.

Хайрият, олдиндаги троллейбуслар жилди. У ўтирган троллейбус ҳам ёкимсиз шарак-шурук килиб юриб кетди.

Вокзалга келиб хайратдан эси оғиб, ёқасини ушлаб колди, вахима босди: одам демагани жахон-оламга сиғмайди, туртилмай, урилмай юриш мутлақо мумкин эмас эди. Күтиш залларию, очик майдонларда юқ-так, ашқол-дашқол-нинг кўплигидан оёқ босарга жой қолмаганди.

Боланинг юрагини ташвиш, таҳлика кемирарди. Шунча одамнинг орасидан қандай қилиб поездга чиқа олади? Башарти, қолиб кетса ҳоли нима кечади? Шу сафар ҳам йўли очилмаса, тамом, умидни узавериш керак. Қайта қочишга уриниб ҳам бўлмайди, энди бунга йўл ҳам қўйишмайди. Бордию, шундай бўлиб, яна уйга кайтишга тўғри келиб колса, бу гал қандай жазо беришаркин? Аяси канака ахволга тушаркин? Ялинармикин? Йивлармикин? Ё энди роса калтаклармикин?

Бу сафар хилма-хил йўловчиларни томоша қилиш ҳам кўнглига сиғмасди. У ўта бесаранжом ва безовта эди. Ҳеч каёкка, ҳеч кимга карамас, икки кулоги, бутун вужуди аҳён-аҳён вокзал радиокарнайларидан янграётган «Диккат, диккат!..» деган сўзларда эди. Назаридаги поезд кечикаётгандай эди. У залда туртиниб-суртиниб, холироқ жойларни кидириб юрарди. Иттифоқо, ўриндиклардан бирида кора ялтироқ, тутқичи эгирмачак ҳассасига кафтларини қўйганча, кулранг, пахмок соколли жағини тираб ўтирган чолга кўзи тушиб колди. Чолнинг чап ёнори ичига ботган, ўнг ёнори кабарик, ўнг кўзи ҳам чалига нисбатан катта ва бақанинг кўзларидай коса-посаси билан иргиб чиқкан, чап коши қўйига, ўнги эса юкорига қараб кетган, узоқдан назари тушган одамга бу кош цирк масҳарабозлариникидай бужмайган, мөшранг шляпаси остидаги кулранг соchlари билан кўшилиб кетгандай кўринарди. Устки лабининг чап ёғи кесиб олингандай, хунук тишлари очилиб турар, ўнг томони эса, аксинча, худди ари чаққандай шишиб оғзини ҳам ёлиб тушганди.

Шавкатнинг юрагини бирдан вахима босди. У қишлоқда: «Бемахалда юрган одамни алвости йўлдан оздирниб, жин чалиб, бирон жойини кийшайтириб кетади», деган гапларни кўп эшитган, аммо ҳётда вассваса ва мишишларнинг жонли мисолини учратмаган эди. Наҳотки рўпарасидаги хунук, совуқ кўзларини бакрайтириб унга тикилиб ўтирган, важоҳатидан от хуркадиган чолни жин чалиб кет-

ган бўлса?! Шавкат ундан нигохини олиб қочди. Ўзини налғитиш учун бошқа тарафларга кўз югуртириди. Аммо хаёлида «жин чалган чол» киёфаси маҳкам ўрнашиб колган, қандайдир ғойибона бир куч, тўғрироғи, қизикиш уни ўша томонга карашга ундарди. «Йўқ, қарамаслик керак, – деб хаёлидан ўтказди бола. – Афти курсин, жудаям қўрқинчли экан, агар кечаси туш-пушингга кириб колса борми, юрагинг ёрилади». Бироқ бояги ғойибона куч чолни яна бир марта дурустрок кўриб олишга кистарди. Бўлмади, қаради. Карадио оёклари қалтираб кетгандек бўлди. Чакчайган, бири катта, бири кичик кўзлар ҳамон унга ўқрайиб тикилиб турар эди. Чиндан ҳам унга караб ўтирибдими ё бошқа томонгами, ишқилиб, Шавкатга шундай туюлди. У шоша-пиша ўрнидан турди-да, залдан чиқиб кетди. Лекин анчагача юрак уриши пасаймади, ҳадиксираб орқасига, ён-верига караб кўярди.

Шовқин-сурон, вавир-вугур кучайди. Аллақачон көронғи тушган, лекин поезддан ҳамон дарак йўқ. Нахотки бутунлай келмай қолса? Шунақа бўлишиям мумкинмикин? Ким билсин, балки мумкин, балки мумкин эмасдир.

Нихоят, ингичка, хиркироқ овоз биринчи йўлга «Тошкент – Андижон» поезди келиб тўхтаганини эълон қилди. Бир зумда олатасир тўполон бўлиб, перронга одам сиғмай, ҳаммаёкни: «Хой, Тошмат! Ҳўв, фалончи!» деган хитоблар босиб кетди.

Бола юраги қинидан чиккудай бўлиб, ойнаванд эшикдан ташқарига отилди. Лекин ҳамон бир қарорга келолмас, нима қилишни, қандай йўл тутишни билмай гаранг эди. Бу ерда билетнинг ҳам, «формали тоға»нинг ҳам хизмати қолмаган эди. Поезд ҳали тўхтамасидан юкли, юксиз катта-кичик, эркагу аёллар мўр-малаҳдай гувиллашиб, ўзларини вагонларга уришар, бир-бирини туртиб ўтиб кетишаверар, кизлар, аёллар бир-бирларини чақириб кичкиришарди. Поезд тўхтади. Одамлар энди тўдатўда бўлиб вагонларнинг эшигига ёпирилишди. «Формали тоғалар» пастга тушмай, тепада, эшик оғзида туриб одамлардан тартиб сақлаб, битта-биттадан чиқишлирини талаб қилишарди. Яхшиликча асаббузарлик, ур-ийикит бўлмасин, деган олижаноб ниятларига хеч ким парво қилмагач, улар бакиришга, сўқинишга ўтишди. Лекин яна бир зумдан кейин уларнинг овозлари эшитилмай қолди, бўй-бастлариям кўринмай кетди.

Шавкат ҳам умумий вагонлар қаршисига бориб қолганди. Таваккал килиб тўдалардан бирига ўзини урди.

У одамлар орасидан ёриб-ёнбошлаб, сирғалиб олдинга ўтиб кетмоқчи бўлар, бирок уринишлари бехуда эди; чумолидек ғужғон ўйнаган бу тирбанд ҳалойик орасидан бола у ёқда турсин, ҳатто шамолнинг ҳам ўтиши амримаҳол эди. Шунга қарамай, у кимларнингдир енги, ёқасига осилиб, тирмашиб, ўшаларга қўшилиб олдинга интиларди. Ортидан яна одамлар тикилиб кела бошлади, у ўртада қолиб кетди. Оркадагилар бир «ҳа-ху!» дея зўр беришган эди, бола ўмгани билан олдингиларга қапишиб колди. Қаеридир кисирлаб кетди. У чинкириб юборди. Тўдадан чикиб кетмоқчи бўлди, аммо энди бунинг иложи йўқ эди; у ҳатто қайрилиб қарашнинг ҳам эвини қилолмади. Пахтадан қайтган студентлар Шавкатга ўхшаб эналарини, қишлоқларини соғинишган, ўша ёкка ошикишар, улар ҳам Шавкат сингари нима бўлсаям, поездга илашиб колсан бас, деган илинжда интилишар, талпинишарди. Улар хозир боланинг дод-войига кулок соладиган, ҳатто уни кўрадиган ҳам алпозда эмас эдилар. Иккинчи томондан, улар эрмак, кизиқ учун «ҳа-ха!...»лашиб бир-бирларининг кифтидан кучоклашиб, ўмровлари билан олдингиларни итаришарди.

Оломон тўғонни ўпиролмай ўзини ҳар ёкка ташлаётган тошқиндай анчагача чапдан ўнгга, ўнгдан чапга тебраниб турди; хеч олдинга силжиш бўлмасди. Ҳамма эшикка ёпишиб олганидан бир-бирининг йўлини тўсиб қўйган, бирор кимса ичкарига йўлаёлмасди. Оломон яна бир кучли тўлғаниб, олдинга сурилди, шу аснода оркадагилар гўё оғир хода кўтараётгандай: «Бир, икки... ҳа!», дея зўр бердилар. Шавкат тўсатдан белининг кисирлаганини аниқ эшилди, кўкраги каттиқ оғриди, олдидаги одамнинг курагига жағи тиралиб колди. Лекин алам ва оғриқни қулт этиб ютди: хозир уни бу ердан дадаси тугул, аясиям тополмайди, қайтариб кетолмайди! Ишқилиб, чиқиб олса бас! Лекин вакт ўтиб борар, силжишнинг тайини йўқ эди. Аслида ана шу силжишнинг тайини йўклиги учунгина унга кўп вакт ўтиб кетгандай туюларди. Кулогига дикторнинг: «Поезднинг жўнашига беш минут вакт қолди...», дегани элас-элас чалинди. Шу заҳоти белидаги, кўкрагидаги оғриқни ҳам унутди, поезддан қолиб кетаман деган ваҳима вужудини караҳт килиб қўйди. У энди очиқдан-очиқ, ҳам азобдан, ҳам аламдан йиғлар, оркадагиларнинг қаттиқроқ суришини

истарди. Нима бўлсаям, майли, ишқилиб, олдинга силжиш-син! Мана, анча сурилиб, Шавкат темир зинага чикиб қолди; у қўлини одамларнинг кўлтиғи остидан ўтказиб, эшик ёнидаги темир туткични ушлаб олмокчи бўлар, аммо туткични тополмасди; унга қўли етиши ҳам даргумон эди, факат ғайришуурый равишда тимирскиланарди, холос. Шу лаҳзадаёқ тутқичга ҳожат қолмади: Шавкатнинг оёғи ердан узилиб одамларнинг елкаси баравар муаллақ суза бошлиди...

Диктор: «...икки минут вакт қолди!» деб эълон қилди. Шу пайт орқадан яна бир ҳамла бўлди, ёнида бир қоп юкни орқалаб чиқаётган барзангидай одам уни елкаси билан туртиб, қаттиқ силтади. Шавкат алам ҳамда ғазаб билан, аранг ўгирилиб каради ва соққа-покқаси билан отилиб чиқсан кўзлари унга ўқрайиб караётган афти қийшик «жин чалган» чолни кўрдию, чинкириб юборди

\* \* \*

Шавкат совук сувдан сесканиб ҳушига келгач, тепасида энгашиб турган, юзларидан маржон-маржон тер қуюлаётган одамларни кўрди. Кўзларини йириб-йириб очиб, шоша-пиша киёфаларни назардан ўтказди ва...чукур энтиклиди...

1982 й.

# Адабий муроҳазалар

## ЧАШМАЛАР

Шеърият, серзаҳмат чиғириқлари билан бирга, адабиётнинг бошқа жанрларига нисбатан кўпроқ имтиёзга эга. У атрофга тез таралади, кулодан қулокқа тез ўтади, акс-садоси хам тезроқ қайтади. Бунга унинг минбарбоплиги, бир нафас билан ўқишга мўлжалланганлиги, у ҳақда, аксар ўқилган ё тингланган заҳоти хулоса ясаш имконига эгалиги ва бошқа катор жиҳатлари боис. Шундан бўлса керак, матбуотда пайдо бўлган яхши шеър, туркумлар ёки шеърий тўплам китобхон ва танқидчи эътиборини тезроқ жалб этади, пешма-пеш муносабатлар, баҳолар, тақризлар ўкувчига, у бир фикрга келиб-келмай, баъзан анча олдин етиб боради. Насрда бу ҳол анча оғир кўчади. Кейинги пайтларда анчадан бери кўпчиликни ташвишга солиб келаётган ёшлар ҳикоячилигида сезиларли, насримиз келажаги, истиқболими ни чамалашга туртки бўладиган, қувонса арзийдиган силжиш рўй берди. Ана шу силжишга танқидчилигимиз муносабатини қоникарли дейиш қийин. Тўғри, таникли адабиёт шунос олимларимиз айрим тўпламлар, айрим ёш носирлар ижодига у ёки бу муносабат билан тўхталиб ўтишмокда. Ёшларга мунтазам равишда кўз-кулок бўлиб турган Иброрхим Faфуронинг чинакам жонкуярлик билан ёзилган катор адабий-танқидий маколалари, айникса, устоз кўрмай, ҳар макомга йўргалаётганлар учун сабок сифатида амалий аҳамият касб этмокда. Гап шундаки, хозир насрга янги авлод қадам кўймокда. Йигирма беш-ўттизнинг нари-берисида бўлган бу авлод вакилларининг тутган йўллари, қамраб олаётган соҳалари, танлаётган мавзулари, талкин услублари, ифода шакллари қандай? Уларнинг асосий ютуғи нимада-ю, қаерда, қандай камчиликларга йўл кўйиншяпти? Ёш ижодкорлар ана шу саволларга аниқроқ, батафсилоқ жавоб олишни истайдилар. Буни дейишдан мақсадимиз йирик жанрлар ҳамиртуруши бўлган кичик насрга танқидчиларимиз яна кўпроқ эътибор беришса...

Масалага аникрок ёндошсак, ўтган беш-олти йил мобайнида ёш адилар томонидан хийлагина катта-кичик асарлар яратилди. Уларнинг биринчи, айримларининг иккинчи, учинчи китоблари нашр этилди. Эргаш Раимов. Тохир Малик, Хабибулло, Зохир Аъзамов, Хожиакбар Шайхов, Машраб Бобоев, Мурод Мухаммаддўст, Сафар Барноев, Мирзоҳид Мирзараҳимов, Мирзакарим Пирматов, Тошпўлат Аҳмедов, Саид Равшан... Уларнинг айримларини истисно килгандা, аксарияти ҳали танқидчиликнинг баҳосини олганлари йўқ. Ҳозирча алоҳида тўпламлари чиқиб ултурмаган яна бир талай ёш ҳикоянавислар етишиб чиқмоқда. Биз бу ерда альманахнинг йўналишини ҳисобга олиб, асосан кейинги гуруҳ вакиллари ижоди юзасидан баъзи фикр ва мулоҳазаларимизни ўртага ташламоқчимиз.

Гапни анча-мунча баҳсга сабаб бўлган Эркин Аъзамов ҳикояларидан бошласак. Уч курсдош, кадрдан дўст орадан бир неча йил ўтгач учрашишади. Табиийки, улар мирикиб шакаргуфторлик килишмоқчи, ёшликтинг бебаҳо дамлари бўлган талабалик йилларини, биргаликда ўтказишган тотли ва армонли лаҳзаларини эслалиб, ёзилишмоқчи бўладилар. Уларни ортга элтадиган куч, восита бор. Бу – тор, кўшик. Дўстлардан бириникида энди кўшик бошлашганида уй бекаси меҳмонга келган опасининг чақалори йиғлоқи эканлигини айтиб, узр сўрайди... Иккинчисининг уйига боришишади. Бу ерда кўшнилардан бири очикдан-очик кўшиғингни йиғиштир, дейди. Ҳуллас, шу кеча улар мирикиб кўшик айтишолмайди – шу кундаги энг эзгу, юксак орзуларига етишолмайдилар. Ҳўш, буни қандай баҳолаш керак? М. Сафаров «...ҳикояда шаҳар мухитида доим ўзгалар билан ҳисоблашиб яшайсан, шу сабабли ўзингни эркин ҳис қилолмайсан, кўшик айтсанг ҳам бошқаларга малол келади, деган маъно ифодаланади», дейди ва танқидчи бунга кўшилмайди. Ё. Яквалхўжаев эса М. Сафаровнинг биринчи фикрига, яъни ҳикоядан чиқадиган маъно тўғрисидаги фикрига эътироуз билдиради ва ўз хulosасини баён этади: «...айрим шахсларнинг ўта эгоистлиги ва шу эгоизмни никоблаш учун яшаш шароитидаги биқиқликни баҳона килаётганилиги акс эттирилади». Бизнингча ҳар икки мунаққиднинг мулоҳазалари ҳам асосли, улар бир карашда икки хил туюлса-да, аслида бир-бирини тўлдиради. М. Сафаров ҳикоядан чиқарган хulosасига ўзи кўшилмаса, биз кўшиламиз. Ё. Яквалхўжаев фикрига келсак,

кавсни очиб юбориб гапиришга тўғри келади. Гап шундаки, ҳикоя маъносини эгоизм билан чеклаб бўлмайди. Айни вактда мунакқид «эгоизм» деб таъкидлаган нарса объектив сабаб – шаҳар «шароитидаги биққилик» оқибатидир. Чунки қўшнилар ўртасидаги масофа факат ярим метрли девор бўлмай, бир-биридан узокроқда яшашганида, бошқачароқ бўлиши мумкин эди-ку. Ахир қўшниникидаги овоз ўз уйидагидек варанглаб турса, ҳар қандай олижаноб одамга ҳам малол келиши турган гап-да. Айни вактда, ҳикояда шаҳар шароитида биққилик оқибатларидан бири – асабийликка ва асабийлик оқибатларидан бири – ҳиссизликка, колаверса, қўшикнинг кадрсизлигига ҳам ишора бор. Шу жихатдан адабиётшунос М. Султонованинг «Қўшик» ҳикояси юзасидан билдирган фикрлари бир ёкламадир. У қаҳрамонларнинг бир-бирига айтадиган тайнинли гаплари йўқ, дейди. Қаҳрамоннинг гали бўлмаса, ёзувчининг гали бор-ку! Факат бу гап қаҳрамонлар тили, нутқи орқали эмас, улар тушган холат, қўшнилар билан муносабат орқали берилади.

Умуман Эркин Аъзамовнинг ҳикоялари китобхонга ҳамдard бўла олиш фазилати билан эътиборга сазовордир. Тасвирлар меъёрида ва лўнда, услуб равон, диалоглар жонли, ҳаётий. «Қўк эшик» ҳикояси шу жихатдан характерлидир. Студентлар учун типик ҳодиса бўлган – ижарага уй кидириш ва шу жараёнда дуч келадиган турли феъл-атвордаги кишилар образи ишонарли очиб берилган. Ҳусусан, Бўривой, хўжайин – муаллифнинг характер яратиш борасидаги изланишлари самарасидир. «Шаҳардан одам келди» ҳикояси эса ўкувчими болалар олами билан яқиндан таништиради, уларнинг рухига олиб киради, орзуларига шерик, армонларига ҳамдard қилади.

Ёш носирларимизнинг энг яхши фазилати уларнинг турли мавзуларга дадил кўл уришидир. Улар ишлаб чиқариш жабҳаларини, қишлоқларда пахта етиштириш учун заҳмат чекаётган дехқонларимизнинг кувончи, ғамаламлари, дардларини тобора дадилроқ қаламга ола бошлидилар. Сотволди Ражабовнинг «Ой пахтага ўхшаб кўринди» ҳикоясида фикри-зикри, ўй-хаёли, ташвиш-кувончи, колаверса, эътиқоди пахтадан иборат бўлган ўзбек дехқонининг ёркин, ўчмас сиймоси гавдалантирилган, кек-саликдаги яшашга кучли иштиёқ, дард-алам ҳаётий тасвирланган.

Маълумки, бадиий асар учун асосий мезон – хаёт. Тарозининг бир палласига асар, иккинчисига хаёт қўйилганда ҳамма нарса оидинлашади. «Кишлок ресторани» хикояси ҳам Сотволдининг турмушдан нусха олинган воқеаларга бадиийлик либосини кийдира олиш иктидорига эга эканлигини кўрсатади. Ёш ёзувчининг яна бир хикояси – «Бўтакўз» ниҳоятда ўкишли, бирок гапнинг салмоғини романтик хиссиёт, туйгулар босиб кетган. Албатта, романтик бўёкларнинг куюқлиги ўз-ўзидан кусур эмас. Романтик бўёклар асарда салмоқлирок маънони ифодалашга хизмат килсагина ўзини оклади. Бундай ҳолни, жумладан Тоғаймурод Менгноров хикояларида ҳам кўриш мумкин. Тоғаймурод ўз персонажларининг руҳий ҳолатларини беришга, ана шу руҳий ҳолатлар билан боғлиқ деталлар топишга ва уларни тасвир билан уйғунлаштиришга интилади. «Кузнинг бир кунида», «Момо»да муаллиф маъно билан шакл омухталигига эришган. «Ойдинда юрган одамлар», «Олис оқшомларнинг давоми» кайфият ҳосил қилувчи хикоялардир. Армон... Ҳаётда шундай армон ҳам бўладики, улар одамни даҳшатга туширмайди, ларзага солмайди, балки енгил энтиқтиради, нари борса хўрситиради. Булар, таъбир жоиз бўлса тотли армонлардир. Ҳар иккала ҳикоянинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўхшаб кетиши, албатта ижобий ҳодиса эмас. «Олис оқшомларнинг давоми»да ёшлигига бир-бирини яхши кўрган, лекин тақдир тақозоси билан бошқа-бошқа турмуш қурган ва кўп йиллардан сўнг иттифоко учрашиб қолган икки қариянинг мулоқоти берилади. Уларнинг кечинмалари ишонарли. Бир-бирларига етишолмаганликларидан ўқинсалар ҳам каттиқ афсусга ҳожат йўқ. Чунки, энди ҳар иккиси ҳам фарзандларга, невараларга бой. Турмушидан, ҳаётидан норози эмас. Шу жихатдан ҳикоя Кришан Чандрнинг «Тўлин ой кечаси» асарини эслатади.

Умуман олганда, бундай ҳикояларда туйгулар, инсоний туйгулар биринчи планда туради, улар бадиий тадқиқ этилади ва кўпда ёзувчи муддаосини китобхонга етказиша восита бурчини ўтайди. Абдухалил Қорабоевнинг «Дўстлар» хикояси дўстлик туйғуси ҳакида. Каримжон уйида янги йил кутмокчи. Хотини, фарзанди ёнида, дастурхон беками-кўст. Лекин унга нимадир, тўғрироғи, бундай айёмда ҳар йили бирга бўладиган қадрдон дўсти Умарали етишмайди. Улар аразлашиб қолишган. Каримжон дўсти

билан бирга бўлишга, ярашишга сабаб, баҳоналар излайди. У ёқда Умарали ҳам худди Каримжоннинг ҳолатига тушиб колган. Икковининг қалби ҳам бир-бировига талпиниб турди, аммо ўртада ғурур хисси, нафсоният туйғуси уларга монелик қиласи. Бирок, асар сўнггида ҳар икковида ҳам дўстлик туйғуси устун келади. Ҳикоя «Дўстсиз бошим – тузсиз ошим», деган ақидани ёдга солади. Воеалар йўналиши, кульминация, ечим – ҳаммаси табиий. Қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, психологияси, руҳий ҳолатлари китобхонда шубҳа уйғотмайди; Каримжонни ҳам, Умаралини ҳам айблай олмайсан киши. Муаллиф қаҳрамонларидан бирининг фазилатларини, иккинчисининг камчиликларини бўрттириб кўрсатмайди, шу оркали қаҳрамонлари хатти-харакатининг жонли, табиий чиқишига эришади. А. Қорабоевнинг «Невара» ҳикояси ҳам ана шундай фазилатлари билан адабий тақидчилик ва ўкувчилар эътиборини қозонди.

Ҳамид Каримов эса «Бахтли оқшом» ҳикоясида инсоний туйғу – инсоний муносабатга ташна бўлиб кетган раёном котиби образини чизади. Расмий муомалалар, соҳта мулозаматлар унинг жонига теккан: «Ўртоқ Музроб Обидович раҳбарлик қилаётган район ундей, Музроб Обидов райони бундай. Раҳбарликка ҳам талант керак. Музроб Обидовичда ана шундай талант бор, ха...». «Э, хуш келибсиз, Музроб Обидович. Овқатдан олинг, Музроб Обидович. Музроб Обидович, тўрга ўтсинлар...». Котиб «қўпол, тўпори бўлса ҳам кўнгли очик... Диридаги бор гапни юзингга шартта айтиб ташлайдиган» тоғлик одамларни, уларнинг муомалаларини қўмсайди. Ва бундай муомалаларга у қовун полизда дуч келади. Чўлга ўтиб кетаётган Котиб йўлда машинани тўхтатиб қовун полизига киради ва «болалиги эсига тушиб» битта тарвуз узади. Шу пайт капа томондан чол бакириб қолади:

«– Ҳов шапка! Шапка дейман! Тарвузни жойига қўй. Сенга гапирияпман, ҳов шапка!»

Музроб Обидович тарвузни ерга қўйди-да, шошганича шофёрга яқинлашди. «Мабодо чол бизни танимай уришиб берса, сиз индаманг хўпми?», деди-да, чолга қаради.

Хорманг, бобо, – у чолга яқинлашаркан, кечирим сўради. – Кечиринг, сўроқсиз...

– Кечиринг эмиш-а? Гапингдан, уст-бошингдан шаҳарликка ўхшайсан-у, дехқон меҳнатининг қадрига етадиганга

ўұшамайсан. – Чол астойдил хафа бўлди... – Ахир йил ўн икки ой шу ерда меҳнат қиласиз. Шу полизга бизни ишониб қоровул қилиб кўйибди. Бир оғиз айтсанг-у, мен ўзим меҳмон қиласидим.

Чол капага пўстак тўшаб Котибни меҳмон қиласиди. Кўнгли очик қариянинг самимий мумаласи, орадаги сухбат Котиб дилидаги ғашликка барҳам беради. У шофёрнинг хиргойисига қўшилиб уйга кайтади.

Албатта, ҳикояда тасвирга камбағаллик сезилади, тарапланиши лозим бўлган жумлалар учрайди. Лекин муҳими, ёш ёзувчининг максади, гапи аён ва бу максад, гапни китобхонга етказа олган. Зотан адабиётнинг асосий талабларидан бири, ёзувчи маҳорати ҳам ўз асарига маъно сингдириши ва бу маънонинг китобхон тафаккурига нечоғли самарали таъсир қилиши, яна ҳам содда қилиб айтсак, китобхонга нимадир бериши, ниманидир уқдириши, нимагадир ундаши билан изоҳланади.

Бадий асар, таъбир дағалроқ бўлса ҳам айтиш мумкини, қаёдан қандай шамол эпкинлари келаётгани ва унинг қайси томонга қараб эсиши мумкинлигини олдиндан хабар берувчи асбобга, барометрга ўхшайди. Яъни, у турмушда пайдо бўлаётган янги анъана, одатлар, инсон маънавий дунёсидаги ўзгаришлар, уларнинг замини, тадрижи, йўналишини ҳаммадан, ҳамма нарсадан, ҳар қандай воситадан аввал китобхон – омма кулорига шипшитиб туриши, огоҳлантириши ва уларга ўз муносабатини билдириб бориши лозим. Бундай талабларга колипчиликдан, китобийликдан йироқ бўлган услуб, воқеаларнинг мантикий ривожи, персонажларнинг табиий хатти-харакатлари ва сўзлаш оҳанглари орқалигина жавоб бериш мумкин. Ёзувчи саҳна орқасидаги суфлёр вазифасини ўтамаслиги лозим. Адабиёт, ҳар қалай, саҳна эмас, унда қаҳрамонлар ёзилган, ёд олинган гапларни эмас, ўз дилидаги гапларни айтиши зарур. Шундагина китобхон ёзувчига ҳайриҳоҳлик билдиради, унинг фикрига қўшилади, айни вактда тўлқинланади, ҳаяжонланади. Ана шу конуниятни англаган, хис этган холда қалам тебратаетган ёш ҳикоянавислар оз эмас. Алишер Ибодиновнинг «Гулисафсар хиди», «Чақмок чақнаганда» ҳикоялари, Одилжон Олимовнинг «Кимни айблай?» киссаси, Шодмонбек Отабоевнинг «Япроқдаги нур», «Келин»,Faффор Хотамовнинг «Шахардан совғалар», Саломжон Менгноровнинг «Кийик боласи» ҳикоялари ва бошка

кўпгина қобилияти қаламкашларимиз ижоди шундан даголат беради.

Кейинги вактда матбуотда тез-тез қизлар имзосининг кўзга чалинаётганлиги адабиётимиз учун қувончли ходисалардан яна биридир. Шоираларга серобмиз, лекин адабаларимиз камчил эканлигини тан олиш керак. Бугунги кунда насримизга бирданига қатор янги номлар кириб келаётгани ва уларнинг дастлабки қадамлариданоқ эътиборни жалб этишаётгани рафбатга лойик. Хосият Лутфуллаева, Шаходат Исахонова, Дилбар Сайдова, Сиддика Аъзамова, Омина Тожибоева, Саодат Матёкубова, Баҳор Холбекова, Дилбар Ҳайдарова ва бошқалардан умидимиз катта. Бу умид вокеликка, реалликка айланётгани ҳам сир эмас. Хосият ва Шаходат дастлабки китобларини ўқувчилар ҳукмiga ҳавола қилишди. Тўплами чикиш арафасида турган Д. Сайдованинг қалами тобора чархланиб бормоқда. Унинг «Бегона» хикояси бола психологиясининг жонли, бадий таҳлили туфайли эсда қолади. «Қўнғироқ жиринглайти» да эса ёш адива бизни қизлар қалбига, уларнинг рангин ва мураккаб дунёсига олиб киради. Бу дунё меҳрга интиқ ва ташналиги, фурури, ғамзалари билан ўзи тўғрисидаги тушунчаларимизни бойитади, хисларимизга озуқа баҳш этади.

«Биласанми, кеча бир қизиқ гап эшийтдим. Миш-мишларга караганда, Махмуд синфимиздаги қизлардан бирини яхши кўриб қолганмиш...»

«Бечора Нигора, – кўнглимдан ўтказаман мен. – У Махмуднинг менга хат ёзганини ҳам, ҳар куни изма-из таъқиб этиб юришини ҳам, уйга келиб эшикни занжирлагунимча йўлка бошидаги анҳор бўйида ўсган терак панасида соатлаб туришини ҳам билмайди...» Ўз хаёлларимдан ўзим завқланаман ва шўхлигим тутиб кетади. Нигорага юзланаман-да, айёrona кўз қисиб:

– Эҳтиёт бўл, яна ўзингга кўнгил кўйган бўлмасин, – дейман, Нигора негадир кип-қизариб кетади. Лекин дарров гапни ҳазилга бурмоқчи бўлади:

– Нима кипти, Махмуд «ёмон бола эмас-ку...»

«Наҳотки, гапимни чинга йўйган бўлса...» Шундан сўнг кўнглимда қандайдир ғашлик пайдо бўлади».

Табиий ва факат қизлар учунгина хос бўлган сухбат. Бу табиийлик ва қизлар учун хослик хикоянинг бошдан оғига аён англашилиб туради. Бу ёш адабанинг ўз қаҳра-

мони қалбига, рухий оламига кира олиши (акс ҳолда, у оламга китобхон киролмайди), хаётни бадиий кузатиши, кузатгандарини бадиий асар талаби, мезони нуктаи назаридан қайта жонлантира олиш қобилиягининг мевасидир. Дилбар Ҳайдарованинг «Хислар имтихони», «Сенсиз», «Интиқ» каби машқлари хали хикоя даражасига кўтарилимаган, бадиий, лирик лавхалардир. Шунингдек, улар мавзуу эътибори билан тор. Йўқ, ҳаммаси муҳаббат мавзууда бўлгани учун эмас, балки бир фикр, бир хил ҳасрат атрофига ўралашиб колгани учун шундай таассурот туғдиради. Ҳайдарованинг ютури шундаки, лавхаларда аёл қалби уриб туради, ёш адиба қизлар психологиясини, рухий ҳолатини, ташқи ҳатти-харакатларини, ўзини қайси вактда қандай тутишини ифодалай олган. Ҳар иккала Дилбарга истагимиз шуки, улар хаётга чуқуррок киришлари, турмуш муаммоларини кенгрок қамраб олишлари, мавзуу доираларини кенгайтиришлари лозим.

Энг қувончлиси шундаки, биз юкорида номларини зикр этган ёш адибларнинг олди беш-олтиттадан, ҳатто баъзилари нари борса уч-тўрттадан хикояларини чоп этиришган, холос. Албатта улар кеча хикоя ёзиб, бугун редакцияга кўтариб келишгани йўқ. Азбаройи адабиётнинг мураккаб қонун-коидаларини, ички талабларини, ижод заҳматини чукур туйганларидан машқларини обдан пишишига интилишлари, «матбуотда кўриниши» шунчаки ишқибозлик эмаслигини теран англаб етиш, ошиқмасликлари оқибатидир. Шубҳасиз, ёшлар ижодида хали анчагина етишмовчиликлар мавжуд. Баъзан композицион тузилишларда китобийлик, баён йўсунинда сунъийлик сезилади (А. Ибодинов, «Чақмок»), услубий тўмтоказлик, жумлалар ғализлиги (Ғ. Хотамов, «Хат ташувчи бола»), психологик таҳлил билан маъно бирлигига эришишдаги оқсоклик, ечимнинг бўшлиги (Н. Норматов, «Хуштаклар»), тасвирда зўраки оригиналлик ва индивидуалликка уриниш майллари (Т. Менгноров хикояларида) учрайди. Яна бир умумий камчилик – ёшлар ижодида хаётнинг кенг маънодаги зиддиятлари, ишлаб чиқариш мавзуи, ижтимоий муаммолар етарли даражада ўз аксини топмаётир. Том маънодаги ёрқин, бетакрор характерлар кам яратилаётир.

Гоҳо сюжет яратишка, мавзуу танлашда, баён усулида ўзгалардан таъсирланиш ҳоллари якқол сезилиб қолади. (Бу гап, хусусан, болалик билан ўсмирилик ўртасидаги му-

аллақ давр-лахзаларнинг лирик, романтик хис-туйгуларини акс эттиришга бағишенгандын жаңыларга тегиши). Таъсирланиш янги фикрга турткы берса, оқибати оригиналлик билан якунлансанына ижобий ҳодисага айланиши мүмкинлигини унутмаслигимиз керак.

Яна бир мулоҳаза: персонажларга исм танлаш бадиий адабиётда жуда катта аҳамият касб этишини ҳаммамиз яхши биламиз. Масалан: Фарход, Отелло, Ҳамлет, Онегин, Печорин, Бовари хоним, Анна Каренина, Отабек, Кумуш, Йўлчи... каби катор исмларни эслаганимизда бутун бошли асар воқеалари кўёз олдимиизда жонланади. Ҳатто ана шу қаҳрамонларга бошқача исм танлаш мүмкин эмасди, деган тасаввурга келамиз. Албатта, исм сабабли эмас, балки ана шу исмлардаги қаҳрамонлар характеристининг ниҳоятда ёрқинлиги, бетакрорлиги туфайли улар қалбимиэга шу кадар ўрнашиб, сингиб кетган. Ҳозирги кўпгина асарларда чиройлироқ исм биридан иккинчисига кўчуб юради, ҳикоячиликда эса бунга мутлако аҳамиятсиз масала деб каралади. Ҳолбуки, адабиётда майдага масала бўлмайди, балки майдага қараш, эътиборсизлик шунга олиб келади.

Ёш истеъодни чашмага, булокка киёс килишади. Дарҳақиқат, шундай. У юксак тоғлар орасида, панада, кўздан нари хилватгоҳ чаманзор (балки чакалакзор дейиш тўғрирокдир)ларда бўлади. Дастлаб ҳаммага бирдай маълум бўлмайди, уни шу атрофга йўли тушганларгина билади. Булок хилватда, чангалзорда бўлишидан ташқари, унинг кўзини ҳам хас-ҳашаклар, ёввойи ўтлар беркитиб турди. Бирон саҳоватпеша унинг кўзини очиб юборса, учтўрт қадам масофадаги тўсиқлар, кесак-ғовларни олиб ташлаб, ўнқир-чўнқирларни текислаб юборса, шундан кейин чашма равон оқиб, ўзининг гўзаллиги, нафосати, зилоллиги, тотини кўз-кўз кила олади. Истеъоддога ҳам худди шундай эътибор керак. Баъзан матбуотда бирон яхши ҳикоя чикиб колса, у ер-бу ерда ихлосмандлар (ҳатто танқидчилар ҳам) гапириб юришади-ю, кўп ўтмай, у хаёлдан кўтарилади. Чунки жонкуярлик йўқ. Масалан, «Ўзбекистон маданияти» газетасида бундан бир неча йил муқаддам «Янги номлар» деган рубрика остида Убайдулла Содиковнинг «Она» сарлавҳали ҳикояси босилди. Муаллифнинг янгилиги, ҳикоя савияси рубрикага мос эди. Ҳикоя кўпчиликка, шу жумладан бир қанча танқидчиларга ҳам маъқул бўлди. Анчагача (фақат хонаки давраларда) гапириб юришди-ю,

кейин тинчиб кетиши. Ёзувчи хам тинчиб кетди. Чашманинг кўзи очилган эди-ю, лекин йўлидаги хас-хазонларни олиб ташлаш хаёлдан фаромуш бўлган эди. Хозир у димикиб ётиби. Албатта, бир кун ўнкир-чўнкирни эритибушатибми, айланибми, ошибми-тошибми ўтади, бирок унгача дастлабки пайтидагидек тоти ва тароватини саклаб қололмайди, шашти сусаяди. Биз, шубҳасиз, ёш истеъодни қўлтиридан суюб, катта йўл бошигача етаклаб олиб чиқиб қўйишни даъво килаётганимиз йўқ, руҳий мадад, рағбатни назарда тутяпмиз, холос. Устоз Абдулла Қаххорнинг Анвар Муқимовнинг бир ҳажвиясини ўқиб қолиб, редакцияга муаллифнинг манзилини сўраб келгани ва унга хат ёзиб кўнглини кўтаргани, илхомлантиргани, бундай ходиса бир эмас, бир неча бор содир бўлганлиги кўпчиликка маълум. Баъзан, аксинча бўлиб қолиши хам мумкин. Юкоридаги газетада, ўша рубрикада «Узок тун» ҳикояси босилган Абди Курбонов тўғрисида адабий танқидчилик айрим камчиликларини таъкидлаган холда яхшигина фикрлар билдириди. Бирок муаллифнинг ўзи қайта кўринмади. Лекин ҳар қалай устоз адилларимизнинг чашмалар ҳолидан хабар олиб туришлари беиз кетмаслигига аминмиз.

1977 й.

# *Дилда түнгизган ғаплар*

## **Ҳаёт, турмуш кирралари түғрисида**

Ўтмишни маломат қилиш – ота-онани маломат қилиш билан баробардир.

\* \* \*

Тирикчилик воситаси сифатида кимгадир куч, кимгадир ақл, кимгадир хусн, кимгадир тил бериларкан.

\* \* \*

Орзу бу – Пушкиннинг тешик тогорасидир.

\* \* \*

Фарғона канали водий халқининг ўзига қўйган ҳайкалидир.

\* \* \*

Мехнат таътилига чиққан одам худди темир совутини ечиб қўйгандай бўлади.

\* \* \*

Болангизни тўғриликка, халолликка ўргатинг, деб гапираверамизу, ўша ота-онанинг ўзи тўррими, халолми, деб қизиқмаймиз.

\* \* \*

Хушомадни энг арzon, ҳаммабоп совға сифатида тақдим этадилар. Афсуски, бундай «совға»ни рад этувчи жуда кам топилади. «Совға»ни олмасам ранжийди, изза тортади, деб ўйлашади.

\* \* \*

Бой кўпга ҳам қаноат килмайди. Камбараж озга ҳам шукур килаверади.

\* \* \*

Ҳасадгўйдан разабланма, унга ачин: сенинг разабу нафратингсиз ҳам у ўз ич-этини еб адои тамом қиласди.

\* \* \*

Ўз ишидан қониқиш, мудом яхши ва кўп ишлашга интилиш инсонга соғлик ва узок умр бағишлиайди.

\* \* \*

Ғам-ғуссаларни ташқи таъсиротлар, омиллар, кучлар келтириб чиқаради, шодликни инсоннинг ўзи яратиб олмоғи керак.

\* \* \*

Рухинг тетик, баланд бўлса, хаёт жуда гўзал, умринг узок бўладигандек туюлади.

\* \* \*

Аксарият одамлар ҳаётни яхши кўраман деб янгиш ўйлашади, аслида улар емоқ-ичмоқни яхши кўришади.

\* \* \*

Совук гап юрак ёнидаги ўқ парчаси (снаряд)га ўхшайди: эсга тушса, кимирлаган ўша парча каби юракни сиркиратади ва зиркиратади. Пўлат парчаси оғриқни, совук гап эса – нафратни кучайтиради.

\* \* \*

«Дунёга мен хам умид билан келганман», – дейдилар писанда билан. Ахир сен ўз ихтиёering ва хоҳишинг билан келмагансан-ку дунёга, эй нобакор банда! Ё, онанг корнида ёруғ дунёда ўйнаб-кулиш режаларини тушиб ётганимдинг?..

\* \* \*

Аккли, илмли бўлишга ҳамма ҳаракат қилавермайди, лекин гўзал ва бой бўлишга ҳамма тиришади. Демак, гўзалликни, бойликни биринчи даражада унсур, деб билишади...

\* \* \*

Нарх ошганда одамларнинг бирмунча вакт тўхталиб, каловланиб олиши – сувнинг тўғонга келиб, маълум муддат димланиб туриб қолишига ўхшайди.

\* \* \*

Бой одамлар ҳақидаги мақол: балиқ сув ичидаги юриб ҳам чанқар экан.

\* \* \*

Пулни эр топади, олифтагарчиликни хотин килади.

\* \* \*

Баъзан катта кўлга қармок ташласант ҳам ҳеч нарса илинмаслиги мумкин.

\* \* \*

Инсоннинг икки қаноти бор: муҳаббат ва саломатлик, инсон учун энг қимматли иккита бойлик бор: саломатлик ва муҳаббат.

\* \* \*

Ёктирган кишисини ҳам яхши кўришни артистлардан ўрганиш керак.

\* \* \*

Ёшлар!.. Уларнинг аксарияти она ҳакидаги, ота ҳакида-ги қўшикларга, панд-насиҳатга, ибратли ҳикоятларга кулок осмайдилар, аммо, «эстрада» деб аталмиш, килпиллаб туриб қилинадиган хонишлар учун жон беришга тайёрдай тюладилар.

\* \* \*

Домланинг кетмониям, ўроғиям – гап.

\* \* \*

Баъзан меҳр-ошибатли одамлар содда, соддадил замонларда бўлганмикин, деб ўйлаб коламан.

\* \* \*

ХХ асрнинг ўттизинчи йилларида одамнинг савлатига караб – лоқал икки кишига кучи етадиганларни раҳбарлик лавозимларига кўйишган экан.

\* \* \*

Ҳўқиз: қанийди, лоқал теримни шилиб, ғунажиннинг устига ёпиб кўйишса... дея армон қиласмиш.

\* \* \*

Тепадиган от жим турармиш.

\* \* \*

Инсон зоти хаёт аслида ғам-ташвиш асосига қурилганини инобатга олмай, замондан, жамиятдан, раҳбарлардан нолиб зорланадилар. Улар одам яралганда ўттиз тўккиз йил мусибат ёмири, факат бир йил курсандчилик ёмири ёққанини унутадилар ё билмайдилар.

\*\*\*

Ёмонлик қалампирга ўхшайди. Аччик гармдорининг бир чимдими ё донаси бир коса, баъзан бир қозон овқатга татийди.

\*\*\*

Меъёрни туздан билиш мумкин: камининг унча зиёни йўқ, ортиб кетса кўнгилни айнитади.

\*\*\*

Сиёсат – ўрмонга кетган ўт – хўлу қуруқни баравар ёндириб кетаверади.

\*\*\*

Яашаш учун ҳам истеъдод керак.

\*\*\*

Осоийшталигига дахл қиласангири ари ҳам чақмайди.

\*\*\*

Бир оғайним бор: озгина омадининг ҳам ўзгаларда ғашлик, ғайирлик уйротишини хоҳламайди, шунинг учун қай жиҳатдан бўлмасин, кўзга ташланишдан сакланишга ҳаракат қиласи. Хулоса: кўзиқмай десанг, кўз-кўзланма.

\*\*\*

Одамда пул кўпайған сари орзу-ҳавас кучаяди, лекин иккаласининг бир даражада турмоги кўп мушкул, зеро, пул – қувчувчию орзу-ҳавас коччуви, пул орзу-ҳавастга ҳеч қачон етолмас.

\*\*\*

Амалдорлар, порахўрлар мен гирдобга тушиб қолдим, деб ўзларини овутадилар ва лекин ўша гирдобдан чиқиб кетишга ҳаракат қилмайдилар.

\*\*\*

Дардингни бедардга айтма,  
Эрталабки аҳдингдан қайтма.

\*\*\*

Сен бир лаҳза унугтил ўз дардингни  
Ва бир кур сўрагил менинг дардимни.

\*\*\*

– Мен шамолни ҳам адаштириб келаман, – дейди бир уддабурон.

\* \* \*

«Ур!» деса иккала оёғи билан төпадиганлар ҳамиша бўлган, ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Энг даҳшатлиси, улар ўзларининг бундай махлукона қилмишидан хузурланадилар.

\* \* \*

Бошқа халқларни билмадиму, ўзбек халқи жуда кечиримли: ҳар қандай жиноятчи, мурдорни ҳам ўз ичидаги, сафидаги олиб юраверади.

\* \* \*

Раҳбарлик килиш ҳам тўнгак ёришга ўхшайди: кимдир акл-идроқни, кимдир зўпидинлик, кучни ишга солади.

\* \* \*

Илмли кишилар ўзгаларни ҳам илмли, деб ўйлайдилар, шу боис, хижолат бўлиб қолмай, деган андишада кўпроқ сукут сақдашга харакат киладилар. Илмсиз кимсалар бошқаларни ҳам илмсиз фахмлайдилар, шунинг учун куловига ё нигохига чалинган нарсалар ҳакида барада гапираверадилар.

\* \* \*

Бола бугунни, хотин бугунни ва нари борса эртани, эр – ота индинни ҳам ўйлайди.

\* \* \*

Бойиётган одам баландликдан югуриб тушаётган кимсага ўхшайди: ўзини тўхтатолмайди.

\* \* \*

Бир танишим бор: яхши гапи сохта, ёмон гапи юрак-юрагидан чиқади.

\* \* \*

Кимлардир эл қатори, ҳамма каби ишлаб кўпроқ, кимдир ҳамма қатори, яъни эрталабдан кечгача белгиланган иш соатларида меҳнат килиб камрок топади. Ана шу, ҳамма қатори ишлаб, камрок топадиган одам хисоб-китоб билан иш тутса, уни айбситмаслик керак.

\* \* \*

Бир қанча Шарқ мамлакатларида бўлиб, шундай хулосага келдим: агар исрофгарчилиги бўлмаса оламда ўзбеклардан бой халқ бўлмас эди: том маънода озиқ-овқатни исроф қиласди: кўп овқат ейди, меҳмондорчилиги, маърака-

маросими кўп; тўй-издиҳомларда дастурхонга бир неча хил овқат пишириб қўйилади, расмий идора, маҳкамаларга меҳмон келса ҳатто тўрт-беш хил таом тортилади.

Халқимиз вактнинг ҳам қадрига етавермайди: маросим, борди-келдиларга кўп вакт сарфланади.

Эркакларимизнинг оши, аёлларимизнинг «гап»и кўп...

\* \* \*

— Ўғрини устомон ва моҳирлигига яна бир карра тан бердим, — дейди бир жабрдийда, — ва лаънат айтдим. Лекин отасига эмас, ўзига. Чунки хеч бир ота ўғлининг каззоб, ўғри, бетамиз, расво бўлишини хоҳламайди.

Ҳа, тарбияга нисбатан мухит устуворрок келадиган холлар ҳам бўлади-да.

\* \* \*

Раҳбарларнинг ҳаммаси ҳам аклли бўлавермайди, ҳамма аклли одам ҳам раҳбар бўлавермайди.

\* \* \*

Йўлбарс канчалик жасур ва кўркам бўлмасин, оху ва бошқа бегуноҳ жониворларнинг кушандаси бўлгани учун ундан нафратланадиганлар кўп.

Баъзи шоҳдор ва шоҳсиз хайвонлар ҳамжиҳатлик туйғуси ўқклиги боис ўзларини химоя қила олмай кичик йиртқичларга ҳам ем бўладилар.

\* \* \*

Энг улуг туйғу — соф, чин муҳаббат тўғрисидаги фильм, бадиий асарлар, хаётий воқеалар одамда оғрик уйғотади. Ёшинг ўтиб, бу туйғудан узоклашиб бораётганингни хис қилиш нақадар оғир ва аламли!

\* \* \*

Яхшиямки, одамзот ўзига нисбатан найранг ишлатолмайди, балки, шунинг учун ҳам у ўзини ўзи енголмайди.

\* \* \*

Бир кишини биламан: амалдор одам унга мурувват кўрсатса ўзини хижолат бўлганга солади, оддийроқ кимса шундай қилса, писанд этмайди, табиий ҳолдек карайди.

\* \* \*

Чаённинг катта-кичиғи, душманнинг яхши-ёмони бўлмас.

\* \* \*

Одамзот табиатининг ғаройиблигини кўринг: ёнидаги касалларни кўради, ўша касалликлар сабабини била туриб, қайтмайди, олдини олишга харакат килмайди – мен бундай касал бўлмайман, деб ўйлади;

– Автовоситада тез юриш окибатида ҳалокатга учраб майиб бўлган ё ўлганни кўриб-билиб ҳам тез юраверади – мен ҳалокатга учрамайман, деб ўйлади;

– Ўғри, жиноятчи ё порахўрнинг кўлга тушиб қамалгани, оғир жазоларга, жафоларга дучор этилганини кўриб-билиб туриб, ўғирлик ва жиноят қиласаверади – мен кўлга тушмайман, деб ўйлайверади;

– Чекиш, ичиш, гиёхвандлик окибатларини эшитиб, кўра туриб, бу одатларни тарк этмайди – мен бу холга тушмайман, деб ўйлади;

– Ёнидагиларнинг қариб бораётганини кўра туриб, бунинг олдини олишга харакат килмай, аксинча, номатлуб ишлар билан шуғулланаверади – мен қаримайман, деб ўйлади;

– Ҳамманинг ўлишини билади, аммо ёмонликдан, дилозорликдан қайтмайди, тавбага эгилмайди – мен ўлмайман, деб ўйлади.

\* \* \*

– Аллоҳдан яширмаган, бандадан яширасизми?

– Аллоҳ – кечиримли, banda – майда гап...

\* \* \*

У вактни қизғонган пайтлари онадан хеч бўлмаса иккичу ой аввалрок туғилмаганидан афсусланарди.

\* \* \*

Касалликнинг, касалнинг кўпайиш сабабларидан бири шуки, шифокор бир одамни даволаш учун буюрган доридармонларининг ўша бемор мижозига тўғри келмаганлиги сабабли унинг организмида бошқа касаллик келтириб чиқариши мумкинлигини деярли мулоҳаза қилмайди.

\* \* \*

Ўзига оро бера бошламоқ гохида хиёнат сари ташланган дастлабки қадам, ёхуд кибрга мойиллик туғилишидан далолат бўлажак.

\* \* \*

Японлар Ўзбекистондай жаннатмонанд юртда яшаганларида камида икки юз йил умр кўришар эди.

\* \* \*

Мол-дунёга кизиқиши, интилиш кучайган сари оқибат, одамийлик ва бошқа инсоний фазилатлар сусайиб боради, чори...

\* \* \*

Одам боласи гап-сўзлари ва хатти-харакатлари унинг манфаатига эид келиб колса, ҳар қандай пири, устозидан ҳам кусур ахтаришга ва ундан нолишга тушади.

\* \* \*

Одам боласи ҳеч бўлмаса 50 ёшлик зехн, ақл билан туғилганида эди, хато ва жиноятларга нисбатан камрок йўл қўйган бўлар эди.

\* \* \*

Вужудингни соғлиғига ишонма,  
Димоғингнинг ҷоғлиғига кувонма.

\* \* \*

«Яхшироқ яшаш учун қандай йўл тутмок керак эди?», деган савонни, одамзот, афсуски, ўзига жуда кеч беради. Чунки бунгача ўз орзулари ва бемаъни хаёлларидан устун келолмайди.

\* \* \*

Тараққиёт билан маънавият тескари пропорция асосига қурилганга ўхшайди: бири қанча илгари кетса, иккинчиси шунча орқада қолади.

\* \* \*

Тун пардаси калинлашган сари ой ёркинрок бўлиб бораверади.

\* \* \*

«Худонинг куни кўп» дейсан. Худонинг куни кўплиги – кўп, лекин сенинг пешонангга қанча кун битилганини каердан биласан?

\* \* \*

«Кампир бўлса ҳам ўз хотининг бўлсин экан», дейди бир мўйсафид хўрсиниб.

\* \* \*

Парвардигор ишку ишрат бобида энг кўп мурувату са-ховатни одам отлик маҳлукига кўргизган: у хар куни севиши, сева олиши мумкин.

\* \* \*

Сокин, зерикарли умрни жўшқин ва завқбахш ҳаётга айлантириш инсоннинг ўз кўлида.

\* \* \*

Рахбар-амалдорларнинг энг катта хатоси шундаки, мен бошқалардан кўра акллирок, укувлирок, илмлирок бўлганим учун шу мартабага эришдим, деб ўйлайдилар. Ҳолбуки, кимсаларнинг катта рутбага кўтарилишига сабаб аксарият ҳолларда ундаги шоввозлик бўлади.

\* \* \*

«Аёлим вафоли» деб қувониш «Аллоҳ мағфиратлидир» деган ишонч каби тасаллибахш ва хузурбахшдир.

\* \* \*

Эркак зоти учун энг оғир кўргулик бирордан, хусусан хотинидан тили қисикиликдир.

\* \* \*

Ўз касби-соҳасини чала биладиган уста умуман билмайдиган одамдан кўра зарарлироқдир.

\* \* \*

Кибру ҳаво билан кўркув эгизакдир. Яъни, кибрли одам кўркок бўлур.

\* \* \*

Одамлардаги имону эътиқод, феълу атворнинг издан чикишига қоннинг аралашиб бузилиши сабабмасмикин?..

\* \* \*

Томда мушуклар кий-чув қилиб қолди. Афтидан, «келинчак» ўзимни бўғотдан ташлаб юбораман, деб, «куёв бола»ни кўрқитарди.

\* \* \*

Хушомад – омадсиз одамнинг нарвони.

\* \* \*

Учинчи, тўртинчи, бешинчи ва ҳоказо одамлар... Искандарни ҳам, Юлий Цезарни ҳам, Амир Темурни, ҳатто Захириддин Мухаммад Бобурни ҳам гижгижлаган, орага

низо ва нифок уругини сочганлар ўшалар... Уларнинг қалбига эса балон нафс кутку солган...

\* \* \*

Сиёсат аксарият холларда дилдан хоҳланмаган машғулотдир. Севмаган одам билан яшаш мунофиқликка мажбур қиласди.

\* \* \*

Баъзи раҳбарлар мажлисларда, минбарларда ҳалқ фаровонлиги хақида бакириб-чакириб, гўё куюниб тапирадилар, лекин ҳалкнинг бирон оддий вакили унинг қабулига, остонасига ҳам яқинлашолмайди.

\* \* \*

Кимдир хузурига кирганда ўрнидан — амал курсисидан турмайдиган раҳбар оддий инсоний фазилатдан маҳрум, фаросатсиз ва такаббур кимсадир.

\* \* \*

Сўфийлар таълимотидан, эътиқодидан келиб чикиб айтиш мумкинки, жамики маҳлукоту набототга мухаббат, ерга, майса-гиёхларга мухаббат Аллоҳга мухаббатдир. Зоро, барчаси Парвардигор томонидан яратилган бўлиб, яралмишларда унинг тажаллийси, нафаси, назари бор.

\* \* \*

Тараққиёт — иктисадий, куролланиш жихатидан олға, маънавий-ахлокий жихатдан орқага кетиш демакдир. Зоро, ҳаёт, яшаш фаровонлашиб боргани сари одамзот феълининг айниб бориши шундан далолатдир.

\* \* \*

Энг улур инсоний фазилатлардан бири бўлмиш одмилик йўли ғоят осон, кисқа, аммо уни одамлар онгига сингдирish шу кадар мушкул ва машакқатдир.

\* \* \*

Одамзотнинг тупроқдан бунёдга келганлигини шундан ҳам билса бўладики, у ерни ҳаддан ортиқ яхши кўради, иккичарич томорка деб, ака-ука бир-бирини болта билан чопишдан ҳам тоймайди.

\* \* \*

Ҳеч бир замонда одамзот пулга ҳозиргичалик ўч бўлмаган бўлса керак.

\* \* \*

Тараккиёт – катта оқим, түфөн, уни хас-чўп билан тўхтатиб колишга уриниш тентаклиkdir.

Тараккиёт бир гурух, бир тоифа ё бир қисм кишиларнинг истак-ҳохиши билан ҳисоблашиб ўтиrmайди.

\* \* \*

Одамзотнинг устомон ва уддабуронлигини, бешафқатлигини қарангки, ювошгина, беозор кўйларни, туяларни, итларни, хатто паррандаларни ҳам бир-бiri билан уриштириб, шундан завқ олади, тирикчилик қилади.

\* \* \*

Бошка ислом мамлакатларида эркакларнинг олифтасини, аёлларнинг таннозини кам кўрдим.

\* \* \*

Асли истарасиз кишининг чехраси кулганда ҳам очилмайди. Парвардиgor одамни истарасиз, инжиқ қаришдан сакласин.

Энг сўнгги имкониятгача мумкин кадар хурсанд бўлиб, ўзгаларни ҳам хурсанд қилиб яшаш керак.

\* \* \*

Бир кимсани биламан: ўзининг бошқаларга қилган яхшилигини асло унутмайди – ёзиб юради. Ўзгаларнинг унга қилган яхшилигини фавқулодда тез эсдан чиқариб юборади.

\* \* \*

Ўтиб кетган ёшликка тенг бойлик, унга тенг армон йўқ. Зоро, бу армон умр сўнггида эсга тушса ҳам юракни зириллатади.

\* \* \*

Баъзи масалалар – шарму ҳаё, андишанинг издан чикканлиги, порахўрлик, ёлғончилик, ориятсизлик, сохталикнинг чукур-чукур илдиз отиб кетгани, ёшлар билан катталар дунёқарашининг хил келмаслиги ва бу қусурларнинг ўнгланишига кўз етмаслиги кишини янада баттар асабийлаштирадиган, барвакт қаритадиган омиллардандир.

\* \* \*

Одамлар келажакни ўйламай қўйгандай, авлодлар олди-  
даги бурч, мъсулият тобора унутилиб бораётгандай...  
факат бугуннинг орзу-ташвиши билан яшаш таомилга, умр  
мазмунига айланиб колаётгандай... туюлади гоҳида.

\* \* \*

Ватан туйрусининг ҳеч бир тузумга, сиёсатга дахли  
йўқ.

\* \* \*

Пули борнинг ўзи олади,  
Пули йўқнинг кўзи олади.

(Бозор маколи)

\* \* \*

Кўнглингизнинг хуружи ёзилса,  
Пешонангизнинг тириши ёзилади.

\* \* \*

Пулдор одам, аслида пакана бўлса ҳам, бўйчан қўрина-  
ди.

\* \* \*

Сув қанча лойка бўлса, балиқни тутиш шунча осон  
бўлади.

### **Аёл, гўзаллик, мухаббат, рашк ва шу кабилар ҳақида**

Туйрулар, тонг аро уйғонмок керак,  
Туйгулар ўтида бир ёнмоқ керак.

\* \* \*

Бу дунёда ким ҳам ишк  
деган бахтга зор эмас?

\* \* \*

Севган одам ёқимли, жозибали, олижаноб бўлиб кўри-  
надигина эмас, ҳакиқатда ҳам шундай бўлиб колади.

\* \* \*

Севган одам ўзига оро бера бошладими, демак у лоакал

бенхтиёр шахсий маданиятга интилади. Бу – севгидек ажойиб туйрунинг энг биринчи, ижтимоий фазилатидир.

\* \* \*

Ошиқлик ҳаётга мухаббат қаловидир.

\* \* \*

Гул хидланган сари очилаверади. Лекин, шуниси борки, хидланган гул тез сўлади...

\* \* \*

Мухаббат – хосиятли туйғу, агар у хақиқий бўлса...

\* \* \*

Бирданига туғилган кучли мухаббат ақлнинг тормозланишидир.

\* \* \*

Севмок ёки севилмок – ярим баҳт, севиб-севилмок – тўла баҳт.

\* \* \*

Гулга айлансанг, хидингдан танийман,  
Оху киёфасига кирсанг, кўзингдан танийман,  
Сарвга айлансанг, қаддингдан танийман...

\* \* \*

Шахар ҳовлиларида бир ажойиб ҳаёли, иболи киз-аёларни кўрасан, лекин кўчада эса улар негадир кўринмайди...

\* \* \*

Хозирги замонда севиш, ошиқ бўлишдан аввал ҳамёнингни ғамлаб ол.

\* \* \*

– Хозирги замонда ё чиройли бўлишинг ё таниш-билишинг кўп бўлиши керак, – дейди бир жувон.

\* \* \*

Баъзи эркаклар аёл зотини узоқ яхши кўриб юролмайдилар. Улар учун ошиқ бўлиш баҳту саодат, ёқимили азоб, умр мазмуни. Висолга етишмок – чўккини забт этмоқ. Ундан кейин олдинга юрса ҳам, орқага қайтса ҳам, барибир – чўккидан секин-аста пастлаш демакдир.

\* \* \*

— Чиройлининг чиройлидай балоси бор: хуштори кўп бўлади, анча-мунча совфа-саломни писанд қилмайди, — дейди аёл.

\* \* \*

Шундай аёллар бўладики, улар билан фақат уларни яхши кўриб яшаш мумкин. Агар мухаббат совиса, уларнинг ўта таъби нозиклиги ва инжиқлиги билан келишиб яшаш азобга айланади.

\* \* \*

Аёл калбини забт этувчи асосий курол-воситалар — кўз ва сўздир.

\* \* \*

Мухаббат чирой танламайди, дейишади. Бекор гап!

\* \* \*

Висол онларида дунёдаги ҳамма нарса яхши ва гўзал, хаёт эса абадийдек туюлади.

\* \* \*

Гўзаллик симобга ўхшаган нарса — кўз билан кўриш мумкин, кўл билан ушлаб бўлмайди.

\* \* \*

Аёл зоти ўзининг қандай юришидан қатъи назар, унга қай жихатдандир яқин эркаклардан биронтасининг бошка аёл билан сал кулиброқ гаплашиб турганини кўриб колса ҳам худди ўзининг ягона эрини кизғонгандай рашк қиласи, қаҳрланади.

\* \* \*

— Қиз болаки қошини териб, қовоғини бўяй бошладими, бас, ундан рўшнолик кутиб бўлмайди, — дейди баъзилар.

\* \* \*

Баъзи эркаклар остонаядан чиқиши билан ўзларини эркин қушдай ҳис эта бошлайдилар.

\* \* \*

Табиийликка озгина путур етган жойда ҳакиқий гўзалликка катта путур етади.

\* \* \*

Келиннинг йиглагани — эшакнинг ханграгани, дейдиган қайноналар ҳам бўлади.

\* \* \*

Қизлар бор – борини яширолмай овора,  
Қизлар бор – йўғини оширолмай овора.

\* \* \*

Эркаклар, уларга инъом этилган энг буюк ва бебаҳо  
неъмат – эрк эвазига ўз ихтиёрлари билан хотин оладилар.  
*(Ҳазил).*

\* \* \*

Баҳор қизларнинг кўйлаги ёқаси ва этагидан бошланади.

\* \* \*

Бўёклар ва сунъий воситалар билан пардозланиб юрувчи қиз-аёллар қофоз гулга ўхшайди: узокдан кўзни яшнатади холос.

\* \* \*

Қизлар ҳам талпинишни, изтироб чекишини хоҳлайдилар, лекин баъзи йигитлар ўз эҳтиросларини яширолмай, қизларни ана шу ёқимли изтиробдан бебаҳра қилиб қўядилар.

\* \* \*

Ёшликдаги севги марокли, кейингилари азоблидир. Чунки ёшлиқда ошиқ маъшуқасига етишишга шубҳа қилмайди. Иккинчидан, у мухаббат такрорланаверади, деб ўйлайди. Еш ўтганда эса инсон аввало, чинакам мухаббатнинг такрорланмаслигини англаб етади. Иккинчидан, ўртада бурч, виждон деган улкан ровлар кўндаланг бўлса, яъни эришиш имкониятлари чекланганлигини ҳис эта туриб маҳбуба хаёли билан яшаш нақадар изтиробли, нақадар оғир. Бундай ошиқ аҳволини қаттиқ жазога мустахик этилажагини била туриб нажот кутган маҳбуснинг ҳолатига ўхшатиш мумкин.

\* \* \*

Ҳақиқий мухаббат «агарда-магар...» сиз бўлади.

\* \* \*

– Хотин кишини синашдан осони йўқ, – дейди бир «ухажўр» шеригимиз. – Билагинг билагига текканида кўлини дарров тортиб олмадими, тамом...

\* \* \*

«Хозир оташин мухаббат йўқ, чунки одамларда эҳти-

рос, хиссиёт тобора сусайиб боряпти, кинолар, айниқса телевизорларда кўрсатиладиган шир-яланро чабори кўнглини эмириб, парчалаб ташляпти, бундан ташкари бирорни кўз тагига олсанг, унга эришиш унча кийин бўлмай қолди, яъни захмат чекишга эҳтиёж колмади, ошиқлик, хижрон захмати йўқ жойда чин мухаббат йўқ...» деган гаплар уччалик тўғри эмас. Агар дунёда бир жуфтгина самимий, ҳақиқий ошиқ-маъшука бор экан, демак, мухаббат бор! Шундай бепоён оламда бир жуфтгина ошиқ-маъшукнинг бўлмаслиги мумкин эмас! Инсоният баҳтига, хали ер юзининг ўзида, кино, телевизор етиб бормаган масканлар бор...

\* \* \*

Мухаббат хам омадга, баҳт қушига ўхшаган нарса. Эртами, кечми, ўз вактидами, бевактми – барибир аксарият юракларга бир меҳмон бўлиши бор. Уни қандай кутиб олиш – фафлатдами, лоқайдлик биланми, иккиланишлар биланми ё эҳтирос ва ташналиқ биланми – бу ёғи юракка боғлик. (Нима учун туйғулар мияга эмас – шартли равишда албатта, юракка туташ? Чунки туйғулар коннинг кўпирини билан боғлик, хўрсиниш, энтикиш юракдан чиқади!)

\* \* \*

Кизлар, аёлларнинг илдам, журъатли, ҳаракатчан эркакларни маъкул кўришларининг асосий сабаби шундаки, уларнинг ўзлари биринчи бўлиб дил изхор этолмайдилар.

\* \* \*

Асосан эрсиз аёллар, кари кизлар пардоз ва бўёкка ружу кўйишади, бунинг сабаби маълум албатта, аммо кизлар ўйламай уларга таклид киладилар.

\* \* \*

Мухаббат ўргимчак тўрига ўхшайди.

\* \* \*

Мухаббат мувозанатни бузиб ташлайди, мудраб ётган туйғуларни уйғотиб юборади.

\* \* \*

Олмага ташна бўлиб турган йигитга кишида пишмас тош олмаям Наманганинг машҳур олмасидай кўриниб кетади.

\* \* \*

Аёл қишига зўрлик билан эришиб бўлмайди, дейишади.

Лекин яхши гап билан илон инидан чиқади, деган гап бор. Аёл киши ҳарқалай илонмасу... аммо ҳадеб мактov, хушомадлар ёғилаверса, эсанкираб қолса керак-да бояқишлиар.

\* \* \*

Аёлларнинг кир ювиши эркакларнинг омочда ер ҳайдашига тўйри келармиш.

\* \* \*

Ҳар дардга бир даво, деб илгари эҳтироси кучли аёлларга бақа гўшти едириларкан.

\* \* \*

Бир жувон эрига деяпти:

— Сиз ўзи қанака эркаксиз? Қачон аямникига бораман, десам дарров хўп дейсиз. Эркаклар хотинини онасиникида бир кечаем ётқизмай олиб келишаркан. Сиз бўлсангиз, аямларникида икки-уч кунлаб қолиб кетсам ҳам ишингиз йўқ... Эркак кишини кўзи чақнаб, эти дириллаб турса, хотинини кувиб юрса!..

\* \* \*

Шахмат аёлга ўхшайди: ишкибоз эркак вақти кетиб, қанча зарур ишларнинг бошига сув қуйилиб, гоҳида асаблари хуруж қилганида, бас, энди минбаъд ўйнамаганим бўлсин, дейдию, бир оз муддатдан кейин, шахматни кўрса яна ўйнагиси келаверади.

\* \* \*

Қиз-аёллар кўкламга чиқишадиу, тўғонда димланиб ётган сув яйраб оқа бошлагандек, ёппасига оғир кийимларини улоктиришиб, енгил нафас оладилар.

\* \* \*

Сухбатдан:

— Кино, видео, телевизор «севги», «муҳаббат» деган сўзларнинг кадр-кимматини шу кадар тушириб юбордики, ким билсин, бу қадр-киммат энди яна ўз шоҳсупасига қандай қилиб қайта чиқаркин?

— Умуман қайта чиқармикин, денг...

\* \* \*

Гўзалликни хусусан аёллар ўта нисбий тушунадилар, шунинг учун улар ўзларини ҳар кўйга, ҳар макомга солиб ўйнайдилар.

\* \* \*

Кийимини тез-тез ўзгартириб турадиган аёлнинг фикри  
хам тез-тез ўзгариб турса керак.

\* \* \*

«Мұхаббатнинг кўзи кўр», дейдилар. Ошик ана шу кўр  
кўзни очмоги керак.

\* \* \*

Яланғоч тўзаллик эктиросни мажрух қиласди.

\* \* \*

Эркаклар маколи: хотинлар бугунни ўйлар, эр – эрта-  
ни.

\* \* \*

Қиз бола, аёл киши дастлабки «қармоқ»дан эс-хүшини  
йиғмадими, тамом, қачондир «илинади».

\* \* \*

Пойабзалини бир марта мойлагандан кейин уни доим  
мойлаб туриш керак. Акс ҳолда, қурукшаб, буруша бош-  
лайди. Бўялган юз ҳам шунақа.

\* \* \*

Шундай кўзлар бўладики, уларга қараб туриб ножоиз  
гапиришга, ножёя хатти-харакатлар қилишга сирайм боти-  
нолмайсан. Шундай кўзлар бўладики, улар нафратингни,  
ғазабингни қўзғотади. Кўзлар ўз эгасининг кимлигини,  
канакалигини кўрсатиб турадиган кўзгудир.

\* \* \*

Сир саклашга боладан ишончлиси йўқ. Бу борада аёл  
иккинчи, эркак учинчи ўринда туради.

\* \* \*

Хотин кишининг хиёнатдан бошқа ҳамма гуноҳини, ҳар  
кандай айбини кечириш мумкин, десак аёллар ҳовликиб  
кетишмасмикин?

\* \* \*

Аёлларда эктирос шунинг учун кучли бўладики, улар  
мехрини изхор этиб, эктиросини енгиллаштириб туролмай-  
дилар. Бу эктирос тўғонда димланиб турган сувга ўхшайди.



Кимга, нимага меҳр қўймокчи бўлсанг, ўшандан узокроқ юр.



Қиз-аёллар ғаразли қараш билан ҳавасли қарашни, хирсли қараш билан ҳисли қарашни ҳар доим ҳам ажратавермайдилар.



— Аёллар жуда айниб кетди-да.

— Эркаклар айнимабдими? Эртарок туғилганингизгаям шукр килинг, хали бундан баттар замонлар келади, шекилли...



Ҳар қандай пардоз замираиди кимларгадир ёкиш майли бор, кимларгадир ёкиш истаги замираиди у ёки бу даражада хирсий майл йўқ эмас. Мазмун-моҳиятини англамай, бошқаларга тақлидан ўзига оро берувчилар ҳам бўлиши мумкин, лекин кам.



Туйғуларим, жон берсанг майли —  
Мухаббатнинг оғушида жим.



Сен бор сирингни айтмайсан унга,  
У ҳам очмас ҳеч қачон  
Сен учун энг мухим бўлган сирини —  
Муроса учун.



Кўзлар карири, нигохлар карири,  
Кариб борар лаблар, дудоклар...  
Эҳ, одамзот чидашга маҳкум —  
Кўра туриб гўзалликнинг  
Шундок кўз олдида  
Кариётганин.



Гуллигидан тонади гул —  
Эркак деган зотнинг сўкир,  
хумбошлигидан.

\* \* \*

Амалдор аёлнинг дадил юриш-туришида, bemalol va shaaraklab kулишида «хотин киши бўлсан ҳам анча-мунча эркаклардан нуфузим катта» деган маъно сезилиб туради. Шунингдек, бу кулгида назокат, жозиба етишмайди.

\* \* \*

Мухаббатсиз турмуш ҳали у кадар қабоҳат эмас, ҳакиқий қабоҳат меҳрсиз, ишончсиз турмушдир.

\* \* \*

Бир уйда яшаб бир-бирига доим талпиниб турадиган, сал узоклашса бир-бирини соринадиган эр-хотинлар бормикин? Агар бўлса, ана ўшалар ўртасидаги муносабат чинакам меҳр, чинакам мухаббатдир ва ана ўшалар чинакам баҳтли инсонлардир.

\* \* \*

Айрим эркакларга хос катта бир янгишув шундаки, бошқалар чатоқ, фақат менинг хотиним тўғри, деб ўйлашади.

\* \* \*

— Ҳей, мен ҳазилакам одаммасман! Фалонман! Писмадонман! — деди эр тажанг бўлиб.

— Палон бўласизми, писмадон бўласизми, энг аввало Сиз-менга эр, болаларимга отасиз, — деди хотин унинг «шохи»га уриб.

\* \* \*

Меҳрнинг бўлинганини яқинларинг сезмай қолиши мумкин эмас. Чунки яримта меҳр, яримта мухаббат ҳеч качон, ҳеч кимни қониқтирумайди. Меҳр бўлингач, шубҳасиз, хиссиётлар, эҳтирослар ҳам бўлинади, хусусан нигоҳдаги эҳтирослар — худди мана шу ҳол шубҳа уйғотади.

\* \* \*

Хунук аёлларнинг хунуклиги эмас, балки уларнинг бачкана ва ярашиксиз қиликлари, яъни «никоблари» кўпроқ гашни келтиради.

\* \* \*

Инсон ибрат олиши лозим бўлган далил: урғочи бўри бир йилдан кейин ҳам аввал бирга бўлган эркак бўрини кидириб топаркан.

\* \* \*

Баъзи аёлларнинг сўзларидан, кўзларидан ваъдавор табассум, назокат ёғилиб туради. Эркалангандай сўзлашади. Булар жуда хавфли, эркакларни йўлдан оздирадиган хислатлардир.

\* \* \*

Уч нарса аёл зотининг жони-дили: хушомад, совға, ёлрон ваъда...

\* \* \*

Аёлга комат керак, йигитга – омад.

\* \* \*

«Хар кимнинг хотини ўзига тўғри».

\* \* \*

Аёллар эркак кишига икки даврда ниҳоятда гўзал кўри надилар: бир кучга тўлган даврида, бир кучдан колаётганида.

\* \* \*

Эркак кишининг эркак пайқамаган эркагона хислатларини аёл киши тез пайқайди.

\* \* \*

Ақлли аёлнинг хунуклигига тоқат қилиш мумкин, аммо чиройли аёлнинг ақлсизлигига тоқат қилиш қийин.

\* \* \*

Қаловини топган қаллоб ҳар қандай иродали, пок аёлни ҳам йўлдан уриши мумкин. Қаллоблардан узокрок юринг...

\* \* \*

Мухаббат – тўйгача, тўйдан кейин меҳр ҳам керак. Мухаббат билан меҳр бир нарса эмас.

\* \* \*

Ёмон одам қаттиқ яхши кўра оладими?  
Яхши одам каттиқ ёмон кўра оладими?

\* \* \*

Мухаббат, Садоқат борасида бошидан анча-мунча исик-совук ўтган, бу ширин ва азобли туйғулар гирдобига тушиб чиқкан кишилар гапирса ярашади, дейишади. Лекин ёшлар ҳам ўз тажрибасизликларидан, шошқалоқликлари-

дан иборат кечинмаларини ўртоқлашилари, шоху гадога баробар ҳиссиётлар хусусида ўз фикрлари, тушунчалари, тасаввурларини баён этишлари мумкин-ку.

\* \* \*

Аёл кишининг лаблари қаригандек, эркак кишининг кўзлари хам қарийди.

\* \* \*

Яқинлик – муҳаббатнинг физиологик ифодаси.

\* \* \*

Келажак авлоднинг соғлири – аёлларнинг соғлирига боғлиқ.

\* \* \*

Бўялиб юрадиган аёл табиий равишда икки юзли бўлиб колади.

\* \* \*

Хиёнат – садоқатнинг кушандаси, уни емириб ташлайди.

Хушомад – хиёнат билан эгизак.

\* \* \*

Асли эркак кишида ҳасад ва худбинлик жуда оз дараждада бўлади, лекин хотин минғирлаб норозилик билдиравериб, бошқаларни рўкач қиласвериб эркакни худбин ва ҳасадгўй қилиб кўяди.

\* \* \*

Аёл зотининг муҳаббатига қаршилик қанча кучайса, у шунча ўт олади.

\* \* \*

Эҳтирослар жўш урган пайтда эркак аёлга, жавоби қандай бўлишини била туриб, эркаланиб ва эркалаб шундай бемаъни, бачканага саволлар берадики, кейинчалик ўзининг бу ахмоқона саволларидан уялиб юради.

\* \* \*

Аёл кишининг факат сенгагина вафодорлик қилаётгани тўғрисидаги писандаси остида, шубҳасиз таъма ётади.

\* \* \*

Бола тарбиясининг бузилиши сабабларидан бири – онанинг унга ўз меҳр-муҳаббатини изкор қилмай туролмаслигидир.

\* \* \*

Меъёрдан ўта ошиклик (асли-ку ошикликтининг меъёри йўғ-а!) ва бу ошиклик ҳолатининг маҳбубага бутунлай ошкор этилиши охир-окибат ошиқнинг исроф килинишига, муҳаббатнинг вайрон бўлишига олиб боради.

\* \* \*

Ёш ва бошқа жиҳатлардан номутаносиб, устига-устак оиласи аёл ёки эркакни яхши кўриб колиш ўта кетган тентакликдир балки. Лекин, шуниси борки, бундай тентаклик йўлига ҳеч ким ўз ихтиёри билан кирмайди, энг хавфлиси – у кўчадан осонликча қайтиб чиқолмайди.

\* \* \*

Эр-хотинларнинг нега мурosalари келишавермайди, деб ажабланишади. Ахир улар икки хил жинсдан-ку (манфий ва мусбат каби), янам шунчалик бирга яшаб кетишларига қойил қолиш керак...

\* \* \*

Ошик-маъшуклар бисотидаги ва ҳатто ўзбек тилидаги энг сийқа, энг арzon сўзлардан бири «жоним»дир.

\* \* \*

Оила қуриш ҳам умрнинг ўзи каби мубҳам бир ҳолдир, гўё икковлон кимсасиз саҳрого тушиб қолишгану бир амаллаб йўл топиб чиқиб кетишлари керак, бунинг учун аввалио акл-идрок билан иш тутиш, ва албатта, ҳамроҳнинг ким ва қандайлиги муҳимдир.

\* \* \*

Муҳаббатсиз яшаманг, лекин унга бутунлай қул бўлиб ҳам қолманг.

\* \* \*

Хотинлардаги эрига нисбатан рашк ва ҳасад улардаги бошқа ҳар қандай инсоний хислатлардан кучли ва устундир.

\* \* \*

Йигит учун қиз баъзан шундокқина ёнгинасида шаркираб отилиб чиқиб булокдай, истаган пайтида хохлаганча ҳовучлаб ичиб, ташналигини қондириши мумкиндай, баъзан эса ўзидан жуда олисда жимиirlаб кўринаётган сарробдай туюлади.

\* \* \*

Баъзи аёллар бўлади: «чакки босиш» – номус, деган ақидага қатъий риоя қиласидилар ва бундай «тартиб» жорий этилганидан хуноб бўлиб, лоақал тилни «чакки» айлантириб хумордан чикадилар.

\* \* \*

Хотиннинг яхшиси жаннат, ёмони – дўзах.

\* \* \*

Дўппи чеварлари эркаклар дўпписининг астарига ўз лоимларининг оғидан қўшмаса дўппи харидоргир бўлмас эмиш...

\* \* \*

Хотин кишининг оқила, бамаъниси – пардознинг, кулгининг меъёрини, ўрнини, вактини билгани, кийимнинг ўзига ярашганини фарқлай олгани, хушомадга эриб кетишдан ўзини тутганидир.

\* \* \*

Зодагонлар хонадонига мансуб ўта маданиятли эркаклар (айтайлик, ўн тўккизинчи аср, Оврўпода, хусусан Франгистонда) хотинларига пойи-пatak бўлар, уларни ниҳоят даражада севиб-эъзозлашар, каломига таъзим қилиб, кўйлаги барини, ҳатто оёкларини ўпар, улар хизматига бир неча чўри, оксоҳ биркитиб кўярдилар. Бунинг эвазига эса ойимтилла хонимлар шўрлик, нотавон эрларни хиёнат билан «сийлашарди».

\* \* \*

Сурлик билан, зўрлик билан аёл зотининг вужудини таслим қилиш мумкин, калбини эса – йўқ!

\* \* \*

Бизда кўйди-чиқди кўплигининг асосий сабаб, илдизларидан бири – аёлларимизнинг уйда ўзига қарамай, кўчага ясаниб, ороланиб чиқишига бориб тақалади. Лекин афсуски, жуда ҳам оддий бўлган бу хакиқатни тан олишмайди, бу хакда бош қотиришмайди.

\* \* \*

Аёл зоти шундай ҳалқки, ўзининг афти-ангорини кўзгуда миллион марта кўриб, «париваш, хурилиқ» эмаслигига ишончи минг бор комил бўлган бўлса ҳам, сал мақтов

эшитса, дарров ўзини яна кўзгуга сола бошлайди ва «хурилиқолик» белгилари, аломатларини қидиришга тушади, уларни йўқдан йўндириб топади ҳам.

\* \* \*

Йигитларнинг қизлар кўнглини овлаш услублари ўз феъл-авторларидан келиб чикиб, турлича бўлади. Юмшок кўнгил, бесабр, мулоимлар кўпинча хушомад йўлини тутадилар, мижози суст, димоғдорлар эса, аксинча кибр ва беписандликни кўллайдилар. Яна бир тоифа бепарво ва бе-эътибор бўлмокни истайдилару, уддалай олмайдилар. Кизаёллар олдида уларнинг тиллари беихтиёр ечилиб кетганини ўзлари ҳам сезмай коладилар. Лекин ҳар тоифани ҳам ўз хуш кўрувчилари бўлиши турган гап.

\* \* \*

Ўзбекнинг атласи кампирниям қиздай кўрсатади.

\* \* \*

Аксарият аёллар эркаклар билан сухбатда ўзларининг ёши ўтиб қолганини писанда килиб кўядилар ва эркакнинг албатта бу гапга эътироz билдиришини, ҳали ўн гулингиздан бир гулингиз очилгани йўқ, деб ёлғон гапиришини кутадилар.

\* \* \*

Гўзаллик кўнгилга тегмаслиги учун уни узокрокдан, ҳар замон-ҳар замонда кўриб, баҳра олиб турмок кифоя. Ҳар қандай, ҳар қанча олий, бетакрор, бетимсол гўзаллик ҳам, агар сенинг ихтиёрингда, лоақал ёнингда бўлса ҳам бора-бора оддий нарсага айланади. Мухаббатнинг омадсизлиги, фожиаси ҳам гўзалликнинг ўткинчилиги, нисбийлигиди!

\* \* \*

Киз-аёлларга биронта кўйлагини мактаб, сизга жуда ярашибди, деб кўйсанг, доим ўша лиbosда кўринишга харат қиласди.

\* \* \*

- Сочни корайтириш чораси топилмаяпти-ку.
- Агар шу нарса топилса, кампирларгаям худо берарди.

\* \* \*

Бети очилмаган йигит қиздан кўра хаёлирок бўлади.

\* \* \*

Аёлларда бир хусусият бор: эрларини эркакларга ёмон-  
лайдио, хотинларга мактайди.

\* \* \*

Дунёдаги энг юкумли касаллик – аёллар ўртасида хар  
маънодаги мўдадир.

\* \* \*

Хотин киши ўзга эркакка ўз эридан нолий бошладими,  
тамом...

\* \* \*

«Ичингдан илон тушса, белингга бойла», дейди оналар.

\* \* \*

Хотин нози ғашга тегар,  
Ўйнаш нози бошни эгар.

\* \* \*

«Онангни отангга бепардоз кўрсатма», дейишган экану,  
«бехаё кўрсатма» дейишмаган экан-да машойихлар.

\* \* \*

Аёллик шу кадар кудратли жозибага эгаки, эркак зоти  
унинг ҳатто девордаги, коғоздаги жонсиз тасвирига ҳам бе-  
фарқ каролмайди. Зотан, азал-азалдан жуда танг низолар-  
га, жиддий тўқнашувларга киз-аёлларнинг гоҳида хусни-ла-  
тофати, гоҳида тантклиги, гоҳида иффат-номуси боис  
бўлган.

\* \* \*

Кўчадаги баъзи аёллар ким баданинг кўпроқ жойини  
очиб юришдан бас бойлашганга ўхшайдилар.

\* \* \*

Энг гўзал аёл – пардозсиз жозибали аёлдир.

\* \* \*

Киз боланинг отасига тикка караб: «Мен фалончига эр-  
га тегмоқчиман», дейиши қолоқликдан чиқиб, маданиятга  
эришганлик ифодаси эмас!

\* \* \*

Оддий, аммо эътиборсиз ҳақиқатлардан яна бири: эр-  
как киши «шир яланг» аёлга икки-уч марта караса «тўяди»,

ростмана кийимдаги чиройли аёлга эса қарагиси келаверади, ана шу кийим ичидә ажыб бир гўзаллик яширгандай туюлаверади.

\* \* \*

Маъшукалар шундай содда бўлишадики, ошикларнинг юлдуз ваъда килишларига чиппа-чин ишонишиб, эриб кетадилар.

\* \* \*

Кино, видеоларнинг саноқли яратувчилари ўзларининг шахсий манфаатдорлиги йўлида бутун юрт, бутун миллат, бутун дунё киз-аёлларининг ифрат-ҳаёсини, асл гўзаллик кадр-қимматини ҳеч хижолат бўймасдан қурбон килиб юборадилар. Ахир ҳаёсиз лавхаларнинг санъат ривожига мутлақо дахли йўқ-ку!

\* \* \*

Мухабbat – туйгулар ичидә энг маккор, энг доғули, энг шафкатсиэидир. У аввалига сирли ва сехрли жозибаси, навозишлари билан ўзига банди килиб олади-да, кейин сени хоҳлаган кўйига солади ва охир-оқибат хароб қилади.

\* \* \*

Ёшликдаги, ўрта ёшдаги муҳабbat эҳтирослар тўлқинининг гупуриши, чайқалишидир.

\* \* \*

Ишқу эҳтиросдан узок деб ўйлаб юрганим бир кимса иттифоко, соғинмай, севмай яшаш накадар зерикарли, маънисиз эканлиги тўғрисида сўзлаб қолди. Демак, у ҳам илгари, ҳеч кимни астойдил севмайман, деб юрган пайтларида ҳам барибир кимнидир яхши кўрган, уни ўйлаган, соғинган, қўмсаган, талпинган, унинг хаёли билан яшаган...

\* \* \*

Бир хотин мардикорликка кетаётган эрига атлас лозим буюрган экан.

\* \* \*

Баъзи аёлларнинг кийиниши ва ўзини тутиши хисхавасни эмас, хирсни кўзгайди. Ҳусн кемтигини, агар шундай хисоблашса, яланг тана билан қоплаб бўлмайди-ку.

\* \* \*

Аёл зотининг эркакларга нисбатан узокрок яшаши борасидаги оддий хулосалар:

- оила боқиши, рўзғор тебратиш ташвиши кам (афсуски шу сабаб нисбати шиддат билан ўзгариб боряпти);
- югуриб-елиб, кўп харакат қиласилар;
- ғам-андухни тез унтишади; кўп йиглаб, кўнгиллари-даги мусибат зардобларини кўз ёшлари билан чикариб юборади, бир зумда бир-бирлари билан чакчаклашиб кети-шаверади ва кўп ҳангомалашади.

\* \* \*

Мұхаббат бу ота-боболар конида жўш урган эхтирос-ларнинг келажак авлод томирларида, конида жунбушта ке-лишидир.

\* \* \*

Мұхаббат ҳам денгиз тўлқинларига ўхшайди: гоҳ мавжланиб, гоҳ пасайиб туради.

\* \* \*

Эркак кишининг соғлигига ва умрига зомин бўладиган иккита ашаддий душман бор – бири – ёмон хотин, иккинчиши яхши овкат.

\* \* \*

Дунёда энг кучли қурол аёл гўзаллиги ва карашмаси-дир, бу қуроллар билан ҳар қандай «ғаним»ни маҳв этиш мумкин.

\* \* \*

Чимилдиқка кирган лаҳзада Парвардигор йигитнинг ота-онага бўлган меҳрининг бешдан тўрт қисмини келинга олиб берармиш. Бу аламли, аччик чора балки оила мустаҳкамлигининг асосидир, мусулмончилик, шариатнинг пухта ўйланган қонунидир. Ва лекин, ҳар қандай қонун-нинг истисноси бўлганидек, бу ашаддий чорани юмшатиш иложи ҳам бор эмиш: банда дегани ҳар амалга ирим ё ҳар иримга чора топади. Йигит чимилдиқка кириб кетаётган пайти остоңага етганда ота-она бирга туриб, униси ё буни-си ўғлини чакириб, «оркангга бир қараб кўй» дейиши ке-рак эмиш. Шунда йигитнинг жўшқин эхтироси бўлинниб, ота-онасига кўзи тушиб, бир кисм меҳри қолармиш.

\* \* \*

Киз-жуvonларнинг жалб этиш мумкин бўлган жойлари-ни сездириб, намойиш этиб юришга уринишлари уларда эхтирос ва иштиёқнинг эркаклардагига нисбатан кучлили-гига далолатдир. Шунингдек, бу хатти-харакатлар улар-

нинг ожизалиги аломати ҳамдир. Улар сўз котолмайдилар, даъват этолмайдилар, элчи қўёлмайдилар, балки ишора киладилар, умидвор бўладилар, кутадилар...

\* \* \*

Хаё, иффат сирдонларини мумкин қадар очиб, намойиш килиб юриш русумга, фахрга айланмиш... Нахот?!.

\* \* \*

Мұхаббат кўланкага ўхшайди: қуваласанг кочади, кочсанг қувалайди.

\* \* \*

Хотини ўлган эркакларнинг аксарияти кўп ўтмай танмаҳрами ортидан жўнаб қоладилар, эри ўлган аёлларнинг аксарияти bemalol яшайверадилар. Бунда қандай қонуният амал киларкин?..

\* \* \*

Ижодкорга, олимга хотин бўлиш кийин, деб кўп гапирадилар, ана шу хотинларга хўб ачинадилар, ҳамдардлик билдирадилар, уларни салкам қаҳрамон даражасига кўтаратилар, лекин аёл деган ғоят кўп киррали, сирғанчик зотга эр бўлиш заҳмати, машақкати хақида лом-мим демайдилар.

\* \* \*

Икки аёл бир бўлдими, қай бир эркакка карши иттифок тузишади.

\* \* \*

Аёллар мақоли:  
Эринг топганини ўйнаб ейсан,  
Ўғлинг топганини ўйлаб ейсан.

\* \* \*

Эгачи-сингил учрашганда ой билан кун ҳам тўхтаб колар экан.

## **Бадий ижод, умуман адабиёт хусусида**

Ўзингнинг юрагингдан чикмаган шеър қандай килиб бошқаларнинг юрагига кириб бора олади? Коринни ўлаб, кориндан чиккан шеърнинг борадиган жойи маълум...

\* \* \*

Хаёл суриш – ижодкор учун энг лаззатли умрдир.

\* \* \*

Бадий асарда ишсиз қолган қаҳрамон бўлар-бўлмас юмушлар билан шуғулланиб қанча зерикса, шу жойларда ўкувчининг ҳам зерикиши турган гап.

\* \* \*

Насрий асар қанча тез ўқилса, шунча яхши, шеърий асар қанча секин ўқилса, шунча яхши.

\* \* \*

Баъзи ижодкорлар малакали улокчиларга ўхшайдилар: мавзуни топиб олдими, ярим йўлгачами, манзилгачами бир амаллаб етказишади. Одатда улокқа улоқчиларнинг баъзилари соврин учун, баъзилари ишқибозлик, кўнгил очиш учун тушишади.

\* \* \*

Аксарият асарларда хотин-қизлар иккинчи даражали қаҳрамонлар сифатида, эркаклар характерини очиш, воқеа ривожига воситачи сифатида тасвирланади.

\* \* \*

Айрим ёзувчиларнинг... харжта хасислигини кечириш мумкин, чунки бу – сўзга хасислик оқибатидир. (*Ҳазил*.)

\* \* \*

Бадийликдан йирок асар сомон қўшилмаган лойга ўхшайди: ғўраша ва үқаланиб туради.

\* \* \*

Бадий асарлардаги «нечундир», «нимагадир» деган сўзлар китобхоннинг ғашига тегади. Чунки «нечун»лиги бир жумла олдин баён қилинган бўлади.

\* \* \*

Баъзи истеъдодсиз, танқид кор қилмас ёзувчи-шоирлар магнитли қўйирчокка ўхшайди. Ҳар қанча зарб билан йикитишса ҳам яна дик этиб ростланиб олаверади.

\* \* \*

Катта йўл, анхорлардан четроқда, ичкарироқда оқаётган жилгалар бўлади. Улар кўпинча у ер-бу ерда димланиб, хали ўёкка, хали бу ёкка ўрмалаб, тўсикларга учраб, асосий оқимга анча кеч етиб келиб қўшилади.

\* \* \*

Ёзувчи-шоирлар, мақоланавислар, умуман ижод аҳли ўз асарларида куйиб-пишиб ҳаётда фаровонлик ва инсоннинг толеи учун гов бўлиб турган кимсаларни ё халақит берётган камчиликлар, қусур ва хатоликларни танкид килишади. Лекин минг афсуски айнан ўша камчиликларни содир этаётганлар ва шу масалалар билан шуғулланиши лозим бўлганлар бадиий адабиётнинг, умуман китоб деган нарсанинг якинига ҳам йўламайдилар, кайтага, коғозни бехудага исроф килиш бу, дейдилар. Мабодо биронтаси манави китобда сизга ўхшаганларни ёзибди, деса, пешанасини тиришириб, бурнини жийириб: ит хуради, карвон ўтади, дейди.

\* \* \*

Бадиий асар ўкиётган китобхон: «Қаҳрамон ҳозир мана бундай дейди, ҳозир мана бу ишни қиласди...» деб туради. Демак, ўқувчига аён бўлиб турган ўша татмаънони юзага олиб чикиб, китобхонни зериктиришнинг ҳожати йўқ.

\* \* \*

Адабиётга кимдир гувиллаб киради, кимдир сассиз кириб, кейин гувиллайди. Курук ўтин гувиллаб аланга олади ва ловуллаб тезда ёниб бўлади. Ҳул ўтин секин-аста кизиб ўт олади ва у босикрок, узокрок ёнади.

\* \* \*

Кўпинча ёзувчилар воқеага маъно киритмоқчи, «ројси, мақсади нима?» деган сўроқка олдиндан, онгли равишда жавоб ҳозирлаб кўймоқчи бўладилар. Воқеага қандай ғоя, мақсад, «гап» юкласам экан, деб бош котиришади. Ҳолбуки, воқеа ҳаётдан олинган, лоакал ҳаётдан сув ичган бўлса унинг ўзида табиий равишда мақсад, ғоя бўлади. Чунки хеч қандай воқеа мақсадсиз юз бермайди – ахир воқеани инсон вужудга келтиради-ку, инсоннинг эса ҳар бир кадамида, ҳар бир каломида ошкора ё пинхона мақсад бўлади. Китобхонга ёзувчининг ғоясидан кўра, ана шу воқеа иштирокчиси бўлган одам, яъни қаҳрамоннинг мақсади муҳим-рок, қизикроқдир.

\* \* \*

Тўйларда, хусусан эрталабки ош ва базм пайтларда ўртада худди жуда масъул одамлардай юрадиганлар бўла-ди. Синчиклаб кузатсангиз бирон тайнинли вазифа билан шуғулланмайдилар. Улар қандайдир мажбурият юзасидан ё ўзларини тўйбошига якин кўрсатиш ва бу яқинликни бошқаларга намойиш этиш ё шунчаки ўзини кўрсатиш учун у ёқдан бу ёкка bemаксад, бесамар бориб келадилар, хали у ерга, хали бу ерга бориб турадилар.

Адабиётда ҳам шундай персонажлар кўп!

\* \* \*

Кизларнинг овози ҳакида гап борганда «қўнгироқдай» деган сифат қўлланади. Ҳамма қўнгироқнинг овози ҳам ёқимли бўлавермаслиги мумкин-ку!

\* \* \*

Чингиз Айтматовнинг «Байдамтол соҳилларида» деган ҳикоясида Жек Лондоннинг «Сакраманто кирғокларида» ҳикоясидагига ўхшаш детал ва вазиятни, «Ок кема» қисса-сида эса япон ёзувчиси Додзай Осамунинг «Балиқ тангаси-дан либос» ҳикоясидагига ўхшаш холатни (боланинг ба-лика айланиши) кўриб, адабий таъсир шу бўлса керак, деб ўйладим.

\* \* \*

Фикр устун бўлса, сўзлар – тагсупа; жумлалар укала-ниб кетмаслиги керак.

\* \* \*

Бадий асар (шеърми, насрми...) муаллиф қалбининг кўзгуси, унинг дунёқарашлари, тафаккури, эътиқодининг бадий инъикосидир.

\* \* \*

Бадий ҳақиқатни хар бир ижодкор хар хил тушунади, хар хил талқин килади, хар хил қўллайди. Масалан, Хе-мингуэй мутлако тўқима тарафдори.

\* \* \*

Факат шоир кўриши мумкин бўлган холат ва манзара-лар, факат шоир ҳис килиши мумкин бўлган дард ва туйғулар, факат шоир айтиши мумкин бўлган фикр ва ибо-ралар бўлади.

\* \* \*

Насрий асарлар диалогида қаҳрамонлар шундай жумла-лар, иборалар ишлатиши керакки, китобхон кутганидан мутлақо бошқа, лекин ҳайрон қоладиган даражада ишонч-ли, мантикли, янги, рамзли бўлсин.

\* \* \*

Маркес, Айтматов жумлаларида психологик кечинма, тахлил, холат, манзара тасвири каштамисол тўкиб ташла-ганга ўхшайди.

\* \* \*

Ўзбек ашулачилари нимагадир бошқа ҳалқлар қўшиқларини айтишга жуда ишқибоз-да. Бу ҳам меҳ-мондўстлик, қўнгилчанликнинг бир ифодасимикин?

\* \* \*

Овоз билан куй ҳамоҳанглигининг энг зўр намунасини мен Берта Давидова ижросидаги «Муножот» ашуласида туяман. Назаримда бу қўшиқда куй билан овоз аркон каби эшилиб кетгандай...

\* \* \*

Шеър – туйғулар коришмасининг хосиласидир.

\* \* \*

Тунлар қаритади ижодкорни, тунлар,  
Қаро тунлар қаро соchlарни оқартар.

\* \* \*

Соч оқариб боради қофоз корайган сари.

\* \* \*

Темирчининг хом ашёси – темир, шоирнинг хом ашёси – сўздир, сўздан қандай буюм ясаш – унинг кобилияти, укувига борлик.

\* \* \*

Ўтган давларда бола тарбиясидаги энг катта хато ва ўйқотишимиз – панд-насиҳатнинг аҳамиятига менсимай қарашимиз бўлди. Болани бадиий адабиёт воситасида тарбиялашда ҳалқ эртакларидан ибрат олиш керак. Эртакларда эзгулик ёвузлик устидан деярли ҳамиша ғалаба қиласи. Одобли, ақлли болалар катталар ўртасида ҳурматга сазовор бўлишади, ишлари ўнгидан келиб, орзуларига, мақсадларига эришадилар. Бу холатлар китобхон, томошабин болани рағбатлантиради, уларда яхши инсон бўлиб етишиш

га қизикиш, иштиёкни кучайтиради. Шўро даврида «социалистик реализм» деган колип-методга асосланган киноларимизда, бадий асарларимиэда дидактикализлик ғояси илгари сурилиб, образлилик, типиклик шиори остида бола тарбиясига мутлақо салбий таъсир кўрсатадиган воқеаходисалар материал қилиб олинди. Бунда санъатни бола тафаккури даражасига туширмай, аксинча, бола тафаккурини санъатни тушуниш даражасига кўтариш керак, деган ақидани маҳкам тутиб олишарди. Ҳолбуки, мана шундай ғоя тарафдорларининг ўзлари ҳам эртак воқеалари, эртак қаҳрамонлари, эртак ғоялари асосида тарбия топишган.

\* \* \*

Хозирги замон жаҳон «жазава» эстрадасининг мақсадини тушунмайман. Менимча, ҳар қалай, ёшларни эзгулик руҳида тарбиялашдан иборат эмаслиги аник.

Аксарият видео фильмларни, баъзи бадий фильмларни кўрсанг, шу турдаги санъат асарининг асосий вазифаси инсонда инсонга нисбатан, унинг шафкатсизлиги ва абрахлигига нисбатан нафрат ўйрошибдан иборатдай туюлади.

\* \* \*

Илмият инсон зотини нодонликдан, бадиият жохилликдан асрайди, дейишади.

\* \* \*

Китоблар, кинолар асли тарбия учун ёзилади, ўйлаб топилади, тўқилади, лекин кўпинча мутлақо акс таъсир қилаади.

\* \* \*

Владимир Высоцкий ўзининг хаста юрагини, яъни ҳаётини санъатдан, ҳалқдан аямаган санъаткор, фидойи инсон тимсоли. Унинг ҳаётлигига қўшикларига, маҳоратига маҳлиё бўлиб, табиийки, унинг соғлири, умри ҳакида ўйлашмаган, қайғуришмаган. Мана энди унинг хотирасига бағишлиган телекўрсатувларда унинг бутун қалби, бутун вужуди билан берилиб айтишини кўрар эканмиз, бундай зўрикишларга унинг юраги яна ҳам шунча йил чидаш берган экан-да, деган фикр кўнглимиздан ўтади. Кўнглимиздан ўтадигина эмас, аник, катъий хулосага келамиз. Айтишларича, Ҳамлет рўлини у сўнгги марта 1980 йил 18 июл куни ўйнаган экан. Ўша куни унинг ҳарорати баланд бўлган экан. Спектакль давомида уч марта свитер алмаштирган экан. Лекин энг даҳшатлиси, сахна ортида врач турган.

Высоцкий юраги заифлашиб, бир неча марта саҳна ортига ўтиб укол қилдириб ўтган экан. Буни қандай баҳолаш мумкин! Ўша куни спектаклнинг кўйилиши шунчалар зарур бўлганмидийкин? Ахир уни тўхтатиш мумкин эди-ку!..

Афсуски, бизнинг Аброр Ҳидоятовнинг «Отелло»си каби Высоцкийнинг «Ҳамлет»и ҳам кино ё телетасмаларга ёзиб олинмаган экан. Лекин «Быть или не быть» монологидан парчанинг ўзиёқ Высоцкийнинг Аброр Ҳидоятов каби образга жону жаҳони билан киришиб кетганини жуда яккол кўрсатади.

Высоцкий: «Мен дўстликни – ҳар қандай шон-шуҳратдан, аёллардан, бойлиқдан, ҳатто ҳаётнинг ўзидан ҳам юқори қўяман», деган экан.

Высоцкий ҳаёти ва фаолияти Лермонтов, Пушкин, Байрон, Петефи, Есенин, Шукшин, Усмон Носир каби буюк шахсларнинг нима учун барвакт ўлиб кетишганини амалий жиҳатдан шарҳлаб берадиган ҳаётий, янги мисол бўлиб хизмат килади.

Кудратли истеъдод эгаларида юракка кўкрак кафаси тор келиб қолади, шекилли...

Высоцкийдек фидойига ҳам «ғов»лар кўп бўлган экан!..

\* \* \*

Ўз ўтмишдошларимизнинг ўз Ватанимизда битилган бебаҳо қўлёзмаларини (фото нусхасини!) бизга мутлақо алоқаси ва яқинлиги бўлмаган чет мамлакатлардан олтин баҳосига сотиб олиб келинняпти. Бундан аламлироқ, бундан аянчлироқ иш оламда йўқ!.. Бунинг сабаблари эса ҳалқнинг саводсизлиги ё бошқаларнинг жоҳиллиги ёхуд босқинчиликкина эмас...

\* \* \*

Бошқалар роҳатланмоқлари, хузур қилмоқлари учун шоир, ёзувчи, драма артисти ва бошқа ижодкор тунги, тонгги энг ширин лаҳзаларни қурбон қилади, сўз, ҳолат излаб қийналади, бунинг эвазига улар ҳамиша ҳам раҳматга сазовор бўлавермайдилар, лекин сочининг оқига, манглай ажинларига шубҳасиз сазовор бўладилар.

\* \* \*

«Замонамиз қаҳрамони» – Лермонтовнинг, ёш йигитнинг донишмандлигини намойиш этадиган асаддир.

\* \* \*

Ёшлиқда турли енгил-елпи кўшиклар, мусикаларга ру-

жу кўйиш рухнинг, туйрулар, эхтиросларнинг довдирашидир. Чунки ёш ўтган сари биз яна қадимий, мумтоз ва халқ қўшикларига, кўйларига – миллий ўзанга кайта бошлаймиз.

\* \* \*

Ўзгаларнинг қўлёзмасини таҳрир қилиш, кайта ишлаб ниҳоясига етказиш – ямокчиликдан ҳам баттар зерикарли, юракни сикадиган ишдир.

\* \* \*

Каламкаш умрининг карийб ярми қоғозлар қатида колиб кетади.

\* \* \*

Адид гапга эмас, сўэга бой бўлмоғи керак. Лекин бу дегани сифатлар ва бошка тасвирий воситаларни келса-келмаса қалаштиравериш дегани ҳам эмас.

\* \* \*

Бир оҳангда нағма қиласверса, булбул хониши ҳам ғашга тегиб кетади.

\* \* \*

Нима учун Пушкин ҳам, Лермонтов ҳам дуэлда бой беришиди? Чунки, аввало отишиш, одам ўлдириш, ваҳшийлик уларнинг касби эмас, уларнинг табиатига ёт эди. Иккинчидан, улар шоир, яъни маънавият кишилари бўлгани учун уларда раҳм-шафқат туйғуси кучли эди, мабодо, ҳар қанча мерган бўлишганида ҳам, инсон боласига ўқ узишаётганида кўллари калтирамай иложи йўқ эди.

\* \* \*

«Устоз отангдан улуғ» дейдилар. Нега? Чунки ота болани яратади, уни бокиб-ўстиради, уйлаб-жойлайди, лекин буларнинг ҳаммаси унинг бурчи. Устоз эса бирор, бирор шогирдига илм, хунар ўргатиб, унинг ризқ-рўзини таъминлайди ва жамиятга нафи тегадиган қилиб тарбиялади.

\* \* \*

Фалат ҳолат: Навоийнинг назмиёти насрига караганда мураккаброқ ва оғирроқ, Бобурда эса аксинча, шеърияти яқин ўтмиш адабий тилида битилгандай. Насри эса, хусусан «Бобурнома» тилида хозирги китобхон учун тушуниш кийин бўлган сўз ва иборалар кўпроқ учрайди, услуби ҳам мураккаброқ... Балки, Бобур шеърнинг халқчил бўлишини кўпроқ назарда тутган ва шунга харакат килгандир...

\* \* \*

Худбин, ҳасадгўй ижодкорнинг назарида бошқалар ундан ўтиб кетаётгандай, ўзи эса эътибордан четда, нималарданdir бенасиб қолаётгандай туюлаверади. Ҳолбуки, бир кимсанинг истеъдодини, шухратини, мавқе-обрўйини, укувини иккинчи бир одам ўзлаштириб ҳам, тортиб ҳам ололмайди. Ҳамма чап кўнгилнинг ок ё каролигида, истарнинг иссиқ ё совуклигида, тилнинг чучук ё заҳарлигида, яхши ё бадхулклика, Аллоҳ томонидан ато этилган ризқига, касби, амали ё мартабасига сабр қилиб, шукур келтиришда ёки ношукурликдадир. Андишасизлик исломий ақидалардан, мусулмоний эътиқоддан бехабарлик иллати, куфр замонлар касри, асоратидир. Зоро, Мұхаммад алайхиссалом «олов ўтинни егандек, ҳасад инсондаги барча яхшиликларни егувчидир», деб бежиз айтмаган.

\* \* \*

Бадий асар (хикоя, қисса, рўмон) ўқиётганингда хадеганда ёзувчининг тумшуғи чиқиб келавериб ғашингга тегмаса...

\* \* \*

Китоб – уммон, унинг тубига етган одам дуру жавохирлар теради.

\* \* \*

Баъзи ёзувчилар, мол яхши қовунни ғажиб кетгандай, зўр мавзуни «тишлаб» кўйишади.

\* \* \*

Ғафур Фуломнинг таваккалдан ё кисталангда айтиб юборган сўzlари ҳам шеър бўлиб, жарангдор кофия бўлиб кетавергандай туюлади.

\* \* \*

Кўникилган, анъанавий услубда ёзилган асар маълум маънода ҳалқ куйлари оҳангига туширилган қўшиқ матнинг ўхшайди.

\* \* \*

Бадий асар муаллифи ўз билими, тушунчаси ва тасаввуридан ошириб фикр юритолмайди.

\* \* \*

Бадииятнинг асосий вазифаси қалбдаги инқилобни, инсон рухиятида юз берган ўзгаришларни тасвирлашдан иборат.

\* \* \*

Китоб ўкиш – ижодкор учун «заправка» килиб олишдай гап.

\* \* \*

Уста созанда куракка арқон боғлаб берсанг ҳам сайратворади.

\* \* \*

Фикрлар аввалига мемондек ийманиб туради.

\* \* \*

Танқидни ўз хотининг ҳам кўтармайди.

\* \* \*

Ўзингга ёқадиган куйларни тинглаш ҳам умрнинг энг лаззатли дамларидир.

\* \* \*

Мансабдорликка асосан йўғон овоз – дағдара учун, стол муштлаш учун йўғон мушт керак. Ижодда, йўғон овоз фақат овоз кучайтиргич йўқ жойда шеър ўкиш учун керак холос.

\* \* \*

Китоб ҳам ўрта ёшгача эхтирос, завқ билан, ихтиёрий қизиқиш билан ўқилур, сўнг ақл била, мажбурият била ўқилур.

\* \* \*

Одамларни икки тоифага бўлиш мумкин: китоб ўқийдиганлар ва китоб ўқимайдиганлар. Уларнинг барча фазилату кусурлари шундан келиб чиқади.

\* \* \*

Кўп азиятлар чекишига қарамай, аксарият ижод ахлиниг умри узок бўлади, ҳар бир асари дунёга келганда умрларига умр кўшилса керак.

\* \* \*

Хозирги ўзбек шеърларининг кўпида зоҳирий маъно бору ботиний маъно йўқ.

\* \* \*

Истебдодли дегани ҳам маънавий баркамол дегани эмас.

Иззатталаблик ҳам кибрдан, яъни маънавий қашшоқликдан далолат.

\* \* \*

Кўп холларда тажриба ақлдан, илмдан устуворроқ келади. Демакки, кексаларнинг энг содда, омисида ҳам ақлли ёшларнидан кўра ҳаётий тажриба кўпроқдир.

\* \* \*

«Бобурнома» шунчаки маънавий-маданий бойлик эмас, балки турли-туман бойликлар хазинасиdir.

\* \* \*

Шўро даврида ҳам ватан ҳакида кўшиклар кўп эди ва таажжубки уларни алоҳида тоифа санъаткорлар ширасиз, баланд овозда, аксарият маълум бир муносабат билан ижро этишарди. Улар, тўғриси, руҳсиз, зерикарли кўшиклар саналарди, инчунин юракни жизиллатмасди. Мустақилликдан кейин бу мавзудаги кўшиклар янада кўпайди, уларни таникли эстрада ходимлари ҳам куйламоқда. Таажжубки, бу кўшиклар энди лирик тароналар қаторида суйиб тингланмоқда. Сабаблари: аввалги ватан қурама ватан эди, эндингиси ўзимизнинг ҳақиқий, жонажон ватанимиздир; илгариги ватан кўшиклари махсус тўқиларди, хозир юракдан, самимий ва илҳом билан битилмоқда. Ватан ҳақидаги таъсири, ҳаммабоп кўшик-шеърлар ёзишни бошлаб берган шоир эса Мухаммад Юсуф бўлди.

\* \* \*

Диний-фалсафий илмлар ичига чукурроқ кира борсанг, қайтиб чиқиб бўлмас тубсиз чохга қулаб бораётгандай хис киласан ўзингни. (Гумроҳлигингни англай борасан-да!..)

\* \* \*

Яхши китобларни қайта-қайта ўқиётганингда хотира-нинг заифлигидан ҳам хурсанд бўлиб кетасан, одам.

\* \* \*

Япон хикояларида фалсафага йўғрилган туйғулар, хис-сиётлар кучли.

\* \* \*

«Ёзувчиларга осон: курсига ўтирадию чап томондан ўнгга караб ёзаверади, уларга оқ қоғоз бўлса бас», деб ўйловчилар бор. Уларга ачинаман.

\* \* \*

Баъзан ўзинг ёзган нарсаларнинг айрим жойларини ўқиб таъсиrlаниб кетасан. Бу – мўъжизавор сўзнинг қудрати.

\* \* \*

Юракни ҳаприклирадиган мухаббат қиссаларини ўқиганингда (хаётда бунақаси бундай холда учрамайди), дунёга иккинчи бор келиш умиди канчалик маънисизлигини била туриб, дилдан беихтиёр «қанийди, яна бир бор яшаш имкони бўлса...» деган армонли истак кечади.

\* \* \*

Илм бор жойда баҳс бўлади, илм йўқ жойда – ғийбат.

\* \* \*

Ватан туйғуси асосан илмга, зиёга ошноларда бўлади.

\* \* \*

Илхом – истеъдод билан иштиёқнинг уйғун келиб колишидир.

\* \* \*

Бадиий асар жумлалари шундок равон бўлсаки, ўзингизни худди сокин денгизда сол билан сузиб бораётгандай хис этсангиз. Айрим китобларни ўқиганингизда шудгорда ўдаланиб юргандек машаккат тортасиз.

## МУНДАРИЖА

### ХИКОЯЛАР

Балик ови . . . . .	3
Сохилда . . . . .	11
Яшил барг . . . . .	17
Бир кеча – минг кеча . . . . .	25
Күнгил күчалари . . . . .	34
Эгасини топмаган насиба . . . . .	46
Соринч . . . . .	53
Аlam . . . . .	63
Эх, Дилбар, Дилбар... . . . . .	84
Зор-интизор . . . . .	99
Аёл . . . . .	120
Кизил гуллар . . . . .	125
Юрак . . . . .	146
Коркиз . . . . .	157
Күзлари шахло . . . . .	165
Таъзиқ чизиги ёхуд кушлар хиёнат қилмайды . . . . .	169
Гаров . . . . .	187
Мұхаббат . . . . .	201
Эски соат . . . . .	207
Хилват сўқмоқдаги ёлғиз тош . . . . .	216

### КИССА

Орзумандлар . . . . .	230
АДАБИЙ МУЛОҲАЗАЛАР . . . . .	317
ДИЛДА ТУГИЛГАН ГАПЛАР . . . . .	327

## **ҚАМЧИБЕК КЕНЖА**

## **САЙЛАНМА**

*II-китоб*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент—2007

Мухаррир *Ш. Эргашева*  
Бадиий мухаррир *Т. Каноатов*  
Техник мухаррир *Р. Бобохонова*  
Сахифаловчи *М. Атхамова*  
Мусаххих *А. Зокиров*

Теришга берилди 5.10.2006. Босишга руҳсат этилди 02.04.2007.  
Бичими 84x108<sup>1</sup>/м. «AntiquaUz» гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоги 19,32. Нашриёт-хисоб табоги 17,8. Адади 3000. Буюртма  
№ 3082. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонаси 100083. Тошкент шаҳри Буюк Турун 41**